



Шарк Ҷолағузи

Ойлик адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

1.1983

52-йил чиқиши

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

Мундарижа

Талъат Солиев, Файзи Шоҳисмоилов. Тинчликнинг музаффар байроқлари	3
Одил Ёқубов. Кўхна дунё. Роман	8

ШЕЪРИЯТ

Муҳаммад Солиҳ. Қор ёғар экан	109
Тоҳир Қаҳҳор. Умрнинг бир йили	111
Рўзимат Отаев. Қизил олма	114

ҲИКОЯЛАР

Борис Пармузин. Заминнинг яхши одамлари. Воқеий ҳикоя	116
Фаттоҳ Зоҳидов. Оёқ остидаги дур	129
Сўнгги парвоз	136

МУШОИРА

Муҳаммад Юсуф. Қуллуқ; Венера Иброҳимова. Илтижо; Замира Эгамбердиева. Огоҳ бўл; Шокир Жуманиёзов. Манзара; Манзура Эгамбердиева. Қўнгил; Олқор Дамин. Онанинг сўзи; Гули Нигор. Сен ҳақингда; Маҳбуба Ҳамроева. Гоҳо умрларни яримлатар ҳам	144—147
Ирина Ракша. Уй эгаси билан	148

КПСС МАЙ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ЖАСОРАТГА ЧОРЛАЙДИ

Тўхтамиш Боймиров. Дашт — тўкин дастурхон	170
---	-----

ПУБЛИЦИСТИКА

Ғуломқодир Рашидов. Социализмнинг шарқдаги машъали	175
--	-----

ҒАФУР ҒУЛОМНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Александр Наумов. Ижоднинг асл моҳияти	180
--	-----

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

Маҳмудали Юнусов. Ҳаёт билан ҳамнафас	190
Умарали Норматов, Нажмиддин Комилов. Хосиятли қалам эгаси...	192
Нуъмон Раҳимжонов. Ҳассос олим	193

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Розия Мамажонова. Келажакка мактублар	194
Насим Намозов. Ўзбек диёрида икки йил	195

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Салоҳиддин Мамажонов. Оҳангдошлик	199
Янги йил ҳазиллари	204
Маданий ҳаёт	206
Адабий журналлар январь ойида	207

Талъат Солiev,
Файзи Шоҳисмоилов

ТИНЧЛИКНИНГ МУЗАФФАР БАЙРОҚЛАРИ

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўст мамлакатлар планетамиз тинчликсевар кучлари билан ҳамкорликда термомядро ҳалокати хавфига қарши курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

Қутлуғ байрам — ССР Иттифоқи ташкил этилганининг 60 йиллигини кенг нишонлаган мамлакатимиз Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашдек олижаноб ишга ўзининг муносиб ва таъсирли ҳиссасини изчил қўшиб келяпти. Бу муҳим соҳада 1982 йилда ҳам салмоқли ишлар қилинди. СССР қардош социалистик ҳамдўст мамлакатлар билан ҳамкорликда халқаро империализмнинг социализм, демократия ва тинчликка қарши барча иғволарини фoш қилиб турди; жаҳон сиёсатининг ечилмаган масалаларини музокаралар столи ёнида тезроқ, адолатли ҳал қилиш учун ўзининг халқаро обрў-имкониятларини ҳолисона ишга солди.

1982 йил, аввало, Совет Иттифоқининг шонли 60 йиллиги ва дунёда биринчи социалистик мамлакат илгари сурган тинчлик ташаббуслари йили бўлди. Ядровий қуроолларни чеклаш ва ялпи қуролсизланишни амалга ошириш, Совет — Америка муносабатларини яхшилаш, Яқин Шарқда давом этиб келаётган тангликни тезроқ тугатиш, турли сиёсий-ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш, Европа, Осиё ва бошқа регионларда ҳамкорликни кенг ёйиш каби масалалар тинчликсевар ленинча совет ташқи сиёсатининг бутун йил давомида диққат марказида турди. Совет делегациялари Вена, Женева ва Мадриддаги учрашувларда ана шу йўлдан бордилар. Тинчликни кўзловчи олижаноб таклифлар Л. И. Брежневнинг совет касаба союзларининг XVII ва ВЛКСМнинг XIX съезларида, Тошкент ва Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқларида илгари сурилди ва жаҳонга маълум қилинди. Бу муътабар қадамлар жаҳон жамоатчилиги томонидан, табиийки, тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун қўшилган катта ҳисса деб маъқулланди ва қизгин кутиб олинди. Шундай қилиб, социалистик дунё планетамиздаги энг таъсирли куч, тинчлик, социализм, демократия ва прогресс учун олиб бори-

лаётган курашнинг мустаҳкам истеҳкоми ва байроқдори бўлиб турибди.

1982 йилда қардош социалистик мамлакатларнинг, жумладан Совет Иттифоқининг экономикаси янги доволардан ошди. Об-ҳавонинг ноқулай келишига қарамай, мамлакат хўжалигининг аграр секторидида планда иўрсатилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Саноат иўшлаб чиқаришида ҳам асосий кўрсаткичлар бўйича XI беш йилликнинг иккинчи йили планлари бажарилди. Бошқа соҳаларда ҳам қувончли воқеалар кўзга ташланади. Мана бир мисол: 1982 йилнинг 9—10 май кунлари жасур совет альпинистлари дунёнинг энг баланд нуқтаси — Эверест чўққисини (8882 метр) забт қилдилар. Бу гўё она Ватанимизнинг доимо юқорилаб бораётганлиги ифодасидай бўлди.

Капитализмга, империализмнинг неоколониалистик сиёсатига қарши шиддатли синфий жанглар олиб бораётган миллион-миллион курашчилар социализм тимсолида ўзларининг бахтли келажакларини кўрмоқдалар. Чунки социализм капитализмдан афзаллигини кунмакун, ойма-ой, йилма-йил намоён қилмоқда.

Совет Иттифоқи билан социалистик ҳамдўст мамлакатлар раҳбарлари ўртасида 1982 йилнинг ёзида Қримда бўлиб ўтган дўстона учрашувлар шу нуқтаи назардан алоҳида мазмун ва аҳамият кашф этди. Ушбу учрашувлар пайтида қардош социалистик давлатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланаётганлиги, бу иш, ўз навбатида, бутун дунёдаги аҳволга ижобий таъсир қилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Учрашувлар чоғида халқро аҳвол масалалари ҳам кўриб чиқилди. Шу нарса кўрсатиб ўтилдики, империализмнинг айби билан планетамизда уруш хавфи, кескинлик сақланиб қолмоқда. Евузлик тарафдорлари Ер курашининг гоҳ у, гоҳ бу нуқталарида турли ифвогарликларга қўл урмоқдалар, ҳарбий васвасани авж олдириш йўли билан ядровий тўқнашув хавфини кучайтирмоқдалар. Ана шундай шароитда тинчликни сақлаш учун социалистик давлатлар ҳамкорлиги ва бирлигининг янада мустаҳкамланиши, қардош мамлакатлар ташқи сиёсатларининг яқиндан ҳамкорлиги қилиши муҳим роль ўйнамоқда.

Совет Иттифоқи Хитой Халқ Республикаси билан ҳам муносабатларни нормаллаштиришга интилоқда. Л. И. Брежневнинг 1982 йилнинг июнь ва сентябрь ойларида Тошкент ва Бокудаги тантаналарда сўзлаган нутқларида бу истак билдириб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам икки мамлакат ўртасидаги алоқаларнинг яхшиланиши Осиё, умуман, бутун дунёдаги халқро аҳволга, тинчлик ишига ижобий ва салмоқли таъсир кўрсатган бўлар эди.

Совет Иттифоқи Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар билан энг муҳим соҳалардаги алоқа ва ҳамкорлигини 1982 йилда ҳам оғишмай амалга оширди. Ўтган ўша йилда юз берган воқеалар советлар мамлакатининг Осиё, Африка ва бошқа қитъалар халқлари ҳаётининг осойишта бўлиши учун ҳам алоҳида ўрин тутаётганлигини кўрсатди. Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўст мамлакатларнинг ёрдамига ва қўллаб-қувватлашига таянган Осиё ва Африка халқлари бахтли келажак учун кураш олиб бормоқдалар. Социалистик Ватанимизнинг иқтисодий қурилишдаги, миллий масалани ҳал қилишдаги тарихий ғалабалари уларга намуна ва илҳом манбаи бўлмоқда.

Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ЯХДР Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси ва Бош министри А. Н. Муҳаммад, Ҳиндистон Бош Министри Индира Ганди 1982 йилнинг кузида расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлдилар. Дўстона алоқалар туфайли тинмай мустаҳкамланиб бораётган Совет-Ҳиндистон алоқалари бугунги кунда буюк қитъа — Осиёда тинчликнинг муҳим омили бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи ёрдами билан Ҳиндистонда қурилган йирик металлургия комбинатлари, қатор саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари,

космосни ўзлаштиришдаги ҳамкорлик дўстона муносабатларимизнинг ёрқин мисоли бўлиб қолди.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўст мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларнинг миллий экономикаси, халқ хўжалиги, саноат ва қишлоқ хўжалиги ривожини учун яқиндан ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Масалан, 1950 йилдан 1979 йилгача Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатлар билан ривожланаётган давлатлар ўртасида товар айирбошлаш 35 мартага кўпайди. УИЕК мамлакатлари 1950 йилда ривожланаётган давлатларнинг ўттиз тўрттасига иқтисодий ва техникавий ёрдам кўрсатган бўлса, 1982 йилда бундай ҳамкорлик 92 тага етди. УИЕК иштирокида ўша мамлакатларда 5 мингга яқин саноат объектлари қурилди ва қурилмоқда, улардан 3200 таси ишга туширилди. Ана шу корхоналарда ҳозир йилига 30 миллион тонна пўлат, 60 миллион тонна кўмир ва 30 миллион тонна нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўст мамлакатлар Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳаётий аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалигини ҳам тезроқ тараққий эттириш масаласида алоҳида ташаббус кўрсатмоқдалар. Афғонистон, Жазоир, Ангола, Бирма, Эфиопия, Мали, Сурия, Демократик Яман ва бошқа давлатларда 200 та қишлоқ хўжалиги объектлари бунёд этилди. Жумладан, ўзбек мутахассислари Мозамбик ва Анголада пахтачиликни ривожлантиришда африкалик дўстларига яқиндан ёрдам беришмоқдалар. Совет Ўзбекистонидан борган агрономлар, инженерлар, ирригаторлар, ўқитувчилар ўша мамлакатларда ўзларининг интернационал бурчларини шараф билан адо этмоқдалар.

Маълумки, Ер юзиде тинчликни мустаҳкамлаш ялпи қуролсизланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Халқаро ҳаётда катта воқеа — 1982 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган, БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланишга бағишланган иккинчи махсус сессияси ҳам бунини алоҳида таъкидлаб ўтди. Сессия ўтаётган кунларда Совет ҳукумати инсониятнинг тинчлиги манфаатларини кўзлаб, янги таклиф билан чиқди: ядро қуроллини бир томонлама биринчи бўлиб қўлламаслигини тантанали равишда эълон қилди. СССРнинг бу олижаноб қарори 1982 йил 15 июнь кuni кучга кирди. Бу қарор сессия қатнашчилари томонидан ҳам, тинчликсевар кучлар томонидан ҳам қизгин маъқуллаб кутиб олинди.

Ҳозирги кунда инсоният бойлигининг катта қисми ҳарбий мақсадларга, қайта қуролланишга, янги қирғин қуролларини ишлаб чиқаришга сарфланмоқда. Жаҳон давлатларининг йиллик ҳарбий сарфлари 650 миллиард долларни ташкил қилмоқда. Куба Компартияси Марказий Комитетининг органи «Гранма» газетаси ёзганидек, империализмнинг айби билан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги кўпгина ривожланаётган давлатлар ҳам қуролланиш жараёнига жалб қилинмоқда. Кейинги ўн йил ичида уларнинг ҳарбий сарфлари икки мартага ўсди. Ҳолбуки, ўша давлатларда 600 миллион аҳоли қашшоқликда яшамоқда, юз миллионлаб одамлар ишсиз ва уй-жойсиз, 800 миллион киши саводсиз, миллионлаб инсонлар очликдан вафот этмоқда. Ўша мамлакатларнинг айримларида ҳар 15—20 минг кишига зўрға бир врач тўғри келмоқда. Ваҳоланки, бир Америка танкига кетган маблағга (500.000 доллар) ҳар бири 30 ўқувчига мўлжалланган 520 та синфни жиҳозлаш, битта қирувчи реактив самолёт (20 миллион доллар) ҳаражатига 40000 та қишлоқ дорихонаси вужудга келтириш, бир «эсминец» учун сарф бўлган маблағга (100 миллион доллар) 9 миллион аҳолиси бўлган 13 шаҳар ва 19 қишлоқ районини тўла электрлаштириш мумкин.

Қуролланиш пойгасига АҚШ раҳбарлари раҳнамолик қилмоқдалар. Президент Р. Рейган АҚШ ҳарбий-саноат комплекси измидан бориб, Пентагон тайёрлаб бераётган янги-янги программаларга имзо чекмоқда. Ҳозир мамлакатнинг ўртача йиллик ҳарбий бюджети 200 миллиард

долларни ташкил қилмоқда. Бу ҳам етмаганидек, Вашингтон 1981—1985 йилларда милитаристик мақсадларга 1,5 триллион доллар сарфлашни планлаштирмоқда.

Мамлакатда Пентагоннинг олтин погонли генераллари ва адмираллари буюртмаси билан янада даҳшатли ядровий қуроол турлари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. АҚШ Невада штатида биргина 1982 йилнинг октябрь ойигача 16 марта ер ости ядро қуроли синовини ўтказди.

Оқ уй НАТО пойтахтларини ҳам милитаризмни авж олдиришга, ҳарбий харажатларни оширишга ундамоқда.

АҚШнинг қирқинчи президенти Р. Рейганнинг ҳокимият тепасига келганига 2 йил бўлди. Лекин шуни айтиш керакки, Оқ уй раҳбари шу фурсат ичида инсоният ва тинчлик манфаатларига хизмат қилувчи бирор ижобий, ҳолис ва хайрли иш қилгани йўқ. Буни Америка жамоатчилигининг ўзи ҳам таъкидламоқда. Президент кетма-кет имзо чекаётган расмий қоғозларнинг кўпчилиги халқаро аҳволни янада кескинлаштиришга қаратилган ҳужжатлардир.

Президент Р. Рейган Совет-Америка муносабатларида ҳам америка халқининг туб манфаатларига зид йўлни тутмоқда. Жумладан, Р. Рейганнинг бу борада қилган ишларидан бири — Сибирь-Ғарб газопроводи қурилишига ҳалал бериш ва шу билан Совет Иттифоқи экономикасига зарар етказишни мўлжалловчи «санкцияси» бўлди. Президент АҚШ фирма ва компанияларига ушбу улкан қурилишга жиҳозлар юборишни тақиқловчи кўрсатмалар берди. Р. Рейган Япония, Англия, Ғарбий Германия, Франция ва Италияга ҳам ана шу йўлдан боришни маслаҳат берди. Лекин Ғарб давлатлари ўз мамлакатлари экономикаси учун қони зарар бўлган бу таклифни қатъий рад этдилар.

Тинчликни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолишни ўзининг олий бурчи деб билган Совет Иттифоқи АҚШ билан бўлган алоқаларини яхшилашга 1982 йилда ҳам ҳаракат қилди. Чунки Совет-Америка муносабатларининг нормал изларга солиниши ҳар икки мамлакат халқлари манфаатларига ҳам, Ер қуррасидаги барча тинчликсевар кучлар манфаатларига ҳам мос тушган бўлур эди.

1982 йилнинг ёзида Версаль ва Боннда капиталистик дунё раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари бўлиб ўтди. Бу учрашувларда иқтисодий танглик, ишсизлик, инфляция капиталистик мамлакатларнинг доимий йўлдоши бўлиб қолаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Ҳозир ишсизларнинг сони АҚШ ва ривожланган капиталистик мамлакатларда 35 миллион кишига етди. Бундай бахтсиз кишилар сафи ўша мамлакатларда тинмай кенгайиб бормоқда.

Шу билан бирга, учрашувлар чоғида, айниқса, Бонндаги НАТО мамлакатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида «Совет хавфи» ҳақидаги сафсата яна тилга олинди. НАТО блокнинг хавфхатарли фаолиятини оқлаш учун тўқиб чиқарилган бу бўҳтон ҳақиқат томонидан аллақачон фош қилиб ташланган бўлса ҳам, АҚШ ва НАТО раҳбарлари ундан воз кечмаяптилар.

Европадаги бугунги аҳвол нимани кўрсатиб турибди?

Ушбу қитъада Ғарб билан Шарқ ўртасидаги кучлар нисбати тенг. Масалан, бугун НАТОда 94 та дивизия, Варшава Шартномасида 78 та дивизия мавжуд. Ядровий кучлар нисбати тахминан тенг.

Лекин НАТО ва Пентагон генераллари турли баҳоналар билан Совет Иттифоқига қараганда ҳарбий устунликка эришиш йўлларини қидирмоқдалар. НАТО мамлакатлари ҳарбий бюджетлари йил сайин ошириб борилмоқда. Масалан, НАТО ҳарбий сарфлари унинг тузилган йили — 1949 йилда 18,7 миллиард долларни ташкил этган бўлса, ҳозир бу соҳа харажати 300 миллиард долларга етди.

1982 йилнинг баҳорида Жанубий Атлантикада юз берган можароларда ҳам НАТО расмий доиралари адолатсиз урушни оқлаб чиқдилар. Англия раҳбарлари Фолкленд ороллари масаласида БМТ қарорларини ҳисобга олмай иш юритдилар.

Халқаро империализмнинг неоколониализм сиёсати 1982 йилда ҳам Яқин Шарқдаги кескинликнинг сақланиб қолишига сабабчи бўлди.

Исроил босқинчиларининг Ливан ва Фаластин халқларига қарши қилган жинояткорона уруши ана шу сиёсатнинг навбатдаги кўриниши бўлди ва ушбу райондаги аҳволни янада оғирлаштирди. Тель-авивлик каллакесарларнинг Ливан тупроғида қилган ваҳшийликлари натижа-сида юз мингга яқин ливанлик ва фаластинликлар ўлдирилди, ярадор қилинди. Уларнинг орасида кўплаб қариялар, гўдаклар бор.

Яқин Шарқдаги кескин вазиятни тезроқ бартараф қилиш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифасидир. Совет Иттифоқи ана шунга интил-моқда.

Халқларга фожиали урушлар эмас, тинчлик керак! 1982 йилнинг 21 сентябрида ўз ишини бошлаган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XXXVII сессиясида инсониятнинг бу истаги ба-ралла эшитилиб турди. Энг мўътабар ва обрўли халқаро ташкилот-нинг 3 ой давом этган сессияси давримизнинг ўта муҳим масалалари-ни муҳокама қилди.

Совет делегацияси мазкур сессияда ҳам тинчликни мустақкамлаш-га қаратилган таклифлар билан чиқди. Бу таклифлар олий анжуман қатнашчилари томонидан қизгин кутиб олинди.



Қурол-яроғсиз дунё — социализм идеалидир. Социализмнинг мус-тақкам таянчи бўлган Совет Иттифоқи ўзининг тинчликсевар ташқи сиёсатига қатъий амал қилиб келмоқда. Бу фикр КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленумида ҳам қайд қилиб ўтилди. Пленумда катта нутқ сўзлаган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов таъкидлаб ўтганидек, Коммунистик партия ва Совет давлати тинчлик учун курашда принциаллик, изчиллик ва вазминлик билан ҳаракат қилаверадилар. Пленумда кескинликни юм-шатиш сиёсати ўтиб кетган босқич эмаслиги ва бу сиёсатнинг келажаги порлоқ эканлиги алоҳида қайд қилиб ўтилди. Коммунистик партия билан совет халқининг бузилмас бирлиги, уларнинг тинчликни таъ-минлашга қаратилган букилмас иродаси ва Ленин йўлидан оғишмай собитқадамлик билан боришга азму қарори КПСС Марказий Комите-тининг ноябрь Пленуми ҳужжатларида, шунингдек, 1983 йилда мам-лакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг улугвор програм-масини белгилаб берган СССР Олий Советининг ўнинчи чақириқ ет-тинчи сессиясида сўзлаган депутатларнинг доклад ва нутқларида ўзи-нинг ёрқин ифодасини топди.


Совет Иттифоқининг барча халқлари сингари Ўзбекистон меҳнат-кашлари ҳам 1982 йилги давлат планлари ва социалистик мажбурият-ларини шараф билан бажардилар. КПСС Марказий Комитети Ўзбе-кистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашларига йўллаган табригида эришилган бу муваффақиятга юксак баҳо берди. Советлар мамлака-тининг азамат бунёдкорлари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида улкан муваффақиятларга эришган ҳолда ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилига қадам қўйдилар.

Янги йилга янги истак, яхши орзу-умидлар боғлаш халқларнинг қадимий ва анъанавий одати, эзгу удумларидир. Серташвиш ҳозирги кунларда инсониятнинг энг олий орзуси эса тинчлик ва уни сақлаш бўлиб қолди.

Тинчлик — социализм идеалидир. Ҳар қачон бўлганидек, 1983 йил-да ҳам Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати тинчликни сақ-лаш ва ҳимоя қилиш мақсадларига қаратилади, албатта.

Янги йил тинчлик ва унинг тантанаси йили бўлсин!

Яшасин тинчлик!



Одил Ёқубов

Кўҳна дунё

Роман

Бирикчи боб

Шоирнинг асл исми — Қутлуғқадам. Аммо ҳеч ким буни билмайди. Ҳазнада у Маликул аш-Шароб, авомчасига эса Маликул шароб, яъники, май ва майхўрлар султони, деган ном билан маълум ва машҳур.

Ғариб майхонаси эса, гарчи султон Маҳмуд Ҳазнавий қасрлари билан тенглаша олмаса ҳам, доврўғи бутун дориссалтанатга¹ кетган. Шоирнинг кулбаи вайронаси шаҳарнинг энг чеккасида, Феруза боғи ва Боғи Маҳмуд каби кўркам боғлар, Осмон маликаси каби мармар қасрлар, Кўшки давлат ва Кўшки маъмур каби тиллакори саройлар, ложувард гумбазли муҳташам маҳит ва миноралар, сершовқин бозорлар, қарвонсаройлар, бир-бирига тутшиб кетган обод расталар, кумуш фавворалар ўрнатилган гулзор ва майдонлардан йироқда, гадолар ва йўқсиллар макони бўлмиш Афшон шол² даҳасининг хилват бир бурчагида жойлашган. Лекин бу қашшоқ кулбанинг ўзига хос оҳанрабоysi бор — у мулла мирқуруқ шоирлар, «чиқитга чиққан» хонанда ва ёзандалар, саройлардан қувилган мунажжимлар, амирлар қаҳрига

¹ Дориссалтанат — пойтахт.

² Афшон шол — қадимий Ҳазна маҳаллаларидан бири.

йўлиққан сарбозлар, қочқин ғуломларнинг суюкли маконига айланган.

Кечалари бу маконга оқиб келадиган фақир майхўрлар, гарчи чўнтагида сариқ чақаси бўлмаса ҳам, ўз доврўғи, ўз гурурига эга. Машшоқлар даврасидаги сеторчи шунчаки сеторчи эмас, балки Бобо Сеторий деб чақирилади, ғижжакчиси оддий ғижжакчи эмас. Пири Ғижжакий, ҳофиз шунчаки ҳофиз эмас, Бобо ҳофиз Булбулий, шоир бўлса назм аҳлининг султони ёхуд маликул калом, деб аталади. Ҳатто най бобида устаси фаранг, гурганжлик¹ букри аттор ҳам оддий букри эмас, балки «Пири Букрий» номи билан донг чиқарган.

Бу ғариб қулба Маликул шаробга отасидан, фотиҳи музаффар амир Сабуктегиннинг содиқ надими Қора ғулумдан қолган.

Маликул шаробнинг ўзи ҳам ёшлигида султоннинг суюкли надими бўлган, аммо ўн тўрт яшар бир малак важидан ўсмирлик чоғларидаёқ оралари бузилган. Агар ўша офатижон санам бўлмаганида, ҳозир, эҳтимол, султоннинг суянган тоғи ёхуд энг яқин лашкарбошиси бўлармиди? Хўш, шунда нима ютарди? Боши осмонга етармиди? Ё бу норасо дунёнинг устун бўлармиди? Ундан кўра ҳозиргидай майини ичиб, кўнглини хушлаб юргани минг чандон яхши эмасми?

Маликул шароб май солиш ҳунарини ҳиротлик кекса бир боғбондан ўрганган. Йиллар ўтиб, бу ишда шундай устаси фаранг бўлдики, унинг майини ичгани на фақат юпун шоирлар ва йўқсиллар келишади, баъзан манман деган бек ва бекзодалар, ҳатто Абу Райҳон Беруний каби алломалар, гоҳи-гоҳида эса султоннинг суюкли мадҳиябози шоир Унсурий ҳам қадам ранжида қилади, ҳатто амирал мўминининг эркатой вазири, майпарастлик ва фоҳишабозликда ягона бўлмиш Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам унинг майига пинҳона одам юборади...

Рост, баъзан бозор мутасаддилари, айниқса, «Мозори калон» шайхлари уни шаккокликда айблаб, Ғазнадан қувмоқчи ҳам бўлишадди, бироқ Қутлуғқадамнинг бахтига, бундан қирқ беш йил муқаддам, ўша ўн тўрт яшар соҳибжамол сабаб, ёш Маҳмуд содиқ ғулومини саройдан ҳайдаганида, унга «бошқа жазо берилмасин», деб амру фармон қилган. Шу фармон сабаб, собиқ қулбачча Маликул шароб ҳар сафар жон сақлаб қолади.

Маликул шаробнинг майхонасидаги суҳбатлар, одатда, шони ғарибонда бошланади.

Бугун майхўрлар барвақт оқиб кела бошлашди. Пойгак жойларни, одатга кўра, нашаванд гадолар, жулдурвоқи майиб-мажруҳлар, сержаҳл дарвишлар эгаллашди. Улардан юқорироқда назм шайдолари бўлмиш бир гуруҳ толиби илмлар жойлашишди. Тўрга эса, қайси бир шаҳардан келган икки сайёҳ таклиф қилинди. Сайёҳларнинг бири, ёши элликларга бориб қолган, мош-гуруч соқол-мўйлови ўзига хўп ярашган, эгнидаги кўк мовут тўни устидан оқ ридо кийиб, бошидаги мўрисимон кўк қалпоқчаси устидан оппоқ симобий салла ўраб олган алломанамо бир кимса, иккинчиси эса, дарвиш қиёфасидаги хушсурат йигитча эди.

Кўп ўтмай, майхонанинг содиқ майхўрлари — ғижжак ва сеторларини қўлтиқлаб олган Бобо Сеторий билан Пири Ғижжакий пайдо бўлишди. Улардан кейин, қариб қолган бўлса ҳам, соқол-мўйловларини бўяб юрадиган Бобо Ҳофиз Булбулий билан Пири Букрий деган, ўзи паканагина бўлса ҳам боши хумдай, нимаси биландир катта қора ўргимчакка ўшаб кетадиган кекса найчи кириб келишди.

Овлоқ Хоразмдан, Абу Райҳон Беруний юртидан келган Пири Букрий Ғазнада атторлик қилади. «Афшон шол» бозоридаги атторлик растасида унинг ўз дўкони бор. Бу мажруҳ найчи тўғрисида шаҳарда ҳар хил миш-мишлар юради. Гўё у ўғирлик моллар, олтин ва жавоҳирларни сотиб олар эмиш, ўзиям беҳисоб бойликлар соҳиби эмиш, деган

¹ Гурганж — қадимий Хоразм пойтахти.

гаплар бор. Бу миш-мишларнинг қайсиси чин, қайсиси ёлғон — ёлғиз оллога аён. Ҳар қалай, Маликул шароб бу миш-мишларнинг ҳеч бирига ишонмайди, билъакс, уни «худо урган, пайгамбар эса асо билан туртган» бир бандан ногирон, деб биледи ва унга раҳм қилади. Пири Букрий ҳам унинг бу меҳри-саховатини яхши қадрлайди. Ҳар қалай, тақдир тақозоси билан Гурганждан келибдики, Маликул шароб билан биродарлик қилади, салкам ўн беш йилдан бери ҳар оқшом унинг майхонасига келиб най чалади, шундай чаладики, баъзан ўзи ҳам йиғлаб, бошқаларни ҳам йиғлатади. Шундай пайтларда кекса атторнинг қалби аллақандай тизгинсиз дардларга тўла экани аён бўлади-ю, одамлар у тўғридаги мудҳиш миш-мишларни унутишади...

Бундан яқин бир ой аввал Пири Букрий Маликул шаробга нозик бир илтимос билан мурожаат қилган, Маликул шароб эса, илтимоснинг нозиклиги сабаб, унга рад жавобини беришдан бошқа чора топмаган эди. Шундан бери Пири Букрий майхонадан оёғини тортиб қолган, Маликул шароб бўлса, эски қадрдонини ранжитиб қўйганидан пинҳона эзилиб юрарди. Бугун унинг Бобо Ҳофиз Булбулий билан бирга кириб келганини кўриб, шундай қувониб кетдики, ертўладан ўн йиллик май солинган катта бир ҳумни кўтариб чиқишларини шогирдларига буюрди. Бу гапни эшитган майхўрлар:

— Омад ёр бўлсин Маликул шаробга!

— Бири ўн бўлсин Маликул шаробнинг! — деган хитоблар билан ғира-шира майхонани бошларига кўтаришди.

Бир маҳаллар май ичишда ҳеч ким Маликул шаробга бас келолмас эди. Бироқ сўнгги йилларда, ёши олтмишдан ошиб, кўзидан нури, белидан қуввати кета бошлагандан бери, Маликул шароб кам ичар, у кўпроқ бошқаларни меҳмон қилиб, гулгун суҳбатлар қуришдан завқ оларди. Яхши ғазал ўқиган, яхши куй чалган ёки қизиқ ҳангома сўзлаб берган майхўр бир коса текин май билан тақдирланар, бу эса мушоирани завқ-шавққа тўлдириб юборарди. Лекин бугун нима ҳам бўлди-ю, Маликул шаробнинг ўзи ҳам бир ҳўплам, ярим ҳўпламдан олиб ўтириб, ширакайф бўлганини сезмай қолди. Авваламбор, бир ойдан бери аразлаб юрган эски қадрдони Пири Букрий ўз оёғи билан кириб келди, келди-ю, Пири Ғижжакийга жўр бўлиб, найда шундай бир куй чалдики, майхонада йиғламаган майхўр қолмади. Қолаверса, меҳмон бўлиб келган икки сайёҳ Хуросондан, назм аҳлининг султони Абулқосим Фирдавсий юртидан экан, гап айланиб «Шоҳнома»га бориб тақалди. «Шоҳнома»дан Маҳмуд Ғазнавийга, ундан шоирнинг султон ҳақидаги машҳур ҳажвиге ўтди-ю, суҳбат гўё шабада теккан гулхандай ловиллаб кетди. Биров шоирга ҳамду санолар ўқиб, «Шоҳнома»ни кўкларга кўтариб мақтаса, биров аксинча: «Агар Абулқосим Фирдавсий доно бўлса, нечун ижодининг гултожи бўлмиш «Шоҳнома»ни ўзи суймаган султонга инъом этди?» деб таъна қилди. Яна биров эса, шаккók гаплардан чўчиб, ўзини четга олди, ҳатто секин тисарилиб, майхонани шарпасизгина тарк этганлар ҳам бўлди.

Маликул шароб, бошида кулоҳсимон эски қалпоқ, эгнида эски бўлса ҳам, гард юкмаган тоза бўз яқтак, шоирона тўзғиган соқол-мўйловларини тутамлаб, майхона аҳлининг бетартиб баҳс-мунозараларига жимгина қулоқ солиб ўтираркан, кўз олдига лоп этиб устод-Абулқосим Фирдавсий келди.

Едиди бор: Абулқосим Фирдавсий, — олло ундан рози бўлғай! — Ғазнани тарк этишдан аввал унинг кулбаи вайронасига ташриф буюрган эдилар. Ташриф буюришларидан бир кун аввал эса, шаҳарда ажиб бир гап тарқалган эди. Биров султон Маҳмуд ул назм султонига катта лутфу эҳсон кўрсатиб, «Шоҳнома»нинг ҳар мисрасига бир тилладан ҳақ тўлабди, деса, бошқа бировлар, билъакс, султон буюк шоирнинг қадрига етмабди, ҳатто эгнига сарупо ҳам ёпмабди, деган гапларни топиб келган эди. Устод эса, гўё султон берган пулни чўнтагига солиб, тўғри ҳаммомга борган эмишлар, ҳаммомдан чиққач, бор ақчасини гадоларга улашиб, ўзлари султонга ҳажв битган эмишлар!

Маликул шароб бу миш-мишларни ҳақиқат қилиб улгурмасданоқ устод ўзлари уни йўқлаб келиб қолдилар. Устод кекса бўлсалар ҳам бўй-бастлари келишган, оппоқ соқоллари кўксига тушган, тийрак кўзлари уткир сўзларига ҳеч ким дош беролмайдиган тили аччиқ, қайсар одам эдилар. У киши гоҳо-гоҳо май истаб келганларида кайфлари чоғ бўлса «Шоҳнома»дан ҳикоятлар ўқиб берар, донолар бисотидан ривоятлар айтиб ҳаммани хушнуд қилар, мабодо кайфлари бузуқ бўлса, қаланғи-қасанғи майхўрлар билан ўтиришни истамай, тикка турганларича бир пиёла май ичардилар-да, ўз йўлларига равона бўлардилар.

Ушанда, сўнгги марта келганида, устод худди бесабаб қамчи еган асов тулпордай бетоқат эдилар. Соч-соқоллари тўзғиган, юзлари бўғриққан, оппоқ қошлари тагидаги тийрак кўзлари аллақандай ички бир аламдан ёнар, ўзлариям одатдаги кимхоб тўн ўрнига одмигина қора чакмон кийиб, бошларига эски қалпоқни қўндириб олган, қўлларида асо, елкаларида хуржун, тарки дунё қилган бир зоҳидга ўхшар эдилар.

— Маликул шароб!— дедилар устод ўшанда, пойгакда тўхтаб.— Фақир ҳақир сен билган назм султони Абулқосим Фирдавсий эмас, чўнтагида ҳеч вақоси йўқ бир гадомен. Олло йўлига бир пиёла шароб тутсанг, дилимда сенга ҳамду сано ўқиб ичамен, бермасанг... лабимда кулгу, ичимда дуои бад қилиб, майхонангни тарк этамен!..

Устод Маликул шароб тутган бир қоса майни бир сипқаришда бўшатиб, қосани қайтариб берарканлар:

— Йўқ!— деб хитоб қилдилар.— Йўқ, Маликул шароб! Фақир қорнимга эмас, қадримга йиғлаймен!.. Шу боисдан, бу гумроҳ султон Ғазнавий берган барча инъомларни гадолар ва йўқсилларга улашдим! Бир мирини қолдирмай улашдим-у, мана энди, фариштадай маъсум, гўдакдай қип-яланғоч, ўз юртимга отландим!.. Эвоҳ! Бу гумроҳ шоҳлар олдида биздай фақир шоирлар қисмати шу экан! Не чора? Айб ўзимда! Билъакс, инсоф ва адолатни куйлаб, одил шоҳлар тарихини битган шоир, келиб-келиб шу мустабид султондан ҳақиқат қидириб келурменми? О, гумроҳлар, гумроҳлар! Камина гўёким Эрон билан Туронни бир-бирига қарши қўйган эмишмен! Гўёким Форсий шоҳларни улуғлаб, Туркийларни камситибмен!.. Йўқ!— дедилар у киши тўсатдан кулоҳли бошларини баланд кўтариб,— бир элни бошқа бир элга қарши қўймоқ — донолар иши эмас! Бу — шоҳлар ва султонлар иши! Камина ўз асаримда фақат ҳақиқатни ёздим! Улим ҳақ! Вақтики келиб фақир ҳам бу оламини тарк этурмен. Аммо, иншоолло, «Шоҳнома» тоабад қолур! Қим ҳақ, ким ноҳақ, ҳар ким ўзи ўқиб олур, ўзи билиб олур, Маликул шароб!

Устод шундай дедилар-да, иккинчи қосани ичишдан бош тортиб, майхонани тарк этдилар.

...Маликул шаробнинг ҳаёлини майхўрларнинг жўр қийқириғи бўлиб юборди.

Унинг рўпарасида кир-чир соқоли кўксига тушган жулдурвоқи бир мўйсафид бўш қосани чўзиб турар, сармаст майхўрлар мўйсафидни қуршаб олган, ҳамманинг кўзи Маликул шаробда эди.

Маликул шароб бу мўйсафидни яхши танирди. Кўплар унинг наслнасабини билмаса ҳам, ўзини ҳамма танир, бировлар уни Бобо Хурмо, деб чақирса, бировлар Бобо Савдойи, дейишади.

Одамларнинг айтишича, бир маҳаллар ҳозирги «Боғи Феруз» ўрнида мўйсафиднинг катта хурмозори бўлган. Бундан йигирма йил муқаддам, султон Маҳмуд «Боғи Феруз» учун жой танлаганда мўйсафиднинг хурмозори маъқул тушиб, уни ўз мулкига қўшиб олган-у, суюкли боғидан айрилган кекса боғбон хиёл савдойи бўлиб қолган. Шу-шу, кўчама-кўча юриб тиланчилик қилади.

Бобо Хурмонинг кечмишини билган одамлар унга раҳм қилишар, Афшон шол даҳасининг чурвақалари эса уни жонларидан ҳам яхши кўришар, доимо:

Бобо Хурмо!

Қилгил дуо,

Бергил хурмо!—дея, чуғир-чуғир қилишиб, чолнинг орқасидан эргашиб юришарди.

Хозир ана шу Бобо Хурмо Маликул шаробнинг олдида нечундир кулимсираб, тавозе билан қўл қовуштириб турарди.

— Афв эт, Маликул шароб! Бу суҳбати гулгунда яхши шоҳ, ёмон шоҳлар ҳақида баҳс кетди. Ижозат этсанг, камина шу тўғрида бир ривоят сўзласам!

— Сўзла, Бобо Хурмо!

— Сўзлаймен, аммо сўзим ҳақини ким тўлайди, Маликул шароб?

Майхона ширакайф майхўрларнинг жўр қийқириғидан ларзага келди:

— Сўзлайбер, Бобо Хурмо! Бир пиёла эмас, ўн пиёла май десанг ҳам йўқ демайди Маликул шароб!

— Оғзингни оч, хуми билан қуяди!

Маликул шароб кулимсираб, Пири Букрийга юзланди:

— Куйиб бер, тўйгунча ичин!

Бобо Хурмо, киприксиз кўзларини мастона ўйнатиб, бир эмас, икки коса майни уст-устига сипқарди-да ғала-ғовур босилишини кутиб, ҳикоясини бошлади:

— Шундайким, қадим замонларда икки хеш, икки биродар сафарга чиқмиш. Йўл юрса ҳам мўл юриб, саҳрода ўсган бир сада тагига бориб қўнмиш. Топган-тутганларини баҳам кўриб, суҳбат қурмиш. Шунда бир дўст иккинчисидан: агар сенга саодат ёр бўлиб, подшо бўлсанг, нима қилар эдинг, деб сўрамиш.

— Агарчанд,— демиш биринчи сайёҳ,— саодат ёр бўлиб, подшо бўлсам, юртимда инсофу адолат ўрнатар эдим. Одамлар нимаики орзу қилса, ҳаммасини рўёбга чиқарар эдим!

— Камина подшо бўлсам,— демиш иккинчи сайёҳ.— Бани одам аталмиш бу нодонларни тавбасига таянтирар эдим. Қашлашга тирноқ ҳам қолдирмай, кафангадо қилардим буларни!

— Сабаб?

— Сабаби — на яхшилиқни билади бу гумроҳлар, на ёмонлиқни! Эртасига икки сайёҳ йўлларида давом этмиш. Йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, бир шаҳри азимга етиб бормиш. Қарасалар, арк олдидаги майдонда одам тирбанд, ҳамманинг қўлида бир парча гўшт, осмондаги қушга тикилар эмиш. Маълум бўлишича, бир кун аввал шаҳар ҳокими оламдан ўтган, ҳоким бефарзанд бўлиб, тахт вориси йўқ эмиш. Шу боисдан, шаҳар донишлари йиғилиб, подшонинг қари бургутини учирмоққа аҳд қилмиш, токи бургут кимнинг бошига қўнса, ўша одам подшо бўлсин! Бургут эса, фалақнинг гардиши билан учиб-учиб, бемеҳр сайёҳнинг бошига келиб қўнмиш.

Шаҳар донишлари сайёҳнинг мусофир эканини эшитиб, бургутни қайта учирмиш. Бургут майдон узра учиб юриб, яна ўша сайёҳнинг бошига қўнмиш. Шу йўсин уч маротаба учирилиб, уч маротаба сайёҳнинг бошига қўнгандан сўнг, шаҳар аҳли уни тахтга ўтқазмиш. Сайёҳ эса тахтга ўлтирган ҳамон, ўз айтганини қилмиш: мамлакат аҳлини зир титратмиш, беҳисоб божу хирож солиб, ҳаммани кафангадо қилмиш. Шунда одамлар подшо бўлган сайёҳнинг дўстини қидириб топмиш, подшо устидан арз қилиб, ундан нажот сўрамиш. Фақир сайёҳ подшо бўлган дўстининг ҳузурига бормиш. Подшо уни шод-хуррамлик билан кутиб олмиш, аммо сўзини эшитиб: «Сен бу ишга аралашма», деб танбеҳ бермиш.— Агар мен бу одамларга зулм қилган бўлсам, гумроҳлиги ва нодонлиги учун шундай қилдим. Агар булар нодон бўлмаса, худонинг ақлсиз махлуқига инониб, каминани тахтга кўтаришмас эди! Беақл махлуққа инониб мени подшо қилишган экан, раҳм-шафқат не даркор буларга? Доно подшо доноларга лойиқдур! Нодонларга нодон подшо ярашур!

Майхона жўр кулги ва қийқириқлардан ларзага келди.

— Бу ривоятдан мақсадинг не, Бобо Хурмо?
 — Мақсади аён! Сендай нодонларга султон Маҳмуддай золим подшо ярашур, демоқчи Бобо Савдойи!
 — Ўз сўзи эмас, султоннинг ғаними имом Исмоил сўзи бу!
 — Дарҳақиқат. Бетавфиқ исёнчилар маконига айланмиш бу макон!
 — Оғзингни юм! Султон эшитмасин бу сўзларни, оёғингдан дорга осиб, остингдан ўт қўяди, аҳмоқ!
 — Во ажабо! Султоннинг айғоқчилари қайда?
 — Кўрсат менга ўшал айғоқчингни! Ўзим дорга тортамен уни!
 Маликул шароб қўлини кўтариб, ғала-ғовурни аранг босди-ю, Бобо Хурмога яна бир пиёла май тутишни буюрди.

Шундан кейин нима бўлди, суҳбат давом этдими, ё навбат машшоқларга келдими, Маликул шароб яхши билолмай қолди. Бир маҳал кўзини очса... ичкарида, Наргизабонунинг тоғина хонасида, тўғрироғи, хонани иккига бўлган парданинг бу томонида ётибди. Тепасида, қўлида милтираган шам, Пири Букрий турипти.

Хонанинг ғира-шира қоронғилигида эғнига қора чакмон, бошига хоразмча чўғирма телпак кийган букри чиндан ҳам баҳайбат қора ўргимчакка ўхшаб кўринди-ю, Маликул шароб сесканиб кетди, хаёлидан эса: «Тағин эски гапми?» деган фикр ўтди.

Бундан уч ой муқаддам Маликул шароб қул бозоридан ўн беш-ўн олти яшар бир жория сотиб олган эди. Жориянинг исми Садаф бўлиб, ўзи Хоразмдан, кўп йиллик қадрдони Беруний юртидан эди.

Садафбиби қўл-оёғи чаққонгина, ёқимтойгина қиз экан, бир пасда ҳаммага ёқиб қолди, кўп йиллардан бери дард чекиб, тўшак ёзиб ётган ногирон кампири Наргизабонуга ҳам жуда қўл келди. Лекин бундан бир ой муқаддам, Садафбибини кўриб, у билан суҳбатлашиб қолган биродари Абу Райҳон: «Жориянгни менга бер, менинг уйимда хизмат қилсин, жуда пок қиз экан, бу шилқим майхўрлар орасида унга жабр бўлибди», деб қолди.

Маликул шароб бошда Абу Райҳонга ҳам рад жавоб берди, бироқ кейин ўйлаб кўриб, унинг ҳақ эканига иқрор бўлди-ю, Садафбибини унга беришга рози бўлди. Аксига олиб, худди ўша кунлари бу букри ҳам Садафбибини сўраб келди. Маликул шароб Абу Райҳонга ваъда бериб қўйганини айтса ҳам ялиниб-ёлвориб туриб олди, катта пул, ўз нархидан ўн баравар катта пул ваъда қилиб, оёғига йиқилди...

Абу Райҳон Садафбибини сўраб келганида бир нарсани рўкач қилган, яъни, уни бибининг хоразмча чучук тили ром қилганини айтган эди. Ажабо: бу букрини ҳам худди шу нарса мафтун этган эмиш! Бироқ мафтун бўлсин-бўлмасин, Садафбибини қайтаришнинг иложи йўқ, у Абу Райҳоннинг ихтиёрига ўтган эди. Шундан бери Пири Букрий Маликул шаробдан аразлаб юрарди. Наҳот бугун тағин ўша илтимос билан келган бўлса?..

— Хўш, хизмат, азизим?

— Маликул шароб,— деди Пири Букрий шивирлаб.— Бояги икки сайёҳнинг бири ғавго кўтариб, тўполон қиладур.

— Тўполон қилса, тўрт томони қибла!.. Не деб тўполон қилади?

— Жой сўрайдур, шоҳона жой!

— Шоҳона жой тиласа менинг кулбаи вайронамда не қилади? Айт: Султон Маҳмудга борсин! Шояд Осмон маликаси саройидан жой берса?

Пири Букрий қўлидаги шамни баландроқ кўтариб, бурчакка тутилган парда томон ўғринча бир қараб қўйди.

— Сўзимга қулоқ солинг, пирим! Ёш сайёҳ айтадики, ёнидаги кекса сайёҳ ўшал... ҳақими даврон... ҳазрат Абу Али ибн Сино эмиш!

— Не дединг? Ҳазрат Ибн Сино?

— Шундай, пирим. Ўшал, донғи оламга кетган ҳақими даврон Абу Али ибн Сино ҳазратлари эмиш!

Маликул шароб қизарган кўзларини катта очиб, бир зум анграйиб қолди, сўнг, патак соқолини силаб мастона кулди:

— Ибн Сино ҳазратлари бўлса... султон Маҳмудга борсин! Мана, йигирма йилдирки, султон уни тополмай доғда юрмиш!

Пири Букрий негадир яна бурчакдаги парда томон кўз ташлаб:

— Пирим,— деб шивирлади.— Ёш сайёҳ бир сурат кўрсатдиким, мавлоно Беруний кўрсатган суратнинг баайни ўзи! Бу сайёҳ билан ўшал суратдаги Ибн Синони ажратиб бўлмас, пирим. Бамисоли бир томчи сув!

Маликул шаробнинг юмуқ кўзлари ярқ этиб очилиб кетди. У олача тўнини эгнига ташлаб, ўрнидан тура бошлади. Бироқ шу пайт парда ичидан аёл кишининг «мирзам», деган заиф овози эшитилди. Маликул шароб букрига «сен борабер», деб имо қилди-да, пардани кўтариб гўшага кирди.

Парда орқасидаги тўшакда... сочлари қордай оппоқ, кўзлари катта-катта, нимжонгина бир аёл ўтирар, унинг пешонасидаги мошдекки-на қизил холи аёлнинг ҳинд юртидан эканини кўрсатиб турарди.

Маликул шароб тўшак четига тизза букаркан, ўзгача бир мулойимлик билан:

— Нечун ухламайсиз?— деб сўради.— Яна оғриқ бошландими, бону?

Наргизабону, икки бармоғи кесилган майиб қўли билан тўзғиган сочларини тузатаркан, катта-катта тимқора кўзлари аллақандай чарқаб:

— Бу сўз ростми, мирзам?— деб сўради.— Ҳазрат Ибн Сино...

— Шояд рост бўлса! Маликул шароб аёлнинг бармоқлари ярмидан кесилган тўмтоқ кафтини қўлига олиб, лабларига босаркан, одатдагидек, яна ўша йироқ, аммо ҳар эслаганида худди кечагина рўй бергандек вужудида титроқ уйғотувчи унутилмас бир манзара кўз олдига келди.

Фазна чеккасидаги ҳиндлар даҳаси. Даҳанинг энг хилват жойидаги пинҳоний базмхона. Гўзал раққосалар, хонанда ва созандалар базмхонаси. Амир Сабуктегиннинг эрка фарзанди, ёш Маҳмуд ўзининг энг яқин ғуломи, болаликдан бирга ўсган тенгдоши Қутлуғқадам билан ҳар кеча шу хуфя базмхонага равона бўлишади. Тақводор отадан яширинча, гўзал раққосалар базмини кўргани боришади. Йўқ, ҳамма раққосалар эмас, офатижон раққосалар орасидаги энг офатижони Наргизабонунинг рақсларини томоша қилгани боришади. Наргизабону энди ўн учга тўлиб, ўн тўртга қадам қўйган, бироқ унинг ҳусни, тилла маъбудадек нозик, бўй-баста, пешонасидаги мошдек қизил холи, айниқса доим кулиб тургувчи катта-катта тимқора кўзларини бир кўрган йигит тоабат унутмайди. Рақслари эса... унинг рақслари ҳам гўдак кулгисидай маъсум, ҳам бамисоли олов! Худди ловиллаб ёнган олов янглиғ бу рақс тирик жон борки ёндиради, ўликларга эса жон ато қилади...

Ўша оқшом ҳам, икки пўлат қилич қинидан чиққан ўша машғум оқшом ҳам, Наргизабону, эгида ҳарир ипак сари, бежирим оёқчаларида қўш-қўш тилла холхол, қўлларида ёқут қадалган қўш-қўш тилла узук, нозиккина ярим яланғоч танасини минг муқом билан қилпиллатиб, шундай хиромон қилдики, амир Маҳмуд билан унинг содиқ ғуломи Қутлуғқадам раққоса олдида баробар тиз чўкиб, унга чиний пиёлаларда баробар шароб тутишди.

Тимқора кўзлари юлдуздай чақнаган ёш малак, лабларида маъсум табассум, серсоқол созандалар созига мос хиромон қилганича, икки машҳур меҳмонга яқинлашиб борди, сўнг таманно билан эгилиб таъзим қилди-да, тирноқларига хина қўйилган нозик қўллари билан амир Маҳмуднинг... йўқ, Маҳмуд эмас, унинг ғуломи Қутлуғқадамнинг пиёласини олди. Олишга олди-ю, пиёлага лаб теккизишга улгурмади. Ёш амир, қўлидаги шароб тўла қосани шифтга қараб қулочкашлаб отди-да, ўрнидан сапчиб туриб, шартта қиличини қинидан суғурди. Ундан у ёғи бир зумда, кўз очиб-юмгунча содир бўлди: Наргизабону қўлини боши узра кўтарганича фарёд чекиб, ўзини созандалар даврасига ур-

ди. Бироқ ғазабдан жазаваси тутган ёш амир икки ҳатлашда малакка етиб, унинг боши узра кўтарган нозик қўлларига қилич солди. Қўш бармоғи учиб кетган раққосанинг зорли фарёди базмхонани зир титратди. Бу фарёддан ўзига келган Қутлуғқадам ҳам сакраб туриб амирга ташланди. У жон ҳолатда қилич тигини чангаллаб олган экан, унинг қўлидан ҳам тирқираб қон оқди. Лекин у оғриқни сезмади. Қўлидан тирқираб оққан қонни ҳам кўрмади. Унинг кўзи кесилган бармоқларда эди. Раққосанинг хина қўйилган нафис қорамтир бармоқлари, худди жони бордай ерда дик-дик сакрар, боши узилган митти қушчалардай питирларди!..

...Эртасига уларни амир Сабуктегин ўз кўшигига чақиртирди. Кекса амир, бир ёнида бош вазир, бир ёнида қадрдон сарбози Қорағуллом, олтин тахтда қовоғини уйиб ўтирарди. У ўзига ярашган қалин кетмон соқолини тутамлаб, икки оғизгина ваъз айтди:

— Фақир сенларни ака-укадай иноқ, икки дўст, икки биродар бўлиб кетар, деб ўйлаган эдим. Надоматлар бўлмайким, ораларингда рақобат пайдо бўлибди. Рақобат бор жойда садоқат бўлмас! Шу бугундан бошлаб, саройда сенинг қорангни кўрмайин, Қутлуғқадам! Сени ҳам, Қорағуллом!.. Биладель: сен менга сал кам йигирма йил халол хизмат қилдинг. Аммо бу кун мен сени фарзандингга қўшиб даргоҳимдан ҳайдамоқдан бошқа чорам йўқ... Айб менда эмас, Қорағуллом, айб такаббур зурриётингда! Берган тузимга розимен, Қорағуллом!..

Валинеъмат падари Қорағуллом, — олло унинг руҳини шод этгай, — чўяндай қоп-қора, алп қомат одам эди. Кекса амирнинг бу сўзларидан баттар қорайиб кетди. Бироқ лом-мим демади. Уғлига зимдан кўз қирини ташлаб «Юр!», деб ишора қилди-да, индамай эшик томон йўналди.

...Маликул шаробнинг хаёлини Наргизабонунинг:

— Сизга не бўлди, мирзам?— деган овози бўлди.— Кўзингизда ёш...

Маликул шароб чандиқ қўли билан нам киприklarини силаб, истеҳзоли кулимсиради:

— Кечиргайсиз, бону, кайфим ошиб қолибди..

Наргизабону, худди гўдакни койиган онадай, маъжус кулимсираб:

— О, мирзам, мирзам!— деб оппоқ бошини сарак-сарак қилди.— Қўйинг шу маю майхонангизни! Пайғамбар ёшига бордингиз мана!..

— Афв этасиз, бону, фақир ўзи қариса ҳам, кўнгли қаригани йўқ. Май эса...

**Май мен учун оху кўзли малакдур,
Бўса унинг жуфти, жонпарваридур,
Оху кўзлар порлар, нечун ўпмайин,
Олтин шароб чорлар, нечун ичмайин.
Санам янглиг... ул — хаста дил ороми...**

Наргизабону майиб кафтини юрагига босиб аста пичирлади:

— Боринг, Ибн Сино ҳазратлари кутиб қолмиш!

— Шояд сенинг бахтингга бу гап рост бўлса!— Маликул шароб тоқчадаги шамни қўлига олиб, туртиниб-суртиниб гўшадан чиқди.

...Майхона ҳамон боягидай ғира-шира эди. Икки сайёҳдан бошқа майхўрлар тарқаб кетган, фақат пойгакдаги бўйра устида нотаниш бир девона йиртиқ қулоқини бошига қўйиб, ғужанак бўлиб ухлаб ётарди.

Икки сайёҳнинг бири, соқол-мўйловлари ўзига хўп ярашган алломанамо кекса сайёҳ, тўрдаги кўрпачада, қўш болишга суянганича пинакка кетган, унинг шогирди эса, берироқдаги хонтахта олдида шоқосанинг юзидеккина суратни Пири Букрийга кўрсатиб, гап уқтириб ўтирарди.

Маликул шароб пойгакда тўхтаб, бир қўш болишга суяниб пинакка кетган кекса сайёҳга, бир шогирдининг қўлидаги суратга кўз ташлади... Во дариғ! Бу ўша, азиз биродари Абу Райҳоннинг уйида кўрган ҳазрат Ибн Синонинг сурати эди! Чиройли мош-гуруч соқолини кўкси-

га босиб пинакка кетган тўрдаги хушчеҳра сайёҳ эса... суратдаги Ибн Синонинг ўзи, баайни ўзи эди!..

Ёш сайёҳ эшикда пайдо бўлган Маликул шаробни кўриб, мастона чайқалиб, ўрнидан турди.

— Жумлаи жаҳон майхўрларининг пири муршиди, Маликул шароб ҳазратлари саломат бўлсинлар!

— Ташаккур, азизим!— Маликул шароб маст-аласт майхўрларни кўп хушламас эди, бироқ бу ёш сайёҳнинг сармаст қилиқлари ёш боланинг эркаланишларидай самимий ва ёқимтой эди.

— Кечиргайсиз, пири! Биз ҳақирлар сиздай пирининг шуҳратини эшитиб, шаҳри Тусдан чиқиб келган эдик. Минг афсуски, бу ерда камина у ёқда турсин, ҳақими даврон... устод Абу Али ибн Сино ҳазратлари ҳам ўз ҳурматларига муносиб иззат-икром топмадилар!

«Шаҳри Тус? Абу Райҳоннинг айтишича, Ибн Сино ҳазратлари Бухорои шарифда дунёга келган эдилар чоғи?»

— Кечиргайсиз, азизим. Бу ҳақими замон, ҳазрат Ибн Сино... шаҳри Тусда таваллуд топганларми?

— Йўқ, тақсири олам! Ибн Сино ҳазратлари Бухорои шарифда таваллуд топганлар. Аммо Бухорои шариф иликхонлар¹ тасарруфига тушибдики, улар хизматида бўлишдан бош тортиб, шаҳарма-шаҳар, элма-эл дарбадар кезиб юрадурлар! Аммо қаерга бормасинлар, аҳли мўъмин бу зоти муборакни бошларига кўтариб иззатладилар. Сиз, Ғазна аҳли эса, ҳақими ҳоziқнинг қадрини билмадингиз!— шогирднинг овози тўсатдан қандайдир таҳдид билан янграб кетди-ю, кекса сайёҳ чўчиб бошини ёстиқдан кўтарди. У бир мастона чайқалиб турган шогирдига, бир ҳайратда қотиб қолган Пири Букрийга, бир Маликул шаробга қаради, сўнг ҳамма гапга тушунди чамаси:

— О, тентак, тентак!— деди куйиниб.— Камина сенга неча марта айтдим: номимни сотма, кимлигимни ошкор қилма деб! Неча марта айтдим...

Кекса сайёҳнинг аллақандай ички дард билан айтган бу сўзларида, хушсурат чеҳрасида, сервиқор нигоҳида кишини ўзига ром қилувчи шундай зўр бир иқтидор бор эдики, Маликул шароб беихтиёр қўлини кўксига қўйиб, унга таъзим қилди.

— Узр, устод. Осий банда ғариб кулбамга сиздай табаррук зотнинг қадам ранжида қилганларидан беҳабар қолибмен! Ҳой, ким бор? Дарҳол ичкарига жой қилинглар! Дарҳол!

Иккинчи боб

«Мен сенга султон Маҳмуд Ғазнавий қирғинлари тўғрисида гапирган эдим. Бироқ мен Маҳмуд даврининг бошқа бир буюк вакили тўғрисида ҳали гапирмадим. Бу — ал Берунийдир. Чексиз қирғинбарот ва шафқатсизликлар даврида у ҳаётга чуқур разм солиб, ҳақиқатнинг тагига етишга интилган улўғ олим сифатида ажралиб туради...»

Жавоҳарлал Неру,
«Жаҳон тарихига бир назар»,
1-жилд, 300-бет.

I

Бир ҳафтадан бери безгак хуруж қилиб, нохуш ётган Беруний бир лаҳза кўзи илинган экан, «Устод! Устод!» деган мулойим овоз қулоғига чалингандай бўлиб, уйғониб кетди. Бу — ёш жория Садафбидининг овози эди. Вақт хуфтондан ошган бўлса керак, тоқчалардаги шамлар ёқилган, деворларига китоб жавонлари ўрнатилган торгина, чорбурчак хона кундузгидай ёруғ эди. Садафбиби, чамаси уни уйқуда деб ўйлаб, жавондаги китобларнинг чангини артмоқда эди.

¹ Бухорои забт этган қабидалар.

Эгнида йўл-йўл кўк бахмал кўйлак, бошида қизил шойи дурра, оёғида учи эгик кўк сахтиён ковуш, қиз эшитилар-эшитилмас товушда қандайдир бир куйни хиргойи қилиб, завқ билан ишлар, дам жавон чанглари ни артар, дам қизил, кўк, сариқ жилдли оғир китоблардан бирини олиб, ҳайрат билан варақлашга тутинар эди. Китоб варақлаганда хиргойи қилишдан тўхтар, кулчадеккина юмалоқ юзида тааж-жуб ва ҳайрат акс этар, китобни жойига қўйиши билан яна аста хиргойисини бошлар эди.

Ҳар сафар Садафбибининг мана шу мулоим овозини, хиргойисининг нозик оҳанглари ни, айниқса сал чучук, ёқимтой тилда сўзлашларини эшитганда Беруний ғалати бўлиб кетар, негадир болалик ва ўспиринлик чоғлари ёдига тушар, лоп этиб, Жайхун¹ соҳиллари кўз олдига келарди. Бу оҳанг, бу қўшиқ, бу чучук ва ёқимтой тилни бир эшитишни орзу қилиб, соғиниб юрганларига неча замонлар ўтди?

Бундан бир-икки ой муқаддам Садафбибини Маликул шароб деган кўп йиллик биродарининг майхонасида кўриб қолганида Берунийни қизнинг ҳуснидан ҳам бурун мана шу майин овози, сал чучук ёқимтой тили, она сути билан бирга қонига сингиб кетган Хоразм лаҳжасида гапиришлари мафтун этган эди. Кейин суриштирса, Садафбиби чиндан ҳам унинг юртидан, Гурганж билан Қиёт² ўртасидаги кичик бир қишлоқдан экан. Қайси бир қулжаллоб уни ўша томонлардан олиб келиб, Афшон шол бозорида сотган экан!.. Беруний бу гапни эшитди-ю, қадрдони Маликул шаробга қаттиқ ёпишди.

Садафбиби келгунча Беруний бу уйда ҳиндистонлик шоғирди Сабҳу билан бирга турарди, Сабҳу ҳам уй-рўзғор ишларининг кўзини билладиган, қўл-оёғи чаққон йигит, бироқ Садафбиби остонани ҳатлаб ўтган ҳамон ҳамма нарса ўзгарди, гўё бу уйга ёш жория эмас, майин баҳор офтоби мўраллади-ю, ҳаммаёқ аллақандай илиқ нурга чўмилиб, чарақлаб кетди!..

Ажабо: ўша кундан бери унинг кўнглида ҳам, аллақачон йигитлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйган Берунийнинг кўнглида ҳам баҳор. У умрида фақат бир марта, ўн олти-ўн етти яшар маҳалида мана шундай ёруғ кунларни бошидан ўтказган эди. Баҳордай тез келиб тез кетган, лекин қалбида тоабат сўнмас нур қолдирган у кунлар Райҳонабону билан боғлиқ эди.

Йўқ, Садафбиби Райҳонабонуга ўхшамайди. Насроний³ динига мансуб машҳур Қиёт савдогарининг қизи Райҳонанинг кўзлари баҳор осмонидай кўм-кўк, чўзинчоқ юзлари сутдай оппоқ, елкасида тўлқиндай мавж урган сочлари эса, бир жом чўғдай қизғиш эди. Садафбиби эса қорамағиздан келган, юзлари юм-юмалоқ, қош-кўзлари қоп-қора. Лекин бари бир, нимаси биландир Райҳонабонуга ўхшаб кетади. Нимаси билан?.. Буни Берунийнинг ўзи ҳам айтиб беролмайди, бироқ Садафбибини кўриши билан, унинг овозини эшитиши билан эсига Райҳонабону тушади-ю, кўнгли сув ичгандай ёришиб кетади... Мана ҳозир ҳам...

Садафбиби, гўё унинг тикилиб қолганини сезгандай, «ялт» этиб қаради, кўзлари жовдираб, бир зум тикилиб турди, сўнг, аста юриб, хонтахта ёнига келди.

— Бу юрган дорунгизни олиб келдим, устод.

Хонтахтадаги шарбат тўла кўзача ёнида ипак тасма билан боғланган ўроғлиқ қоғоз турарди.

— Доруга ким борди? Сабҳуми?

— Йўқ, Сабҳу овқат бошлаган эди, ўзим бордим.— Садафбиби қизил шойи дуррасининг учи билан юзини ярим тўсиб, хонтахта олдига чўнқайди, чўнқаяркан, бирдан овози ўзгариб:

¹ Жайхун — Амударё.

² Қиёт — Беруний туғилган қадимий шаҳар. Қат ҳам дейилади.

³ Насроний дини — христиан дини.

— Устод!— деди аллақандай синиқ товушда.— Агар ижозат берсангиз... энди атторлик растасига бормаймен!

— Нечун?

— Анов букри... тўнкага ўхшаган букри аттор йўлимни тўсди.

— Не дейди?

— Емон сўзлар. Сиз сўраманг, мен айтмайин, устод...

Берунийнинг катта қорамтир бармоқлари беихтиёр мушт бўлиб тугилди.

Кеча эрталаб, у дори буюриш учун атторлик растасига ўзи борган эди. Таниш атторга учраб, уйга қайтаётган эди, муюлишдаги дўкондан, Садафбиби айтганидек, тўнкага ўхшаш бир кимса отилиб чиқди-да, пилдираб келиб, йўлини тўсди.

Бу ўша, Маликул шаробнинг майхонасида кечалари най чалғувчи, майхўрлар орасида «Пири Букрий» лақаби билан донг чиқарган букри аттор эди. Ҳаёт Беруний билан бу букрини бундан салкам қирқ йил муқаддам Қиётда, Райҳонабонулар хонадонида тўқнаштирган эди. У маҳалда, букри ҳам Беруний каби Қиётда яшар, Райҳонанинг отасига шогирд тутинган савдогар эди. Лекин устози ҳаёт вақтида ипакдай мулойим, итдай садоқатли бўлган бу букри савдогар жон таслим қилган куни кечаси унинг қизига, эри ўлиб тул қолган қизи Райҳонабонуга тажовуз қилган, улар шу вайдан қаттиқ тўқнашган эди. Шундан кейин Беруний уни кўрмаган эди. Тақдирнинг ғалати ўйинини қарангки, бу машъум воқеадан салкам қирқ йил ўтгач, ҳаёт уларни Ғазнада, тўғрироғи, Маликул шаробнинг майхонасида яна бир-бирига дуч қилди. Маълум бўлишича, букри ҳам фалакнинг гардиши билан дунё кезиб юриб, охир-пировардида Ғазнага келиб қолган экан. Бу ерда у атторлик дўкони очган, кечалари эса Маликул шаробнинг майхонасида машшоқлик қилар, Бобо Сеторий ва Пири Ғижжакийларга қўшилиб най чалар, шундай чалар эмишки, ҳар сафар мажлис аҳлини сел қилар эмиш. Рост, орадан қирқ йил ўтган бўлса ҳам, Қиётдаги машъум воқеа ҳамон эсида тургани учун бўлса керак, Пири Букрийнинг ўзи ҳам, нодир санъати ҳам Берунийнинг кўнглига кўп ўтирмади. У кеча эрталаб атторлик растасида учрашганларида ҳам гаплашишга тоқати йўқ эди, бироқ қайдандир пайдо бўлган Пири Букрий пилдираб келиб, йўлини тўсди-да:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, мавлоно!— деб хитоб қилди.— Эслик одам эскини эсламас дерлар. Эски низоларни кўнгилдан чиқарайлик, мавлоно! Эшитишимча сиз нодир тошлар борасида пири комилсиз. Фалакнинг гардиши билан фақирнинг қўлига бир ноёб тош тушган эди, шуни бир кўриб баҳосини айтиб берсангиз, мавлоно!

Ё тавба! Пири Букрий билибми, билмайми.— Берунийни энг нозик жойидан ушлаган эди. У кўп йиллардан бери нодир тошлар ҳақида катта бир асар ёзишни орзу қилиб, жуда кўп илмий маълумотлар ва ҳатто ҳар хил ривоятлар йиғиб юарди!

Беруний индамай Букрийнинг орқасидан эргашди. Улар торгина, пастқамгина, кўримсизгина дўконга киришди, ундан тагига бўйра ташланган хужранамо бир хонага, хонадан сичқон ҳиди анқиган нимқоронғи ертўлага тушишди. Токчасига биттаю битта шам қадалган ғира-шира ертўла ҳар хил катта-кичик сандиқлар, алланималар солинган хум ва хумчалар, қути ва қутичаларга тўла эди.

Пири Букрий ертўланинг энг қоронғи бурчагига ўтиб, отнинг калласидай қулф осилган оғир темир сандиқни очди, унинг қопқорини кўтариб, узоқ тимирскилангач, тошбақадай юм-юмалоқ бир темир қутичани олиб, Берунийнинг олдига келди.

— Бу қутичадаги тошни камина Боғдодлик бир савдогардан харид қилдим, мавлоно. Катта пулга харид қилдим... Аммо... олишга олдим-у, ҳануз иштибоҳдамен¹.

Пири Букрий шундай деб, тошбақага ўхшаш юмалоқ қутичанинг

¹ Иштибоҳ — шубҳа.

тагидаги тугмани босди. Босиши билан қутича даранг-даранг овоз чиқариб очилди-ю, гира-шира ертўла гўё тўсатдан ўнларча шам ёнгандай чарақлаб кетди. Қутичанинг тагида... каптарнинг тухумидек келадиган ва камалак рангида нафис товланган ажиб бир жавоҳир ярқираб ётарди!..

Беруний ўз кўзларига ишонмай қолди. У нафис рангларда жилланиб, нимқоронғи ертўлани ёритиб юборган бу нодир жавоҳирни бир кўришдаёқ таниса ҳам, анчагача ўз кўзларига ишонолмади. Во ажабо? Бу ўша, бир маҳаллар Боғдод халифаси Ҳорун ар-Рашид хазинасида сақланган, сўнг қаёққадир йўқолиб, кўп низо ва қатлу қирғинларга сабаб бўлган, тарихий китобларда таъриф ва тавсиф қилинган машҳур жавоҳир эди!..

Беруний жавоҳирни қутичадан аста олиб, кафтига қўйди. Енғоқдеккина нодир жавоҳир унинг кафтида яна ҳам нафисроқ товланиб, гўё янги ранглар касб этгандек, ярқираб кетди.

«Ёпирай! Бу иблис букри шоҳлар хазинасини безаб тургувчи бу нодир зийнатни қайдан олди? Бундан чиқди, бу маккор тўғрисида юрган мудҳиш миш-мишлар тўғри экан-да?»

— Бу жавоҳирнинг баҳоси шундайким, ярим Ғазнани сотиб олишга қудратингиз етади!

Пири Букрий, гўё Абу Райҳоннинг бу сўзидан қўрқиб кетгандай, унинг кафтидаги жавоҳирни «шап» этиб юлиб олди-да, шоша-пиша юмалоқ қутичасига яширди.

Беруний индамай орқасига бурилди, бироқ ҳужрага ўхшаш ўртанчи хонага чиққанида Пири Букрий уни қувиб етди:

— Мавлоно, Абу Райҳон! Камина сизга бир илтимосим бор!.. Ўз кўзингиз билан кўрдингиз: фақир кўчада қолган бир гадо эмасмен. Қанча десангиз... хоҳ олтин, хоҳ жавоҳир... қанча десангиз олинг! Сиздан ёлғиз илтимосим бор!..— Букрининг аллақандай маъсум кўм-кўк кўзлари телбанинг кўзларидай чарақлар, иягидаги сийрак малла соқоли дир-дир титрар эди.— Бирдан бир илтимосим... анов жориянгни, Маликул шаробдан олган анов жориянгни каминага инъом этсангиз, мавлоно!..

Беруний шартта бурилиб кетмоқчи эди, букри оғир ҳансираб унинг қўлига ёпишди.

— Мавлоно! Истасангиз анов жавоҳирни, баҳоси ярим Ғазнага тенг анов нодир жавоҳирни олинг!

Пири Букрий телбаларча ҳаракат қилар, тирқираб оққан кўз ёшлари юзини ювиб, сийрак малларанг соқолига қуйиларди.

— Фақирга раҳм қилинг, мавлоно, раҳм!

Ё таба! Салкам қирқ йил аввал ҳам ораларида худди шундай бир гап бўлиб ўтган эди. Ҳозир ҳам!

— Қўлингни ол, Пири Букрий! Мен қулжаллоб эмасменки, бир шўрликни сенга олтинга сотсам!— Беруний шундай деб, букрининг темир исканжадай қаттиқ, ёпишқоқ қўлидан қўлини базўр тортиб олди-да, ташқарига отилди.

Тақдирнинг ажаб савдоси: унда, Қиётда, Райҳонабонуга ёпишган эди бу иблис, энди Садафбига!..

Беруний хаёл оғушидан базўр қутулиб, рўпарасида мунғайиб ўтирган Садафбига қаради.

— Тўғри сўзладинг, бибим, кўча юмушларини Сабҳу қилсин...

Берунийнинг сўзи оғзида қолди. Тўсатдан ташқарида гурс-гурс қадам товушлари эшитилиб, хонага Сабҳу кирди. У нимадандир ҳаяжонланган, бошидаги оқ қалпоқчаси бир томонга оғиб кетган, қўлидаги капгири дир-дир титрар эди.

— Устод! Сизни саройдан бир бека сўроқлаб келди!

— Саройдан? Бека?

— Ҳа, соябон аравада келди. Енида бир қанча суворийлари ҳам бор!

Ажаб ҳол: кундуз саройдан чопар келганди. Чопар эртага сарой-

да ўтадиган машваратда¹ ҳозир у нозир бўлиши тўғрисида амру фармон келтирган эди. Энди эса...

Беруний бир нарса дейишга улгурмади, эшик шитоб билан очилиб хонага беканинг ўзи кириб келди.

2

Эғнида... тириклар ва ғолиблар либоси: узун қора ипак кўйлак ва кўйлак устидан кийилган хипча бел қора кимхоб камзул, юзида зар сочилган узун қора дурра, оёқларида учларига дур қадалган бежирим қора кавуш, хина кўйилган бармоқларида ёқут кўзли йирик олтин узук, бека пойгакда тўхтаб, назокат билан бош эгди.

— Бевақт келганим учун маъзур тутасиз, мавлоно!..

«Хатлибегим! Султоннинг эрка синглиси Хатлибегим!»— Беруний шитоб билан қаддини ростлади, овози беихтиёр титраб:

— Қадамларига ҳасанот, бегим!— деди.— Каминани кечиргайсиз, сабаби хасталик, истиқболингизга чиқолмадим.

— Ташаккур!— Хатлибегим аста-юриб хонтахтага яқинлашди-да, хонани нафис мушк-анбар бўйига тўлдириб, назокат билан кўрпачага чўккалар экан, кескин ҳаракат билан юзидаги ҳарир қора пардани кўтариб, елкасига отди.

Беруний чеккада ҳайкалдай қотиб турган Садафбибига юзланди:

— Сен борабер, бибим, Сабҳуга қарашиб юбор...

Садафбиби ҳуркак кийикдай чопқиллаб чиқиб кетди. Хатлибегим эшик ёпилгунча унинг орқасидан қараб турди, сўнг:

— Аёл зотини афв этасиз, мавлоно,— деди.— Бу санам ким?

— Бу санам... фақирнинг жорияси, бегим.

Хатлибегимнинг юпқа лабларига билинар-билинемас кулги югурди.

— Офарин! Жория танлашни билар экансиз, мавлоно!

«О, аёл зоти, аёл зоти! Заифа деб бежиз айтмаганлар!»

Беруний кўнглидаги ғалаённи босиш учун мўриси мон қалпоқчасини тўғрилаб, бошини хам қилди. У рўпарасида ўтирган бу аёл султоннинг суюкли синглиси Хатлибегим эканига ҳам ишонгиси келар, ҳам ишонгиси келмас эди. Бироқ бу ўша, бундан ўн йил муқаддам Ҳиндистон йўлида, тўғрироғи, Синд вилоятидаги гўзал бир кўл соҳилида пинҳона учрашган Хатлибегимнинг ўзгинаси эди! Йўқ, ўзгинаси эмас, унда султон ҳарамига раҳнамолик қилгувчи бу шаддод, ўктам аёл хийла ёш, хийла кўҳлик эди. Ун йил ичида ўзини анча олдириб қўйибди. Чакка суяклари туртиб чиққан юмалоқ қорамтир юзида, ҳатто упу аралаш нозик бўёқ суртилган ёноқларида билинар-билинемас ажин нишонлари кўзга чалинади, бироқ сурма тортилган қийғоч кўзларида, қаттиқ қисилган юпқа лабларида ўша шиддат, оғаси амрал мўмининга хос ўша совуқ бир ўктамлик бор. Еки бу ифода, қийғоч кўзларидаги бу совуқ шуъла ясамами? Ахир ўшанда, бундан ўн йил муқаддам, гўзал кўл соҳилига тикилган саропардада ўтган пинҳоний кечада ҳозир совуқ чақнаган бу кўзлар тамом бошқача порлаган эмасмиди?..

Беруний тўсатдан тошқиндай тошиб келган ғалаённи босиш умидида шоша-пиша қўлини чиний кўзага чўзди. Бир зум унинг кўз олди-га қимматбаҳо шерозий гиламлар тўшалган ипак саропарда келди. Саропарданинг тўрида, қат-қат шойи тўшақда бетоқат тўлғаниб ётган ярим яланғоч санам нигоҳи олдида намоён бўлди, унинг иссиқ бўсалари, бетоқат ҳаракатлари эсига тушиб, ҳорғин танасидан ўт чиқиб кетди. Уша маҳалларда сарой аҳли орасида бу тантиқ ва шаддод беканинг номи ибрат маъносида тилга олинар, гўё у, эркак юзини кўрмасликка қасам ичиб, гўшанишинликни ихтиёр этган, деган гаплар юрарди. Бу гаплар ростми, ёлғонми — буни ёлғиз олло билади ва лекин бу ўктам, эркатой бека ўшанда, кўл соҳилидаги кўкаламзор қир-

¹ Машварат — олий кенгаш.

ларга тикилган қоронғи саропарда ичида унга, ёш тилмоч Абу Райҳон Берунийга унутилмас гўзал бир оқшом инъом этган эди!..

Беруний шарбат тўла пиёлани таъзим билан бекага узатди, узатаркан, унинг юпқа лабларида ҳамон ўша билинар-билимас кулги аломатини кўрди. «Ё раб, у ҳам эслади!»

— Марҳамат, бекам!

— Ташаккур!— Хатлибегим пиёлани олиш ўрнига қора кимхоб камзулининг чўнтагидан оғир қаҳрабо тасбеҳ олиб, битта-битта ўгиришга тутинди. Беруний ичида бир кулиб қўйди: «Хайрият, ёшлик чоғларини эслагани келмапти, эслагани келганида не қилардинг, шўрлик Абу Райҳон?»

Хатлибегим қўлидаги тасбеҳини хонтахтага қўйиб, пиёладаги шарбатдан бир ҳўплади.

— Мавлоно! Мен шўрлик сизни йўқлаб келишдан муродим, хабарингиз бор, ул валинеъмат давлатпаноҳ,— илоё умри узоқ бўлғай!— оғир дардга чалинмиш, Сарой тўла аллома, маликул калом, доврўғи жаҳон ҳақимлар, бироқ шўрлик оғам ўз ўтида ўзи қовурилиб ётмиш! Дардига даво, кўнглига ором бергувчи на бир ҳабиби бор, на бир табиби.— Хатлибегим ҳарир дуррасининг учини кўзига босиб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.— Олампаноҳнинг дардига даво қидириш ўрнига саройда иғво, фисқи-фасод! Инонган тоғлари Али Ғариб билан Абул Ҳасанак бўлса мартаба талашидан бошқани билмас. Давлатпаноҳ оламдан ўтса,— илоё бичган кафанлари ўзларига буюрғай!— тахтга ким ўлтиради? Шундан бошқа ташвишлари йўқ уларнинг! Тўнғич ўғил амир Масъуд қолиб, кичик ўғил, ақли норасо Муҳаммадни тахтга кўтармоқ режасини тузадурлар!

«Ҳаммасидан бохабар! Ер тагида илон қимирласа биледи бу хотин! Аммо... бу маъшум сир-асрорни айтишдан муроди не? Бу иғво, бу фисқи-фасод ишларга даҳлим не менинг?»

Хатлибегим тўсатдан дуррасининг учини жаҳл билан елкасига отиб, Берунийга тик қаради, сурма тортилган қийғоч кўзлари аллақандай совуқ чақнаб:

— Наҳот бу дарднинг давоси бўлмаса, мавлоно?— деб сўради,— кеча саройда назм аҳлининг султони жаноб Унсурий бир сўз айтмиш. Ҳиндистон томонда, қайси бир наҳр ўртасидаги оролда «неъмати илоҳий», деган ғаройиб бир дарахт ўсар эмиш. Бу дарахтнинг мевасини тановул қилган хастаи нотавон танасидаги барча дардларидан фориг бўлур, чол бўлса қирчиллама йигит, кампир бўлса... ёш малакка айланур эмиш. Жаноб Унсурий бу сўзни эски китобларда ўз кўзи билан ўқиган эмиш. Сиз ўша юртларда бўлгансиз, мавлоно, айтинг, маслаҳат беринг, қайдан топса бўлур бу «неъмати илоҳийни?»

Беруний Хатлибегимнинг илтижо билан жовдираган ғамгин кўзларидан нигоҳини узиб, ерга қаради, қараши билан Ҳиндистонда шаҳарма-шаҳар дарбадар кезиб юрган чоғларида, кекса коҳинлардан эшитган ғалати бир ривоят эсига тушди...

«Ҳиндистон музофотларининг бирида донғи оламга кетган бир подшо бўлган эмиш. Унинг гўзал бир тўтиси бўлиб, подшойи олам унга чексиз меҳр қўйган эмиш. Кунлардан бир кун ўша тўти қафасда туриб, подшойи олам билан сўзлашар экан. Ногаҳон осмонда яна бир тўти пайдо бўлибди-ю, икки тўти сўзлаша кетибди. Аммо сал ўтмай қафас ичидаги тўти бетоқат бўлиб қалтирай бошлабди, сўнг йиқилиб жон таслим қилибди. Подшойи олам кўп қайғу ва ҳасрат чекиб, тўтининг жасадини боққа олиб чиқиб ташлабди. Тўти эса қафасдан қутулган ҳамон учиб, дарахт шоҳига бориб қўнибди. Подшойи олам ҳайрон бўлиб:

— Эй, қушларнинг сарвари!— дебди.— Мендан не ёмонлик кўрдингки, суҳбатимдан қочасен?

Тўти шакар-гуфторлик қилиб:

— Шоҳим,— дебди.— Хизматинг ҳақини унутмаймен. Аммо... мен ҳам тўтилар подшоси эдим. Тақдир мени сенга гирифтор қилиб, қа-

фасингга солгандан буён тобеларим менинг фироқимда мотам тутмишлар. Енимга келган бу тўти менинг инимдир, иним айтдики: «Э, оғам, подшойи оламдан бир неча кунга рухсат ол, ёру биродарларинг ёнига бориб ул мажруҳларни ҳижрон азобидан қутқаз, сўнг яна қайтиб келиб валинеъматинг хизматини қил». Мен унга: «Подшойи олам сўзимга кўнмайди», дедим. Иним айтдики: «Сен ўзингни ўликка сол, зеро, ўлмайин қутулмайсен!» «Алқисса, мен шу тадбир билан ўзимни халос қилдим!» Тўти шу сўзни айтиб, иниси билан бирга учиб кетди.

Подшойи олам кечаю кундуз йиғида бўлди. Бир неча кундан сўнг унинг висолидан умид узиб ўлтирган эди, қараса, ўша тўти қайта парвоз қилиб келди. Тумшуғида бир дарахт ниҳолчаси бор эди. Подшо ниҳоятда хушвақт бўлиб деди: «Эй, тўти! Мени фироқ балосига ташлаб кетгани қандай журъат этдинг?»

Тўти айтдики: «Бир қошиқ қонимдан кечинг, подшойи олам, зеро ким, кўп муддатдан бери хешу ақраболаримдан жудо бўлиб, кўнглим вайрон эди. Бордим, уларнинг дийдорини кўрдим ва мана қайтиб даргоҳингизга келдим».

Подшойи олам тўтини кўп эъозлади. Сўнг: «Бу олиб келганинг қандай ниҳол?» деб сўради. Тўти айтди: «Шоҳим, мен сиздан кетиб ўз маконимга борганимда дўстлардан ҳазратингизга муносиб туҳфа тайёрлашларини илтимос қилдим. Улардан бири: «Мен фалон оролда бир дарахт кўрганмен. Мевасининг хосияти шулки, агар қари еса дарҳол йигит бўлур, хастаи нотавон еса шу замон сиҳат топадур», деди. Мен: «Оламда мундан яхши туҳфа йўқдир, деб маъкур дарахтдан бир ниҳолча олиб, даргоҳингизга келтирдим».

Бу сўздан мамнун бўлган подшойи олам боғбонини чақириб: «Бу меваси навжувонлик ато қилгувчи мўъжиза дарахт ниҳолидур, уни яхшилаб парвариш қил!»— деди.

Боғбон ниҳолни боққа элтиб ўтқазди, меҳр билан парвариш қилди. Ниҳол тез фурсатда камолга етиб, бир неча йилдан сўнг мева қилди. Иттифоқо, унинг мевасидан ерга тушганини бир илон оғзига олиб, заҳар солди. Бундан беҳабар бўлган боғбон мевани товоққа қўйиб, подшойи оламнинг олдига келтирди. Подшо мевани емоқчи бўлди. Унинг бир вазири бор эди, деди: «Шоҳим, сиздай подшойи олам учун бундай нарсаларни синаб кўрмай тановул қилмоқ жоиз эмас!»

Алқисса, бу мевани мулозимларидан бирига едирдилар. У одам мевани еган замон жон таслим қилди. Подшойи олам ажаб ҳолатда қолиб, тўтига деди: «Эй, бадбахт! Сен менга душманлик азмида жонимга қасд қилдингми?»

Тўти ҳарчанд: «Шоҳим, бу ишни текшириб ҳақиқат қилгил. Бу ишда бир сир-асрор бор», демасин, подшо унинг сўзига қулоқ солмади. Тўтини ўлдирдилар. Подшо дарахтни ҳам йиқитиб, ўтин қилишни буюрди. Вазир айтди: «Шоҳим, бундай меваи бадҳазм сиздай подшойи олам хазинасида бўлмоғи лозим. Душманни йўқотмоқ учун бундан аъло дору йўқ».

Иттифоқо, боғбоннинг бир ошнаси бор эди. Қарилик юки қоматини камондек эгиб қўйган эди. У боғбонни кўргани келиб, боғни сайр қилар эди. Боғбон йўқ эди. Ногоҳ ўша дарахт олдига келиб қараса, меваси фарқ пишган. Ундан бир дона тановул қилган эди, дарҳол навжувон йигит бўлди. Боғбон келиб қараса, бир ёш йигит хиёбонда юрибди. Дарғазаб бўлиб сўради:

— Сени бу боққа ким киргизди?

— Эй, биродар, мен фалон дўстинг бўламен.

— Номаъқул гапни қўй, у кекса эди, сен қирчиллама йигитсен!

— Эй, биродар! Боғингда бир турлик мева кўрдим, ундан тановул қилдим-у, шу сифатга кирдим, ўзим ҳам ҳайронмен.

Алқисса, боғбон ўша мевадан бир товоқ олиб, ўз биродари билан подшойи олам ҳузурига равона бўлди. Келиб бўлган воқеани арз қилди. Подшо синаб кўриб амин бўлдики, тўти рост айтган экан. Шунда подшо боғбондан: «Сен олдинги мевани дарахтдан олибмидинг ёки

ердан?» деб сўради. Боғбон ердан олганини айтди. Маълум бўлдики, унга илон заҳар солган. Подшо тутини ўлдирганига пушаймон чекиб, бутун умри қайғу билан ўтди...»

«Ғаройиб ривоят! Жоҳил ҳокимларни сабр-тоқат ва адолатга чорловчи ибратли ривоят!»

Беруний бу ривоятни эшитган заҳотиёқ уни кўп йиллардан бери йиғиб юрган афсоналар ва ривоятлар дафтарига ёзиб қўйган, бир кун ўзининг «Ал-асар ал Боқия» деган тарихий асарига киритиш орзусида эди! Лекин ҳозир... ҳозир бу ҳикоят, ҳар қандай хастага сиҳат келтирувчи «неъмат илоҳий» тўғрисидаги бу ҳангома шунчаки бир чўпчак эканини, абадийлик орзусида ожиз банда яратган шунчаки бир ривоят эканини қандай айтади? Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, бир маҳаллар унга бир неча тотли дақиқа бағишлаган, ҳозир эса мудҳиш ҳақиқат олдида ундан нажот сўраб келган бу заифага не дейди? Юз амри иссиқ, унинг кўнглини қандай оғритади?

— Бегим,— деди Беруний, кўзини ердан узмай,— минг йилларки, банибашар сиз айтган бу «неъмат илоҳий»ни қидиради, минг йилларки, уни топишни орзу қилади. Аммо уни топмоқ ҳеч бир кимсага насиб этган эмас, бегим!

Берунийнинг сўзини Хатлибегимнинг:

— Е парвардигор!— деган фарёди бўлди.— Наҳот ҳеч бир нажот бўлмаса? Етти иқлимни забт этган фотиҳи музаффар, донғи оламга кетган подшойи олам бу кун... жисмида уқубат, кўнглида таваҳҳум¹, нажотсиз тўлғаниб ётса? Наҳот суронли жангларга чек қўйиб, энди фароғат гулшанига етдим деганида... ногаҳон ёпишган бу дарди бедаво сабаб... шами шабистони сўлса². Бечора оғам! Энди унинг бор умиди ҳазрат Ибн Синода!

— Ҳазрат Ибн Сино?

— Ҳа,— деди Хатлибегим.— Мана уч ойдирки, давлатпаноҳ Ибн Сино ҳазратларига элчи йўлламиш! Минг таассуфким, ҳануз дарак йўқ! Яна бир умидимиз сиз билан амир Масъудда! Ул шаҳзодаи валиаҳд Исфаҳонга юриш қилиб, уни забт этгандур. Бироқ нечундир ундан ҳам дарак йўқ.

«Ибн Сино!..»

Бу икки сўз Абу Райҳоннинг дилига бамисоли илиқ бир нур бўлиб қуйилди-ю, кўнгли ёришиб кетди. Е раб! Сўнг бор Гурганж сарҳадида, кўзларида ёш, қучоқлашиб видолашганларига неча йил бўлди? Ун саккиз, йўқ, салкам ўн тўққиз йил бўлибди! Ун тўққиз йилдирки, бир-бирининг дийдорига зор! Гурганжда, Маъмун ибн Маъмун саройида ўтган қизгин баҳс-мунозаралар, дилрабо мушоиралар, тонготар суҳбатлар қайда қолди? Фақат кўнгилда! Улар худди тушдаги рўёдай ўтди-кетди! Гоҳо-гоҳо келадиган узук-юлуқ хабарлар, онда-сонда бўладиган ёзишмалардан бошқа алоқа йўқ... Ҳатто ёзган китобларини ўқишга ҳам зор! Абу Райҳон унинг донғи оламга кетган «ал-Қонун» асарининг фақат бир жилдини ўқишга муяссар бўлди, Ибн Сино эса унинг «Ҳиндистон»ини ҳали кўрмади ҳам!

— Ҳа,— деди Беруний ҳушига келиб,— Ибн Сино ҳазратлари келса кўп яхши бўлур. Ул ҳакими давроннинг билмаган доруси, даволамаган дарди йўқ.

Хатлибегим тасдиқ ишорасида бошини ирғади-да:

— Хабарим бор,— деди қовоғини уйиб.— Ул такаббур ҳаким бир маҳаллар Ғазнага келишдан бош тортиб, Журжонга қочган. Билишимча, сиз ул алломаи даврон билан кўп мулоқотда бўлгансиз, мавлоно. Ба нияти шифо, яхши ният қилиб, ҳаким ҳазратларига бир мактуб ёзиб берсангиз. Тагин бир чопар йўлласак. Ул алломаи даврон Ғазна саройида хизмат қилишни тиламаса тиламас, бироқ бир бандани ожиз дардга чалинганда уни даволамоқ ҳаким учун ҳам фарз, ҳам қарз

1 Таваҳҳум — ваҳима.

2 Шами шабистон — умр шами.

эмасму, мавлоно?— деди Хатлибегим, лаблари титраб.— Бечора оғам! На кўзида уйқу бор, на кўнглида таскин, ҳар оқшом саройда соя янглиғ танҳо кезиб чиқади!..

Хатлибегим гўё ўз гапидан ўзи қўрқиб кетгандай, бирдан ҳушига келиб, юзига қора дуррасини тортди. Хатти-ҳаракатларида бояги шиддат, гап-сўзларида бояги қатъият зоҳир бўлиб, шитоб билан ўрнидан турди.

— Бу сирни мен сизга инониб айтдим, мавлоно!— деди у, чамаси ортиқча гапирганидан пушаймон бўлиб.— Бу сўзларни тирик бир жон билмаслиги даркор! Офтоби оламга улугъ мартабалар инъом этган худованди карим, иншоолло, ундан ўз меҳри-шафоатини даригъ тутмагай! Мактубни ёзиб қўйсангиз эрта-бурускун одам юборамен! Қўзғалманг, мавлоно, сиз ҳам бетоб экансиз, мен ўз дардим билан бўлиб, билмабмен. Хайр, оллога топширдим сизни!— Хатлибегим, бошини баланд кўтарганича виқор билан юриб, ҳужрадан чиқди. Беруний ҳолсизланиб, жойига чўзилди.

3

Ҳақиқатан ажаб ҳол: кундуз фармони олий келтирган чопарлар! Оқшом эса... султон бўлмаса ҳам, ўктамликда султондан қолишмайдиган бу шаддод бегимнинг пинҳоний ташрифи!..

Беруний учлари жингалак, қалин мош-гуруч соқолини тутамлаганича ўйга толди. Токчадаги шамлар шуъласида унинг бир-бирига туташган ўсиқ қошлари, чўзинчоқ қорамтир юзи, чамбарак қалпоқчаси тагидан бўртиб чиққан дўнг пешонаси, узун қийғир бурни — бутун қиёфаси қандайдир жуда шиддатли кўринар, зотан, донғи оламга кетган алломалардан кўра суронли жангларда тобланган лашкарбошига ўхшаб кетарди.

Мана, бир неча ойдирки, дориссалтанат Фазна, наинки Фазна, бутун мамлакат нотинч. Амирал мўъминин аталмиш султон Маҳмуд Фазнавий тўғрисидаги совуқ миш-мишларнинг чеки йўқ. Биров уни аллақандай давосиз дардга йўлиққан деса, биров таваҳҳум касалига гирифдор бўлиб, васвас бўлиб қолган дейди. Бу миш-мишларнинг қайси бири чин, қайси бири ёлғон — ёлғиз оллога аён. Фақат шуниси ростки, ҳамма таҳликада, айниқса, ҳақимлар ва алломаларнинг аҳволи оғир.

Султон бундан икки ой муқаддам Берунийни чақиртириб, зойича¹ тузиб беришни буюрган эди. Беруний ўшандаёқ султонни кўриб, қўрқиб кетганди. Азалдан новча, бўйдор одам, у худди ичини қурт еб, қуриб қолган улкан теракни эслатарди. Фақат кўзлари... ўймоқ тагидаги симобдай милтираган қисқ кўзлари яраланган қушнинг кўзларидай мунгли эди. Султоннинг кўзларидаги бу тизгинсиз мунг сабаб, Беруний, гарчи умрида ҳеч қачон илми-нужум² билан шуғулланмаса ҳам, султоннинг илтимосини қайтармади.

Саройдан қайтгач, мунажжимлар, йўл-йўригидан фойдаланиб, зойича тузди, ҳатто унга жиндай тузатишлар киритиб, султоннинг кўнглига тасалли бергувчи сўзлар ёзиб юборди. Ким билсин, эҳтимол, эртага машварат вақтида султон уни шу хусусида сўроққа тутар, эҳтимол, тузган зойичасидан бирор хато топиб, интиқом олар!.. Хайҳот, Беруний умрида бир марта, унда ҳам бир хастаи нотавоннинг кўнгли учун, ўз эътиқодидан хиёл чекинган эди, мана энди бу гуноҳи учун интиқом хавфи туғилди...

Эсида бор, ўша учрашув чоғида Берунийнинг сўзларидан тасалли топган султон бирдан чеҳраси ёришиб, ундан ўз ишларини, хусусан, Ҳиндистон тўғрисидаги асарини сўраб-суриштирган эди.

Беруний яхши билар: султон унинг бу асаридан кўп нарса кутар, бу китоб унинг Ҳиндистонда қилган жангу жадаллари тўғрисида, ма-

¹ Зойича — гороскоп.

² Илми нуҷум — астрология.

жусий шоҳлар устидан қозонган улуғ зафарлари ҳақида битилган зўр қасида бўлишига ишонар эди. Беруний эса... Беруний бунга ўйласа ўйқуси қочади. Ҳар сафар ўн йилдан бери ёзаётган бу китобга нуқта қўйишни ўйлаганда, негадир Синд музофотида бўлган бир мудҳиш қирғин эсига тушади. Тушади-ю, бутун фикри-хаёли ағдар-тўнтар бўлиб кетади...

Ушанда, Инд дарёси соҳилидаги, кўркам қалъа ичидаги мухташам ибодатхонага ўт қўйиш тўғрисида амру фармон берилганида, Беруний асир олинган ҳинд лашкарбошилари билан бирга султон олдига тиз чўкиб, ундан шафқат сўраган, маҳбусларнинг кўз ёши аралаш қилган илтижоларини таржима қилаётганида эса, ўзиям кўз ёшини тиёлмаган эди! Лекин султон шафқат қилмади. Муаззам қалъанинг тўрт тарафидан ўт қўйишни буюрди. Қалъага яширинган эллик минг одам, баробар тиз чўкиб ибодат қилганича, йўқ, ибодат эмас, юракларни тилка-пора қилгувчи мунгли бир қўшиқни айтганича, аланга ичида куйиб кул бўлди... Улимга маҳкум этилган эллик минг маҳбуснинг баробар тиз чўкиб айтган ва гўё мунгли қўшиқдай янграган бу ибодати ҳануз қулоғи остида турипти, эсласа ҳануз ларзага солади уни, гўё бу бешафқат қирғин султон Маҳмуд Ғазнавийнинг амри билан эмас, унинг амри билан бўлгандай, аъзойи бадани қақшаб кетади. Уни Ҳиндистонда қолишга даъват этган нарса ҳам мана шу гуноҳкорлик туйғуси бўлди, Ҳиндлар юртига жиндек хизмат қилиб бўлса ҳам кўнглидаги бу ғуборини ювиш истаги бўлди.

Қўлида асо, елкасида ҳуржун, Абу Райҳон аввал бир ўзи, кейинроқ эса Лахўр кўчаларидан топиб олган етимча Сабҳу билан бирга ярим Ҳиндистонни айланиб чиқди. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ яёв юриб, авваламбор бу халқнинг тилини, сўнг ёзувини, кейин кўҳна ибодатхоналари каби кўҳна тарихини ўрганди. Бозорларда, ибодатхоналар бўсағасида ўтириб кекса Ведачи қоҳинлардан қадим афсоналар ва ривоятларни эшитди, илми риёзиёт¹ ва ҳандаса ҳақидаги китоблари ва тавқимлари² билан танишди, «Махабхарата» ва «Рамаёна» каби дostonлари, эртаклари, ҳикоятлари, қўшиқлари, ҳайитлари, улуғ айёмлари, ой ва йиллар ҳақидаги тушунчалари, ҳатто кўҳна вайроналарга битилган кўҳна ёзувларигача ёд олди. Сўнгги бир неча йилни расадхоналарда ўтказиб, ҳинд алломаларининг фалакиёт бобидаги тасаввурларини, сайёралар ҳаракати тўғрисида тузган жадвалларини тўплади... Мана энди, ҳиндлар юртида тўпланган бу илмларнинг ҳаммасини жамлаб, «Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд мин маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзулатин», яъники «Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сифмайдиған таълимотларини аниқлаш китоби», деган улкан асар ёзди. Узича эса уни қисқача қилиб «Ҳиндистон», деб атади.

Беруний суюкли асарининг ҳар бир бобини тугатганида шогирди Сабҳуга кўчиришга беради. Абу Райҳон уни Лахўр кўчаларидан топиб олганида Сабҳу етти-саккиз яшар бир норасида эди. Мана энди ниҳоятда зийрак бир муллававча бўлиб етишди. Қариган чоғида унга ҳам дўст, ҳам шогирд, ҳам ёрдамчи бўлди... Бундан бир ҳафта муқаддам Беруний унга «Ҳиндистон»нинг сўнгги бобини кўчиришга берган, ўзи эса, кўп йиллардан буён ёзишга жазм қилиб юрган «ал-Ҳазиний», деган маъданлар тўғрисидаги китобини битишга тутинган эди. Лекин бирдан хуруж қилиб қолган хасталик ўйлаган ишининг белига тепди. Боз устига бир-бирдан совуқ бу миш-мишлар, телба султоннинг телба-тескари фармонлари!.. Ким билсин, васвас дардига дучор бўлган бу қаҳри қаттиқ ҳоким эрта машваратда не дейди? Уни не савдолар кутади?

Улим ҳақ! Беруний султоннинг қаҳри, ғазабидан қўрқмайди. У фақат бир нарсадан — ният қилган ишларининг чала қолишидан, ёза бошлаган асарларининг ниҳоясига етмай қолишидан қўрқади, холос!..

¹ Илми риёзиёт — математика.

² Тавқим — календарь.

Беруний, хонтахтадаги сопол кўзачадан бир ҳўплам шарбат қу-йиб ичди-да, ёстиғи тагидан шақилдоғини олиб шақиллатди. Дарҳол эшик очилиб, Сабҳу кирди. Унинг катта-катта қоп-қора кўзлари бола-ларча бир самимият билан порлаб турарди.

— Кел, ўғлим, ўтир!

Сабҳу кавушини пойгакка ечди, ерга тўшалган қалин жуң на-мат-ни товушсизгина одимлаб, устозининг рўпарасига келиб чўккалади. Шундагина Беруний шогирдининг аллақандай ички бир ҳаяжон ичида тўлғанаётганини сезиб қолди.

— Сенга не бўлди, Сабҳу? Ким сени ранжитди, болам?

— Ранжитди? Нечун?— Сабҳу кўз ёши аралаш жилмайди, жил-майганда оппоқ тишлари «ярқ» этиб, озгин қорача юзи нур тушгандай ёришиб кетди.— Мен ҳозир... устозимнинг китобини кўчириб бўлдим,— деди у ва «култ» этиб ютинди.— Буюк китоб! Менинг юртимни бутун оламга машҳур қилғусидир бу китоб! Уни тезроқ кўчирмоқ лозим, ҳусниҳат хаттотларга бериб, кўп нусхада кўчирмоқ даркор, устод!

Беруний индамай бошини ҳам қилди. У умрида жуда кўп дўсту биродар, жуда кўп шогирд орттирди, уларнинг яхшиларини ҳам, ёмон-ларини ҳам, омад кулиб боққанда атрофида гиргиттон бўлиб, омад кетганида хоинларча юз ўгирганларини ҳам — ҳар хилини кўрди. Ле-кин Лохўр кўчасидан топиб олган бу етимчадай садоқатли шогирдни кўрмади... Бўй-басти келишган, мўйлови эндигина сабза урабошлаган, тол чивикдай нозик бу йигитчада ўз элининг ҳамма фазилатлари — мулойимлиги, меҳнатсеварлиги, камтарлиги юз фоиз мужассам. Беру-ний у билан бир лаҳза суҳбат қурса гўё Ҳиндистонга қайтиб борган-дай, босиб ўтган йўлларини кезган шаҳарларида қайта кезиб юргандай бўлади. Шунда юрагининг бир бурдаси ўша улуг маконда қолганини, бу маконнинг заҳматкаш, мўмин-мулойим халқи эса худди ўз элдош-ларидай қадрдон бўлиб қолганини ҳис этади. Ажабо! Нечун гоҳо бир эл иккинчи эл билан ошно бўлмасдан туриб ётсирайди, фақат ўз ти-лим, ўз куйларим ва ўз қўшиқларим яхши деб ўйлайди! Уйлайди-ю, қатлу ом қилиб бўлса ҳам ўз урф-одатларини бошқа юртларга ёймоқ-чи бўлади!.. Шоҳлар-ку, майли! Унинг ўзи ҳам, оқу қорани таниган Абу Райҳон Берунийнинг ўзи ҳам бир маҳаллар шундай деб ўйлаган эмасмиди? Узи туғилиб ўсган Жайхун заминидан яхши замин, туркий урф-одатлардан яхши урф-одатлар, туркий қўшиқ ва туркий куйлар-дан яхши куй ва қўшиқ йўқ, деб ўйламаганмиди?.. Хайриятким, бирда Журжон, бирда Ҳиндистондай буюк ва фаройиб юртларни кўриб кўзи очилди, ҳар бир мамлакат, ҳар бир эл ноёб ва гўзал бир олам эканини билди, билиб, «Ҳиндистон»ни ёзди! Фақат... минг афсуски, бу асари-ни, ўн йил умри кетган бу суюкли китобини ҳозирча пинҳон тутишга мажбур.

— Раҳмат, азизим,— деди Беруний чуқур хўрсиниб.— Ҳозир бу китобни хаттотларга топшириб, алломаларга тарқатиб бўлмас, ўғлим.

— Сабаб, устод?

— Сабаби... камина уни авваламбор султон Маҳмуд Ғазнавийга тортиқ қилмоғим лозим!

— Тортиқ қилинг! Кўп инъомлар оласиз, устод!

Беруний шогирдининг ҳайрат билан порлаган кўзларига тикилиб, мийиғида бир кулиб қўйди: «Йўқ, илмда зукко бу йигит бу дунё юмушлари бобида ҳануз гўдак, она сути оғзидан кетмаган маъсум гў-дак!»

— О, болам! Кўп инъомлар олмоқ учун бу китобда ул амирал мў-мининга ҳамду санолар ўқимоғим, сенинг юртингда қилган қатлу қир-ғинларни мадҳламоғим даркор эмасму, ўғлим?

Сабҳу гуноҳ иш устида тутилган ёш боладай қизариб:

— Бунга ўйламабмен, афв этинг, устод!— деди бошини эгиб.

Беруний кўзачадаги шарбатдан яна бири қултум ичди-да, кўзини юмди. Назарида, мияси чўғдек қизиб, хаёли чувалашиб кетаётгандек эди, лекин шундай бўлса ҳам кўнглининг бир четида енгиб бўлмас

бир истак — қалбининг энг тупкарисида ётган дардларини айтмоқ истаги тобора авж олиб борарди. Ким билсин, бу телба шоҳнинг телба машваратидан соғ-саломат қайтадими, йўқми? Васвас дардига йўлиққан ҳокимдан ҳар нарсани кутмоқ мумкин!

— Болам, Сабҳу,— деди Беруний, бошини ёстиқдан кўтариб.— Камина эртанги машварат не мақсадда чақирилган — буни айтолмаймен. Шу сабабдан бир нарсани сенга изҳор этмоқни лозим кўрамен... Ёдингда бўлсин! Фақир бу китобни... сен меҳр билан оққа кўчирган бу асаримни ёзишдан муродим — сенинг юртинг... Ҳиндистон олдидаги гуноҳларимни ювмоқ эди!..

Сабҳу бутун вужуди билан олдинга талпиниб:

— Сиз? Гуноҳкор?— деб сўради.— Сўзингизни англамадим. Ҳиндистонни топтаган сиз эмас, устод, сиз эмас!..

— Ҳа, камина ҳеч бир кимсанинг бурнини қонатганим йўқ!— деди Беруний. Унинг иситмадан бўғилган овози тўсатдан аллақандай очилиб, торгина чор бурчак хужрани янграптиб юборди.— Қон тўкса... амирал мўъминин аталмиш султон Ғазнавий тўкди, унинг лашкарлари тўкди! Шаҳарларни талаб, ибодатхоналарга ўт қўйди! Ҳаммаси тўғри! Ва декин... бари бир, сенинг юртингда менинг элим тўғрисида ёмон таассурот қолди, болам. Йўқ, ул қатлу қирғинлар учун менинг элим гуноҳкор эмас! Асло! Аммо султон Маҳмуд янглиғ жаҳонгирлар, лашкарбошилар, мустабид шоҳларнинг разолати ҳам шундадурки, улар фақат ўз номлари эмас, балки ўз эли номига ҳам доғ туширишга қодирдурлар! Биз каби маърифатли зотлар эса лоақал эзгу ният ва яхши хизматларимиз билан бўлса ҳам, мазлум эллар юрагидаги бу ёмон асоратни йўқотмоғимиз даркор. Фақир сенинг юртинг ҳақида, Ҳиндистон ҳақидаги китобимни шу ниятда ёзганмен! Билиб қўй, болам!

Беруний бунинг ҳаммасини аллақандай ёниб, илҳом ва ҳаяжон билан гапирди-ю, бирдан ҳолсизланиб бошини ёстиққа ташлади, ташларкан, деҳқоннинг кафтидай катта, қорамтир кафтларида шогирдининг титроқ лабларини ҳис қилди.

Беруний кўнгли «шиғ» этиб, шогирдининг елкасини аста силади, хаёлидан эса негадир: «Кўзим тиригида бу шўрликни уйлантириб қўймоғим лозим», деган фикр ўтди. Ҳа, Садафбиби иккисини қовуштириб қўйса узукнинг кўзига солинган ёқутдай ярашмайдими? Ярашади! Бир фарзанди икки бўлади, у эса тинчиб, бус-бутун мутолаа ва мушоҳада дарёсига шўнғийди!

Беруний кўнглига келган бу гапни шогирдига айтмоқчи бўлди-ю, бироқ бир зум ўйланиб қолди. Қизиқ: у энди, бу икки ёшни қовуштириш фикри кўнглига келгандагина сизди: Садафбиби, юриш-туришларидан, сўзлари, ҳатто олган нафасидан ҳам Жайхун нафаси уфуриб турган бу ёқимтой қиз унга жуда азиз бўлиб қолган эди! Йўқ, йигитлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйганида кўнглига эрк бермоқ гуноҳи кабирдур! Беруний ўз туйғуларини жиловлай олади. Албатта, жиловлай олади! Фақат... бу гапни қўзғашдан олдин Садафбибидан сўз олмоқ, унинг кўнглини билмоқ лозим эмасму?

Беруний шу қарорга келди-да, Сабҳудан Садафбибини чақириб беришни илтимос қилди.

Зум ўтмай, эшик товушсизгина очилиб, Садафбиби кириб келди. Маънос кўралай кўзларида аллақандай ҳадик, қиз ҳарир ипак дурраси билан юзининг бир томонини хиёл яширганича Берунийнинг ёнига келиб ўтирди... Беруний юрагидаги ҳаяжонни босиш учун яна шарбат тўла кўзага қўл чўзди.

— Бибим, камина бир нарсани ният қилган эдим, шу ниятимни айтгани чақиртирдим сени!

Садафбибидан садо чиқмади. У гўё совуқ хабар эшитишдан қўрққандай ранги ўчиб, ўтирган жойида ҳайкалдай қотиб қолди.

— Бибим. Сен қизим бўлсанг, Сабҳу менинг ўғлим. Мана ўн йилдирки, Сабҳу фақирга хизмат қилади. Кўп олижаноб, яхши йигит ул...

Берунийнинг сўзи бўғзида қолди. Садафбиби тўсатдан юзини кафглари билан яшириб, пиқ-пиқ йиғлаб юборди.

— Сенга не бўлди? Нечун йиғлайсен, бибим?

— Устод!— деди Садафбиби йиғи аралаш.— Мен... мен шўрликка раҳм қилинг! Дийдорингизни кўрмоқ бахтидан жудо қилманг мени, жудо қилманг!

Садафбиби шундай деб, бошини эгди-ю, юзини Берунийнинг кафтларига яширди.

Беруний қизнинг бошини силамоқчи бўлиб, қўлини кўтарди, бироқ бунга кучи етмагандай қўли «шилқ» этиб тушди-ю, бирдан ҳолсизланиб ўзини ёстиққа ташлади.

Учинчи боб

Амирал мўъминин султон Маҳмуд ибн Сабуктегин Ғазнавий кўкраги тилла тасмалар билан зийнатланган жанговар фил елкасида, тепасига ипак соябон тутилган олтин тахтда ўтирибди. Фил атрофини аргумоқ ўйнатган лашкарбошилар, амирлар, вазиру вузаро қуршаб олган.

Қалин чакалакзор билан қопланган қир этагидан кенг ўзан ўтар, ўзаннинг у юзидаги тепаликда атрофи баланд девор билан қуршалган муаззам қалъа кўринарди. Қалъа ичида эса, юксак пештоқлари фаллакка қадалган, учлик қуббалари соф тилла билан нақшланган ғароиниб бир ибодатхона ял-ял ёниб, кўзни олар, йўқ, бу ибодатхона эмас, арши аълога бўй чўзган бир мўъжиза эди!..

Султон турган қир ҳам, пастдаги сой ҳам, сойнинг у юзидаги тепалик ҳам — ҳаммаёқ ҳисобсиз лашкарга тўлган, у ёқдан-бу ёққа от сурган суворийлар ҳайқириғи, қурол-яроғларнинг шарақ-шуруғи, отлар дупири, жанговар филлар наъраси еру кўкни ларзага солган. Лекин султоннинг қонини жўштирган бу ёқимли суронни ҳазин қўшиққа ўхшаш бир овоз бузиб турар, бу — қалъадаги муҳташам ибодатхонага беркиниб, ибодат қилаётган маҳбуслар овози эди. Юракни зир титратувчи бу ҳазин қўшиқ тобора авжга чиқиб, султоннинг юрагига ғул солмоқда эди...

Ё тавба! Ўзаннинг бу юзидаги улкан шаҳар кеча бир ҳамла биланоқ таслим бўлган. Ана, қароргоҳ теварагидаги қалин чакалакзорларда қўлларига кишан урилган ҳинд сарбозлари тўп-тўп бўлиб ётибди. Уларнинг қурол-яроғлари тоғ-тоғ бўлиб уюлган, жанговар филлари эса султон қўшинларига хизмат қилмоқда, лекин бу муаззам қалъа ҳамон таслимдан бош тортмоқда. Бу юриш чоғида ўнларча шаҳарларни бир ҳамла билан забт этган султоннинг музаффар қўшинлари эса бу қалъа рўпарасида ожизлик қилмоқда, не-не қалъа деворларига етган нарвонлар бу қалъанинг осмонўпар деворларига етмаяпти, бошқа қалъаларни қоғоздай тешган арродалар бу қалъанинг метин деворларига «тиши» ўтмай тўрипти. Улардан отилган тошлар, қалъа деворларига тегиб, бамисоли коптокдай қопчийди... Бу не ҳол? Наҳот не-не шаҳарларни бир ҳамла билан тиз чўктирган султони мунтасирнинг¹ музаффар қўшини бу қалъа учун тагин бир неча кун жанг қилса?

Султон Маҳмуд эрка вазири Абул Ҳасанак тутган тилла қадаҳни бир кўтаришда сипқариб, елкаси оша осмонга отди. Олтин қадаҳ ҳавода мўъжаз қушчадай ярқираб, ерга тушди-ю, мусаффо жаранглаб, ўсиқ майсалар орасига юмалаб кетди. Султон новча бўй-бастини ростлаб, ҳаммаси бир хил қора аргумоқларини ўйнатиб турган лашкарбошиларига юзланди, қаҳрли қисик кўзлари ўтдай чақнаб:

— Амир Нуштегин!— деб наъра тортди.

Сурмаранг салласига амирлик нишони қадалган йўғон, чорпахил лашкарбоши остида ер депсинган қора аргумоғини ниқтади. Ургатил-

¹ Султони мунтасир — енгилмас султон.

ган арғумоқ қасир-қусир бостириб келиб, фил рўпарасига чўккалади. Амир Нуштегин эса, эгардан тушмай, қўлини кўксига қўйди:

— Офтоби оламнинг хизматига мунтазирмен!

— Мунтазирсен!— деди султон, аччиқ киноя билан.— Икки кундирки, кичик бир қалъани забт этолмай оворасен! Шаҳар таслим бўлмаса не қилмоқ даркор, амир Нуштегин?

— Ут қўймоқ, офтоби олам!

— Ут қўймоқ бўлса нечун қўймайсен? Нечун?

«Ут» сўзини эшитганда яқиндаги чакалакзорда гуж бўлиб ётган — ҳаммаси бир хил сариқ кўйлак, бир хил сариқ ипак чолвор кийган қора танли ҳинд зодагонлари орасида ғала-ғовур кўтарилди. Сўнг, чеҳрасидан аллақандай шуур ёғилиб турган алломанамо бир кимса даврадан отилиб чиқди-да, оппоқ бошини эгиб, бир нималар деб илтижо қилди. Султон атрофига олазарак боқиб:

— Бу мажусий не дейди? Абу Райҳон қайда?— деб сўради. Чакалакзор орасидаги ҳаворанг чодирдан кўк банорас тўн кийиб, бошига оқ салла ўраган, калтагина учбурчак соқоли узунчоқ қорамтир юзига ярашиб тушган новча бир аллома чиқиб, сиполик билан бош эгди.

— Яқинроқ кел, Абу Райҳон! Бу ғайридинийнинг сўзини эшит! Арзи не — сенга сўзласин, сен бизга сўзла!

Беруний от туёқлари остида эзилган қалин майсаларни шип-шип босиб, нуроний чолнинг ёнига келди, бошини осилтирганича мўсафиднинг ҳаяжонли, пала-партиш сўзларини эшитди.

— Бу бандаи ожиз сиздай амирал мўъмининдан меҳр-шафқат тилайди! Дейдиким, бу қасрда эллик минг ғарибу ғурабо йиғилган!

— Ғарибу ғурабо!— деди султон, овози момақалдироқдай қалдираб.— Ғарибу ғурабо бўлса... нечун лашкари музаффарга қаршилик қилади? Нечун таслим бўлмайди?

— Офтоби олам! Қалъа аҳлининг аксари ожизалар эмиш, бегуноҳ норасидалар эмиш, чоллар эмиш, давлатпаноҳ!

Беруний сўзини тугатмаган ҳам эдики, бояги нуроний чол юз тубан йиқилиб, қўллари билан ер тирнашга киришди. Беруний «ялт» этиб юқорига, фил елкасида оёқ кериб турган султонга қаради, беихтиёр олдинга талпиниб:

— Олампаноҳ!— деб хитоб қилди.— Шафқат қилинг, олампаноҳ! Унинг сўзларини амирал мўъминининг:

— Амир Нуштегин!— деган бетоқат ҳайқириги босиб кетди.— Таслимдан бош тортган қасрга ўт қўйгил, ўт!

Чакалакзорда бир-бирига суяниб, гуж бўлиб ётган ҳинд маҳбуслари қорамтир қўлларини кўкка чўзиб, уввос тортиб йиғлашди, лекин пастга қараб от сурган Нуштегин навкарларининг ғолибона қийқириги маҳбуслар ноласини кўмиб юборди. Зум ўтмай, тўрт томондан кўтарилган аланганинг қизғиш тиллари муаззам ибодатхонани аждаҳо янглиғ ялаб, офтобдай чарақлаган олтин қуббаларини ямлаб ютди...

Аланганинг мудҳиш тиллари шундай шафқатсиз, олов ичида қолган муаззам ибодатхонанинг ярқираши шундай... гўзал эдики, қир ёнбағридаги беҳисоб лашкар, гўё бу манзарадан сеҳрлангандай қотиб қолди. Бу совуқ ва улуғвор гўзалликка фақат бир нарса халақит берар, у ҳам бўлса қалъа ичидан, ёнғинда қолган ибодатхона туйнукларидан эшитилаётган бояги ҳазин куй, юракларни тимдаловчи бояги мунгли қўшиқ эди! Узоқдан келаётган бу ҳазин қўшиққа энди қандайдир ёмон, кўнгилни оздирувчи қўланса ҳид ҳам қўшилган эди. Ажабо: қўланса ҳид кучайган сайин кўнгилни вайрон қилгувчи бу қўшиқ ҳам авжга чиқмоқда, гўё ер қаъридан келаётган ўликлар фарёдидай тизгинсиз мунг билан янграмоқда эди.

— Э, яратган эгам!— деди султон юраги увишиб.— Наҳот бу мажусийлар тириклайин ўтда куйиб кетадики, аммо тиз чўкмайди? Қўшиқ айтиб тириклайин ёнғувчи элни биринчи кўришим бу!

Султоннинг хаёлини Берунийнинг ғамгин овози бўлди:

— Йўқ, бу қўшиқ эмас, амирал мўъминин! Эллик минг бегуноҳ

банданинг ноласи бу! Улар тоат-ибодат ила парвардигори оламга нола қилмиш! Гуноҳимиз не деб йиғламиш улар!

— Бекор айтасен, Абу Райҳон! Бегуноҳлар эмас, ғайридинийлар ноласи бу! Ғайридинийлар ноласи эса худованди каримга бориб етмас!

— Ғайридинийми, мажусийми — булар ҳам оллонинг бандасидур, олампаноҳ!

— Бас, Абу Райҳон! Такаббурлик сабаб, тағин мубоҳасага жазм этдингму? Мен сени ул мутакаббир ҳақим... Ибн Синони топиб кел, деб йўллаган эдим. Сен бўлса уни топиб келмоқ ўрнига... ғанимларим ёни олиб, мендай амирал мўъмининга сўз қайтарасен! — Султон шундай деб, қиличини шартта қинидан суғурди-да, боши узра кўтарди, бироқ ногаҳон биқинига қадалган санчиқдан инграб юборди-ю... уйғониб кетди!

Шифтдаги олтин қандилларга терилган шамларнинг кўпчилиги сўниб қолган, деворларига сарғиш ипак пардалар тугилган катта танобий хона ғира-шира, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит эди.

Султон, гўё ўз хобхонасида эмас, совуқ гўрда ётгандай бўлиб, жисмидан совуқ тер чиқиб кетди. Юраги қоқ суяк кўкрагини ёриб чиққудек гурс-гурс урар, кўз олдида ҳануз аланга олган муаззам ибодатхона турар, қулоқлари остида ўт ичида қолган эллик минг маҳбуснинг мунгли қўшиғи янграрди...

Ё тавба! Унга не бўлди? Не сабабдан бундан кўп йиллар муқаддам ўтган бу жангу жадал тушига кирди? Аллақачон ёдидан кўтарилган бу воқеалар нечун қайта ёдига тушди? Наҳот амирал мўъмининдай фотиҳи музаффар лашкарига бўйсуннишдан бош тортган ғайридинийларни қирон қилмоқ гуноҳ бўлса?..

Султон, безиллаб оғриган биқинини силаганича, узоқ хаёлга толди. Мана, бу дарди бедавога гирифтор бўлганига бир неча ой бўлди, шундан бери кўнгли нотинч, жони беҳаловат, кечалари ёмон тушлар кўриб, ваҳима босади. Нечундир эзгу ишлари, қурган қасрлари, яратган боғлари, барпо қилган мачит ва мақбаралари эмас, жанглар сурони-ю, отлар дупури, кесилган бошлар, дорда чайқалган мурдалар, ёнғинда қолган шаҳарлар ёдига тушади. Миясида илгари ҳеч қачон ўйламаган ёмон ўйлар чарх уради...

Ҳа, бунинг ҳаммасига мана шу дард, уч-тўрт ойдан бери ёпишиб олган мана шу давосиз дард сабаб. Рост, сўнги кунларда Чин¹ ва Ҳинд мамлакатларидан келтирилган икки ҳақимнинг қилган муолижаси ёқиб, биқинидаги оғриқ хиёл босилган, ҳар оқшом юрагини чулғаб олгувчи совуқ таваҳхум сал кўтарилган эди. Кеча ҳатто содиқ вазири Абул Ҳасанакка айтиб, сарой мутрибларини чақиртирган ва озгина кўнгилхушлик ҳам қилган эди. Базмдан кейин эса эркатой вазири Абул Ҳасанак ёшлик пайтларини эслаб, султоннинг юрагини қитиқловчи бир гапни қўзғаб қолди. Гўё Бухоро ҳоқими Алитегиннинг суюкли кенжа хотини султоннинг висолини кўриш ишқида ёниб, туну кун мотамда эмиш!

Султон Алитегиннинг бу кенжа хотинини бундан уч-тўрт йил муқаддам, Бухорога юриш қилганида асир тушириб олиб кетган, бироқ ўзини кўрмаган, кўришга ҳуши ҳам йўқ, уни тутқинда сақлашдан мақсад эса — бетавфиқ Алитегинни чўғдай қовуриш эди, холос. Лекин кечаси эрка вазири Абул Ҳасанак султоннинг ишқида ёнган бу хотини шундай таърифу тавсиф қилдики, султон ҳам ногаҳон қитиғи қўзиб, аввал май буюрди, сўнг, ишқ ўтида ёнган малакни кўриш истагини билдирди.

Осмон маликаси қасрининг энг хилват бурчагида султоннинг маҳфий гўшаси бўлар, гўша деворлари «Алфия шалфия»² достонидан кўчирилган ҳаёсиз суратлар, яланғоч аёл ва эркак севгисини тасвирлов-

¹ Чин — Хитой.

² Алфия-Шалфия — Шарқнинг машҳур эротик достони.

чи рангдор расмлар ва ҳинд подшолари қасрларидан олиб чиқилган яланғоч санамларнинг олтин ҳайкалчалари билан безатилган эди. Одатда, ҳарам бекалари инъомга келган ёш маъсумаларни ҳаммомга солишиб, пардоз-андозларини жойига қўйгач, шу гўшага олиб киришар, бу ҳаёсиз суратлар ёш гўзалларда шаҳвоний ҳирс уйғотиб, уларни султоннинг зиносига «шай қилиб» қўярди. Рост, сўнги йилларда, пайғамбар ёшидан ўтиб, тақводорликни ихтиёр этган султон махфий гўшани тақатақ беркитган эди. Бироқ кеча унинг кутилмаган истагидан қувониб кетган ҳарам бекалари махфий гўшани ўзларича очтириб, Бухоро малагини шу ерга олиб келишибди.

Қисқаси, султон, елкасида энгил банорас тўн, белида олгин камар, беҳолгина одимлаб, махфий гўшага кирганида... Бухоро санами, оппоқ дуркун танасини ҳаёсизларча очиб, қат-қат ипак тўшак устида чалқанча тушиб ётарди. Унинг кўзлари юмук, ҳарир гулдор рўмоли орасидан тошиб чиққан майин қўнғир сочлари ердаги қирмизи гўламада бетартиб сочилган, ўзи эса, худди оташ ичида қовурилаётгандай тўлғанар эди.

Султон остонани ҳатлаб ўтиши билан санам сапчиб турди, гиламга тиз чўкиб, унинг оёқларини қучди-да, тиззаларини, сонларини силашга тутинди. Султон ҳам, суюлган қони бирдан кўпириб, санам томон эгилди. Бироқ худди шу пайт, Бухоро малагининг чўғдай иссиқ танасига қўли теккан пайт, сўнги кунларда тинчиб қолган қорнидаги «типратикон» гўё тўсатдан «уйғониб» кетди-ю, оғриқнинг зўридан бўкириб юборди.

Султоннинг наърасини эшитиб, аввал Абул Ҳасанак, унинг кетидан ранглари қув ўчган ҳарам бекалари югуриб киришди...

...Мана, шундан бери тўлғаниб ётибди, ёлғиз оғриқдан эмас, нотинч ўйлардан, кўрган тушларидан, дорагини чулғаб олган совуқ ваҳима ва адолатсизлик туйғусидан тўлғаниб ётибди.

Ё, парвардигори олам! Осий бандангни ўзинг кечиргайсен! Ва лекин... бу не кўргилик эканким, ожиз банданг султон Маҳмуд, ҳақ ва ҳидоят йўлида қирқ йил сурон солиб, машриқдан мағрибгача неки мажусийлар ва ғайридинийлар бор, барчасини қатли ом қилса, пойқадами етган эл борки, ҳамма ерда қуръони мажид сўзини ёйса, бу йўлда унга қирқ йил зафар устига зафар келтирсанг-у, энди, роҳат-фароҳатда кун кечирмоқ мавриди келганда, уни бу бедаво дардга мубтало қилсанг? Ҳайҳот! Агар бу дард чиндан ҳам бедаво бўлса, онда амирал муслимин аталмиш гуноҳкор бандангнинг қирқ йиллик тоату ибодатидан не фойда? Наҳот у буткул рўйи заминни забт этиб, беҳисоб бойликлар орттирганда, ўз дориссалтанати Ғазнаи мунавварани жаҳонда энг кўркам шаҳарга айлантириб, онда масжиди жоме янглиғ ўнлаб масжидлар, гўзалликда беназир жаннатмонанд боғлар яратганида, Осмон маликаси каби қасрлар қуриб, уларни ҳеч бир шоҳ кўрмаган зебу зийнатлар билан безатганида... наҳот охир пировардида топгани бу бедаво дард бўлса? У ўз ҳарамига Чин ва Миср, Ҳиндистон ва Румдан ҳуснда ягона хуриликларни йиғдирса, рақсда товусдек товлангувчи гўзал раққосалар, булбул янглиғ хушовоз хонанда ва созандалар, номи оламга кетган маликул калом ва воҳиди замон алломаларни тўпласа!.. Бу неъматларнинг ҳаммасини ўзинг инъом этсанг-у, тағин ўзинг ҳаммасидан бенасиб қилсанг?

Йўқ, ноумид шайтон! Кеча назм аҳлининг султони, сарой шоири Унсурий, яхши хабар топиб келди. Бу хабарни у мажусийлар тилида битилган эски бир рисолада ўқиган эмиш. Машриқ мамлакатларидан бирида, худудсиз уммонлар орасидаги пинҳоний бир оролда, «неъматли илоҳий» аталмиш мўъжиза бир дарахт ўсар эмиш. Кимки бу дарахтнинг мевасини исғеъмол қилса, ҳамма дардларидан фориг бўлиб, чол бўлса навжувон йигитга, кампир бўлса бокира қизга айланар эмиш...».

Рисоладаги сўз чинми, ёлғонми? Бу ёлғиз оллога аён. Аммо... чин бўлмоғи даркор! Зероки... наҳот буткул рўйи заминни зир титратган султон Маҳмуд янглиғ фотиҳи мунтасир... ногаҳон ёпишган бир дард

сабаб. Афшон шол даҳасидаги ғарибу ғураболар янглиғ ўлиб кетаберса? Йўқ, бунга инониб бўлмас! Амирал мўъмининдай шоҳларни яратиб, уларни «ас салотин зилаллоҳу фил арз», яъники, «шоҳлар меининг ердаги соямдур», деган ул сарвари коинот, улар учун Унсурий айтган неъмат илоҳий каби мўъжиза неъматлар ҳам яратмаган бўлса? Фақат бу неъмат ўсган макон қайда? Шуни билмоқ ва топмоқ даркор, холос!

Султон, рисолани эшитиб, дарҳол Чин ва Ҳинд табибларини чақиртирди. Лекин улардан кўнгил тўладиган бир жавоб ололмади. Бу янглиғ ривоятларни улар ҳам эшитганларини, демакким, бундай мўъжиза дарахт борлигига имонлари комил эканини баён қилишди, аммо ул неъмат илоҳий ўсган макон қайда? Бу жумбоққа жавоб беришга ожизлик қилишди. Султон, аввал дарғаза бўлди, кейин хиёл ўйлаб кўриб, барча алломаларни эрталабги машваратга чақиртирди. Чақирилган алломалар орасида ҳозиргина тушига кирган Абу Райҳон Беруний ҳам бор. Ким билсин, Унсурий айтган неъмат илоҳий қайда ўсади, балки у билар. Ахир у кўп йиллар ҳиндлар юртида турган, шаҳарма-шаҳар кезган, уларнинг ҳамма илмларини ўрганган, ҳатто тилларини ўрганиб, қадимий китобларигача мутолаа қилган... Шояд ул неъмат илоҳий тўғрисида шу эски китобларда аниқ бир нарса зикр қилинган бўлса! Ҳар қалай, ҳеч ким билмаса ҳам ҳақими даврон аталмиш анов такаббур ҳақим... ҳазрат Ибн Сино билмоғи даркор! Не чора? Мана уч ойдулки, султоннинг икки кўзи Хуросон йўлида, аммо юборган энг содиқ мушрифларидан¹ ҳануз дарак йўқ. Биров ул ҳақими даврон йўлга чиққан деса, биров Ғазнага келишни истамай, бошини олиб қочган дейди...

Аттанг, бундан уч ой аввал, султон ул бетавфиқ ҳақимга энг ишончли надими, ариз² Абулвафо Сарикни юбораркан, бу ишни ҳаммадан, ҳатто Хуросонга юриш қилиб, шу кунларда Исфаҳонда лашкар тортиб турган ўғли амир Масъуддан ҳам сир сақлашни илтимос қилган эди. Ким билсин, эҳтимол, элчиларни Хамадон ҳоқими Алоуддавлага эмас, ҳозир Исфаҳонда турган шаҳзода Масъудга йўллаганида... Йўқ... султон унга, ўз пушти камаридан бўлган зурриётига инонмайди. Чунки билади: шаҳзода Масъуд, ўзи Исфаҳонда бўлса ҳам, икки қулоғи Ғазнада, падари бузрукворининг ўлими тўғрисидаги хабарни кутиб ётибди! Бу бемехр зурриёти ҳазрат Ибн Синони бу йўлдан қайтарса қайтарадики, хаста падарига юбормайди, йўқ, зинҳор юбормайди! Уғлини эслаши билан, султоннинг кўкрагида алам аралаш исёнкор бир туйғу «лов» этиб ёнди-ю, қоқ суяк қўлларини гиламга тираб, аста ўрнидан турди.

— Астағфирулло, астағфирулло!.. — Султон, қорнидаги «типрати-кон» ни уйғотиб юборишдан кўрқиб, кўзларини юмганича бир нафас қамир этмай ётди, сўнг, токчадаги шамлардан бирини олиб, йўлакка чиқди.

Шифтдаги биллур қандилларда милт-милт ёнган битта-яримта шам шуъласида ҳудудсиз йўлак бўм-бўш ва аллақандай сирли туюлди. Йўлакнинг охири кўринмас, икки томондаги тилла тасмалар билан қоқланиб, дур ва забаржад қадалган беҳисоб эшикларнинг ҳаммаси берк, тиқ этган товуш эшитилмас эди. Во дариг! Сарой аҳли қайда? Унинг энг инонган надимлари, вазиру вузароси, садоқати зоҳир лашкарбошилари, қайга гумдон бўлди? Бош вазири Али Ғариб, суюкли надими Абул Ҳасанак нечун кўринмайди? У, кимсан амирал мўъминин, бедаво бир дардга мубтало бўлиб, ўз ўтида ўзи қовурилиб ётса-ю, унинг саховати ила юксақ мартабаларга эришган бу вазиру вузаро, унинг инонган тоғлари бўлмиш бу амиру умаро осойишта уйқуда ётса, ёҳуд ёш канизлари билан ўз ҳарамларида ўйнашиб, кайфу сафо қуриб ўтиришса? Йўқ! Кайфу сафо қуриб ўтиришибдими ул иблислар, ёҳуд

¹ Мушриф — элчи, махсус чонар.

² Ариз — ҳарбий девон соҳиби, вазир.

бирор хилватга яшириниб олиб, уни тожу тахтдан мосуво қилмоқ режаларини тузиб ётишибдими? Тириклигида унга кафан бичиб, бирор гўшада султонга чоҳ қазмоқдами бу бетавфиқлар?

Амирал мўминининг азалдан бир одати бор — йироқдан бўлса ҳам хатар шабадасини сезганда ғазаби шердай жўшиб, вужудида шер кучи уйғонади. Бу сафар ҳам шундай бўлди-ю, бир қўлида фил тишидан зеб берилган арғувоний асо, бир қўлида дир-дир титраган шам, нимқоронги йўлак бўйлаб юриб кетди. У бир неча қадам босгач, асо-си билан ўнг томондаги эшикни туртиб очди. Хона зим-зиё эди. Ундан қандайдир совуқ бир нафас келгандай, гўшанинг энг тупкарисида, зулмат ичида аллақандай бир нарса ғимирлагандай туюлди-ю, султон, юраги «шув» этиб, орқага тисарилди. Шу-шу; бошқа эшикларни очишга юраги дов бермай, беш-ўн қадам босди. Лекин ўнг қўлдаги дур ва садаф терилган икки тавақали залварли эшикни кўрганида беихтиёр тўхтади ва бир зум иккиланиб тургач, уни асо-си билан аста туртди. Бу — машваратхона эди!

Деворлари оқ мармар билан қопланган ўрдадай кенг машваратхонанинг шифтидаги биллур қандилда бир неча шам ёнар, бу шамлар шуъласида тўрдаги суянчиқларига инжу қадалган олтин тахт ажиб жило сочиб ярқираб турарди... Қуббасимон ложувард шифти соф қизил тилла билан зийнатланган бу хонада энг муҳим машваратлар ўтар, давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал қилинарди. Эртага бўладиган алломалар анжумани ҳам шу ерда ўтмоғи лозим.

Султон, юраги алланечук бўлиб, ичкарига кирди. Жимжит. Тиқ этган товуш йўқ. Ана, тўрт томондаги меҳробсимон жойларда забт этилган юртларнинг кўк, сариқ, оқ туғлари турипти! Мағлуб туғлар! Мағлуб лашкарбошиларнинг олтин ва кумуш дубулғалари, тиллодан жило берилган совут ва қалқонлари осиб қўйилган. Уларнинг ёнида бандларига лаъл ва забаржад қадалган эгри қиличлар, ўқ терилган чарм садоклар, суяк сопли ханжарлар, узун-қисқа тиғлар... Бу қуроллар, бу совғаларнинг ҳар бири бир дoston! Унинг, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг беҳисоб юришлари, суронли сафарларидан ҳикоя қилувчи бебаҳо дostonлар... Султон бу ўлжаларнинг қайси бирини қўлига олса лоп этиб ўша музаффар жанг кўз олдига келади, забун бўлган не-не лашкарбошилар, манман деган амирлар, калондимоғ ҳокимлар, ҳатто шаҳаншоҳлар эсига тушади. Буткул рўйи заминдан, ҳатто Чин ва Румдан келган элчилар бу бебаҳо ўлжа, ранг-баранг товланган бу мағлуб туғларни кўрганда дамлари ичига тушиб кетади. Мана, соф тилладан ясалиб, ҳошияларига ёқут, лаъл ва жавоҳир қадалган улкан қалқон. Унинг ёнида нозик олтин ҳалқалардан ясалган катта совут... Кашмир подшосидан олинган совға!.. Эсида бор: ҳарамида мингдан ортиқ канизи бўлган бу алип қомат, калондимоғ шоҳ майдонга қутурган жанговар фил миниб чиққан эди. У эса қутурган филдан тап тортмай, қора қашқа арғумоғини ўйнатиб, майдонга мардонавор кириб борганди. На қутурган филнинг мудҳиш наъраси қулоғига кирган, на ваҳимали важоҳати кўзига кўринган эди ўшанда! Султон, қўрқувдан осмонга сапчиган қора арғумоғини аччиқ қамчилаганича, жанговар фил устига бостириб борган, борган-у, оёқларини узангига тираб, бир зарб билан калондимоғ шоҳни фил елкасидан учуриб юборганди ўшанда!

Ҳа, султон Маҳмуд шундай мард, шундай танги эди! У ҳеч қачон пистирмада туриб жанг қилмаган, энг шафқатсиз қирғинларда ҳам ўзини лашкар панасига олмаган! У машриқдан мағрибга чўзилган бу ҳудудсиз салтанатини ўз салоҳияти, куч-қудрати ва шер юраги билан орттирган... Ҳайҳот! Бу чексиз давлат, бу шон-шухрат, бу ҳисобсиз хазина, «амирал мўминин» деган бу улуг мартабалардан не фойдаки, агар қариган чоғида бу аянчли аҳволга тушиб қолса? Дардига даво тополмай, кечалари тўлганиб чиқса? Унинг, амирал муслиминининг ҳаром тукига арзимайдиган Ибн Сино аталмиш бир табибни йўқласа-ю, уч ойдан бери икки кўзи тўрт, унинг йўлига тикилиб ётса? Унинг саховати ва туз-намағи билан одам бўлган муқарриблари эса бошига муш-

кул тушган бу оғир онларда аҳволинг не деб сўрамаса? Билъакс, пана-панада иғво ва фиқсу фасод билан банд бўлса!..

Султон, тўсатдан кўз олди қоронғилашиб, қўлидаги аргувоний асо-ни қулочкашлаб кўкка отди. Фил суягидан жило берилган оғир асо олтин тахт тепасидан учиб ўтиб, тўрдаги қурол-аслаҳалар устига бориб тушди. Жойидан кўчган совут ва қалқонлар бир-бирига тегиб, ўрдадай кенг машваратхонани даранглатиб юборди. Қўнғироқдай тиниқ бу мусаффо овоз машваратхонанинг қуббасимон ложувард шифтида акс-садо бериб, узоқ янгради-ю, аста тинди. Тинган заҳоти йўлакнинг икки ёнидаги беҳисоб эшиклар шарақ-шуруқ қилиб очилди, йўлакда ваҳимали шивир-шивирлар-у, тап-тап оёқ товушлари эшитилди. Сўнгра-ниги қув ўчган, қизил банорас тўни остидан оппоқ лозимлари кўри-ниб турган, хушқад, хушсурат вазир Абул Ҳасанак кўринди, унинг ке-тидан беш вазир Али Ғарибнинг қип-қизил юмалоқ юзи бир зум кўзга чалинди-да, яна ғойиб бўлди.

Абул Ҳасанак пойгакка тиз чўкиб, ер ўпди.

— Офтоби олам!..

— Офтоби олам!.. — деди султон, негадир лаблари аянчли тит-раб. — Ажалимдан беш кун бурун менга кафан бичиб иғво йўлига ўт-дингми, баттол?

— Валинеъмат!

— Утмаган бўлсанг... қайга гумдон бўлдинг? Ул мешқорин Али Ғариб қайда? Нечун инонган мушрифларимдан ҳануз дарак йўқ? Қа-чон келади, ул бетавфиқ Ибн Сино?

— Келадур, пушти паноҳ!.. Яқин кунларда етиб келмоғи даркор!

— Шу ҳафта етиб келмаса... дорга тортамен! Барчангни дорга тортамен. Тузимни ичиб, тузлимга тупурган нобакорлар! Уқдингми, муртад? Шу ҳафта!..

— Уқдим, подшойи олам!

• — Уқсанг, қақир алламоларни! Машваратга чақир дарҳол!

Тўртинчи боб

1

Беруний устига янги кўк бахмал тўн кийиб, бошига учлик олача тақия устидан симобий салласини ўраб, шогирди ёрдамида отга минганида офтоб энди чиққан эди. Кечаси шивалаб ўтган ёмғирдан кейин ҳаво мусаффо, ариқ бўйларидаги гиёҳлар, паҳса девор ва ҳатто уй-ларнинг томларини қоплаган майсалар ювиб қўйилгандай ям-яшил, тиниқ.

Тундаги иситма пасайган бўлса ҳам, Беруний ўзини ҳамон нохуш сезарди. У кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олди-да, отини аста йўрттириб, шаҳарни иккига бўлган Афшон сой соҳилига чиқиб олди. Соининг ўнг юзидаги кенг сайхонликни беқиёс, беҳудуд Феруза боғи эгаллаган. Тунги ёмғирдан сўнг боғ ҳам аллақандай яшнаб кетган, ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп бўлиб гуллаган бодом ва шафтолилар энди-гина куртак чиқара бошлаган ўрик, олма, нок ва беҳилар орасида худди оқ, қизил, ним пушти либослар ёпинган гўзал малакларни эс-латади. Худудсиз боғнинг машриқ томонида оппоқ мармар қаср ос-монга бўй чўзган. Нимаси биландир улкан оқ қушга ўхшаб кетадиган бу кўркам қасрнинг номи ўзига монанд — Осмон маликаси! Осмон ма-ликасининг қуйроғида Кўшки давлат саройининг тиллақори гумбаз-лари ярқирайди, ундан нарироқда эса лашкар девони ва бошқа маъ-мурий бинолар саф тортган, лекин улар Феруза боғидан қуйида, сой-нинг у юзида.

Бу ердан, соҳил бўйидан пастдаги шаҳар қафтдай кўринади. Сой бўйини бора-боргунча ям-яшил туташ боғлар эгаллаган. Бу боғлар ичида оқ, қизғиш, нафис ҳаворанг мармардан қурилган кўркам бино-

лар, кўшқлар, кичик-кичик саройлар кўзга чалинади. Бу ерда амирлар, лашкарбошилар, девон беклари, бой тижорат аҳли истиқомат қилади. Ундан йироқроқда карвонсаройлар, бозорлар, тимли расталар, ҳаммом гумбазлари кўринади, улардан овлоқроғда эса, бир-бирига тутшиб кетган кулба ва кулбачалар кўзга чалинади. Қандайдир бетартиб қурилган бу кулбаи вайроналар, дўкон ва дўкончалар Беруний келаётган дарё соҳилидан, худди «гардкам» деб, сочиб юборилган ошиқларга ўхшайди.

Узоқ-узоқларга чўзилиб кетган бу беқиёс шаҳарнинг ҳамма даҳа, ҳамма бурчакларида беҳисоб мачитлар қад кўтарган, уларнинг рангбаранг кошинлар билан безатилган юксак гумбазлари, тиллакори пештоқлари офтобда ажиб товланиб, тоғлар билан қуршалган Ғазнаи мунавварага ўзгача бир зеб бериб турипти.

Олдинда икки қирғоқни туташтирган улкан кўприк кўринди. Кўприк рўпарасида узундан-узоқ отхона биноси бўлиб, бино олдида ҳаммаси бирдай қизил чакмон ва қизил этик кийган ёш ғуломлар саф тортган, улар ҳар томондан оқиб келаётган амирлар, аъён ва боёнларни отдан тушириб, тавозе билан хизмат қилишмоқда.

Беруний кўприкка яқинлашиб қолганида, ўнг қўлдаги боғ кўчадан хачир қўшилган икки ғилдиракли бир арава чиқди. Аравада эски кулоҳини бошига бостириб кийган бир кимса секин хиргойи қилиб келарди. Ажабо: бу кулоҳли дарвиш у ёқда турсин, унча-мунча аслзодалар ҳам юролмайдиган бу жойларда пачоқ арава нечук адашиб юрипти?

— Э, э!— Беруний арава эгасини таниб, отининг жиловини тортди.— Э-ҳа, Ғазна майхоналарининг султони Маликул шароб ҳазратлари! Қайси шамол учирди жанобларини?

Маликул шароб аравасини тўхтатди, рангини билиб бўлмайдиган патак соқолини силаб, ғалати ишшайди:

— Уларидан сўрасак, азизим? Фақир кулбамизга нечун қадам ранжида қилмай қўйдилар десак, эски қадрдонни тарк этиб, янгисини топибдилар-да, мавлонаи замон!— У кўзини қисиб, сарой томонга ишора қилди.— Янги дўст султон Маҳмуд муборак бўлсин, мавлоно!

Беруний беихтиёр кулиб юборди.

— Маликул шароб аталмиш сиздай майхўрлар султонини унутиб бўлурми? Гулгун майхонангизга ташриф буюрмаган бўлсак, сабаби хасталик, азизим!

— Хаста бўлсадар... давоси бир қултим май!

— Офарин! Жаннатий шаробингдан жон-жон деб бир пиёла сипқарар эдим, аммо не чора, ҳозир саройда машварат бошланур!

Маликул шароб, бошидаги эски кулоҳини бир томонга қийшайтириб, калласини маъюс ликиллатди.— О, мавлоно-мавлоно! Наҳотки шу ақл-заковатинг билан шоҳлар ва шерлардан йироқ юрмоқ лозимлигини билмасанг?

— Не чора?

— Офарин! Бор, йўлингдан қолма, азизим, шояд шоир Унсурий каби улуг мартабаларга мушарраф бўлсанг!

Маликул шароб хачирга қамчи урди-ю, негадир яна тўхтади.

— Хаҳ, эсим қурсин, сенга айтадургон бир янгилик бор, мавлоно!.. Кеча оқшом, кулбаи вайронамга ажиб бир мусофир аллома ташриф буюрдиларки, кўрсанг бошинг осмонга етади!

— Ажабо! Қим экан ул аллома?

— Бу ёғи шундай сир-асрорким, уни ўзимга айтишдан ҳам қўрқамен!— Маликул шароб шундай деди-да, хачирини қамчилаб узоқлашиб кетди.

«Сирли аллома? Уни айтишдан қўрқамен? Епирай. Бу дарвиш не дейди? Бу сўзи ростми ё унинг кўнглига ғулу солиш учун айтдимиз?»

Одамлар ҳамон кўприк томон дарёдай оқиб борарди. Беруний кўприк олдида эгардан тушиб, отининг жиловини ҳозир у нозир турган ёш ғуломга тутқазди. Кўприкдан то «Фируза» боғининг дарвозасига-

ча, ҳатто боғ ичидаги Осмон маликаси қасрининг мрамар зиналарига-ча қирмизиранг ипак гиламлар тўшалган эди.

Беруний хиёбоннинг икки ёнида қилич яланғочлаб ғоз турган сарбозлар орасидан ўтиб, саройга кириб борганида, анжуман ҳали бошланмаган, бироқ ўрдадай кенг, сутдай оппоқ машваратхонада одам тирбанд эди.

Тўрда, нақшли суянчиқларига дур ва жавоҳирлар қадалган олтин тахтнинг ўнг томонида, вазири аъзам Али Ғариб бошлиқ сарой аъёнлари ва девон беклари, чап томонда амирлар ва саркардалар саф тортган, девон бекларининг оппоқ симобий саллаларига тигсимон тилла нишонлар қистирилган, кимхоб ва мовут тўнли амирларнинг қундуз телпак ва сувсар бўрқларига уч қиррали олтин жиғалар қадалган, белларидаги сербар камарларига қумуш ғилофли эгри қиличлар тақилган. Уларнинг қумуш тепки тақилган кўк ва қизил чарм этиклари юрганда жаранг-журинг овоз чиқаради. Тахт ёнидаги вазиру вузаро ва девон бекларидан қуйроқда Унсурий бошлиқ бир гуруҳ шоирлар кўринар, улардан нарироқда эса бошига чамбарак қора қалпоқча кийган, иягида тўрттагина тўк ўсган Чин ҳақими ўз тилмочиға алланималарни бидир-бидир қилар, унинг ёнида сариқ ипак кўйлак ва кенг сариқ чолвар кийган ҳинд табиби камтарона қўл қовуштириб турарди. Чап қўлдаги калондимор амир ва саркардалар билан бир қаторда бошларига сурмаранг салла ўраган бир гуруҳ дин пешволари саф тортган, улардан қуйроқда эса уч-тўрттагина таниш алломалар кўринар, уларнинг ичида кекса мунажжим мавлоно Фаррухий билан ёш тарихнавис Абу Фазл Байҳокий ҳам бор эди. Ҳамманинг кўзи тўрда, олтин тахтнинг ортидаги фил суягидан жило берилиб, нозик тилла тасмалар қоқилган икки тавақали ўймакор эшикда... Йиғилган раият пичирлаб гаплашар, ҳамманинг чеҳрасида қандайдир таҳлика ва тарадуд муҳрланган, гўё ҳозир ёмон, мудҳиш воқеа содир бўлғуси эди.

Беруний ҳорғин одимлаб алломалар ёнига ўтди, улар билан кўришаркан, бош девон соҳиби Абу Наср Мишкан жанобларини кўриб қолди. Соч-соқоли оппоқ, миттигина, лекин зуваласи пишиқ Абу Наср Мишкан жаноблари ҳам уни кўриб, яқинроқ келди.

— Тагин безгак хуруж қилдими? Бай-бай-бай!

Беруний бош девон соҳиби билан кўришаркан, нарироқда, бир гуруҳ назм аҳли қуршовида турган шоир Унсурийнинг унга қараб қандайдир сирли жилмайиб қўйганини пайқаб қолди. Унсурий ён-верига алланечук виқор билан боқар, бошқаларнинг юзида таҳлика ва ҳадик аломати муҳрланган бўлса, унинг нақш олмадай қип-қизил юзида вазиятга номуносиб бир мамнунлик барқ урарди. Шоир энг катта машваратларда киядиган зарбоф тўнини кийиб, сурмаранг салласига амирал мўъминининг бўлакча лутф-эҳсонини билдирувчи тилла нишонини қадаб олган, қўлида эса, зар қоғозга ўралган ёстиқдай китоб.

«Бу тилёгламачи нечун хушнуд? Нечун оғзи қулоғида?»— деди Беруний ичида, бироқ шу пайт, тўрдаги икки тавақали оғир ўймакор эшик аста ғичирлаб очилди-ю, ҳамма бошлар баб-баравар ўша томонга ўгирилди. Бўсағада... эғнидаги кўк мовут тўн устидан қўш тасма оғиб, салласига найзасимон олтин нишон қадалган саройбон кўринди. У эшикда қилич яланғочлаб турган икки сарбоз ёнидан ўтиб, тахт олдиға келди-да, қўлидаги олтин шақилдоғини шақиллатди:

— Барча аҳли мўъминнинг пири бузруквори, салтанатимизнинг шон-шухрати, тожу тахтимизнинг гбахт-саодати, амирал муслимин султон Маҳмуд ибн Сабуктегин Ғазнавий ҳазрат олийлари!..

Оқ мрамар машваратхонанинг қуббасимон шифтлари акс-садо бериб, ғалати янграб кетди: «Султон... Ғазнавий ҳазрат олийлари!..»

Машваратхонани тўлдирган оқ, кўк, сурмаранг саллалар, қундуз ва сувсар телпаклар эгилиб ерга тегди. Шу пайт... бир ёнида қоп-қора соқол-мўйлови ўзига ярашган, хушқад, хушсурат Абул Ҳасанак, бир ёнида пири муршид, Қози имом Сайид ҳазратлари, султон Маҳмуд Ғазнавий пайдо бўлди.



О. ЕҚУБОВ ◆ КҰХНА ДУНЕ ◆ РОМАН

Ҳамма билан баробар эгилиб таъзим қилган Беруний эшик томон ўғринча кўз ташлади, ташлади-ю, беихтиёр сесканиб кетди. Имом Сайид билан Абул Ҳасанак ўртасидаги султон... жонли одам эмас, гўё устига зарбоф тўн, бошига олтин тож кийдирилган бир кўлага, сариқ мумдан ясалган бир маъбуд эди! Азалдан жуда бўйдор, қора қотмадан келган султон, гўё бурунгидан ҳам чўзилган, гўё яна сал чўзилса, тождор боши шифтга тегарди, кенг юзи худди сариқ чармдан ясалган ниқобга ўшар, фақат кўзлари... мунг тўла қисик кўзлари аллақандай чарақлаб турарди. Бироқ ажабо: йиғилган издиҳомни кўриши билан сариқ мумдан ясалган бу ҳайкал нечундир, бир ғижинди-ю, шитоб билан юриб тахт олдига ўтди, у ерда бир зум тўхтаб, эгилган бошларга, беҳисоб қабрлардай дўппайиб турган аъёну боёнларнинг дўнг елкаларига қадалиб қаради, сўнг оғир одимлаб, тахтга чиқди.

Тахтнинг ўнг томонидаги тиллакори курсига имом Сайид ҳазратлари ўтирди, чап томондаги худди шундай курсига собиқ суюкли надим, эндиликда эркатой вазир Абул Ҳасанак ўтириши лозим эди. Абул Ҳасанак ўтирмади. Элликдан ошган бўлса ҳам, ҳануз ёш кўринган хушқад, хушсурат Абул Ҳасанак, гўё рақс тушаётгандай қилпиллаганича олдинга ўтиб, йиғилган раиятга қарата ваъз айтди. Унинг овози худди сайроқи қушнинг овозидай ёқимли, сувдай тиниқ, бахмалдай майин эди. У парвардигори оламдан амирал мўъмининга сиҳат-саломатлик, салтанатга шону шавкат, тожу тахтга бахту саодат тилаб, ваъзини давом эттирмақчи эди, тўсатдан тахтда мунғайиб ўтирган султон ваъзирнинг сўзини кесиб:

— Ул маликул калом Унсурий қайда?— деб сўради. Унинг овози бўғиқ, ҳорвин, бироқ аллақандай пинҳоний таҳдидга тўла эди.

— Фақир офтоби оламнинг хизматларига мунтазирмен!— шоир Унсурий, ер супурган зарбоф тўнининг этагига ўралашиб бориб, тахт олдида тизза букди.

Султоннинг сийрак мўйловли юпқа лабларига билинар-билимас кулги югурди, таҳдидли овози хиёл юмшади.

— Биз салтанатимиз шон-шуҳратини мадҳ этувчи ўз шуаромиздан миннатдормиз! Машварат аҳлига аён бўлсин! Мана, нодир салоҳият соҳиби, назм бўстониинг боғбони, жаноб Унсурий бизга изҳори ихлос этмоқ истагида туну кун китоб кўриб, шундай бир жаннатий неъматдан дарак топмишким, ул неъмат илоҳийни тановул қилган осий банда ҳамма дардларга даво топғусидир! Бу сўз ҳақиқатму, маликул калом?

— Филҳақиқат, давлатпаноҳ!

— Олтин! Оғзига сиққунча олтин ошатилинсин!

Дарҳол тўрдаги эшик очилиб, олтин динор тўла баркаш кўтарган таниш саройбон кўринди. Унсурий ҳаяжондан кўзлари чақнаб ён-берига қаради.

— Ол, назм бўстониинг боғбони, тўйгуниингча оша! Сенинг хизматинг ҳалолдур!..

Унсурий, гўё олдида тилла эмас, энг лаззатли таом тургандай тамшаниб, оғзини катта очди-да, баркашдаги олтин динорларни ошашга киришди. Машваратхонани тўлдирган издиҳом «гур» этиб бир тебраниб олди.

Беруний бундай маросимларни, султоннинг лутфи-карамига сазовор бўлган кишиларга олтин ошатиш маросимларини аввал ҳам кўрган, ҳатто олтинга тиқилиб, ўлар ҳолатга тушганларнинг аянчли аҳволларига шоҳид ҳам бўлган. Аммо ҳозирги манзара... Ё тавба! Шоир Унсурий, ўймоқдеккина оғзини катта очиб, анжирдай-анжирдай юмюмалоқ тилла динорларни худди энг лаззатли таомни ошаётган оч гадодай ошарди. Унинг юзлари бўғриқиб, лунжлари пуфакдай шишиб кетди, баркашга тикилган кўзларидан тирқираб ёш оқа бошлади, бироқ оғзи олтинга тўлса ҳам ҳамон ошашдан тўхтамас эди. Машваратхонага йиғилган издиҳом ҳам негадир Унсурийга қўшилиб тамшанар, лабларини ялар, ҳамма кўзларда ҳасад учқуни чақнар эди...

Ана, баркашдаги олтин яримлаб қолди. Лекин шу пайт, назм бўстонининг боғбонига нимадир бўлди. У лаблари билан яна бир олтинни ҳамариб, оғзига олмоқчи бўлди-ю, кўзлари косасидан чиққудай олайиб... қаттиқ ўқчиди. Ўқчиганда бир неча динор оғзидан отилиб чиқди-да, даранг-дурун қилиб юмалаб кетди.

— Офарин, маликул калом! Олтин қусган шоирнинг қусуғи ҳам ўзига дору! Териб ол, олтинларни!

Султон гилам устида эмаклаб юрган Унсурийдан юз ўгириб, ўридан даст турди. Туриши билан Берунийнинг эсига яна ичини қурт еб, қуриб қолган баҳайбат терак тушди. Бироқ ичини қурт еб, қуриб қолган бу теракнинг вазоҳатидан қўрққулик, унда кишини зир титратгувчи пинҳоний бир куч бор эди!

— Биз салтанатимиз шавкатига шавкат, доврўғига доврўқ қўшган, музаффар юришларимиз мадҳини оламга таратган ўз шуаромиздан мамнун ва миннатдормиз... Маликул калом, Унсурий!

— Лаббай, валинеъмат?

— Агар янглишмасам, сиз айтган неъматини илоҳий машриқ мамлакатларининг биридадур?

— Шундай, давлатпаноҳ! Эҳтимолким, Чин ёхуд Ҳинд мамлақатининг машриқ томонида, уммонлар қаъридаги ороллардан биридадур. Ушбу рисолаи муборақда шундай дейилган! Не чораким, биз назм аҳли илм-ҳикматдан йироқдурмиз. Шояд, машваратга йиғилмиш алломалар-у, уламои забардастлар аниқ жойини айтиб берсалар, давлатпаноҳ!

Тахтнинг чап томонида қўл қовуштириб турган юм-юмалоқ вазири аъзам Али Ғариб пилдираб олдинга чиқди:

— Чин ҳакимидан сўрамоқ даркор, пуштипаноҳ!— деди у, тавозе билан бош эгиб.— Яна бир маротаба сўрамоқ даркор!

Султон бу сўздан афти буришса ҳам:

— Чинмочин!— деб чақирди,— Тилмочлар қайда?

Чин ҳакими қора чамбарак қалпоқча қўндирилган муштдеккина бошини ликиллашиб аввал султонга, кейин барча машварат аҳлига таъзим қилди-да, ширин илжайиб, бир нималар деди. Тилмоч дарҳол таржима қилди. У яна илгариги гапини таъжидлади, яъники, шоир Унсурий айтган жаннатий дарахтни Чин ҳакимлари ҳам эшитган. Аммо надоматлар бўлғайким, бу саволга аниқ бир сўз айтишга ожизлик қиладилар.

Чин ҳакимидан кейин навбат яна Ҳинд табибига келди. Бироқ у ҳам эски жавобини такрорлаб, қандайдир ривоятлардан сўз очган эди, султон тўсатдан бетоқат қўл силтаб:

— Бас!— деб хитоб қилди.— Тағин мужмал жавоб! Тағин сафсата! Аниғини айтадурғон ким бор?

Беқиёс машваратхонанинг юксак қуббасимон шифти яна акс-садо бериб янгради: «Аниғини айтадурғон ким бор? Аниғини!»

Берунийнинг назарида, машваратхонани янграшиб юборган бу акс-садо султонга қандайдир куч ва илҳом бағишлади. Мунг тўла қийғоч кўзлари қаҳр билан чарақлаб:

— Ҳазар, алҳазар!— деб хитоб қилди.— Бу не шуаро, не алломай даврон, не илми урфонким,¹ қирқ йил тузимни ичиб, жўн бир жумбоқни ечиб беролмаса. Наҳот меним салтанатимда бу сир-асрорни ечадурғон бир донишманд бўлмаса?.. Абу Райҳон Беруний қайда?— тўсатдан сўради у. Ложувард гумбаз учинчи бор тантанали ва таҳдидли акс-садо берди: «Абу Райҳон Беруний қайда?»

Қайта кўтарила бошлаган ҳароратдан карахт бўлиб турган Беруний бир сапчиб тушди-ю, тавозе билан бош эгди.

— Хизматингизга ҳозирмен, давлатпаноҳ!

— Ҳозир бўлсанг, нечун сукут сақлайсен? Қим сени ўн йил Ҳин-

¹ Илми урфон — илм аҳли, олимлар.

дистон юртида умри ўтган алломаи воҳид дейди? Хужрангда каламушдай яшириниб, ёстикдай-ёстикдай китоб битасен. Ва лекин бизга дозим бўлган сир-асрорни ечмоққа ақлинг етмайди?

Беруний, юрагининг гурс-гурс уришига қулоқ солиб:

— Офтоби олам!..— деди секин.— Фақир... шоир Унсурийга бир саволим бор...

— Шоир эмас, маликул калом!

— Маликул калом жаноблари ул неъматни илоҳий тўғрисидаги сўзни қайси китобда ўқиганлар?

Унсурий, қандайдир бесарамжон питирлаб, ён-верига қаради.

— Барча паррандаю дарранда тилини билган... ул Сулаймон пайгамбар алайҳиссалом — олло унинг покиза руҳини шод этгай!— ул табаррук зот ҳақида битилган ушбу муборак китобда зикр этилган-дур бу дарахт!— деди шоир ва оғир ҳансираб қўйнидаги китобини боши узра кўтарди.

— Ижозат этсалар, бу табаррук китобни камина ҳам ўқиб кўрсам!

Унсурий, лўппи юзида зўр ҳаяжон, бир ёнидаги шерикларига, бир қовоғини уйиб турган султонга қаради.

— Бер, ўқиб кўрсин!

Беруний, машваратхонага чўккан чуқур суқут ичида, қўлма-қўл ўтиб келган чарм жилдли оғир китобни олиб очди. Бутун райят, машваратхонага йиғилган барча аъёну боёнлар, амиру умаро, девон беклари, дин пешволарию илм аҳли, ҳатто аллақандай мунғайиб қолган султоннинг ўзи ҳам унга қадалиб қолган эди. Машваратхона жим, фақат қўл қовуштириб турган одамларнинг ҳансираб нафас олишлари эшитилади, холос.

...Йўқ, Беруний янглишмаган, бу ўша, кеча Хатлибегим келганидаёқ эсига тушган кўҳна ривоятнинг ўзгинаси! Ўз подшосига яхшилик қилиш ниятида унга мўъжиза ниҳол инъом этиб, бошидан жудо бўлган тўти куш тўғрисидаги ибратли чўпчакнинг ўзгинаси!

Ё тавба! Султон-ку, чўкаётган чўпга тирмашар деганларидек, сабаби бедаво дард, бу қадим эртатка инонса инонгандур! Аммо... назм аҳлининг султони аталмиш бу шоир, бу вазиру вузаро, бу амирул умаро!.. Наҳот булар ҳам бу чўпчакка инонсалар? Ё булар ақлдан озган, ё... сабаби безгак, унинг ўзи ақл-ҳушидан айрилган!

— Нечун оғзингга талқон солдинг? Сўзла, Абу Райҳон!..

«Сўзла, Абу Райҳон!»

Беруний юксак шифтда янграган акс-садодан сесканиб кетди-ю:

— Ҳайҳот!— деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.— Йўқ, бу алломалар битган китоб эмас, давлатпаноҳ, ривоят бу!

...Машваратхонани тўлдирган оломон бирдан ҳаракатга келиб, «гурр» этди-ю, дарҳол жим бўлди. Бу мудҳиш жимликда султоннинг аллақандай аянчли, титроқ овози эшитилди:

— Ривоят?

Беруний бирдан бўшашиб, деворга суянди.

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, офтоби олам! Ва лекин таасуфлар бўлсинким, чиндан ҳам эски чўпчак бу!..

У сўзини тугатмасданоқ шоир Унсурий, зарбоф тўнининг этакларига ўралашиб, қоқилиб-сурилганича тахт рўпарасига бориб юзтубан йиқилди.

— Офтоби олам! Бу нобакор Абу Райҳон... пайгамбар алайҳиссалом... Сулаймон пайгамбар сўзини чўпчак деб ёлгонга чиқарди! Инчунин, шаккоклик қилди бу гумроҳ!

— Гумроҳ!— деди султон, аллақандай чексиз бир алам билан.— Ҳамманг гумроҳ, ҳамманг нобакор! Қирқ йил тузимни ичиб, тузлимга тупурган онкўрлар! Бошимга мусибат тушганида нажот тополмаган ақли кўтоҳ алломалар! О, ўлмаган ҳолим менинг!.. Вазири аъзам!..

Тахт олдида ҳайкалдай қотиб турган Али Ғариб, худди биров оёқларига болта ургандай, муккасидан тушиб, ер ўпди.

— Анов бетавфиқ... ҳазрат Ибн Сино қайда?

— Давлатпаноҳ! Иншоолло, худованди карим ўз иноятини дариф тутмас! Ул нажот фариштаси Ибн Сино йўлга чиқмиш!

— Йўлга чиқмиш!— Султон бир юлқинишда белидаги олтин бандли эгри қиличини қинидан суғуриб олди.— Қайда юрмиш ул мутақаб-бир ҳақим? Қайда? Е дарҳол топасен уни, ё ҳаммангни чопамен! Ҳаммангни!

У ёғи нима бўлди— Беруний яхши англамай қолди. Машваратхонани тўлдирган издиҳом бирдан ҳаракатга келди-ю, бир-бирини босиб, янчиб, кўчага қараб ёпирилди... Бир зумда ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетди, кимдир йиқилган эди, бир неча одам унга қоқилиб ўмба-лоқ ошди... Зум ўтмай машваратхонада фақат икки одам қолди — бири қилич яланғочлаганича ҳамон тахтда тебраниб турган султон, бири кўз олди қоронғилашиб, деворга суяниб қолган Беруний эди!..

Бешинчи боб

Бу кун, тўрт юз йигирма биринчи йил ҳижрий, раббул аввал ойининг учинчи кунин¹ намозином олдида Шайхнинг улкан чорхари хонасига қирқ нафар ҳуснихат хаттот йиғилди.

Шайх² хаттотларни «аш-Шифо» китобининг наботот фаслини кўчириш мақсадида лутфан таклиф қилган эди, бироқ намози асрда ба-ногоҳ Ҳамадон ҳокими Алоуддавла ҳазратларидан қўш чопар келиб, Шайхни саройга олиб кетдилар.

Шайх отга минатуриб, саройдан қайтгунча мажлис аҳлини меҳмон қилиб туришни каминага топширди. Камина дастурхон ёзиб, уларни меҳмон қилдим, сўнгра қоғоз-қаламларни шайлаб, Шайхни кутдик.

Шайх, одатда, тўрда ўтириб, ўйлаган асарини ўзи ёддан айтиб турар, ҳуснихат хаттотлар эса, сўзма-сўз ёзиб борар, шу йўсин, бир кечада ўттиз-қирқ нусха матн тайёр бўларди.

Шайх «ал-Қонун»ни ёзиб тугатгандан кейин ҳам шундай қилган, Исфаҳонда ҳуснихат хаттот борки, ҳаммасини йиғиб, ўзи айтиб турган, хаттотлар эса сўзма-сўз ёзиб борган эди. Сўнгра ҳар бир хаттот ўз ёнига яна йигирма-ўттиз нафар толиби илмлардан йиғиб, Шайхдан ёзиб олган матнни ўқиб берар, толиби илмлар эса бунини ёзиб олар ва шу йўсин бир йўла бир неча юз нусха китоб тайёр бўларди. «Ал-Қонун» нинг эл орасида тез тарқаб, тез шухрат топганининг боиси ҳам шундадур.

Шайх саройдан хуфтондан кейин қайтди. Устод қаттиқ ҳаяжонда эди. Хаттотлар йиғилган хонага кириб, мажлис аҳлидан узр сўради-да, хаттотларга ижозат берди. Биз ёлғиз қолдик. Шайх дарҳол кийим-кечак ва уч-тўрт кунлик озик-овқат ғамлашимни илтимос қилди. Маълум бўлишича, Ғазна ҳокими султон Маҳмуд Ғазнавийдан Ҳамадонга элчи келибди. Элчи Шайхни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, дарҳол Ғазнада ҳозир у нозир қилиш тўғрисида султондан фармон келтирибди. Бу амру фармонни ўқиб, капалаги учган Алоуддавла аъло ҳазратлари Шайх билан пинҳона учрашиб, унинг ўзига маслаҳат солибди. Шайх Ғазнага боришдан қатъий бош тортибди. Иттифоқо, элчи кетгунча Шайхнинг бирор жойга яшириниб туришини маъқул топибдурлар.

Биз устимизга эски чакмон, бошимизга эски кулоҳ кийиб, хуржунларни кўтариб, тун ярмида уйдан чиқдик.

Шайх қаттиқ изтиробда эди. Бундан беш-олти ой муқаддам, амир Масъуд Исфаҳонни забт этганда Шайх ундан қочиб, Ҳамадонга келган эди. Бундан бир ой муқаддам эса Шайхнинг Исфаҳондаги ҳовлиси-га ўт тушгани тўғрисида кўнгилисиз хабар келганди. Айтишларича, ён-гин чоғида Шайхнинг нодир кутубхонаси ёниб кетган. Иниси Абу Маҳмуд эса, тирикми, йўқми — буёғи ҳануз қоронғи. Шайх бутун топган

¹ 1030 йил, февраль ойининг бошларига тўғри келади.
² Ибн Синони шайх ур-раис, яъни алломалар раиси деб атаганлар.

дунёсини шу кутубхонага сарф қилган, унда устоднинг кўп қўлёзмалари, «ал-Қонун», «аш-Шифо» каби китобларининг энг хушхат хаттотларга кўчиртирилган ноёб нусхалари сақланур эди. Ишқилиб, улар ҳам бошқа китоблар билан бирга ёниб кетмаган бўлсин!

Сўнги йилларда Шайх Исфаҳонда инсоф ва адолат ҳақида, одил ва зolim шоҳлар тўғрисида «Китоб ал-Инсоф», деган бир асар ёзишга киришган эди. Исфаҳондан совуқ хабар келганда Шайх бир инисини ўйлаб куюнса, бир кутубхонаси ва шу китобни ўйлаб эзилди, сабаби бу асарнинг қўлёзмаси чала қолган эди. Энди эса Исфаҳондан қочган одам, Ҳамадонда ҳам ҳаммадан яшириниб, пинҳона кун кечиршидан бошқа чораси қолмади. Ё тавба! Кексайган чоғида бу не кўргулик? Устоднинг мутолаа ва мушоҳададан бошқа нияти йўқ. Шўрлик Шайх қачон бу ниятига етади? Қачон осойишта кун кечиради?

Абу Убайд ал-Жузжоний хотираларидан!

Олтинчи боб

Бош вазир Али Ғариб саройдан кўнгли ғаш бўлиб қайтди. Тунов кунги машъум машваратдан кейин султоннинг аҳволи яна ҳам оғирлашди, инжиқлашди, на оғзидан тузук бир гап чиқади, на унга гап уқтириб бўлади. Ушандан бери султон фақат бир нарса билан қизиқади, у ҳам бўлса ҳақими даврон Ибн Сино! Ҳазрат Ибн Синодан дарақ борми, йўқми — бир кунда ўн маротаба сўраб-суриштиради, бош вазир билан Абул Ҳасанак эса минг хил ёлғон-яшиқ гаплар билан кунни кеч қилади, бироқ эртанги кунни ўйласалар юрак ўйноғи тугиб, тонг отгунча тўлғаниб чиқишади.

Шу боисдан Али Ғариб, гўзалликда беназир, лекин шу кунларда унинг кўзига жаҳаннам бўлиб кўринган Осмон маликаси саройидан қайтган, «беш кунлик дунё» деб, бор вужуди билан айш-ишратга шўнғийди.

Устоз Ибн Синонинг содиқ шоғирди, ажойиб инсон Абу Убайд ал-Жузжоний хотиралари биз учун бебаҳо бир меросдир. Лекин, афсуски, бу бебаҳо хотиралар ҳануз тўлалигича топилгани йўқ. Қишлоғимизда мадраса таҳсилини кўрган, янгиладан ҳам яхшигина хабардор бир домла бўлардилар. Элликкинчи йилларнинг бошларида, университетнинг биринчи курсини тамомлаб, ёзги таътилга борганимда, шу домла бир кун мени уйларига таклиф қилдилар.

— Ҳозир Тошкентда буюк ҳақим Абу Али ибн Сино асарларига қизиқиш қатта эмиш, — дедилар у киши. — Асарлари арабчадан ўзбекчага таржима қилинаётган эмиш. Бу савоб ишдан хабаринг борми, болам?

Ёш студент, мен бу ишлардан беҳабар эдим, бироқ кекса домланинг олдида «нодон»лигимни ошкор қилмаслик учун:

— Хабарим бор, домла, — дедим, — жуда қатта ишлар бўляпти.

— Балли, — дедилар домла қувониб, — буюк ҳақимнинг Абу Убайд ал-Жузжоний деган кўп зунжко бир шоғирди бўлган. Менда ўша одамнинг ҳазрат Ибн Сино тўғрисида ёзилган хотира дафтари бор. Истасанг ўқиб бераман.

Домла шундай деб, тоқча тўла эски китоблар орасидан қора жилдлик бир китобни олди. Домла арабча китобни ўқиб, сўзма-сўз таржима қилар, мен эшитар эдим. Ғаройиб қўлёзма ҳақидаги бу суҳбат бир неча кун давом этди. Мен бошда унча қизиқмасам ҳам, кейин жуда қизиқиб кетдим-у, охир пировардида домладан китобни сўрадим, агар домла истаса, уни тошкентлик шарқшунос олимларга элтиб беришни ваъда қилдим. Домла менинг бу таклифимни қатъий рад этдилар. «Ёшим ва соғлигим имкон берса, ўзим таржима қилиб, ўзим элтиб бераман», деб жавоб бердилар. Минг афсуски, сал ўймай домла оламдан ўтдилар. Мен навбатдаги таътиллاردан бирида, домланинг хонадонига бориб, бу нодир китобни суриштирдим. Бироқ китоб қаяққадир йўқолган эди. Кўп афсус қилдим. Ушбу асарга киришганимдан кейин ўйлаб қарасам, анча нарса хотирамда қолган экан. Хотира нозик нарса, унга кўп ишониб бўлмайди, албатта. Лекин хайрли ишнинг кечи йўқ, дегандек Абу Убайд ал-Жузжоний эсдаликларини ёдимда қолганча тиклашга ўриниб кўрдим (муаллиф).

Вазири аъзамнинг боғи Феруза боғи билан, саройи Осмон маликаси саройи билан рақобат қила олмаса ҳам, ўзига яраша файзи бор. Шу кунларда боғда шафтоли ва чиллаки ўриклар қийғос гуллаган, майин қизил қум сепилган хиёбонлар четидаги хушқад сарвлар нафис митти япроқчалар билан бурканган, ариқ бўйларидаги мажнунтоллар эса нозик сочпопуллар ёзиб, гўё сув бўйида соч тараб ўтирган санамлардай очилиб кетган, айниқса шомдан кейин, гулзор ва хиёбонлардаги кумуш фавворалар ишга тушиб, тош фонуслар ёқилганда боғ яна ҳам яшнаб кетади, чиройига чирой, файзига файз қўшилади.

Бош вазир, одатда, кечқурунлари саройдан қайтгач, эғнидаги зарбоф тўнини ечиб, енгил либосга ўранади. Бошидаги олтин нишон қадалган сурмаранг салласи ўрнига шафтоли гулли духоба тақя, оёғига енгил кавуш кийиб, ҳудудсиз боғда ёлғиз сайр қилишни яхши кўради. Ҳар бири ўз латофати, ўз кўрки, бетакрор гўзаллиги билан ажралиб турган бодомзор ва шафтолизорлар, хурмозор ва анорзорларни аста кезиб, давлат ишлари ҳақида танҳо ўйлашни, ҳовуз бўйларига қурилган шинам шийпонлар, тўрт тарафи очиқ гумбазли болохоналарда ўтириб, энг мураккаб муаммолар, сержумбоқ юмушларни ҳал қилишни, ечилмас тугунларни ечишни маъқул кўради. Серғалва ишлар, хатарли юмушлар, ечилмас тугунлар эса кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу жумбоқларнинг энг чигали, табиий, тожу тахтнинг вориси ким бўлади, султоннинг ўзидай жангари, қайтмас, бир сўзли амир Масъудми ёхуд мўмин-қобилгина шаҳзода Муҳаммадми, деган жумбоқдир. Чунки бошқа ҳамма чигалликлар, аркони ҳарб ва аркони давлат, вазиру вазор, аъёну боёнлар орасидаги тарафкашликлар, низою нифоқлар, фисқу фужурлар — ҳаммаси шу чигал муаммога бориб тақалади. Чигал муаммолар эса ҳушёрлик ва эҳтиёткорликни тақозо этади, чунки вазири аъзам билади: давлат ишлари — бу жанг майдони эмас, бу ишда бор куч билан камондан ўқ узиб бўлмайди!

Дуруст, султоннинг ўзи аллақачон кенжа ўғли шаҳзода Муҳаммадни валиаҳд деб фатво берган. Лекин, авваламбор, бу фатво ҳали хутбага қўшиб ўқилган эмас, тор доирада, вазиру вазор даврасидагина маълум, қолаверса, амирал мўминининг бу қароридан кўплар норози. Улар орасида заифа бўлса ҳам давлат юмушларига бош суқиб, сарой аҳлини ёт деб ётқизиб, тур деб турғазиб ўрганган, султоннинг суюкли синглиси Хатлибегимдан тортиб, бўйи муштдеккина бўлса ҳам калласи хумдек, девон соҳиби Абу Наср Мишкан жанобларигача бор. Бош вазир билади — уларнинг ҳаммаси амир Масъуд билан пинҳона алоқада, ҳар он, ҳар дақиқа саройдаги ишлардан кўз-қулоқ бўлиб, «тиқ» этган товушга қулоқ солиб туришинти. Агар амир Масъуд бу хатарли кунларда Исфаҳондай овлоқ жойларда жангу жадал қилиб юрмаганида саройдаги фисқу фасодлар бундан беш баттар авж оларди.

Бош вазир, одатда, хиёбон ва гулзорларни аста айланиб, ечилмас жумбоқларни танҳо ечаркан, юришдан чарчаган чоғларида ҳовуз бўйларига қурилган шийпонларда ўтириб ором олади. Шийпонларда эса ҳамма нарса, бежирим биллур идишларда нафис товланган шафақранг маю шарбатлардан тортиб, жизиллаб турган бедана кабобларгача, тандирлардан ҳозиргина узилган иссиқ патирлардан тортиб, pista, бодомларгача — ҳамма нарса муҳайё бўлади. Али Ғарибнинг истагига кўра, бир жойда ҳали мўйлови сабза урмаган ёш ғуломлар хизмат қилса, бир жойда ҳарир ипак кўйлаклари ичидан оппоқ сийналари кўриниб турган, ҳали оналари ўпмаган гўзал канизлар назокат билан бош эгиб туришади, бу паканагина, юм-юмалоқ одамнинг ҳар бир сўзи, ҳар бир ишорасини маҳлиё бўлиб кутишади...

Лекин бугун вазири аъзам саройдан кўнгли ғаш бўлиб қайтди-ю, сайр қилиш ҳам дилига сиғмай, дарвозадан тўғри икки ошёнали кўшкка ўтди.

Сўнги пайтларда, айниқса амирал мўминининг аҳволи оғирлашиб, васвас дардига дучор бўлганидан буён, бош вазир ўз кўшикидаги

барча қимматбаҳо буюмларни, Ҳиндистондан келтирилган олтин маъбудалар, биллур идишлар, ипак гиламлар, ноёб зеб-зийнатлар, қуйма тиллалар, хум-хум олтин қум ва беҳисоб динорлар, фил суягидан ясалган нодир қутичалар, ғаройиб ҳайвонлар ва қушларнинг мўъжаз ҳайкалчалари — ҳамма-ҳаммасини хуфя жойларга яширган, кошона хоналарида энг оддий жиҳозларгина қолган.

Бугун бош вазир кўшкнинг ҳувиллаб қолган хоналаридан бирига кириб, кўрпачага ёнбошлади. У бир он кўз илинтириб, оғир ташвишлардан ғовлаб кетган миясига жиндеккина ором бермоқчи, сўнг, таъзимга келган тижорат аҳлини¹, суҳбатга чақирилган хуфялар, мушрифлар, амиру умарони қабул қилмоқчи эди. Вазири аъзам уйқуга кетишдан аввал этикларини ечиб, оёқларини уқалатишни яхши кўрар, тўғрироғи, бусиз кўзига уйқу келмас эди. Бироқ бугун тўшакка чўзилиб, энди оёқларини узатганида кўшк оғоси кириб, Афшон шол даҳасидан бир хуфя келганини, хуфя бош вазир жанобларига дарҳол изҳори ихлос билдирмоқ азмида бетоқат бўлаётганини арз қилди. Бош вазир, одатда, биринчи галда тижорат аҳлини қабул қилар, чунки улар ҳеч қачон қуруқ келмас, айниқса, хорижий юртлардан ташриф бурган савдогарлар катта инъомлар, қимматбаҳо совға-саломлар билан келишарди. Бироқ Афшон шолдан хуфя келганини эшитгач, тижорат аҳлини ҳам иккинчи галга қўйди.

Афшон шол — шаҳарнинг энг камбағал, энг серғалва даҳаси. Ундаги хуфяларнинг хабарлари алоҳида аҳамиятга молик.

Али Ғариб, оёғини уқалаш учун кирган эрка ғуломига рухсат берди-да, айғоқчини чақиртирди. Сал ўтмай, бўсағада, устига эски қора чакмон, бошига қора ағдарма телпак кийган бир кимса пайдо бўлди, бўлди-ю, улкан қора қуртдай ғимирлаб келиб, гиламга тиз чўкди.

Вазири аъзам негадир, эҳтимол, ўзига ўхшаб пилдираб юргани учундир, бир қарашда улкан қора қуртни эслатувчи бу эски хуфяни кўп хушламас эди. Бироқ Пири Букрий деган бу кекса айғоқчи доим муҳим хабарлар келтирар, Маликул шароб аталмиш анов шаккок шоир майхонасида бўладиган ножўя юмушлар, салтанатга қарши қаратилган иғво гапларни оқизмай-томизмай етказиб туришда бебаҳо эди!

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Пири Букрий қармоққа ўхшаш қийшиқ қўлларини кўксига қўйганича, бошини букри елкасига қисиб, ғалати бир гапни айтиб берди. Гўёки, ўша бетавфиқ Маликул шароб майхонасида икки сирли сайёҳ пайдо бўлган эмиш. Бири ёш, иккинчиси эса чеҳраси бағоят нуроний, гап-сўзлари бағоят маъноли бир аллома эмиш. Ёш сайёҳнинг маст-аластликда айтган сўзига қараганда юзидан ақл-заковат ёғилиб турган бу аллома... ҳакими даврон Ибн Сино ҳазратлари эмиш!..

Вазири аъзам икки букилиб ўтирган Пири Букрийнинг аллақандай маъсум кўзларига тикилиб, мийиғида кулди:

— Шу сўзга инондингми, Пири Букрий? Офарин сенга! Бундан чиқди, сен... ўзларини ҳазрат Ибн Сино деб, авомни алдаб, пулини тўнаб юрган муғомбирларни эшитмабсен! Чин Ибн Сино бўлса нечун ул бетавфиқ майхўрнинг ипринди майхонасида ивирсиб юрадур!

Пири Букрий кўзини юмиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Билмам, тақсири олам, бошда камина ҳам инонмадим ва лекин суратини кўрдим!

— Не сурат?

— Анов... сураткаш Абу Наср Арроқ² чизган ва қирқ нусха кўчиртирилиб, қирқ юртга юборилган ҳазрат Ибн Сино сурати! Пинҳона келган бу сайёҳ ўшал суратдаги ҳазрат Ибн Синонинг баайни ўзи, тақсири олам!

¹ Тижорат аҳли — савдогарлар.

² Абу Наср Арроқ — Ибн Синонинг замондоши, рассом ва тарихчи.

— Баайни ўзи?— Али Ғариб, юм-юмалоқ бўй-бастига зид бир чаққонлик билан қаддини ростлаб ўтирди. У бир нима демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади, бироқ шу пайт яна кўшк оғаси кириб таъзим қилди:

— Тақсири олам, маъзур тутсинлар. Тегинободдан¹ мушриф келди!

— Тегинободдан?

— Шундай, тақсири олам. Тегинободдан, ариз Абулвафо Сарикдан келмиш!

Вазири аъзам бир зум иккиланиб тургач, Пири Букрийга ташқарига чиқиб кутиб туришни буюрди.

— Чақир мушрифни!

Ё тавба! Ғалати ҳангома! Ҳангома устига ҳангома!

Бир ҳафта эгардан тушмай от суриб келган мушриф пойгакка тиз чўкди-да, белидаги носқовоғи ичидан вазири аъзамга нос ҳиди уфуриб турган бир мактуб олиб берди. Мактубдаги гаплар... во дариг!— Пири Букрий топиб келган хабардан ҳам ғалатироқ эди!..

Бош вазир билар: бундан уч ой муқаддам Ибн Сино ҳазратларини ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келиш шарти билан узоқ Ҳамадонга юборилган ариз Абулвафо Сарик тарвузи қўлтиғидан тушиб, Ғазнага қуруқ қайтмоқда эди. Бош вазир бу хабарни бундан бир ҳафта муқаддам ўз хуфялари орқали билган эди. Маълум бўлишича, Абулвафо Сарикнинг элчи бўлиб бораётганидан хабар топган ҳазрат Ибн Сино Ҳамадонни тарк этиб, қаёққадир бош олиб қочган, уни ҳатто Ҳамадон ҳокими Алоуддавла ҳам топиб беролмаган. Исфаҳонни забт этиб, Ҳамадон яқинида лашқар тортиб турган амир Масъуд эса, бу ишда Абулвафога ёрдам қилиш у ёқда турсин, аксинча, қаршилиқ кўрсатган. Хуллас, Ҳамадондан икки қўлини бурнига суқиб қайтган Абулвафо Сарик амирал мўъмининга кўринишга юраги дов бермай, Тегинободда туриб қолган!

Ғалати дунё экан бу дунё! Бундан уч-тўрт йил муқаддам Али Ғариб билан бош вазирликни талашган бу тўпори Абулвафо Сарик, мана энди боши деворга бориб «тақ» этиб урилгандан кейин, яна Али Ғарибга мурожаат қилган: бир парчагина мактубда унинг номига минг маротаба ҳамду санолар ўқиб, йўл-йўриқ сўраган эди!

Баттар бўлсин! Агар бу найнов аризнинг ақли бўлса, бундан уч ой муқаддам, амирал мўъминининг шарафли топшириғини олдим, деб ҳовлиқмасдан йўлга чиқишдан олдин бош вазирга бир оғиз маслаҳат солса бўлмасмиди?

Ушанда, султон инъом этган арғумоқлар, энг довурак навкарлар, олий ёрлиқлар, хуржун-хуржун олтинлардан маст бўлиб, бош вазирдан бир оғиз йўл-йўриқ сўрамаган бу бефаҳм ариз энди нечун уялмасдан ундан маслаҳат сўрайди? Нос ҳиди уфурган хатини кўз ёши билан ювиб, нечун изҳори ихлос қилади?

Абулвафонинг ўзидан ҳам бесўнақай дастхат билан ёзилган бу мактубнинг биринчи қисмидаги гаплар, шу ўйлар сабаб, вазири аъзамнинг юрагидаги эски музни эрита олмади. Лекин хатнинг иккинчи қисми!.. Иккинчи қисмидаги гаплар... букри топиб келган бояги гаплардан ҳам ғалатироқ эди!..

Гўёким, Абулвафо Сарик, умидлари чид-чил синиб, узоқ Ҳамадондан Тегинободга қуруқ қайтиб келган кунлари шаҳар бозорида ўзини ҳазрат Ибн Сино деб, фуқарони даволаб юрган бир аллома пайдо бўлган эмиш. Табобат бобида ягона бўлмиш бу ҳакими давронни ўз кўзлари билан кўрганлар, унинг дори-дармонларидан даво топган бедаво хасталар сон мингта эмиш!

Ариз Абулвафо Сарик бу хабарни эшитиб ул ҳакими ҳозиққа дарҳол чопар юборган эмиш. Аммо чопардан хабар топган табиб, дарҳол бор бисотини йиғиштириб, бир кечада қайгадир гумдон бўлган эмиш!..

¹ Тегинобод — қадимий шаҳар.

Бурни тагидан шундай қуённи қочириб олган ақли кўтоҳ ариз бу бемаъни хабарни етказар экан кўз ёши тўкиб, бош вазирдан маслаҳат сўраган, маслаҳат орасида эса... Тегинободдан қочган бу ҳақими даврон мабодо Ғазна томон йўл олганмикин, деган мужмал бир гапни ҳам қистириб кетган эди.

Вазири аъзам бефаҳм аризнинг бемаъни мактубини ўқиб ниҳояси-га етмаган ҳам эдики, тўсатдан унинг миясида нимадир юлдуздай «ярқ» этиб ёнди-ю, ўрнидан туриб кетди.

Бош вазирнинг миясида «ярқ» этиб ёнган бу фикр... хатарли ва ғаройиб эди! Шундай ғаройиб ва шундай хатарли эдики, Али Ғариб, кўшк бўсағасида кутиб турган мушрифлар, музофотлардан келган дивсуворлар¹, изҳори ихлос маъносида ташриф буюрган савдогарлар у ёқда турсин, ҳатто масжид ва мадраса ковакларидан ўрмалаб чиққан шахсий айғоқчиларини ҳам қабул қилмади. Кўшк оғасига шароб келтиришни буюриб, уст-устига бир неча коса май сипқарди.

Йигирма йиллик қўлбола шароб ўз ишини қилди. Зум ўтмай ҳозиргина ғаройиб туюлган ажойиб фикр жуда табиий, хатарли режа эса жуда дадил ва мардонавор режага айланди, Вазири аъзам, зеби-зийнатлардан соқит бўлган хуфя гўшани аста айланиб, кўнглига келган бу фикр ва режаларни обдан пишириш ниятида эди, бироқ шу пайт эшик берухсат очилиб, шахсий қушчиси таъзим қилиб кириб келди.

— Афв этгайсиз, валинеъмат!.. Хешингиз Абул Ҳасанак жанобларидан элчи келди. Кеча болалаган она кийикни берар эмишсиз!

— Она кийик?

— Ҳа, она кийикни боласи билан бирга сўраб келди!

— Во ажабо, тун ярмида она кийикни не қилади у?

— Билмам, тақсири олам, элчининг айтишича, офтоби олам... овга отланмиш!

— Офтоби олам овга отланмиш? Бир неча ойдан бери васвас босиб, оёғини базўр судраб юрган давлатпаноҳ овга чиқармиш? Ажаб жумбоқ!

Амирал мўъминин сўнгги йилларда ёмон бир одат чиқарган, вазири аъзам бир четда қолиб, энг махфий юмушларни шу ҳезалак вазири Абул Ҳасанак билан маслаҳатлашадиган бўлган. Афтидан, ов ҳам шундай махфий юмушлардан бири эди. Али Ғариб шуни ўйлаб, тирноқларигача зирқираб кетди-ю, лекин Пири Букрийнинг гапи ёди-га тушиб, кўнгли хиёл таскин топди.

Майли, улар овда юганида Али Ғариб бу ишни ўйлаб олади, обдан ўйлаб, обдан пиштиб олади. Шу қарорга келган бош вазир Пири Букрийни чақиртирди.

Еттинчи боб

1

Кечаси бир гуруҳ навкарлар ногаҳон бостириб киришганда ўзини ҳазрат Ибн Сино деб атаган кекса сайёҳ маст уйқуда эди. У дод солишга ҳам улгурмади, навкарлар унинг салласини оғзига тиқиб, қўлоёқларини боғлашди-да, эгарга ўнгариб, қасир-қусур от суриб кетишди.

Кекса саёҳ эгарда қимиз солинган мешдай чайқалиб бораркан, ич-ичидан куйиниб:

¹ Дивсувор — чопарлар.

«Бу кунингдан беш баттар бўл, миясиз тентак!— деди ўзига ўзи.— Ким сенга ўзингни ҳазрат Ибн Сино деб, доврүк сол деди, нодон? Ажалингда беш кун бурун ўлишни тилаган бўлсанг тилагингга етдинг, мана!»

Кўкда, тариқдай сочилган етти қароқчи тагида, янги ҳилол янги зарб қилинган олтин динор парчасидай ярқираб турар, у негадир янги туғилган чақалоқни эслатар, чақалоқдай ожиз, чақалоқдай ногирон эди. Кечагина баҳор гиёҳларининг ўткир ва хушбўй атрини сочиб эсан илиқ шабада бугун танани жунжиктирүвчи совуқ шамолга айланган, бу шамол остида йўл бўйидаги дарахтлар — азим чинорлар, қулоч етмас оқ тераклар, садалар, арғувонлар асов дарёдай шовиллар, гўё кўкка талпинган улкан қора қушлардай талпинар, юлқинар эди!..

Шаҳар маст уйқуда, кўчалар, расталар, гузарлар сув қуйгандай жимжит, ҳатто қоровулларнинг шақилдоғи ҳам эшитилмас, гузарлардаги тош фонуслар ҳам ўчган, шаҳар зимистон эди!..

Қўл-оёқлари чандиб боғланган кекса сайёҳ от устида минг азоб билан тебраниб бораркан, негадир Бухоро ҳокими Алитегиннинг мудҳиш зиндонлари кўз олдига келиб, вужуди қора терга тушди.

«О, нодон шогирд! Тентак шогирд! Агар у ўша куни кечаси Маликул шаробнинг бир пиёла майидан маст бўлиб, эҳтиётсизлик билан валдираб қўймаганида, эҳтимол, бу мудҳиш воқеа рўй бермас эди. Шогирднинг маст-аласт сўзлари сабаб, мана энди унинг ҳамма ўйлари, бир неча ойдан бери тузиб келган барча режалари барбод бўлди! Барбод!»

Ҳазнаи мукарраманинг кимсасиз кўчалари, гузар ва расталаридан дукур-дукур от чоптириб ўтган навкарлар шаҳар ўртасидаги қандайдир баланд қўрғон олдида эгардан тушишди. Навкарларни қарши олган кекса дарвозабон қўлидаги тош фонусни кўтариб, эгар устида кўндаланг ётган кекса сайёҳга кўз қирини ташлади-да, қўрғонга киришга ижозат берди.

Қўрғон ичи ҳудудсиз боғ бўлиб, унинг ўртасида икки қаватли мармар қаср оппоқ оқариб турарди. Қасрнинг даричаларида «милт» этган чироқ кўринмас, ҳаммаёқ зим-зиё, фақат иккинчи ошёнанинг энг чеккасидаги биттаю битта дарича осмондаги янги ҳилолдай ногиронгина милтирарди.

Ҳовлига киргач, навкарлар кекса сайёҳни эгардан ерга тушириб, оёқ-қўлларини ечишди-да, бўшаган белбоғ билан кўзларини маҳкам боғлаб, қаёққадир судраб кетишди.

Кекса сайёҳ худди бошига гурзи тушган одамдай карахт бўлиб қолди. У на қаёққа кетаётганини ўйлар, на қанча юргангани биларди. Бир маҳал шарақ-шуруқ очилган қулфлар овозидан ҳушига келди. Димоғига «гуп» этиб каламуш ҳиди урди. Уни қандайдир зах, совуқ бир ертўлага судраб киришди. Кетма-кет эшик тарақлаб ёпилди-да, яна илинаётган қулфларнинг шарақ-шуруғи эшитилди.

Кекса сайёҳ кўзига боғланган қалин белбоғини юлиб олди, бироқ каламуш ҳиди уфурган ертўла шундай зим-зиё эдики, ҳеч нарсани кўролмади. У оёқлари қалтираб, турган жойига тиз чўкди-ю, алам ва оғриқдан ер тимдалашга тутинди.

2

Унинг асли исми Абу Ҳалим эди, бироқ ёшлик-бебошлик деганларидек, ёшликдаги шўхликлари сабаб, ёр-биродарлари унга Абу Шилқим ибн Шаҳвоний деган лақаб қўйишган эди.

Абу Шилқим Бухорои шарифда, ўша, ҳазрат Ибн Сино истиқомат қилган Жўйи Мўлиён даҳасида, Бухоро ҳокими Нуҳ ибн Мансурнинг суюкли табиби Абу Файсал хонадонида таваллуд топди.

О, бу Абу Али ибн Сино! Ибн Сино!

Абу Шилқим эсини таниб, ёшлик тулпорига минибдики, кўксини тизгинсиз бир ҳасад бамисоли очкўз каламушдай кемиради. Бу ҳасад,

бу рақобат қачон бошланди — буни Абу Шилқимнинг ўзи ҳам билмайди. Бошда, Ибн Синолар хонадони Бухорои шарифга кўчиб келганида, ҳеч ким уларни назарга илмаган эди. Гарчи Абу Алининг отаси Абу Абдуллоҳ амир девонида мирзалик қилса-да, Жўйи Мўлиён¹ даҳасининг казо-казолари уларни «келгинди», деб калака қилишарди. У маҳалда Абу Шилқимнинг отаси Абу Файсал Бухоро ҳокимининг бош табиби ҳисобланар, даҳада уларнинг кўш ошёнали кўркам кўрғони ва ҳудудсиз боғлари бўлар, бу боғлар Жўйи Мўлиён даҳасининг кўркига кўрк, савлатига савлат қўшиб турарди. Уларнинг боғлари ва муаззам қасрлари олдида Абу Алилар ҳовлиси шоҳона тўн ёнидаги дарвиш жандасидай ғариб кўринарди.

У маҳалда ўн бир-ўн икки ёшлардаги Абу Шилқим араб зодагонлари даҳасидаги «мадрасаи калон»да таҳсил олар, зарбоф либосларда юрадиган ёш муллавачча «келгинди» ҳамсояларининг «келгинди» ўғлини назарига ҳам илмас эди. Ҳатто бу озгин, қийғир бурун «келгинди» бола тўғрисида, унинг ақл бовар қилмас заковати тўғрисида ҳар хил миш-мишлар тарқалганда ҳам ёш Абу Шилқим пинагини бузмади. У пайтларда Абу Шилқим, бошида ўсмирликнинг хумо қуши, ёшлик гаштини сурар, Жўйи Мўлиён казо-казоларининг эркатой бойваччалари билан улфатчилик қилар, гулгун базми жамшидлардан боши чиқмас, боғларда яшириниб, мрамар ҳовузларда чўмилгувчи яланғоч санамларни пинҳона кузатиш, ёруғ, ойдин кечаларда эса, хилват хиёбонларда уларнинг йўлларини тўсишдан қўли бўшамас эди. Абу Али эса... Абу Алини у гоҳи-гоҳида бозорларда, атторчилик ва баққолчилик расталарида фақир китобфурушларнинг ғариб дўконларида кўриб қоларди. Қаланғи-қасанғи атторлар растасида аллақандай гиёҳларни ҳидлаб, эски китобларни титиб юргувчи бу хаёлпараст ўспирин у пайтларда Абу Шилқимнинг кулгисини қистатарди, вассалом.

У чоғда Абу Шилқим ва унинг дўстлари сахий Бухоро бозорларига фақат бир мақсадда боришар, у ҳам бўлса, донғи оламга кетган зеб-зийнатлар растасига қатнайидиган малакларнинг чеҳраи шамсларини кўриб, орқаларидан гап отиш эди, холос.

Шаҳристон ичида жойлашган бу ҳашаматли дўконларда нодир зеб-зийнатлар, нафис тилла сирға ва биллагузуклар, соф қизил олтиндан ясалган нозик балдоқлар, шода-шода маржонлар, бебаҳо садафлар, қимхоб ёстиқчаларга қадалиб, офтобда ажиб товланиб тургувчи ёқут ва инжулар, лаъл ва дурлар, қўйингки, етти иқлимнинг ҳамма ганжлари топилар эди. Бу зийнатларни кўргани Бухоро зодагонларининг эркатой санамлари келишарди. Нозик оёқчаларидаги нозик кавушчаларидан тортиб, пешоналаридаги тиллақошларигача дур ва инжулар билан безалган бу офатижон санамлар машҳур заргарлик растасига, одатда, соябон араваларда келишарди. Улар кўк, қизил, пуштиранг парда билан тўсилган аравачаларидан гўё ранг-баранг капалаклардай лип-лип учиб чиқишар ва юзларини ҳарир дурралари билан тўсишиб, дўкон томон шошилишар, гўё нодир зеб-зийнатлардан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмас эди уларни. Лекин Абу Шилқим ва унинг такасалтанг биродарлари бунинг ҳаммаси муғомбирона бир ўйин эканини яхши билишарди. Чунки соябон аравалардан митти қушчалардай «пар-пар» учиб чиққан бу малаклар уларнинг ёнидан чопқиллаб ўтишаркан, бирлари ҳарир дурраларини тўғрилаган бўлиб, чеҳраи моҳларини бир кўрсатиб олишса, бошқа бирлари кўз уриштириб ўтишар, бу кўз уриштириш ва имо-ишоралар гоҳи-гоҳи Жўйи Мўлиён боғларининг энг хилват бурчакларида пинҳона учрашувлар билан тугарди!..

Кунлари мана шундай пинҳоний учрашувлар ва тотли бўсалар билан ўтган Абу Шилқим ва унинг дўстларига «хаёлпараст келгинди»нинг китобфурушлар растасида китоб титиб, ивирсиб юришлари чин-

¹ Жўйи Мўлиён — Бухородаги ибн Сино туғилган маҳалла.

дан ҳам кулгили туюлар, гоҳо-гоҳо улар Абу Алининг йўлини тўсиб, гап қотишарди:

— Ҳей, биродар! Бу ипринди ишларингни қўйиб, биз билан юр! Арк ёнидаги балхлик савдогарнинг кенжа хотини алача чопонингга кўзи тушиб, ошиқу беқарор бўлиб қолибди! Истасанг, кечаси гузарга чиқ. Секин олиб бориб қўйингга солиб қўямиз!..

Улар шундай деб, қақ-қақ отиб кулишар, Абу Али эса, ранги «қув» ўчганича, лом-мим дамай ёнларидан ўтиб кетарди.

Бир кун тонг чоғи қайси бир базмдан қайтиб, донг қотиб ухлаётган Абу Шилқимни кимдир телиб уйғотди. Кўзини очса, тепасида падари бузруквори — олло унинг тупроғини юмшоқ қилғай! — қаққайиб турибди! Бошидаги ҳақимлар киядиган оқ тақяси бир томонга оғиб кетган, кўзлари чақчайган, кўксига тушган оппоқ соқоли жонли махлуқдай дир-дир титрайди!

— Бефаросат, ҳўкиз! Ана, келгинди мирзонинг сен тенги фарзанди давлатпаноҳни даволаб, беҳисоб инъомларга сазовор бўлди. Сен ҳўкиз бўлсанг... ётибсен, ҳаром-ҳариш ишлардан бошинг чиқмай!

Абу Шилқим кейин билса, эскифурушлар растасида китоб титиб юргувчи бу хаёлпараст муллавачча табобат илмини шундай ўрганибдики, Бухоро ҳокими Нуҳ ибн Мансурнинг оғир дардига даво топиб, унинг катта эҳсонларига сазовор бўлибди!..

Қим билсин, Абу Шилқимнинг юрагини каламушдек кемирган ҳасад ва рақобат туйғуси ўшанда, ғазабдан соқоли дир-дир титраган падари бузрукворининг илк тепкисини еган кечаси туғилгандир? Ҳар қалай, хаёлпараст муллаваччанинг табобат бобидаги шухрати ортган сайин, падари бузрукворигина эмас, Абу Шилқимнинг ҳам ичи туз ичгандай ачишадиган бўлди.

Сал ўтмай, кекса Нуҳ ибн Мансур оламдан ўтди, унинг калтабин зурриётлари бир-бирлари билан тожу тахт талашиб, кўҳна сомонийлар давлатини батамом барбод қилишди. Фақат Бухоро ва Самарқанд эмас, бутун Мовароуннаҳр саҳронишин қорахонийлар ҳукмига бош эгди. Кечагина саҳройиларни мазах қилиб, устларидан кулиб юрган Бухоро зодагонлари энди сервиқор туркий беклар билан қиз бериб, қиз олишишни ўзлари учун улуг бахт ва катта шараф, деб биладиган бўлишди.

Кунлардан бир куни падари бузруквори Абу Файсал Абу Шилқимни отга миндириб, саҳрога олиб чиқиб кетди. Улар Ҳурмитон¹ боғларидан ўтиб, Афшона томонга равона бўлишди. Илк баҳор эди. Афшона ортидаги бепоён дашт уюр-уюр йилқига, сурув-сурув қўй-қўзиларга тўлиб кетган, ҳалмаёқда оқ, қизил, жигарранг ўтовлар дўппайиб турар, уларнинг атрофида от ўйнатган бўз болалар, бошларига укки патлари қадалган қизил қалпоқча кийиб, сочларига кумуш зийнатлар тақиб олган қиз-келинчаклар чопқиллаб юришарди.

Абу Файсал энг баланд қирдаги энг кўркам оқ ўтов олдида отдан тушди. Ота-болани бошига оқ қалпоқ, эгнига узун оқ чакмон кийиб, белини кумуш камар билан боғлаб олган, узун бўйли, кекса бек кутиб олди. У Абу Файсални оқ ўтовга бошлади, Абу Шилқим эса ўтов ёнида хизмат қилиб юрган қиз-келинчакларни томоша қилиб, ташқарида қолди.

Қиз-келинчакларнинг аксариси қизил гулдор қўйлак кийган, оёқларида қизил, кўк, сариқ сахтиён этикча, бошларида эса ўша, учига укки пати қадалган қизил чамбарак қалпоқчаларни кўндириб олишган. Уларнинг юм-юмалоқ, кулча юзлари очиқ, қуралай кўзлари шўх чақнаб турар, юрганда сочларидаги кумуш зийнатлари ажиб овоз чиқариб жаранглар, бунга мулоийм кулгилари қўшилиб, Абу Шилқимнинг юрагига жаз-жаз тегарди.

Ўша кунни кечқурун Бухорога қайтиб кетаётганларида отаси унга бир гап айтди. Гўё бу туркий бекнинг давлати. Бухоро ҳокимининг

¹ Ҳурмитон — ҳозирги Ромитон.

давлатидан кам эмас эмиш... Бекнинг ўн олти яшар бир қизи бўлиб, у бетоб эмиш. Бироқ, иншоолло, тузалиб кетар, деди отаси. Отасининг бу гапларини эшитаркан, Абу Шилқимнинг кўз олдига ҳозиргина кўрган қиз-келинчаклар, кулча юзларини яширмай, мулойим кулиб турган шўх саҳронишин малаклар келиб, юраги баттар жазиллаб кетди...

Бир неча ҳафта ўтди. Бир кун кечаси, Абу Шилқим ўз боғларида ёр-дўстлари билан чақчақлашиб ўтирган эди, кўчадан отаси кириб келди. Унинг важоҳатидан одам қўрққулик, ранги девордай оқарган, оппоқ қошлари тагидаги кўкимтир кўзлари қон талашган. У сармаст одамдай чайқала-чайқала шийпонга чиқди-да, дўстлар даврасида май ичиб ўтирган эрка зурриётининг орқасига бир тепди. Тепкига бир икки мушт ҳам қўшмоқчи эди, бироқ осмонга кўтарган серҳашам асоси тўсатдан қўлидан тушиб кетди-ю, бир қоп гўштдай лорсиллаган одам, бор вужуди билан ерга гурсиллаб йиқилди...

Абу Шилқим кейин билса, отасининг йўлини тагин ўша келгинди ёш табиб кесиб ўтган экан. У бек қизининг давосиз дардига даво топиб, қатта инъомлар олган, бек қизи эса ёш табибга ошиқу беқарор бўлиб қолган экан. Рост, бек бу ишдан хабар топиб, машъум ишга тўғаноқ солибди, қизини олиб, бир кечада Афшонадан кўчиб кетибди...

Ким билсин, Абу Шилқимнинг юрагини оч каламушдай кемирган рақобат туйғуси ўшанда уйғонгандир?

Ёш табибнинг шон-шуҳратига дош беролмай, ҳасад ўтида куйиб кетган падари бузруквори эрка зурриётига икки тепки инъом этиб, ўша ернинг ўзида жон таслим қилди. Шундан кейин нима бўлди,— буни Абу Шилқимнинг ўзи ҳам билмайди. Чунки «Сулаймон ўлди, девлар қутулди», қабилда иш тутиб, падарининг жисмини тупроққа бериб келган куниеқ кўзини чирт юмиб айшга шўнғиган Абу Шилқим, отаси йиққан давлатни батамом совуриб битиргандагина кўзини бир очди. Сўнги сомонийлар ҳукмдорининг бош табиби Абу Файсал жанобларининг дунёси эса беҳисоб эди. Олдин чуқур ертўлалардаги пўлат сандиқлар очилди, улардаги ганжлар, нодир олтин буюмлар кетди, кейин зеби зийнатлар, ноёб уй жиҳозлари, ипак гиламлар, биллур идишлар, тилла ва кумуш қандиллар, шамдонлар, от-аравалар бозорга чиқди, кейин икки ошёнали нилий қаср, қасрдан кейин хиёбонларига кумуш фавворалар ўрнатилган беҳудуд боғ, боғдан кейин қаср олдидаги отхоналар, отхоналардан кейин молхоналар!.. Қўлдан кетган бу беҳисоб бойлик билан бирга Абу Шилқим ҳам юқоридан пастга қараб юмалаб тушаверди: икки ошёнали нилий қасрдан хизматкорлар уйига кўчиб ўтди, ундан боғдаги шийпонга, шийпондан отхонага, отхонадан молхонага... Ахийри бир кун кўзини очиб қараса... боғ этагидаги хароба бир кулбада ётибди! На ичишга май қолган, на ейишга бир бурда нон! Эғнида гадолар ҳам жирканадиган эски чопон, тагида увада намат, қолган битта яримта сандиқ ва қутичаларда ҳеч вақо йўқ, моғорлаб кетган қандайдир гиёҳлар, майда-чуйда шишачаларга солинган аллақандай сассиқ суюқликлар! Ёнида на онаизори бор, на ҳамтовоқ ёр-биродарлари ва на ака-укалари. Бари уни тарк этган, тўғрироғи, Абу Шилқим ўзи ҳаммасини кафангадо қилиб, тариқдай сочиб юборган эди!

Не чора? Бошга тушганни кўз кўрар экан. Тирикчилик — тирриқчилик экан! Абу Шилқим йиғлаб-сиқтаб, ёр-биродарларидан эғнига битта тўн, бошига битта дастор, тагига қирчанғи бир эшак сўраб олди, отасидан қолган-қутган гиёҳларни, суюқликлар солинган шишачаларни хуржунга жойлаб, табиб Абу Ҳалим ибн Файсал номи била саҳронишинлар овулларини кезиб кетди... Шу-шу, бирда оч бўлса, бирда тўқ, бирда шоҳ, бирда гадо, йиллар ўтди. Юзига ажин, соч-соқолига оқ оралади. У тақдирга таъ бериб, бориға шукр қиладиган бўлди. Фақат бир нарса баъзи-баъзида тинчини бузиб, юрагини туз сепгандай ачитар, у ҳам бўлса, яна ўша эски рақиби Абу Али эди!

Абу Шилқим гоҳо-гоҳо бирор сабаб билан донгдор ҳакимлар ёҳуд

хорижий сайёҳлар мажлисига кириб қолгудек бўлса, аксар ҳолларда яна ўша, бир маҳаллар китобдорлар ва гиёҳвандлар дўконларида ивирсиб юргувчи ёш табибнинг номи тилга олинар, чексиз ҳурмат ва ифтихор билан тилга олинарди! Эмиш, гўё бу хаёлпараст табиб тиббиёт бобида тенгсиз аллома бўлган эмиш, ажалдан бошқа неки касал бўлса, ҳаммасига даво топар эмиш! Гўё «ал-Қонун» деган бир китоб битган эмишким, бу китобни олтинга ҳам топиб бўлмас эмиш!..

О, бу Ибн Сино! Ешлик чоғларидаёқ юрагида ҳасад ўтини ёқиб, ҳаловатини бузган, тинч, беғубор ҳаётини рақобат оғуси билан заҳарлаган Ибн Сино!

...Абу Шилқим ибн Шаҳвоний пешонасини деворга гурс-гурс уриб, яна ер тирнашга киришди. Шу пайт тўсатдан Ғазнага келиб, бу зиндонга тушишга сабаб бўлган ғаройиб бир воқеа эсига тушди, тушди-ю, ўзи ҳам сезмаган ҳолда яна хаёл дарёсига шўнғиди.

...Бу ғаройиб воқеанинг содир бўлганига мана ўн йилдан ошди. Худди ҳозиргидай илк баҳор эди. Абу Шилқим тагида хачир, эгнида кўк мовут тўн, бошида янги симобий салла — бу маҳалда у Бухоро теварагидаги қишлоқларда анча-мунча ихлосмандлар орттириб, қорни тўйган, қирчанғи эшагини хачирга, эски чопонини кўк мовут тўнга алмаштирган эди! — Ҳурмитон бозори қайдасен, деб йўлда йўртиб борарди.

Ҳурмитон — Бухоро аслзодалари, аркони давлат ва аркони ҳарб, вазиру вузаро, аъёну боёнларнинг ёзги қароргоҳи. Айниқса, қафасдай тор шаҳар ҳовлиларига ўрганолмаган туркий беклар Ҳурмитон теварагидаги бепоён даштларни хуш кўришар, кўкдам чиқиши билан мол-мулкларини туяларга ортиб, турна қатор бўлиб қир ва адирларга кўчиб чиқишар эди. Бу пайт Ҳурмитон бозорлари ҳам гуллаб кетар, Хуросону Шош, Толос ва Олой томонлардан бой карвонлар азим дарёдай оқиб келарди!

Уша уни туркий беклар овулида табиблик қилиб, хуржунининг икки кўзини инъомларга тўлдириб олган Абу Шилқим хушнуд кайфиятда Ҳурмитон анҳори бўйидаги бир карвонсаройга келиб тушди. Анҳор соҳили гавжум, ошхоналарда кабобпазлар кабоб пиширар, сомсапазлар сомса, новвойлар нон ёпишар, қовурилган пиёз ва гўшт, иссиқ нон ва қалампир ҳиди димоққа гуп-гуп урарди. Анҳор бўйидаги гилам тўшалган сўриларда зарбоф ва кимхоб тўнли аслзодалар, калондимоғ тижорат аҳли ёнбошлаб ётар, йўқсиллар, дарвишлар, жулдур чопон гадолар эса қуйироқдаги кўм-кўк ўтлоқларда тўп-тўп бўлиб ўтиришар, ҳар ким топганини ўртага тўккан эди... Абу Шилқим ҳақирини бир четга тушовлаб, зодагонлардан пастроқ, гадолардан юқорироқ бир сўридан жой олди-да, бир коса қимиз билан икки сих кабоб сўради.

У сопол косадаги қимизни бир кўтаришда бўшатиб, кабобга киришаркан, қуйироқда ўтирган чап кўзи кўр бир дарвиш ёлғиз кўзини унга ўқдек қадаб, тикилиб-тикилиб қараётганини пайқаб қолди. У нечундир юраги «шув» этиб, кўзини кўр дарвишдан олиб қочди. Бироқ кўр дарвиш дарҳол ўрнидан турди-да, рўпарасига келиб, таъзим бажо келтирди:

— Ассалому алайкум, ҳақими даврон... Абу Али ибн Сино ҳазратлари!

Абу Шилқим оғзи очилганича дарвишнинг чўғдай ёнган ёлғиз кўзига ҳайрат билан тикилди.

— Ҳақими даврон... Ибн Сино? Сен фақирни бошқа бировга ўхшатдинг, дарвиш!

— Муборак номингизни яширмоқдан не фойда, тақсирим? деди кўр дарвиш, негадир овозини пасайтириб. — Бундан бир йил муқаддам камина сизни Исфаҳонда, амир Алоуддавла даврасида кўрганмен. Исфаҳон аҳли сизга сажда қилиб, табаррук жуббангиз этакларини ўпганини ўз кўзим билан кўрганмен!.. Нечун ўз элдошларингизни бу саодатдан бенасиб қиласиз, тақсирим?

«Ёпирай! Бу телба дарвиш не дейди? Муроди не бунинг?»

— Ҳозир аҳли муъминни огоҳ қиламен, токи аҳли имон яхши дору-дармонларингиздан баҳра олсин, хасталар даво топсин!

Юраги орқасига тортиб кетган Абу Шилқим, «ҳой-ҳой», дегунча бўлмади. Кўр дарвиш қафтларини оғзига карнай қилиб:

— Ҳой, аҳли имон яхшилар!— деб хитоб қилди.— Эшитмадим деманглар, ғафлат уйқусида қолманглар! Алломалар мукаммали ва ҳақимлар афзали ҳазрат Ибн Сино таваллуд топган ўз юртига қадам ранжида қилмиш! Қимки бу ҳақими ҳозиқнинг юксак камоли ва нурли жамолидан баҳра олиб, давосиз дардига даво топмоқ истаса — марҳамат қилсин!

Анҳор соҳилини тўлдирган «аҳли имон» бирдан «гурр» этиб кўтарилди-ю, Абу Шилқим билан Кўр дарвиш томон ёпирилди. Рост, чинор соясидаги сўриларда ёнбошлаб ётган сервиқор аслзодалар орасида масхараомуз кулиб қўйганлар ҳам бўлди, бироқ уларнинг кулгиси оломоннинг бирдан «гурр» этиб кўтарилган шов-шуви остида кўмилиб кетди. Ногаҳон ёпирилиб келган «аҳли имон» бир-бирининг гапига қулоқ солмас, ҳамма тўсатдан «ҳазрат Ибн Сино»га айланган Абу Шилқимни кўришга интилар, биров жулдур кийимини шартта ечиб, ириган-чириган оёғини намоёиш этар, биров ярасини, биров чақасини дегандек, биров ногирон боласини кўрсатар, биров онасини! Хуллас калом, бир зумда бўлди тўпалон, бўлди тўпалон!

Кўр дарвиш зудлик билан чопиб бориб, ҳачир устидаги хуржунни судраб келди. Шундан кейин Абу Шилқим ҳам лом-мим демай хасталарни «даволаш»га, яъники, хуржунидаги гиёҳларни улашишга тутинди. У оғзига келган гапни айтиб гиёҳ улашар, Кўр дарвиш эса, ёмғирдай ёға бошлаган оқчани йиғар эди! Хуржуннинг икки кўзини тўлдирган гиёҳлар — туятовон, отқулоқ, ёввойи йўнғичқа, чўгиртиконлар талқони, райҳон ва кийик ўти, бодом ва тоғ ялпизи, турфа гуллар аралашмаси, янтоқ ва шувоқ илдизлари, наша ва кўкнори пояларининг қайнатмалари ва уларнинг уруғлари, қўйингки, Абу Шилқим кекса табиблардан ниманики эшитиб, тоғу тошлардан ниманики йиғиб олган бўлса, ҳаммаси кўз очиб юмгунча кумуш ва ҳатто олтин тангаларга айланди... Шундан кейин Кўр дарвиш «ҳақими даврон» чарчаганини рўкач қилиб, кимки чораси топилмас дард ва қутулиб бўлмас ажал балосидан қутулмоқни истаса, эртага Хурмитон бозорига марҳамат қилишларини тайинлади-да, йиғилган «аҳли имон»ни тарқатди... Лекин эртасига улар Хурмитон бозори эмас, сайқали рўйи замин Самарқанд қайдасен деб, Самарқанд томон равона бўлишди.

Шу-шу, фалакнинг гардиши билан ҳазрат «Ибн Сино»га айланган Абу Шилқим ибн Шаҳвоний фариб бобида устаси фаранг Кўр дарвиш билан бирга бутун Мовароуннаҳрни кезиб чиқди. Улар Самарқанд ва Шош, Утрор ва Ясси, Гурганж ва Сиғноқ — қўйингки, бормаган шаҳри, кўрмаган юрти қолмади. Аста-секин, оддий чопонлар кимхоб ва банорас тўнларга, отлар соябон араваларга алмаштирилди, майда чақа ва кумуш тангалар олтин динорларга айланди. Кўр дарвиш камлик қилиб, қўл-оёқлари чаққон, дасти беминнат ёш ғуломлар хизматига олинди. Улар энди йўлга чиқса энг бадавлат тижорат аҳли билан, катта карвонлар билан бирга чиқишар, шаҳарларга борганда энг бой карвонсаройларни танлашар, энг кўркем, энг зийнатли хоналарга тушишарди. Эртасига, эгнига ғаройиб жанда, бошига ғаройиб телпак кийиб, кашкулига исиріқ солиб олган Кўр дарвиш, икки ёнида икки ғулом, бозорга чиқарди:

**Ҳо, аҳли муъмин, яхшилар,
Эшитмадик деманглар!
Луқмон ҳақим, дуоғўй,
Пирларидан бообруй,
Ибн Сино номи бор,
Етти иқлим донғи бор!
Дард йўқдир ул билмаган
Чорасини қилмаган!**

Балони даф этади,
Қазони даф қилади.
Аҳли имон, яхшилар,
Эшитмадик деманглар!

Бу орада Кўр дарвишдан сабоқ олган ёш ғуломлар ўзларини оломон орасига уришар, бир тўпдан иккинчи тўпга ўтиб, ҳазрат Ибн Сино тўғрисида ҳар хил ҳикоят ва ривоятлар айтишарди:

— Худованди карим бу зоти муборакка шундай салоҳият ато қилганким, тиббиёт бобида билмаган илми йўқдур. Биргина томир уриш ҳолатига қараб, саккиз юз саксон саккиз дардни топади. Яқинда ҳазрат Ибн Сино ҳузурига Нишопурдан бир навжувон йигитни олиб келдилар. Олиб келгунча эса, етти иқлим ҳақимларига кўрсатганлар, аммо ҳеч бир табиб, на Чин, на Ҳинд ва на Рум ҳақимлари шўрликнинг жонига аро кирганлар, дардига даво топганлар!

Шунда ҳазратим бу фоний дунёдан ул боқий оламга рихлат қилишга чоғланган бу мажруҳнинг томирини ушлаб, туғилган шаҳрини сўрадилар. Айтдилар. Сўнгра ҳазратим йигит таваллуд топган шаҳарнинг барча даҳаларини номма-ном санаб чиқишларини сўрадилар. Санаб чиқдилар. Сўнгра ҳақими даврон номи зикр қилинган даҳадаги ҳар бир кўчани бир-бир айтиб ўтишларини сўрадилар. Айтдилар. Шунда ҳақими азаб бу кўчада истиқомат қилғувчи барча хонадонларни номма-ном атаб чиқишларини сўрадилар. Атаб чиқдилар. Шунда тақсири олам бу хонадоннинг ҳамма аъзоларини бир-бир санаб ўтишларини сўрадилар. Санаб ўтдилар. Бас! Санаш чоғида бир соҳибжамол исми тилга олинган эди, шўрлик йигитнинг юзига қизиллик югуриб, юмуқ кўзлари «ярқ» этиб очилиб кетди. Шунда хастанинг томир уришига қулоқ солиб ўлтирган ҳақими даврон унинг қўлини қўйиб юбориб кулдиларким:

— Йигитнинг дарди ошиқликдур! Дарҳол туғилган шаҳрингизга қайтинг! Хаста фарзандингизга ўшал соҳибжамолни олиб бериб, тўй-томоша билан уларни қовуштиринг, илло, йигит дардининг давоси висолдур!

Иккинчи ғулом сершовқин бозорнинг бошқа бир жойида атрофига бир гуруҳ бекорчиларни йиғиб, онасининг қорнидаёқ олло тенгсиз салоҳият ва чексиз заковат ато қилган алломай замоннинг зақийлиги тўғрисида ваъз айтарди:

Шундайким, ҳазрат Ибн Сино ҳали тили чиқмаган чоғида уларнинг хонадонида бир ёш чўри хизмат қилган. Чўри гўдакни, гўдак уни яхши кўрган. Бир кун чўри уй бекасининг ёқут кўзли нодир узугини олиб, гўдакка кўз-кўз қилиб ўйнаб ўтирган экан, узук бир қоп тариқ ичига тушиб кетган, чўри эса, буни билмай қолган. Чунки шу пайт уни уй бекаси чақириб қолган.

Бир маҳал уй бекаси чўрисида узугини сўрайдурким, узук йўқ. У узукни қайга қўйганини билмайди. Бас, чўрини ўғирликда айблаб, уйдан ҳайдаб юборадилар. Чўри йиғлай-йиғлай хонадондан чиқиб кетади. Буни кўрган гўдак ҳам чирқираб йиғлайди. У икки кун тинимсиз йиғлайди, нечундир бир қоп тариққа талпиниб йиғлайди. Буни кўрган гўдакнинг отаси бу қопда бир сир-асрор бўлса керак деб, қопдаги тариқни ерга тўкиб, уни титиб кўради. Қарайдики, тилла узук тариқ ичида! Ота-она гўдакнинг зақийлигига лол қолиб, чўрини топиб келадилар ва ундан афв сўрайдилар!

Шаҳар бозорларининг энг гавжум жойларида, раста ва гузарларда Кўр дарвиш бошлиқ ғуломлар ҳазрат Ибн Сино тўғрисидаги бундай ривоятларни тўқишда давом этар, Абу Шилқим эса, эғнида қимматбаҳо мовут тўн, бошида ҳақимлар киядиган кўк мовут қалпоқ, қўлида олтин баробарига сотиб олинган «кал-Қонун», серҳашам хонанинг тўрида савлат тўкиб ўтирар ва эшикда турна қатор тизилган хасталарни битта-битта қабул қиларди! У, кўзлари юмуқ, хушсурат чўзин-

чоқ юзида виқорли табассум, гоҳ хасталарнинг томир уришларига, гоҳ қорин ва кўкрак қафасларига қулоқ тутар, сўнг, гиёҳ тўла сандиқ олдида қўл қовуштириб ўтирган зийрак ғуломига мурожаат қиларди. Форсий кирса гиёҳлар номини туркий, туркий кирса форсча айтар, бу нарса нечундир хасталарни лол қолдирар, уларнинг қалбида «ҳакими даврон»га нисбатан чексиз меҳр ва зўр ихлос уйғотарди. Энг қизиги, Абу Шилқим буюрган дорулар аксар ҳолларда бўлмаса ҳам, бот-бот хасталарга шифо келтирар, шунда басавлат ва бадавлат аъёнлар таъзимга келар, таъзим билан бирга лутфи эҳсон деганингиз ёмғирдай ёғилаверарди. Бироқ, эвоҳ! Пўлат сандиқларни тўлдириб юборган бу олтинлар охир-пировардида фақат яхшилик эмас, балои нафс аталмиш дарди бедавони ҳам етаклаб келди-ю, бир куни Абу Шилқим билан Кўр дарвиш орасида ёмон ўт чиқди!

— Тўғри, тушган оқчаларда сенинг ҳам улушинг бор, шайтони басир!— деди Абу Шилқим.— Улушингни олиб турибсен, шукр қил! Бу эҳсонлар сенга келдими ё ҳакими даврон... яъники каминагами?

Кўр дарвиш, ёлғиз кўзи совуқ чақнаб, заҳарханда қилди:

— Ҳакими даврон эмиш! Ҳали сен чин Ибн Сино эканингга инониб ҳам қолгандурсен? Ёмон эшак ўз эгасини устига миндирмайди. Сени «ҳакими даврон» қилган ким экани ёдингдан чиқибди, ҳўкиз!

Лекин ҳўкиздан «ҳакими даврон» яратган Кўр дарвиш нечоғлик янглишганини билмас, Ҳурмитон бозоридан топган бу «ҳўкиз» аллақачон қашқирга айланганидан беҳабар эди. Бу қашқир ўзи ёллаган катта карвон билан овлоқ Гурганждан Бухорога қайтаркан, бир кун кечаси жонига теккан «шайтони басир»ни содиқ ғуломларига ушлатиб, қўл-оёғини боғлатди-да, ҳадсиз қумликлар орасига ташлаб кетди. Қашқир қашқирлигини қилди. Унинг кўнглини на Кўр дарвишнинг аччиқ фарёди эрита олди, на ёлғиз кўзидан тирқираб оққан оби дийдаси!

Ким билсин, эҳтимол, Абу Шилқим ибн Шаҳвоний бу аёвсиз ишни қилмаганида бугун бошига бу савдолар тушмас эди. Зотан, кимсан Ибн Сино номи билан шунча бойлик орттирганидан кейин бу қалтис ишни қўйиб, тинчгина кун кечирса бўлмасмиди? Шундай қилганида ҳозир, эҳтимол, бу совуқ қабрда ер тишлаб ётмас эди!

Ҳа, Абу Шилқим ўшанда она юрти Бухорога беҳисоб давлат билан қайтди. Ота мулкани совуриб, гадо кийимида чиқиб кетган Абу Шилқим ўн-ўн беш йилдан кейин бир карвон мол-дунё, ўнлаб ғуломлар, бир нечта гўзал канизлар ва хуржун-хуржун ганж билан қайтди. У на фақат Жўйи Мулиён даҳасидаги боғу роғларини қайтариб олди, балки сарой табиблари даврасига киришга ҳам муяссар бўлди. Рост, Бухорои шарифда чин Ибн Синони кўрганлар ва табиблар бўлгани учун ўзини ҳазрат Ибн Сино, деб аташга журъат этмади. Лекин бунга эҳтиёж ҳам йўқ эди. Бусиз ҳам сал ўтмасданоқ Бухоро ҳоқими амир Алитегиннинг энг яқин ҳабиби ва табибига айланди. Падари бузруквори Абу Файсал сўнгги сомонийлар даврида қандай иззат-эътиборга эга бўлган бўлса, Абу Шилқим ҳам сомонийлар давлатини зер-забун қилган иликхонлар саройида шундай иззат-икромга эришди. Аммо... бахтга қарши, бундан уч-тўрт йил муқаддам мана шу мустабид султон Маҳмуд Ғазнавий ўн минг жанговар фил ва ҳисобсиз лашкар билан Бухоро сарҳадида бостириб кирди-ю, Абу Шилқимнинг инонган тоғи амир Алитегин Бухорони ташлаб қочди. Ўн минг туялик мол-дунёси, сандиқ-сандиқ олтину кумушлари, машҳур ҳарами, ҳарамидаги кенжа хотини билан суюкли қизини ташлаб қочди. Алитегиннинг бу беҳисоб кўчи орасида Абу Шилқимнинг ҳам ўттиз-қирқ туялик мол-мулки, бир неча сандиқ ганжи ва бир неча гўзал канизлари қолиб кетди.

Майли, бош омон бўлса телпак топилар, деган гаплар рост экан. Абу Шилқим сал ўтмай султон Маҳмуд суворийлари қўлида кетган қирқ туя дунёсини қайта тиклаб олди. Алитегин ҳам ўн минг туя дунёсини юз минг туя қилиб қайтариб олди. Султондан эмас, йўқ, жафокаш фуқародан қайтариб олди. Аммо султоннинг қўлида кетган ҳара-

мини, тўғрироғи, ҳарамидоғи суюкли кенжа хотини билан суюкли қизини қайтариб ололмади.

Алитегин неча марта Ғазнага элчи юборди, хотини билан қизи ўрнига улардан минг чандон сулувроқ канизлар ваъда қилди, лекин султон Маҳмуд нечундир бу икки асирани қайтаришни истамади.

Ҳар сафар Ғазнага юборилган элчилар қуруқ қайтиб келганда, амир Алитегин қафасга тушган йўлбарсдай ўкириб, султон Маҳмудга қарши лашкар тортишга чоғланарди. Бироқ ғазабидан тушиб, сал ҳушига келгач, баробар қадам ташлаганда Бухоро тупроғини ларзонларзон қилган ўн минг жанговар фил кўз олдига келар, хартумларини баробар кўтариб, баробар ўкирганда осмони фалакни зир титратган наъралари қулоқлари остида қайта янграгандай бўларди-ю, дами ичига тушиб кетарди...

Бундан беш-олти ой муқаддам кутилмаган бир воқеа содир бўлди-ю, Абу Шилқимга бир умр тинчлик бермаган ҳазрат Ибн Сино яна унинг ҳаловатини бузди.

Вақт тун ярмидан ошган эди. Кечаси билан айш қилиб чарчаган Абу Шилқим маст уйқуда эди. Баногоҳ саройдан чопар келиб уни уйғотди.

Абу Шилқим саройга етиб борганида амир Алитегиннинг машваратхонасига Бухорои шарифдаги барча уламои забардастлар, машҳур алломалар, сарой табиблари ва шоирлари йиғилган эди. Амирнинг ўзи, одатдагидай қовоғи солиқ, бир маҳаллар Нуҳ ибн Мансур ўтирган олтин тахтада бир тутам сийрак соқолини силаб, хаёлга чўмиб ўтирар, унинг ўнг томонидаги курсини нотаниш, қийғир бурун бир кимса эгаллаган эди. Маълум бўлишича, сурмаранг салласига элчилик нишони қадалган бу кимса амирал муслимин султон Маҳмуд Ғазнавийнинг махсус ва мухтор элчиси бўлиб, ҳазрат Ибн Синони қидириб юрган экан. Элчининг қўлида шоҳқосанинг юзидеккина юмалоқ сурат бўлиб, бу Ибн Сино ҳазратларининг суратлари эди. Амир Алитегин, элчининг қўлидан бу суратни олиб, машварат аҳлига намойиш қилар экан, пучуқ бурнини жийриб кулди:

— Эҳтимолким, ораларингда яшириниб юргандур бу ҳакими даврон? Ана, Абу Халим ибн Файсалга қаранглар! Суратдаги ҳазрат Ибн Синонинг баайни ўзи! Во ажабо! Нечун яшириниб юрибсиз, тақсири олам? Яширинманг! Токи, амирал мўъминин Ибн Сино ҳазратларига бўйи баробар олтин инъом этмоқ азмида эмиш!

Амир Алитегин шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кулди. Лекин Абу Шилқимга ялт этиб қараган машварат аҳли орасида «ё тавба, худди ўзи-я! Худди...» деб шивир-шивир қилганлар ҳам бўлди... Султоннинг элчиси ҳам мушукнинг кўзларидай сарғиш кўзларини чақчайтириб, Абу Шилқимга қадалиб қолган эди. Бироқ Абу Шилқимни ҳар куни минг маротаба кўриб, у билан минг маротаба сўзлашиб юрган одамларнинг уни ҳазрат Ибн Сино деб тан олишлари жезни олтин дейиш билан баробар эди!

Дарҳақиқат, машварат аҳлининг «ё тавба! Худди ўзи-я! Худди!» деган шивир-шивирлари аввал кулгига, кулги пичинг ва кесатиқларга айланди-ю, Абу Шилқимнинг усиз ҳам ҳасад ва рақобат ўтида куйган юраги баттар куйди. У шундай ёниб кетдики, эртасига бор мулкни, канизлари ва ғуломларини Бухоро бозорига чиқариб пуллади, уй-жойини ишончли одамлар қўлига топширди, сўнг, сарой мусаввирга элчи суратидан бир нусха кўчиртириб хуржунга жойлади-да, Балх томон отланган катта карвон билан бирга субҳи содиқ Бухоро дарвозасидан чиқди. Икки ҳафтадан кейин, Кўр дарвиш билан бирга қилган ишини Балхда такрорлади. Жарчи ёллаб жар солдирди. Бухоролик ёш шогирди эса ҳазрат Ибн Сино тўғрисидаги ҳикоялардан сўзлади. Синов Абу Шилқим Шаҳвоний кутгандан минг чандон яхши ўтди. Хаста борки, унга асалга ёпишган пашшадай ёпишди. Пул деганингиз ёмғирдай ёғилди. Шундан кейин улар Тегинободга, Тегинободдан Ғазнага йўл олишди...

Хўп, уёғи-ку, шундай бўлди, энди буёғи не бўлади? Тақдири не кечади? О, қариб қуюлмаган нодон! Бир оёғинг ерда бўлса, бир оёғинг гўрда турганида ҳазрат ибн Сино бўлишни орзу қилган, миясиз эшак!

Йўқ, нафсиламрини айтганда, Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳазрат Ибн Сино бўлиш учун қилмади бу ишни. У фақат... омади қелиб, султоннинг қалбига йўл топа олса, амир Алитегиннинг кенжа хотини билан суюкли қизини қутқазиб олиш ниятида жазм қилган эди бу юмушга! Уларни қутқазиб, Алитегинга инъом қилиш ва бу билан Бухоро ҳокимининг чексиз муҳаббатига эришиш ниятида бел боғлаган эди бу ишга! Мана, ниятига ҳам етди! Етди-ю, йиқилди! Энди бу совуқ гўрдан чиқиши амримаҳол унинг! Улиги чиқади бу гўрдан! Йўқ, ўлиги ҳам чиқолмайди, каламушларга ем бўлади ўлиги, ем!..

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний яна пешонасини ерга гурс-гурс уриб, ер тирнашга киришди.

Саккизинчи боб

Беруний гўё ёмон туш кўриб, босинқираган одамдай, юраги гурс-гурс уриб уйғониб кетди. У анчагача қаерга келиб қолганини англай олмай ётди. Сўнг кўзи шифтдаги дўппидеккина туйнукка, ғадир-будир девор тоқчасида милтираб турган мойчироққа тушди, тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди.

Субҳон олло! У таниш хибсхонада, бундан ўн уч йил муқаддам Ғазнага келган, тўғрироғи, мажбуран олиб келинган йили тушган зиндонда ётарди! Фақат унда бир ўзи эмас, ёнида кекса устод Абдусамад Аввал¹ ҳам бор эди.

Кеча Осмон маликаси қасрида бўлган машваратдан кейин Берунийнинг ҳарорати ошиб, аҳволи шундай оғирлашдики, бу совуқ тош қафасга қандай келганини бир эсласа, бир эслай олмайди.

У ҳамон ўз кўзларига ишонмас, назарида, ҳамон туш кўраётгандай эди. Йўқ, бу туш эмас, у чиндан ҳам ўн уч йил муқаддам тушган зиндонда ётарди. Ун уч йил ичида зиндонда ҳеч нарса, ҳатто ерга тўшалган эски бўйралар ҳам ўзгармабди! Фақат устод Абдусамад Аввал йўқ, устод ётган жойда ҳозир қора қурум босган катта чўян қумгон турарди, холос.

Устод Абдусамад Аввал!..

Беруний аъзойи бадани зирқираб, аста кўзини юмди, юмган заҳоти нигоҳи олдига Қўшки давлат майдонига йиғилган беҳисоб оломон келди... Оломоннинг қоқ ўртасидаги очиқ жойга баланд сўри қурилиб, унга тўртта дор тикилган, дорлар тагида соқоллари кўксига тушган тўртта мўйсафид турар, улар орасида... устод Абдусамад Аввал ҳам бор эди.

Қўлларида оғир кишан, эғнида кафан янглиғ узун бўз яктак, ялангбош, ялангоёқ, осмонга тикилган кўзларида қўрқув эмас, йўқ, чексиз бир қаҳр, соқол босган шиддатли юзида мағрур сокинлик!

Ёнида бор, бу мудҳиш воқеадан бир ҳафта олдин уларни, яъни Гурганждан ҳайдаб келинган бир гуруҳ алломаларни Қўшки давлат саройига таклиф қилишган эди. Худди кечагидай ноёб зеб-зийнатлар ипак гиламлар, биллур қандиллар, ғаройиб олтин маъбудлар билан безатилган машваратхонада уларни султон ўзи қабул қилган эди.

У маҳалда султон ҳали йигитдай навқирон эди, эғнида зарбоф тўн, бошида инжулар қадалган тож, сербар тилла камарида тилла шамшир, оёғида кумуш нағал қоқилган ғарч-ғурч этик, султон Маҳмуд ўшанда Хоразмдан келтирилган алломаларга, айниқса Абу Райҳон билан устод Абдусамад Аввалга катта иззат-эҳтиром кўрсатган, уларни улуғлаб, олтин косаларда шароб сиқарган, зиёфатдан кейин эса, эғниларига кимхоб тўнлар ёпган, қимматбаҳо совға-саломлар инъ-

¹ Машҳур олим. Берунийнинг устозларидан бири.

ом этган эди. Абу Райҳон зиёфат вақтидаёқ ғазналик шоирлар, хусусан, уламои зардастларнинг қовоқ-тумшуқлари осилиб қолганини пайқаб, кўнгли ғаш бўлган эди. Дарҳақиқат, уч-тўрт кун ўтмасданоқ, гун ярмидан ошганда унинг ҳужрасига бир гуруҳ навкарлар бостириб кириб, уни «Қалъаи қаҳр», деб донг чиқарган мана шу тош қафасга олиб келиб тикишган эди. Энг ёмони — уни олиб келишганда ҳозир қора қумғон турган жойдаги эски бўйрада... устод Абдусамад Аввал ётганди!

Кейин билса... машварат вақтида қовоқларидан қор ёққан Ғазна уламолари уларни даҳрийликда айблаган, бунга эса Берунийнинг қарматийлар¹ раҳнамоси имом Исмоил кечмишлари ҳақидаги бир рисоласи сабаб бўлган экан!..

Хоразмда, Маъмун ибн Маъмун саройида хизмат қилиб юрган чоғларида пинҳона ёзилган бу рисола дунёда фақат бир одам, у ҳам бўлса устод Абдусамад Аввал билар, тўғрироғи, рисола ўзи устоднинг илтимосига биноан ёзилган эди. Ёшлик чоғларида бадавлат падарининг бадавлат хонадонини тарк этиб, табиблик билан кун кечирган устод Абдусамад Аввал ёлғиз Имом Исмоилни тан олар, ҳақ йўлида эса тариқатдан бошқа ҳамма нарсани инкор этарди! У намозни бирда ўқиса, бирда ўқимас, рўзани ҳам бирда тутса, бирда тутмас, аммо бир бурда нон топса йўқсиллар ва етим-есирлар билан баҳам кўрарди. У фақир ҳужрасида зоҳидлик қилиб, йўқлаб келган битта яримта касалларни даволар экан, ҳеч кимдан тап тортмай:

— Худо недур?— деб хитоб қилар ва ўзи жавоб берарди:— Адлуҳақиқатдур! Куръони мажид недур? Инсофу адолатдур! Гуноҳи кабир недур? Зеби зийнат ва айш-ишратдур! Савоби азим недур? Меҳр-шафқатдур! Узинг янглиғ бандаларни суймоқдур! Балои нафси тиймоқдур!..

Устод Гурганжда, ўз кулбаи вайронасида ўтириб, келган-кетганларга ўз эътиқодини баён этаркан, бировлар унинг ваъзига қулоқ солса, биров қулоқ солмас: кўплар уни тарки дунё бир девона деб ҳисоблар эди. Лекин бир қарашда ғариб кўринган бу чол фақат табобат эмас, бошқа илмлар бобида ҳам тенгсиз эди!

Тарки одат амримаҳол, деганларидек, устод Ғазнага келгандан кейин ҳам ўз одатини қўймади, ҳеч кимдан тап тортмай ўз сўзини сўзлайверди. У ҳатто ўша куни, «Кўшки давлат»да бўлган султон Ғазнавий машваратида иштирок этган куни ҳам кетаётганларида эғнига ёпилган кимхоб тўнини ечиб, ташлаб кетган эди. Унинг зиндон қилинишига бу мислсиз «такаббурлиги» ҳам сабаб бўлган эди!

Ушанда, мана шу зил-залвор эшик очилиб, Берунийни бу тор қафасга итариб юборишганларида, устод бўйрага тиз чўкиб, намоз ўқиб ўтирарди. Тоат-ибодатга бирда риоя қилиб, бирда риоя қилмайдиган устод эшикда Абу Райҳонни кўриб «ялт» этиб қаради. Осойишта серсоқол юзида кишини ром қилувчи бир шиддат, ўсиқ қошлари тагига яширинган синчков нигоҳида ўзгача бир қатъият.

— Ёдингда бўлсин, Абу Райҳон! Имом Муҳаммад Исмоил алайҳиссалом... — тангри унинг қабрини мунаввар этгай! — Имом Исмоил тариқати тўғрисидаги рисолаи камина битганмен! Сен эмас, камина битганмен! Сўзимни англадингму, Абу Райҳон!

Беруний беихтиёр бошини ҳам қилиб:

— Бу сўзга ким инонади, устод?— деб сўради.— Рисолага каминанинг номи битилган.

— Йўқ, фақир сенинг номингни ўчирганмен. Не чора? Гурганждан келган мунофиқ бир ҳамюртимиз, сабаби бахиллик, ифво қилмиш! Ёдингда бўлсин — сен ёшсен, камина эсам ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганмен.

— Устод!

— Бас! — чол тўсатдан олдидаги қора қумғонни олиб, ерга гур-

¹ Урта асрларда диний ғоялар воситасида феодал зулмига қарши қаратилган курашчилар оқими.

силлатиб урди.— Агар бу тилагимни бажо келтирмасанг берган ил-
мимга рози бўлмаймен!

Беруний аранг бошини кўтариб, қора қумғондан бир қултим сув
ичди, ҳамон кўз олдида турган тўртта дорни ҳайдамоқчи бўлиб, яна
кўзини юмди, лекин бу воқеа гўё ўн уч йил аввал эмас, худди кун
кеча бўлиб ўтгандай сира нигоҳи олдидан кетмас эди.

Устод, эгнида оқ кафан каби узун бўз яктак, ялангбош, ялангёёқ,
баланд дор тагида турипти, тақир қирилган улкан бошини баланд
кўтариб, кўкрак кериб турипти, осойишта чеҳрасида, кўкка тикилган
ўткир кўзларида на қўрқув бор, на изтироб!

Ана, осмони фалакни зир титратган ноғоралар гумбури-ю, карнай
садолари остида дарвоза очилиб, саройдан... бир ёнида вазиру вуза-
ро, бир ёнида қози имом Сайид, султон Маҳмуд кўринди. Қилич ялан-
гочлаб, от ўйнатган юзларча сарбозлар қуршовида султон дор рўпа-
расидаги улкан мрамар супага чиқди, чиқиши билан «Кўшки давлат»
майдонини зир титратган ноғоралар гумбури, осмони фалакни ларза-
га келтирган карнай садолари тиниб, денгиздай гувиллаган оломон
бирдан сув қуйгандай жим бўлди.

Ушанда, ҳибсдан чиқиб, яна алломалар даврасига қўшилган Бе-
руний икки кўзи устодда, карахт бўлиб турар, у бутун вужуди билан
устод томон талпинар, у билан сўнг бор қучоқлашиб видолашгиси ке-
лар, айни замонда, қандайдир бир мўъжиза рўй бериб, дор тагида
турган устоднинг афв этилишини кўкдан илтижо қиларди.

Йўқ, Беруний кутган мўъжиза рўй бермади. Карнай садолари ва
ноғоралар гумбури тўхтаб, йиғилган оломон сукутга чўмиши билан
Қози имом Сайид ўрнидан туриб, ваъз айтди. У адолат қиличини қўли-
да маҳкам ушлаб, барча ғайри динийлар ва даҳрийларни қатлу ом
қилишга аҳду жаҳд этган, кулли мўъминлар мукаммали ва бани одам-
лар афзали амирал муслимин, султон Маҳмуд ибн Сабуктегин аъло
ҳазратларига ҳамду санолар ўқиди. Эгнида тириклар либоси бўлмиш
қора либос, бошида офтобда ажиб товланган сурма ранг салла, имом
Сайид ҳазратларининг овози тобора тиниқлашиб борар, йиғилган оло-
монни сеҳрловчи ажиб оҳанглар касб этиб, майдон узра бир текис
оқарди. Лекин баногоҳ, имом ҳазратлари энди илҳомга кириб, овози
энди юқори пардаларга кўтарилганида, дор тагида турган устод қўли-
ни бетоқат силкитди-ю:

— Худо недур, эй бетавфиқ? — деб хитоб қилди. — Худо — бу адлу
ҳақиқатдур!

Кутилмаганда момақалдиروقдай қалдираган бу овоз Кўшки дав-
лат қасрининг юксак тиллакори пештоқларига урилиб, ўн баробар куч-
ли акс-садо берди: — Адлу ҳақиқатдур!.. Қуръони мажид недур? — Ин-
софу адолатдур! Савоби азим недур? — Етим-есирлар бошини силамоқ-
дур! Гуноҳи кабир недур? — Сен бетавфиқ янглиғ айшу ишрат ва зеби
зийнат ишқида инсофу диёнатни унутмоқдур!

Устод ҳар сафар овози момақалдиروقдай қалдираб хитоб қилга-
нида сарой пештоқлари юз баробар кучли акс-садо берар, бутун май-
дон, наинқи майдон, ҳатто сойнинг у юзидаги шаҳар, беҳисоб кўчалар,
кўчалардаги расталар, карвонсаройлар, гузарлар — бутун дориссал-
танат бу хитоб, бу акси садо сеҳрига маҳлиё бўлиб қолган эди. Гўё
бу сўзлар тириклайин оқ кафанга ўралган ялангёёқ, ялангбош бир ал-
ломанинг ваъзи эмас, ғойибдан келаётган илоҳий нидо эди!

Бу нидо сеҳридан биринчи бўлиб султон қутулди:

— Сипоҳсолор қайда? Бу шаккок сўзларни эшитмоқ — гуноҳи ка-
бир эмасму? Учир овозини бу даҳрийнинг! Учир!

«Учир!» — садо берди тиллакори пештоқлар. — Учир!»

Дор тагида қандайдир кураш бошланди. Устоднинг бошига сирт-
моқ ташланди, аммо шу пайт ҳамон денгиздай гувиллаган оломон уз-
ра яна ўша илоҳий овоз янгради:

— Ҳой, айшу ишрат азмида имону эътиқодни ёдидан чиқарган
бандаи ожиз Маҳмуд Ғазнавий! Сўнгги каломимни эшитгайсен!.. Ху-

дованди қарим гуноҳларингни кечирмайди сенинг! Қиличидан қон томган сендай мустабидни...

— Чоп!!!

Султоннинг ҳайқириғидан хушларига келган суворийлар оломон томон от сурди-ю, ҳаммаёқ ағдар-тўнтар бўлиб кетди...

...Мана, ўн уч йилдирки бу манзара, бу аламли туйғу Абу Райҳоннинг хаёлидан кетмайди, билъакс, ҳар эслаганида кўксига нина санчилгандай бўлади...

О, устод, устод!

Мана, Берунийнинг ўзи ҳам эсини танибдики, ҳақиқат излайди. Ҳақиқат йўлида кирмаган кўчаси, юрмаган йўли қолмади. Бирда уни кўкдан қутса, бирда илм ва ақлу идрокдан қидирди, яна бирда Қобус ибн Вушмағир, Маъмун ибн Маъмун ва султон Маҳмуд каби ҳокимларни йўлга солиб, ҳақиқатни қарор топтиран, деб ўйлади, бироқ эвоҳ, устоз айтган адлу ҳақиқат ҳамон ундан қочмоқда, шамол каби, ёввойи оҳу каби тутқич бермай қочмоқда. У эса умри бино бўлибдики, «ҳақиқат» деб аталмиш бу «оҳу»ни қувиб юрибди. Билъакс, тунов куни Унсурий айтган «неъматни илоҳий»ни инкор этмай, уни «бор» деб қутулиб кетса бўлмасмиди? Унсурий каби оғзи тўлгунча олтин ошаса бўлмасмиди? У эса.. ҳайҳот, ҳақиқатни айтаман деб, мана, совуқ гўрда ётибди!

Бундан уч-тўрт йил муқаддам, Ҳиндистондан энди қайтган маҳалларида, бир кун султон уни Қўшки давлат саройига чақиртирди. У пайтларда Абу Райҳон ўзи қурган расадхонадан чиқмас, кечалари сайёралар ҳаракатини кузатар, кундуз кунлари Ҳиндистондан олиб келган китоблари ва ёзган асарларини тартибга солиш билан банд бўларди.

Қўшки давлатга чақиришдан бир неча кун аввал Бухоро юришига ҳозирланаётган султон унга зойича тузиб, сафар учун саодатли онларни айтиб беришни топширган, Беруний эса мунажжимлик илмига ишонмаслигини баҳона қилиб, бу ишдан бош тортган, шу сабабдан саройга отланаркан, кўнгли ғаш эди.

Беруний борганда султон шоир Унсурий каби мадҳиябозлар даврасида ўтирар эди. Берунийни жуда совуқ қарши олди, ҳатто ўтиришга ҳам таклиф қилмай, дарҳол «мақсадга» ўтди.

— Мавлоно Абу Райҳон!— деди султон, қовоғини уйиб,— ёр-биродарларинг сени воҳиди замон аллома деб, ҳамду сано ўқийдилар. Сен бўлсанг... осий банда неки топшириқ берса ўзингни нодонликка олиб, илтимосимни рад этасен!..

Беруний қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, давлатпаноҳ. Ақли ожизим етгунча сиз валинеъматимга хизмат қилмоққа бел боғлаганмен. Аммо ақлим етмаса...

Султон ўтирган жойида бетоқат тебраниб:

— Биз ҳам сенинг ақли заковатингни синамоқ азмида чақирдик!— деди заҳархандалик билан.— Бошингни кўтариб атрофингга назар сол, мавлоно. Бу машваратхонада қанча эшик бор?

— Тўрт эшик, олампаноҳ!

— Боракалло!— деди султон.— Ҳозир мен ўрнимдан туриб, шу эшикларнинг биридан ташқарига чиқамен. Сен эса... қайси эшикдан чиқишимни қоғозга битиб, ёстигим остига қўясен. Топсанг тўн киясен, топмасанг... эгингдаги тўнингни ечиб берасен!— Султон шундай деб, Унсурийга юзланди:

— Қоғоз-қалам бер мавлонога!

Шоир Унсурий апил-тапил ўрнидан туриб, ҳамон ўртада қаққайиб турган Берунийга қоғоз-қалам тутди.

Беруний бир қовоғидан қор ёққан султонга, бир негадир кинояли кулумсираб ўтирган давра аҳлига синовчан тикилди-ю, тўсатдан ҳамма нарсани англади: султон уни мот қилиш мақсадида чақиртирган! Қандай бўлмасин — мот қилиш мақсадида! Бас, шундай экан...

Беруний, гўё миясида аллақандай пинҳоний мурватлар ишга тушгандай, кўзлари ёниб, хонанинг тўрт эшик ва тўрт деворини кўздан ўтказаркан, хаёлига қутилмаган бир фикр келди-ю, шоирнинг қўлидаги қалам-қоғозни юлиб олди. У бир зум ҳам иккиланиб турмасдан жавобни тез ёзди-да, қоғозни тўрт буклаб, султонга узатди. Султон қоғозни олиб ёстиғи тагига яширди, бироқ ўрнидан туриб ташқарига чиқиш ўрнига:

— Усталар қайда? Чақиринг!— деб фармон берди.

Дарҳол бўсағада ойболта ва чўкич кўтарган беш-олти одам пайдо бўлди.

— Анов қибла томондан туйнук очинглар! Дарҳол!

Усталар деворни тарақ-туриқ чопиб, бир зумда одам сиғадиган туйнук очиди. Султон мийиғида кулумсираганича ўрнидан туриб туйнукдан ташқарига чиқди-да, шу заҳотиёқ қайтиб кирди:

— Жавобни ўқи!— деди у, Унсурийга қараб.

Унсурий ҳам кинояли кулумсираганича, ёстиқ тагидан қоғозни олиб очди, очди-ю, рангги ўчиб серрайиб қолди.

— Ўқи!

— Жа... жавоб тўғридур, олампаноҳ!

— Яъники?

— Яъники... сиз валинеъмат тайёр эшиклардан чиқмай девордан туйнук очдирар эмишсиз ва шу туйнукдан ташқарига чиқар эмишсиз, давлатпаноҳ!

— Ё раб!— деб юборди даврадагилардан бири.

— Тўн ва шароб!— Султон шундай деб амр қилди-да, юзини тескари буриб:

— Истасанг... Ҳамма балога ақлинг етади, мавлоно!— деди гижиниб.— Истамасанг... Зойича тузиб, саодатли онларни айтиб беришни ҳам хоҳламайсен!

— Олампаноҳ!

— Сенга ижозат, мавлоно!

Дарҳақиқат, ўшанда ҳам Беруний қилмаган ишни шоир Унсурий қилди. Зойича тузиб, ғалаба келтиргувчи саодатли онларни айтиб берди. Сўнг, Бухорога бирга бориб, ҳисобсиз инъомлар, тиллик ва тилсиз бойликлар орттириб қайтди. Беруний эса... анов мадҳиябоз тўқиган чўпчакни ҳақиқат деб, оғзи тўла олтин ошаш ўрнига уни инкор этиб юрипти! Ундан кўра ул «неъмат илоҳий» Ҳиндистон ё Чин-мочин томонларда ўсади деб Унсурий каби улуг мартабаларга эришса бўлмасмиди? Бўлар эди! Чунки... ул «неъмат илоҳий»ни топиб келгунча ё султон ўларди, ё элчининг ўзи!.. Беруний бўлса... Майли, ҳамма инъом, ҳамма бойликлар ўшал мадҳиябозларга буюрсин! У эса... унинг учун биттаю битта тасалли қолди. У ҳам бўлса илм, битган ва битмоқчи бўлган асарларни ниҳоясига етказмоқ. Шундан бошқа орзуси йўқ унинг! Ёзишни ният қилган бу китоблари орасида устод Абдусамад Аввалга бағишланган рисола ҳам бор. Аммо... наҳот унинг бу эзгу орзулари рўёбга чиқмаса? Наҳот тақдири азал унга шунчалар бешафқат бўлса? Наҳот эътиқод ва ҳақиқат деб, бу совуқ қафасда тоабат қолиб кетса?

Тўққизинчи боб

1

Вазир Абул Ҳасанак кийик овига Гардиз қалъаси яқинидаги тоғ оралиғини танлади. Бу ерда, атрофи қорли чўққилар билан ўралган дараларда қоплонлар, чиябўрилар, йўлбарслар макон қурган. Юқорида, тоғу тошлар устида ёввойи эчкилар, мугузлари қулоч-қулоч архарлар гала-гала бўлиб изғиб юрар, тоғ этагидаги қир ва сайҳонликларда эса, ёш канизлардай ҳуркак, гўзал оҳулар учрарди. Энг муҳими,

султоннинг падари бузруквори амир Сабуктегинга омад ва саодат келтирган илоҳий кийик худди шу воҳада, Гардиз қалъаси олдидаги сайҳонликда учраган.

Амирнинг айтишича, ўшанда ҳам худди ҳозиргидай баҳор фасли экан. Қайси бир жангда мағлубиятга учраган амир Сабуктегин — олло унинг руҳини шод этгай! — кўнгли вайрон, юраги ғаш, отда Ғазнага ёлғиз қайтаётган экан.

Амир Гардиз қалъасидан чиқиб, кенг сайҳонликдан ўтаётганида унинг йўлини улоқчасини эргаштириб олган бир она кийик кесиб ўтибди. Амир дарҳол қўлига камонини олиб, отишга чоғланибди, бироқ жажжи улоқчага раҳми келиб, болалик кийикни тириклай ушлашга аҳд қилибди-да, отининг бошини қўйибди. Лекин она кийик тутқич бермабди, тошдан-тошга сакраб, бир зумда кўздан ғойиб бўлибди, митти улоқча эса, қочолмапти, ингичка оёқчалари майишиб, ора йўлда тўхтаб қолибди. Шунда амир отдан тушиб, дир-дир титраган улоқчани эгарга ўнгариб олибди-да, ўз йўлига равона бўлибди. Бироқ сал ўтмай, орқада худди она йиғисидай зорли бир нидо қулоғига чалинибди. Ўгирилиб қараса, бояги она кийик тоғу тошлар орасидан чиқиб, амирнинг орқасидан маъраб келаётган эмиш. Амир уни тутиб олиш азмида яна от солибди. Лекин она кийик яна тошдан-тошга сакраб, қирларга чиқиб кетибди. Бу ҳол бир неча бор такрорланибди. Шунда амир Сабуктегин она кийикка раҳми келиб, кўзига ёш олибди-ю, улоқчани қўйиб юборибди. Она кийик боласини эргаштириб чопқиллаганича тоғларга чиқиб кетибди...

Шу-шу, амирнинг бошида айланиб юрган қора булутлар тўзғиб, унга омад ва саодат ёр бўлибди.

Кеча оқшом султон бу ҳикояни гапириб бераркан, қулт-қулт юти-ниб, кўзига ёш олди.

Улар султоннинг суюкли шабистонида ёлғиз суҳбат қуришар, шифт ва токчалардаги шамларнинг аксарияти ўчирилган, даричаларига шойи пардалар тутилган ғира-шира хонада аллақандай сирли бир руҳ ҳоким эди.

Султон, қоқсуяк оёқларини Абул Ҳасанакка уқалатиб, тўрт қават шойи кўрпачада ёнбошлаб ётарди. Унинг чуқур ботган мунгли кўзлари бурчакдаги қорамтир сояларга тикилган, гўё бу соялар орасида падари бузрукворининг арвоҳи бор, гўё султон отасининг руҳи билан суҳбатлашар эди...

Абул Ҳасанак султоннинг аллақандай сирли ҳикоясига қулоқ солиб ўтираркан, аъзои бадани гўё чумоли ўрмалагандай жимирлаб кетди. Кейин негадир яқинда бош вазирнинг боғида кўрган болали кийик ёдига тушди-ю, бирдан кўнгли равшан тортиб:

— Офтоби олам! — деб хитоб қилди. — Ҳозир айни ов чоғи! Сиз валинеъмат ҳам кўпдан бери кўксингизга шамол тегмай, диққинафас бўлиб ётибсиз...

Султон, мунгли кўзларини бурчакдаги сирли соялардан узиб, содиқ надимига қаради:

— Ҳмм... овга чиқсак... омадимиз келурми?

— Иншоолло, келур! — деди Абул Ҳасанак. — Айни баҳор, бир ўқ билан икки қушни урадурғон мерганлар бор...

— Бас! Қушчиларга фармон бер: суюкли қора лочиним билан тататуркман қорабайримни шайласинлар!

Абул Ҳасанак ўша кечасиёқ вазири аъзамнинг кўшкига одам юбориб, унинг болали кийигини сўраб олдирди. Рост, сўнгги пайтларда Гардиз қалъаси атрофидаги тоғларда имом Исмоил Ғозий деган бир бетавфиқ макон қурган, деган миш-мишлар тарқалганди. Қайдандир пайдо бўлган бу имонсиз имом Исмоил гўё дордан қочган кулли қаланғи-қасанғиларни ёнига йиғиб, султонга қарши ғазовот эълон қилган эмиш!

Аммо, бирламчи, қамчисини қадаб кетса не-не ҳокимлар қирқ йил сажда қиладиган султони салотинга қарши бир тўп жулдурвоқи гадо-

ларнинг бош кўтариб чиқишига инонмоқ қийин, иккиламчи, эҳтиёт чораларини кўриб қўймоқ мумкин. Абул Ҳасанак шундай қилди ҳам. Овга чиқишдан бир кун аввал Гардиз қалъаси теварагига пинҳона икки юз нафар суворий юборди. Султон билан овга чиқадиغانлар сонини эса ўн кишидан оширмади, улар орасида султоннинг энг яқин надимларидан фақат бир одам, шоир Унсурий бор эди, холос.

Улар шаҳардан чиқиб Гардиз қалъаси этагидаги кўм-кўк ясси қирларга етгунча султон соябон аравада борди.

Бу қирлар тик қояларга, қоялар кўз илғамас баланд тоғларга туташиб кетарди. Нилий осмон каби кўм-кўк бу тоғлар тепасида, бургутлар макон қурган юксакликларда, Гардиз қалъаси элас-элас кўзга чалинарди.

Кун илиқ, терак бўйи кўтарилган офтоб пастдаги заминга аллақандай илиқ бир меҳр билан нур сочар, гўё ўзи ҳаёт берган олам гўзаллигидан завқланиб, унга мулойим кулиб боқарди. Олам эса чиндан ҳам гўзал, овлоқ тоғларгача чўзилган қир ва адирлар ям-яшил, гурқираб ўсган ёвшан, шувоқ, кийик ўти ва ёввойи бедалар орасида митти-митти читиргуллар, нафармон ранг нўхатаклар, бинафша ва чучмўмалар ранг-баранг товланар, ўтлар орасида кўзга кўринмас қушчалар сайрар, ҳавони ялпиз, какра, шувоқ ва яна аллақандай гиёҳларнинг сал тахир, хушбўй ҳиди тутган эди.

Султон ипақ пардалар билан ўралган тепаси очиқ аравада чалқанча ётар, ғир-ғир шабада унинг очиқ кўксини, оқ оралаган сийрак соқол-мўйловларини силаб-сийпар, бироқ султон буни сезмас эди. Унинг ғамгин нигоҳи артилган шишадай тиниқ осмон қаърида, кўз илғамас юксакликларда сокин сузиб юрган қора бургутларда эди. Гўё бу майин офтоб, бу тиниқ нилий осмон, қорли тоғлар узра аста сузиб юрган бу бургутлар унинг қалбидаги аллақандай ҳасратли торларни чертиб, хаёлини қаёққадир олиб қочган, султоннинг ҳазин нигоҳида унга ёт бўлган тизгинсиз бир ғам муҳрланган эди.

Султоннинг қаршисида ўтирган Абул Ҳасанак унинг ҳолига юраги зирқираб, Унсурийга қаради: «Бир йўлини топиб, кўнглини кўтар давлатпаноҳнинг!» деган маънода имо қилди.

Шоир Унсурий қизиқ ҳангомалар, кулгили воқеалар, аскиялар, кўнгил очгувчи нозик ривоятлар бобида устаси фаранг, шу боисдан амирал мўъминининг ҳамма сафарларида ҳамроҳ, ҳамма базми жамшидларида ҳозир у нозир. Лекин ҳозир, олампаноҳ унга ёт бўлган ғайритабиий бир маъюсликка чўмиб ётганда...

Шоир Унсурий вазир жанобларининг чертса қон сачрагудек қипқизил, чиройли юзига ҳадиксираб қаради-да, ҳарам канизларининг қўлларидай нозик, оппоқ қўлларини кўксига қўйди:

— Офтоби олам, афв этсинлар! Қаминанинг ёдига ғаройиб бир ривоят тушди...

Султон сўник нигоҳини нилий осмондан узиб, Унсурийга қаради. Унинг чуқур ботган қисик кўзлари яраланган қушнинг кўзларидай унсиз бир алам билан жовдираб турарди.

— Тўхта, шоир... Дейдиларким, назм аҳли худованди каримга яқин эмиш. Шу боисдан назм аҳлини пайғамбар алайҳиссалом сийлаган эмиш...

— Шундай, олампаноҳ!..

— Шундай бўлса... айт-чи, назм боғининг боғбони! Олло таоло бу осмон, бу олам, бу паррандаю даррандани нечун яратмиш? Қим учун, не мақсадда яратмиш бу гўзалликни?

Шоир Унсурий «ялт» этиб Абул Ҳасанакка қаради. Аммо вазирнинг қип-қизил кўҳлик юзида саросимадан бошқа ифода йўқ эди.

— Давлатпаноҳ!— деди Унсурий, ҳаяжондан дудуқланиб.— Олло таоло бу осмон, бу қушлар, бу гўзалликни бани башар учун, яъники, ўз бандаларининг кўзини қувонтириб, дилини шод этмоқ азмида яратгандир!

— Бандасининг кўзини қувонтирмоқ, дилини шод этмоқ, азмида яратган бўлса... нечун унга ўлимни раво кўради?

Султоннинг мумдай сарғиш юзига қизиллик югуриб, мунгли кўзлари аллақандай ички бир исёндан чарақлаб кетди.

— Ҳукми олло шу эрур, бандан ожиз унинг ҳукмига итоат этмоқдан бошқа чорамиз йўқдур, олампаҳо!..

— Ҳукми олло!— деди султон алам билан.— Узинг афв этгайсен, парвардигори олам! Ва лекин... Йўқ, шоир! Мен сендан бошқа бир жавоб кутган эдим, сен эсанг... Қози имом Сайид сўзини сўзладинг!

Унсурий мадад тилаб Абул Ҳасанакка қаради, бироқ вазир ҳамон саросимада эди. Умри айш-ишрат ва кайф-сафо билан ўтган Абул Ҳасанак бундай чигал, сержумбоқ гапларни биринчи эшитиши. Шу яқин кунларгача унга султони салотиннинг ҳамма гаплари, босган ҳар бир қадами, ҳатто ўйлаган ўйларигача — ҳаммаси равшан эди. Аммо бу давосиз дардга чалинибдики, султоннинг гап-сўзлари уни фақат чўчилади, юрагига аллақандай ноаниқ, совуқ ғулу солади, холос!

Боз устига бу ов, ўзи ўйлаб топган бу қалтис ов! Қим билсин, бу овчилар ҳамма ишни Абул Ҳасанак айтган тарзда қойилмақом қилиб бажо келтира оладиларми ёхуд «ов» чоғида кутилмаган бир ишқал чиқиб қоладими? Шайтонга устозлик қилгувчи бош вазирнинг қўлбола оҳуси-чи? Пистирмага қўйилган овчилар оҳуни мўлжаллаган пайтда пистирмадан ҳайдаб чиқара оладиларми ёки ҳайдаб чиқарамиз деб, ўзларини билдириб қўядиларми? Боринги, билдириб қўйишмаган тақдирда ҳам, бу қўлбола оҳу отлиқ султонни кўриб қочадими ёхуд, одамга ўрганган бефаҳм маҳлуқ, қочмай туриб оладими?

Гардиз қалъасига яқинлашган сайин бу ўйлар Абул Ҳасанакнинг миясида ғужғон ўйнаб, кўнгилдаги таҳликага таҳлика қўшмоқда эди...

Мерганлар қуршовидаги соябон арава гоҳ кенг сайҳонликлар, гоҳ кўм-кўк қирлар оша қалин арчазор тоғлар бағрига кириб борди.

Ҳалигина димоққа гуп-гуп урган ялпиз, кийик ўти ва ёввойи йўнғичка атри энди биттаю битта хушбўй ҳид, арча бўйи билан алмашди.

Ана, соябон аравага қўшилган йўрға отлар, аста йўртиб, тепасида бир туп сада ўсган баланд қирга чиқди. Қир ортида яна бир кўз илғамас кенг сайҳонлик кўринди.

Машриқ томони қорли тоғларга бориб туташган бу беҳудуд сайҳонликнинг ҳар жой-ҳар жойида тўп-тўп гужумлар ўсар, овлоқда кумуш тасмалардек ярқираган жилғалар кўзга чалинар, кеча пинҳона жўнатилган суворийлар кўринмас, улар, афтидан, тоғу тошлар орасида писиб ётишарди.

Тўсатдан султоннинг:

— Тўхта!— деган бўғиқ овози эшитилди.— Қорабайирим қани?— султон арава соябонига тирмашиб, ўрнидан даст турди. Туя жунидан тўқилган оқ чакмон ичида унинг қуриган теракдай баланд бўй-басти яна ҳам баландроқ кўринар, бирдан чарақлаб кетган қисик кўзларида, бутун важоҳатида илгариги куч, илгариги иқтидор барқ урар эди!

Елкасига қора лочин қўндириб олган бош қушчи сийнаси қалдирғоч қанотидай ялтиллаган қорабайирни етаклаб келди.

Пешонасига ипак попуқлар тақилган, ўмови тилла тасмалар билан зийнатланган Қорабайир олтин сувлиғини чайнаганича, бетоқат ер депсиниб ўйноқлаб турарди.

Султон узун, сертук қўлларини қуйма тилладан ясаиб, устига ипак гиламча ташланган эгарга қўйди, кўзларини юмиб, узоқ пичирлаб турди, сўнг қўлтиғидан олмоқчи бўлган Абул Ҳасанакнинг қўлини силтаб ташлаб, шахт билан ўзини эгарга олди.

— Илоё омин!— шоир Унсурий кўзига ёш олиб, оппоқ нозик қўлларини дуога очди.— Худованди карим сиздай дини ислом ҳомийсидан ўз июятини дариг тутмағай! Ниятингиз мустажоб бўлиб, овингиз ўнги-дан келгай, бу ишда падари бузрукворингиз руҳи сиз олампаҳога мададкор бўлгай, омин!

— Илоҳи омин!— султон юзига фотиҳа тортиб, тўсатдан тирқираб

оқа бошлаган кўз ёшларини сидириб ташлади-да, қорабайирга қамчи босди. Усиз ҳам бетоқат пишқириб турган қорабайир, осмонга сапчиди-ю, қушдай учиб кетди.

Бир неча навкар султоннинг кетидан чопмоқчи бўлиб, отларини ниқташди, бироқ Абул Ҳасанакнинг «Тўхта!» деган ҳайқириғи билан отларининг жиловини тортишди.

Султон тез узоқлашиб борарди. Эғнида туя жунидан тўқилган оқ чакмон, бошида қора ҳошиялик оқ қалпоқ. Султон, худди қорабайир устига қўниб олган катта оқ қарғага ўхшар, узоқлашган сайин бу ўхшашлик ортиб борарди... Ана, қорабайир йўл ёқасидаги бир тўп гужумдан ўтиб, иккинчи гужумга яқинлаша бошлади. Ана, гужумга етиб ҳам борди. Шу пайт... Ҳ раб! Қорабайирга қўниб олган оқ қарғанинг олдида икки қора нуқта, бири каттароқ, бири кичикроқ икки қора нуқта пайдо бўлди-ю, тез узоқлаша бошлади.

— Оҳу!— деди Абул Ҳасанак, қувончдан энтикиб.— Оллога шукр! Амирал мўъминининг пок нияти мустажоб бўлди! Болалик оҳу!..

Шоир Унсурий тиз чўкиб, қиблага қараб ер ўпди.

— Файзи илоҳийнинг аломати бу! Худога шукр! Султони салотининг нидоси даргоҳи илоҳийга етиб бормиш!

Ана, қушдай учиб бораётган қорабайир олдинда лип-лип этган қора нуқталарнинг бирини қувиб етди. Отга қўниб олган «оқ қарға» пастга эгилиб, уни кўтариб олди, лекин сал ўтмай уни яна қўйиб юборди-да, аста орқага бурилди.

Абул Ҳасанак аравадан ирғиб ерга тушди, шатакда турган арғумоқлардан бирига сакраб минди-да, узоқдаги гужумлар томон от сурди.

«Э, яратган эгам! Наҳот унинг режалари рўёбга чиққан бўлса? У ўйлаганидан ҳам зиёдроқ, бекам-кўст, бехатар тарзда рўёбга чиққан бўлса? Наҳот султони салотин бу ишлардан кейин ҳам Абул Ҳасанакни ул бетавфиқ Али Ғарибдан паст кўрса? Наҳот бундан кейин ҳам вазири аъзамлик лавозимини ул хомсемиз баттолдан унга олиб бермаса?»

Султон, отини аста йўрттириб, яқинлашиб келарди. Унинг кўзларидан тирқираб ёш оқар, бир-бирини қувиб оққан ёш томчилари кенг юзини селдай ювиб, оқ оралаган сийрак соқолига, соқолидан бўйнига томчиларди. Лекин султон буни сезмас, сезса ҳам яширмас эди. Султоннинг кўз ёшлари Абул Ҳасанакнинг дилида жўш урган қувончга қувонч, ҳайратга ҳайрат қўшди, шоир Унсурий эса, билъакс, амирал мўъмининни кўриб ҳўнграб юборди.

— Оллога шукр! Истиқболнинг хайрли фоли бу, офтоби олам! Хайрли фоли!

Султон қўлини кўтариб уни тўхтатди-да, томоғини бўғган йиғини «қулт» этиб ютди.

— Садоқати зоҳир вазирим! Дарҳол Али Ғарибга чопар йўлланг! Иншоолло, шу букунги файзи илоҳий сабаб яқин кунларда «Мозори калон»да ғарибу ғурабо ва егим есирларга ош берилгай! Қирқ ҳўкиз, қирқ туя, қирқ бия, қирқ қўчқор сўйиб, қирқ ботмон гуруч дамлангай!.. Ҳозир эса... ҳозир барча мулозимларга!— султон яқинлашишга журъат этмай, узоқроқда тўхтаган қушчилар ва мерганларга имо қилди.— Барча мулозимларга чопон кийдилинг, қўй сўйиб зиёфат беринг!

«Садоқати зоҳир вазирим! Садоқати зоҳир!»— Абул Ҳасанак, ҳамма билан баробар «илоҳи омин!» деб хитоб қиларкан, тўсатдан томоғи гип бўғилганини сезиб, бошини пастроқ эгди.

2

Пешинда бошланган зиёфат намози асрга яқин тугади. Қўй сўйилиб, ҳаммага чопон, шоир Унсурийга кимхоб тўн, Абул Ҳасанакка эса зарбоф тўн ёпилди.

Султон гужум тагига ўрнатилган тахтиравонда ёнбошлаб ётиб,

бу шодиёнани жимгина кузатар, унинг билинар-билинмас қизиллик югурган ялпоқ юзида аллақандай сирли, илоҳий бир шуъла акс этарди. У гоҳо-гоҳо мизғигандай бўлиб, кўзларини юмар, шунда нигоҳи олдига гужум ортидан югуриб чиққан она-бола оҳулар келарди. Султоннинг кўнглини равшан қилган ички шуъла ҳам ўша дақиқада лоп этиб ёнган эди... Бошда, султон қорабайирини қамчилаб, бостириб борганида, она кийик гўё ундан қўрқмагандай улоқчаси атрофида гир айланиб қолди. Оёқчалари митти-митти, кўзлари катта-катта кулранг улоқча эса, от дупурини эшитгандаёқ пилдираб қочди-ю, онасидан ўзиб кетди. Она кийик аввал унинг кетидан аста чопқиллаб борди, бироқ от дупури кучайгач, шамолдай учиб, узоқлашиб кетди-да, улоқча орқада қолди...

Султон, дилида ажиб бир нур, қоқсуяк вужудида фавқулудда бир куч, ҳамон тасир-тусур от суриб борар, у билан улоқча ўртаси тобора қисқармоқда эди. Ниҳоят, улоқчани қувиб етди-да, лочиндай чанг солиб, кўтариб олди. Шу заҳотиёқ йироқлашиб қолган она кийик шартта тўхтади, бир зум жойида дир-дир титраб турди-да, аста-секин орқага қайта бошлади...

Ё раб! Худди падари бузруквори амир Сабуктегин айтган каромат юз берди! Дарҳақиқат, истиқболнинг хайрли фоли бу! Хайрли фоли!

Султон ҳаяжон ичида аста эгилиб, дир-дир титраган улоқчани ерга қўйиб юборди, қўйиб юбориши билан дилида ажиб бир чироқ «лоп» этиб ёнди-да, вужудида ўзгача бир ҳолат, қандайдир сирли, илоҳий бир ҳолат содир бўлди. Ҳатто ўнг биқинидаги оғриқ ҳам таппа тўхтаб, кўзига қоронғи кўринган олам бирдан ёришиб кетди. Шундан бери ўзини онадан қайта туғилган гўдакдай ҳис этмоқда. Тоғлар билан ўралган бу кенг сайҳонлик боягидан ҳам кенг, боягидан ҳам тиниқ, арчалар ҳиди боягидан ҳам хушбўй, қорли чўққилар боягидан ҳам юксак, одамлар эса бир-бирдан яхши, бир-бирдан меҳрибон кўриниб кетди султоннинг кўзига. Ҳатто пешиндан кейин шивалаб ёга бошлаган ёмғир ҳам унинг кўнглини хира қила олмади, билъақ, бу илиқ, майин ёмғир ҳам, бояги болали оҳу каби истиқболнинг яхши аломати бўлиб туюлди. Ҳа, падари бузруквори Ямин-уд-давла амир Сабуктегиннинг чеҳрасида валилик муҳри бор эди! Шошлик¹ лашкарбошининг ўғли Сабуктегин Сайхун² бўйларида бўлган бир жангда сомонийлар қўшинига асир тушиб, Бухоро бозорида сотилган. Уни сотиб олган қулжаллоб Бухородан Балхга яёв ҳайдаган. Савдогар шундай бераҳм-бешафқат эканки, отасининг оти йўл азобига дош беролмай йиқилиб қолганида, ўлган отининг эгар-жабдуқларини ҳам қулининг елкасига юклаган... Шунда, бу азоб-уқубатлардан ҳолдан кетиб йиқилиб қолган падари бузруквори туш кўрган, тушида Хизр алайҳиссалом аён бўлиб, бу уқубатларга дош беришни, токи, охир-пировардида унга саодат ёр бўлишини айтиб, оқ фотиҳа берган. Ҳизр алайҳиссаломнинг бу фотиҳаси мустажоб бўлиб, Балх бозорида падари бузрукворини амир Алптегин сотиб олган. Алптегин — олло унга ўз даргоҳидан жой ато қилғай! — ёш ғуломи Сабуктегинга меҳри тушиб, уни ўзига маҳрам қилиб олган. Шу-шу, падари бузрукворининг қора кунлари орқада қолиб, тақдир унга кулиб боққан. Ёш надимнинг мардлиги ва салоҳиятига амин бўлган амир Алптегин бу бевафо дунёни етим қолдириб, у боқий дунёни мунаввар қилмоқ кунни келганда, уни, яъни суюкли лашкарбошиси Сабуктегинни ўз тахтига ворис қилиб қолдирган.

Агар амир Сабуктегин ўз хўжаси амир Алптегиннинг берган тузини оқлаган бўлса у, султон Маҳмуд, ўз падари бузрукворининг тузини оқлади. Амир Сабуктегин тузган давлат сарҳадини ўн баробар кенгайтирди, мустаҳкамлади, унга мерос қолган Ғазнаи мунавварани бу-

¹ Шош — Тошкентнинг қадимий номи.

² Сайхун — Сирдарё.

тун рўйи заминда гўзалликда тенгсиз бир шахри муаззамга айлангирди!.. Бас, падари бузрукворининг руҳини шод этгани учун, мана, бошига оғир кунлар тушганида, унинг арвоҳи султонни қўллади, оҳу тимсолида отасига аён бўлган файзи илоҳий унга ҳам аён бўлди. Шояд падари бузрукворининг тушида намоён бўлган Хизр пайгамбар унинг ҳам тушига кирса, унга ҳам оқ фотиҳа берса!..

Султон, гоят ҳушвақт бир кайфиятда кўзи илинган эди, вужуди-га ором бериб, кўнглини мунаввар қилган бу эзгу ўйлар тушида ҳам давом этди. Ҳар қалай, аллақандай тиниқ куйлар, ҳушовоз хонандаларнинг дилрабо кўшиқлари қулоғига қуйилиб, кўнгли яна ҳам равшан тортди. Султон бу куй, бу дилрабо кўшиқларни тобад эшитишга тайёр эди, бироқ тўсатдан уларга аллақандай дағал овозлар қўшилди, ўтирган тахтиравони қаттиқ силкингандай бўлди-ю, афсус билан кўзини очди.

У тахтиравонда эмас, аравада ётар, арава ҳалиги бир туп гужум тагида эмас, баланд бир қир ёнбағридаги қўшалоқ чинор ёнида тўхтаб турарди. Ёмғир тинган, юксак қорли тоғлар устига ёнбошлаган офтоб чинор япроқларидаги биллур томчилар билан ўпишиб ўйнар, олам илиқ нур селига чўмилган эди!..

Султон ҳайрат билан ён-верига қаради. У соябон аравада ёлғиз ётар, ёнида Абул Ҳасанак ҳам, шоир Унсурий ҳам йўқ эди. Чинор тагидан эшитилаётган куй ва кўшиқ аста тинди, фақат танбур овози яна бир-икки марта диринг-диринг қилди-да, у ҳам ўчди.

— Ул зоти олий маликул давлат бўлса, каминаи камтарин Маликул шароб бўламен!

— Маликул шароб эмиш! Йўлдан даф бўл, тентак! Бўлмаса ҳозир навкарларга фармон берамең — оёқ-қўлингни боғлаб, чинор шоҳига осадилар!

— Офарин! Шу ақл-фаросат билан султон Маҳмудга вазир бўлдиларми жаноблари? Маликул шаробни дорга осадурғон бўлса ёлғиз маликул давлат осадил!

«Қутлуғқадам!»

Ногаҳон султоннинг ёдига болалик ва ўсмирлик чоғлари тушди. Суюкли надими Қутлуғқадам билан Афшон сой соҳилида кураш тушиб, мерганлик ва чавандозлик бобида олишиб юрган онлари «лоп» этиб кўз олдига келди-ю, офтоб нуридай илиқ бир нарса юрагини ёқимли силаб ўтди. У беихтиёр бошини ёстикдан узиб, ипак парданинг четини кўтарди.

Арава олдида бошига эски қалпоқ, эгнига эски қора чакмон кийган, соч-соқоли ўсиб, патак бўлиб кетган девонасифат бир кимса Абул Ҳасанак билан шоир Унсурийнинг йўлини тўсиб турарди. Йўлдан нарироқда, бир-бирига чирмашиб ўсган қўш чинор тагида эса, бир гуруҳ машшоқлар ўтиришарди. Уртага ёзилган дастурхонда каттакон хум кўзга чалинарди. Машшоқлар, бирининг қўлида ғижжак, бирининг қўлида сетор, бирининг қўлида най, жулдур тўнли дарвиш билан Абул Ҳасанак ўртасидаги «жангу жадал»ни жимгина кузатишар, бу даҳанаки жанг уларга катта завқ бераётган бўлса керак, ҳаммаси тиржайган, ҳаммасининг оғзи қулоғида.

Бу манзара султоннинг дилида ҳам фавқулудда бир завқ уйғотди. У соябон араванинг ипак пардасини шартта юлиб олди-да, аста ўрнидан турди:

— Ҳой, султони салотинга йўл тўсарлик қилишга журъат этган ким? Қутлуғқадам? Ё тавба! Мен сени аллақачон арши аълода айш қилиб юрибди десам, ҳануз бу бевафо дунёда ивирсиб юрибсенму?

Ҳамма арава томон бурилиб қаради. Маликул шароб беш панжаси билан соқол босган юзини ишқаб, муғомбирона ишшайди.

— Не чора, амирал мўъминин! Боғи эрам ҳам биздай ғарибу ғурабога эмас, сиздай султони салотинларга аталган эмиш! Инчунин, у дунёга шошиб не қиламиз? Ундан кўра фақирлар дунёси бўлмиш бу дунёда ивирсиб юрганимиз маъқул эмасми, амири калон! Букун нав-

рўзи олам! Қани, ғариб дастурхонимизга марҳамат қилғайсиз, султони салотин!

Чинор тагидан: «Наврўзи олам! Наврўзи олам!» деган ширакайф хитоблар эшитилди.

«Наврўзи олам? Ё раб! Бундан чиқди ҳозир унга аён бўлган илоҳий аломат бежиз эмас экан!»— Султоннинг мўмдай сарғиш чехраси бирдан ёришди.

— Маликул шароб! Қани, ўшал донғи оламга кетган шаробингдан бир коса келтир!

Маликул шароб дарҳол чинор тагига юзланиб:

— Ҳей, бобо саторий!— деб чақирди-да, кўзини қисиб, хушнуд кулди:

**Кўлга олиб саторинг жон киргизгайсен,
Майи нобдин бу жомингни тўлғизгайсен!
Шароб каби покдур гадоларнинг дили,
Сунгил султонимга, битсин мушқули!**

Чинор тагидан кимдир сармаст овозда:

— Тасанно, Маликул шароб! Тасанно!— деб хитоб қилди, кетма-кет най, сетор ва ғижжақлар янграб, аллақандай шўх, ўйноқи куй бошланди.

Маликул шароб даврадагилар қўлидан май тўла косани олиб, ҳануз мийғида кулумсираганича аравадан тушган султон томон юрди.

**Гадо мастдир ҳар кун,
Жомдан узмас илқини.
Утар-кетар бу дунё,
Кетсин бадар у дунё!
Фурсат, умр ғанимат.
Эртанг қилгунг азимат!
Беш кун даврон суриб қол,
Букун ўйнаб-кулиб қол!**

Шоир Унсурий тўсатдан оёқ остидаги хўл майсага тиз чўкиб, султоннинг этагини юзига суртди.

— Офтоби олам! Фаришталар омин деган шундай мунаввар кунда бу шаккокнинг сўзига кирманг!

Шоирнинг таваллосига Абул Ҳасанакнинг нидоси қўшилди:

— Ҳақ сўз бу, олампаноҳ!.. Бу тоғларда анов имонсиз имом Исмоил Ғозий макон қурган, олампаноҳ!

— Қайси имом Ғозий! Не деб валдирайсен?— Султон қўлини бир силтади-да, ногаҳон юрагини чулғаган аллақандай ёруғ туйғуга бўйсуниб, коса тўла шаробни бир кўтаришда бўшатди.

— Олло ўзи афв этгай! Олти ой бўлди, кўнглим қоронғи тундай зимистон эди, шу букун бир чироғ ёнди!.. Абул Ҳасанак!— деди у, тўсатдан қийғоч кўзлари ҳайрат билан чарақлаб.— Ҳаммангга ижозат! От-арава билан икки навкар қолса бас! Фақир букун шу дарвиш билан суҳбат қурамен!

— Дарвиш эмас, Маликул шароб!— деди Кутлуғқадам.— Аъло ҳазратлари Маликул давлат бўлсалар, камина Маликул шароб бўламен!

Шоир Унсурий «энди жазосини тортади бу шаккок» дегандек, умид билан султонга қаради. Бироқ султон ғалати кулумсираб тавозе билан бош эгди:

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, валинеъмат! Ижозат этсалар, осий банда сиз ҳазратимнинг бир оний суҳбатларида бўлсам!..

— Марҳамат! Маликул шароб даврасида шоҳу гадо баробар!

Ҳануз тизза букиб турган Унсурий кўзлари мўлтираб Абул Ҳасанакка қаради, бироқ султоннинг одатини яхши билган Абул Ҳасанак лом-мим демай олисроқда турган навкарлар томон йўналди.

Ширакайф машшоқлар сурилиб, султонга жой беришди. Султон, дилида ҳамон ажиб бир шуъла, эски наमतнинг четига аста ёнбошлади.

Ё тавба! Осмон боягидан ҳам тиниқ, ҳаво боягидан ҳам мусаф-

фо, гиёҳлар ҳиди — қоқилар, чучмўмалар, булоқ бўйидаги ялпизлар, ёввойи райҳон ва арчалар, қирлар сатҳини қоплаган ёвшан ва шувоқларнинг аралаш-қуралаш атри боягидан ҳам ўткир, боягидан ҳам хушбўй!

Бири оқ туяга, бири бўталоққа ўхшаш икки оқ булут остида оқ елканларни эслатовчи улкан оққушлар жуфт-жуфт бўлиб сузиб юрар, улардан ҳам юқорироқда, нилий осмон тагида, улкан қора бургутлар кўзга чалинади... Машшоқларнинг кечки офтобдай тиниқ ва ҳазин мусиқаси султоннинг ташна дилига сувдай ёқар, эшитган сайин эшитгиси келарди. Во дариғ! Нечун у шу букунгача бу мислсиз гўзалликдан бебаҳра экан? Ажабо, салкам қирқ йил салтанат тебратиб бундай гўзалликни кўрган эмас, бундай мусиқани эшитган эмас, бундай саодатли дамларни бошидан кечирган эмас!.. Ҳатто унга энг катта завқ берган онлар, Ҳиндистон ва Ҳуросон, Хоразм ва Бухоро тождорларини бир ҳамла билан забун қилиб, олдига тиз чўктирган чоғларида ҳам бундай завқланган эмас у! Ҳа, у ҳиндлар юртидаги муаззам қалъаларни бир зарб билан забт этганида, таслимдан бош тортган шаҳарларга ўт қўйиб, тоғ-тоғ олтин ва жавоҳирларни ўлжага олган дамларида ёхуд Жайхун бўйларига саропарда қурдириб, карнай ва сурнайлар садоси остида юз минглаб суворийларни битта-битта санаб ўтказган онларида мислсиз ифтихор туйғуси уни ўз қанотларига ўтказиб, гўё осмонни фалакка олиб чиқиб кетарди! Уша дамларда унга дунёда энг ёқимли садо — жанговар филлар наъраси-ю, отлар дупури бўлиб туюлар, ғолиб қўшиннинг «ур, ҳа-ур, сур ҳа-сур!» деган суронли қийқириғи билан ноғоралар гумбуридан ёқимли садо йўқ деб ўйлар, оламда энг гўзал нарса эса қилич-қалқонлар-у, музаффар лашкарнинг ғолиб туғлари бўлиб кўринади! Энди билса... у билган гўзалликдан аъло гўзаллик, у ўйлаган бахтдан ўн чандон улуг бахт, ғариб бўлса ҳам қандайдир беғалва, беташвиш бир ҳаёт бор экан. Бундай тиниқ осмон, бири туя, бири жажжи бўталоққа ўхшаш оқ булуғлар, бундай гиёҳлар, киши қараб тўймайдиган юксак нилий тоғлар бор экан!.. Ана, рўпарасида болалик ва ўспиринлик йилларининг шоҳиди бўлган бир дарвиш ўтирибди. Бошида эски телпак, эгнида эски тўн... Бироқ иккиннинг қайси бири бахтлироқ? Бутун рўйи заминни тиз чўктирган султон Маҳмуд Ғазнавийми ёхуд ўзи янглиғ фақирлар даврасида дилхушлик билан умр ўтказган бу дарвишми?

Чашмадай тиниқ, дилрабо куй тобора авжига чиқмоқда, Бобо Сеторий бошлиқ хонандалар бошларини эгиб, гўё ўз куйларидан ўзлари эриб кетаётгандай кўзларини юмиб, тебраниб чалишар, кекса буқри найчининг эса кўм-кўк маъсум кўзларидан тирқираб ёш оқарди.

Ана, ниҳоят, куй ҳам тугади, тугаши билан султон қорни очганини сезиб, қаддини ростлаб ўтирди.

Дастурхонда май тўла катта хум, хумнинг ёнида устига ёввойи пиёз тўғралган бир товоқ сузма, бир даста арпа нон ва бир лаган ялпиз сомсадан бошқа егулик нарса йўқ эди. Лекин ялпиз солинган тандир сомса асалдан ҳам ширин, сузма оғизда эриб кетар, ҳатто арпа нонни ҳам еган сайин егиси келарди киши.

Машшоқлар бир пиёладан май ичишиб, яна асбобларини қўлларига олишди, бироқ уларга қўшилиб бир коса май ичган султон тўсатдан дилида суҳбатга мойиллик сезиб, Маликул шаробга юзланди.

— Агар тақсирим ижозат этсалар, мутрибларга ташаккур айтиб, бир он дам берсак!

Маликул шароб бароқ қошларини силаб, тавозе билан бош эгди.

— Олампахоъ букун бизга азиз меҳмондурлар. Амри меҳмон вожибдур биз учун!

Бу гапдан кейин машшоқлар асбобларини чинорга суяб, ўринларидан туришди.

Султон ҳақиқатан ҳам юрагида жўш урган туйғуларига эрк бериш истагида эди. Букун унинг кўнгли нечундир эзгу тилаклар билан тўлиб тошган, шу топда у фақат яхши гаплар айтиб, эзгу ишлар қил-

гиси келар, ҳатто қилган гуноҳлари учун афв сўрашга ҳам тайёр эди!

Тўсатдан, ўсмирлик пайтларида ҳиндлар базмхонасида бўлган машъум жанжал султоннинг ёдига тушди, тушди-ю, нечундир юраги «шиғ» этди. Ким билсин, эҳтимол, ҳинд малаги сабаб ўша машъум жанжал бўлмаганда, ҳозир рўпарасида хаёлга толиб ўтирган бу дарвиш букун унинг ўнг қўли ёхуд энг салоҳиятли лашкарбошиси бўлармиди?

— Биродарим, Қутлуғқадам!— деди султон, ногаҳон овози самимий қалтираб.— Сабаби ёшлик, камина сенга ўринсиз озор берганим ёдимдан чиқмайди...

Маликул шаробнинг серажин, серсоқол юзида ҳайратга ўхшаш бир ифода зоҳир бўлди. У султоннинг аллақандай васвас дардига мўбало бўлиб, ғалати одатлар чиқарганини эшитган эди. Бироқ... бу сўзи, бу қилиғи! Энг яқин надимларини ҳайдаб юбориб, у билан май ичиб ўтириши! Бу телба-тескари гаплари!..

— Майли, давлатпаноҳ, ўтган ишга саловат! Эски ярани тирнамоқдан фойда йўқ...

— Фойда борми, йўқми, ўшал иш учун узр сўраймен сендан. Бенуқсон парвардигор дейдилар. Афв эт, биродар!

Маликул шаробдан садо чиқмади. Султон чиндан ҳам унинг юрагидаги битмас ярани қайта тирнади. Кўнгли кенг одам, у юрагида кек сақламас эди, бироқ бу яра, ҳануз жизиллаб турган бу эски яра!..

— Ажаб ҳол!— деди Маликул шароб, мийиғида кулумсираб.— Камина бир нарсага сира фаросатим етмайди, амирим!

— Яъники?

— Яъники... олло таоло ўз бандасига шундай ақл-заковат ато қилибди. Бандаси эса... нечун ҳамиша ақлга зид ишлар қилади? Нечун фақат бошига мусибат тушган чоғларидагина яхшилик ва эзуликни ўйлайди? Нечун ўзи чоҳ ёқасига бориб қолгандагина қилган гуноҳларини, бошқаларга ўтказган жабр-ситамланини эслайди? Нечун?

Султоннинг шароб тафти уриб бўғриққан юзидан қони қочиб, ялпоқ бурнининг кенг парраклари асабий пирпиради.

— Мени чоҳ ёқасига борди деб, ким айтди сенга?

— Ҳеч ким! Телба шаробхўр, хаёлимга келган телба гапни айтдим, холос. Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, подшойи олам!

Амирал мўминин чуқур тин олиб, болишга ҳолсизгина ёнбошлади, ёнбошларкан, яна артилган шишадай тиниқ, нилий осмонга кўзи тушиб, кўнгли ёришиб кетди.

— Сен ҳам кечир, Қутлуғқадам. Букун мен фаройиб бир ҳодисанинг шоҳиди бўлдим... Гардиз қалъаси томон овга чиққан эдим... Ногаҳон йўлимни болали бир оҳу кесиб ўтди. Осий банда она-бола оҳуга от солдим. Онаси шамолдай учиб, тутқич бермади. Уни қувиб отиб олсам бўлур эди, раҳмим келди. Боласи эса... қочолмади, уни тутиб олиб ортимга қайтдим. Бир маҳал орқамга бурилиб қарасам...— султон тўсатдан томоғи ғип бўғилиб, дағал кафти билан қўйилиб келган кўз ёшларини артди.— Бурилиб қарасам, она кийик фарёд чекиб, орқамдан эргашиб келур! Кўнглим вайрон бўлиб, улоқчани қўйиб юбордим-у, ўз йўлимга равона бўлдим...

Маликул шароб нима дейишини билмай талмовсираб қолди. Ажабо: не-не шаҳарларни зер-забар қилиб, сон-саноқсиз маҳбусларни дор сиртмоғига осганда қўли қалтирамаган, не-не қалъаларга ўт қўйиб, норасида гўдаклар, беғуноҳ аёллар ва кексаларнинг кулини кўкка со-вурганда раҳм-шафқат нелигини билмаган бу фотиҳи музаффар битта оҳунинг зорли нидосига кўнгли вайрон бўлиб, юм-юм йиғлайди!

Султон мунгли кўзларини юмди, гўё олдида собиқ қули Қутлуғқадам эмас, қўл бериб юкинган пири муршиди ўтиргандай, сирли овозда давом этди:

— Йўқ, бу она-бола оҳунинг каминага дуч келиши бежиз эмас! Парвардигори оламнинг иноятдан аломат бу! Зероким, падари буз-

руқворим ҳам бошига мушкул тушган кунларда шундай бир оҳуга дуч келиб, уни қўйиб юборган экан. Шу сабаб, омад ёр бўлиб, саодат офтоби кулиб боққан экан!

«Эвоҳ! Нечун бу мустабид шоҳ бунчалар адли-инсофга келиб қолди, десам, бўрк остида тақя бор экан-да!»

Маликул шаробнинг хиёл юмшаган кўнгли қайта музлаб, бошини пастроқ эгди.

«Йўқ, агар бу дунёда инсоф ва адолат бўлса сен тўккан дарё-дарё қонлар бир оҳу учун кечирилмас, сен етим қилган гўдакларнинг фарёдлари бир улоқ учун унутилмас, амирал мўъминин!»

— Насиб қилса, эрта-индин «Мозори калон» қабристонидан исчиқарамен. Қирқ хўкиз, қирқ туя, қирқ бия, қирқ қўчқор сўйиб, қирқ ботмон гуруч дамлаб, юртга ош берамен. Барча бева-бечоралар, етим есирлар, гадолар ва йўқсилларга ақча улашиб, валилар руҳини шод қиламен. Бегуноҳ парвардигор, Қутлуғқадам! Агар, осий банда, ёш-ликда бировларнинг кўнглига озор берган бўлсам, эндиликда, иншо-оллоҳ, савоб ишлар ила, олло йўлига хайр-эҳсон ила гуноҳларимни ювмоқ ниятидамен!

Маликул шароб тўсатдан қўллари қалтирай бошлаганини сезиб, ичида ўзидан бир кулиб қўйди:

«Ҳа, нечун илонга рўбарў бўлган бақадай қалтирайсен, Маликул шароб? Қариганда жонинг ширин бўлдим? Қўрқма, биродар! Қирқ йил кўнглингни кемириб ётган аламларни тўкмоқ мавриди келди. Тўк бу аламларни! Ё бошинг кетар, ё устингдаги увада тўнинг!»

Маликул шароб коса тўла шаробни олиб, бир кўтаришда бўшатди-да, ширакайф кўзларини сузиб, султонга қийғир қараш қилди. Унинг илҳоми келиб жазаваси тута бошлаган эди.

— Камина бир нарсадан қўрқаман, амир! Амирим қилган гуноҳларини ювмоқ учун қирқ туя, қирқ бия эмас, қирқ минг туя, қирқ минг бия сўйсалар ҳам етмас, подшойи олам!

— Қирқ минг туя, қирқ минг бия?— султон, лом-мим демай қўлидаги косани тўлдириб май қўйди-да, гўё Маликул шаробга тақлид қилгандай, уни бир сипқаришда бўшатиб, дастурхонга отиб юборди.

— Лозим бўлса, қирқ минг эмас, юз минг туя ва юз минг бия сўямен, Қутлуғқадам!

— Йўқ, офтоби олам! Юз минг бия, юз минг туя сўймоқ тугул, бор давлатлари, Осмон маликаси янглиғ саройлари, Феруза боғи янглиғ бўстонлари, хазиналари тўла ганжлари, ҳарамлари тўла канизлари ва ҳаттоки бутун салтанатларини совурсалар ҳам гуноҳларини ювмоққа етмас, амирим! Илло, сиз кесган бошлар, жабру ситамларидан қон йиғлаган мўминлар манов қўш чинор япроғидан ҳам кўпдир!

Маликул шароб кайф устида бу гапларни айтишга айтди-ю, бирдан ҳушёр тортиб, султонга ўғринча назар ташлади. Амирал мўъминин эса, ажабо, дарғазаб бўлиш ўрнига жимгина бош эгиб ўтирар, гўё собиқ қўлининг сўзлари унинг дилида исён эмас, йўқ, чуқур афсуснадомат уйғотган эди.

— Осий банда,— деди султон, хиёл овози титраб.— Мен сени тенгқурим деб, ёшлик чоғларимнинг шоҳиди бўлган азиз биродарим деб, яхши ниятларимни изҳори ихлос қилсам, сен... тагин дилозорлик қилдинг, тагин густоҳлигингга бориб, дилимни оғритдинг, Қутлуғқадам!

Маликул шароб бир зум айтган сўзларидан пушаймон қилиб, довдираб қолди.

— Офтоби олам! Камина... сиз валинеъмат амиримнинг хазинаи давлати беҳуда исроф бўлмасин, деб қайғурдим, холос.

Султон кўзларидан ўт чақнаб, Қутлуғқадамга тикилди:

— Заҳарханда қилма, бетавфиқ! Жаҳонгирлик қилган бўлсам... дини ислом йўлида қилдим! Бошқа юртлар зер-забар бўлса, ўз юртим обод бўлди! Ҳа, бани одамда инсоф йўқ экан, инсоф! Ҳамма менинг қатлу қирғинларимни сўзлайди. Ва лекин... бу дориссалтанатни дорис-

салтанат қилган ким? Осмон маликаси янглиғ саройлар, Қўшки давлат ва Қўшки маъмур каби қасрлар қурган, Феруза боғи янглиғ жаннатмонанд боғлар яратган ким? Бу кўшк, бу боғу бўстонларни ким учун қурдим мен?

— Ким учун? Фуқаро учун, ғарибу ғурабо учун қурганлар, валинеъмат!— Маликул шароб қўлини бигиз қилиб, тепадаги гужумни кўрсатди.— Анов гужум остида турган олача тўнли гадога бир қарасинлар, амирим!

Султон кутилмаган бир итоаткорлик билан Маликул шароб кўрсатган томонга қаради. У ерда, бир туп райҳондай бежирим гужум тагида, бир нечта машшоқ давра қуриб ўтиришар, давранинг ўртасида олача тўнли кекса бир дарвиш қийшанглаб рақс тушарди.

— Бобо Хурмо Савдойи, дейдилар бу гадони!

— Бобо Хурмо!

— Ҳа, Бобо Хурмо Савдойи! Подшойи оламнинг Феруза боғи ўрнида бу гадонинг кўркам хурмозори бўлғуси эди! Амирим уни тортиб олиб, ўрнига ўшал жаннатмонанд боғларини қурдилар! Маконсиз қолган бу шўрлик эса, мана, йигирма йилдирки, бемакон тентираб юрибди! Амирим эса... бу боғу роғларни ким учун яратдим, деб гердаядилар!

Султон бошини ҳам қилганича яна бир дақиқа жим қолди. Сўнг, гўё кимгадир арз қилгандай:

— Тилинг заҳар сенинг, заҳар!— деб ингради-да, бесаранжом бўлиб:

— Қайдасен, Абул Ҳасанак? Сарбозлар!— деб қичқирди.

Соябон арава ёнида қаққайиб турган икки навқар қиличларини яланғочлаганларича қўш чинор томон интилишди.

Маликул шароб, соқол бошган серажин юзи лов-лов ёниб, султонга қаради-ю, тўсатдан «сан»сираб:

— Чоп, амирал мўъминин! Чоп!— деб хитоб қилди.— Ёдингдами, султон? Ёшликда, ўзинг билган Афшон шол даҳасидаги ҳиндлар базмхонасида айш қилиб юрган чоғларимиз хотирингда борми, амирал мўъминин! Сенинг косангни эмас, менинг косамни қўлига олгани учун ҳасад ўтида қовурилиб, ўн тўрт яшар маъсумага қилич кўтарганинг эсингдами? Эсингда бўлса билиб қўй, султон: ўшал раққоса... Наргизабону ҳамон тирик!

— Наргизабону... ҳинд раққосаси Наргизабону?

— Ҳа, сен қилич кўтарган ўшал заифа ҳануз ҳаёт! Қўллари майиб, бир умр сени қарғаб ўтгусидир, амирал мўъминин!..

Султон ногаҳон «ҳмм» деб, ўнг биқинини чангаллади-да, худди бўрон синдирган кекса толдай икки букилиб қолди.

Маликул шароб буни кўрди-ю, юрагидаги ғазаб худди сув сепилган гулхандай сўниб, дилида пушаймонга ўхшаш бир нарса уйғонди. Ҳай, атганг! Яхши бўлсин, ёмон бўлсин, ҳар қалай, ёшлик йиллари бирга ўтган, энди эса... усиз ҳам оллонинг қаҳрига йўлиққан бир бандан ожизга бу сўзларни айтмоқ даркормиди?

Маликул шароб, тўсатдан юраги қаттиқ ачишиб, ҳануз икки букилиб турган султон томон интилди, бироқ шу пайт қаёқдандир тасиртусур от суриб келган Абул Ҳасанак билан шоир Унсурий, навқарларни уёқ-бу ёққа суриб, султоннинг қўлтиғидан олишди. Султон секин инграб уларнинг қўлларида осилиб қолди.

«Гуноҳкор бандангни ўзинг кечиргайсен, парвардигори олам! Нечун у боя вафодор вазирининг сўзига кирмади? Нечун Маликул шароб аталмиш бу шаккокнинг гапига кириб, унинг куфр шаробини ичди?..»

Навқарлар ёрдамида аравага чиққан султон бирдан ҳолсизланиб бошини ёстиққа қўйди, қўяркан, кўзи яна осмонга тушди. Лекин бояги артилган шишадай тиниқ, нилий осмон ўрнига тубсиз чоҳдай зимистон бўшлиқни кўрди.

Үнинчи боб

Беруний бир неча кун ҳарорат ичида алаҳлаб ётди. У худди узлуксиз ёмон туш кўраётган одамга ўхшар, бу тушдан қутулиш учун бир «силкиниб» уйғониб кетишга уринар, бироқ уйғона олмас, уйғонган пайтларида эса, кўзини очишга мажоли йўқ, хаёл оқимида жимгина сузарди.

Хаёл эса негадир, эҳтимол, ёшлик давридан ўтиб, кексалик манзилига қадам қўйгани учундир, кўпроқ аллақандай беғубор болалик чоғларига талпинади, ўз юрти томон, лойқа Жайхун соҳилида қад кўтарган Қиёт томон парвоз қилади. Кўзини бир зум юмса Қиёт чеккасидаги ҳаммоллар ва ўтинчилар маҳалласи, маҳалладаги пахсадан ясалган ғариб қулбалар нигоҳи олдида кўндаланг бўлади. Кичкина Абу Райҳон эсини танибдики, кундуз кунлари гузар дўкондорларининг хизматини қилади. Уларга қудуқдан сув ташийди, дўконларини супуради, ҳалвофурушларнинг ўчоғига ўт ёқади, сомсапазларнинг сомсаларини сотиб беради, кулолларнинг дастгоҳларини айлантиради, темирчиларнинг дамларини босади. Қўл-оёғи чаққон бу озғин, қорамтир болачани ҳамма яхши кўради, чунки у араблар растасида юриб араб тилини, ҳиндлар растасида ҳинд тилини, ҳатто бидир-бидир сўзларини ҳеч ким уқолмайдиган чин савдогарларининг тилини ҳам тезда билиб олади ва бепул, беғалва тилмочлик қилади. Кечқурунлари, кун ботиб, қош қорайган маҳалда эса, Жайхун соҳилига чиқиб, саҳро томон тикилиб ўтиради. Бир маҳал уфқда чумолидай тизилган одамлар кўринади, кўриниши билан ялангоёқ, яланғбош Абу Райҳон улар томон қушдай учади. У на оёғига қадалган тикон, на чағир тошларни сезади, шамолдай учиб боради-ю, бир қучоқ сазоқ¹ тагида эгилиб, узун асосини дўқиллатиб келаётган қоқсуяк аёл бағрига ўзини отади.

— Моможон! Сазоқингизни менга беринг, мен орқалаймен, моможон!

Аёл юришдан тўхтаб, озғин қорамтир юзидан оққан маржон-маржон терни артади, сўнг, сазоқдай дағал, қоп-қора қўлларини ўғлининг бошига қўяди.

— Моможон, деган тилларингдан момонг айлансин, тойчоғим! Шу бир оғиз сўзинг билан елкамдаги юкимни енгил қилдинг, шунинг ўзи кифоя, тойчоғим!

— Йўқ, йўқ,— дейди Абу Райҳон, момосининг қоқсуяк дағал кафтларини ўпиб.— Энди сиз уйда ўлтирасиз, моможон, мен ўзим ўтинкашлик қиламен! Сазоқ ташиб, сизни боқамен, моможон!

Аёлнинг ҳорғин кўзлари тўсатдан жиққа ёшга тўлади.

— Йўқ, тойчоғим, сен ҳеч қачон ўтинкаш бўлмайсен. Кеча ҳалвофурушнинг дўконида бир аллома мени чақириб айтди: олло ўғлингга тенгсиз заковат ва мислсиз салоҳият ато қилган, деди. Уғлингни менга бер, ўзимга шогирд қилиб оламен, сабоқ ўргатамен, деди. Сен ўқиб аллома бўласен, дўкондорларга мирза бўласен. Шунда момонг ҳам саҳродан сазоқ ташишдан қутулади. Сен ул алломанинг этагидан қаттиқ ушла, тойчоғим!

— Сиз Абу Саҳл Масиҳийни айтасиз! Улуғ аллома ул, моможон!

— Моможон, деган тилингдан момонг айлансин, тойчоғим! Насроний динидан бўлса ҳам яхши одам экан ул Абу Саҳл Масиҳий, этагидан маҳкам ушла унинг, тойчоғим!

Абу Саҳл Масиҳий!

Ажаб ҳол: устод Масиҳийни эслаши билан Берунийнинг миясида гўё заиф шамдай милтираб турган нарса «лип» этиб ўчди-ю, «ярқ» этиб бошқа бир чироқ ёнди.

Авжи баҳор. Жайхун соҳилига тутшиб кетган улкан боғ айни гулга кирган. Боғ ўртасидаги икки қаватли кўшк хиёбонларида камалақ

¹ Сазоқ — саксовул.

рангли товуслар товланади, дарахтлар орасида ёввойи кийиклар кўзга чалинади, четлари нозик чиний кошинлар билан безатилган ҳовузларда булутдай оппоқ оққушлар сузади.

Ёш Абу Райҳон устод Абу Саҳл Масиҳий билан оқ айиқларнинг момиқ терилари тўшалган зиналардан юриб, кўшкнинг иккинчи қаватига чиқади.

Устод, тоқчаларида куппа-кундуз беҳисоб шамлар ёнган узун йўлакнинг охирига бориб, турна қатор эшиклардан бирини очади...

Деворларига буғи мугизлари, олмахон ва сувсар мўйналари осилган, тагига оқ ва қора айиқларнинг юмшоқ терилари ташланган кенг хонанинг ўртасида малларанг соқоли кўксига тушган, кўзлари кўм-кўк бир чол парқу ёстиқларга суяниб ёнбошлаб ётибди. Унинг ёнида кўзлари худди чолнинг кўзларидай мовий, узунчоқ юзи бозордаги хозор жорияларининг юзларидай оппоқ бир соҳибжамол ҳисобчўт қоқиб, дафтарига бир нималарни ёзиб ўтирибди. Меҳмонларни кўрган соҳибжамол дафтар-қаламини кўксига босганича, назокат билан юриб чиқиб кетади. Чол эса меҳмонларни дастурхонга таклиф қилиб, устод Масиҳий билан ўз тилларида узоқ суҳбатлашади, сўнг, Абу Райҳонни олдига чақириб ҳисоб илмидан синов қилади. Синовдан кейин устод кетади, Абу Райҳон эса савдогарнинг уйида қолади. У ҳисоб-китоб ишларидан қутулгач, тун ярмигача ўз ҳужрасида мутолаа билан шуғулланиб ўтиради. Ниҳоят, мутолаадан чарчаб, энди тўшакка чўзилганида кимдир эшигини гурс-гурс уради, кетма-кет аёл кишининг «Абу Райҳон!» деган зорли нидоси эшитилади. Абу Райҳон ўрnidан сакраб туриб, эшикни очади. Остонада... оппоқ қўлларида дир-дир титраган шам, Райҳона деган бояги мовий кўзли соҳибжамол турарди! Соҳибжамол Абу Райҳонни кўриб:

— Отам! Меҳрибон отам!— дейди-ю, ерга тиз чўкиб, юзини кафтлари орасига яширади. Абу Райҳон, мармар зиналардан кийикдай сакраб тепага чиқади. Чол ўша, даричалари Жайҳунга қараган серҳашам хонада қават-қават шойи кўрпачалар устида чалқанча ётар, унинг очиқ қолган кўм-кўк кўзларида ҳаёт сўнган, даҳани осилиб қолган.

...Бошқа оқшом. Дафн маросимидан кейин савдогарнинг серҳашам кўшкни мотам сукутига чўмган. Ўз ҳужрасида яна китоб мутолаа қилиб ўтирган Абу Райҳон қандайдир тарақ-туруқ овозлардан чўчиб бошини кўтаради. Бу товушлар иккинчи қаватдан, Абу Райҳоннинг ҳужраси тепасидаги Райҳонабону хонасидан эшитилади.

Тепада, Райҳонанинг хонаси олдида... савдогар ҳаёт вақтида унинг энг яқин маҳрами бўлган бош мирза билан... юмалоқдан келган, кўм-кўк кўзлари гўдакнинг кўзларидай маъсум бир букри турарди! Эғнига сувсар пўстин, бошига сувсар телпак кийиб, белини олтин камар билан боғлаб олган бу букри — ё раб!— кўп йиллардан кейин Ғазнада пайдо бўлган, ўзининг найи ва атторлик дўкончаси билан донг чиқарган Пири Букрий эди!..

Ёш Абу Райҳон уни танийди. У маҳалда букри Қиёт шаҳрининг энг машҳур савдогарларидан бири ҳисобланарди!..

Букри, қўлида қандайдир қалин дафтар, зулфини узилиб тушган эшикни зўр бериб ўзига тортар, Райҳона эса, дағ-дағ титраб унинг кўкрагидан итаради.

Ешлик экан, қайноқ ўспиринлик чоғлари экан, Абу Райҳон нима бўлаётганини сўраб-суриштириб ҳам турмайди. Райҳонанинг ёш билан ювилган юзини кўради-ю, аввал бош мирзани, кейин нималардир деб бақираётган букрини гирибонидан олиб, мармар зиналар томон отади! Бош мирза оёқ остидаги сип-силлиқ айиқ терисига сирғаниб йиқилади, чорпахилдан келган букри эса мармар зинадан худди тўнкадай гумбурлаб юмалаб кетади...

Беруний кейин суриштириб билса, Райҳонанинг отаси букридан қарздор экан, бироқ букрини бу қарз эмас, ҳатто чолдан қолган беҳисоб давлат ҳам эмас, балки унинг ёлғиз қизи, гўзал Райҳона қизиқтирар экан!..

Уша кеча, Райҳона Абу Райҳоннинг қучоғида йиғлай-йиғлай ухлаб қолади, эрта тонг эса, Райҳонанинг иссиқ бўсаларидан маст бўлиб энди уйқуга кетган Абу Райҳон ваҳимали қийқириқлардан уйғониб кетади.

Йўқ, бу — бош мирза билан айёр букри кўтарган тўпалон эмас, Қиётга ногаҳон бостириб келган Хоразмшоҳ қўшинларининг қийқириғи эди!..

Уша тонг Қиёт ҳокими қалъасида бошланган ёнғин бир зумда бутун шаҳарга таралади, чунки саҳрода кўтарилган довул ёнғин учқунларини осмони фалакка олиб чиқиб, ён-ёққа сочади, улардан кўтарилган олов эса аждаҳо каби даҳадан-даҳага, уйдан-уйга, дўкондан-дўконга сакраб, бутун-бутун расталар, саройлар, қасрларни ямлаб ютади!

Абу Райҳон, қўлида беҳуш Райҳонабону, боққа қочиб чиқади, Жайхун соҳилида туриб, Қиёт бошига тушган мислсиз офатни, гўё бир боғ шувоқдай ловиллаб ёнган дўконлар, туташ расталар, уйлар, қарвонсаройлар, қасрларни ўз кўзи билан кўради, жаҳаннам ичида қолган одамларнинг фарёдини, думлари ва ёллари ёнган отларнинг кишнаши, қўй ва эчкилар, мушук ва итларнинг одам боласи янглиғ зорли йиғисини эшитади, кўзида ёш, юраги қон бўлиб эшитади.

Қизиқ дунё экан бу дунё! Кейин билса... ўша кеча насроний савдогарнинг кўшки билан бирга Райҳонабону ишқида ёнган букрининг кўшклари ҳам баробар куйиб, баробар кул бўлган экан!

Берунийнинг миясида базўр милтираган хира чироғ «лип» этиб ўчади-ю, бошқа бир чироғ ёнади.

Бепоён саҳро. Тун. Ҳамма ёқда гулхан, тўғрироғи, сўнаётган гулханларнинг заиф шуъласи, гўё осмон тўла юлдузлар ўша оқшом ерга ёмғирдай ёғилган-у, ҳудудсиз саҳрога тариқдай сочилиб кетган. Саҳрода, юлдуздай милт-милт этган бу гулханлар атрофида чувринди одамлар. Булар мағлуб Қиётдан музаффар Гурганжга ҳайдаб кетилган ётган беҳисоб маҳбуслар. Улар, Хоразмшоҳ сарбозлари қуршовида кундуз йўл юриб, кечалари саҳрода тунашади, гулхан ёқиб исинишади, сув қайнатишиб, сарбозлар улашган зогора нонларни тановул қилишади. Райҳона тушгача бир амаллаб ўзи юради, тушдан кейин чақиртикан ва тошлар тилка-тилка қилган оёқларини босолмай, йиқилиб қолади, шунда Абу Райҳон уни опичлаб олади...

...Кўкда ҳам, ерда ҳам беҳисоб юлдузлар милтирайди. Ғир-ғир эсан совуқ шабадада сўнаётган гулханнинг заиф чўғлари ногиронгина жимирлайди. Абу Райҳон, устидаги увада чакмонини ечиб, беҳол дилдираб ётган Райҳонанинг устига ташлайди. Шу пайт қоронғида бўғиқ хириллоқ йўтал эшитилади.

— Олло йўлига бир тишлам нон!..

Зимистон қоронғиликда... эгнига жулдур чопон, бошига эски кулоҳ кийган паканагина бир кимса пайдо бўлади. Кимсанинг соқол-мўйлови, қош-киприклари куйиб, юзи совуқ бир ниқобга ўхшаб қолган.

Гулхан ёнида исиниб ўтирган Райҳона гадони кўриб, ўзини Абу Райҳоннинг қучоғига отади!.. Ё тавба! Соч-соқоли куйиб, қош-киприклари тўкилиб, арвоҳга ўхшаб қолган бу кимса... ўша, Қиёт шаҳрининг энг бадавлат кишиси бўлган букри савдогар эди!

Ҳа, тақдирнинг ўйини қизиқ экан!..

Кўп ўтмай, Абу Райҳоннинг кўз очиб кўрган севгилисидан Райҳонабону оламдан ўтади. Абу Райҳон Қиёт қирғинидан сўнг Гурганжга тарк этиб, Журжонга, Журжондан Райга, Райдан Ҳамадонга ўтиб, мусофир юртларда дарбадар кезиб юрганида оламдан ўтади. Илонинг ёғини ялаган бу букри эса ҳануз тирик, ҳануз оёқ остида ивирсиб юрибди! Ивирсиб эмиш! Дафъатан кўрган киши раҳм қиладиган бу айёр тунов кун кимсан Ҳорун ар-Рашид ғазнасида йўқолган машҳур жавоҳирни кўз-кўз қилиб, ундан Садафбидини сўради. Ким билсин, Абу Райҳон бу совуқ гўрда тириклай кўмилиб ётганида, у баттол бук-

ри ертўласига яширинган ҳисобсиз дунёсини сочиб, Садафбибини олиб кетгандир ҳам!..

Субҳон олло! Бу не? Тушими, ўнгими? Ана, эшик товушсизгина очилиб, Садафбиви кириб келди. Маъюс қуралай кўзларида аллақандай ҳадик, кулча юзи ҳаяжондан оқарган. У ҳарир ипак дурраси билан юзининг бир томонини хиёл яширганича Берунийнинг ёнига ўтирди.

Йўқ, ҳозир эмас, ўша кун, машваратда бир кун аввал, Хатлибегим келиб кетган кун бўлиб ўтди бу воқеа, лекин гўё ҳозир бўлаётгандай кўз олдида турибди. Ўз сўзлари ҳам, Садафбибининг жавоблари ҳам — ҳаммаси, ҳаммаси қулоқлари остида қайта янграётгандай бўляпти унга.

— Бибим. Сен қизим бўлсанг, Сабҳу менинг ўғлим...

— Устод! Мени... мен шўрликни қувманг! Дийдорингизни кўрмоқ бахтидан жудо қилманг мени, жудо қилманг!

Мана, ўшандан бери неча кун ўтди! Бироқ Беруний ҳамон кафтида қизнинг иссиқ лабларини ҳис этади, ҳамон унинг ҳазин, дардли овозини эшитади. Ё тавба! Унга не бўлди? Бу не ўй, не орзу? Билагидан кучи, белидан қуввати кетиб, бу совуқ гўрга тириклайин тиқилганда ўйлайдиган ўйми бу?

Беруний юраги ёниб кетаётгандай бўлиб, қора қумғондан бир қултум сув ичди... Йўқ, ҳозир аламли ўйлар пайти эмас, бундай ўйлар билан усиз ҳам ўртаниб турган юракни баттар ўртайдиган пайт эмас!

Беруний, бутун иродасини тўплаб, хаёлини бошқа томонга буришга уринди. Ҳақиқатан, сал ўтмай, миясидаги кўнгилни ғаш қилгувчи хира чироқ ўчиб, шуъласи тиниқроқ бошқа бир чироқ ёнди.

...Яна беноён саҳро. Яна серюлдуз, зимистон кеча. Яна гулхан ловиллаб ёнади. Бироқ гулхан ёнида Райҳона эмас, Ибн Сино. Иккиси ҳам чуқур сукутда.

Қиёт қирғинидан кейин кўп йиллар ўтган, кўп сувлар оқиб кетган. Журжон ва Райда, Қобус ибн Вушмагир каби манман, калондимоғ ҳокимлар саройида кечган мусофирлик йиллари орқада қолган, у ўз элига қайтган. Лекин ўз элига қайтгач топган иззат-икромлари, Гурганж ҳокими Маъмун ибн Маъмун саройидаги «Мажлиси уламо»да кечган масъуд дамлар, ширин суҳбатлар, қизгин мунозара ва мушоиралар ҳам — ҳаммаси ўз интиҳосига етган. Чунки Ғазна ҳокими султон Маҳмуддан фармони олий келган. Маъмун ибн Маъмун саройидаги барча алломалар Ғазнага, султон саройига жўнатилмоғи лозим. Султон истаган алломалар орасида Абу Али ибн Сино билан устод Масиҳий ҳам бор. Лекин улар султон тилагини рад этиб, Журжон томон бош олиб кетишга аҳд қилишган.

Зим-зиё кеча. Осмон аллақандай мусаффо, оппоқ юлдузларга тўла... Жайҳун соҳилидан эсган ғир-ғир шабада ўртадаги гулханни гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга елпиб ўйнайди.

Беруний бир Журжон томонларда ўтган мусофирлик йилларини эслаб, хомушланади, бир бўлғуси жудоликни ўйлаб, уф тортади. Абу Али эса, қандайдир яхши умидлар қанотида парвоз қилади, у Берунийни ҳам бирга кетишга ундайди. Бошга тушганни бирга кўрайлик, деб илтижо қилади.

— Бирга бўлишни мен ҳам истаймен!— дейди Беруний хўрсиниб.— Дил-дилимдан истаймен. Аммо тағин Журжонга бормоқ, тағин Қобус ибн Вушмагир янглиғ ҳокимлар хизматида бўлмоқ!.. Йўқ, камина уларни кўриб тўйганмен, азизим.

— Султон Маҳмуд-чи?— дейди Абу Али.— Қобус ибн Вушмагирдан неси афзал унинг? Ё Ҳиндистону Хуросонда қилган қирғинлари ёдингиздан чиқдими, устод?

— Йўқ, азизим, ёдимдан чиққани йўқ. Камина Ғазна ҳокимини Журжон ҳокимидан афзал кўрмаймен. Оқ қарға, қора қарға — бари бир қарға. Ва лекин...

— Йўқ, устод!— дейди Абу Али, қизишиб.— Ҳамма ҳоким бир хил эмас, сомонийларни эсланг!

— Во ажабо! Сомонийлар Бухоро ва Хуросонни қонга беламаганми? Аҳли мардумнинг бошига кулфат солмаганми?

— Солган! Аммо биласиз, бу фоний дунёда ҳамма нарса нисбийдур. Сомонийлар...

— Ёшлик қиласен, Абу Али!

— Хўп, мен ёшлик қилай, устод. Аммо... наҳот бутун оламни қирғинбарот қилган бу мустабид султон тўғрисидаги машъум ривоятларни эшитмагасиз, устод?

— Қайси ривоят?

— Ажаб ривоят!— дейди Абу Али, сўнабошлаган гулханга саксовул ташлаб.— Шундайким, бир бойўғли ошносининг қизини ўз фарзандига сўраб борибди. Ошноси вайрона бир шаҳарни макон қилган экан, совчиликка келган биродарига маконини кўрсатиб кўп мақтанибди. Биродари ҳам ўз вайронасини таърифу тавсиф қилиб ошносидан ошириб мақтабди. Қизингни ўғлимга берсанг ана шундай вайронага тушади, деб керилибди.

— Хўп,— бир эмас, юз қизим бўлса ҳам сенинг зурриётингдан садага,— дебди ошноси.— Аммо бир шартим бор, биродар.

— Хўп, сўзла шартингни!— дебди совчи бўлиб борган бойқуш.

— Шартим шуки, қизимнинг қалини ҳисобига юзта вайрона шаҳар инъом этаёсен менга.

Шунда биринчи бойқуш қаҳ-қаҳ отиб кулибди.

— Ғам ема, ошна! Бахтимизга султон Маҳмуд омон бўлса юзта эмас, мингта вайрона шаҳар десанг ҳам топиб берамен!— Наҳот бу ривоятни эшитмагасиз, устод?

— Эшитганмен. Сал бошқачароқ бир турини эшитганмен. Аммо Ғазнага бормасликнинг иложи йўқ, азизим. Султон Ғазнавийнинг вазири Хўжа Аҳмад Маймандий жаноблари лашкар тортиб, йўлимизни пойлаб турибди, Абу Али!

— Қочамиз. Пинҳона қочамиз, устод... Камина кичик бир карвон билан аҳдлашиб қўйганмен. Мавлоно Масихий ҳам кетмоққа бел боғлагандур, устод.

— Сизларга оқ йўл, азизим!— дейди Беруний.— Йўлларингиз бехатар бўлсин. Мен эсам... йўқ, бир борган жойимга иккинчи маротаба боришга на кўнглим чопади, Абу Али, на тоқатим етади! Чархи фалак ҳали неча бор айланиб келур. Насиб этса тағин дийдор кўришгаймиз. Кўришмасак... рози бўл, азизим. Орамиздан яхши-ёмон сўз ўтган бўлса кечиргайсен, иним!

— Сиз ҳам кечиргайсиз, устод!— дейди Абу Али. Қоронғида унинг «қулт» этиб ютингани эшитилади.— Гуноҳкор банда, густохлик қилиб кўнглингни оғритган бўлсам... кечиргайсиз, устод!

Йиллар ўтади. Ғазнага келган Беруний шаҳар чеккасида расадхона қуради. Султоннинг фармони билан қурилишга Исфаҳон ва Хамадондан бир гуруҳ меъморлар таклиф қилинади. Улар Берунийга Ибн Синодан илк мактуб келтиришади, мактуб билан бирга совуқ бир хабар келади: Абу Али билан Гурганждан чиқиб, Журжон томон пинҳона йўл олган устод Абу Саҳл Масихий йўл азобига дош беролмай, сахро қўйнида жон таслим қилган эмиш!..

Мана, бу машъум хабар келганига ўн беш йилдан ошибди. Бироқ Берунийни ҳануз аламли бир ўй эзади: нечун ўшанда Абу Алининг насихатини олмадим, насихатини олганимда, эҳтимол, чўл бағрида кекса устодга мадад берармидим, деган бетаскин бир ўй кўнглини хуфтон, дилини вайрон қилади!

Ибн Сино эса... мана, салкам йигирма йилдирки, Беруний уни бир кўрсам, деб орзу қилади. Айниқса, Ҳиндистондан қайтиб, унинг «ал-Қонун»ини ўқигандан бери бу орзу унга тинчлик бермайди, гоҳо уни тушларида кўриб чиқади...

Ким билсин, тунов куни Хатлибегим айтганидек, Ибн Синога махсус элчилар юборилган бўлса, эҳтимол келиб ҳам қолар... Йўқ, бўйи баробар олтин ваъда қилганда ҳам султонга хизмат қилишга кўнма-

ган Ибн Сино энди ҳам кўнмас. Борди-ю, кўнганда ҳам у етиб келгунча унинг ўзи тирик бўладими ё бу гўр азобига дош беролмай жон таслим қиладими? Уни кўрмай, унинг ўз қўлидан «ал-Қонун»ни олиб, «Ҳиндистон»ини унга инъом этиш бахтига муяссар бўлмай оламдан ўтадимми?

Ё тавба! Бу ғам, туздай таҳир бу кўз ёши қайдан келди? Бошинга бундан юз баробар катта мусибатлар тушганда ҳам бу қадар эзилмаган эдинг, бу қадар букилмаган эдинг! Сенга не бўлди, Абу Рай-хон?

Беруний миясидаги хира шамни ўчириб, тиникроқ шамларни ёқишга узоқ уринди, бирсқ қайси шам ёнмасин, охир-пировардида бора-бора хиралашиб қолар, кўнглидаги ёруғ эсдаликлар оғир, нотинч ўйлар билан алмашарди.

Ўн биринчи боб

Султоннинг тантиқ вазири Абул Ҳасанак амйрал мўъминининг шабистонидан¹ ширакайф одамдай гандираклаб чиқди-да, саломхонадаги курсига ўзини ташлади. Кимдир йўталгандай бўлди. Саломхонага... қози имом Сайид кириб келди.

Қўлида оғир қаҳрабо тасбеҳ, эгнида бўй-бастига ярашган сафроранг жубба, бошида сафроранг салла, икки юзи анордай қип-қизил қози имом Сайид, курсида бемажол ўтирган Абул Ҳасанакка қараб билинар-билинемас бош ирғади-да, боқма ғоздай кеккайиб, ичкарига кириб кетди.

Абул Ҳасанак базўр ўрнидан турди, базўр юриб саломхонадан чиқди. Шу топда у ҳеч кимга дуч келишни истамас, унинг кўнгли фақат бир нарсани тилар — тезда ўз кўшига етиб борса-ю, уст-устига бир-икки пиёла май ичиб, хобхонада бўлиб ўтган совуқ гапларни хаёлидан чиқарса! Лекин қасдига олиб, саройдан чиқиши билан дунёда энг ёмон кўрган одами — вазири аъзам Али Ғарибга дуч келди.

Али Ғариб сарой олдидаги хиёбонда ўз ғуломлари қуршовида турар, улардан нарироқда яна тўрт нафар суворий кўзга чалинар, булар — Абул Ҳасанакнинг шахсий ғуломлари эди.

Абул Ҳасанак дарвозадан чиқиши билан Али Ғариб, ёши улуг ва мартабаси баланд бўлса ҳам, пилдираганича унинг истиқболига юрди.

— Иним, Абул Ҳасанак! Маслаҳатли иш бузилмас, деган гап бор. Сиз билан маслаҳатлашадурғон бир юмуш чиқиб қолдиким, илтимос: ғариб кулбамизга илтифот этсангиз!

— Не маслаҳат? — Абул Ҳасанакнинг овози шубҳа аралаш совуқ таҳдид билан янгради. У бош вазирдан ҳаммиша ҳадиксирар, бу қари тулки уни синаш мақсадида чақираётганини сезар ва бундан қўрқар эди. Али Ғариб буни пайқаб чуқур хўрсинди.

— Олло шоҳид, иним, амйрал мўъминининг бошидаги мусибат сиз билан менинг бошимизга тушган мусибатдур. Илло, бу мусибатдан олампаноҳнинг душманлари шод бўлса, дўстлари қон йиғлайдур. Бас, бу сўз ҳақиқат экан, сиз билан биз бир-биримизга суяниб иш тутмоғимиз даркор. Отга мининг, иним!

Қош қорайиб қолган, шаҳар ҳарир нимқора парда билан ўралганга ўхшар, ҳар жой-ҳар жойдаги тош фонуслар хира юлдуздай элас-элас кўзга чалинарди. Шаҳар кўчалари кимсасиз, дўконлар ёпилган, фақат сой бўйидаги баъзи карвонсаройлардагина тунги сирли ҳаёт нишонлари сезилар, қўрғонларда гулхан ёнар, ўчоқлар атрофида одамлар куймаланар эди.

Бош вазирнинг баланд қўрғон билан ўралган кўшки сойнинг чап

¹ Шабистон — ётоқхона.

соҳилида, Феруза боғидан бир чақиримча қуйида, зодагонлар даҳасининг бошида эди.

Кўшк дарвозасида гулхан ёқиб ўтирган ясовуллар баробар қилич яланғочлаб, йўл тўсишиди, бироқ олдинда от чоптириб келган сардорнинг, «Вазири аъзам жаноблари!» деган хитоби билан дарҳол қиличларини шарақ-шуруқ қинларга уриб, отларнинг жиловидан олиштиди.

Нафис ҳаворанг мрамар билан зийнатланган икки қаватли муазам кўшк дарвозадан анча йироқда, улкан боғнинг ўртасида эди. Ҳозир кўшкнинг фақат бир нечтагина даричалари ёруғ, қолганлари ўйиб олинган кўздай қорайиб турар, ҳаммаёқ сув қуйгандай жимжит, фақат боғда, дарахтлар орасида қандайдир соялар ғимирлаб юрарди.

Али Ғариб, худди бош вазир эмас, Абул Ҳасанакнинг итоткор ғуломидай олдинда пилдираб: «Марҳамат, азизим, марҳамат», деганича, хиёбон бўйлаб кўшкка йўл бошлади. У кўшк бўсағасида қўл қовуштириб турган сертавозе ғуломлар ёнидан ўтиб, иккинчи ошёнага кўтарилди-да, ўнг қўлдаги икки тавақали ўймакор эшикни очди. Бу — Абул Ҳасанак кутганидек, шоҳона жиҳозланган хона эмас, аксинча, фақирона безатилган, чоғроқ хона эди. Хонанинг эшик ва даричаларига одмигина кўк дарпардалар тutilган, ердаги полослар устига қизил бўз кўрпачалар тўшалиб, қизил болишлар ташланган.

Хонанинг ўртасида ноз-неъматларга тўла саккиз қиррали катта хонтахта турарди. Оддийгина сопол тақсимчаларда писта ва бодом, асал ва шинилар, мурабболар, улкан лаганларда тоғдай уйилган бедана қовурдоқлар...

Абул Ҳасанак тўрдаги қизил бўз кўрпачага ўтиб ўтираркан, вазир аъзамнинг хонасини яна бир кўздан кечирди, кечираркан, негадир бундан уч-тўрт йил муқаддам собиқ бош вазир Хўжа Аҳмад Маймандийга¹ тақилган айблар ёдига тушди. Собиқ бош вазирга тақилган энг катта айб — ўз мансабидан фойдаланиб, ҳисобсиз бойлик орттирганликда эди. Рост, унинг, кимсан Хўжа Аҳмад Маймандийнинг тиллик² ва тилсиз бойликлари ҳеч кимга сир эмас эди, чунки собиқ бош вазир ақл ва макрда ягона бўлса ҳам, бойлигини ҳеч кимдан сир тутмас, аксинча, Осмон маликаси каби кўркам саройини, саройдаги ҳарамни, ҳарамдаги онаси ўпмаган канизларини, йиққан зеб-зийнатларини кўз-кўз қилишни яхши кўрар, тўй-ҳашамларда эса, топган дунёсини шамолдай совурар эди. Аммо бу сахийлик, бу ошкора намойишларнинг оқибати нима бўлди? Содиқ бош вазирнинг ғанимлари, жумладан Абул Ҳасанакнинг ўзи ҳам Хўжа Аҳмад Маймандийни йиқитишда унинг кўркам қасрлари, ҳарамлари ва ҳарамларидаги ҳуснда тенгсиз жорияларини рўкач қилмадилми?.. Рўкач қилди! Абул Ҳасанак ҳам, собиқ бош вазирнинг тагига сув қуйган бу маккор Али Ғариб ҳам Хўжа Аҳмад Маймандийга «салтанат хазинасига чанг солди», деган айб тақиб, уни ўз ёни, ўз ўқи билан отиб қулатишди. Аммо... илоннинг ёғини ялаган бу тулки хўжа Маймандий тақдиридан ўзи учун катта хулоса чиқарибди, у эса, ҳовлиқма Абул Ҳасанак эса... бу ишдан ҳеч бир сабоқ олмабди!

Абул Ҳасанак билар, бир қарашда чумолидай беозор кўринган бу юм-юмалоқ хомсемиз одам ҳамма шаҳар, ҳамма музофот ҳокимларини қўлга олган, айниқса бой тижорат аҳли ундан зир титрар, бирорта хорижий савдогар катта инъомларсиз салтанат сарҳадини ҳатлаб ўтолмас эди. Ажабо! Унда ўз бўй-бастига зид пинҳоний бир куч, сеҳрли бир иқтидор бор эдиким, бу куч ва макрнинг ҳаммасини у фақат бир мақсадга, бойлик орттириш мақсадига қаратган эди. Абул Ҳасанак буни билар, ҳар қалай, бу баттолнинг бойлиги Хўжа Аҳмад Маймандийнинг бойлигидан юз баробар ошиб кетганини сезар ва бугун бўлмаса эртага уни фош қилиб, бошига собиқ бош вазирнинг кунини соламан, деб юрарди. Аммо, эвоҳ, бу қари тулки у ўйлагандан ўн чан-

¹ Султон Маҳмуднинг машҳур бош вазир.

² Тиллик бойлик — қуллар маъносид.

дон муғомбир экан, пинҳона ишларининг изини ҳам қолдирмай, ҳам-маёқни шип-шийдам қилиб қўйибди. У бўлса...

Абул Ҳасанакни ёлғиз қолдириб, қаёққадир гумдон бўлган Али Ғариб, лаҳза ўтмай, бўйни ингичка, қорни катта чиройли биллур идиш кўтариб кирди. Идиш олтиндай товланган шафақранг май билан тўлдирилган эди. Бош вазир мийиғида кулумсираб, биллур идишни тоқчадаги шамга тутиб томоша қиларкан:

— Қирқ йил ертўлада ётган бир хум майим бор эди,— деди тамшаниб.— Сиз азизим шарафига шу хумни очтирдим, иним...

— Во ажабо! Агар янглишмасам жаноблари шароб ичмоқни гуноҳи азим, деб билур эдилар!

— Олло ўзи кечиргай! Букун офтоби оламнинг аҳволи руҳиясини кўриб жигар-бағрим эзилиб кетдики, кўнгил чигилларини жиндай ёзмоқ гуноҳ бўлмас, азизим. Қани, банияти шифо! Султони салотинга шифо бергай. Илоҳи омин!

«Чамаси бу тили шакар, ичи заҳар қари тулкининг ёмон бир муддаоси бор. Эҳтиёт бўлмоқ даркор!»

Абул Ҳасанак олтиндай товланган шафақранг майдан бир ҳўплаб, пиёлани қайтариб бермоқчи эди, бироқ мусаллас шундай хушбўй, шундай хуштаъм эдики, томоғидан «қулт» этиб ўтиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бай, бай, бай! Филҳақиқат, қирқ йил сақлабсиз!

Абул Ҳасанак бу паканагина, лўппи юз одамни жиндан ёмон кўрса ҳам, ундан доим ҳадиксираб юради. Рост, собиқ бош вазирни ағдаришда улар бир ёқадан бош чиқаришган, лекин Абул Ҳасанак бу ширин забон тулки билан Хўжа Аҳмад Маймандийга қарши зимдан тил бириктирганида, уни вазири аъзам бўлади деган ўй етти ухлаб тушига ҳам кирмаган, акс ҳолда тил бириктирмас эди.

Тўғри, амирал мўъминин уни, Абул Ҳасанакни ўз фарзандидан ҳам яхши кўради, энг яқин надимим деб билади. Илгари, бу мудҳиш васвас дардига гирифтор бўлишидан аввал, усиз бирор ўлтириш қилмас, Абул Ҳасанак султоннинг ҳамма анжуманларида бош-қош бўлар, базми жамшидларида соқийлик қилар, яхши сўзлари, мадҳиялари, лутфлари билан амирал мўъмининни ҳам, бошқа аъёну боёнларни ҳам хушнуд этиб келарди. Шу боисдан ҳамма уни султоннинг энг яқин муқарриби деб биларди. Энди ўйлаб қараса, султоннинг бу илтифоти-га суяниб, кўп ҳовлиқибди, кўп душманларнинг додини берибди-ю, аммо лекин оёқ остидан бу фалокат чиқиб қолишини хаёлига ҳам келтирмабди. Унинг назарида, суянган тоғи амирал мўъминин тахтада ўттиз-қирқ йил эмас, тоабат турмоғи лозим эди. Ҳайҳот, фақат ожиз бандалар эмас, султони салотиндай «метин тоғ» ҳам абадул абад турмас экан бу дунёда...

Хумда қирқ йил асир ётган «шайтон» ўз ишини қила бошлади: Абул Ҳасанакнинг ичини ёндириб, томирларидаги қонини жўштириб юборди. Бош вазир ҳам митти кўзлари артилган сирғадай ялтиллаб, лўппи юзлари нақш олмадай тарам-тарам қизарди, бироқ иккала вазир ҳам гап бошлашга журъат этолмас, хаёлларида туғён урган фикрларни жиловлашга уриниб, ҳадеб ноз-неъматларга зўр беришар, «олинг, олинг»лашиб, иззат-икромда бир-бирлари билан мусобақалашар эди.

Ниҳоят, Али Ғариб, лўппи юзини силаб, чўзилиб кетган сукутни бузишга журъат этди.

— Шак йўқ, олампаноҳнинг тилагини ҳеч бир кимса тарки вожиб қилолмайду. Амри подшо вожибду. Давлатпаноҳ катта ўғли амир Масъудни эмас, кенжа зурриёти шаҳзода Муҳаммадни валиаҳд деб фатво берган экан...— Али Ғариб тилининг учига келган сўзини ичига ютиб, рўпарасида ёнбошлаб ётган Абул Ҳасанакка кўз қирини ташлади, ташлади-ю, дарҳол нигоҳини узди. Абул Ҳасанакнинг мастона сузилган кўзларида қандайдир ёмон бир ҳадик жилва қиларди.

— Сўзланг, сўзлайберинг, тақсирим...

— Йўқ, менинг ортиқча сўзим йўқ,— деди Али Ғариб, дарҳол ҳуш-ёр тортиб.— Шаҳзода Муҳаммад диёнатли, мўмин-қобил йигит. Ва лекин фақир амир Масъуддан қўрқамен. Давлатпаноҳ уни тожу тахтдан мосуво қилиб, шаҳзода Муҳаммадни валиаҳдим деб фатво берганда... сиз билан мен каломуллони қўлга олиб, қасам ичдик. Шак йўқ, қасамёд қилганимиз амир Масъуднинг қулоғига бориб етгандур!

Абул Ҳасанак тўсатдан шиддат билан қаддини ростлаб:

— Муддао?— деб сўради.— Бу сўздан мақсад не? Очиқ айтинг, жаноб бош вазир!

— Йў-йў-йўқ! Ҳеч бир ёмон ниятим йўқ!— Али Ғариб, шоша-пиша пиёлаларга май қўйди, қуяркан, нимжонгина момик қўллари титраб кетди-ю, тилларанг шаробдан бир неча томчиси оппоқ дастурхонга томиб, пушти ранг нуқталар қўйди.

— Сиз ёшсиз, азизим, камина эса, балоларни кўравериб, кўса бўлганмен, иним.

«Балли, ана энди ҳақ гапни гапирдинг!»

— Фақир сизни бу ғариб кулбамга таклиф қилиб, кўнглимни очган бўлсам, бошимизга қилич келганини сезиб қилдим бу ишни! Токи, бу қилич иккимизнинг бошимизда баробар турибди!— Али Ғариб, тўсатдан кўзига ёш олди.— Такрор айтамен, иним, амри подшо вожибдур. Ва лекин... амир Масъуд!.. Тожу тахт деганда ҳеч нарсадан қайтмайди у нобакор!

— Хўп!— Абул Ҳасанак май тўла пиёлани ҳонтахтага «тақ» эткизиб қўйди-да, қафтининг орқаси билан қоп-қора бежирим мўйловини силади. Унинг шаробдан бўғриққан чиройли юзида, ҳарам гўзалларининг кўзларидай катта-катта серкиприк кўзларида қандайдир кишини ўзига ром этгувчи шиддат ва қатъият зуҳр этди.— Бошимизга не мусибат келмасин... камина ул офтоби оламнинг изни-ихтиёридин чиқмасмен!

— Боракалло!— деди Али Ғариб, момик қўлларини кўксига қўйиб.— Аммо... амир Масъуд!

— Ота рози — худо рози! Падари бузруквори норози бўлгон зурриётдан худо ҳам норози!— деди Абул Ҳасанак аллақандай жўшиб.— Бас! Амир Масъуддан қўрқмоқ эмас, қилич чархламоқ даркор, жаноби бош вазир, қилич!..

— Сўзингиз тўғри, азизим. Аммо-лекин, ўзингиздан қолар гап йўқ, иним, барча амир, барча лашкарбошиларнинг амир Масъудга ихлослари баланддур.

— Йўқ!— деди Абул Ҳасанак, бўғиқ, таҳдидли овозда.— Унинг учлари буралган бежирим мўйлови дикрайиб, кўзлари ола-кула бўлиб кетди.— Балки лашкарбошилар орасида фитна бордур? Балки амирал мўъминин оламдан ўтмасдан туриб, унга чоҳ қазиш пайида юрган нонкўрлар бордур? Балки бу фитнанинг бошида вазири аъзам жаноблари ўзлари тургандур?— Абул Ҳасанак, ўз сўзидан ўзи жунбушга келиб, ўнг қўлини қилич дастасига қўйди. Унинг ола-кула кўзларида телбалик аломатлари зоҳир бўлди.— Агар фитна бўлса билиб қўйинг, вазири аъзам! Фақир тирик эканмен, кимки амирал мўъмининга чоҳ ковласа ўзи шу чоҳга қулайди!— Абул Ҳасанак, қиличининг сопини ушлаганича, ўрнидан тура бошлади, бироқ туриб улгурмади. Али Ғариб, бақалоқ гавдасига зид бир чаққонлик билан ўрнидан сапчиб турди.

— Торт қўлингни қиличдан! Ё ҳозир ғуломларимни чақирамен! Қўлларингга кишан урдириб, зиндонга ташлаймен, тентак!

Абул Ҳасанак, гўё ўз қулоқларига ишонмагандай, кўзларини катта очиб анграйиб қолди, дикрайган мўйловининг учлари худди ўқ еган қушнинг қанотларидай пир-пир учди-ю, қиличининг бандини қўйиб юбориб, кўрпачага ҳолсизгина йиқилди.

— Ке... кечиргайсиз, валинеъмат!

У, гарчи бош вазирининг фириб бобида беназир эканини билса ҳам, кўнглининг тупкарисида уни писанд қилмас, назарида, агар ас-

тойдил киришса, уни вазири аъзамликдан ағдариб ташлашга ҳам қурби етар эди. У эндигина бу юм-юмалоқ, бақалоқ одамнинг бутун мудҳиш қудратини ҳис этди.

Али Ғариб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, қайта жойига ўтирди, бўғиқ, таҳдидли овози қайта мулойимлашиб, секин давом этди:

— Камина сизни ўз инимдай яқин тутиб, кўнглимдаги дардларимни изҳор этсам, сиз...

— Узр, валинеъмат. Ешлик қилдим!..

— Бошга қилич келганда киши юрак амрига эмас, ақл-идрок амрига таянмоғи даркор. Билиб қўйинг, иним, не кўп, сиз билан бизнинг душманимиз кўп! Қўлингизда қилич, белингизда қувват бор экан, улар сизга таъзим бажо келтириб, илжайиб туради. Қиличингиз қўлингиздан тушса ўзлари қилич яланғочлайди. Сиз билан биз амирал мўъминининг қўлидаги қиличлари эдик. Ёдингизда бўлсин, янги шоҳ, аввалги шоҳнинг қиличларини тақмайди, бильакс, уларни синдириб ташлаб, ўз қиличларини таққусидир. Амирал мўъминини,— олло унинг умрини узоқ қилғай,— бу бебақо дунёни етим қилиб, ул даргоҳи илоҳийни мунаввар этадурғон бўлса, сиз билан биз ўша куниеқ эски қиличга айланурмиз. Бу мусибат фақат биз эмас, бола-чақаларимиз, насл-насабимизнинг бошига ҳам тушмаса деб қўрқаман. Қўрққаним сабаб, сизга кўнглимни очиб, дардимни айтдим, сиз эса... сўзимнинг «худоси»ни эшитиб, «берди»сини эшитмадингиз, иним!

Во дариг! Бир қарашда ланж ва бесўнақай кўринган бу кўрим-сизгина хомсемиз одам, бир неча ойдан бери Абул Ҳасанакнинг кўнглига ғулу солиб, уйқу бермай келаётган гапларни гапирди! Баайни унинг ўйларини, унинг юрагини кемириб келаётган шубҳа ва ҳадикларни бир-бир санаб берди.

— Қиссадан ҳисса шулки, ул такаббур ҳаким Ибн Сино ҳазратларига юборилган ариз Абулвафо Сарикдан мушриф келмиш!

— Мушриф? Қачон? Не мужда келтирди у?

— Мужда!..— Бош вазир ўймоқдеккина оғзини ялаб кинояли кулумсиради.— О, азизим, азизим! Мужда келса — камина сизни бу кулбага қақриб, бу сўзларни сўзлаб ўлтирмас эдим! Таассуфлар бўлғайки, ул бетавфиқ ҳакими даврон, элчининг дарагини эшитиб, қочибди! Бундан ўн саккиз йил муқаддам олампапоҳга хизмат қилишни истамай, Гурганждан Журжонга қочган бўлса, бу сафар ариз Абулвафонинг дарагини эшитиб, Ҳамадондан қочибди.

— Қайга?

— Қайга қочганини ўзидан бориб сўрайсиз, азизим!

Абул Ҳасанак бош вазирнинг заҳархандасини ичига ютиб:

— Вой тавба!— деб ёқасини ушлади.— Давлатпаноҳ унга бўйи баробар ганж ваъда қилган бўлса... тагин не керак ул такаббур ҳакимга?

— Сиз ҳакимни қўйиб, ўз аҳволимиздан сўзланг, азизим. Офтоби оламнинг сўзици эшитдингиз. Ул бетавфиқ ҳакимни бир-икки ҳафтада ҳозир у нозир қилмасак, сиз билан бизнинг бошимиз танзимдан жудо бўлғусидир. Сиз эса ҳакимни сўзлайсиз!

Абул Ҳасанакдан садо чиқмади. Унинг эсига ҳозиргина султоннинг хобхонасида бўлиб ўтган суҳбат тушди, амирал мўъминининг бўғиқ, қаҳрли овози қулоқлари остида қайта янграб кетди: «Тилёғламалик қилма, Абул Ҳасанак, биласен — мен ёлғон сўзга инонмаймен, ё сен ҳазрат Ибн Синони бир ҳафтада ҳозир у нозир қиласен, ё мен ҳаммангани дуои бад қиламен!»

Абул Ҳасанак эса, кийик овидан кейин юксак рутбалар кутар, ҳатто эски рақиб Али Ғарибнинг ўрнига вазири аъзам бўлишни умид қилиб юрарди!

Абул Ҳасанак «май!» деб, пиёласини Али Ғарибга узатди. Бироқ Али Ғариб май қуйиш ўрнига пилдираб бориб, эшикни зичлаб ёпиб қайтди:

— Май ичишдан аввал сўзимнинг «берди»сини эшитинг, азизим!—

вазири аъзам ён чўнтагини ковлаштириб, тўрт букланган бир қоғоз олди.

— Омадсиз элчимиз Абулвафо Сарикдан келган мактуб: «Тожу тахтимизнинг кўрки, салтанатимизнинг зийнати, ул офтоби оламнинг сихат-саломатлигини олло таолодан ҳар лайлу наҳор тилаб турибмиз...» ва ҳоказо ва ҳоказо.— Бош вазир мактубни кўз олдига яқинлаштириб, бир зум лабларини пичирлатиб ичида ўқиди-да:

— Ҳа, мана!— деб ютинди.— Мана... «Ул сарвари салтанатнинг суянган тоғи, тожу тахтимизнинг ақли-идроки бўлмиш сиз валинеъматимга етиб маълум бўлгайким, биз фақир ҳақир Исфаҳондан умид офтобимиз сўниб, Тегинобод музофотига келиб қўнганимизда ажаб бир ҳангоманинг шоҳиди бўлдик. Шундайким, шаҳар бозорида бир чехраси мунаввар зоти табаррук ўзини ҳақими даврон ҳазрат Ибн Сино, деб таъриф қилганлар ва кўп хасталарнинг дардларига даво топиб, уларнинг дуои саодатларига мушарраф бўлганлар.

Бу ажиб ҳангома каминанинг қулоғига етгач, ул ҳақими давронни ўз қароргоҳимга олдиришга жазм этдим. Аммо, афсуслар бўлсин-ким, каминанинг бу истагидан огоҳ топган ул алломай замон бир кечада қайгадир гумдон бўлмиш. Фақир ён-ёққа айғоқчиларни сафарбар қилиб, сўраб суриштирдим ҳамки, аммо дарак топмадим. Ҳар ёққа от чоптириб кетган мушрифлар охир-пировардида тагин бир ажаб хабар топиб келдилар. Шундайким, ўзини Абу Али ибн Сино деб таъриф қилган бул ҳақими ҳозиқ машриқ сари, инчунин, Ғазнаи муборақ томон йўл олган эмиш.

Алқисса, бу ғаройиб ҳангомани сиз олиймақом вазири аъзам жанобларига етказмоқдан мақсад шулким, эҳтимол ўзини ҳазрат Ибн Сино деб, таърифу тавсиф қилган бу алломай давронни дориссалтанатдан суриштириб кўрсангиз ва лозим топсангиз, офтоби оламнинг қулоқларига етказсангиз. Камина эса, подшойи оламнинг нигоҳига тушмоқдан кўрқиб, Тегинобод музофотида, шаҳар қалъаси ташида қўниб турибмен, кўзим йўлда, сиз валинеъматимнинг дуои саломларини кутиб ётмоқдамен...

Тоабад дуои жонингизни қилиб, ғариб қулингиз» ва ҳоказо ва ҳоказо...

Али Ғариб, мунчоқдай милтираган қисик кўзларини хатдан узиб, тўрда тошдай қотган Абул Ҳасанакка қаради.

— Хўш, сўзланг, азизим!..

— Сиз,— деди Абул Ҳасанак, тили оғзида зўрға айланиб.— Сиз... бу ёлғон ҳангомага инониб, ўзини Ибн Сино деб таърифлаган сохта табибни ахтармоқ ниятидасиз?

— Ахтармоқ! Камина уни аллақачон топиб, ҳибс қилдирдим! Абул Ҳасанак чиройли кўзларини ола-кула қилиб:

— Инчунин,— деди ҳансираб.— Инчунин уни олампаҳоғга рўбарў қилмоқчисиз?

— Йўқ! Ҳазрат Ибн Синони аввал қамоқ қилиб, кейин амирал мўъмининга рўбарў қилиб бўлмас!

— Хўш? Хўш?

— Бунинг учун ҳақим ҳазратларини мушрифларга қўшиб дарҳол Тегинободга, ул хумкалла Абулвафо Сарик ҳузурига қайтармоқ даркор! Сўнгра...

— Сўзланг! Сўзлайберинг, тақсирим!

— Сўнг ул ҳақими ҳозиқни ўз мартабаларига муносиб асъасаю дабдаба ила кутиб олмоқ лозим, эгнига шоҳона либослар ёпиб, иззат-икромини бажо келтирмоқ даркор. Ана шундан кейингина...

— Бас! Сўзингизни англадим. Ҳаммасини англадим!— деди Абул Ҳасанак негадир ранги ўчиб.— Мақсадингиз... Бу ёлғон дабдаба билан ёлғон Ибн Синони чин Ибн Синога айлантирмоқ! Чин Ибн Синога айлантириб, султони салотинга рўбарў қилмоқ! Ё раб! Бу ёлғон ошкор бўлса...

— Ошкор бўлса! Вазири аъзам қўлидаги пиёла тўла майни қаҳр

билан деворга қараб сепди, нақш олмадай қип-қизил юзидан қони қочиб:

— Бу ёлғон ошкор бўлса, чинини топинг!— деб ўшқирди.— Ё чин Ибн Синони топинг ёки бу қовоқ каллангизни суюкли раҳнамонгиз қиличига тутиб беринг!

Абул Ҳасанак қалтироқ қўллари билан бошини чангаллаб олди, сўнг, гўё бутун салобати, димоқ-фироғи, ғурури — ҳаммаси ёдидан чиққандай, икки букилиб вазири аъзамнинг олдига тиз чўкди.

— Афв этинг, валинеъмат! Бефаросат инингизни афв этинг!

Ўн иккинчи боб

Ношуд шогирд сабаб ҳибсга тушган «ҳакими замон» Абу Шилқим ибн Шаҳвоний бир-икки кундаёқ адои тамом бўлди. Зах ва зимистон ертўлада, у ёқдан-бу ёққа тапир-тупур югуриб, кўзи илингудек бўлса оёқ-қўлларида ўрмалаб юргувчи ёвуз каламушлар «даврасида» ўтган ҳар бир кун минг кунга татирди. Учинчи куни Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳаётдан батамом умидини узди, «энди ўлдим, бу совуқ гўрга тириклайин кўмилдим», деган ўйга борди, борди-ю, қибла томонга сажда қилиб, узоқ йиғлади. Бироқ йиғи ҳам юрагига таскину тасалли беролмади, билъакс, кўнглидаги эски аламли ўйларни қайта қўзғади:

«Ким сенга, ҳазрат Ибн Сино бўл, бу қинғир йўлга кир, деди? Бу кунингдан беш баттар бўл, миясини еган эшшак!— деди Абу Шилқим, ўз ёғида ўзи қоврилиб. У бир ўзини, бир мастона валдираб қўйиб, панд берган шогирдини сўкиб, кўкка тавалло қиларкан, нечундир бот-бот Кўр дарвиш эсига тушарди. Назарида, у баттол совуқ ертўланинг зим-зиё бурчагида туриб, уни калака қилаётгандай бўларди. Гўё у ёлғиз кўзини ўйнатиб, қиқир-қиқир кулар: «Ҳа, ал қасосил миналҳақ!» Қасосли дунё бу! Менга неки ёмонлик қилган бўлсанг ҳаммаси қайтгусидир, қайтиб ёқангга ёпишгусидир!» деб гўлдираб эди.

Қамалишининг учинчи куни бу васвас ва совуқ ваҳималардан ақли чувалашиб, ўтирган жойида йиқилиб қолди. Йиқилганда бир лаҳза кўзи илинди чоғи, тапир-тупур оёқ товушларини эшитиб, чўчиб кўзини очди. Зум ўтмай, эшик зулфинларининг шақир-шуқури эшитилди.

«Ё парвардигор!— пичирлади Абу Шилқим, тирноқларигача музлаб.— Ўз ҳифзи ҳимоятингда сақлагайсен!»

Қўш табақали залворли эшик гўё кимгадир нола қилгандай узоқ гичирлаб, базўр очилди.

Бўсағада... бошига ялтироқ мис дубулға кийиб, белига қилич тақиб олган новча бир сарбоз шам кўтариб турар, унинг орқасида зарбоф тўнли юм-юмалоқ бир одам кўзга чалинарди. Эшик очилиши билан новча сарбоз орқага чекиниб, зарбоф тўнли юм-юмалоқ кимсага йўл берди, у эса қўл қовуштириб:

— Ассалому алайкум ҳа... ҳаким ҳазратлари!— деб ғудранди-да, юриб эмас, йўқ, аллақандай пилдираб келиб, Абу Шилқим Шаҳвонийга таъзим бажо келтирди.— Ҳакими замон ҳазратлари, афв этсинлар! Фақир вазири аъзам Али Ғарибмен!

«Вазири аъзам Али Ғариб? Амирал мўъмининнинг суянган тоғи Али Ғариб?»

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, тақсири олам!— деди вазири аъзам, ҳамон қўл қовуштириб.— Навқар аҳлини биласиз. Бу ҳўкизлар бош олиш бобида устаси фаранг-у, аммо лутф-карам не, иззат-икром не — фаҳм-фаросатлари етишмайди. Шон-шуҳратингизга муносиб иззат-икром кўрсатмоқ ўрнига бу совуқ ертўлага қамаганлар. Биз гумроҳлар эса бу юмушдан беҳабар қолибмиз!

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний ҳар нарсани кутса ҳам ҳозиргина тўккан кўз ёшлари арши аълога бунчалик тез етиб боришини кутмаган эди!

«Э, яратган эгам! Наҳот мунчоқ кўзлари анов шамдай заиф милтираб турган бу қари тулкининг сўзлари рост бўлса? Наҳот макр бобида беназир, деб ном чиқарган бу қари иблис унинг, Абу Шилқим ибн Шаҳвонийнинг чин Ибн Сино эканига ишонса?»

— Тасанно, сизга, алломай замон, тасанно! Амирал мўъминин сиз ҳазратимни лутфан таклиф этиб, Ҳамадон ва Исфаҳонга энг мўътабар зотларни элчи қилиб юборган эди. Сиз ҳазратим бўлса... ўз оёғингиз билан юриб келибсиз. Офарин сизга, ҳазратим!

Абу Шилқим ибн Шаҳвонийнинг юраги «шув» этиб: аъзон баданидан беҳисоб чумолилар ўрмалаб ўтди.

«Билади! Ҳамма сир-асрорни билади бу баттол!»

— Элчи... Элчингиз Ҳамадондан қайтдими, тақсири олам?— деди Абу Шилқим ва бош вазирнинг юзидан билинар-билинемас заҳархандани кўриб, ичида сўкинди:

«Хўкиз! Хўкиз бўлмасанг бунини сўраб не қиласен, гумроҳ!»

— Элчи... Элчимиз шу фурсатда Тегинободда. Исфаҳондан сиз ҳазратимни тополмай, тарвузи қўлтиғидан тушиб қайтмиш!

Абу Шилқим ибн Шаҳвоний энгил нафас олиб, вазири аъзамга дадилроқ боқди. Бош вазирнинг лабларидаги кинояли табассум сўнган, тўлин ойдаи, юм-юмалоқ, қип-қизил юзидан чексиз ҳайрат ва чуқур эҳтиром ифодаси балқиб турарди.

— Ул офтоби олам ҳар он, ҳар дақиқа сиз шайх-ур раис ҳазратларини кўрмоқ ва иззат бажо келтирмоққа муштоқдурлар. Ва лекин... агар сиз ҳазратимга маъқул ва манзур тушса, бизда бир маслаҳат бор, мавлоно!

— Бош устига!

— Камина сиз ҳазратимга лутфи карам таманно айламоқдан бошқа мақсадим йўқдир. Бас, биз сизни шу бугун яқин бир музофотга узатсак. Сиз ҳазратим эса бир-икки ҳафтадан кейин Ғазнаи мунавварага ўз номингизга муносиб шону шавкат ва иззат-икром ила ташриф буюрсангиз. Токи, биз фақирлар сиздай алломай давронни ўз доврўгингизга лойиқ тарзда қарши олсак ва лутфи эҳсон ва иззату икром ила ул офтоби оламга тақдим этмоқ бахтига муяссар бўлсак!

«Чин сўзми бу ё бургага тузоқ қўйган бу қари шайтоннинг ҳийла-найрангими?— Абу Шилқим ибн Шаҳвоний вазири аъзамга ер остидан ўғринча назар ташлади, аммо унинг ҳамон тавозе билан бош эгиб турганини кўриб ўзи ҳам бош эгди.

— Вазири аъзам жанобларининг истаги биздай фақир ҳақимлар учун вожибдур, тақсири олам!

Ҳн учинчи боб

Ҳафтанинг сўнгги кунларида Беруний ўзини хиёл энгил ҳис қилди. Иситмаси қайтди, кўнгли сал равшан тортиди, фақат ҳануз дармонсиз.

Вақт чошгоҳга яқинлашиб қолган бўлса керак, тепадаги туйнукдан, ҳибсхонага бир жом нур қуйилмоқда, бу нур ғадири-бўдур харсанг тошлардан қурилган тор қафасни бир нафасга бўлса ҳам ёритган эди.

Беруний бош томонидаги икки қумғоннинг бирини олиб, юзини ювди, зиндонбон қўйиб кетган арпа нонни сувга ботириб бир бурда еди. У ўзини сал бардам сезиб, ўрнидан турмоқчи эди, шу пайт тепадаги туйнукда нимадир питир-питир қилди. Беруний ялт этиб туйнукка қаради. Туйнукдан қандайдир бир қуш «пар» этиб учди, учганда ёнғоқдеккина бир тош «чарс» этиб узилди-да, сув тўла қумғонга келиб «чўлп» этиб тушди. Қумғондаги сув чайқалиб кетди-ю, жўмрагидан тирқираб сув оқди.

Беруний, гўё фавқулодда бир ҳодиса рўй бергандай, юраги гургурс уриб қумғонга, тўврироғи, қумғон жўмрагидан оқиб чиқиб ерни

хўл қилган сув томчиларига тикилиб қолди. Кейин, апил-тапил ўрнидан турди-да, қафасдай тор хонани гир айланиб, ёнғоқдай-ёнғоқдай бир нечта тош териб келди, сўнг, ерга тиз чўкиб, бу тошларни қумғондаги сувга битта-битта ташлаб кўрди.

Ҳар сафар тошни қумғонга ташлаганида унинг жўмрагидан бир неча томчи сув оқиб чиқар, каттароқ тош ташласа томчилар кўпроқ тушар, кичикроқ тош ташласа сув камроқ оқарди!..

Жуда оддий, аммо... бари бир ажиб ҳодиса! Нечун бу содда, аммо офтобдай равшан фикр унинг миясига аввалроқ келмади?

Беруний, худди ҳибсдан озод бўлиши тўғрисида фармони олий келгандай, юраги ҳаприқиб, тор хонани яна бир неча марта айланиб чиқди.

У гўё кўпдан бери миясини банд қилиб келаётган чигал бир жумбоқнинг калитини топгандай ҳаяжонланар, энтикар эди!

Йўқ: сув тўла идишга бирор жисм тушганда идишдан маълум миқдорда сув оқиб тушиши унинг учун янгилик эмас... Бу ҳодиса юнон олими Архимидус¹ асарларида қайд қилинган. Сувга ташланган жисм ўзи сиқиб чиқарган жисмдан оғир бўлса — чўкиши, баробар бўлса сузиб юриши унга аён. Аммо... туйнукдан ногаҳон узилиб тушган бу тош! Қумғон жўмрагидан оқиб чиққан бу бир неча томчи сув! Ажабо, жуда оддийгина бу ҳодиса Берунийнинг миясида кўпдан бери айланиб юрган мураккаб бир муаммога кутилмаган бир тиниқлик киритди!

Мана, ўн-ўн беш йилдирки, Беруний нодир маъданлар тўғрисида бир китоб ёзиш орзусида юрибди. У олтин, кумуш ва ноёб маъданлар тўғрисида кўп илмий маълумотлар, ғалати ривоятлар тўплади. Улар келтирган фожиалар ҳақида кўп ғаройиб ҳангомалар йиғди. Ҳам илмий, ҳам банибашар учун ибрат тарзида ёзилажак бу китобнинг номи ҳам топди. Унинг номи «Ал-Хазиний» бўлади! Энди энг қийин иш — ноёб маъданларнинг тузилиши, таркиби, қаттиқлик ва юмшоқлик даражаси, энг муҳими — солиштирма оғирлигини аниқлаш иши қолди! Бунинг учун эса нозик бир асбоб ясаш, тўғрироғи, бу асбобни кашф қилиш лозим!

Беруний кўпдан бери бу нозик ва мураккаб асбоб ҳақида ўйлар, гоҳо уни кашф қилгандай ҳам бўлар, яна озгина бош қотирса бас, ихтиро рўёбга чиқадигандек туюлар эди, бироқ сал ўтмай, калаванинг учи қайта йўқолар, ечиш лозим бўлган янги муаммолар пайдо бўларди!

Мана энди масала ойдинлашди!

У худди мана шу қумғонга ўхшаш бир идиш ясайди. Идишнинг таги кенг, бўйни ингичка бўлади. Шундайким, тариқдай нарса тушса, тариқ баробар, ёнғоқдай нарса тушса ёнғоқ баробар сув оқиб чиқиши лозим. Жўмракнинг белига эса, кафтдеккина тақсимча ёпиштириб, унга нозик тарози ўрнатади. Бу тарози шундай нозик ва «сезгир» бўлсинки, бир мисқолнинг² ўндан бирини ҳам аниқлай олсин! Ўлчов бирлиги сифатида эса, маъданлар султони олтинни олади! Ҳа, бу ишда олтиндан аъло маъдан йўқ! Масалан, юз мисқол олтин олиб, бошқа маъданларнинг солиштирма оғирлигини шу олтин оғирлигига нисбатан аниқлаш мумкин!

Беруний ҳаяжон ичидан тор хонанинг у бошидан-бу бошига узлуксиз бориб келар, бояги дармонсизликдан асар ҳам қолмаган, хаёли эса тобора равшанлашиб борар, бир-биридан ўткир, бир-биридан ёрқин фикрлар турнақатор бўлиб тизилиб келарди!

Ҳа, ғалати нарса экан ҳаёт! Мана, тасодифан туйнукдан тушган битта тош сабаб, уни кўп йиллардан бери қийнаб келаётган мураккаб бир жумбоқ ечилди ҳисоб! Бундан бир неча йил муқаддам Ҳиндистонда, Нанда шаҳри теъарагидаги баланд тоққа чиқаётганида ҳам худди

¹ Архимидус — Архимед.

² Мисқол — 4,5 граммга тенг.

мана шундай ғаройиб бир ҳодиса рӯй берган, миясида нимадир «ярқ» этиб, ёшлик чоғларидан бери уни қийнаб юрган чигал бир муаммонинг учи топилган эди!

Беруний юришдан тўхтаб, деворга суянди, суяниши билан унинг кўп йиллик фаразини тасдиқлаб, улуг ихтиро ато қилган Нанда тоғи «лоп» этиб нигоҳи олдига келди.

Тоғнинг тўрт тарафи ёнғоқ отса юмалаб кетадиган чексиз-чегарасиз сайхонлик эди.

Беруний тоққа чиқишга аҳд қилиб, унинг этагига борганида кўнглида ҳали ҳеч нарса йўқ эди. Нечундир фақат бир нарса, олис уфқда қаққайиб турган ёлғиз дарахт унинг эътиборини жалб этган эди, холос. У тоққа аста-секин ўрмалаб, икки юз қадамча кўтарилгач, нафасини ростлаш учун тўхтади, тўхтади-ю... беихтиёр бояги дарахтни қидирди. Ажабо: боя уфқда турган дарахт тоғ тагига келиб қолган, уфқ эса йироқ-йироқларга чекинган эди! Рост, бу ҳодиса ҳам Беруний учун янгилик эмас эди. Лекин баландлаб борган сари янги, кўз илғамас уфқлар очилишини кузатаркан, худди бугунгидай, миясида алланарса «ярқ» этди-ю, уни йиллар давомида қийнаб юрган чигал бир муаммо бирдан равшанлашди: бу замин, гир айланаси осмони фалак билан чегараланган бу замин, ҳамма ўйлаганидек теп-текис эмас, йўқ, текис эмас!

Беруний хаёлига келган алақандай фикрдан бугунгидан ҳам қаттиқроқ ҳаяжонга тушиб, олис уфқда ўсган бир жуфт чинорни кўз остига олди-да, яна уч-тўрт юз қадам ўрлади. Йўқ, у янглишмаган, уфқ боягидан ҳам олисроққа чекинган, бир жуфт чинор эса гўё тоққа яқинроқ сурилиб келган эди.

Беруний харсангга ўтириб, бирпас нафасини ростлади-да, яна тоққа ўрлади. Яна ўша ҳодиса! Уфқ яна йироқ-йироқларга чекинди, Беруний кўз остига олиб қўйган нарсалар эса гўё тоққа янада яқинроқ силжиб келгандай бўлди.

Ўша куни Беруний тоққа ўрлаган сари уфқ чекиниб, янгидан-янги кўз илғамас кенгликлар очилишини ҳаяжон билан кузатаркан, гўё нигоҳи олдини тўсган парда кўтарилди-ю, кўпдан бери унга тинчлик бермай юрган нотинч бир ўй, мавҳум, аммо ғаройиб бир фараз фавқулодда ойдинлашди.

Бу ўй, бу ноаниқ, аммо ғаройиб фараз Берунийга ёшликдан бери ором бермай келарди. Нечун қуёш эрталаб чиқиб, кечқурун ботади, нечун ой ҳар ўн беш кеча-кундузда бир янгиланади, нечун юлдузлар ҳолати фаслларга қараб ўзгаради? Нечун ёзда осмоннинг бир бурчида бўлган юлдузлар, қишда бошқа бир жойга ўтиб қолади?

Беруний туғилиб вояга етибдики, бу жумбоққа жавоб қидиради. Уни ечиш умидида ўзи қурган расадхонада кечани кундузга, кундузни кечага улаб расад ўтказди. Араб, ҳинд, юнон алломаларининг китобларини сув қилиб ичди. Унинг кўнглида заиф шамдай милтираган бу фаразлар ўшанда, расадхонада бедор ўтган тунларда туғилган эди. Нанда тоғидаги кузатишлар эса худди бугун тўйнуқдан тушган тош каби, уни кўпдан бери қийнаб келган фикрларга ажиб бир равшанлик киритди!

Шу-шу, Беруний тоғ ёнбағрига чодир қуриб, бир ҳафтагача ҳар хил ўлчовлар билан шуғулланди. Аввал тоғ этагидан кўринган уфқни одимлаб чиқди, кейин, аста-секин тоққа кўтарилди, кўтариларкан, ҳар юз қадамда «очилган» янги уфқлар оралигини ўлчади, сўнг олинган рақамларни тоғ баландлигига кўпайтириб, ҳосил бўлган бурчакларни аниқлади. Энг муҳими — топилган «марказни» ер куррасининг ҳар қандай нуқтаси билан бирлаштирувчи тўғри чизиқни аниқлади, бу эса уни энг кўп қийнаган муаммони ҳал қилиш имконини берди, яъники, ер куррасининг теп-текис эмас, юмалоқ эканини рақамлар воситасида исботлаш имконини берди!.. Кейинчалик, Ҳиндистонда шаҳар-ма-шаҳар яёв кезиб юрган чоғларида Беруний ведачи қоҳинлардан ғалати бир ривоят эшитди: гўё олам яралишидан аввал на қуёш бўлган,

на ой, ва на юлдуз! Биринчи бўлиб зулмат, зулматдан сув, сувдан эса олов бунёд бўлган. Оловдан тухум барпо бўлиб, у уммонлар қаърида сузиб юрган. Сўнг, тухум ичидаги олтин ҳомиладан ҳиндлар худоси Борахм туғилган. Борахм тухумни ёриб чиққан-у, унинг бир палласидан осмон, бир палласидан ер ҳосил бўлган, шунинг учун ҳам ҳиндлар бошда тухум шаклида яралган бу оламни Борахм тухуми, деб атайдилар!

Ёдида бор, кекса коҳинлардан эшитган бу ривоят ҳам, худди бугун туйнукчадан тушган тош каби, Берунийга ер курраси тўғрисидаги рисоласини ёзишга яхши бир туртки бўлган эди. Йўқ, бугун топган ихтироси ҳали-ҳозир фақат калласида, бу ихтирони ҳали ниҳоясига етказиш керак, кўнглида энди униб чиққан бу ниҳолни парвариш қилиб, ундан ҳосил олиш керак ҳали!

Ё раб! Наҳот бошлаган бу ишлари, ёзган ва ёзаётган китоблари — ҳаммаси чала қолса? Уларни ниҳоясига етказолмай, бу совуқ гўрда тоабат қолиб кетса?

Тўхта! Бу не? Эшик тақилладими ё унга шундай туюлди? Ана, зулфинлар шақир-шуқур қилди, темир тасмалар билан қоқилган залварли эшикнинг бир табақаси аста очилиб, қўлларида найза, икки сарбоз, уларнинг орқасида эса... эгнида зарбоф тўн, бошида оппоқ симобий салла, кичкинагина, оппоқина бир мўйсафид кўринди. Бу — бош девон соҳиби Абу Наср Мишкан жаноблари эди!

Соҳиби девон, қўлида найсимон ёрлиқ, бемажол деворга суяниб қолган Беруний томон юрди:

— Муҳтарам биродарим, Абу Райҳон! — Абу Наср кўзида ёш, пилдираб келиб Беруний билан кўришди-да, дарҳол қўлидаги ёрлиқни очди.

— Ул офтоби оламнинг меҳр-муруввати чексиздур, азизим. Мана, сиздай алломаи давронни озод этмоқ тўғрисида фармони хумоюн битиб, фақирни ҳузурингизга йўлладилар!

Соҳиби девон қўлини кўтариб, ёрлиқни Берунийнинг кўзига тутди. Бироқ ёрлиқдан ҳам бурун Берунийнинг кўзи эшикдан кўриниб турган тоғларга тушди. Тоғ этагидаги кўм-кўк қирларда қийғос гуллаган бодомзорлар аниқ кўринарди. Тўп-тўп гуллаган бодомзорлар қир ёнбағрида эмас, юксак бўшлиқларда аста сузиб юрган нафис оқ-пушти булуғларга ўхшарди!

Ёпирай! Наҳот бу совуқ гўрдан чиқиб, ўша ям-яшил қирларда юрмоқ яна насиб этса? Бу гўзал оқ пушти бодомзорларни кезиб, уларнинг нозик ҳидини тўйиб-тўйиб ҳидламоқ насиб қилса унга?

Абу Наср Мишкан жаноблари, гўё Берунийнинг хаёлидан ўтган фикрларни илғаб олгандай, чеҳраси ёришиб:

— Ул меҳри дарё Хатлибегим омон бўлсинлар! — деб хитоб қилди. — Бегим омон бўлсалар ҳамма нарса ўрнига тушадур, мавлоно.

Беруний беихтиёр нигоҳини тоғлардан узиб:

— Хатлибегим? — деб сўради.

— Офарин, мавлоно! Бегим сизни ул ҳакими даврон ҳазрат Ибн Синога йўллашни олампахоғга маслаҳат берганлар! Бегимнинг бу маслаҳати амирал мўъмининга маъқул ва манзур бўлгандур.

— Каминани Ибн Синога йўлламоқчилар?

— Балли! Бундан уч ой муқаддам ул ҳаким ҳазратларига юборилган элчилардан ҳануз дарак йўқ. Сиз эса... ҳакими давроннинг энг яқин биродарисиз. Шу боисдан Хатлибегимнинг маслаҳати олампахоғга маъқул бўлган!

Соҳиби девон унинг сукутини аломати ризо, деб тушунди, чама-си, эшикда серрайиб турган сарбозларга юзланди:

— Нечун қоққан қозикдай қаққайиб қолдинглар? Келинлар, қўлтиғидан олиб ёрдам беринлар, мавлонога!

Үн түртинчи боб

Амир Масъуд кечаси томоғи қақраб уйғониб кетди. Махфий иш-ратхона тоқчаларидаги баъзи шамлар ўчган, баъзилари базўр мил-тираб турарди...

Амир, бош томондаги олти қиррали хонтахтани пайпаслаб, тоғ-тоғ ноз-неъматлар орасидан бир пиёла шарбат олиб ичди-да, ёнидаги тўшакка қаради. Кечаси ҳарам бекаси ёзган қалин шойи тўшак бўм-бўш эди. Бу бўш тўшак амирга кечаси олишавериб бўй бермаган ҳур-как малакни, унинг бўғизланаётган кўзичоқдай зорли нидосини эс-латди-ю, юзи буришиб кетди.

Кўзлари бўталоқнинг кўзларидай жовдираб турган бу ёш, ҳуркак малакни (унинг исми ҳам жисмига монанд — Қоракўзбегим эди!) амирга Бухоро ҳокими Алитегин инъом қилиб юборган. Инъомдан мақ-сад эса: бундан уч-тўрт йил муқаддам султон Маҳмуд Бухорога юриш қилганида асирга олиб кетган суюкли кенжа хотини билан суюкли қи-зини амир Масъуд ёрдамида тутқиндан қутқазиб эди.

Рост, Ҳиротдан Ҳамадон томон юриш бошлаган амир Масъуд бир-да Исфаҳон учун бўлган қаттиқ жанглар сабаб, бирда Ғазнадан кел-лаётган нохуш хабар сабаб, айш-ишратга унча хуши йўқ, кўнглига қил ҳам сиғмасди. Лекин Бухоро ҳокими Алитегин инъом этган бу са-нам... унинг минилмаган тойчоқдай ҳуркак қилиқлари, кўз ёшлари, оппоқ сийнаси... мана ҳозир ҳам амир кечаси бу ҳуркак тойчоқни жи-ловлай олмаганини эслади-ю, вужудида яна ўша тизгинсиз ҳайвоний ҳирс уйғонганди. У ҳарам бекасини чақириш учун ёстиғи тагидан ша-қилдоғини қидирди, бироқ шу пайт ташқарида дукур-дукур оёқ шар-паси эшитилди. Зум ўтмай, кимдир эшикни бетоқат қоқди.

— Ким бу, тун ярмида беҳаловат қилғон?

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, амирим! Дориссалтанатдан мушриф келмиш!

Сипоҳсолар Абу Тоҳир! Шаҳзоданинг инонган тоғи!

— Ҳозир, Абу Тоҳир, ҳозир, — амир Масъуд сапчиб ўрнидан тур-ди. Унинг хаёлига ҳаммадан бурун: «Наҳот... наҳот?» деган фикр кел-ди. Мана, бир ойдан ошди, Ғазнадан махфий элчи Абулвафо Сариқ кел-либ, Ибн Сино ҳазратларини тополмай ноумид қайтиб кетди ҳамки, амир ҳар он, ҳар дақиқа Ғазнадан совуқ хабар кутиб (гуноҳкор бан-дангни ўзинг кечиргайсен, худованди карим!) бетоқат бўлади, кеча-лари мишжа қоқмай чиқади.

Абу Тоҳир, эғнида сариқ банорас тўн, белида пўлат шамшир, ҳарамхона йўлагига асабий одимларди.

— Не хабар? Валинеъмат қиблагоҳим...

— Оллога шукр, қиблагоҳингиз саломатдурлар!

«Ё парвардигор! Валинеъмат падари бузруквори... бир оёғи ерда бўлса, бир оёғи гўрда. Ва лекин ул боқий дунёнинг ғамини емоқ ўрни-га бу норасо дунёнинг юмушларини ўйлайди. Ўз зурриётига инонмай мушриф устига мушриф йўллайди!»

— Кеча мушриф, букун мушриф! Келтирган номаи саодати қайда унинг?

— Номаи саодатни фақирга инонмас, инонса, амиримнинг уйқуси-ни беҳаловат қилмас эдим, шаҳзодаи валиаҳд!

— Хўп, ҳозир орқангдан етиб борамен!

Тонг яқин, кўкдаги юлдузлар хиралашиб қолган, боғда қийғоч гуллаган ўрик ва олмалар, хиёбон бўйидаги сарвлар субҳидам шаба-дасида аста чайқалар, ҳавони баҳор гиёҳларининг нозик хуш-бўй ҳиди тутган эди. Амир, боғ ўртасидаги хиёбонга тушиб, — бу хиё-бон тўғри саройга олиб борарди — ишратхонадан узоқлаша бошлади. Бироқ, сал юрмай нечундир юраги қаттиқ увишиб, хиёбон ўртасида тўхтаб қолди. Негадир, эҳтимол ҳозиргина ишратхонадан чиққани учун-дир, бултур Ҳиротда, худди мана шу пайтларда содир бўлган ёмон

бир воқеа амирнинг эсига тушди. Ушанда ҳам амир Масъуд ўз ҳарамида худди бугунгидай ёш бир каниз билан айш қилиб ётган эди. Тун ярмида мана шу сипоҳсолар Абу Тоҳир тўсатдан эшикни дук-дук урди. Маълум бўлишича, унда ҳам худди ҳозиргидай, Ғазнадан, бош девон соҳиби Абу Наср Мишкан жанобларидан мушриф келганди. Мушриф келтирган номада айтилишича, падари бузруквори султон Маҳмуд амир Масъуднинг Ҳирот саройида қурдирган махфий ҳарам ва бу ҳарам деворларига чизилган шаҳвоний суратларидан огоҳ бўлган. Ва шаҳзоданинг бу ишидан дарғазаб бўлиб, уни тафтиш қилиш мақсадида махсус мушриф йўллашга аҳд қилган!

Устоз Абу Наср Мишкан амирни ўз хуфјси орқали бу ишдан огоҳ қилар экан, унга дарҳол ҳарам деворларига чизилган шаҳвоний суратларни йўқ қилишни маслаҳат берганди.

Дарҳақиқат, амир ўз тасарруфига Ҳирот музофоти теккандан кейин, «Боғи Ҳирот»нинг энг хилват жойига махфий ишратхона қурдирган, қизил мрамрдан барпо бўлган бу пинҳоний ишратхона унинг энг суюкли оромгоҳига айланган эди. Бино томида катта ҳовуз бўлиб, тоғ чашмасидан келтирилган сув аввал шу ҳовузга, ҳовуздан юзларча майда қувурчалар орқали пастга шалоладай оқиб тушар, бинони ёмғирдай ювган бу шалола энг жазирама кунларда ҳам ишратхонани салқин ва баҳаво қилиб турарди. Ишратхонага амирдан бошқа ҳеч ким тумшуқ суқолмас, унинг деворларига ҳақиқатан ҳам «Алфия-шалфия» дostonидан олинган нозик суратлар чизилган эди. Энг нафис бўёқлар билан чизилган бу беҳаё суратларда қип-яланғоч соҳибжамоллар билан алп қомат яланғоч йигитларнинг севги ҳолатлари тасвир этилганди... Бу ишратхона қурилибдики, амир ундан чиқмас, энг ёш, энг гўзал канизлари билан кунини шу даргоҳда ўтказар эди. Шу сабабдан ҳам устози Абу Наср Мишканнинг махфий номасини олиб, аламдан «дод» деб юборди. Бироқ бош девон соҳибининг маслаҳатига кирмасдан иложи йўқ, падари бузруквори билан ҳазиллашиб бўлмас эди...

Амир ўшанда махфий номани олган куниеқ усталарни чақиртирди, бир кечада суратларни ўчиртириб, ҳамма деворларни ганч билан қайта шуватди... Бу ишини айни вақтида қилдирган экан, эртасигаёқ султоннинг махсус мушрифи етиб келди. У отдан сакраб тушди-да, бир қўлида нома, бир қўлида яланғоч қилич, амирга салом ҳам бермасдан тўғри боққа, боғдан ишратхонага ўтди. У ишратхонанинг калитини сўраб ҳам ўтирмади, эшикдаги қулфни қиличи билан бир уриб синдирди-да, ҳарам бекаларини силтаб ташлаб, ичкарига кирди.

Эвоҳ, мушриф кечиккан, ганч билан қайта шувалган ишратхонанинг деворларидаги ҳаёсиз суратлардан асар ҳам йўқ эди!

...Бу эсдаликлардан бўғилиб кетган амир Масъуд банорас тўнининг ёқасини очиб, оташ кўксини шабадага тутди.

Ҳа, нечун бўғилмасин! Пайғамбар ёшидан ошган қиблагоҳи ўзи ҳануз айшу ишрат қилсин! Осмон маликаси каби муаззам саройлар қурдириб, уларга машҳур мутриблар, хонанда ва созандалар, ҳуснда беназир раққосалар, доврўғи бутун рўйи заминга кетган маликул калом ва воҳиди замон алломаларни йиғсин. Ҳарамига у ёғи Ҳиндистон ва Мовароуннаҳр, бу ёғи Хуросон пари-пайкарларини тўпласин. Унга эса, ўз пушти камаридан бўлган зурриётига эса, бунинг ҳаммасини таққиласин! Ахир у, амир Масъуд, Ҳиротда ишратхона қурдирган бўлса, бунини ўз падаридан ўрганиб қурдирди. Отасининг оламга машҳур кўшқларида хилват гўшалар бор, бу гўшалар шаҳзоданинг ишратхонасидаги суратлардан юз баробар беҳаё суратлар билан безатилган, яланғоч аёл ва эркақларнинг олтин ҳайкаллари билан зийнатланган.

Пайғамбар алайҳиссалом ёшидан ошган падари бу пинҳоний гўшаларда совиған қонини кўпиртириб, беҳисоб вилоятларидан инъомга келган ҳуриликлар билан айшини сурсин, уни эса, ўз зурриётини эса, бу неъматлардан мосуво қилиб, машриқ томон отланишга даъват этсин! Майли, амир Масъуднинг ўзи ҳам сўнгги йилларда жанг-жадал

ишқида кўп ёнар, мағрибда буткул Хуросон, Боғдод ва ҳаттоким Рум-гача забт этиб, отаси янглиғ фотиҳи музаффар бўлиш орзусида яшарди. Бу тўғри. Аммо суюкли падари уни бу ишга даъват этаркан, нечун ўз ўғлидан оғир дардга чалинганини яширади? Ундан, ўз зурриётидан яширади-ю, ҳазрат Ибн Синони сўроқлаб, пинҳона элчи йўллайди! Бу жумбоқ, бу сир-асрордан муроиди не? Уни, тўнғич фарзанди амир Масъудни, Ғазна тахтидан мосуво қилиб, эркатой кенжатойи, шаҳзода Мудҳаммадни тахтга ўтқазишми? Эҳтимол, бевақт ташриф буюрган бу мушриф шу тўғрида фармони олий келтиргандир?

Боғнинг этагидаги ҳаворанг мрамардан қурилган икки ошёнали сарой бир-бири билан тахт талашиб келган икки ҳоким — Шамсуддавла билан Алоуддавлаларнинг ўзларидай совуқ ва кўримсиз эди.

Амир эшикда серрайиб турган найзодор сарбозлар ёнидан ўтиб, кўшкка кирди. Кечаси ёқилган шамлар ўчирилмаган, иккинчи ошёнга олиб чиқадиган тор йўлак ҳам, юқоридаги машваратхона ҳам ёп-ёруғ эди. Ҳавода куйган шам ҳиди анқир, деворлари нилий кошинлар билан қопланган, тагига гулдор қирмизи полослар тўшалган кенг машваратхона кўшкнинг ўзидай совуқ ва файзсиз эди.

Амир кирганда мўйлови эндигина сабза урган саройбон ўртадаги дўнғалак хонтахтага дастурхон ёзмокда эди.

— Абу Тоҳир қайда? Айт, мушрифни олиб кирсин!

Амир машваратхонанинг шаҳар майдонига қараган даричалари олдига бориб, оғир хаёлга чўмди.

Сарой олдидаги майдон бўм-бўш, фақат кунгурадор қўрғон буржларида битта-яримта соқчилар кўзга чалинарди. Қўрғон ортидаги шаҳар тонг қоронғисида элас-элас кўринар, Зарринруд дарёсининг у юзидаги тор кўчаларда қандайдир кўлагалар ғимирлар, ҳар жой-ҳар жойда, чамаси гузарлардаги қарвонсаройларда гулхан ёнарди.

Амир қалъа ортидаги ғира-шира майдонларда ивирсиб юрган сояларга, аллақандай ипринди гадоларга кўзи тушиши билан шаҳарда бир ойдан бери қора ўлат кезиб юргани эсига тушди, тушди-ю, кўнгли ғаш бўлиб, тескари бурилди... Ҳа, шаҳарда қандайдир мудҳиш касал бошланган, бу касал даҳама-даҳа, кўчама-кўча, уйма-уй даҳшат солиб кезиб юрар, шу боисдан сарой ҳам, шаҳар дарвозалари ҳам тақатақ беркилган.

Эвоҳ! Бу ғариб шаҳарга нечун юриш қилди у? Нечун Ғазнаи мунаввара туриб, қайсар, бейтоат форсийлар юртига от солди?

Ё парвардигор! Бу падари бузруквори уни қачон, қайси гуноҳлари учун ёмон кўриб қолди? Езуғи не унинг?

Йўқ, бундан беш-ўн йил муқаддам Ҳиндистонга юриш қилган чоғларида султон уни ёнидан жилдирмас, беҳисоб қалъалар, қасрлар, муаззам шаҳарлар учун бўлган аёвсиз жангларда унга энг олғир кўшинларини ишониб топширарди. Ёш амирнинг суронли жанглардаги матонатини, ёв устига шердай наъра тортиб, бургутдай бостириб боришларини кўрганида кўзига ёш олиб дуо қилар, жангу жадаллардан сўнг бериладиган базми жамшидларда эса, уни бобоси амир Сабуктегинга ўхшатиб, ифтихор билан сўзлар эди.

Ҳадсиз ўрмон ва худудсиз чакалакзорларда бўладиган ов пайтларида-чи?

Ов чоғида жанговар филларга миниб олган филбонлар ўрмон ичида ноғоралар чалиб, йўлбарс ва қоплонларни очиқ майдонларга қувиб чиқишар, филга минган султон эса, қўлида камон, ўз лашкарбошилари қуршовида, отишга шай бўлиб турарди. Бир маҳал, ноғоралар гумбури ва айюҳаннос солган овчилар қийқириғи остида ўрмон орасидаги очиқ майдонларга гўё алангадай лов-лов ёнган қоплонлар, мудҳиш ўкирган ёввойи йўлбарслар отилиб чиқарди. Эсида бор. Синд вилоятида бўлган шундай бир ов пайтида чакалакзордан қочиб чиққан икки йўлбарс ёмғирдай ёғилган камон ўқларидан ваҳшиёна ўкирганларича, султонни қуршаб олган лашкарбошиларга ҳамла қилди.

Амир Масъуд ўқ теккан йўлбарсларнинг бутун даҳшатини ўшанда

биринчи марта кўрди! Султон минган фил наъра тортганича, хартумини карнайдай кўтариб, лапанглаб қочишга тутинди. Султонни қуршаган суворийлар эса, гўё бир жуфт эмас, бир минг йиртқич ҳамла қилгандай, сепилган тариқдай сочилиб кетди. Қимнингдир оти умбалоқ ошиб, эгаси эгардан қалпоқдай учиб кетди, султон эса, бир қўли олтин тахтада, бир қўли билан жон ҳолатда қилични суғуриб олмоқчи бўлар, бироқ шошганиданми, ё филнинг лапанглашиданми, суғуриб ололмас, ола-кула кўзлари фил думига осилиб олган ярадор йўлбарсда эди!

Амир Масъуд бунни кўрди-ю, даҳшатдан осмонга сапчиган қора бедовини султон томон бурди. Ушанда у қўрқув нималигини билмас, агар битта эмас, юзта йўлбарс ҳамла қилса ҳам тап тортмас, уни фақат битта ўй — остимдаги отим панд бермаса эди, деган ўй чўчитар эди, ҳолос. Йўқ, амирнинг журъати, кўпирган қонининг тизгинсиз ҳарорати остидаги отига ҳам ўтди-ю, ярадор йўлбарсни думига миндириб олиб, лапанглаб қочиб кетаётган фил устига бостириб борди!..

Ҳа, ўз жони кўзига кўринмай, от суриб борди-ю, фил устида ҳануз ўкириб кетаётган ярадор йўлбарснинг бошига қилич солди..

Гуноҳкор бандасини олло ўзи кечиргай! Аммо... баъзи-баъзида, айниқса, отасининг унга қилаётган адолатсизликларини эшитганида амир Масъуд ёмон ўйларга боради. Нечун ўшанда, ярадор йўлбарс ҳамла қилган пайтда от солиб бориб уни ажал чангалидан қутқариб қолдим, деган куфр фикрларгача боради у! Йўқ, айб ёлғиз падарида эмас, ҳамма балога сабаб — унинг ёнидаги вазиру вазароси бетавфиқ Али Ғариб билан анов... ҳезбачча Абул Ҳасанакда. Бу икки иблис султоннинг энг вафодор надимлари, энг салоҳиятли лашкарбошилари, итдай содиқ ғуломлари, ҳамма-ҳаммасини ёмонга чиқариб, саройдан йироқлаштиришга муваффақ бўлишди. Шулар сабаб на фақат Ғазна, бутун салтанат фисқ-фасод уясига айланди. Аммо султон бунни билмайди ё билса ҳам ўзини билиб-билмаганликка олади, унинг кўзи кўр, қулоғи кар..

Амирнинг хаёлини Абу Тоҳирнинг:

— Валинеъмат, амирим! — деган овози бўлди.

— Мушриф қайда?

— Мушриф... икки ҳафта туну кун от суриб, ҳолдан кетмиш.

— Номан саодат?

— Номан саодатни унинг қўйнидан базўр топиб олдим. Марҳамат, валинеъмат! — Абу Тоҳир чўнтагидан миттигина қора туморча чиқариб, таъзим билан амирга узатди. Устига учта митти қаҳрабо садаф тақилган бу қора туморчага кўзи тушиши билан амирнинг юраги ҳап-риқиб кетди: меҳрибон аммаси Хатлибегимнинг туморчаси!..

— Уқи! — Амир хонтахтадаги гулдор кўзачадан бир пиёла шароб қўйиб бир ҳўплам ичди-да, ўзини ёстиққа ташлаб, Хатлибегимнинг номасини эшитишга чоғланди..

Оллога минг қатла шукрким, дориссалтанатда амирни гўдаклигидан яхши кўрган бу азиз зот бор!..

Меҳри офтоб амман зори! У эрка жиянига чексиз изҳори муҳаббат ва беҳисоб дуои салом йўллаб, бирда кўз ёши билан, бирда қайғу-ҳасрат билан дориссалтанатдаги пинҳоний юмушларини баён қилибди.

Хатлибегимнинг хабар беришча, салтанатнинг шону шавкати, тожу тахтнинг зеб-зийнати амирал мўъминин, гарчи сабаби хасталик, ўз ёғида ўзи қовурилиб ётса ҳам, ноумид шайтон, олло таоло ўз бандасига шифо ато қилса ажаб эмас, фақат тожу тахтнинг тақдири қил устида турганда унинг, салтанатнинг ёлғиз умиди амир Масъуднинг йироқ-йироқларда бўлиши ақлдан эмас. Сабаби, султонни авраб, унинг бағрига кириб олган Али Ғариб билан Абул Ҳасанак каби нобакорлар ёмон режалар билан машғулдирларким, бу машъум ниятга кўра султони салотин бу фоний дунёни етим қилиб, ул боқий дунёни мунаввар этадурғон бўлса, улар субутсиз шаҳзода Муҳаммадни тахтга ўтқаз-

моқ матлабидадур. Агар бани одам қиёфасидаги бу икки шайтон ўз му-
родларига етса, салтанатнинг аҳволи не бўлади? Зеро салтанат бами-
соли бир дарахт бўлса, Ғазна унинг илдизи, бошқаси япроғидур. Бас,
амир Масъуд дарахтнинг япроғи эмас, илдизини ўйламоғи даркор!

Суякли аммаи зори!..

Амир Масъуд, Абу Тоҳирнинг бир меъёрда сокин оққан овозини
эшитаркан, меҳрибон аммасининг чеҳраси кўз олдида намоён бўлди.
Жуссаси чоғроқ, ўзи озғингина, қорачагина бўлса ҳам юриш-
туришлари шиддатли, гап-сўзлари ўткир, айни чоқда, сурма тор-
тилган қийғоч кўзларида ички бир иқтидор товланиб тургувчи Хатли-
бегим бобоси амир Сабуктегинни эслатарди. Гўдаклигидан аммаси-
нинг бағрида ўсган амир Масъуд уни ўз волидасидан ҳам яхши кўра-
ди. Гўдаклиги эмиш! Мана ҳозир ҳам кўзини бир зум юмса кечалари
аммасининг қўйнида чўпчак эшитиб ётган маъсум болалик чоғлари
ёдига тушади, қулоқлари остида унинг «оппоғим», «қўзичоғим», «бўта-
лоғим» деб, эркалагувчи мулойим овози янграйди.

Амир, «ҳазрат Ибн Сино» деган сўз қулоғига чалингандай бўлиб
хаёл оғушидан чиқди.

— Ибн Сино? Қайси Ибн Сино? Қайта ўқи!

Абу Тоҳир кўзини мактубдан узиб, амирга «ялт» этиб қаради-да,
итоаткорлик билан такрор ўқишга киришди.

«Кўзимнинг нури, белимнинг қуввати, меҳрибони бошафқат жия-
нимга етиб маълум бўлсинким, биз дориссалтанатда ажаб бир савдо-
нинг шоҳиди бўлиб турибмиз... Бундан уч-тўрт ой муқаддам валинеъ-
мат қиблагоҳингиз ариз Абулвафо Сарикни Ҳамадон томон йўллаган
эдиким, алломаи замон Ибн Сино ҳазратларини топиб кел деб. Падар-
и покингиз бу табиби давронга шундай ихлос қўйганким, бу ихлос-
ни унинг дилига олло ўзи солмиш. Аммо элчи Абулвафо Сарик ҳазрат
Ибн Синони топа олмай ўзи қайтиб келаётган эмиш, деган хабар кел-
диким, бу хабарни эшитиб кўп азият чекдик. Ажаб ҳолки, бу орада
дориссалтанатда бошқа бир миш-миш тарқалди: гўё ул ҳақими ҳозиқ-
нинг ўзи Ғазнаи мунавварада пайдо бўлган эмиш! Аммо биз бу миш-
мишларни ҳақиқат қилиб улгурмаган ҳам эдик, ул ҳақими ҳозиқ қай-
гадур гумдон бўлди. Қай йўсин сирли пайдо бўлган бўлса, шу йўсин
сирли гумдон бўлди. Ахир, наҳот ул такаббур ҳақимни топиб бўлмаса,
бўтам? Қидириб кўр, шояд топсанг? Шояд ул ҳақим келиб, оғам шўр-
ликнинг дардини даф қилса, шунда олампаноҳ ҳам ақли норасо шаҳ-
зодадан кўнгли совиб, шояд меҳри сенга оғса, қулуним!..»

Ажаб мактуб! Ажаб савдо!

Ариз Абулвафо Сарик бундан бир ярим ой муқаддам амир Масъ-
уд ҳузурига ташриф буюрган эди. Икки қўли кўксида, кўзида мунчоқ-
мунчоқ ёш, худди мана шу кўрпачада ўтириб, амирга ҳамма сир-ас-
рорни сўзлаб берган эди. Аммо амир бу одамнинг на сўзига инонди
ўшанда, на тўккан оби дийдасига! Чунки амир билар: Ғазнада лаш-
кар девонини бошқарган бу муғомбир ариз унга бош эгиб келишдан
аввал ўз навкарлари билан пинҳона Ҳамадон ҳоқими Алоуддавла ҳу-
зурига ўтган, унга бирда ялиниб-ёлбориб, бирда дўқ-писанда қилиб,
ҳазрат Ибн Синони топиб беришни талаб қилган. Ибн Сино ҳазратлари
гумдон бўлиб, талаби рўёбга чиқмагандан кейин эса, тарвузи қўлти-
ғидан тушиб, амирнинг олдига юкиниб келган эди!

Падари султон Маҳмуд: «Менга Абулвафо Сарикнинг бўйи билан
салласи ёқмайди», деб, бежиз айтмаган экан! Ушанда, катта сурма-
ранг салласи бошида хунук қўнқайиб турган бу бесўнақай одам унга
ҳам ёқмади.

Авваламбор, валламат қиблагоҳи, қолаверса, бу бесўнақай ариз
бу ишларни ундан сир сақлашни лозим кўришган. Агар лозим кўриш-
маганда, Ҳамадонга пинҳона ўтишдан аввал унга мурожаат қилишар
эди! Агар худо сохт-сумбат бериб, ақл бермаган бу эчкисоқол ариз
Ҳамадонга пинҳона ўтишдан олдин унинг олдига келганида эди, келиб
ҳамма сир-асрорни баён этганида эди, амир Масъуд аллақачон ул ҳа-

кими замонни топиб берган бўларди! Чунки кўпдан бери амир Масъуддан ҳадиксираб юрган Ҳамадон ҳокими Алоуддавла эндиликда сулҳ истаб, ҳар куни элчи юборади, элчилар билан туя-туя совға-саломлар йўллайди...

Бўйи билан салласи ёқмаса ҳам султоннинг ишончини қозона олган Абулвафо Сарик кўз ёшлари билан эчки соқолини юва-юва Исфаҳонни тарк этди! Амир Масъуд эса... бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўйибди!

Амир юришдан тўхтаб, Абу Тоҳирга қадалиб қаради:

— Дарҳол Ҳамадонга, Алоуддавллага чопар йўлла! Дарҳол билмоқ даркор — ул ҳакими даврон Ғазнага кетганми ё ҳануз Ҳамадон тева-рагида яшириниб юриптими? Бор, девон бекларига фармон бер: дарҳол нома битсинлар!

Амир Масъуд шундай деб, кўрпачага ёнбошлади-да, шароб тўла кўзага қўл узатди.

Ўн бешинчи боб

1

Букун, тўрт юз йигирма биринчи йил ҳижрий, раббул охир ойининг тўртинчи куни бомдод чоғида Ҳамадондан чиқиб, намози асрда шаҳардан беш фарсанг жойдаги бир работ ёнига келиб қўндик. Шайх работга тушишни истамади, работдан йироқроғдаги бир қир этагига чодир тикиб, отлар билан туяларни тушовлаб ўтлоққа қўйиб юбордик.

Кеча тун ярмида яна саройдан чопар келиб, Шайхга нома топширди. Номада айтилишича, Ҳамадон ҳокими Алоуддавллага Исфаҳонни забт этиб турган амир Масъуддан элчи келган. Элчи Шайхни қидириб келган. Бундан икки ой муқаддам ҳам Шайхни йўқлаб элчи келган, у Ғазнаи мунавварадан, султон Маҳмуднинг ўзидан келган эди. Шайх унда ҳам султон хизматига боришни истамай, яширинишга мажбур бўлган, бироқ шаҳардан чиқиб кетмаган эди. Бу сафар Ҳамадондан бош олиб чиқиб кетмоқдан бошқа чора қолмади, сабаби султон Маҳмуд узоқда бўлса, амир Масъуд қўл чўзса етадиган жойда, Исфаҳонда. Боз устига Ҳамадон ҳокими Алоуддавла амир Масъуддан балои азимдан қўрққандай қўрқади, чунки Исфаҳонни бир ҳамла билан босиб олган амир, истаса, Ҳамадонни ҳам бир кунда забт этмоққа қодир.

Биз кечаси билан йўл ҳозирлигини кўрдик. Бир сандиққа китобларни жойладик, бир сандиққа ноёб доруларни. Ҳар эҳтимолга қарши, мешларга сув тўлдирдик, дашти-биёбонда бошпанасиз қолмайлик деб, чодир олдик. Қолган нарсаларни ёр-биродарлар эрта-индин етказиб бермоқлари даркор.

Субҳи содиқ шаҳар дарвозасидан чиқдик. Мен Шайхдан «қайга борамиз», деб сўрадим. Шайх уф тортиб: «қайга бош қўйишни ўзим ҳам билмаймен, ўғлим,— деди.— Мана, таваллуд топган юртимни тарк этиб, мусофирлик жандасини кийганимга чорак аср бўлди. Аммо қайга муқим қўниб, қачон ҳаловат топамен, ўзим ҳам билмаймен. Эҳтимол, Боғдод томон равона бўлурмиз, болам».

Шайх шундай деб, отини чуқлади ва шу работга келиб қўнгуни-мизча ундан садо чиқмади.

Шайхнинг аҳволи руҳияси менга аён. Мана неча ойдирки, Исфаҳондан хабар йўқ. Елғиз иниси Абу Маҳмуд тирикми, йўқми — ҳануз қоронғи. Енғинда қолган кутубхонасидаги ноёб китоблари-чи? Нодир қўлёмалари-чи? Ҳануз дарак йўқ. Шаҳар қамалда. Шайх шуни йўлаб, кечаю кундуз изтироб оташида қовурилади.

Работ яқинига қўниб, чодирларни тикиб бўлгунимизча намози аср

бўлди. Намоздан кейин Шайх бир айланиб келамен, деб қирга чиқиб кетди.

Кун илиқ. Қир-адирлар кўм-кўк, кўрган кўз қувонади. Чамаси, бу ерларга амир Масъуд лашкарлари етиб келмаган, узоқ-яқиндаги кичик-кичик қишлоқлар осойишта.

Шайх кун ботиб, қош қорайганда қайтиб келди. У яна қаттиқ ҳаяжонда эди.

— Ажаб ҳол!— деди Шайх.— Бу дашт, бу адирлар худди Бухоро теварагидаги дашту адирларга ўхшайди. Анов қишлоқлар эса, ё тавба!— худди камина таваллуд топган Афшонанинг ўзи. Баайни ўзи!..

Шайх шундай деб кўзига ёш олди.

— Таваллуд топган жойларингизни соғинибсиз, устод,— дедим.— Боғдодни қўйиб, Бухоро томон йўл олайлик!

— Қошкийди, Бухорони кўрмоқ насиб этса!— деди Шайх маъюсланиб.— Сен билмайсен, болам, у ерда Алитегин деган бир ҳоким бор, бу ҳоким олдида амир Масъуднинг этагида намоз ўқиса бўлур!

Шайх шундай деб, қалам-қоғоз келтиришни илтимос қилди.

— Букун «Китоб ал-Инсоф»ни қайта тиклашга уриниб кўрайлик, деди Шайх.— Мен айтиб турамен, сен ёзасен!..

Шайх ҳамиша шундай қилади. Бошига бир мусибат тушса ёхуд аламли йўлар юрагини исканжага олса, ҳамиша ўзини иш билан овутади, ҳамма нарсани йиғиштириб қўйиб, бирор асарини ёзмоққа киришади.

Букун ҳам биз тун ярмигача иш билан машғул бўлдик. Мен «Китоб ал-Инсоф»нинг қўлёзмасини ўқиган эдим, бироқ ёдимда яхши сақланиб қолмаган эди. Шайх эса, ҳаммаси ёдида экан, чодирда у ёқдан-бу ёққа юриб, айтиб турди, мен айтганини ёзиб бордим. Шу тариқа тун ярмигача йигирма саҳифани тўлдирдик. Тун ярмидан ошганда Шайх иккимиз чироқни ўчириб, тўшак ёзиб ётдик. Камина чарчаган эканмен, дарҳол ухлаб қолдим. Бир маҳал уйғониб кетсам, Шайх уйқудан турган экан. Шам ёқиб, эгнига қуроқ жанда, бошига эски кулоҳ киймоқда эди. Мен ҳайрон бўлиб, ўрнимдан турган эдим, Шайх:

— Таваллуд топган жойларим ёдимга тушиб, кўзимдан уйқу қочди,— деди.— Сен ухлайбер, болам, камина атроф-теваракни бир айланиб келамен.

Мен ундан, нечун устингизга жанда, бошингизга кулоҳ кийдингиз деб сўрадим. Шайх: «эҳтиёт шарт, деб жавоб қилди.

Шайх шамни ўчириб, чодирдан чиқди, мен қайта ётиб ухлаб қолдим.

Убайд Жузжоний хотираларидан.

2

Ибн Сино тунги шудрингда ҳўл бўлган чодир этагини кўтариб, ташқарига чиқди.

Бепоён дашт артилган тилладай тиниқ йирик юлдузларга тўла, гўё осмон билан дашт қўшилиб кетган-у, оппоқ йирик юлдузлар баҳорги гиёҳлар орасига тариқдай сочилиб кетган, гўё уларни ҳовучлаб териб олса, ҳовучлаб сочиб юборса бўлади.

Ибн Сино, тўсатдан юраги «шиғ» этиб, чодир ёнида тўхтади. Нигоҳи олдига худди мана шундай илиқ тун қўйнида, тупроқ йўлда кетаётган ҳўкиз арава келди, арава узра аста айланаётган тунги осмон ўшанда ҳам мана шундай оппоқ, мусаффо юлдузларга тўла эди.

— Бибижон!

— Ҳов, олтиним? Нечун ухламайсен?

Қоронғида тилла тақинчоқлар нозик жаранглайди, сўнг, уч-тўрт яшар гўдакнинг димоғига «гуп» этиб сут ва иссиқ нон ҳиди уради. Кичкина Абу Али, онаси Ситорабонунинг илиқ кафтини тутиб, чўлп-чўлп ўпади, юзига, кўзларига суртади.

— Бу юлдузлар қайдан келган, бибижон?

— Уларни олло яратган, олтиним.

— Олло қайда, бибижон?

— Етти қават осмоннинг устида, арши аълода. Ухла, қўзичоғим...

Сут ва иссиқ нон ҳиди уфурган майин қўллар гўдакнинг юзини меҳр билан силаб кўрпани ёпмоқчи бўлади, бироқ гўдак бетоқат тирчиллаб, кўрпани очиб ташлайди.

— Бу юлдузларнинг оти борми, бибижон?

— Бор, олтиним, уларни уламолар билади. Катта бўлганинда сен ҳам уламо бўласен... Шунда ҳаммасини билиб оласен.

— Йўқ, бибижон, мен биламен. Хув анов, қоқ тепадаги катта оқ юлдузни Олтин Қозиқ дейдилар. Олтин қозиқнинг остидаги етти юлдузнинг номи Дубби акбар. Анов чеккада ялтираб турган юлдузни Уторид юлдузи дейдилар, бибижон!

Гўдак сўзини тугатолмайди. Тўсатдан юзида, пешонасида онасининг иссиқ лабларини ҳис этади, кўз ёши аралаш пичирлаб айтган гаплари арава ғилдирақларининг ғижир-ғижирини босиб кетади:

— Илоё, бу зеҳни ато қилган тангрим ўз паноҳида асрагай сени! Илоё, умринг узоқ, юлдузинг ёруғ бўлғай, болажоним! Энди ухла, қўзичоғим. Ҳозир Афшонага етиб борамиз. Уриқлар довучча туккандур! Гулрухсор опанг довучча териб, сени кутиб ўтиргандур? Ухла, олтиним!

Гулрухсор — тоғасининг катта қизи. Тўрт яшар Абу Али уни ўз туғишган опаси Гулнорадан ҳам яхши кўради. Гулрухсорнинг қўллари онаси Ситорабонунинг қўлларидан ҳам майин, мулойим, чиройли. Кўзлари осмондай кўм-кўк, тили новвотдан ҳам ширин. Гулрухсор ҳовуч-ҳовуч тут териб, Абу Алига тутади, Абу Али эса, худди охурдан ем еган тойчоқдай, унинг ҳовучига тумшугини тикиб, садафдай-садафдай марварид тутларни битта-битта териб ейди, еб бўлиб, аллақандай хушбўй гиёҳлар атри уфурган нозик бармоқларини ўпади, битта-битта ўпади. Гулрухсор қотиб-қотиб кулади. Унинг кулгисидан завқланган Абу Али яна ўпади, қайта-қайта ўпади. Кечалари эса, Гулрухсорнинг райҳон ҳиди қелган юмшоқ, силлиқ сочларини ўйнаб ётади, юзини унинг оппоқ, майин сийнасига босиб ухлашни яхши кўради.

— Бибижон!— дейди Абу Али энтикиб.— Мен опажонимни яхши кўрамен, бибижон!

— У ҳам сени яхши кўради. Ухла, олтиним, ухлаб тур, опажонингни кўрасен!

Эвоҳ! Гулрухсорни кўриш насиб этмайди. Абу Али эрталаб юракни тилка-пора қилғувчи йиғи ва фарёдлардан уйғониб кетади. Арава тоғасининг чорбоғи ёнида турипти. Эшик олдида тумонат одам. Онаси Ситорабону ўзини кўк мато ёпилган тобутга ташлаб, фарёд чекмоқда. Абу Али нима бўлганини англай олмайди, лекин кўк мато ёпилган тобутни қучоқлаб йиғлаётган онасини кўриб, аравадан сакрайди-ю, онасига қўшилишиб, у ҳам фарёд чекади.

Тун. Тўрт яшар Абу Али ўз ҳовлиларида, катта шотут тагидаги супада ётипти. Тепасида, иягини тиззаларига қўйганича, Ситорабону мунғайиб ўтирипти. Гўдак кўзини очиши билан онасининг ёш тўла кўзларини кўради.

— Бибижон! Нега йиғлайсиз, Бибижон?

— Нега йиғламайин? Опажонингни бериб қўйдик, олтиним.

— Опажонимни кимга бердингиз, бибижон?

— Опажонингни фаришталар олиб кетди, олтиним!

— Фаришталар опажонимни қайга олиб кетдилар, бибижон?

— Жаннатга, олтиним, боғи фирдавсга олиб кетдилар, қўзичоғим...

— Опажоним жаннатдан қачон келади, бибижон?

— Кошқийди келса, олтиним! Қим билсин, Бухорода бўлиб яхши ҳақимлар кўрганида шифо топиб, тузалиб кетармиди опажонинг! Бу ерда на бир яхши табиб бор, на бир ҳақим, не чора, олтиним?

— Яхши ҳақим деганингиз не, бибижон?

— Катта бўлганинда биласен, олтиним. Хасталарни даволагувчи алломаларни ҳаким дейдилар. Қим билсин, яхши ҳаким бўлганида опажонингдан айрилиб қолмасмидик, олтиним?

— Бибижон! Катта бўлганимда ҳаким бўламен. Опажонимни даволаб, жаннатдан олиб келамен, бибижон!

Гўдак сўзини тугатолмайди. Ситорабону ўглини бағрига босади-ю, кўз ёшлари билан гўдакнинг юзини ювиб, уни қайта-қайта ўпади.

— Илоё, фаришталар омин дегай бу сўзингга, олтиним! Омин дегай!

Ажаб ҳол! Ошини ошаб, ёшини яшаб дегандай, элликдан ошиб қолганида маъсум гўдаклик чоғларини эслаб изтиробга тушса? Бу маъюс ўйларнинг сабаби не? Ҳамадон сарҳадидаги бу кўм-кўк дашт Бухоро даштларини ёдига солганиданми ё олисидаги анов қишлоқлар у таваллуд топган суюкли Афшонани эслатганиданми? Агар фақат эслатгани учун юраги шундай питирласа, она юртини кўрганда қай аҳволга тушади? Мусофирликда неча бор тушларига кириб чиққан Бухоро кўчаларидан қайта ўтса, Афшона боғларига кириб, гўдаклик чоғларигагидек, ўз қўли билан тут ва довучча териб еса не бўлади?

Тонг яқин. Ана, олис-яқинларда хўрозлар қичқирди, эшаклар ҳангради, ҳар жой-ҳар жойда чўкиб ётган туялар, тушовланган отлар кўзга ташланди, работ қўрғони томонда гулхан ёқиб, исиниб ўтирган сарбозларнинг гангир-гунгур овозлари қулоққа чалинди.

Ҳа, Ибн Сино янглишмаган, ям-яшил майсалар билан қопланган бу дашт, кўкни тўлдирган бу оппоқ юлдузлар, гуркираб ўсган шувоқ ва ёвшанлар, какра ва ёнтоқларнинг хиёл тахир, ўткир бўйлари, уларнинг бетакрор атри — ҳамма-ҳаммаси Бухоро заминини, Бухоро гиёҳларини эсга соларди!

Ибн Сино гиёҳлар тўғрисидаги илк сабоқларни аввал машҳур араб алломаси Абубакр ар-Розий, кейин Буқрот ҳаким билан Жолинус китобларидан ўқиб билган, бироқ энг катта илми Афшона қирлари ортидаги саксовулзор қумликларни яёв кезган чоғларида, авом бўлса ҳам гиёҳлар сирини яхши билган чўпон-чўлиқлар даврасида орттирган эди!..

Яна дард, яна бемор, яна доривор гиёҳлар! Қачон бу ўй хаёлидан кўтарилиб, бир он ором беради унга?

Даштни чулғаб олган ҳарир туман сал тарқаб, осмоннинг машриқ томони оқара бошлади, кўкда гуж-гуж ёнган юлдузлар сийраклашди. хиралашди. Оёқ остида гиламдай ястанган майсалар — тўпиққа келган ёвшан ва шувоқлар, митти шамлардай ялт-ялт этган чироғпопар, ер бағрини игнадай тешиб чиққан пиёзи анзурийлар, бу қирларни безаш орзусида, данакдай-данакдай мева туккан лола-қизғалдоқлар, ўткир тиканаклар билан ўралган янтоқлар, мовий гулчаларга безанган нохатак ва читиргуллар, какра ва ёввойи бедалар эрталабки шудрингда чўмилиб, аллақандай яшнаб кетган. Ибн Сино уларнинг бетакрор муаттар ҳидларини ҳидлаб тўймас, назарида, гўё ҳамма гиёҳлар унга эркаланиб боқаётгандай, гўё «мени танидингми, мен қайси дард, қайси касалга малҳам бўлишим ёдингдами», деб илтижо қилаётгандай туюлар, у ерга тиз чўкиб, бу гиёҳларни аста силаб қўйгиси, кўзларига суртгиси келарди!

Ибн Сино қир ёнбағрида ўсган сада тагида тўхтаб, тўйиб-тўйиб нафас оларкан, шогирди Абу Убайд ал-Жузжонийнинг бир сўзи ёдига тушиб ичида кулиб қўйди.

— Устод! Сиздан бир сўз сўрасам майлими?

— Хўш?

— Айтадиларким, сиз ўт-ўланлар тилини билар эмишсиз. Қирмақир, даштма-дашт юриб, гиёҳлар билан сўзлашар эмишсиз. Гиёҳлар сизга бўй чўзиб, «мен фалон дардга давомен, мен писмадон касалга шифо бўламен», деб сир-асрорларини баён қилишар эмиш. Шу гап ростми, устод?

— Хўш-хўш?

— Айтадиларким, бир хастанинг дардига даво тополмай, кўнглингиз гаш бўлиб, тоғларга чиқиб кетган эмишсиз. Тоғма-тоғ юриб гиёҳлар билан сўзлашган эмишсиз. Шунда бир гиёҳнинг сўзи сизни лол қолдирган эмиш. Бу гиёҳ ўша, бевақт оламдан ўтган хастанинг дардига даво экан. Шунда сиз қаттиқ куюниб гиёҳдан:

— Нечун бу сўзингни аввал айтмадинг?— деб сўраган эмишсиз.— Ё кечлик қилмасмикин? У шўрлик ҳали дафн қилингани йўқ, сени олиб бориб, муолижа қилиб кўрсаммикин?— деган эмишсиз. Шунда гиёҳ ҳам таассуф билдириб: «Йўқ, ҳақими ҳозик, мен ул шўрликнинг дардига даво бўлур эдим, бироқ ажалга даво бўлолмаймен!»— деб жавоб берган эмиш. Шу сўз ҳақиқатми, устод?..

Ажал! Ҳаёт ва ўлим! Мана, сал кам қирқ йилдирки, бу ечилмас тугун Ибн Синонинг хаёлини бетиним банд этиб келади, бу чигал сир-афрорнинг тагига етиш орзусида у қай кўчаларга кириб чиқмади, неё доруларни яратмади! Ажаб ҳол: ёшликда, Бухоро ҳоқими Нух ибн Мансурни даволаб, унинг кутубхонасидаги Абу Бакр ар-Розий, Буқрот ҳаким ва Жолинус китобларини «чайнамай ютиб» юрган чоғларида, келгусида унинг учун ечилмайдиган жумбоқ бўлмаслигига, ҳатто ажалга ҳам даво топишига амин эди. Энди эса, минглаб гиёҳлар сирини англаб, сержумбоқ табиатнинг кўп ҳодисаларига тушунганида эса, ёшлик орзуларининг пучлигига инонди. Ҳайҳот, табиат сирларини ўргангани сайин унинг тағи чуқурлашиб бормоқда, бир жумбоқни ечса иккинчиси, иккинчисини ечса, учинчиси рўбарў бўлади. Мана, соқолига оқ оралаб, кўзидан нури, белидан қуввати кета бошлади ҳамки, илм бобидаги бу қувди-қочдининг интиҳоси кўринмайди.

Дуруст, у энди табиат сирларининг ибтидосини билади. Тирик мавжудот борки, чумолидан тортиб баниодамгача — ҳаммаси тўрт унсурдан — тупроқ, сув, олов ва ҳаводан барпо бўлгани аён унга! Бу оламнинг яратилиши, табиат ҳодисаларининг бир-бирига чамбарчас боғланиб кетиши метин бир қонуниятга асосланганини, қонуният эса, ўз навбатида, буюк бир зарурат пойдеворига қурилганини англаб олди. Фақат бу қонуниятнинг тагига етмоқ, бу улур заруратни англамоқ қолди, холос. Англамоқ учун эса, ақл-идрокка суянмоқ зарур. Шунинг учун ҳам у, авваламбор кўкка, иккиламчи, ақл-идрокка сиғинади, ақл-идрок олдида бош эгади.

Ҳа, бу тафаккур, бу ақл-идрок баниодамга фақат бир мақсадда, ўзи яшаган бу оламни билмоқ, табиат сирларини англамоқ ва ниҳоят, оқу қорани таниб, ўз ҳаётини инсоф ва адолат асосига қурмоқ учун ато қилинган! Баниодам эса, эвоҳ, ҳануз чиркин истак ва тубан ҳиссиётлар тузоғидан чиқолмайди! Шу бойсдан ўзи янглиғ одамлар устидан ҳоким бўлиш истагида ёнган султон Маҳмуд каби фотиҳлар қўлида кўғирчоқ бўлиб юрибди! Шу бойсдан уларга донолар сўзидан мустабид шоҳлар амри аъло туюлади, донолар қолиб, фотиҳлар сўзига юради!.. Умр эса, ҳайҳот қисқа экан, ўлим, эвоҳ, ҳақ экан!

«Ўлим» сўзи хаёлига келиши билан негадир яна ёшлик йиллари эсига тушди, «Жўйи Мўлиён» кўчасининг охиридаги «Доруш шифо» шифохонаси кўз олдида келди.

Зимистон тун. Шифохона уйқуда. Энг чеккадаги чоғроққина ҳужрада Жолинус китобидан илми ташриҳга¹ оид бобини кўздан кечириб ўтирган ёш табиб Абу Али эшик тақиллаганини эшитиб, чўчиб бошини кўтаради.

Бўсағада... устига тўн устидан узун оқ ридо кийиб, оғзини оқ рўмол билан боғлаб олган устод Абу Мансур Қамарий²— олло унга жаннатдан жой ато қилгай!— шогирдига синовчан тикилиб турипти. Устод билан шогирд музхонага тушиб, ўша куни оламдан ўтган бир гадонинг мурдасини ёриб кўрмоқлари лозим. Абу Али бунга билади. Шунинг учунми ё устоднинг устидаги оқ кийими сабабми, бўсағада турган ус-

¹ Илми ташриҳ — анатомия.

² Абу Мансур Қамарий — Бухоролик табиб, Ибн Синонинг илк устози.

год — устод эмас, марҳумнинг арвоҳи бўлиб туюлади-ю, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетади.

«Доруш шифо» ҳовлисининг энг чеккасида, минг хил доривор гиёҳлар сақланидиган чоғроқ хона, хонанинг тагида эса, ёзда ҳам қишдагидай салқин турадиган катта ертўла бўларди. Хасталар у ёқда турсин, ҳатто қоровуллар ҳам чўчиб, четлаб ўтадиган бу «музхона»да марҳумлар жасади сақланар, то қариндош-уруғлари келиб олиб кетгунча жасадалар шу ерга қўйилар эди.

Зимистон кеча... Ҳамма уйқуда, ҳатто қоровуллар ҳам пинакка кетган, ҳовлида тиқ этган товуш эшитилмайди.

Устод, оёқ учида юриб, ҳовлининг машриқ томонига ўтади, у ердаги бостирма тагига киргач, тик зиналардан юриб, «музхонага» тушади-да, қўлидаги шамни ёқади.

Абу Али ўша кунгача устод раҳбарлигида қўй-эчки ва ит-мушукларни сўйиб, ички аъзоларини ўрганиб юрган бўлса ҳам, одам мурдасини ёриб кўришни ўйламаган, шу боисдан бўлса керак, унинг аъзойи баданида чумолилар ўрмалайди.

Марҳумнинг жасади махсус қурилган баланд сўрига қўйилиб, устига бошдан-оёқ оқ мато ёпилган.

Устод, эшик занжирига ишонмай, уни ичидан тиргаклайди, сўнг, марҳумнинг бош томонига чўккалаб, узоқ тиловат қилади. У «Сураи ихлос»нинг узун йўлини ўқийди. Абу Али эса пойгакка чўнқайиб, сурани сўзма-сўз такрорлайди. Ажабо, тиловатдан сўнг унинг кўнгли хиёл тинчигандай бўлади, гўё улар «бу куфр» ишлари учун марҳумдан афв сўрайдилар-у, сўроқлари ижобат бўлади!

Музхонанинг даричаси йўқ, кундузлари фақат эшикдан шуъла тушар, эшик ёпилса ертўла зимистон бўларди. Устод, ўзи олиб келган шамларни битта-битта ёқиб, токчаларга қадаб чиқади, тиловатдан сўнг сал ҳушига келган Абу Али эса, наштарларни, жом ва қумғонларни тайёрлайди. Ҳамма нарса тахт бўлгач, устод ҳамон пичир-пичир дуо ўқийганича, мурданинг юзидан оқ матони олади...

Бир кун аввал оламдан ўтган бу гадо сўрида чалқанча ётар, унинг кўзлари очиқ қолган, у гўё тириг-у, уларнинг ишини кўп хушламай, жимгина кузатиб ётганга ўхшарди.

Йиллар ўтади. Илми ташриҳни мукаммал билмоқ ниятида Ибн Сино яна кўп мурдаларни пинҳоний ёриб кўради, ҳар бир аъзонинг ҳолати ва тузилишигина эмас, бу аъзоларнинг энг майда қон томирларигача текширади, ўрганади. Зотан, Буқрот ҳақимнинг «Қимни дору тузатмаса, гиёҳ тузатади, кимни гиёҳ тузатмаса, пичоқ тузатади, кимни пичоқ тузатмаса, ўлим тузатади», деган нақлига амал қилиб, пичоқни шифо бобидаги ўзининг энг ишончли қуролига айлантиради. Лекин «Доруш шифо»даги бу ертўла, ертўланинг тўрида гўё тирик одамдай уларга жимгина тикилиб ётган кўзи очиқ бу гадо!.. Йўқ, кўнглига мудҳиш қўрқув солган бу оқшом ҳеч қачон эсидан чиқмайди унинг!

Устод эса... шогирдининг совуқ ваҳима оғушида титраб турганини кўриб:

— Олло ўзи кечиргай, болам!..— деб шивирлайди.— Камина ёшимни яшаб, ошимни ошаб бўлганмен. Бу ишни мен, авваламбор, сен учун қилмоқдамен. Худованди карим ўз бандасини қандай яратган — буни билмоқ гуноҳ эмас, болам. Билъакс, яхши табиб буни билмоғи даркор, даволаш борасида фойдаланмоғи даркор! Ҳамма нарса оллодан, болам, аммо яратувчи ўз бандасига ақл-заковатни шу матлабда инъом этганким, у ҳаммасини билмоғи лозим! Бас, даволаш йўлларини билмоқ — биз, ҳақимлар учун ҳам фарз, ҳам қарзур! Қўрқма, болам, наштарни қўлингга олиб, яқинроқ кел!

Устод шундай деди-да, ҳамон билинар-билинемас қалтираган қўллари билан мурданинг қорнига наштар солди...

Ҳа, Ибн Сино табобатга ихлос қўйибдики, оламда неки дард бўлса, ҳаммасини билишга ҳаракат қилди, уларга даво ахтариб, сал кам

уч минг гиёҳнинг шифобахш сирларини ўрганиб чиқди. Бу дардлар тафсири «ал-Қонун» китобининг беш жилдини, доривор гиёҳлар баёни эса «аш-Шифо» асарининг икки жилдини ташкил қилди!.. У касалликларни иккига, яъники мураккаб ва содда касалликларга ажратди ва шунга қараб мураккаб ва содда дорулар яратди. Юзларча шифобахш гиёҳлар ва неъматлар бирикмасидан ясалган бу мураккаб дорулар ожизлик қилганида жарроҳлик санъатини ишга солди. Унлаб жарроҳия асбобларини, ҳуқна¹ қилишнинг янги йўлларини ўйлаб топди. Ва шу йўсин минг-минг хасталарнинг давосиз дардларини даф қилиб, дуоларини олди. Фақат, ҳайҳот, ўлимга даво топмади!

Хаёт не? Улим не? Агар бу норасо оламдан бошқа олам, бошқа ҳаёт бўлмаса баниодан нечун келиб, нечун кетди?

Ҳар сафар унинг дорулари қор қилмай бирор ожиз банда қўлида жон таслим қилганида бу нотинч ўйлар, бу шаккок фикр унга ойлаб тинчлик бермайди!

Е тавба! Бу ғалати ўйлар қайдан келди? Хаёли нечун бунчалик паришон бугун? Бунчалик ҳазин? Наҳот бунга сабаб Бухоро қирларига ўхшаш бу кўм-кўк қирлар бўлса? Афшонани эслатувчи анов кўм-кўк қишлоқлар бўлса?

3

Қирлар устидаги оқиш туман тарқаб, дашт бутун латофати билан намоён бўлди. Ана, кўкдаги сийрак оқ булутлар ловуллаб ёна бошлади, қирлар ортидан кўтарилган офтобнинг сержилва ўйноқи нурлари гиёҳлар баргидаги шабнам билан ўпишиб, бутун даштни ажиб бир шуълага чўмилтирди-ю, йироқдаги боғлар боягидан ҳам яшнаб кетди.

Боғлар орасида пастак, япаски ўйлар элас-элас кўринар, фақат қишлоқ ўртасидаги улкан мачитнинг қуббадор гумбази чарақлаб турар, у худди Афшона мачитини эслатар эди. Жума кунлари Афшона мачитига яқин теваракдаги қишлоқларгина эмас, ҳатто Бухородан ҳам намозхонлар дарёдай оқиб келар, мачит олдидаги майдон ва чорраҳалар, турнақатор расталар, дўкон ва дўкончалар от сурган зодагонларга, ҳаммаси бирдай оппоқ кийинган уламоларга, зикр тушган қаландарлар, тиланчилар, гадолар, моховлар, оёқ-қўлларидан айрилган майиб-мажруҳларга тўлиб кетар, боғлар билан қуршалган Афшона қальаси ари уясидай гувиллар эди...

Афшона! Яна Афшона! Мана, сал кам ўттиз йилдирки, бир зум ёлғиз қолса лоп этиб кўз олдига туғилган қишлоғи келади, Афшонанинг боғлари, кўм-кўк қирлари, ҳадсиз сайхонликлари ёдига тушади.

Ибн Сино бир-бир босиб рўпарадаги қирга чиқди. Қир этагидан катта анҳор ўтарди. Анҳорнинг у юзида, бўз яқтак кийган бир неча болалар сигир боқиб юришар, олисроқдаги ялангликда омовларига ҳўкиз ва хачир қўшиб ер ҳайдаётган деҳқонлар кўзга чалинарди.

Е тавба! Афшона чеккасидан ҳам худди мана шундай анҳор ўтар, анҳорнинг чап соҳилида бепоён қовун полизлари ястаниб ётарди.

Бу полизларда ширин-шакар амирийлар, босволдилар, саҳар пайти тун сукутини бузиб карс-карс ёрилғувчи шакарпалак тўрламалар, катталиги муштдеккина бўлса ҳам, шарбати тил ёрғувчи қора қовунлар ўсарди. Қичкина Абу Али кечалари қамиш қапа ёнидаги шоҳсупада илк устози Нотилийнинг пўстинига ўраниб ётиб, осмон тўла юлдузларни санашни яхши кўрарди. Субҳидам эса, карс-карс ёрилган тўрламаларнинг овозидан уйғониб кетар, совуқдан дир-дир титраб полизга тушар, шудрингда чўмилган муздай палакларни ялангоёқ ора-лаб, ёрилган қовун парчаларини териб ейишни севар эди!

О, болалик! Беғубор, беташвиш болалик! Кечаси учган юлдуз янглиғ «ялт» этиб, бир чақнадинг-у, ўтдинг кетдинг!

¹ Ҳуқна — клизма.

Бир-биридан маъюс, аммо аллақандай тиниқ эсдаликлар худди тасбеҳ мунчоқларидай бир-бирига уланиб борарди.

Авжи баҳор. Афшона теварагидаги ям-яшил сайҳонликда оқ, жи-гарранг, қора-қизғиш ўтовлар саф тортган, анҳор ёқасидаги тепаликка эса ранг-баранг ипак тасмалар билан безатилган ўн икки чанғароқли улкан оқ ўтов тикилган. Ўтовнинг тўрида, баланд қилиб тўшалган оқ кигизлар устида, узун тимқора сочларига беҳисоб кумуш танга ва митти қўнғироқчалар тақилган бир қиз ётибди. Қизнинг кўзлари юмуқ, мажолсиз, нимжон қўллари баланд тўшакдан сирпаниб тушиб, ҳол-сизгина осилиб қолган.

Ёш табибни ўтовга бошлаб кирган кулча юзли, бодомқовоқ кани-зак аста бориб тўшак олдига тиз чўкади. Шунда шарпани сезган қиз қалин киприкларини базўр очиб, пойгакда жимгина тикилиб турган ёш табибга қарайди, қарайди-ю, «қулт» этиб ютинади. Ютинганда гў-дакнинг томоғидай нимжон, оппоқ томоғининг остидаги мошдек қора холи қандайдир ожизгина қимирлаб қўяди...

...Ибн Сино, гўё бу воқеа бундан ўттиз йил бурун эмас, ҳозир со-дир бўлгандай, юраги аллақандай жижиллаб кетди.

Ҳа, Бўтақўзбегим деган бу саҳронишин сулув ҳам унинг ҳаёт осмонида бир лаҳза ёнган ёруғ юлдуздай ярқ этди-ю, ўтди-кетди!

Нечора? Баниодам ҳаёти шундай қисқа экан, ҳам қисқа, ҳам ғурбатга тўла экан! Ҳайҳот! Унинг болалик йилларини ёруғ нурга йў-ғирган бу меҳри дарё инсонлардан кимлар қолди? Кимлар бор? Олло-га шукр, падари бузрукворини ўз қўли билан Бухоро тупроғига дафн этди, онаизорини эса, дафн этиш насиб ҳам қилмади. Синглиси Гур-ганжда қолди, ёлғиз иниси Абу Маҳмуд эса... ўликми, тирикми, ёхуд унинг кутубхонасини асрайман деб, ёнғин ичида қолдими — мана, не-ча кундирки, бу нотинч ўй Ибн Синога на уйқу беради, на ором!

Ота-она, қариндош-уруғларининг қисмати шу бўлди! Она юрти-чи?

Айтишларича, иликхонлар авлодидан бўлмиш амир Алитегин Бу-хорони кўп хушламас эмиш. Қишда шаҳарда турса ҳам, ёзда кўнгли-га яқин даштларга кўчиб чиқар эмиш, беҳисоб ўтовлар қурдириб, ку-ни ов билан, улоқ ва кўпкари билан, қўшни шаҳарларга қирон кел-тириш билан ўтар эмиш!

Алитегин ҳам майли, султон Маҳмуд-чи?

Машриқда Ҳиндистон, Мағрибда Хуросон етмагандек, султон бун-дан уч-тўрт йил муқаддам Бухоро ва Самарқандга ўн минг жанговар фил билан бостириб борган эмиш. Ўн минг жанговар фил баробар қа-дам ташлаганда Бухоро тупроғи ларзон-ларзон бўлган эмиш, бир жой-да тўхтаб, баробар наъра тортганда эса осмону фалак зир титраган эмиш!..

Ажабо, мана энди у, кимсан Ибн Сино, Бухорога қирғин-барот кел-тирган шу султонни даволамоғи даркор эмиш, бедаво дардига даво топиб, бошқа қирғинларга йўл очиб бермоғи лозим эмиш! Бунинг учун эса султон макон қурган Ғазнаи мунавварага бормоғи даркор эмиш!

Рост, ожиз банда, унинг ўзи ҳам одил подшо қидириб кўп янглиш-ди. Шамсуддавла ва маликаи Саида каби ақли кўтоҳ гумроҳларни инсоф ва адолат йўлига соламан деб, умрининг энг масъуд йилларини йўқотди. Шу ниятда ҳатто уларга вазирлик ҳам қилиб кўрди. Ҳайҳот, шон-шухрат ишқида ёнган бу жоҳил ҳокимларнинг тубан истақлари олдида унинг эзгу орзулари бамисоли тошга теккан ойнадай чил-чил синди. Ва лекин... бу дунёда ҳамма нарса нисбий! Биргина Ҳиндистон-га ўн етти марта юриш қилиб, неча-неча шаҳарларни вайрон қилган, қалъалар ва ибодатхоналарга яширинган минг-минг заифалар, нора-сидалар, майиб-мажруҳлар устидан тириклайин ўт қўйиб юборган султон Маҳмуддай жаҳонгир олдида Ибн Сино хизмат қилган гумроҳ ҳокимларнинг этагида намоз ўқиса бўлади!

Бундан беш-олти йил муқаддам Исфаҳонга келган Ҳиндистонлик бир сайёҳ гапириб берган эди. Ҳиндларда «Жавоҳир» деган бир русум бўлар эмиш. Шундайким, эрлар жанг-жадалда ҳалок бўлсалар хотинлар

ўзларини ўтга ташлар эмиш. Султон Маҳмуд бостириб борганида эрларининг жанг майдонларида ҳалок бўлганини кўрган минг-минг хотинлар, гўё жаҳонгир келтирган қатли бедод етмагандай, ўзларини оловга ташлаб ўлган эмиш!..

Ҳинд сайёҳи буни оппоқ соқолини кўз ёшлари билан ювиб гапириб берган, Ибн Сино эса унинг мудҳиш ҳикоясини зир титраб эшитаркан, султоннинг юзини бу дунё, у дунё кўрмасликка онт ичган эди!

Фақат бир нарса Ғазнаги ўйлаганда унинг юрагини аллақандай жизиллатиб юборади — у ҳам бўлса устод Беруний билан дийдор кўришиш истаги! Улар сўнг бор кўришганларига, тўғрироғи, кечаси Гурганж дарвозасидан пинҳона чиқиб, қалин саксовулзор орасида сўнг бор видолашганларига неча йил бўлди? Мана, сал кам йигирма йил бўлибди. Шундан кейин илмий муаммоларга оид уч-тўртта мактуб ва сайёҳлар орқали етиб келган узуқ-юлуқ гапларни ҳисобга олмаганда, устоддан дарак йўқ. Баъзи хабарларга қараганда, устод Беруний Гурганжни тарк этиб, Ғазнага боргандан кейин у ерда катта расадхона қурган, расадхонаси султонга маъқул тушиб, уни ўзи билан бирга Ҳиндистонга олиб кетган. У ерда устод ҳиндлар тилини ўрганиб, аввал султонга тилмочлик қилган, кейин эса, бу юрт ҳақида, унинг тарихи, илми ҳикматлари, урф-одатлари, қўшиқ ва дostonлари, ҳикоят ва ривоятлари тўғрисида катта китоб ёзиш мақсадида Ҳиндистонда узоқ фурсат қолиб кетган.

Бу гапларнинг қайси бири рост, қайси бири ёлғон — Ибн Сино аниқ билмайди. Лекин ёшликдаги учрашувлари, суҳбатлари, айниқса Гурганжда, «Мажлиси уламо»даги баҳс-мунозаралари ёдига тушиб, қаттиқ соғинади. Шундай пайтларда китоб жавонидаги энг ноёб қўлёзмалар орасига яшириб қўйилган устоднинг мактубларини олиб ўқийди, қайта-қайта ўқийди. Рост, мураккаб табиат ҳодисалари ҳақида ёзилган бу мактубларда, устод уни қаттиқ койиган жойлари ҳам бор. Айниқса, муаллими аввал Арастунинг «Илоҳияти»га кўр-кўрона тақлид қилгансан деб, ундан норози бўлган сатрлари ҳам йўқ эмас, бироқ бари бир, нечундир уларни қайта-қайта ўқиркан, устоднинг қорамтир шиддатли чехраси нигоҳи олдига келиб, юрагида яна ўша соғинч туйғуси ловуллаб ёнади...

Яқинда, ҳар шанба Ҳамадонда бўладиган уламолар мажлисида, Ғазна томондан келган бир савдогар ғалати бир гап айтди-ю, унинг кўнглида чўғдай милтираган соғинч туйғуси баттар яллиғланди.

Шундайким, устод Ҳиндистондан қайтиб келгандан кейин султон уни Осмон-маликаси қасрига тақлиф этган эмиш!

«Эй, алломаи замон! Илми-урфон орасида шундай гап борким, гўё сен ечолмайдурғон муаммо, сен билмайдурғон сир-асрор йўқ! Бу гап ҳақми ё лофми, буни синамоқ азмида ҳозир ўртага масала ташлаймен, ечсанг вазнинг баробар олтин оласен, ечолмасанг хумкалангни танагдан жудо қиламен!

— Марҳамат, айтинг масалангизни! деган эмиш устод.

— Масала шулким, сен ўлтирғон бу машваратхонанинг тўрт эшиги бор. Ҳозир фақир ўрнимдан туриб, шу эшикларнинг биридан кўчага чиқамен. Сен ақл-заковатда ягона бўлсанг, қайси эшикдан чиқишимни қоғозга ёзиб, ёстиғимнинг остига қўйиб кетасен. Орқангдан мен чиқамен, сўнг, жумбоқни тўғри ечингми, йўқми, — ёзган қоғозингни олиб ўқиб биламен!

Устод узоқ ўйлаб турмай хат ёзиб султонга берган эмиш, султон эса қоғозни ёстиқ тагига яшириб, усталарни чақиртирган эмиш, уларга машваратхона деворини буздириб, туйнук очдирган ва шу туйнукдан ташқарига чиққан эмиш. Сўнг ёстиқ тагидаги қоғозни олиб алломаларга ўқитдирган эмиш.

Субҳон олло! Қоғозда шундай деб ёзилган эмиш: «Олампаҳо тўрт эшикнинг ҳеч биридан чиқмайдур, деворни буздириб, туйнук очдирур ва шу туйнукдан ташқарига чиқадур!»

Бу ҳикояни эшитиб, бутун мажлис аҳли ёқасини ушлади. Ибн Синонинг юрагидаги соғинч учқунлари эса баттар яллиғланди...

Ҳа, Ибн Сино устодни бир кўриш, у билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашиш учун на йўл азобларидан қўрқади, на бошқа қийинчиликлардан. Аммо бу султон!.. Алломаларга телба-тескари масалалар бериб, улардан доно жавоблар кутгувчи бу телба ҳоким!..

Ногаҳон қир этагида хачир етаклаган бир одам кўринди. У тўппа-тўғри Ибн Синога қараб келарди. Ибн Сино негадир бу одам билан учрашгиси келмай, ўрnidан турди.

4

— Қайга шошасен, эй дарвиш?

Ибн Сино беихтиёр тўхтади. Унинг рўпарасида соч-соқоли ўсиб кетган, очликданми, бетобликданми кўзлари ичига ботиб, узун бурни сўррайиб қолган бир мўйсафид турарди. Мўйсафиднинг эғнида қуроқ-қуроқ бўз кўйлак, бўз чолвар, оёғида чилвир билан чандиб боғланган эски чориқ, хачирининг белидаги хуржуннинг бир кўзида катта сувқовоқ, бир кўзида бўйни чўзиқ сопол хум кўринар, афтидан, у яқиндаги работ мешкобчиси эди.

— Ассалому алайкум...

— Ва алайкум ассалом...— мешкобчи киртайган кўзлари билан Ибн Синога бир дақиқа синовчан тикилиб турди, сўнг:

— Муродинг қорин тўйдирмоқ бўлса... ё анов қишлоққа, ё работга бор,— деди ҳамон Ибн Синодан нигоҳини узмай.— Оллога ҳамду сано ўқиб, ризқ-рўзингни териб е! Сабаб бу қирларда дайдиб юрибсен, эй дарвиш?

Ё тавба! Соч-соқоли ўсиб кетган бу кекса мешкобчи кимгадир ўхшар, жуда-жуда ўхшарди!

Ибн Сино юрагига қуйилиб келган ички ғалаённи зўрға босиб:

— Пешонамга ёзилгани шу бўлса не қилай, эй бандаи мўъмин?— деди.

Мешкобчи, гўё бир нимадан чўчигандай сал орқага чекиниб: «ёпирай!» деб пичирлади.

— Девоналик жонингга теккан бўлса, бизнинг карвонга бор. Туякашлик қил! Устинг бут, нонинг ҳалол бўлур, фақир банда!

— Қайси карвон?

— Исфаҳондан чиқиб, Бухорои шарифга бораётган катта карвон!

— Бухорои шариф?

— Во ажабо! Бухорои шарифни эшитмаган гумроҳлар ҳам борми оламда? Донғи етти иқлимга кетган шаҳри мунаввардур Бухоро! Юрабер, ҳам зиёрат, ҳам тижорат бўлади сен учун!

Астағфирулло! Мусофир юртида сув ташиб юрган бу мешкобчини қаердадир кўрган у! Ҳа, Бухоролик... йўқ, Афсоналик бир кимсани эслатади бу мешкобчи! Жуда-жуда эслатади! Йўқ-йўқ, кексайганда қаёқдаги ўйлар келади кишининг хаёлига!

— Лутфу караминг учун ташаккур, биродар, аммо туякаш бўлишга кексалик қиламен!— Ибн Сино ҳаяжон ичида тескари бурилиб, пастга қараб йўналди, бироқ бир неча қадам юрмасдан мешкобчининг «Ё парвардигор!» деган хитобини эшитиб, беихтиёр тўхтади.

Кекса мешкобчи ҳануз ўз жойида турарди. Ибн Сино тўхтаб орқасига қараши билан унинг қўлидаги қамчиси ерга тушиб кетди, ўзи эса ёқасини ушлаб:

— Ё тавба! Абу Али?— деб хитоб қилди.

— Шокалон?!

— Абу Али?!— мешкобчи қўллари қалтираб олдинга талпинди-ю, негадир журъати етмай яна тўхтади.— Йўқ! Кўзларимга инонмаймен! Абу Али ибн Сино дарвиш бўлмиш? Донғи оламга кетган ҳақими дав-

рон Ибн Сино девона кийимида тиланчилик қилиб юрмиш! Бу не ҳол, э, яратган эгам?!

Ибн Сино ҳам ҳамон ўз кўзларига ишонмай лол бўлиб турарди.

«Ё раб! Телба тақдирнинг не ўйини бу? Ешлик биродари Шокалон бу мусофир юртларда мешкобчилик қилиб юрган бўлса!»

Шокалон патак соқоли дир-дир титраб Ибн Сино томон юрди. Икки дўст, кўзларида ёш, узоқ қучоқлашиб туришди.

— Астафидулло! Наҳот бу кўриб турганларим туш эмас, ўнгим бўлса, Абу Али?

— Сен-чи? Сенга не бўлди? Бу мусофир юртга қачон келдинг? Фақирга терс қараган телба тақдир сенга нечун терс қаради, Шокалон?

— Сўрама, Абу Али!— хитоб қилди Шокалон.— Сен сўрама, мен сўзламай, сўзлаб бағримни тигламай!— Шокалон киртайган кўзларини уқалаб Ибн Синога қаради-ю, учинчи бор:

— Йўқ, инонмаймен!— деб ёқасини ушлади.— Уз кўзларимга инонмаймен! Биз сени Ҳамадон ва Исфаҳонда вазири аъзам деб эшитган эдик, Абу Али!

Ибн Сино маъюс бош чайқаб:

— Фарқи не?— деб кулимсиради.— Вазири аъзамми, дарвишми, фарқи не, Шокалон?

— Йўқ! Ажаб дунё экан бу дунё, Абу Али! Таваллуд топган юртингда сенинг номинг одамлар тилида даври дoston, сен бўлсанг...

— Майли, Шокалон мени қўйиб Афшонадан сўзла! Бухоро қалай? Эл-юртнинг аҳволи нечук?

— О, Абу Али, Абу Али!— деди Шокалон бошини ғамгин тебратиб.— Эл-юртнинг аҳволини сўрама! Сен билган Афшонадан ёлғиз култепа қолган! Билмам, эшитдингми, йўқми, бундан тўрт-беш йил аввал Бухорога султон Маҳмуд бостириб келди.

— Минг таассуф, эшитдим.

— Эшитсанг... Афшона хонавайрон бўлди, Абу Али, хонавайрон! Боғ-роғлар жанговар филлар оёғи остида топталди, юртни эса қатли ом қилди ул бетавфиқ! Сен сўрама, мен юрагимни тигламай, Абу Али!

Ибн Сино бошини чангаллаганча узоқ сукутга толди.

— Эвоҳ! Бундан чиқди, сен ҳам фақирга ўхшаб... султон Маҳмуд тазйиқидан қочиб юрибсен, Шокалон?

— Йўқ, Абу Али!— деди Шокалон уф тортиб.— Камина бу мусофир юртга ёлғиз зурриётим Шоюсуфни қидириб келдим.

— Зурриётингга не бўлди?

— О, Абу Али, Абу Али!— деди Шокалон ўтирган жойида оғир тебраниб.— Тақдирнинг ўйинига чора йўқ экан! Уғлимнинг қисмати сенинг қисматингга ўхшади. Унинг ишқи Бўтакўзбегимнинг қизига тушди, Абу Али!

— Бўтакўзбегим!

— Ҳа, ғалати дунё экан бу дунё, Абу Али! Уғлим ҳам ўшал сен суйган бахтиқаро Бўтакўзбегимнинг қизини суйиб қолди. Ул ҳам сенга ўхшаб, маъшуқасининг висолига етолмай, «ёху» деб, бу томонларга бош олиб кетди!

«Бўтакўзбегим? Унинг қизи? Ё тавба! Бу шўрлик мешкобчи не дейди? Ақли-қуши жойидами бунинг ё бошига тушган мусибатлардан телбаланиб қолганми?»

— Во дариг! Бўтакўзбегим тирикми?

— Йўқ, шўрлик бегим,— олло унинг қабрини чароғон қилғай,— оламдан ўтди. Узинг даволаган зотилжам дарди олиб кетди ул нота-вонни. Бироқ ундан Қоракўзбегим деган бир ожиза қолган эди. Оллонинг қудрати билан қуралай кўзларидан тортиб, бўйнидаги қора холигача марҳуманинг ўзи эди! Не чора? Қисмати ҳам шўрлик Бўтакўзбегимнинг қисматига тортиди. Бултур кўкламда бек қўрғонини бир кечада қароқчилар босиб, Қоракўзбегимни ўғирлаб кетди. Уғлим эса... ўғлим мисоли бир шунқор эди, Абу Али! Қизнинг отаси ўғлимни ўзига сарбоз қилиб олган эди!

Шокалон дам-бадам уф тортиб, ўглининг бошига тушган мусибат-ни узоқ сўзлади. Унинг айтишича, бу сирни, бек қизини олиб қочган қароқчилар сирини ҳеч ким билмас эмиш. Бировлар, Қоракўзбегимни олиб қочган бебош саҳронишин беклар деса, бировлар Бухоро ҳокими Алитегин дер эмиш. Бундан тўрт-беш йил муқаддам, султон Маҳмуд Бухорога бостириб борганда Алитегиннинг кенжа хотини билан суюкли қизини асир қилиб олиб кетган эмиш. Алитегин уларни қайтариш умидида, бек қизини босиб олиб, уни Исфаҳонга, амир Масъуд ҳарамига инъом этиб юборган эмиш. Шокалоннинг ўғли эса, бу гапни эшитиб, маъшуқасининг изидан Исфаҳон томонларга бош олиб чиқиб кетган эмиш. Ота экан, Шокалон ҳам бу мусибатга чидай олмай, ёлғиз фарзандини қидириб келган эмиш...

Ибн Сино Шокалоннинг ҳиқоясини бирда илғаса, бирда илғамеди. Унинг хаёли худди уя қўйган жойларига талпинган қушдай яна Афшона томон парвоз қилди, кўз олдида эса улкан оқ ўтов тўрида ётган Бўтакўзбегим намоён бўлди! Йўқ, бу — илк бор кўрганида кўзлари жиққа ёшга тўлган ногирон Бўтакўзбегим эмас, бир ойлик муолижа сабаб, онадан қайта туғилган, худди бўталоқнинг кўзларидай қоп-қора серкиприк кўзларида шўх учқунлар пайдо бўлган тамом бошқа, латиф ва мулойим бир қиз эди!

Қандай дорулар ишлатган эди у ўшанда? Сал кам ўттиз йил ўтган бўлса ҳам ҳануз ёдида турипти: оқ туянинг қимронига янтоқ шакарини, мумиёга асалари сутини қўшиб берган, иштаҳа учун эса кўкнори қайнатмаси билан Миср сабрисининг шарбатини ишлатиб, шафтоли ва аччиқ бодом ёғида қовурилган барра қўзи гўштини буюрган эди!

Бу — ўзи кашф этган мураккаб доруларни иккинчи бор ишлатиши эди! Биринчи марта Бухоро ҳокими Нуҳ ибн Мансурни шифолаб, унинг бой кутубхонасига кириш бахтига эришган, иккинчи бор эса, Бўтакўзбегимни даволаб, унинг мулойим табассумига сазовор бўлганди.

Ҳануз нигоҳи олдида турипти. Бўтакўзбегим ўтовга кирган ёш табибни кўриб, қаддини ростлаб ўтиради, ростлаганида узун тимқора сочларига тақилган кумуш қўнғироқчалар ва нозик тилла ҳалқачалар ажиб овоз чиқариб жаранглаб кетади. Бегимнинг хатти-ҳаракатларида, чеҳрасида, боқишларида нимадир ўзгарган. Абу Али сезади: қизнинг нигоҳидаги бу ўзгариш фақат соғлиғи яхшиланганидан эмас, йўқ, унинг юрагида қандайдир қайноқ бир эҳтирос пайдо бўлган!

Абу Али юраги «жиз» этиб, бўсағада тўхтади. Бегимнинг лабларидаги, бўталоқнинг кўзларидай катта-катта маъсум кўзларидаги сирли табассум уни саросимага солади. Бегим эса ёш табибнинг саросимага тушиб, «дув» қизарганини кўради-ю, мулойим кулади:

— Келинг, ўлтиринг, ҳаким ҳазратлари! — дейди қиз, қўша-қўша билагузуклар тақилган нозик қўлларини ёш табибга чўзиб.

— Нечун мендан қочасиз? — деб сўрайди у, сўрайди-ю, тўсатдан кўзига ёш олади. — Келасиз, бироқ ёнимда лаҳза ўлтирмай, тагин қочасиз. Узун кун йўлингизга тикиламен... сиз эса... ёнимда лаҳза ўлтирмай қочасиз...

Бўтакўзбегим яна «қулт» этиб ютинади, ютинганда томоғидаги мошдеккина қора холи қандайдир ожизгина қимирлайди. Бу қора ҳол, йўқ, ҳол эмас, «қулт» этиб ютинганда унинг аллақандай ожиз қимирлаши ёш табибнинг юрагидан ўт чиқариб юборади.

— Сизнинг меҳр-шарофатингиз билан мен шўрлик бир ўлимдан қолдим, — дейди бегим. — Бу яхшилигингизни тоабад унутмаймен, ҳазратим!

«Ҳазратим» сўзи бегимнинг тилида жуда ғалати эшитилади. Абу Алининг назарида Бўтакўзбегим гўё ундан кулаётгандай туюлади-ю, «бу сўзни бир айтдингиз, қайта айтманг!» дегиси келади, бироқ ҳаяжондан тили айланмай гўлдираб қолади.

— Энди ижозат этсангиз ўрнимдан турсам, — дейди Бўтакўзбегим,

1 Сабри — алоэ.

аллақандай нозли ёлвориб.— Бу қафасдан чиқсам, дала-даштларни кезиб, тўйиб-тўйиб нафас олсам, чечаклар терсам...

— Йўқ, йўқ, дала-даштларни кезишга ҳали эртадур, бегим!

Қиз асабий ҳаракат билан тўзғиган сочларини орқага ташлайди.

— Бугун ижозат этмасангиз, эртага кеч бўлади, ҳазратим!

Бегимнинг сўзларида кишини чўчитадиған пинҳоний бир маъно бор. Бу сирли маъно Абу Алини ваҳимага солади.

— Майли, мен ижозат берамен, аммо отангиз...

— Амри табиб вожиб. Отам сизнинг сўзингизни вожиб деб билдилар!

Ушанда ҳам баҳор эди. Айни баҳор. Бепоён Чўли малик саҳронишин чеварлар тўқиган гулдор палосларни эслатади. Гуркираб ўсган гиёҳлар тўпиққа келади. Ям-яшил янтоқ, шувоқ, ёвшан, бўзтикан қўнғироқгуллар орасида пиёладай-пиёладай лола-қизғалдоқлар чўғдай ёнади. Бинафшаранг чучмўмалар ипакдай товланади, сачратқи ва нохатак гулларида асаларилар визиллайди.

Хадсиз-ҳудудсиз даштнинг ҳар жой-ҳар жойига оқ, қизил, қўнғир ўтовлар тикилган. Гала-гала қўй-эчкилар, сурув-сурув йилқилар кўринади, бўталoқларини етаклаб олган туялар вазмин «бўх-бўх»лаб юрибди... Гоҳо-гоҳо саҳро тинчини уюр талашган айғирларнинг музаффар кишнаши бузади, қўй-қўзиларнинг аллақандай ёқимтой маъраши ва отлар дупури юракни қитиқлайди. Ўтовлар теварагида эса қизил қўйлак устидан қизил нимча кийиб, укки пати тақилган ғалати қалпоқчаларини бошларига қия қўндириб олган қиз-келинчаклар кўринади: уларнинг шўх қилиқлари, қалтис ҳазиллари, мулоғим кулгилари юракка жаз-жаз тегади...

Кечалари бийлар тушовланиб, сигирлар соғилиб, ўчоқларда олов сўнгач, пана жойларга бўз йигитлар йиғилиб, қиз-келинчакларни кутишади. Ниҳоят, кексалар уйқуга кетгач, қиз-келинчаклар ўтовлардан чиқиб келишади. Улар тақинчоқларини майин жаранглатиб, узоқдан пиқир-пиқир кулишиб, тўп-тўп бўлишиб келишади-ю, дарҳол ўз жуфтларини топиб олишади. Сўнгра ғалати ўйинлар, тортишувлар, чўлп-чўлп ўпишишлар билан тугайдиған беркинмачоқлар бошланади, тараф-тараф бўлиб лапар ва ўланлар айтилади...

Бухорода юзлари очиқ қиз-жувонларни кўрмаган ёш табибга бу ўйин-кулгилар, бу эркин ва латиф муносабатлар, аллақандай ҳазин нурга йўғрилган ўлан ва лапарлар жуда ғалати туюлади. У гўё бу заминдан бошқа, гўзал бир оламга тушиб қолгандай сезади ўзини. Бўтакўзбегим эса... Йигитлар орасидан доим ёш табибни танлайди. Иссиқ лаблари билан Абу Алининг юзига жаз-жаз тегиб, беркинмачоқ пайтида қаерга яширинишини олдиндан шивирлаб айтади. Шунинг учун ҳам биринчи бўлиб бегимни Абу Али топади. Қизнинг чўғдай иссиқ бўсаси ҳам аксар ҳолларда Абу Алига насиб этади! Ёш табибни фақат бир нарса қийнайди — у қиз-йигитларнинг ўлан ва лапарларига қўшила олмайди. Айтишувларда сўз тополмай қийналади. Лекин бу тиниқ, серюлдуз дашт оқшомларида Бўтакўзбегимнинг ёнида ёнбошлаб ётиб, бу ўланларни, дашт оқшомидай тиниқ, маъюс лапарларни тонг отгунча эшитгиси келади, ширин тушга ўхшаган бу масъуд дамлар тоабат тугамаса дейди!..

...Ибн Сино юзини илиқ баҳор офтобига тутиб, узоқ сукутга кетди. Шокалон ҳам негадир сукутга чўмган, афтидан, дарвиш қиёфасидаги ҳамюртининг хаёлини бўлишни истамайди.

Ибн Сино бўлса ҳамон бир-биридан ғалати, бир-биридан ҳаяжонли эсдаликлар оқимидан чиқолмайди. Эсдаликлар эса гўё гулдан гулга учиб-қўниб юрган капалакларга ўхшайди, лип-лип этиб, бир воқеадан иккинчисига, иккинчисидан учинчисига учиб ўтади.

Мана, келинчакдай яшнаб кетган дашт бағрида ўн чоғлик қиз-йигит от суриб кетяпти. Олдинда — Бўтакўзбегим. Унинг остида ёлига ипак попуқлар тақилган чиройли саман йўрға. Бегимни уч-тўртта отлиқ каниз қуршаб олган. Орқароқда эса саҳройи бекнинг шахсий сар-

бозлари, улар орасида... мана шу Шокалон билан Абу Али ҳам бор. Бўтақўзбегим олдинда от чоптириб бормоқда. Абу Алининг икки кўзи қизда. У кўк қашқа бедовининг бошини қўйиб, қизни қувиб етгиси, унинг очиқ юзига, серкиприк бўта кўзларига тикилиб, ёнма-ён кетгиси келади. Бироқ сарбозлардан ийманади.

Ана, улар дашт бағридан чиқиб, лолақизғалдоқлар чаман очилган қумликлар бағрига шўнғийди. Шўнғишлари билан Бўтақўзбегим орқароқда келаётган Абу Алига қараб кўз қисади-ю, остидаги саман йўрғасига қамчи босади. Қизнинг «мен қочамен, сиз қувинг», деганини тушунган Абу Али ҳам юраги гурс-гурс уриб, кўк қашқа бедовининг бошини қўяди, қўяркан, уларни бошлаб кетаётган кўса ясовулга кўзи тушади. Ясовулнинг кўзлари чақчайиб кетган. Бироқ Абу Али унга эътибор бермайди. Ёш табибнинг фикр-хаёли кумуш тангачалар тақилган сочларини ёйиб, қумликлар орасида шамолдай учиб кетаётган Бўтақўзбегимда. Абу Алининг кўк қашқа бедови гўё унинг юрагидаги ғалаённи сезгандай, қумликларга шўнғиб кетган саман йўрға ортидан қушдай учади. Қийқириқ кўтарилади. От туёқлари остидан отилиб чиққан лолақизғалдоқлар гўё ярадан отилиб чиққан қон янглиғ ҳар томонга сочилди.

Тўсатдан олдинда қушдай учиб кетаётган қиз отининг бошини қалин саксовулзорга буради, буради-ю, Абу Алига қараб шарақлаб кулади.

— Балли! От чопишни ўрганибсиз, ҳазратим!

— Йўқ, чавандозликда сизга бас келолмаймен, бегим!

— Бегим дедингиз... тагин бир айтинг!..— дейди қиз эркаланиб.—

Унинг бўталоқнинг кўзларидай маъсум кўзлари аллақандай чарақлаб кетган, титроқ овозида, хатти-ҳаракатида яқиндагина тўшакдан турган хаста эмас, йўқ, саҳронишинларга хос бир қатъият бор.— Билиб қўйинг, ҳазратим, отам... эрта-индин кўчиб кетмоқ нияти бор! Сиз унга айтинг! Муолажа фурсати тугагани йўқ денг. Ҳали бир ой даволамоқ даркор денг, ҳазратим, бир ой!

Бегимдаги ҳаяжон Абу Алига ўтади.

— Бир ой эмас, бир йил бор, бир йил!..

— Ростми бу сўзингиз?— дейди бегим титраб.— Унинг юмуқ кўзларидан тирқираб оққан ёш томчилари ловуллаб ёнган юзини ювиб, бўйнига юмалаб тушади-ю, томоғидаги мошдеккина қора холида туриб қолади. Абу Али яқинлашиб келаётган от дупурини эшитади, бироқ кўзига ҳеч нарса кўринмай, отини олдинга ниқтайди-ю, қизнинг ингичка, нозик белидан кучади. Қиз кўзини юмганича чўғдай иссиқ юзини унинг юзига босади...

От дупури, ваҳимали ҳайқириқ тобора яқинлашиб келади...

— Билиб қўйинг, ҳазратим! Сиз мени ўлим чангалидан холос қилдингиз. Энди сиздан айрилмоқдан ўлим афзал менга!

Абу Али қизнинг пир-пир учган шўртанг лабларидан, ёш тўла қуралай кўзларидан, томоғидаги мошдеккина қора холидан ўпади, шошиб, энтикиб, ёниб ўпади, сўнг... сўнг кимнингдир дағал ҳаракатидан ўзига келади! Тепасида... кўса ясовул! Унинг сарғиш кўзлари қисилган, чўқмордай қора мушти қаттиқ тугилган.

— Сен... табиб эмас, бек қизини йўлдан уриш ниятида юрган иблис экансен!

Ясовулнинг сўзини:

— Бас! Ҳаким ҳазратларини ҳақорат қилманг!— деган титроқ овоз бўлади. Бу — бегим. Унинг кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш!

— Ҳаким ҳазратлари?— кулади ясовул.— Уятсиз! Дашт ҳавоси баҳона, дийдор ғанимат! Қани, отининг бошини орқага бур, беҳаё!

Абу Али гаранг. У ҳам кўса ясовулга ўхшаб дағ-дағ титрайди, бироқ тилига ҳеч бир калима келмайди. Ясовул эса фақат уни эмас, бегимни ҳам ҳақорат қилиб сўкади, саман йўрғанинг жиловидан олиб, орқага судрайди. Қиз, ҳамон киприкларида ҳалқа-ҳалқа ёш, канизлар ва ясовуллар қуршовида, орқага қарай-қарай узоқлашиб кетади...

Капалакдек қўнимсиз хотира бу маъюс манзарадан «лип» этиб учади-ю, бошқа бир мудҳиш манзарага бориб «қўнади».

Субҳи содиқ. Кечаси билан мижжа қоқмай қовурилиб чиққан Абу Али тонг пайти от дупурини эшитиб уйғониб кетади. Бу — бегимнинг канизи билан от суриб келган Шокалон! Мана шу Шокалон!

— Қароргоҳни ёв босди!— дейди каниз йиғлаб.— Шўрлик бекам! Шўрлик бекам!..

— Тез— дейди Шокалон.— Отимга мингаш! Тезроқ бўл, Абу Али!

Ҳақиқатан, қаердандир овлоқдан, бек қароргоҳи жойлашган қир томондан, қандайдир ваҳший ҳайқириқлар келади, «Ур, ҳа-ур!» «Чоп, ҳа-чоп», деган хитоблар эшитилади, отлар кишнайдди.

Абу Али жон ҳолатда Шокалоннинг отига мингашди. Бироқ, эвоҳ! Улар оқ кўпикка чўмилган отларини шафқатсиз қамчилаб, қароргоҳга этиб борганларида. «Ур, ҳа-ур! Чоп, ҳа-чоп!» деган ҳайқириқлар тинган, от дупури узоқлашган эди! Тепаликда фақат ағдарилган ўчоқлар, тутаб ётган ўтовлар қолган, ҳар жой-ҳар жойдан инграган овозлар эшитилар, саҳройи бекнинг сарбозларигина эмас, ўзи ҳам чавақланган, Бўтакўзбегим эса... унинг излари ҳам йўқолган эди!..

...Ибн Сино, гўё бу мудҳиш воқеа ўттиз йил муқаддам эмас, ҳозир рўй бергандай, юраги тинимсиз безиллаб узоқ ётди.

Ажабо: ўшанда тақдир унга кулиб боқиб, ўз суйгани билан қовушганида нима бўларди? Саодат ёр бўлармиди уларга? Ёр бўлганда у ҳозиргидек «ҳакими даврон», деган ном чиқарармиди? Табобат бобида қилган ишларини, ёзган юзлаб асарларини ёза олармиди? Фақат авом эмас, ҳатто жаҳонни титратган шоҳларгача ундан шифо излаб, олдиди бош эгиб туришармиди?— Ибн Сино ичида бир кулиб қўйди.

«О, Абу Али, Абу Али! Доноликни даъво қиласен, аммо нодонларнинг ўйини ўйлайсен! Ёшинг элликка келганда ҳамон чиркин шон-шуҳрат гамини чекасен? Эвоҳ! Бу довруқ, бу шон-шуҳратдан ёшлик чоғларингда ўша дашт санами билан ўтган масъуд висол онлари афзал эмасмиди? Мабодо чарх бир айланиб, ўша бетакрор онлар қайтиб келса қайси бирини танлар эдинг? Ул бегубор муҳаббат дамлариними ёхуд бу бевафо шон-шуҳратними?»

Ибн Сино кинояли кулумсираганича узоқ сукутга толди, унинг юраги ҳамон безиллаб оғрир, назарида, ҳозир Шокалон айтган қиз унга ёт эмас, йўқ, жигарининг бир парчасидан бунёд бўлган ўз зурриёти эди!

Едида бор: бундан ўн-ўн беш йил муқаддам Ҳамадонда, гумроҳ Шамсуддавланинг вазирлари тўқиган фисқу фужур сабаб, бир беванинг хонадониди яшириниб ётган чоғларида ҳам, худди шундай бир воқеа содир бўлган эди.

Эри ўлиб, тул қолган ёшгина, кўҳликкина беванинг уч-тўрт яшар бир қизчаси бўларди. Ибн Сино беванинг ташқи ҳовлисида турар, бева эса қизалоғи билан ичкари ҳовлида яшарди. Аввалбошда бева ундан тортиниб ўзини олиб қочди, бироқ аста-секин уст-бошига, уй-рўзғор юмушларига қарашиб юриб, ўрганиб кетди-ю, ораларида аллақандай тиниқ самимий бир яқинлик вужудга келди. Бу яқинликка беванинг уч-тўрт яшар қизалоғи ҳам сабаб бўлди. Тили чучук, кўзлари кўм-кўк бу қизалоқ сал ўтмай уни ўз отасидай севиб қолди.

Ёзда, айна саратон чоғларида, Ибн Сино Исфаҳонга сафар қилди-ю, у ерда бир-икки ҳафта қолиб кетди. Қайтиб келса, қандайдир таомдан заҳарланган қизалоқ ўлим тўшагида қовурилиб ётар, ақл-ҳушини йўқотиб қўйган бева эса нима қилишини билмас эди.

Ибн Сино дарҳол муолажага киришди. Ҳуқна қилди, ҳар хил дорулар берди. Унинг муолажасидан кейин беҳуш ётган қизалоқнинг юзига қон югуриб, кўзини очди, уни таниди чоғи, кўкарган лабларини базўр қимирлатиб: «Ота! Отажон!» деб пичирлаган бўлди-ю, кўзини қайта юмди.

Шу-шу, Ибн Сино қанча уринмасин, қизалоқ кўзини очмади.

Уша кеча, қулоқлари остиди беванинг бетасалли ноласи, қўлида жонсиз қизалоқ, Ибн Сино ҳовлида кўкка тикилиб тонг оттирди! Дили-

да кўкнинг қудратига шубҳа ва исён, хаёлида ўлим ва ҳаёт ҳақида эски нотинч ўйлар, у тонг отгунча мижжа қоқмади. Кейин эса гўё бегона қизалоқ эмас, ўз пушти камаридан бўлган жигарбандидан айрилгандай бир неча ойгача изтироб чекиб юрди. Ҳозир ҳам... Бўтакўзбегим!..

Ибн Сино осмондан кўзини узиб, қаддини ростлаб ўтирди. Шокалон патак соқолини тутамлаб, ҳамон ўйга чўмиб ётарди.

— У шўрлик... Бўтакўзбегимнинг қизи...

— Қорақўзбегим,— деди Шокалон.

— Қорақўзбегим... Исфаҳонда, амир Масъуд ҳарамиди экани аниқми?..

— Мен қайдан билай, ўғлимнинг сўзини айтаман, Абу Али.

— Уғлинг қайда?

— Исфаҳон ёнида бир ғорни макон қилиб, кўксини захга бериб, зоҳидлик қилиб ётмиш. Аммо бундан не фойда? Шаҳар дарвозалари берк. Шаҳарда қора ўлат дайдиб юрмиш!

Ибн Сино сапчиб тушди. Ранги қув ўчиб:

— Қора ўлат?— деб сўради.

— Ҳа, одамлар шундай дейдилар. Шаҳарда қора ўлат бошланиб, аҳли мардумни тутдай тўкмоқда эмиш. Исфаҳонга ҳеч ким кира олмас, ҳеч ким ундан чиқа олмас эмиш. Ун икки дарвозанинг ҳаммаси тақа-тақ бекилган эмиш. Не чора? Уғлимнинг ёнида бир ой туриб, орқамга қайтдим. Мана шу карвон билан Бухорога қайтмоқ ниятида карвонга меш-кобчи бўлиб ёлландим, Абу Али.

Ибн Сино қалин соқолини тутамлаб бир лаҳза ўйга толди, сўнг, тўсатдан, шахт билан ўрнидан турди:

— Фақир... Исфаҳонга равона бўламен, истасанг бирга олиб кетамен, Шокалон!

[Давоми келгуси сонда.]

Муҳаммад Солиҳ

Қор ёғар экан...

Ёғаетган қорга қараб ўйлайсан: нега одам нигоҳидан излар қолмайди? Агар қолса, бу из қайси шаклда бўлиши мумкин, деб ўйлайсан.

Одам нигоҳи, барча нарсалардан мавжудроқ, нега ундан излар қолмайди?

Одам нигоҳидан ҳам оғирроқ юк йўқ, нега ундан излар қолмайди, деб ёзасан ва шу ёзувнинг ўша из эканлиги хаёлингга ҳам келмайди.

□

Қашшоқ эдим кеча,
Бугун-чи, сен билан бойидим.

Кучоқлайсан. Йиғлайсан.
Кўз ёшинг юмалар
Елкамни қоплаган йўллар чангига —
Бу чанглардан
Ғаройиб чечаклар унажак ҳали...

Ўрикзорда танҳо

Икки бола ўрик шохига осилганча, кўм-кўк ғўраларни шартиллатиб уза бошлади. Улар мени кўрмас эди. Узоқ кузатиб турдим. Тишим қамашди. Жаҳлим чиқди.

Ҳей, бас қилинглар, деб бақирмоқчи бўлдим шекилли.

Хайрият, ўзимни тутдим, жаҳлимни ютдим.

Мен энди ўрик ғўрасини севмай қўйган бўлсам, болаларда нима айб?

Ахир, мен бу ёшдан аллақачон ўтган бўлсам, бунда болаларнинг нима айби бор?

Аста қайрилиб, изимга қайтдим.

□

Елғон —
Яшаш усулларидан биридир.
Макр — яшамоқнинг яна бир йўли.
Ҳийла ҳам шунақа.
Рост сўзни айтиш эса
Яшашнинг энг тўғри усули.

Ғалати одам

Унинг тувагига бир даста гул солиб қўйсангиз, у таажжубланмайди.

Лом-мим демай, гулга сув қуя бошлайди.

Унинг столига ўн сўм пул қўйиб, қараб турсангиз, у пулни жимгина олади-да, дўконга чиқиб кетади.

Тўғри, сиз унинг «рахмати»га зор эмассиз, лекин бу одамдаги хотиржамлик сизнинг жонингизни чиқаради ва ўзингизни қўярга жой тополмай, унга нафрат билан қарайсиз.

У бесаранжомлигингизни сезиб, сизга тикилади...

— Сизга нима керак ўзи?— дейди у хотиржам.

— Раҳмат!— деб юборасиз кутилмаганда.

— Арзимади,— деб ғўлдирайди у... ва сиз келтирган гулга сув қўйишда давом этади, ёки сиз қўйган навбатдаги ўн сўмликни олиб, дўконга чиқиб кетади.



Тун
Бир ёмғир ёғмоқда
Гул таъми аралаш
Бир ширин ёмғир
Гўё минглаб одам дуо қилмоқда
Гўё пичирлашар
Минглаб ошиқлар

Тун ташбехлари

Тоғ лангар ташлаган баҳайбат кема мисол мувозанатда.
Арчаларнинг бадани салқиндан бодроқ оча бошлайди, ниналари ўткирлашади.

Шундоқ ёнимда катта бир харсанг пўст ташлайди.

Чирилдоқнинг чириллаши ер остидан отилиб чиқаётган ингичка фавворага ўхшайди.

Майса узра нимадир ялтирайди.

Уни олиш учун энгашаётиб ўйлайман, бу кўкдан учган юлдузми, кўз ёшми, ёнар қуртми — билмайман.



Аёл ёлғиз, лекин тул эмас,
Эр якка-ю, эмасдир бўйдоқ.
Бир-бирига ҳеч ким қул эмас,
Ҳеч ким озод эмасдир бироқ.

Аёл кетар ўз хонасига.
Лом-мим демай кетар эркак ҳам —
Бир-бирининг пешонасига
Ёзилган бу иккита одам.

Эркак ёқдан, милтиллаб олис,
Папиросми ёнар дафъатан,
Бунда — аёл бош қўйган болиш
Ёришади...

сокин...

фирқатдан...



Ёлғиз одимлайсан ёлғиз кўчада
Ҳорғин айланади атрофингда қор,
У сенинг елкангни аста қучади
Беозор-беозор-беозор.

Бу қизнинг кокилин тараб бўлмайди,
Қўлини иситиб бўлмайди унинг,
Фақат сен у билан бир соат дайди,
Унга бир соатин бергил бу туннинг.

Қор тўхтар, Сен эса мушук уйқусин
Бузмаган пайғамбар каби беозор
Юрасан, елкангда бир малак йўсин
Ухлар узоқлардан чарчаб келган қор...

Умрининг бир йили

Умрининг бир ёшга улғайганини
Кўрмасанг кўкларнинг лола, гулида —
Кезмасанг диёринг боғ, чаманини,
Баҳор йўқ умрининг ўша йилида.

Саратон кунлари йўқлаб тоғларни,
Нурдай чўмилмасанг дарё, кўлида —
Ювиб юбормасанг дилдан доғларни,
Ёз йўқдир умрининг ўша йилида.

Қаерда яшама, ким бўлма, кузак —
Ўзбек элин йиққан гавжум далада
Очилган пахтани кўрмасанг, демак,
Куз йўқдир умрининг ўша йилида.

Севгилинг кўлини қисиб, уҳ-уҳлаб,
Сўзлаша олмасанг қорлар тилида,
Демак, сен йил бўйи қолибсан ухлаб,
Қиш ҳам йўқ умрининг ўша йилида.

Болалик нафаси

Чорак аср аввал гўдак эдим мен,
Ёшгина бир жувон эди онам ҳам.
Менга туюларди жуда сирли, кенг
Уйдан далагача чўзилган олам.

Саҳарда турардик. Эски белбоққа
Тугардик нон, майиз. Гоҳида узум.
Кўчада арава келгувчи ёққа
Қараб турардим сўнг, тўрт бўлиб кўзим.

Осмонга чиқариб кўча чангини,
Пайдо бўлар эди от-арава ҳам.
Қориштириб еру осмон рангини,
Бизнинг олдимизда тўхтарди бир дам.

Мени аравага тортиб оларди
Онамнинг кўлидан бирорта жувон.
Аравакаш чўх деб қамчи соларди,
Отлар учар эди далалар томон.

Ариқнинг бўйида, тол тагида сўнг
Нонушта қилардик (шу эди «шийпон»)
Бир чўлоқ ҳисобчи етагида сўнг
Пайкалга тарқарди барча қиз, жувон.

Ниҳоят, кун роса келгач қиёмга,
Тушликка чақириб данғилларди занг:

Бу овоз ўрнашиб қолган миямга,
Бу овоз — болалик деган бир оҳанг...

...Шом тушиб, осмонга чиққанида ой,
Пайкалдан чиқарди ойюз аёллар
Бир-бирин чорлашиб, солишиб ҳой-ҳой —
Афсунгар бир тушдай, гўзал хаёлдай!..

Сўнг қоп, малладаги ўтларни ортиб,
Яна аравада уйга жўнардик.
Ёдимда шу қолган. Негадир ортиқ
Ҳеч не тиламасдик, шунга кўнардик.

Тебраниб борарди арава тунда.
Тевада — тебраниб, чопар эди ой...
Жувонлар «ёр-ёр»ни бошларди шунда —
Дилларга сингирди қувонч ва чирой!..

Бугун умрим кечар катта шаҳарда,
Қалбимда катта бир шовқин ва шиддат.
Онамни соғиниб кетган маҳалда
Арава ёдимга тушади албат.

Нақ юрак устидан юриб, ёнимга
Келиб, тўхтар йиллар от-араваси —
Пок бир руҳ бахш этар жону танимга
Яна болаликнинг тоза нафаси!..

Шам ва қалам

— Сўзинг бўлса, қалам, айт, тинглай,
Сукут ичра қаршимда турма,
Айни ёнган пайтимда, тинмай
Шамол билан юзимга урма!

— Ҳазон янглиғ учиб юрибди,
Кўр, пойингда эски шеърларим!
Юрагимда уриб турибди
Аммо янги шеър сирларим!..

— Мен қалбимни сенга очурман:
Ёнсам, сен деб ёнурман фақат!
Бор нуримни сенга сочурман,
Сўнсам, сен деб сўнурман фақат!

Қадр

Одамзоднинг юзи иссиқ дегандек,
Айбин айтолмайман дўстнинг юзига.
Жим қулоқ тутаман, турганимча тик,
Тўғрию нотўғри айтган сўзига.

Шундай мутеларча кечарми умрим?
Кейин ким ҳам мени олар эсига?
Ахир биламан-ку: қул эмас ҳеч ким,
Инсон тобе фақат ўзи ўзига.

Бас, энди қолмади ҳеч сабру тўзим,
Фаришта демасман энди шайтонни.
Агар худо бўлсанг, ёқмаса сўзим,
Ташлаб юборавер, майли, осмонни.

Муҳаббат ва нафрат

Бу дунёда ҳар битта шоир
Сўз наҳрига ташланган тўрдир.

Тортиб олар қирғоққа фақат
Уни Нафрат ва ё Муҳаббат.

Акс ҳолда: ҳар қандай шоир
Ётавериб денгизда, охир —

Эгалари ўлган тўрдаин,
Бир кун чириб битмоғи тайин.

Терим бошланганда

Қишлоқ сукут тубига чўкмиш.
Ҳовлилар — жим. Сокиндир боғлар.

Бу жимликда ёдга тушар қиш —
Бутоқларга қор қўнган чоғлар.

Зотан, қаттиқ қиздирар офтоб,
Ҳароратли шабада елар!..

Қулоқ солсанг жимгина шу тоб,
Пахтазорнинг овози келар!

Шифохонада

Дераза кўзини қоплади қиров,
Музлади — кўринмай қолди осмон, боғ.
Доғ кўнглим чоғ бўлар эди, гар шу чоғ
Кириб келса хонага биров.

Янги қуёш

«Фалон йил бўлармиш қаттиқ zilзила!
Ерга жуда оғир юлдуз кўнармиш!..
Олимлар алдайди: бор гапи — ҳийла,
Охир замон яқин — қуёш сўнармиш!..»

«Меҳнатим, ҳаётим кетар беҳуда,
Э, нима қиламан қийнаб жонимни,
Улуғ ҳам, тубан ҳам дунёдан ўтар,
Бас топиб есам мен парча нонимни!..»

«Бир марта яшайман, умрим ғанимат,
Дунёда еганим, кийганим қолар,
Менга нима, ерда кўпса қиёмат,
Бари бир, ажали етганлар ўлар!..»—

Шундай миш-миш қилар баъзи одамлар,
Уларга ҳаётнинг маъноси ҳечдир,
Уларга дунёвий орзу ва ғамлар,
Улуғ инқилоблар юки ҳам пучдир.

Бундай фикрловчи бир тўда нодон.
Аввал ҳам яшаган, бугун ҳам яшар —
Улардан ҳеч бир наф кўрмаган замон,
Ҳеч шараф топмаган улардан башар.

Софдил кишилар-чи, бир сўзга амин:
«Ҳар куннинг бордир ўз янги қуёши!»
Шу ишонч уларнинг ишқи, бардоши —
Уларнинг кифтида айланар замин.



Бахтиёрлик — нисбий тушунча.
У — қалбдаги иштиёқ ва ишқ.
У — лаҳзада очилган ғунча,
Унда кун-тун ранги қоришиқ.

Бахтиёрлик — ўткинчи ҳолат,
Идрокинг маст бўлган пайтдир у:
Ҳушёр тортгач, бўлиб бетоқат,
Янги бахтни қиласан орзу.

Бошга тушса ҳар не ташвиш, ғам,
Бадбахтман деб ўкинма ҳеч вақт:
Тириклик — бу энг олий олам,
Бир қалб учун шунинг ўзи бахт!

Ким ўзини санаса бадбахт,
У — ўзига зомин, кушанда.
Сабр ила бўлсанг хушният,
Бахтиёрлик ана ўшанда.

Рўзимат Отаев

Қизил олма

Раззоқ навқирон йигит, лекин ўта камбағал,
Узатса, бошига ҳам етмасди ғариб қўли.
Серқадок панжалари ёрилиб, бўлмиш дағал,
Бир кун сув ичмоқ учун сой сари тушди йўли.

Қирғоқларни ўпириб шағирлаб оқар оқим,
Йигит оқимга боқиб, сура бошлайди хаёл.
Онадан туғилибди ютгани заҳар-заққум,
Фақат тушдагина у бахт ила қилар висол.

Ёз кечаси тўлин ой булутлар аро балқиб
Кумуш ёғдулари-ла заминга бергандай зеб,
Ёқутдай қизил олма келарди сойда оқиб,
Йигит сапчиб туради, яратганга шукр, деб.

Тизза бўйи сув кечиб ўлжани ушлаб олар,
Хушбўйидан маст бўлиб, карсиллатиб тишлар у.
Аммо оғзидагини ютолмай, ўйлаб қолар:
Боғбони умр бўйи шу мева деб ишлар-ку!

Ризолигин сўрамай еса, тонгла қиёмат
Ўз виждони олдида не деб беради жавоб,
Соҳибкорни учратиб олмоқ учун ижозат,
Тошқин анҳор ёқалаб йўлга тушар у шитоб.

Ниҳоят сув бўйида кўринади сўлим боғ,
Серюк шохлар осилиб-оғиб турар сой томон.
Боғбон қошида йигит бош эгиб дейди шундоқ:
«Сойга тушган олмангдан бир тишладим, отахон,

Гуноҳимдан ўт менинг ҳамда ризолигинг айт!
Нечун жимсан, бузруквор, кутмоқдаман мен, гапир?»
Чол йигитга боққанча ҳайрон қотади: «Ҳайҳот,
Инсон зурёдими бу, малоиками ё бир!»

Сўнг оҳиста жилмайиб: «Ризо эмасман», дейди.
Раззоқ жовдираганча, илтижо қилар шу он:
«Хушвақт бўлмоғинг учун кўнглинг нима истайди,
Бажарурман не шартинг бўлса, сўйла, бобожон!»

«Пешонамга битгани — ёлғизгина қизим бор,
Оёғи шал, кўзи кўр, ҳатто тил-забони йўқ.
Шунга уйлансанг агар, бўлгум сендан миннатдор,
Рад айласанг, мабодо ўзингдадир эрк-ҳуқуқ».

Аччиқ қисматин қарғаб, йигит: мен розиман, дер.
Наҳот бир тишлам олма турса шунчалик қиммат?
Тўй-базм гумбуридан титрайди осмону ер,
Қайин ота бор-йўғин сочиб, кўрсатар ҳиммат.

Аммо куёв тўранинг чеҳраси ҳеч ёришмас,
Алам ичра ўртаниб, оғир ўй сурар эди...
Чимилдиққа кираркан, қайтиб чиқар шу нафас:
Мажруҳ эмас, олдида бир малак турар эди!

«Қизингиз нечта, ота?» «Айтдим-ку биргина деб!»
«Ахир... Тушунмадим ҳеч... Гўшангада кўрганим...»
«Бу дунё ишларига ҳайрон бўлаверма кўп,
Соддадил ўғилгинам, сўзларим эшит маним:

Қизим бўсаға ҳатлаб уйдан четга чиқмаган,
Оёғи шол деганим ана шунга ишора.
Шаҳло кўзин кўрлиги — номаҳрамга боқмаган,
Тилсизлиги боиси шабнам каби бокира.

Сен бир тишлам олманинг ризолигин сўрадинг —
Зулматда нур кўрмоқлик қандай сулув ва кўркем!
Покиза хулқинг билан қалбим гулга ўрадинг,
Сеникидир бор-йўғим, шу фаришта қизим ҳам!»

Урганч.



Борис Пармузин

ЗАМИННИНГ ЯХШИ ОДАМЛАРИ

[Воқеий ҳикоя]

Илиқ оқшом

Осмон худди ўрик гулидек пуштиранг Сорренто тонги ҳақида мен Максим Горькийнинг «Италия эртаклари»дан ўқиганман.

Ҳозир Октябрь ойининг охирлари. Кузга хос бўлмаган илиқ оқшом. Қуёш денгизга ёнбошлаб борарди. Сув бетида учқунланиб, турли ранглар югуришади. Улар қирғоққа чиқиб олиб, шаҳар тор кўчалари бўйлаб физиллашга уринишади. Лекин ранглар тўлқинлар билан бирга қоятошларга бориб урилиб, зангори, мовий, бинафша, тўқ қизил тусда яна денгизга қайтади.

Биз энди Соррентодан ўтиб борардик. Бу шаҳарда яшаган ва ишлаган Гёте, Байрон, Стендаль, Вагнер каби таниқли маданият арбобларининг номлари мармар тахтага ёзилиб, ўрнатиб қўйилган қадимий минора ёнида бир лаҳза тўхтадик. Улар орасида рус rassomi Сильвестер Шчедриннинг ҳам номи бор. У чизган манзараларда Италия денгизи, осмони, ерининг ажиб ранглари ҳамон жилоланиб турарди.

Майдон чеккасидаги қаҳвахонага кириб, столлардан бири теварига ўтирдик. Қўшни столда кекса одам дам оларди. У денгизга, сўниб бораётган шафаққа қараб ўтирарди. Бу киши Горький тасвирлаган Жиованни Туба эмасмикан? Ҳа, ҳали бола экан, байрам кунлари тоқзорлардан денгиз сари қочиб бориб, у ерда сув ўтлари, тошлар, балиқлар, қисқичбақаларга соатлаб тикилиб ўтирадиган боланинг ўзгинаси. У улғайгач, ҳаётини денгиз билан боғлади. Маржон олиш учун ўн марталаб ажойиботлар олами билан юзма-юз бўлар, денгизга шўнғирди.

Йўқ, бу чолнинг исми Мауро эди. У ҳам балиқ овлади, ўтган ҳаётини денгизда кечирди.

Биз тор сўқмоқдан юриб соҳилга тушдик.

— Капри!

Орол худди Неаполдагидек яққол кўриниб турарди. Ундаги кул-

ранг-сарғиш қоятошларнинг серқирра учлари кўкка бўй чўзган. Гўё асов тўлқинлар юксакка сапчиган-у, қотиб қолган:

— Қапри,— такрорлади Мауро.— У ерда Ленин билан Горький яшаган.

Қаприда турган кезларида Владимир Ильич Ленин Горькийникига икки марта борган эди.

Соррентолик ва неаполлик балиқчилар қатори ўша йилларда Мауро ҳам отаси билан Қаприда бўлиб турарди. Кейинчалик у Ленин ва Горький асарларини ўқиди. Бу китобларни ҳозир ҳам авайлаб сақлайди.

— Ҳаётда нима қилиш кераклигини билиб олдим. Ҳамиша Мусолинига қарши курашдим. Қамалдим. Қочдим. Қаршилик кўрсатиш сафида жанг қилдим,— бир оз индамай турди-да, сўзини улади:

— Менинг дўстларим нима қилиш кераклигини яхши билиб олишди. Уғлим... Ҳозир Неаполда ишлайди. Улар катта байрам — 7 Ноябрьни нишонлашга ҳозирлик кўришяпти. Набираларим бўлса балиқчи. Азаматлар сувда ҳам, ерда ҳам абжир йигитлар. Ўзларини ҳам, камбағалларни ҳам бировга хафа қилдириб қўймадилар.

Кўёш тобора пастлаб, Қапри қоялари устига тушиб борарди.

— У ерда Ленинга ҳайкал ўрнатилади,— деди Мауро оролга нишора қилиб.

Бу учрашув 1969 йилнинг октябрь ойида бўлган эди. «Правда» газетасининг 1970 йил 16 август сониди эса: «Қапри оролида В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилди. У «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофотининг лауреати, италиялик кўзга кўринган ҳайкалтарош Жакомо Манцу томонидан яратилди. Бу монументнинг олд томонида Владимир Ильичнинг барельеф портрети акс эттирилган ва «Ленинга — Қапри» деган лўнда ёзув бор», деган хабар босилиб чиққан эди. Бу хабарни ўқидим-у, кекса балиқчи Мауро, унинг дўстлари, ўғли, набиралари ва халқнинг келажаги учун курашган ҳалол, мард кишилар ҳақида яна ўйлаб кетдим.

Б. ПАРМУЗИН◆ЗАМИННИНГ ЯХШИ ОДАМЛАРИ

Адабиёт дарси

Парель — ишчилар райони. Бир вақтлар Бомбай чеккасида тўқимачилик фабрикалари қурила бошлаган эди. Уларнинг ёшини ҳозир ҳам осонгина аниқлаш мумкин. Ис босган, омонатгина пастак бу корпуслар гўё ўз кўринишларидан ўзлари уялгандай, йирик, мустаҳкам корпуслар олдида мунғайиб туришарди. Эски ва янги цехларда ҳам минглаб кишилар — Бомбай ишчилар синфининг асосий отряди ишларди. Баъзилар: улкан шаҳар товланиб турган соҳилли, энг яхши меҳмонхона ва ресторанлар қад кўтарган, денгиз мудом гувиллаб турадиган «Марварид — маржон» деб аталувчи Марин — драйв ярим доира ердан бошланади, дейишади. Бошқалари: Бомбай пролетариат кўрғони бўлмиш фабрикалардан бошланади, деб билишади.

1946 йили «Гальвар» крейсери матрослари инглизлар зулмига қарши кўзғолон кўтарди. Ишчилар колонналари ҳам дарҳол Парель кўчаларига чиқишди. Бу ерда баррикадалар қад кўтарди...

Марин — драйвда ҳамма шод-хуррам, туристлар кезиб юришибди... Бошқа ишчи районларидаги каби Парелда революцион аёнчаларга содиқ, мард ва оддий кишиларнинг олижаноблиги билан учрашасиз.

Биз борган мактаб кўримсиз бироқ озода бинога жойлашган эди. Бу болаларнинг қандай яшашини билиб олиш қийин эмасди. Фабрика районида чўзилиб кетган мустаҳкам уйларнинг ортида чипта ҳамда занглаган парча-пурча тунукалар билан ёпилган кулбалар ҳам кўзга кўринади. Бу «том»ларни бамбук тўсинлари омонат тутиб туради. Тропик жала ёғдими бас, бу жўн иморатларни оқизиб кетади. Шундай

қолларда баъзи болаларнинг кўнглига дарс сиғмайди. Улар бошпаналарни тиклашда ота-оналарига ёрдам беришади.

Биз кирган синфда адабиёт дарси кетарди. Нотаниш кишиларнинг кириб келиши ҳамма нарсани ўзгартириб юборди, албатта. Аввал га-ла-говур бўлди. Жонланиш бошланди, кейин жимжит бўлиб қолди. Унлаб ҳушёр, қора кўзлар бизга диққат билан тикилди. Ўқитувчи хи-жолат тортарди... Кўзойнагини олиб арта бошлади. У нима қиларини билмас эди. Бир оз ноқулай дақиқа шу алфозда ўтди.

— Биз ҳозирги замон урду адабиёти ҳақида гаплашяпмиз,— дея изоҳ берди ўқитувчи ва, ниҳоят, қирра бурнига кўзойнагини қўндириб, таржимонга қаради.

— Жуда яхши...— маъқуллади таржимон,— нима ҳақда эди?

— Ҳозир Али Сардор Жафрийнинг ижоди тўғрисида гаплашаёт-гандик.

Биз таржимани кутиб турмай беихтиёр хитоб қилдик:

— Али Сардор Жафрий?!

Синф жонланиб кетди. Жафрий шеърлари Совет Иттифоқида машҳур. Улар ҳаётий, ранг-баранг образларга бой, халқ тилига яқин. Оснён халқларининг мустамлака зулмидан озод бўлиши учун курашларига бағишланган жанговар шеърлар ҳамдир.

Сиёсий ҳаракатда иштирок этгани учун Жафрий 1940 йилда қа-моққа олинган. Иккинчи жаҳон уруши бошланганда шоир фашизмга қарши бош кўтарди. Бу борада унинг «Севастополь мудофааси» поэ-маси ва бошқа асарлари машҳур бўлиб кетган. Биз таниқли шоир ҳа-қида билганларимизни гапириб бердик. Болалар қарсак чалиб юбор-дилар.

— Ҳозир, ҳозир!— деди ҳаяжонини яширолмай ўқитувчи ва бола-лар орасидан керакли ўқувчини топди. Билдикки, бу бола Жафрий-нинг янги шеърларидан ўқиб беради. Унинг овози тантанавор, дадил жаранглади:

**Дўстлар учун доим раҳнамо — Ленин,
Ёшларга ҳалокат ҳам жазо — Ленин,
Ишчилар қалбида жўшган қон — Ленин,
Капиталга бермас ҳеч омон — Ленин...
Бу ном деҳқон учун баҳор нафасидек,
Тонг шабадасидек ҳузурбахш...**

Биз таржимоннинг гапларини жимгина тинглардик. Муаллим ҳам қўлини кўксига чалиштирганча, бошини эгиб, шеърни жон қулоғи би-лан эшитарди. Ўқувчилар бирдан ўринларидан туриб кетдилар. Улар гўё мустаҳкам сафда турар эдилар.

Музейдаги учрашув

Бу болалар шаҳарликларга ўхшамас, эпчил, абжир. Назаримда, шаҳар болалари тонг ёришиши биланоқ, янги газета бойламларини бағирларига маҳкам босиб, тротуарларнинг муздек плиталари устидан биринчи бўлиб югуришади, саноқсиз дўкончалар олдида куймалани-шади, витриналарни артишади, дўконлар олдини супуришади, дўкон-дорга иссиқ қаҳва олиб келишади. Шаҳар бутунлай уйғонгач, бола-кайлар унинг шафқатсиз мақомига бўйсуниб, светофорлар олдида ти-қиқилиб ётган машиналар орасига шўнғиб, газеталарни йўловчилар юзига тутишади, уларни дўконларга, магазинларга таклиф қилиб, хўжайинларнинг яна юзлаб хизмат ва буйруқларини адо этишади...

Қишлоқ болалари бу тўполонларга, оломонга анграйиб қараб қо-лишади, деярли қирқ чақиримча келадиган энг узун Инсурхентес кў-часи бўйлаб шошилишади. Улар бўйинларини чўзиб, ҳайрон бўлиб, машина сигналларига қулоқ солишади. Мехикода улар ўзига хос: му-сиқий, бир хиллари ириллайди, паровоздай қичқиради, қушлар син-гари ҳуштак чалади.

Ота-оналар болаларини оддий районларга, бозорларга, эҳромларга олиб боришга интилишади, уларга шакарқамиш пояси, баъзан эса турли ширинликлар олиб берадилар. Қишлоқ болалари ҳар замонда бир бўладиган бундай байрамларга муносибдир. Улар ҳам азонлаб ўринларидан туришади, далаларда ишлашади, тупроғи кўпчиб ётган йўллардан ялангоёқ юришади, мол боқишади, ҳар хил ўйинчоқлар сотишади...

Албатта, мен нафис санъат музейида кўрган болалар оёқларида кўчалик пишиқ пойафзал, эгниларида тоза, кенг-мўл кўйлак — ясанган эдилар. Улар тўрт нафар эди, ювош, қоп-қора кўзлари чақнарди. Болалар кекса муаллимларидан ортда қолмасликка тиришишарди. Муаллим эса ажнабийлардан, музейнинг бой жиҳозлари салобатидан хиролат тортиб, талабаларига нималарнидир қисқа қилиб тушунтирарди.

Қаердандир экскурсия раҳбарининг янгроқ овози эшитиларди. Уша мексикаликнинг ҳаяжонли гапларидан таъсирланган бизнинг таржимон аёлимиз ҳам кескин, узиб-узиб, тантанавор гапирар, баъзан тўхтаб, Диего Ривера ишлаган асарнинг айрим чизгиларини диққат билан кўришимизга имконият яратиб берарди.

— 1933 йил Ривера шартнома бўйича Нью-Йоркдаги Рокфеллер — марказ деворига нақш ишлаб берди. Бирдан портлаш содир бўлиб, тўполон чиқди! Ана: армия, капитализм, полиция намойиш қатнашчиларидан ўч олмоқда! Ҳу ана, халқ намойиши...

Диего Ривера халқнинг бундай қатъий, яқдил ҳаракатини қаерда кўрганини биз биламиз. У 1927 йил 7 ноябрда Москвада бўлиб, меҳнаткашларнинг Қизил майдондаги паради ва намойишини кўрганди. Шошилиш равишда ўша кўринишнинг хомаки белгиларини чизиб олган. Уша чизгилар кейинчалик йўллардаги тўсиқларни итқитиб ташлаган кишилар байрамининг ёрқин манзарасини яратишда асқотди.

— Ленин портрети ўрнатилган жойни буюртмачилар йўқ қилишди. Бунга қарши халқ кўзголиб, тўполон-жанжал кўтарди, — деб давом этди таржимон. — Рассом уни бу ерда, Мехикода қайта тиклади...

Фотоаппаратлар чиқиллади, кинокамералар ҳам ишга тушди. Қишлоқ болаларида, ўз-ўзидан аёнки, эски аппаратлар ҳам йўқ эди. Лекин болалардан бири кенг, соддагина расм дафтарни очди. Мен ҳар қалай ёш рассомнинг елкаси оша қарадим: одамлар оқиб келиш-япти... Ҳаммининг юзида ғалаба қувончи, бу оқим тепасида Владимир Ильич Лениннинг портрети акс эттирилган. Бола чизган расм диққатимизни тортганини ўқитувчи кўриб қолди. Дилимиздаги гапни тушуниб, гурурини ҳеч яширмай жилмайиб қўйди. Кейин эшик томон ишора қилди.

— Таско, — қишлоқнинг ҳиндча номи эшитилди. Афтидан, бу қишлоқ ўша шаҳар яқинида бўлса керак. Буюк Диего Риверанинг халқ босиб ўтган йўл, озодлик учун кураши ҳақидаги бу асари нухасини болалар қишлоқ мактабига олиб кетадилар.

Кинодан сўнг

Ҳамроҳим кино санъатини жуда яхши тушунишини шама қилиб қолди. Биз деярли ҳамма афиша олдида тўхтардик. У расмларни, фотосуратларни танқидий кўздан кечирар, баъзан афтини буриштирар, баъзан елкасини қисар, қошларини учирарди. Гавана кўчаларида туш пайтида бундай синчков томошабинни учратиш маҳол бўлса керак: одамлар ўзларига ёққан фильмни дарҳол танлаб, салқин залларга кириб кетишади. Чамаси, учинчи кинотеатр қошида омадим келди. Ҳамроҳим ишқ-муҳаббатга бағишланган фильмни кескин рад этди. Сўнг:

— Бўлмаган гап! — деди қатъий. — Ҳа, мана буниси...

Рекламада чавандозларнинг ўтли шарпалари қотиб турарди. Фильм номини бўғинларга бўлиб, овоз чиқариб ўқиркан:

— Яхши фильм,— деди ҳамроҳим. У шундоқ кўз югуртириб қўйганда Кубада бир неча кун бўлиб, у ерликларнинг тилини наҳотки шунчалик тез ўрганиб олди, деб ўйлардим. Ҳамроҳим бўлса лабларини пичирлатар, ном маъносини чақишга қийналаётгандек кўринарди. Мен унга ишондим.

— Таржима қилиб бўлмайдиган сўз ўйини,— гўлдиради ҳамроҳим. Кейин қўшиб қўйди,— нима ҳам деб бўларди! Қизиқтирадиган номлар...

У ҳатто менга парво қилмасди. Фильмни ўзича баҳоларди, билетни узатар экан ошнам нописандлик билан сўради:

— Яхшими?

Текширувчи ажойиб қилиб рус тилида:

— Жуда яхши!— дея бир неча минутдан сўнг «Динамик фильм» бошланадиган зал эшигига ишора қилди.

Унг томонимда, қўшни стулда новча йигит ўтирарди. У новчалигидан ўнғайсизланиб, ҳеч кимга халақит бермасмиканман, деган андишада орқасига қараб қўйди ва тирсаги менга тегиб кетмаслиги учун узун қўлларини тиззаларига олди. Мен бу кубаликнинг ҳушфёллигидан миннатдор бўлиб, креслога қулайроқ ўрнашиб олдим. Таниш мюзика янгради, таниш кадрлар пайдо бўлди. Мен «Қўлга тушмас қасоскорлар»ни тўрт марта кўрган эдим. Испан тилида эса биринчи кўришим. Шундан бўлса керак, дастлаб шошиб қолиб, ҳамроҳимга ўз вақтида тушунтиролмадим. Кейин эса вақт ўтган эди.

Зал гулдиради. Завқланиб кетган новча йигит ўрнида ирғишлаб, елкамга беихтиёр шапатилар, гарчи мен кўз узмаётган бўлсам ҳам экранга қарашга ундарди. Томошабинлар билан лиқ тўла зал баъзан жимиб қолар, гоҳ ғалаёнга келарди. Қаҳрамонларига ундай қил, бундай қил деб маслаҳатлар беришарди, руҳлантиришарди. Новча йигит ҳамон елкамга уриб, фильм мазмунини испан тилида тушунтирарди. Мен кўп гапларни ёддан билардим. Ўз навбатида русча кўчирмалар келтирардим. Кубалик завқланиб кетди, қўлларини бир-бирига ишқаб қичқирди:

— О... о... о!

Дўстлар билан кинотеатрдан чиқдик. У бизларни четга тортиб, фломастер ва блокнот узатди.

— Автограф сўраяпти!— деди ҳамроҳим. Лекин кубалик пошнларини тротуар плиталарига туёқ овозидек тўқиллатиб урди.

— От суратини чизишни сўраяпти,— деди билафонлик билан ҳамроҳим.

Мен от суратини охириги марта бешинчи синфда чизгандим. Унинг оёқлари шу қадар ингичка чиққан эдики, бундай от билан пойгада чопиш у ёқда турсин, ҳатто у чавандозни кўтаришга ҳам қодир эмасди.

Ҳамроҳим тушунмай туриб афиша ўқигани каби от ва чавандоз тасвирини таваккалига чизиб берди. Энг кўнгилчан жюри ҳам бу расмни мактабгача ёшдаги болаларнинг ижодий кўргазмасига қўймаган бўларди. Лекин кубалик ўзида йўқ хурсанд эди. Айниқса чавандознинг будёновкасидаги юлдузча унга ёқиб қолди. Юлдузча чиндан ҳам ҳақиқийсига ўшарди. Кубаликнинг илтимоси билан бу асарга мен ҳам имзо чекдим. Бир фурсатдан кейин ўн чоқли киши бизни ўраб олди. Кубалик кинотеатр биносига ишора қилиб, бизнинг ким ва қаерданлигимизни ўз танишларига астойдил тушунтира кетди. Биз яхши фильмга бевосита алоқадор эканлигимизни мамнун ҳолда ҳис қилиб турардик. Қувноқ давра бизни меҳмонхонагача кузатиб қўйди. Улар билан қайта-қайта қўл сиқиб хайрлашдик.

Петефи билан танишув

Унгиб кетган кўримсиз откриткалар... Улар юққа қоғозга босилган эди. Эсимда, мен уларни газета сотувчидан харид қилгандим.

Откриткаларда шаҳар харобалари, портлатилган кўприк, темир-терсақлар, бўш гильзалар, бочкалар сочилиб ётган Дунай соҳили тасвирланган эди. Будапештга уч-тўрт кунга бирга келган батальон командири откриткаларни айлантириб кўрди-да, қайтариб берди. «Ха-а-а»,— деб қўйди ўйчан ҳолда майор Петренко. У Венгрия пойтахтини озод этганини билардим.

— Шаҳарни сақлаб қолмоқчи эдик,— деди батальон командири,— улар бўлса бизнинг элчиларни...

Петренко қўл силтади. Кўп дўстларидан жудо қилган, яқинда бўлиб ўтган жангларни эслашга унинг рағбати йўқ эди.

1945 йилнинг октябрида Будапештда катта ишлар олиб бориларди. Кўчалар, майдонлар тозаланиб бўлинган, уйлар ремонт қилинарди. Дунай соҳилида занглаган, жингиртоб бўлиб майишиб кетган металл қолдиқлари, бочкалар кўринмасди.

— Кимдир аввалроқ суратга туширган экан,— деди майор.

Мен бу одамни яқингинада танигандим. Балатон районида турган қисмимизда у қаттиққўл, одамови саналарди.

Бир куни, кўл бўйида турганимизда, у бирдан денгиз ҳақида нотаниш шеър ўқиб қолди. Шунда мен урушга қадар Петренконинг педагогика институтида ўқиганини билиб олдим.

Будапештда охирги куни бўш эдик.

— Дарвоқе,— деди майор,— менинг Пештда танишим бор. Кетдик, қидириб бориб келамиз...

Пештгача анча йўл юрдик.

— Сен Шандор Петефи деган шоирни биласанми?— деб бирдан сўраб қолди майор.

— Фамилиясини эшитганман, аммо шеърларини ўқимаганман,— жавоб бердим мен.

— Унинг шеърлари рус тилига ўтган асрдаёқ таржима қилинган... Ноёб китоб, учратмаган бўлишинг мумкин,— деди Петренко.— Сирасини айтсам, у билан шу ерда танишганман. Чинакамига... Петефининг уйи сақлаб қолинган.

Дунай соҳилида кичик саройни излаб топдик.

— Шу ерда тура тур, мен ҳозир келаман...

У ўн икки ёшлар чамасидаги болани бошлаб келди.

— Танишиб қўй, Миклош.

Бу — гитлерчилар отишмалари пайтида вайрон бўлган уйлардан Петренко батальони солдатлари олиб чиққан болалардан бири эди. Кейин Миклош ўтган асрда шу ерда яшаган, революцион шеърлар ёзган, революцион ҳаракатларда бевосита иштирок этган Петефи ҳақида гапириб берди. Майор Миклошга қаради:

— Балки Петефидан ўқиб берарсан?

Миклош бош силкитди. У овозини кўтармай ўқиди. Назаримда одамларнинг мардликлари, курашлари ҳақидаги бу майин, аниқ мисраларни тушунаётгандай эдим.

Йиллар ўтди. Мен Н. Тихонов, Б. Пастернак, Л. Мартинов таржимасида Шандор Петефи шеърларини ўқидим. Бу шеърлар қардош халқлар тилида ҳам жаранглашини билдим. Кейин эса чиройли, қувноқ шаҳарга айланган Будапештга бориш, улуғ венгер шоирининг номи билан аталган майдонда бўлиш ва унинг ҳайкали қошида туриш бахтига муяссар бўлдим. Шандор Петефи ўзининг «Кўзғол, Можар» номли машҳур шеърини ўқиб туриб, қўлларини қасамёд қилиш учун кўтарган бир тарзда ҳайкалтарош томонидан моҳирона тасвирланганди. Назаримда, ҳайкал ёнида мен шеърятни жондан севган, комбатимиз аланга ичидан олиб чиққан ўша боланинг ҳаяжонли овозини эшитгандай бўлдим.

Нон таъми

Шаҳар тепалик сари чўзилиб кетган. Айланма йўл бўйлаб машиналарнинг баъзан кўздан ғойиб бўлиб ғизиллаб бориши денгиздан кўриниб турарди. Пиёдалар ўзларига керакли кўчаларга зинапоялар орқали чиқишади. Кўм-кўк Урта ер денгизининг мовий сатҳига виқор билан қараб турган Жазоирнинг оппоқ қордек биноларига бефарқ қараб туриш мумкин эмасди.

Тўғри, бу замонавий, шаъшаадор уйлар орқасида қадимий районлар, пастқам, тор кўчалар, тош ва лойдан қурилган кулбалар ҳам бор. Уша кўндаланг зиналар орқали ҳуқуқсизлик, қашшоқлик, жаҳолатнинг собиқ макони бўлган энг қадимий маҳаллалар — Касбага ҳам етиб олиш мумкин. Эллигинчи йилларда, Жазоирнинг миллий мустақиллиги учун уруш бораётган бир пайтда, Касба тиканли симлар билан ўраб ташланганди. Босқинчилар тилсимдек чатишиб кетган тор кўчаларга киришдан қўрқар, ерли аҳолининг ҳам у ердан чиқишига йўл қўймасдилар. Деворлардаги «Яшасин озодлик!» деган ўчмас шиорлар ўша даврдан қолган.

Ҳозир Касбада аҳолини қулай, замонавий уйларга кўчиришяпти.

Мақсуд пойтахт яқинидаги қишлоқда, қоронғи, тупроқ томли, қашшоқ хонадонда яшарди. У болалигида, бошқа минглаб кишилар каби, онаси билан Тунисга қочиб борганди.

— Бизлар учун ўша ёққа теплоходда буғдой юборгансизлар... Ушанда мен илк бор Совет Иттифоқи ҳақида эшитган, биринчи марта мазали нонни еган бўлсам керак...

Биз Мақсуднинг янги уйида ўтирардик. Мен уларнинг буғдой унидан бўлган, тандирдан янги узилган иссиқ нонини мақтаб-мақтаб едим.

Ёш агроном Жазоир мактабида ўқиган, Тошкент институтида таҳсил кўрган. Ҳозир қишлоқ хўжалик кооперативларидан бирида ишлаяпти.

Мақсуд ўтмишини эслар, ер тўғрисида кўпроқ гапирарди...

— Нонимиз мазали, тўғрими?— сўраб қолди у.

— Жудаям...— мақтадим мен.— Узумингиз ҳам лаззатли экан.

Бу сўзлар унга ёқаётганини Мақсуд яширолмади.

— Бизда ер кўп, бироқ бу ерлар саҳро ва чаласаҳродан иборат. Фақат ўн саккиз фоизига яқинидагина деҳқончилик қилинади. Ҳар бир гектар ернинг қанчалик қадрдон эканлигини тасаввур қилиб кўринг-а!

У нондан бир тишлам синдириб бармоқлари орасида тутиб турдида, гўё тотиб кўраётгандек авайлаб оғзига солди:

— Легионерлар ерларимизни қадам босиб бўлмас даражада булғатиб кетдилар. Қаёққа қараманг темир-терсак уюлиб ётарди. Яна қанақа денг, ҳар бири ажал уруғи!

— Миналар! Мен буни газеталардан ўқиганман... Ерни ўқлар ил-ма-тешиқ қилиб юборган, бомбалар портлатилган, кейин миналаштирилган.

— Миналар,— тасдиқлади Мақсуд.— Мен уларни кўрганман. Пластмасса қутичаларда, цемент уяларда... Уқаланиб сарғайган, тупроққа қорилган. Кейин совет сапёрлари келишиб, бизникилар билан биргалашиб далаларга чиқиб кетишди...

Ушанда бир ярим миллион минанинг йўқ қилингани ҳақида газеталар хабар берган эди. Деҳқонларга уч минг гектар ер қайтарилди.

— Сизларнинг бир мўйсафид кишиларингизни эслайман. «Ерни тез орада тозалаймиз», деб у бизга нуқул тасалли берарди. Берлингача йўл очиб борганини гапирарди. Унинг айтгани бўлди...

Мақсуд бирдан қўл силтади:

— Эзмаликка берилиб кетдик... Сиз бўлсангиз ҳеч нима ема-

япсиз.— Марҳамат: узум, иссиқ нон. Анор, хурмо, апельсинлардан олиб, еб ўтиринг.

Ёш агроном меҳмондўстликдан ташқари, ерларнинг ноз-неъматларидан фахрланаётганини ҳам яширолмасди.

Мамлакат тарихи

Вася Пелагич кўчаси билан борилса «Млада Босне» («Ёш Босния») яширин ташкилоти фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар сақланаётган музей билан «Европа» меҳмонхонаси ораси унчалик узоқ эмас. Уша кўчалардан бирининг муюлишидаги мебель магасини ёнида ёдгорлик тахтаси бор. Шу ердан, худди ана шу жойдан 1914—1918 йиллардаги биринчи жаҳон урушини бошлаб берган дастлабки ўқ овози янграган эди.

— Сараевони эслаганда,— деди таржимонимиз Миланка,— биринчи навбатда «Млада Босне»нинг отган ўқи, Австрия тахти вориси Франц Фердинанд ўтиб бораётган ҳув анави чиройли кўприкни эслашади.

Миланка ҳақ. Сараево тарихи бутун Босния ва герцогликлар каби фақат шу ўқ овозидангина иборат эмас.

Сараево — замонавий бинолар ва қадимий масжидлар, гавжум мактаблар, институтлар ва вақт ўтиши билан бўшаб қолган қоронғи мадрасалар шаҳри. Шу билан бирга, Сараево фашизмга қарши урушда халқ озодлик уруши марказларидан бири ҳам бўлган...

Уруш ветерани Душан Колич бизни, анъанага кўра, кофе билан кутиб олди.

— Гитлерчилар Македония, Воеводинадан қувиб юборилган. Биз эса қирқ бешинчи йил апрель ойининг бошларигача жанг қилдик. Сараевода бу кунларни яхши эслашади. Жангчилар отрядларининг сафи деярли ҳар куни қишлоқлар, шаҳарлардан келиб қўшилган йигитлардан ташқари, концентрацион лагерлардан қочиб келган касал, бемажол совет жангчилари ҳисобига ҳам кўпайиб борарди. Жасур, довюрак совет жангчилари даволаниш, дам олиш ўрнига қурол сўрашарди,— воқеани баён қилишга киришди Душан.— Гитлерчилар концлагерига қилинган мардонавор ҳужумларнинг бирида совет офицерлари ва жангчиларининг катта бир гуруҳи озод қилинган. Полковник Орловни боснияликлар яхши билишади. У энг дадил операцияларни ишлаб чиқар ва амалга оширарди. Бизнинг отрядларимизда ҳам рус жангчилари кўп эди,— дея давом этди Душан.— Фақат русларгина эмас, балки украин, грузин, сизнинг ҳамюртларингиз, ўзбек йигити Карим ҳам эсимда.

— Фамилияси-чи?— сўрадим мен. Душан хижолатомуз қўлларини ёзди:

— Анча йил ўтиб кетди... Ёзиб олиш одат эмасди... Марҳамат, ичинг,— бир чашка совуқ сув билан қаҳвани олдимга суриб қўйди.— Партизан отрядлари бутун бошли районларни назорат қилиб турардилар. Баъзи кунлар тинч ўтарди, бир оз дам ҳам олардик... Дўстларимизнинг ўз юртлари ҳақидаги ҳикоялари ҳамон эсимда.

— Уларга, бизнинг солдатларга нима бўлди?— деб сўрадим.

— Баъзилар қизил армияга ўтиб кетдилар. Бошқалар... У бир оз индамай турди-да, гуноҳкорона оҳангда қўшиб қўйди.— Яраландим. Бир қишлоқда икки ҳафта ётиб қолиб, уларни йўқотиб қўйдим.

— Каримни ҳам кўрмадингизми?

— Йўқ...

У яна қаҳва совиб қолаётганини эслатиб қўйди.

Моторлаштирилган тўртинчи корпус ва бошқа қисмларнинг совет армияси билан бирлашиб, Югославияни озод қилишда ҳалок бўлганларнинг Белграддаги қабристониде «Совет жангчиси Каримов» деган лавҳали тахтачани кўриб қолдим. Йўқ... У эмас экан. Вақти ҳам, жанг

майдони ҳам мос келмайди. Менимча, ўша Босниядаги Қарим, бошқа совет жангчилари каби, тирик қолган бўлиши мумкин. Бу заминда улар катта ва машаққатли йўлни босиб ўтишган. Балки ғалабани ҳам бирга кутиб олишгандир.

Бананзорлар

Қанар ороллари ҳақиқий жаннат; чароғон, гавжум Лас-Пальмасни эса ўша жаннатнинг пойтахти, дейишади. Порт шаҳарнинг кемалар тўхташ жойида Европа, Африка, Америка, Ўрта Шарқ мамлакатларидан келган кемалар туради.

Лас-Пальмас барча йўлларнинг чорраҳасида ўрнашган. Шунинг учун бу шаҳарга кимлар келмаган дейсиз.

Болакайлар портда туристлар ва денгизчиларни кутиб туришади. Меҳмонлардан бирининг юкни олиб бориб бериш, бошқасига такси топиш, учинчисига «Манако», «Токио», «Шанхай» ресторанилари жойлашган тор кўчаларни кўрсатиб қўйиш керак. Баъзилар «Колумб уйи»га кириб кетиш истагини билдиришади. Губернаторга қарашли бўлган бу улкан кошонада бир вақтлар буюк денгиз сайёҳи турган. Американи кашф этишдан олдин бу ерда «Синьор Колон» яшаган.

«Колумб уйи»га бошлаб кетаётиб ўн тўрт ёшли Хосе ўз қисмати ҳақида гапириб берди. Хосенинг чинакам иши бор эди. Энг ҳақиқийси... у бананзорда меҳнат қиларди. Бу бананзорлар шаҳар қошидаги ёнбағирларга ўрнашган.

— Йил қуруқ келганди,— деб у кўм-кўк, тиниқ осмонга қараб қолди. — Худди мана шундай. Бу ерда деярли ҳамиша қурғоқчилик бўлади... «Башарти ёмғир ёғиб қолса, бепул хизмат қилишга қафолат берамиз», деган ғалати эълон осилган очиқ ресторонга кўзимиз тушди.

— Октябрда бананларга сув керак,— давом этди Хосе.— Сув лотоклардан оқади. Ариқдан оқизиб бўлмайди. Бу ердагилар сувнинг ҳар бир томчисини қадрлашади.— У бананзорга кўз ташлаб жим қолди. Гўзал! Бироқ Хосе бу гўзалликдан завқланмасди. У хотираларга берилиб кетганди:

— Мен лотокларга қараб юрардим. Бир кун уларни кимдир синдирибди. Бу қўшни плантация хўжайинининг иши бўлса керак. У сувни ўғирлаган. Ҳа...

— Кейин нима бўлди?— дедик биз.

— Мени қаттиқ калтаклашди. Сўнг ҳайдаб юборишди. Онаминг топган-тутганини хўжайин тортиб олди. Онам ёғиб қолди...

Биз Хосени тушундик. Бундан гап очмасак бўларкан. Хосе орқасига ўгирилиб, кўзларини мушти билан артди.

Қайтишда машҳур Қанар бананларидан сотиб олдик. Бананлардан Хосега ҳам бердик.

— Кераги йўқ, кераги йўқ!— кафтини тўсиб жон ҳолатда рад этди у.

Кейинги кун бизга машҳур бананзорларни, қадимий ибодатхоналар ва бу ердаги «жаннат»нинг гўзалликларини кўрсатишди. Бу ерда ҳатто тиканли кактуслар ҳам айниқса чамандай, ўзгача гулларди! Ҳаммаси бошқача... Худди циркдагидек безатилган, араваларини тебратиб юрувчи отлар туёғининг овози эшитилиб турадиган ва туристлар сайр қилиб юрган соҳил қайтиш чоғимизда бесаранжом эди. Туристлар чеккага чиқиб кетган, машиналар тўхтаб қолган... Йўлда порт юкчиларининг колоннаси ўтиб борар... Лўнда қилиб ёзилган шиорларни кўтариб олишган.

Таржимон уларни ўқиб ўтирмай, денгиз томон ўгирилиб, индамай тураверди.

— Хосе!— дея хитоб қилди менинг дўстим.

— Ҳа, Хосе колонна сафида борарди... У анчайин болалик ҳаваси билан эргаашаётгани йўқ, иш ташлаганлар сафида ёшига хос бўлмаган дадиллик билан қадам ташлаб борарди.

Шеърлар

Қўлида найза, рангли қалқонга суянган йигит узоқларга тикилиб турибди. Қулоғидаги каттакон ҳалқалари елкасига тегай дейди. Қўлларида билагузуклар. Ёш жангчининг орқасида Климанжаро тасвирланган. Юзи кўринмайди. Лекин негадир ҳорғин, хомушга ўхшайди. Чамаси туристлар юрадиган хиёбонни безатиб туриш жонига теккан. Экзотикага ҳуши қолмаган.

Биз Танзания университетига жўнашимиз олдидан стеклографда босилган варақалар беришди. Текст рус тилида ёзилган эди. Имло хатолар, кулгили жумлалар... бизга малол келмади.

— Бирор нотўғри жойи бор эканми?— ҳушёрлик билан сўради бизни кузатиб бораётган студент.

— Мазмунан тўғри келади...

— Албатта, тўғри келади! Университет асосий машғулотлардан ташқари бир неча курслар ташкил қилган. Масалан, студентлар қишлоқларга жўнаб кетиб, у ерларда кутубхоналар барпо қилишяпти. Бу кутубхоналар тўғрисида шундай дейилган: «Ҳозир улар анча кичкина, биз буюртирган китоблар етиб келганида, бир қадар кенгайди».

— Нима, нотўғрими?— яна хавотирланди студент.

— Ҳаммаси аъло!

Студент аудиторияларни кўрсатиб, машғулотлар жадвалини ўқиди: иқтисод, беш йиллик план, ҳуқуқ, ижтимоий маъмурият, физика, математика...

— Поэзия!— деб хулоса қилди-ю, юзида табассум аксланди.

— Шеър ёзасизми?

У бизнинг ҳушёрлигимизга ҳайрон бўлди:

— Ҳа! Кўп нарса тўғрисида ёзгим келади. Дўстларим, шаҳримиз Дар-ас-Салом ҳақида!

У ишонч билан овозини пастлатиб гапирди:

— Менимча шулар ҳақида ёзиш керак.

— Жуда керак!

Бирпас индамай турди-да, студент қўшиб қўйди:

— Мен ҳам қишлоғимизга кичикроқ кутубхона билан бордим. У ерда совет агрономи ишларди. Деҳқонлар у ҳақда шеърлар, қўшиқ ёзишимни илтимос қилишди. Кейин у берилиб, тебраниб ўқиди:

**Фақир бўлмас ҳеч қачон замин
Қадим тушлар оғуши аро.
Гулга буркар инсон меҳнати,
Саховати бўлмагай адо...**

У ўқиб бўлгач, қалай, деган маънода бизга қараб қўйди. Кейин мамнун бўлиб жилмайди. Мана шунда биз ёш Африканинг ҳақиқий қиёфасини кўрдик!

Эртак

Аёл эртакни овоз чиқариб ўқирди:

— Шаҳар ташқариси яхши эди! Авжи ёз. Лайлак солланиб, узун оёқлари билан ўтлоқ узра юриб борарди...

Болалар қимир этмай ўтиришибди. Мен ҳам бу эртакни бир вақтлар эшитгандим ва солланиб қадам ташлайдиган лайлакни кўришни

орзу қилардим. Лайлақлар бизни сезиб қолиб, қанотларини ёзишди-да, тўғри келган томонга учиб кетишди...

Буюк эртақчи Ганс Христиан Андерсен туғилган Дания шаҳри Оденсада унинг асарлари қандайдир ўзгача эъзозланади.

Унча катта бўлмаган сершовқин хиёбонда аёл эртақ ўқирди. Минг афсуски, бу жойга биронта лайлақ киришга журъат этолмайди. Болалар атрофга аланглар, хиёбондан ўша қушни қидиришарди...

Дания бўйлаб қилган сафаримда эртақ эшитаётган ўқувчилар группаларини тез-тез учратиб турдим. Бир куни таржимондан:

— Улар саёҳат қилиб юришибдими?— деб сўрадим.

— Йўқ... Улар маҳаллий. Ҳозир таътил пайти, дам олишяпти,— жавоб берди даниялик қиз.

— Нега шаҳарда дам олишади? Андерсен эртагидаги каби лайлақларни томоша қилишга чиқишса бўларди...

— Эртақдагидек?— дея ғамгин сўради таржимон қиз, кейин ўзи изоҳ берди:

— Одатда ота-оналар йиғади бунақа группани. Кейин навбатманавбат болалар билан сайр қилишади. Мураббий ёллаш жуда мушкул. Қимматга тушади...

Даниянинг барча мактабгача тарбия муассасалари, ҳордиқ чиқариш марказлари деб аталадиган «Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг машғулотдан сўнг қоладиган» жойларида камида йигирма мингдан ортиқроқ бола бўлишини кейинроқ ўқиб қолдим. Каттароқ ёшдаги болалар учун, биздагидек, пионер лагерлари бу мамлакатда йўқ...

Фақатгина «Артек»да бир йилнинг ўзида йигирма етти мингдан ортиқ ўқувчи бўлишини ҳам ўқиганман. Бошқа лагерларимизда уларнинг яна қанчадан-қанчаси дам олишади!

Ёз кунларининг бирида кўча ҳаракати тўхтатилганини кўрдим. Ерқин плакатларга: «Болалар!»— деб ёзиб қўйилган автобуслар колоннасини ўтказиб юбориш мақсадида рўпарадан келаётган машиналар йўл четига чиқиб туришарди.

Менинг хотирамда: «Шаҳар ташқариси яхши эди... авжи ёз эди!», жумлалари жонланди.

Ҳозир кўриб турганим эса эртақ эмасди.

Бўлажак қўшиқ

Зериктирарли майда ёмғир шиваларди. Дўкондорлар декабрь ҳавосининг инжиқлигига, харидорларнинг йўқлигига кўникишгандай хушбўй олмалар, майда лимон уюмлари орқасида эринчоқлик билан қаҳва ичиб ўтиришарди. Уларнинг ҳар бири мўъжиза юз беришидан умидвор. Байрут бозорларида бундай воқеалар бўлиб турарди. Кўтарага оладиганлар келиб қолиши мумкин.

Фаллоҳлар учун цитрус ўсимликлари, бананлар, олмалар ҳосилини етиштириш осон эмаслигини яхши билардим. Тик ёнбағирлар бўйлаб ўрлаб кетган бананзорлар, боғларни кўрганман. Уша унумсиз, тошлоқ ерларга тупроқни ташиб чиқишса керак... Сувни эса нақадар машаққатлар билан ибтидоий усулда юқори кўтаришган.

Фаллоҳлар меҳнатига ҳурмат билан қараш лозим. Масалан, ёнбағирлардаги олмazorлар (бор-йўғи эллик — икки юз туп) яқинда барпо бўлган. Бундан ўттиз беш йил муқаддам холодильникларда бир неча ойлаб сақланган «Гольден» меваси чет эл бозорларида катта шуҳрат қозонган. Кейинчалик яшиқларга жойлаб жўнатиш корхоналари пайдо бўлди. Улар ҳақида жанубий ливанликлар фахрланиб гапиришади...

Уша Сайда шаҳрида... Ҳа, худди ўша ерда эди. Энди мен Жанубий Ливаннинг теварагини телевидение, кинолавлардагина кўрдим. Фаластин қочоқлари яшайдиган лагерлардаги кулбалар, чодирлар, оддий латта-путта, темир бўлақлари ҳамда фанерлар билан берки-

тилган бостирмалар замонавий самолётларнинг шиддатли ҳужумларидан сақланиш йўлини излаётгандек ер бағирлаб турарди.

Исроил замбаракларининг ўқлари бу ҳимоясиз иншоотларни бурда-бурда қилиб учуриб юборарди.

— Артиллерия отишмаларидан кейин бундай лагерларни бориб кўрганман,— дея ҳикоя қилди фаластин шоири Талфик Фият. У яқингинада гулдасталар тутқазган, бўйнига шоҳи галстук тақиб қўйган гулистонлик ўқувчилар билан болаларча қувониб, мамнун қўл қисшиганди.

— Бу даҳшат...— деярли шивирлаб гапирди шоир. Унинг қўлларида атиргуллар. Ёнида болалар чувиллашар, қаердадир қувноқ музика садоси янграрди.— У ёқдаги ерларда гул унмайди,— дея давом этди Талфик Фият.— Тенгдошларимнинг биронтаси бунақа гулларни кўрмаган бўлса керак...

Уни бир лаҳзалик оғир хаёлотдан чалғитгим келди.

— Бу ерларда ҳам гул унмас эди, — дедим мен. — Мирзаҷўл. Бу ўлкани шундай деб аташарди. Гулистон шаҳри ҳам йўқ эди.

— Мен бунга ўқиганман,— бош қимирлатди Талфик Фият.— Шаҳарнинг номи чиройли экан.

У гулни қовушолмай ушлаб турарди. Аммо бу қўллар қурол ишлатишга абжир. Бу қўллар қалам билан қисқа вақт ичида жанговар чақириқ сингари оташин шеърлар ёзган.

— Биз ўз еримизни тортиб оламиз,— деди фаластинлик шоир.— Биз ҳам албатта мана шунақа гуллар ўстирамиз...

Ниҳоят, Талфик Фият жилмайди:

— Кейинчалик гуллар, гуллаб-яшнаётган ўлкамиз ҳақида шеърлар, қўшиқлар ёзишимизга фурсат келади.

Япон боғчаси

Меҳмонларимизнинг барчаси, Африка — Осиё ёзувчилари Япония уюшмасининг аъзолари, ёшлар эди. Улардан баъзилари газеталарда ишларди, бошқалари адабий фаолиятини ўқитувчилик билан қўшиб олиб борарди.

Укада Юзо Хиросиманинг махсус мактабларида дарс берарди. Унинг ўқувчилари синфда зўрға ҳаракат қилишади, баъзилари ўқитувчига савол бериш учун ҳатто қўлини ҳам кўтаролмасди.

Хиросиманинг ўша олис даҳшатли соатлари кўп йиллардан кейинги бошқа авлодга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Укада Юзо бошқа мамлакатларда ҳам бўлган. Уни фақат бир нарса — болаларнинг аҳволи, давлатнинг уларга муносабати қизиқтиради. Майиб-мажруҳ, тиланчи болаларнинг...

Кўнгилсиз мавзу. Бироқ адабиётчи ва ўқитувчи миллионлаб болаларнинг бошига тушган бахтсизликлар ҳақида гапириб беришни истайди.

Мен Укада Юзога Японияда бўлганлигимни айтдим. Мўъжизакор реклама чироқлари, бой магазинлари бўлган чарогон Гиньзани эслатдим. Бу эса меҳмонга таъсир этмади. У фақат «Ҳа, чиройли», дея розилик билдирган бўлиб, бош қимирлатиб қўйди.

Савдо расталари пастак томли жинкўчалар бўйлаб чўзилиб кетган, қорадори, наша ҳидлари анқиб ётган ва дастёр болалар ўткинчиларни шубҳали жойларга имлаб чақирадиган Асакуса районини эслатишим билан меҳмон ҳушёр тортди.

Мен кўрганларим ҳақида ҳикоя қилиб ўтирмадим. Бу ердаги болаларнинг ҳаммаси ҳам шундай ифлос ишлар билан шуғулланишмайди, ҳаммасининг уйи ҳам шунақа пастак томли кулба эмас.

Ҳар бир метри ҳисобли, дўкон ва уйчалар учун мўлжалланган тор кўчадан етти-саккиз ёшлардаги қандайдир бола ётиб-туриш учун ўзига бурчак топиб олди. У кафтларига юзини қўйиб ётганда, хайриятки,

дўкон берк эди! Бўлмаса хўжайин: «Дўконимга бунақа реклама «керакмас», деб бу дайди гўдакни қувиб юборган бўларди.

Бундан деярли икки юз йил муқаддам ота-онасидан барвақт ажралган машҳур шоир Иса қишлоқдан шаҳарга кетди. У овқати учун зўрға пул топар ва анъанавий уч мисралик шеърлар — «хокку» ёзарди. Асакиса районидаги савдо ва ишчилар маҳаллаларида кўрганларимни меҳмонга гапириб ўтирмадим. Бироқ Иса номини эслатдим. Унинг шеърларидан бирини ўқиб бердим:

**Аёзли қиш тунда ёлғиз,
Ухлар кўприк остида юпун
Миттигина қаровсиз бола.**

— Қачонлардир шундай бўлган,— дея хўрсиниб қўйди Укада Юзо.— Афсус... Ҳозир ҳам бор. Сизда бўлса...

У иши учун зарур бўлган гадой болаларга хос фактлар излаётганига иқроор бўлди. Ён дафтари саҳифалари эса бошқа сатрлар билан тўлди.

— Биз Тошкент марказидаги япон боғчасини кўрдик,— дея гапга аралашди ёзувчи ва журналист Фудзино Масаёки.— У ерда болалар шодон ўйнаб юрарди. Мен уларнинг юзларини, қувноқ кулгиларини узоқ вақт эслаб юраман...

— Мен бўлсам бу қувноқлик ҳақида ёзаман...— деб суҳбатга яқун ясади Хиросимадаги майиб болалар мактабининг ўқитувчиси ва адабиётчи Укада Юзо.

А. АСИЛОВ таржимаси.



Оёқ остидаги ДУР

Сайёра Расуловна дилрабо сукунатдан роҳатланиб, чалқанча ётганча эринибгина сузарди. Дарёнинг салқин суви на фақат баданини, қалбини ҳам ғуборлардан тозалаётгандек эди. Атрофида жонзот йўқ. У кўзларини аста очиб, булутсиз кўкка тикилди. Бу ҳолат унда шундай ҳаяжон, шоирона, балки ундан ҳам кучлироқ туйғу уйғотди.

Сайёра Расуловна диссертация ёқлаб, фан доктори илмий даражасини олгач, бу ерга — санаторийга кечагина келган эди. У ўн йилдирки, ҳузур-ҳаловат, дам олиш нималигини билмади, кутубхоналарда кеча-кундузлаб ўтирди. Энди буларнинг ҳаммаси ортда қолди. Мана, қуёшнинг сархуш нуридан, табиатнинг тасаввур қилиб бўлмайдиган гўзаллигидан сармаст ҳолда боши сал-пал айланиб, сув бетида енгилгина борар, ёйилиб кетган сочлари кифти узра тўлғаниб, ортидан эргашарди.

Бирдан қандайдир товуш эшитиб, ўгирилиб қаради:

— Гулафрўз?!— деди у ажабланиб.— Қаёқдан келиб қолдинг?

Қирғоқда ўн тўққиз ёшлардаги чиройли қиз турарди. У шу туришида сувда яшовчи қандайдир ғайритабиий зотни эслатарди.

— Менга қаранг, ойижон,— деди Гулафрўз қирғоққа яқин келиб. Қиз қувончдан қуёшдек чарақлаб кетганди. Унинг шивирлаши онасининг қулоғига каттакон мушукнинг хуриллашига ўхшаб эшитилди. Сувонқул менинг розилигимни сўради. Эртага ЗАГСга борамиз...

Она, аввалига, ҳеч нарса тушунмай, ҳайрон бўлди, кейин қирғоққа чиқди-да, қизини қучиб ўлди:

— Нима деясан ўзи? Сал ҳовлиқмай гапир. Қанақа ЗАГС?

Сайёра Расуловна одми чит кўйлагини кийиб олди. Улар хоналарига қараб кетишди. Гулафрўзнинг лаблари беихтиёр жилмаяр, у бирдан шодиёна қичқириб юборишдан ўзини тийиш учун кафтини оғзига босарди.

— Сувонқул келди, иккаламиз бирга сайр қилдик, ўшанда менга бир боқсангиз эди, ойи! Гўё ҳеч нарса бўлмагандек боряпман-у, қувончим ичимга сигмайди...

Сайёра Расуловна Сувонкулни эшитган-у, лекин ўзини кўрмаганди. Нимагадир кўнгли гаш тортиб, шу дамда қизига нисбатан бирдан ачиниш ҳиссини туйди. Улар ўз хоналарига киргач сўради:

— Қани у?

— Кетди... Мени бу ерга машинасида келтириб қўйгач, қайтиб кетди.

— Нега энди?.. Уни мен билан таништириб қўярдинг. Нима сабабдан унинг мендан қочиб юрибди? Ёки чўлоқ-мўлоқми?— ҳазиломуз сўради Сайёра Расуловна.

— Нима деяпсиз, ойижон!— деди Гулафрўз хафа бўлиб.— Ҳар бир қиз ҳавас қилса арзийдиган йигит у. Шунақа кўркем, шунақа ақллики...

— Ахир уни сен деярли билмайсан-ку?!

— Ойи, мен ўшани дейман, ундан бошқасини бошимга ҳам урмайман! Аслида унга мен нолойиқман, ойи... уни шундай севаманки!..

Шу пайт даҳлизда оҳиста шитир эшитилди, сўнг эшик тирқишида хат кўринди Гулафрўз сакраб ўрнидан турди ва эшикни очиб, ташқарига кўз ташлади. Ҳеч ким йўқ. Бир оз ажабланган қиз конвертни олди. Унда босма ҳарфлар билан ойисининг исми ёзилганди.

— Ойи, сизга экан,— деди-да, хатни узатди.

— Кимдан бўлиши мумкин?— дея пичирлади она, қандайдир фалокатни олдиндан сезиб. У конвертдан хатни олди. Хатни ўқир-ўқимас кўлидан ногоҳ тушириб юборди. Онасининг авзойи ўзгариб, ранги оқариб кетганидан Гулафрўз ҳайрон бўлди.

— Нима гап экан?

Сайёра Расуловнанинг гапиришга қурби етмасди, бошини қимирлата олди холос. Гулафрўз ҳам хатни ўқиди. Унда шу гаплар ёзилганди: «Кеча бир йигитнинг машинасида қизингизни тасодифан кўриб қолдим. Ундан жуда ҳам эҳтиёт бўлинглар: у ўғри ва қаллоб! Хабар бериб кўнгилларингизни нохуш қилганим учун узр. Сизларнинг дўстингиз...» Уқиб чиқди-ю, гарангсиб онасига қаради. Онаси ҳамон ўзига келмаган, нест бўлиб ўтирарди. Бирдан қизнинг қалбида ғалаён бошланиб, ташқарига қичқириқ бўлиб отилиб чиқди.

— Ёлғон! Ёлғон! Ғирт ёлғон!— деди бақариб Гулафрўз.— Сувонкул яхши, яхши! Менинг бахтимни кимдир кўролмаёпти, ҳасад қил-япти!— у онасининг елкасига бошини қўйиб йиғлар, йиғи аралаш хатдаги хабарни рад этарди:— Бундай бўлиши мумкин эмас. Бу нотўғри! Ёлғон! Ёлғон!!!

Бошини сарак-сарак қилган она оҳиста пичирлади:

— Қизгинам, бу иш сен ўйлагандан жиддийроққа ўхшайди...

— Йўқ, йўқ!— ҳамон ўжарлик қиларди Гулафрўз.— Ёлғон! Ёлғон!

— Вой, унга нима бўлди!.. Бечора қиз-эй.— дея навбатчи ҳамшира кириб келди.

— Тезроқ врачни чақиринг,— деди Сайёра Расуловна туси ўзгариб.— Қизим хушини йўқотаётганга ўхшайди...

Врачни кузатиб қўйган Сайёра Расуловна тинчгина ухлаб ётган қизига қаради. У креслога ўзини ташлади ва юз берган воқеа ҳақида ўйлаб кетди. Онанинг қошлари чимирилганча қотиб қолганди. «Қизининг дарди оғир кўринади»,— ўйларди у. Бехосдан онанинг назари рамкадаги деҳқон аёли тасвирланган расмга тушди. Унда майсада чўкка тушиб ўтирган бир ярим яшар бола заҳарли илонни бўйнидан ушлаб, оғзига тикмоқчи бўларди. Далада ишлаётган она тасодифан ўгирилиб, бунга кўзи тушган. Даҳшатдан ўзини йўқотган, юз бериши муқаррар бўлган фалокатдан ўғлини қандай қутқариб қолиш учун чекаётган изтиробларини номаълум рассом жуда аниқ тасвирлаганди.

Кўркув ва даҳшатдан телба бўлаёзган аёл расмини кузатаркан, Сайёра Расуловна айна шу дамда ўз бошидан ҳам шундай ҳол кеча-

ётганини сизди. Бу ерда яна сая ҳаяллаб қолса ҳушини йўқотиши муқаррарлигини ҳис қилиб, кўчага чиқиб кетди. Сайёра Расуловна кутилмаган бу зарбадан тобора эси оғиб борарди. Бир қарорга келишдан аввал у ўзини босиб олиши керак эди. Ҳозир она зиммасида қизининг тақдирини узил-кесил ҳал қилиш масаласи турарди ва у буни совуққонлик билан амалга оширишни истарди. Сайёра Расуловна ўтмишда, гарчи қоқилиб яшаган бўлса ҳам, бора-бора тўғри йўлни топиб олганди. Ҳаётига қайта назар ташларкан, ҳар гал ўз бошига бирор хавф соя солганда сирли дўстининг қўнғироғи ёки хати жуда қўл келганига иқроп бўлди. Агар ўшанда Юсуфжонга турмушга чиққанида ҳоли не кечиши мумкинлигини қуни кеча эрталаб тасаввур этиб кўрганди-ю, бари бир хаёли унга бўйсунмади. Сирли дўсти ўшанда ҳам, Юсуфжоннинг ким эканлигини аниқ тушунтириб, эҳтиёт бўлиши учун тўғри йўлланма берган эди. Энди бўлса қизини фалокатдан қутқармоқчи...

Шу дам, нима учундир, пивоходонадаги семиз «тулум» Сайёра Расуловнанинг хаёлида жонланди. Кеча кўзи тушганда авваллари ҳам қаердадир кўргандек бўлган ва ғалати туйғу вужудини қамраб олганди. Бу ҳис шунчалик кучли эдики, ҳатто юриб бораётган жойида тўхтади. Сайёра Расуловна бу одамни аввал кўргани аниқ, лекин қаерда ва қачон? Аёл уни учратиши мумкин бўлган ҳолларни эслашга уриниб кўрди. Бироқ тасаввурда ғира-шира бир шарпа тебранарди, холос. Яна бир марта кўриш ва қаерда йўлиқтирганини эслаш мақсадида пивохона томон йўл олди.


Сайёра Расуловнанинг кўзларини тўсиб турган катта қора кўзойнаги унинг юзига сирли қиёфа бериб турарди. Пивохона деярли бўш эди. Яхшилаб артилган столлар ярқираб, айримларининг устига оққизил, оқ-яшил ҳошияли дастурхонлар ёзиб қўйилганди. Буфет ичкарисида ўша семиз «тулум» турар, кўринишидан у пивоходонанинг хўжайини эди. Нарироқда икки киши пиво ичиб ўтирибди. Ундан наридаги студда ўтирган қария олдидаги газеталарни титкилади, сўнг буфетчига қараб қўйди-да, қаҳва қуйилган пиёласини қўлига олиб, ича бошлади.

Буфетчи оғир-оғир одимлаб Сайёра Расуловнага яқин келди:

— Кофем ёки пиво?

Сайёра Расуловна буфетчига қаради. Ҳаддан ташқари семизлик замирида кишини бездирувчи қандайдир кўриниш бор эди унда. Юзига эса семиз одамларга хос ўз-ўзидан мамнунлик ифодаси қалққанди. Унинг бу турқи-таровати Сайёра Расуловнанинг нафратини кўзгади.

◆ ХИКОЯ
◆ ОЁҚ ОСТИДАГИ ДУР
◆ Ф. ЗОХИДОВ



Шунда ҳам у негадир шартта ўрнидан туриб, пивохонадан чиқиб кетолмасди.

— Қизиқ, менга таниш туюляпсиз,— деди Сайёра Расуловна,— мен сизни қачон ва қаерда кўрганганимни эслашга ҳамон уриняпман-у...

— Пиво сотяпганимга, мана, ўн йилдан ошди,— елкасини қисди буфетчи.— Бу ерга пиво ичиш учун кирганларнинг ҳаммасини эслаб бўлармиди... Хўш, сиз нима буюрасиз?

— Марҳамат қилиб, бир шиша пиво берсангиз.

— Жоним билан, хоним.

Буфетчи бир шиша пиво ва тоза стакан келтириб бергач, қайтиб жойига бориб турди. Сайёра Расуловна унга бутунлай жирканиб назар ташлади. Бу бесўнақай семиз одам нима учун шу даражада кучли нафрат кўзгатганини ўзи ҳам билмасди. Тўсатдан унинг тасаввурида пиво қуяётган семиз гавда ёнида бошқа бир қиёфа гавдаланди. Кулги хонасидаги қийшиқ кўзгу одамни одатда бақалоқ, кўримсиз қилиб кўрсатгучи эди. Ҳозир эса бунинг акси рўй берди: бесўнақай, семиз одам ўрнида навқирон йигит қиёфаси бир лаҳза пайдо бўлди. Ажабо, унинг рўпарасида бундан йигирма йил муқаддам телбаларча хуштор бўлган кўркам йигит турарди! Бу ақлга сиғмайдиган ҳол, айни дамда инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқат ҳам эди.

...Сайёра йигитни санъат ва адабиёт баҳсларига берилиб кетиб, тунгача ўтиришиб қоладиган студентлар клубида кўрди. Юсуфжон бу ерга ёш рассом дўсти билан бирга кириб келди. У ҳали навқирон, йигирма учдан ошмаган, кишини ўзига дарров жалб қиладиган савлатли, бунинг устига хушчақчақ эди. Юсуфжон Антониони, Фелини, Бергман, Ален Рене, Акира Курасова, Бенуюэл ижоди ҳақида тинмай гапирди. Келгусида кинорежиссёр бўлиш учун ҳамма нарсадан кечишга тайёр эканлигини ҳам айтди. «Орзуим Гомернинг «Одиссея»сини экранлаштириш,— деди у,— бу ижодий фильм бўлади». У ўзига шунчалик ишонардики, ҳатто баъзи дўстлари ҳам бу ишонч олдида беихтиёр сеҳрланиб қолгандилар. Юсуфжон унинг қалбини ҳам тезда ўзига ром этди-қўйди. Хушхулқлиги, билағонлиги, эпчиллиги, келажакка қатъий ишончи ва беғаразлиги учун Сайёра уни севиб қолганди.

...Анави буфетчининг ўша билимдон, гапга чечан Юсуфжон эканлиги хаёлига ҳеч сиғмасди. Сайёранинг фикрлари чуваланиб кетди. Уни мудом ўйлаб, эслаб юрди, хўш, бундан нима чиқди? Сайёра Расуловна унинг шу даражада маънавий қашшоқлашиб кетишини тасаввурига ҳам яқинлаштирмаганди. Бу даҳшат эди! Унга нима бўлганини ўз-ўзидан сўради. Қандай бўлмағур хаёллар продасини синдирдийкин?!

...Кунларнинг бирида у институтдан ётоққа кириб келганида Юсуфжон кўнғироқ қилиб қолди. Унинг сал тўлқинли овозидан ҳаяжонли қувонч сезилиб турарди:

— Сайёрахон, бугунги оқшом биз учун ниҳоятда муҳим! Устозим билан шаҳар ташқарисига кетяпмиз. У мени олиб кетиш учун машинада келади, саккизларда сизникида бўламиз. Менинг ишим ўнгидан келишини тилаб туринг...

— Мен ҳозирлик кўриб қўяман,— деди қиз трубкани жойига иларкан, сўнг телефондан нари кетди. Бир оз туриб телефон яна жиринглади. У трубкани кўтарган эди, нотаниш эркак овози эшитилди:

— Сайёра!

— Лаббай!

— Эҳтиёт бўлинг. Шаҳар ташқарисига бўладиган саёҳатни сираям ўйламанг. Юсуф сиздан фойдаланмоқчи...

— Юсуфжон-а?

— Ҳа. Ундан кўрқинг!

— Ҳеч нимани тушунолмапман... Қим бу гапирётган?

— Сизнинг дўстингиз... Йўқ-йўқ, трубкани қўйманг, охиригача эшитинг. Бу сизнинг фойдангиз учун... Юсуф бетайин, ундан кўрқин керак. Зарур бўлса, у энг яқин одамни ҳам сотади!..

— Буларни нега менга гапиряпсиз? Бундан сизга нима?

— Агар сиз ўзингизни бахтсиз ҳис қилсангиз, бу мен учун оғир. Сизни ташвишга солганим учун узр сўрайман. Хайр...

Бу хабар қизни полга михлаб қўйгандек бўлди. Аламдан унинг дод солгиси келарди...

Кеч соат саккизда чет эл маркали, кузови ёпиқ қора автомобиль ётоқхона олдида тўхтади. Қирқ ёшлардаги киши рўлда эди. Унинг кўксига тилла занжирли тумор осилиб турарди.

— Хелло, Сайёра,— деди Юсуфжон машинадан тушаётиб: у қувончдан бутунлай чарақлаб кетган, гўё ёш болага ўхшарди,— танишиб қўйинг, Сайёра, бу менинг устозим, етакчи режиссёрлардан...

Юсуфжоннинг устози рўлда ўтирганча бош ирғаб жилмайди. Сайёра икки-уч фильмда кўрган актёрни таниди. Салом-аликдан сўнг режиссёр шундай деди:

— Юсуфжон, қаллиғингизга мен билан ёнма-ён ўтиришни таклиф қиламан. Сиз эса орқада ўтирасиз. Келишдикми?

— Жуда соз,— деди Юсуф, Сайёранинг қалбигаги ҳаяжон ва норозилик аломатлари юзида акс этганини сезмаганга олиб.

— Олдинда ўтиришни ёқтирмайман,— дея эътироз билдирди Сайёра,— машина тезлашганда қўрқаман.

— Мен бор эканман, қўрқинингизга ҳожат йўқ, умуман, нимадан қўрқасиз? Менга ҳам жон ширин-ку!

Сайёра ўзини қўлга олиб, олдинги ўриндиққа ўтирган заҳоти режиссёр стартёрни босди.

Улар келган дача ҳақиқатан ҳам хушманзара жойда ўрнашган эди. Эгнига оқ қўйлак кийиб олган Сайёра, Юсуфжоннинг ошхонадан муз келтиришини кутиб, шишалар терилган кичик стол олдида турарди. Кинорежиссёр столга энгашиб, катта биллур вазада коктейль тайёрламоқда эди.

Сайёра режиссёрнинг қадаҳ узатиши муқаррарлигини сезар, вақти-вақти билан атрофга аланглаб, Юсуфжоннинг ҳануз келмаётганидан ташвишга тушарди. Йигит ликерларни аралаштириб бўлгач, икки қадаҳга авайлаб тўлдирди ва қаддини тиклаб, улардан бирини Сайёрага тутди.

— Йўқ... йўқ... Юсуфжон келмагунча ичмайман,— деди қиз ва қадаҳга беихтиёр секин қўл узатди. У кутган воқеа шу пайт содир бўлди. Қизнинг қўллари бандлигидан фойдаланган «устоз» унинг очик елкасига лабини босди. Худди шу пайт қизнинг кўзлари ташқаридан келаётган Юсуфжонга тушди. «Сайёра кўрмай қолди» деган хаёлда Юсуфжон дарҳол ўзини терраса панасига олди. Шу онда ҳар қандай бошқа ҳиссиётларга қараганда Юсуфжоннинг қилигидан ажабланиш ва ғазабланиш ҳисси қизни кучлироқ чулғаб олганди. Сайёра хонадан отилиб ташқарига чиқди, Юсуфжон унинг кетидан югурди. Хаво бутунлай айниб, майда ёмғир томчилай бошлаган, Сайёра бир неча қадам наридаги машинада ўтирарди. Юсуфжон етиб келиб сўради:

— Нима бўлди? Нега бу ерда ўтирибсиз?

— Мен уйга кетаман...

Юсуф машинага, қизнинг ёнига чиқиб, уни бағрига босди. Сайёра унинг кучоридан чиқиш учун уриниб кўрди. Йигит уни бўшатмас, иягидан тутиб, юзини ўзи томон қаратишга интиларди. Қиз Юсуфни куч билан итариб юборди-да, машина эшигини очди. Бундай шаштни кутмаган йигит бўш ўриндиққа думалаб тушди. Сайёра машинадан чиқиб, ёмғир кучайиб бораётганига қарамай, йўл бўйлаб чопиб кетди.

— Сайёра!— қичқирди Юсуфжон қоронғиликка қараб.— Буёққа келинг. Қўрқманг. Бўлди, энди тегмайман.

Ёмғир аввалгидан ҳам қаттиқ қуярди. Олдинда қандайдир машинанинг хира чироқлари кўринди. Машина йўл ўртасидаги қиз қаршисига келиб тўхтади. Сайёра дарҳол машинага чиқиб олди. Ҳайдовчи баланд бўйли, қирқ-қирқ икки ёшларга борган, өзгин, юзи чиройли

киши эди. У ўзига ярашган костюм кийиб олган, кўзлари кулиб турарди:

— Бемаҳалда сайрга чиқибсизми?..

Сайёра жавоб бермади. У ерга қараб ўтираверди. Машина эгаси Сайёранинг руҳсиз ҳолатини кўрмаганга олиб, ўзини эркин ва вазмин тутди. Гуё гапиришга зарурат йўқдек эди. Сўраб-суриштиравермагани учун Сайёра ундан миннатдор бўлиб борди. Етиб келишгач, қиз кира ҳақини тўлаш учун чўнтагидан пул чиқармоқчи бўлганди, машина эгаси кулимсираб деди:

— Ҳожати йўқ. Мен профессорман. Топганим ўзимга етиб-ортади.

Сайёра пастга тушаётганида машина қўл билан бошқариладиганлигини илғаб қолди. Демак, ҳайдовчи ногирон киши...

Воқеа бешинчи май куни содир бўлганди. Сайёра аниқ эслаб қолган. Шундан буён ҳар йилнинг бешинчи май куни унинг қўлига гулдаста тегади. Имзосиз. Қимданлигини эса ҳануз билмайди...

Буфетчи катта қорнини осилтириб, йўғон оёқларини тарвақайлатиб, стулда пишиллаб ўтирарди. «Бир вақтлар бутун қалби билан севган, усиз бир лаҳза ҳам тура олмаган анави бақалоққа қарашнинг ўзиданоқ кўнгли айниб кетди. Уша режиссёр билан дачада бўлган ҳодисадан сўнг ҳам умидсизликка тушмай, йўлини пойлаб юрган одам наҳотки шу бўлса!.. Бировнинг муҳаббатини, жон-дилини, йигитлик шаънини ўртага қўйиб, қозониб, кейин ғаразли мақсадлари йўлида қурбон қилишга тайёр пасткаш, мартаба, пул учун номусини ҳеч сесканмай оёқ ости қилдиришга тайёр қўшмачи наҳотки мана шу мараз!.. Сайёра бунга ишонмас ва ишонгиси ҳам келмасди. Бу ҳазилакам гап эмасди-да, ахир!..

Қизи туғилишига яқин кунларнинг бирида гуноҳидан ўтганлигини айтиб, Сайёра Юсуфжонга хат ёзди, бироқ жавоб олмади. Бундан кўнгли чўқди, руҳи тушиб, ғамгин аҳволда туғуруқхонага кетди. У ерда шу қизини туғди. Қўлда чақалоқ билан ҳолсизликдан зўрға юриб чиққанида, остонада кутиб олиш у ёқда турсин, Юсуфжон ҳатто туғуруқхонага йўқлаб ҳам бормади.

Аслида уни кутиб турган одам бор эди. Бу Сайёра зориқиб кутгани, боласининг отаси эмас, дачадан ўз машинасида уни ётоқхонага олиб бориб қўйган, кира ҳақи олмаган, нотаниш профессор эди. Ёш она болалар уйда катта бўлганлиги учун энди қаерга боришини билмас, чақалоғи билан ётоқхонага ҳам қўйишмасди. Шундай қилиб, Сайёра ўша одамни кетди. Аёл ҳаёт машаққатларидан чарчаганлиги туфайли бу одамга кўникди-ю, бари бир кўнгли Юсуфжонда эди. Эри ўзининг сахийлиги, меҳрибонлиги билан Сайёранинг қалбини ром этишга жони борича уринса ҳам, кўз очиб кўрганидан кўнги узолмас, уни кутарди. Борди-ю, Юсуфжон чақиргудек бўлса, эрининг қанчалик хотамлигига қарамай, сира иккиланмай, уникига кетишини ўзи яхши биларди. Унга ҳатто жонини ҳам аямайдиган, энг муҳими, яхши ва андишали одамнинг нақадар оғир аҳволда қолишига сабабчи бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмасди...

Ҳозир мана шуларни ўйлар экан, Сайёра Расуловна уялиб кетди. Неча йиллардан бери бирга яшаётган эрига кўнгли илимай, ҳаммон ўша маразни севишда давом этаётгани алам қилди. Энди эри йўқ. У Минскка, хирурглар конференциясига кетаётганида ногаҳоний фалокатдан ҳалок бўлди. Ҳозир бу семиз буфетчига қанчалик тикилиб қараса, ундан шунчалик қаттиқ жирканарди.

Уни нима бу куйга туширдийкин, — ўйлади Сайёра Расуловна. — Пулми? Бойликми?.. Йўқ, бу ўтакетган оддий, жўн жавоб. Юсуфжон аввалига унча-мунча иш писанд эмаслиги тўғрисида мақтанди, муғомбирлик қилди.

Агар ҳаётда одам шахсий мақсадларнигина ўйласа, ёки маслагидан четга чиқса ижобий натижага эришолмайди. Юсуфжон қобилиятли эди, кучини ишга сарфлаш ўрнига, ундан бўйин товлаш учун баҳо-

на қидирарди. Худди ана шу ички, яширин куч туфайли у талантини нобуд қилди, оғирнинг устидан, енгилнинг остидан юрадиган, қилган ишини эмас, қиладиган ишини мақтанадиган бўлди. Бир неча бор мунофиқлик қилгач, ҳалол яшай олмай қолди. Шу тариқа у ҳаётда тер тўкмай бойлик орттириш йўлига кириб кетди.

...Ҳа, унинг бутун умри ёлгон билан ўтди. Эҳтимол, ёлгон билан ўлар ҳам.

Сайёра Расуловна Сувонқулни мана шу одам билан фикран қиёслаб, булар бир-бирларига ўхшашлигини ҳис этди. Буни ётиғи билан қизига тушунтира олармикан? Шу фикр уни эзарди. Агар пивохонанинг шу семиз хўжайини отаси эканлигини қизи билса, нима дер экан?

Сайёра Расуловна чўчиб кетди, чунки пивохонага қизи кириб келган эди. У бармоқлари билан буфетчини имлади.

— Яна пиво келтирайми?

— Йўқ. Қанча тўлашим керак?

Буфетчи унга қаради ва тутилиброқ пиво нархини икки баробар ошириб айтди.

Сайёра Расуловна бир стакан пивони бир кўтаришда ичиб юборди-да, пивонинг нархидан тўрт баробар ошиқ пул ташлади:

— Қайтими керак эмас...

Буфетчи эсанкираб аёлга қаради ва таъзим қилиб пулни олди. Шу пайт унинг хира миясида нимадир ярқ этгандек бўлди. Буфетчи яқин келиб қолган Гулафрўзга тикилиб қолганди. Қиз юпқа матодан тикилган оч-ҳаворанг кўйлақда, бўйи етиб қолгани шундоққина биллиниб турарди. Бунинг устига озода ва хушрўй эди.

Гулафрўз буфетчига одоб билан салом берди ва онасининг олди-га келди:

— Қидирмаган жойим қолмади!

— Менинг бу ердалигимни қаердан билдинг?

Гулафрўз кулди:

— Бу ерда сизнинг барча хатти-ҳаракатларингиз назардан четда қолмас экан, чунки мен кўрган аёлларнинг энг чиройлиси сизсиз!

— Сен ҳали ҳаммани кўриб улгурганинг йўқ...

— Бир мен эмас шундай ўйлаётган,— онасининг гапини бўлди у.— Анави семиз буфетчи ҳам сиздан кўзини узолмаяпти.

— Мен буни сезмапман...

— Сизнинг жозибангиз шунда-да! Йўқ, ҳақиқатан ҳам бу семиз гўё ўзгариб қолгандек... Ойи, нега шу ярамас нарсани тақасиз?

— Кўзойнакни назарда тутяпсанми?

— Ҳа.

— У сенга ёқмаяптими?

— Ёқмайди.

Сайёра Расуловна кўзойнакни олиб жилмайди. Шунда аёлнинг кўзлари буфетчининг кўзлари билан тўқнашди. Семиз буфетчи Сайёра Расуловнага тикилиб қаради. У ҳаяжонда эди.

— Пиво учун раҳмат,— деди Сайёра Расуловна.— Хайр.

Буфетчи ўрнидан қўзғалмади, жавоб ҳам бермади. Гўё олдида ҳеч ким йўқдек, уларга қарамасди. Унинг маъносиз назари пиволи бочкага қадалганди. Сўнг қўли сал қимирлади, семиз кафтидаги аёл берган пулни тушириб юборди. Сайёра Расуловна чиқиб кетаётиб беихтиёр ўгирилиб қаради ва семиз гавданинг товушсиз асабий кулгидан силкинаётганини кўрди.

Бу — одамнинг кўнглини айнитадиган манзара эди.

— Ойи, сиз берган пулни буфетчи қандай ташлаб юборганини кўриб қолдим. Сиз уни бирор жойда ҳақорат қилган эдингизми?

— Йўқ.

— Қизиқ. Бу одам ёшлигида қанақа бўлган экан-а?..

Улар санаторийдан қайтиб келишгач, шаҳардаги ўзлари яшайдиган уйнинг кираверишида анча одам тўпланиб турганини кўришди.

У ерда икки милиционер турар ва ҳеч кимни ичкарига қўймасди. Тро-
туарда эса иккита милиция машинаси кўринарди.

Юраги қандайдир фалокатни туйиб, Сайёра Расуловна одамлар
издиҳомини ёриб ўтиб, подъездга кирди. Ранги оқарган қизи ҳам
унинг изидан борарди. Милиционер уларни тўхтатиб қолмоқчи бўл-
ган эди, кимдир луқма ташлади:

— Буларни киритиб юборинг!..

Подъезднинг ярим қоронғи коридорида яна бир неча милиционер
бор эди. Ҳамма норози оҳангда секин гаплашарди.

Сайёра Расуловна бирваракайига иккитадан зинани босиб ўтиб
борарди. Қаттиқ ҳаяжонланган қиз унинг орқасидан зўрға етиб улгур-
моқда эди. Уларнинг квартираси жойлашган учинчи қават майдонча-
сига ҳам одам сирмай қолганди.

— Нега гапирмайсизлар?— ўзини тутолмади Гулафрўз.— Нима
бўлди?!

Одамлар индашмади. Кўнгилсиз ҳодиса ҳақида ҳеч кимнинг га-
пиргиси келмасди.

— Нима, нима бўлди ахир?!

— Бисотингизни ўғирлаб кетишибди, қизим,— деди секингина
аёллардан бири. Она дарҳол қизига кўз ташлади. Бирон сўз айтишга
мажоли қолмаган Гулафрўз фақат бош силкирди. У мурдадек бўзар-
ган, катта кўзлари жонсиздек кўринарди. Сайёра Расуловнанинг та-
савурида ўз боласини заҳарли илондан қутқариш учун шайланаётган
она тасвири-қайта гавдаланди. Биринчи муҳаббати оёқ ости қилин-
ган устига-устак фалокат рўй берган бир пайтда қизининг қичқир-
ғини эшитмаслик учун Сайёра Расуловна гандираклаганча квартира-
га кириб кетди.

Гулафрўз ўз қалб хазинасини ўша ярамас Сувонқулнинг оёқлари
остига тўккан, у бўлса тепкилаб ташлаганди. Она эса буни кўролмай
қолди. Мана шуниси алам қиларди.

Русчадан таржима.

СЎНГГИ ПАРВОЗ



Тўйчивой отани бир тўда одамлар суд залидан то уйигача танта-
на билан қўлда кўтариб келишди.

Қатта эшик олдига етишганида уни ерга туширишди. Қарияулар-
нинг ҳаммаси билан қўл сиқиб хайрлашди, миннатдорчилик сўзлари-
ни индамай эшитди, кейин уйга кириш учун бурилган эди, уни хирург
тўхтатди.

У баланд бўйли, қирқ ёшлардаги йигит эди.

— Сизга миннатдорчилигимни қандай билдирсам экан,— деди
у.— Сиз шунчалик... Чин сўзим, сиз менга ўз отамдан кўра кўпроқ ях-
шилиқ қилдингиз... Сиз мени тўхматдан олиб қолдингиз!

Қария жилмайди:

— Менинг ўрнимда ҳар қандай инсофли одам шундай қилган бў-
ларди. Ахир ўша аёл ўз жонига ўзи зомин бўлганини кўзим билан
кўрдим-ку... Шу ҳолда қандай жим тууроламан?..

— Сиз бўлмаганингизда, мен бунни исботлаб беролмасдим... Бошқа гувоҳларни ҳам қидириб топиш учун уч ой вақтингизни аямадингиз-а... Йўқ, йўқ, эътироз билдирманг. Сиз икки марта ҳаётимни сақлаб қолдингиз... Биринчи марта мактабда, кундалик дафтардаги баҳоларимни ўзгартирганимни отам сезиб, дўппосламоқчи бўлганида ҳимоя қилган эдингиз. Шунда сиз: баҳони мен қўйганман, улар сохта эмас, деб отамни ишонтирган эдингиз. Мана, ҳозир тухматдан сақлаб қолдингиз... Раҳмат сизга...

Хирург ва дўстлари кетгандан кейин қария анчагача уларнинг орқасидан қараб турди, сўнг кўнғироқ тугмачасини босди. Эшик ҳадеганда очилавермади. Қария диққат билан қулоқ солди.

Ичкарида базм авжида эди. Хона ён томондаги хира чироқ билан ёритилгани учун рақсга тушаётганлар аллақандай сирли, хаёлий тусда кўринарди.

Кўнғироқ жиринглади.

Хатира ўгирилиб қаради. Унинг кўзлари эрининг нигоҳи билан тўқнашди.

— Бевақт келган ким бўлди экан бу!..

Кўнғироқ яна бир марта жиринглади.

Хатира иложи борича ўзини вазмин тутиб, эрига мурожаат қилди:

— Акмал ака, қаранг, ким экан?

У эса калласини чайқаб, хўрсинди:

— Шундай ажойиб дақиқада бостириб келади-я... Ҳа, майли.

У хотинини қолдириб дарвоза олдига келди ва баланд овозда:— Ким у?— деб сўради.

Тўйчивой отанинг қувонч тўла овози эшитилди:

— Бу — мен, ўғлим!..

Акмалнинг довдираб қолгани башарасидан шундоққина сезилиб турарди. У нима қилай, дегандек хотинига қаради.

— Очинг,— деди у жаҳл билан.— У кишига айтинг, икки соатдан кейин кела қолсинлар.

— Қандоқ қилиб айтаман... кўнармиканлар?

— Кўндирасиз-да... Ахир отангиз-ку!..

Акмал куч билан ўзини қўлга олди. Бир муддат иккилашиб турдида, дарвозага яқинлашди ва уни очди.

Остонада Тўйчивой ота турарди.

— Тўқлик сизларни эркалатиб юборди,— деди у.— Эркалатиб юборди.

— Ҳаммани эмас, дада,— деди Акмал жаҳлини ичига ютишга уриниб.— Жудаям ҳаммани эмас... Биз сизни кутмаган эдик... Келмайсиз деб ўйловдик...

Қария жилмайди.

— Халақит бердим, шекилли?

Уларнинг олдига Хатира келди.

— Жон отажон,— илтижо қилди у.— Янги данғиллама ресторан очилди. Мен унда ишлайманми, йўқми: ҳозир шу жумбоқни ечмоқчимиз...

— Сизларга халақит бермайман: хонамга кириб, худди сичқондек жимгина ўтираман...

Қария одатдагидек мулойим табассум билан юмшоқ гапирарди.

Хатира унинг жилмайишига тоқат қилолмади:

— Биласизми, улар сизга ўхшаб ишдан чиққан амакини кўришганда, очилиб-ёзилиб ўтиришолмайди...

— Қанақа амаки дединг?

— Ишдан чиққан... Ҳа, ҳалиги... Қариган демоқчийдим...

Гангиб қолган қария анчагача чурқ этмади.

— Яхши,— деди у ниҳоят.— Қачон қайтай?

— Ун иккиларга яқин...

— Сен, бари бир ярамас газанда эканингни биласанми?— келинини узиб олди қария.

Хатира хафа бўлиш ўрнига хахолаб кулди:

— Сиз ўйлаганданам баттарроқман.

Қария заҳархандалик билан илжайди ва ўглига қаради:

— Мени табриклашинг мумкин... Уша хирург оқланди. У ўз соҳасининг моҳир устаси экан...

— Кейин, кейин гапирасиз, дада,— деди Акмал, отасини дарвозага қараб йўллар экан. У чиқиб кетгач, эшикни ёпиб, ғамгин хўрсинди: Уф!

Хатира билан Акмал бир-бирига қараб кулумсираб қўйишди.

Эшик шундоққина тумшугининг тагида тарақлаб ёпилганда қария меҳмонларга уни кўрсатишдан номус қилишаётганини англади. Унинг жаҳли чиқмади, аччиқланмади ҳам. Мушкулотга айланган таништириш заруратидан ўглини халос қилиш учун кўнгли шикаста ҳолда кета бошлади. Аммо бир неча қадам юргандан кейин у қўққисдан вужудда кучли оғриқ сезди.

— Худойим-эй,— қария ихтиёрсиз ингради.— Қандай шармандалик... Бутунлай бегона одамлар, врачлар ҳам мени уялмасдан кўчада қўлларида кўтариб келишса-ю, ўз пушти камаримдан бунёд бўлган ўғлим мендан ор қилса... Қаранг-а, уларга ҳалақит берармишман... Оҳ, бу текин, ифлос, қабиҳ пуллар... Уларни шу бузди. Текин пул туфайли бир-биримизга бегона бўлиб қолдик.

Қария катта очилган кўзларини қоронғи бўшлиққа тикканича ўзи билан ўзи олишиб, тобора узоқлашиб борар ва тўхтовсиз ўйларди.

— Бу иллат қачон ва қаердан бошланди?— азоб ичра хаёлидан ўтказди у.— Ҳа, урушдан кейин бошланди чоғи. Одамлар уруш пайтида кўп қийинчилик кўрди, оч-яланғоч қолди. Кейин уларнинг ҳам тўйиб овқатлангиси, яхши кийингиси келди. Бунга эришишди ҳам. Аммо ўзлари сезмаган ҳолда унга берилиб кетишди, бора-бора бу яхши нарсаси бемаъни иллат тусига кирди... Бунинг учун фақат биз айбдормиз... Айниқса, ўқитувчилар... Биринчи навбатда — мен!

Қария ўзи билан келини орасига совуқчилик тушган кунни беҳосдан эслади:

...У телевизор олдида ўтириб қандайдир спектаклни кўрмоқда эди. Ваннада чўмилаётган Акмал хотинини чақириб, юмшоқ сочиқ келтиришни сўради.

Хатира ошхонада ивирсиб юргани учун қария ўглининг илтимосини ўзи бажармоқчи бўлди ва ётоқхонага кирди. У шкафни очди-ю, ҳайратланганидан бир қадам орқага тисланди: тўртта токчанинг ҳаммаси шиша идишга тўла эди. Қария хаёлида дарҳол ҳисоблаб чиқиб, уч юзтача бўлса керак деб ўйлади.

— Бошқа шкафга ғамлаб қўйганимиз ҳам бор,— Хатиранинг қувноқ овози эшитилди орқа томондан...

Қария унинг хонага кирганини сезмай қолган эди, бурилиб қаради. Хатира кулиб турарди: тиниқ, соғлом юзи, яхшилаб таралган ва бир оз кўпчиб турган сочи шу топда уни жуда чиройли кўрсатарди. У келин бўлиб тушганидан бери, қария ҳар гал унга қараганда ана шу тароватни ҳис этарди; у жинси шим ва бўлиқ кўкракларини бўрттириб кўрсатиб турган свитер кийган эди.

— Буларнинг ҳаммасини бар учун тўплайпмиз,— хитоб қилди Хатира.— Ҳозир хонада бар ва нузли музика бўлиши модага кирган. Шахсий кооператив уйимизга кўчиб ўтишимиз биланоқ, отажон, биринчи бўлиб сизни таклиф қиламиз.

— Бар дейсанми?— сўради қария.— Бу-ку, яхши. Аммо шунча шишаларни қаердан олдиларинг?.. Бу ерда қимматбаҳо коньяклардан тортиб, турли хил вискиларгача бор-ку, ахир!..

Хатира табассум қилди:

— Мижозлардан ортиб қоладиган арзимас буюмлар...

— Шунча нарса ортиб қоладими?— ишонмай сўради қария.

— Нега қолмас экан?— кулди Хатира.— Узингиз ўйланг, ресторанда тўй бўляпти. Бутун кеча давомида бир рюмкагина ичадиган

меҳмонлар ўтиришибди. Уларнинг орасида умуман ичмайдиган одамлар ҳам доим топилади...

— Очилмаган шишаларни тўй эгасига қайтариб беришларинг керак-ку!

— Худойим-эй!.. Биз худди шундай қиламиз: номига икки-учтасини қайтариб берамиз-да, қолганларини ўзаро бўлишиб оламиз.

У хахолади.

— Айниқса банкетларда хизмат қилишни яхши кўрамиз... Унга фақат ўқимишли одамлар келишади. Улар деярли ичишмайди...

Қария энди мулоим овозда гапирди:

— Сен, қизим, қаёққа қараб кетаётганингни ўзинг тасаввур ҳам қилмаяпсан... Диплом олишингга озгина қолган эди, аммо ҳаммасини ташлаб юбординг... Нега бундай қилдинг?..

Хатира хафа бўлмади:

— Бизнинг зиёфат залимизда, — қуруқ оҳангда гапирди у, — официантлар роса сараланган: учта ўқитувчи аёл, кимёгар ва мен. Фақат менда диплом йўқ...

— Диплом олишингга бир ойгина вақт қолган эди... Сен ўқитувчи бўлишинг мумкин эди. Ажойиб касб. Бўш вақтинг кўп бўлади...

— Ойим ҳам ўқитувчи бўлишимни хоҳларди... Аммо бу ақлсизлик-ку!.. Ўқитувчилик лаёқати бўлмай туриб, ўқитувчи бўлиш...

Қария кўнглида тошиб келаётган ғазабни зўрға босиб қолди.

— Сендан ёмон ўқитувчи чиқмаган бўларди...

— Нима учун! — хитоб қилди Хатира. — Сизга ўхшаб тинкам қургунча болаларни ўқитиш ва касалманд бўлиб қолиш учунми?! Ахир сиз мактабни деб эллик йилга яқин умрингизни сарф қилдингиз-ку!..

— Мен ўша умримга ачинмайман, бунинг учун фахрланаман!..

— Шундайми?.. Фахрланишингизнинг сабаби борми?

— Мен ҳалол яшадим...

— Ажабо, фахрланиш учун фақат шунинг ўзи кифоя қиладими?..



— Хўш, мен тарбиялаган ёшлар-чи?.. Улар билан фахрлана оламми? Инсоннинг асл қадри фақат у орттирган давлат билан белги-ланмайди-ку!..

— Фикримга қўшилаверинг... Моддий манфаатдорлик жамияти-мизни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади... Ё гапим но-тўғрими?

— Шундай, шундай...— қариянинг жаҳли чиқди.— Лекин мен шу-нинг учун фахрланаманки, собиқ ўқувчиларим орасида академиклар, врачлар, ўқитувчилар бор... Уларнинг барчаси ўз касби бўйича ишла-япти... Кейин мен бутун умрим давомида манфаатпарастлик ва мол-парастлик истакларидан мутлақо бегона бўлган авлодни тарбиялашга интилдим... Албатта, сен, қизалоғим, бизнинг келажагимиз, бўлажак авлод онгининг шаклланиши ҳар жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ, деган гапларга ҳам тупурасан... Сен келажакни ўйламайсан, бугун айшинг-ни суриб қолсанг бўлди...

— Сизнингча, бир умр ўзим деб, оилам деб яшаб, ишлаган одам шахсий фаровонлигини ўйлагани учун, ўз ҳаёти билан фахрланмас-лиги керакми?

— Бўлмасам-чи... Бу ерда фахр нима қилсин? Оддий худбинлик бу...

Хатира истеҳзоли кулди.

— Ана шундай худбин шахсан менга сизга ўхшаганлардан кўра кўпроқ ёқади...

Қария худди ярасига биров беҳосдан тегиб кетган одамдек ҳис қилди ўзини... У елкасини қисди. Нафратлангани авзойидан билиниб турса ҳам аламини ичига ютди. Бир нафас жим тургач, овозидаги титроқни яширишга уриниб:

— Бор, эринг кутяпти. Сочикни обориб бер!..— деди.

Қария вужудини янчиб ташлаётган оғирликдан оғутилишга урин-ган ҳолда тобора узоқлашиб борарди. Ҳозир хотини ёнида бўлганида, унинг оддий инсоний сўзлари дардини енгилатарди. Аммо хотини ке-линини кўрмасдан ўлиб кетди... Агар тирик бўлганида, ким билсин, у ҳам ҳозирги ишларидан ҳайрон қолган бўлармиди...

Хатира Акмални ҳам йўлдан урди. Илгари у хирурглик қиларди. Ўз касбининг устаси эди. У билан маслаҳатлашишар, фикрларини қадрлашар эдилар. Ҳозир эса Акмал мурдаларни ёрадиган бўлган. Бошқалар қилишни хоҳламаган ишни пул эвазига у бажаради. Оҳ, бу лаънати нафс... Мен ҳаётдан эҳсон кутиб ўтирганим йўқ, нимага эришган бўлсам ҳаммасини машаққатли, ҳалол меҳнат туфайли қўл-га киритганман. Шаҳар чеккасидаги хилват кўчада дунёга келдим, муҳтожлик бешигимни тебратди, муҳтожлик мактабни ташлашга, сарсон-саргардон кезишга мажбур қилди. Ун ёшга тўлган пайтимда онам шундай деганди: «Тўйчивой ўғлим, мана ёшинг ўнгаям тўлди. Энди йўлга чиқ, овқат-у, кийим-бошингни ўзинг топадиган вақт бўл-ди»... Мен қишлоқма-қишлоқ юриб тиланчилик қилдим... Яхши кунла-рим ҳам кўп бўлган, албатта. Қизил аскарлар сафига кирганимда жу-да қувонганман. Орден беришди — қувондим... Ордер беришди — қу-вондим... Уйма-уй юриб, одамларга савод ўргатганимда қувончимнинг чегараси йўқ эди...

Қария юриб чарчади. Хаёлида уйғонаётган ҳар бир янги хотира кўнгили ярасини тирнар эди.

— Нега мен бу ерда юрибман,— овоз чиқариб ўйлади у.— У яра-мас бемалол вақтихушлик қилсин-у, мен қийналайинми?.. Нега ўша кунидек — юзлаб ўғирлик шишаларни кўрган кунимдаёқ ҳайдаб юбор-мадим?.. Ожизлик қилдим!.. Қўрқоқман!.. Мен шундай одам эдим-ми-а? Йўқ... Илгари мен маърифатпарвар ўқитувчи эдим, фидойи ўқи-тувчи эдим, ақл, эзгулик, абадийлик уруғларини сочувчи инсон эдим!..

Қария уйига қаҳаб кескин йўл олди.

Уйи олдида меҳмонларнинг ҳар хил марка ва типдаги машинала-ри тизилишиб турарди.

Хоналардаги барча деразалардан нур ёғиларди. Қария яқинлашар экан, шовқин-сурон ва жаз музыкаси овозларини эшитди.

У бари бир музыка овозининг сеҳрини четлаб ўтолмади ва ойна олдига яқинлашди.

Қария европача аллақандай рақсга тушаётган келинини кўрди. Ҳамма унга ҳайрат билан тикилиб қолган эди. Қариянинг ўзи ҳам бу гўзал вужуддан кўз узолмай туриб қолди... Уни бу ҳолда сира кўрмаганди. Ёшлик жўшқинлигига тўла бу аёл худди эртақдаги париларни эслатарди... Қария бир дафъа ҳамма нарсани унутган, фақат шу ажойиб манзарага лол бўлиб тикилганча жим қолди. Кейин сергакланди, дарвозага яқин юрди ва қўнғироқ тугмасини босди.

Дарвозани ўғли очди.

— Кечиринг, дада,— деди у.— Акмалнинг кайфи анча ошган, энди кўзларида фақат мулойим, илтифотли табассум жилва қиларди.

— Эрта келиб қолдимми? Қайтайинми?

— Аксинча. Сиз билан қизиқиб қолишди. Эллик йил мактабда ишлаган одамни кўрамиз дейишяпти!.. Марҳамат, киринг!

— Йўқ, мен чарчадим. Ўз хонамга кираман...

— Қани-қани, юринг, юринг энди...

Меҳмонлар кўришиш учун хушмуомалалик билан ўринларидан туришди. Қария бош силкиб қўйди.

Сокин куй янгради.

Қандайдир мўйловли олифта йигит Хатирани қучоқлади. Акмал битта оппоққина қиз билан рақсга тушди. Қариянинг бутун нигоҳи фақат Хатира ва унинг хушторига қадалган эди. Мўйловли йигит, бу аёл худди ўзиникидек, унинг чиройли елкаларидан ушлаб, маҳкам бағрига босиб олганди. Хатира ҳам бутун вужудини унинг ихтиёрига қўйиб берган. Улар бир-бирининг пинжига кириб кетган эдилар.

Қария беихтиёр улардан кўзини олди ва деворга осилган рамкадаги сон-саноқсиз қарғалар орасида учиб бораётган бургут суратига қаради. Рассом, қариянинг собиқ ўқувчиси, ҳозир фамилияси ҳам ёдида йўқ, бургутнинг муздек тиниқ булоқлари оқиб турган, баланд яйловларида турли-туман гуллар очилиб ётган, беғубор, абадий оқ қорлари ярқираб кўринадиган чўққилар сари мағрур парвозини жуда аниқ ифодалай олган эди.

Қария ҳар гал бу суратга қараганда, энг сўнги куч-қувватини сарфлаб, тиниқ ёмғир томчилари тозаллаган хушбўй ҳаво қўйнида эркинлик ва роҳатбахш чексизлик сари интилаётган ана шу бургутга раҳми келарди.

Пастликда дарёлар оқариб кўринади, яшил ўрмон ястаниб ётибди, ўтлоқлардан тонгги ғубор кўтарилиб боради, гуркираб ўсаётган майсаларнинг ҳиди атрофга таралади. Сокин осмон ёғдуга чўмган, чиқиб келаётган қуёш нурлари тоғ чўққиларининг саноқсиз «тиш»лари орасидан борлиққа ёйилади. Ер бургутни ҳокимона ўзига тортиб турибди, унинг толиққан қанотлари тобора қуйи эгилиб бормоқда. Бургут қанчалик уринмасин, гўё тоғ чўққиларига, қуёшга ҳеч қачон етиб боролмайдигандек таассурот қолдирарди. Рассом қушлар подшоҳининг чорасиз аҳволини бўрттириб кўрсатиш учун ҳорғин, кекса бургут атрофида ғолибона учаётган ёш ва бақувват қарғаларни акс эттирган эди... Бургут ҳали тирик экан, қарғаларнинг чўқишига асло йўл қўймайди, деган фикр суратдан очиқ англашилиб турарди.

Хатира ҳамон бояги йигит билан рақсга тушарди.

Қария уни бу ярамаснинг қучоғидан тортиб олиш учун ғайриихтиёрий ҳолда ўрнидан турди.

Аммо Хатира унга қайрилиб қарамади ҳам. У бутун вужуди билан рақс оҳангига монанд тўлганар, оғзи ярим очиқ, мусиқа оғушида сармаст, ўзини деярли унутиб қўйган эди.

Акмал ҳам бояги оппоқ дўндиқ билан бемалол ўйин тушарди. Ҳазоби ошган қариянинг бир қарорга келиши осон бўлди. У қўққисдан ўғлининг йўлини тўсди...

— Бу ёққа юр,— деди у кескин,— сен билан гаплашиб олишим керак...

Уғли ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Кечирасиз,— у ёнидаги аёлга қаради.— Бир минутга... Нима гап ўзи?— норози бўлиб сўради уғли қариянинг хонасига ўтишгач.

— Бу одамларни ҳайдаб юбор,— деди қария қалтироқ овозда.— Улар сенга дўст бўлишмайди... Улар — ишёқмаслар... Қарғалар!..

— Бўлдими?— қуруқ оҳангда сўради уғил.— Энди ётиб ухланг...

— Хатиранинг улар билан учрашишига, ўйин тушишига йўл қўйма...

— Ҳеч нарсани тушунмаяпман,— яна бояги қуруқ оҳангда гапирди Акмал.— Нега Хатиранинг хурсандчилигини бузмоқчисиз, тушунолмай қолдим... Яхши ётиб турунг.

Акмал чиқиб кетди. Қария тагин ёлғиз қолди.

— Хатиранинг аҳволини ўғлимга қандай тушунтирсам экан?— алам билан ўйлади у.— Қалбакилик унга оддий бир нарсага айланиб қолган... У кўнгли тусаган нарсани ҳар нима қилиб бўлса ҳам амалга оширади...

...Тўйчивой қизил аскарлик пайтида уларнинг отрядига тоғ орасида яширилиб ётган душман тўдасини тугатиш вазифаси топширилган эди. Қоронғи тушганда у қизил аскарларнинг барчасини дарёдан олиб ўтди. Ухлаб ётган душманга ярим кечада қўққисдан ҳужум қилдилар. Улар жон аччиғида тўрт тарафга тумтарақай қочишди. Қизил аскарлар ғолибона қийқириқлар билан уларнинг изига тушишди...

Шу пайт унинг ёнгинасида бақирӣқ-чақирӣқлар ва калтак товушларини эшитди. Бир неча қизил аскар бир йигитни қамчи билан саваларди.

— Бўлди, бас қилинглар!— деди у қизил аскарларга.— Нега бу кишини шунчалик азоблайсизлар?

— Бу қутурган ҳайвон командиримизни ўлдирди,— жавоб берди қизил аскарлардан бири.

Тўйчивой боғлоқли йигитнинг юзига қаради.

— Ростми?

— Ҳа. Мен ўз душманимни ўлдирдим, тўғри иш қилдим.

Мен ҳаммаларингдан нафратланаман...

Тўйчивой нима қилаётганини ўзи ҳам сезмаган ҳолда куч билан қилич сермади. Бу унинг ўн йилдан бери кўришмаган туғишган акаси эди...

Қария хотиралардан сесканиб кетди, атрофга аланглаб қаради. Уйин авжига чиққан. Уғли ва келини ҳамон бошқа-бошқа рақсга тушишарди.

— Ё раббий,— ўйлади қария.— Биз жонимизни тикиб қурган ажойиб жамиятимизга бу доғ қаердан келиб ёпиша қолди? Наҳотки шу бир ҳовуч текинхўрларни деб қон тўқдик бўронли йилларда?! Йўқ, бу доғни қиртишлаб ташлаш керак! Нега мен ҳардамхаёллик қиялпман, мен қандай одамга айланиб қолдим ўзи?.. Мендаги шижоат қани?.. Атрофимда нима бўлаётганига бепарқман. Ёпирай, жонимнинг ҳузурини ўйлаб, индамай кетаверадиган одамга айланиб қолдимми энди?.. Унда мешчан келинимдан қанчалик фарқим қолади?.. Учта урушни бошимдан кечирган одамман-а, яна!..

Қария телефонга қўл чўзди ва қандайдир номерни терди.

— Алло?— деди у керакли жавобни эшитгач.— Бу қариялар уйими? Мирпўлатов борми?.. Э, Миртожи, ўзингмисан... Мен — собиқ ўқи-тувчинг Тўйчивой отангман. Бугун сизларникида тунасам бўладими?.. Раҳмат...

Қария трубкани жойига қўйиб, ташқарига йўл олди.

Меҳмонхонадан ўтаётиб бошини кўтариб қаради ва нигоҳи яна қарғалар қуршовидаги бургутга тушди. Ногоҳ у муздек тоза булоқлар оқиб ётган ярқироқ тоғ чўққиларига ҳеч қачон ета олмайдиган ана шу бургутдек ҳис қилди ўзини. У алам билан бурилиб, кўчага чиқди.

йирик бир томчи ихтиёрсиз равишда юзидан думалаб тушганини сездди. Буни ҳеч ким кўрмаслиги керак.

Аммо Хатира бошқа эркакнинг кучоғида гир айланарди. Акмал бошқа биров билан рақсга тушарди. Унга ҳеч ким эътибор бермади. Диван ва журналлар қўйиладиган стол устида янгидан-янги шишалар ва стаканлар уйилиб кетган эди. Полда сочилиб ётган тарелкалар ва папирос қолдиқлари орасига қорни билан ётиб олган бир қиз:

— Ҳой, ким бор! Бу ёққа олиб кел! Биз бу ерда ичишни хоҳлаймиз!..— деб шовқин соларди...

...Акмал билан Хатира қичқириб юбордилар ва нима қилишаётганини ўзлари англамаган ҳолда ташқарига отилдилар. Тун қоронғилигида ёнғиннинг олов тили товланарди.

— Дада!— бақирди Акмал.— Нима қилиб қўйдингиз?! Тентак!..

— Бу ишни кечиктирмай қилишим керак эди. Кейин кучим етмайдими деб кўрқувдим...

Хатира чинқирарди. Бу — оғир яраланган ҳайвоннинг жон талвасасини эслатарди. У қўллари билан юзини бекитиб, маст одамдек гандираклардан уйдан ташқарига интилди. Акмал ерга ағанар, бошини мушталари орасига олиб, алам билан ваҳшийларча ўкириб йиғларди.

Эс-ҳушини йўқотиб, гангиб қолган меҳмонлар ёнаётган уйдан бирин-кетин отилиб чиқиб, ўз машиналарига қараб югуришар эди.

Русчадан О. Абдуллаев таржимаси.

Мушоира

Муҳаммад Юсуф

Куллуқ

Уни танишади қишлоқда,
Ҳатто тилга олмай туриб отини.
Лўндагина қилиб десам агар мен:
Кунда кир ювади хотини,
Кўхликкина хотини,
Чўғликкина хотини...
Кунда кир ювар-да, тушуна олмас:
Эри бригадирми ёки оддийми?

Аммо гап бундамас.
Гап шундаки, кимки астойдил
Ерга меҳр қўйса —
қайтади бир кун.
Қора терни сидира туриб
пешонасидан,

Эли унга раҳмат айтади бир кун...
Мана, куллуқ қилар бу кун эл —
Марҳаматдан тортиб то Асака,
Оёққа қалқийди каттаю кичик —
Уни кўриб бирдай: Бригадир ака!
Эҳ-ҳе, бу кунларга етгунча,
Озмунча машаққат чекмади.

Биласизми...

Эслайсизми,
Сўлим шаҳар кўчаларида,
Сайр қилиб соя-салқин гўшаларида,
Олисдаги сомон сувоқ хоналарингиз,
Ҳусайнилар сарғайишиб тоқчаларида,
Интизор йўл пойлашини оналарингиз?..

Биласизми,
Бир энлик хат,
Бир парча қоғоз
Олишган кун, саломат деб болаларимиз
Почталёонни космонавтдек этишиб эъзоз,
Оқшомгача сийлашини оналарингиз?..

Биласизми,
Жазирама куёш тобига

Марҳаматлик Меҳнат Қизил Байроқ
ордени кавалери, бригадир Абдуҳо-
шим Аҳмедов ҳаётидан лавҳа.

Юрагини анов инжиқ ерларга,
Тилагини анов инжиқ ерларга
Неча қайта экмади!
Гап бунда ҳам эмас.
Гап шундаки, астойдил
Кимки ерга меҳр қўйса —
қайтаркан бир кун.
Қора терни сидира туриб,
Чўлпиллатиб ўпиб пешонасидан,
Эли унга раҳмат
айтаркан бир кун.

Аммо, қаердасиз, ўртоқ мухбирлар,
Нималарни кўзлаб юрибсиз?
Яна қаерларда, яна қайси бир
Пуфак қаҳрамонни излаб юрибсиз?

Истардимки, бугун бор ишни ташлаб,
Бир одамни йўқлаб келсаларингиз,
Десаларингиз:
— Абдуҳошим Аҳмедов,
Мунча озгинсиз.
Мунча бўлиқ ғўзаларингиз...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Назир Сафаровнинг ёш шоирларга
деганлари.

Чидаш бериб пайкал аро баҳордан то куз,
Боласидай суйанишиб кетмон сопига,
Кунда сизни ўйлашини оналарингиз?..

Биласизми,
Кўкрагингиз илҳомга тўлиб,
Кечалари ухламасдан шеър ёзганда сиз,
Нодираю Зебуннисо, Увайсий бўлиб —
Васий бўлиб бўйлашини оналарингиз?..

Биласизми?
Баракалло, билсангиз агар,
Билганингиз — олис йўлда ўзи бир манзил,
Ёзаверинг, болаларим,
Ҳаммангиз шоир,
Шеърингизни босишади,
Мана, мен кафил!..

Илтижо

Баҳор, сен қалбимнинг торларин чертиб,
Менга севги деган наво келтиргин.
Дунё кувончига ошно этиб,
Маҳзун кунларимга даво келтиргин.
Келтиргин сен ундан суюк бир хабар,
Этсин кўзларимга нурини тортиқ.
У кетган йўлларга боқиб, ҳар сафар
Муждалар кутаман, ҳисларим ёниқ.
Баҳоржон, мурувват кўрсатиб менга,
Бошлагин ифорли чаманлар томон.
Қушиқ битмоқдаман бағишлаб унга,
Сукунатда тингласин жаҳон...

Жиззах.

Армон

Укагинам, тушмай отингдан,
Тупроқ йўлни юрсанг чангитиб,
Қайтараман аста шаштингдан,
«Гўдаккина» дейман ранжитиб.

«Йўк, кичкина эмасман» дейсан
Ва тортасан болаликдан бош.

Замира Эгамбердиева

Укажоним, қўлингда, билсанг,
Мен кўзимга суртгувчи тўптош.

Бир кун сенга ширин татийди
Кечагина ранжитган сўзим.
Сендай гўзал кўрса, қанийди,
Бор оламни менинг ҳам кўзим...

Огоҳ бўл...

Сақлайвергин майлига сукут,
Дардларингни сезиб турибман.
Дилга лекин чақмагил гугурт,
Мен қалбингда кезиб юрибман.

Андижон.

Сирожиддин Саидов

Баланд дарахтлар

Усмон Азимовга .

Чинор ўша ёзда кўпларни кузатди. Кўплар қайтиб келмади.

Мен баланд чинорлар ва ёнғоқлар, баланд қайрағоч ва тераклар остидан ўтиб боряпман. Елкамдаги «Репортёр» лентасида Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг овози ёзилган. Кетяпман.

Ортимда укамнинг жажжи қўллари, онамнинг қўллари силкина-силкина кўринмай қолади.

Дарахтлар...

Туғилган жойнинг қўллари дидир улар.

Тоғдан тошқин бўлиб,
Кўкдан қуш бўлиб,
Ердан гиёҳ бўлиб келади баҳор.
Дарахтларнинг қафтларида —
новдаларда гуллайди баҳор.
Дарахтларнинг панжалари — гул.

Оҳуларни отмайдилар бундай фаслда,
 Какликларга ўқ узмайдилар.
 Дарахтларни кесмайдилар,
 дарахтлар баланд...
 Улар баланд эди ўша пайтлар ҳам,
 Баланд бўйли йигитларни кузатган чоғда.

Улар кетди,
 адирларда чоллар каби ғарамлар қолди,
 Ғарамлар сингари қолдилар чоллар,
 Янчилмаган сомонларда — болалик.
 Масофалар, йўллар ортида
 Қўллар ғойиб бўлар,
 кўринмай қолар
 Укамнинг қўллари,
 Онам қўллари.
 Фақат дарахтлар,
 Улар баланд эди ўша пайтлар ҳам,
 Ҳозир ҳам баланд...

Шокир Жуманиёзов



Наҳотки учрашдик қайтадан,
 Қаранг, тақдир бизни бахтиёр этди!
 Бир, икки, уч эмас —
 Ахир, орадан
 Ҳижрон азобида кўп йиллар ўтди.

Тақдир деганлари тарози экан:
 Бир палласи ғам-у,
 Бириси — севинч.
 Кеча дилга тоғдай чўкиб ётган ғам
 Бугун тарозида тош босмайди ҳеч...

Манзара

Тепалиқда ёшгина рассом
 Хаёл сураётган ўрмонга босиб.
 Туйғулари кўтарар исён,
 Юрагида аланга ёқиб.

Ўрмон гўё сеҳрли жаннат,
 Унда рассом билмаган ранг бор.

Моҳир эди тасвирга, фақат
 Бунисини чизмоғи душвор.

Ўйланади бечора рассом
 Буюк тилсим қаршида лол.
 Хув пастда-чи, ўрмонга томон
 Кетиб борар арра тутган чол...

Ҳазорасп.

Манзура Эгамбердиева

Кўнил

Йўқ,
 Мен худбин эмасман!
 Барчага улашгум бахтимни,
 Шодлигимни,
 Қулгиларимни,
 Керак бўлса агар
 ҳаётимни ҳам,
 Лекин
 Қалбимни эмас!

Мен инжиқ ҳам эмасман —
 Олавергум ўзгаларнинг
 ғамини,
 ташвишини.
 Ўзгалардан ортган қувонч ҳам
 Кифоя менга,
 Лекин
 Ўзгалардан ортган
 муҳаббат эмас!

Андижон.

Собир Раимқулов

Тўйчи Эришитов кечинмалари

Шу ердан қўйилар биринчи қадам,
 Шу ердан бошланар Берлингача йўл.
 Уни қўяжакман дадил ва бардам,
 Шонли қисматимга ўзимман масъул.

Лекин имкон бермай кўз очиргани,
 Дзотдан ўқ учар тинмай бирор дам.
 Ҳа, боришим керак мен ўчиргани,
 Ғалабага босиб биринчи қадам.

Бизнинг кўксимизга тегар албатта
Мазлумга қарата узилган ҳар ўқ.
Улар гўдакларни тиглаган пайтда
Бунда яшириниб ётолмайман, йўқ.

Қад ростлаб фарзандлар эрк учун куяр,
Қадди рост ватанни асло хор этмас.

Замин мағрур турган ўғлини суяр,
Унга кўксин бериб ётгани эмас.

Тик туриб ташланар биринчи қадам,
Қурилар тик туриб келажакка йўл.
Уни бошлаш керак, ҳа, бошлайман ҳам,
Зеро, қисматимга ўзимман масъул.

Самарқанд.

Олқор Дамин

Онанинг сўзи

Сути менга бўлсин, қаймоғи сенга,
Меваси сенга-ю, япроғи менга,
Янги сенга бўлсин, қуроғи менга,
Эркатојим,
Болажонгинам!

Асили сенга-ю, менга ёмони,
Сенга дони бўлсин, менга сомони,
Олақол, ол, бердим Ерни, самони,
Қўзичоғим,
Болажонгинам,
Икки юзи
Лола, жонгинам!

Гули Нигор

Сен ҳақингда...

Сен ҳақингда куйламоқ керак,
Авж пардага овозни кўйиб.
Сен ҳақингда сўйламоқ керак
Дунёда ҳар одамга, тўйиб.

Сен ҳақингда ёзмаслик гуноҳ.
Нега керак у ҳолда қалам?
Сен ҳақингда чизмасам, эвоҳ,
Ташлаб кетгай мени ранглар ҳам.

Сен ҳақингда жимгина ўтмоқ
Мумкин эмас, азизим, асло.
Мумкин эмас сени сир тутмоқ,
Бундай қилсам, кечирмас дунё!

Сен буюксан ва лекин буни
Англамайсан ўзинг сира ҳам.
Мен жаҳонга танитай сени,
Севиб қолсин ишқ тўла олам.

Поп.

Маҳбуба Ҳамроева



Гоҳо умрларни яримлатар ғам,
Гоҳ эса шодликдан тошиб келамиз.
Мусичага ўхшаб, нима бўлса ҳам,
Топганимиз уйга ташиб келамиз.

Қўлимизни боғлар ҳар кун бир юмуш,
Тунда минг хаёл бор, бедор ухлаймиз.

Улғайган фарзандга оғиб эсу ҳуш,
Бир кун чопаётиб, таққа тўхтаймиз.

Мен яшамоқчиман ўлимга қарши,
Курашлар остидан чиқурман омон.
Яшашдан толиқсанг — ухламак яхши,
Қайта уйғонмаслик даҳшати ёмон.

Самарқанд.



В. Будаев расми.

УЙ ЭГАСИ БИЛАН



Қисса

Тун. Туман. Поезд пайпаслангандай аста юриб борарди. Оппоқ туманга кўмилган разъездларда тез-тез тўхтаб, узоқ-узоқ гудок чалар, овози бўғиқ эшитиларди.

Олтинчи вагондаги йўловчи сира ухлолмади. У пастки сўрида кийим-пийими билан ётиб, тепловознинг узун-узун гудогига қулоқ соларди. Нимқоронғи вагоннинг ҳавоси оғир, кўпчилик аллақачон уйқуга кетган. Йўловчи дам у ёнига, дам бу ёнига ўгирилади, ухлаёлмай қийналади, устига-ушак девор ортидан қандайдир аёл кишининг пичирлаб гапираётган овози қулоғига чалинади:

— ...Сен кўп куяверма, Дуся, куяверма. Қўй ўша сўтакни...

Йўловчи ўрнидан туриб ўтирди, қозикда илиғлиқ турган дағал плащини олиб, боши аралаш бурканиб олди. Бари бир девор орқасидаги овоз ҳамон қулоғини қоматга келтирарди:

— Нимасига куясан ўшанинг. Қўй, ҳали ўзингга сал келволгин, шунақа тенгингни топиб оласанки... Қани, кўзларингни арт-чи...

Йўловчи ўрнидан туриб, этигини кийди. У анча ёш, баланд бўйли, бақувват эркак эди. Юқори сўридан каттагина чарм чамадонини олди, плащини кийиб, бошига яшил шляпасини илди ва ҳеч нарсам ёдимдан чиқиб қолмадими дегандек купени кўздан бир кечирди, сўнг тамбур томон юрди.

У состав бўйлаб олға қараб кетди. Вагонларнинг ички хоналарида оппоқ чойшаблар кўзга чалинади, ухлаб ётган одамларнинг оёқлари кўриниб турибди. Сершовкин тамбурларда совуқ шамол изиллайди, вагонларнинг уланган жойлари шарақлайди. Иккинчи вагоннинг ён курсиларидан бирида йигит билан қиз нурсизгина чироқнинг ёруғида берилиб қарта ўйнаб ўтиришибди. Афтидан улар тун бўйи ўйнаганлар. Йўловчи уларнинг ёнидан ўтиб, вагоннинг у чеккасига борган эди, у нарёғига ўтолмади, эшик берк. Тақиллатиб кўрди, жавоб бўлмади. У қарта ўйнаётган ёшларнинг ёнидан ўтиб, ичкарига кирди, аллакимнинг оёғи томонга, тўшакнинг чеккасига ўтирди. Унинг таъби тирриқ, ўзини ёлғиз ҳис этар, бунинг устига бўлажак учрашув юрагига гулгула соларди. У ҳозир бу ҳақда ўйлашни истамасди. Шунинг учун ҳам вақтни ўтказиш мақсадида бояги ёшлар билан бирпас қарта ўйнамоқчи бўлди.

— Нима дейсиз, ёшлар, ўйнаймизми?

Ёшлар чурқ этишмади.

Йўловчи аҳволни аниқлаш мақсадида қизнинг қўлидаги қарталарга кўз ташлади.

— Бир қўл ўйнасам майлими? Ҳадемай тушаман, Копань деган жойда. Шундай жойни эшитганмисизлар?

— Йўқ, эшитмаганмиз,— йигит қўлидаги қартани норози оҳангда столга шап этказиб ташлади. Учинчи одам унга малол келаётгани шундоққина кўриниб турарди.

Йўловчи ўйланиб турди-да, чўнтагидан папирос олиб йигитга тутди.

— Боря, Борис Ивановичман!

Йигит бир оз тарадудланди, ҳар қалай папиросдан олди. Борис Иванович эса гапга тушиб кетди.

— Студент бўлсаларинг керак? Тўғри, ўқиш ҳамиша ҳам кунингга ярайди, деб тўғри айтишади.— У гугурт чақиб, папирос тутатди, шу зумда соқоли қиртишланган таранг юзидаги сийрак сепкиллари кўриниб кетди. Борис Иванович бамайлихотирлик билан йигит узатган қарталарни кўлига тўплади.

— Онегин, Обломов...— ортиқча одамлар, шундайми? Биламиз, биламиз,— у чаққонлик билан қартани чийлай бошлади.— Хўш, шундай қилиб, энди биз ким бўламиз?— Борис Иванович қиз томонга хиёл энгашди. Қарганинг дамаси ё чиллик?

Қиз пиқ этиб кулди, у ниҳоятда ёш бўлиб, бўлар-бўлмасга кулаверарди. Эркак бундай қизларни кўп кўрган. У қизга тикилиб турди-да:

— Майли, чиллик бўла қолсин,— деди. Бармоқлари эпчил ҳаракат қилиб қарталарнинг орасидан «чиллик» дамани суғуриб олди.— Марҳамат!

Қизнинг кўзлари ёниб кетди:

— Валетни ҳам суғура оласизми?

Йигит гўё бу ўйиннинг унга ҳеч қанақа дахли йўқдай, индамасдан чекиб ўтирарди. Унинг жаҳли чиқмоқда эди.

Борис Иванович эса ўша заҳоти жавоб қилди:

— Марҳамат, истаганингизни суғураман.

— Ҳа, билдим-билдим, сиз қартанинг чеккасини қайириб, кўриб олсангиз керак-а?

Борис Иванович, унинг бу гапини эшитмагандай чаққонлик билан қартани тарқата бошлади:

— Қани, ёшлар, мураккаброғидан ўйнаймизми?

Йигит ундан папиросни олганига энди пушаймон қила бошлади. Жуда жилпанглаган эркак экан. Бунақалар поездларда кўп учрайди, ҳар қанақа одам билан бирпасда тил топишиб олади. Агар тушиб кетмаса, ундан қутулиш амримаҳол.

Ўйин қизгин давом этарди. Уртага олдинма-кейин «шап-шап» қарта тушиб турибди. Борис Иванович кўзини қисиб, қизнинг елкаси оша қартасига қараб қўяр, ўзини сувдаги балиқдек эркин ҳис этмоқда эди.

Йигит кузур ташлаган эди, у пинагини ҳам бузмади.

— Э, биродар, мени қўрқитмай қўя қол. Борис Иванович қарта ўйинининг ҳадисини олган,— у бир зум жим қолиб, қайси қарта билан ёпишни мўлжаллади.— Ўзим, биродар, кичкина одам бўлсам ҳам кимлар билан қарта ўйнамаганман.— Борис Иванович қўлидаги «туз» билан кузур қартани ёпди.— Темир йўл бошлиғи билан ҳам, депутат билан ҳам... Буларнинг ҳаммасидан фойдаланиш керак, фақат ўз ўрнида. Эҳтиётлашнинг нима кераги бор?— Шундай дея у ўйиндан чиққан қарталарни нари суриб қўйди.— Мана, сиз ёшлар, ўқиганингиз ўқиган. Хўш, масалан, даҳа назоратчиси ким, биласизми?

Қиз уни яна ҳазил қиляпти, деб ўйлаб, илжайиб елкасини учирди:— Жандармдир-да.

Унинг кутгани бўлди, шунинг учун мамнун жилмайди:

— Қойил-э! Сизларга нуқул, ҳалиги, нима эди?— У қўлини кўтариб, бармоқларини ҳавода ўйнатди:— Сизларга нуқул твист, «Мария-Мария» бўлса!— У шипиллатиб қарта тарқата туриб, йўл назоратчиси

темир йўл устаси эканини, усиз участкада поезд ҳаракати тўхтаб қолиши мумкинлигини тушунтира бошлади.— Мен, ана ўшанақа уста бўламан!

Буни эшитиб йигит, истеҳзоли жилмайди:

— Бундан чиқди, бизнинг участкамизда ҳеч қанақа ҳаракат йўқ, тўхтаб турган эканмиз-да?

Қиз йигитга таънали қараш қилди. Бироқ, Борис Иванович йигитдан хафа бўлмади, у жуда бағри кенг одам эди.

— Муқаддас жойлар қаровчисиз қолмайди,— дея йигитга сўнгги қартани узатди.

Йўлак эшиги шарақлаб очилди, проводник аёл кириб келиб, сув турадиган идишнинг қопқоғини кўтарди. Борис Иванович дераза оша ташқарига кўз ташлаб ўтирарди. Бешинчи участка. Бирдан у ўрнидан турди:

— Илтифотларингиз учун қуллуқ. Суратимни тәқдим этган бўлардим у афсуски, ёнимда йўқ.

Қиз яна пиқ этиб кулди.

Йигит қартани қизнинг олдига итқитди.

— Тарқат, тентак!

Борис Иванович қўл олишиб хайрлашди.

— Хайр, соғ бўлинглар. Биз томонларга меҳмонга марҳамат қилинганлар. Овга чиқамиз, қайлигинга ёқаликка арзигулик бирор нарса отиб келамиз,— шундай дея у «қайлиқ»қа кўзини қисиб қўйди.— Айтиб қўяй, «король» билан бекор ёпдинг,— Борис Иванович шу гапдан кейин чамадонини қўлига олиб, йўлакнинг этагига қараб юрди. Сочлари тўзғиб кетган, кўзларини мудроқ босган проводник аёл унга сира эшикни очгиси йўқ эди:

— Бу қанақа янгилик? Бекатгача ҳали ўн чақиримча бор...— Аёл унинг юзига қарамай челақдан вагон идишига сув қуя бошлади.

— Пучуқ, мунча таранг қилмасанг,— эркак у томонга интилди.

Проводник аёл ўшқириб, қўлидаги челақни кўтарди:

— Наридур, нима бало, мастмисан? Қайси вагондансан?

Эркак қувноқлик билан шляпасини тўғрилади:

— Юмшоқ вагондан, кел, чиқариб юборақол.

— Очиқ майдонгами?— аёл истеҳзоли жилмайди.

— Ҳа-да,— менинг участкам шу ерда. Поезд ҳам шу ерда секинлаб ўтади. Мен шу участкада устаман.

Проводник аёл ҳамон иккиланарди, шундай бўлса ҳам чўнтагидаги калитни шиқиллатиб қўйди.

— Бу йўлда сендақ «уста»лар кўп учрайди.— У мағрур юриб эшикни очгани кетди. Эшик ланг очилди, пиллапоя устидаги чўян ёпич ҳам шарақлаб кўтарилди.

— Тезроқ бўл, «уста!»

Борис Ивановични шамол юлқир, ғилдирақларнинг тарақ-туруқидан қулоғи битарди. Ҳақиқатан ҳам поезд секинлай бошлади. Бироқ ўрмон ҳам, чакалакзорлар ҳам, шундоққина пастда елиб ўтаётган ер ҳам тун қоронғилигида қолган эди. Борис Иванович оғзидаги папиросини ташлаб, чамадонини кўтарди-да, пастга сакради. У бу гал одатдагидек оёқда туриб қололмади, чамадони билан бошидан учган шляпасининг устига йиқилди. Сўқиниб ўрнидан турди, кийим-бошини қоқди, шляпасини топиб бошига илди ва темир йўлга чиқиб олди.

Теварак-атроф шу қадар таниш, шу қадар ўзгаришсиз. Гўё ордан икки йилдан ортиқроқ вақт ўтмагандек эди.

У мўлжаллаб, пастгача яна бир чақиримча юришини аниқлади-да, хурсанд бўлиб, поезд жўнаб кетган томонга қараб йўл олди.

Эркак тунги сукунатга фарқ бўлиб, бир вақтлар ўзи кўздан ўтказиб, назорат қилиб юрадиган шпаллардан аста-аста юриб борарди. Плашчининг этаклари ҳилпирайди, ўрмон тарафдан нам моғор ҳиди димоққа урилади, теварак-атрофни сукунат босган. Бироқ одимлагани сари нотинч бўлар, бояги хушчақчақлиги йўқолиб, энди қалбини қан-

дайдир журъатсизлик қамраб олмоқда эди. У биринчи учрашувдан таъшишланарди. Бу шунинг учун бўлса керакки, у кўз ёшини ёмон кўрарди. Борис Иванович кўзлари филт-филт ёшли Сима ва каравот-часида йиғлаб ётган ўғилчасини ўйлаб борарди. У шу манзарани кўз олдига келтирди-ю, кўнгли бузилиб кетди. Уларга ҳам, ўзига ҳам ачинди. Ахир ташлаб кетаётганида ачинмаган, кейин ҳам камдан-кам эслаган... Мана энди нега уйига яқинлашган сари юраги гуп-гуп уриб, уларга раҳми келяпти?! Минг қилганда ҳам ўз хотини, кўз очиб кўргани. Бечора ўтган йиллар ичида жуда соғинган, баъзан кечалари йиғлаб чиққан бўлса айбамас!.. (Бу ўйдан унинг қони қизиб, вужудини тотли бир туйғу қамраб олди.) Ҳозир ҳам Сима кўриши билан ўзини унинг қучоғига отади, кўксига бошини қўйиб йиғлайди. Ким билади, балки қучоғига отилмас, уялиб тескари қараб олар. Балки печканинг ёнига текилиб олиб, кутавериб толиққанидан ва мана энди яна кўришиш насиб этганидан хурсанд бўлиб йиғлаб ҳам олар... Йўқ, у ҳар қалай аёлларнинг кўз ёшларини ёқтирмайди. Уларга ачинишинини ҳам, пўписа қилиб қўйишинини ҳам билмайсан.

Темир йўл ёқасида янгигина уйилган беда ғарамига дуч келди. Ғарам каттагина эди. У беда ўриб, ғарам қилишни азалдан ёмон кўрганини эслади. Отаси ҳаётлигида бу ишни ўзи эплаштирарди, отасидан кейин ё онаси, ё Сима қиладиган бўлди. Ғарам беш кун, нари борса бир ҳафта бурун босилган эди. У қадамини тезлатди, хаёлида олган совғаларини хотини, ўғли, онасига қандай топширишни кўз олдига келтириб борарди. Онасини у негадир шу пайтгача сира эсламади. Йўқ, уни эсидан чиқариб йоборганидан эмас, унинг тўғрисида алоҳида ўйлаб кўрмаганидан хижолат эди. Унинг назарида онаси шу уйнинг доимий нарсаларидан бири сифатида яшарди. Аслида уни эсдан чиқармаганди. Пермдаги универмагдан совға-салом харид қилаётганида онасига ҳам атаб битта рўмол сотиб олди. Онасининг одати, доим елкасига рўмол ташлаб юради: қишда ўзи тўқиган тивит рўмол, ёзда катак-ип рўмол. Дўконда ўшанақа катак рўмолга кўзи тушиб, биттасини ола қолган.

Борис Иванович шпаллардан юриб, тобора уйига яқинлашиб бормоқда. Энг муҳими, ўзини йўқотиб қўймаслиги керак. Хотини йиғлаб, таъна тошларини ота бошлагудек бўлса, индамай чидаб бериши керак. Кейин ҳаммаси жой-жойига тушиб, турмуш яна ўз қолипига кетаверади. У яна ўз ишига ўтади. Бу ерларда бундан ортиқ иш йўқ. Хўжайинлари Карпов яхши таниш, эски дўстликлари ҳурмати уни қайтиб ишга олади. Албатта, юз сўм пул эмас, бу ердаги иш ҳам дарахт оқишишмас. Тўғри, эркаксиз уйда ҳамма нарса қаровсиз қолиб кетган бўлса ажабмас. Ҳаммасини яна ўзи тўғрилаши керак. Ҳозирча пули ҳам етарли. Жамғармаларини жамлаб келган. Серафима умри бино бўлиб бундай пулларни кўрмаган бўлса керак. Турган гап, бу пулларни кўриб, хурсанд бўлади. Йўл назоратчиси бўлиб қай пул ҳам ишларди. Энди эса, осмондан тушгандай, шунча пул қўлида. Борис Иванович хотинининг қувониб, довдираб қолишини кўз олдига келтириб, мийиғида кулиб қўйди. Шундай. Шу тариқа турмуши аслига тушиб кетади.

Шундай қилиб, у дастлабки учрашув ва бошига тушиши мумкин бўлган биринчи қийинчиликларни хаёлидан ўтказгач, бир оз хотиржам тортгандек бўлди. Тун ёришиб, осмон тиниқ феруза рангга кирди, туман ҳам тарқаб, чарақлаган юлдузлар кўзга ташланди. Бу тун сокинлигини фақат оёқлари остидаги майда тошларнинг шиқир-шиқирини бузарди.

Борис Иванович йўлни беихтиёр кузатиб борарди. Бу уларнинг участкалари. Бир вақтлар отасининг участкаси эди, кейин бу участка унинг ихтиёрига ўтди. Мана энди, бу йўлни Сима назорат қилиб туради. Йўл жуда озода; ўтлари ўрилган, қоқиқлар бир текис қоқилган, икки ёнга оппоқ тошлар бир текисда терилганди. Тўсатдан унинг хаёлига: бордию Симани шу ерда, йўлда, қўлида фонус билан учра-

гиб қолсам-а, деган фикр келди. Бу кутилмаган фикрдан ўзини йўқотиб қўяёзди. Хаёлидаги учрашув режаси шу зумнинг ўзида барбод бўлди. Ярқ этиб қўлидаги соатга қаради. Хайрият, дея эркин нафас олди. Ҳозир йўлни кўздан кечирадиган вақт эмас. Ҳали эрта, айланиш учун қоронғилик қилади. У ўзини койий-койий қадамни тезлатди.

Борис Иванович димоғига тайгада ўсадиган ўт-ўланлар, янги синган дарахтларнинг ҳиди урилади. Қалин, нинабаргли ўрмонга бориб тақалган ялангликлар кўзга чалинди. У яна хотиржам тортди, овга чиққанларини эслай бошлади. Бир вақтлар овга чиқишни яхши кўрарди. У кетар чоғида шошилиб олакетишни ёдидан чиқарган милтиғини эслади. Уни қўлига олмаганига ҳам, мана, икки йилдан ошди. Сирасини айтганда, у ўшанда бор нарсасини ташлаб кетган эди. Бир хил эркакларга ўхшаб идиш-товоқларгача бўлишиб ўтирмади. Йўқ, у на латта-путтанинг, на хўжалик буюмларининг юзига борди. Бир-иккита зарур нарсасини, этиги билан шимини олди, холос. Ҳатто «Спидола»сини ҳам олиб ўтирмади. Оламан деса уни чамадонига бемалол жойласа бўларди. Аммо у қизғанчиқлардан эмас. Майли, қолганлар музика эшитсин, фойдалансин ундан: ғам-ҳасрати нари кетади. Ҳар қалай хотини яхши аёл эди. Гарчи эрдан ажралган, Ростовнинг аллақасерида, онасининг қўлида қизчаси бўлса ҳам анча дурустгина эди. Хафа бўлишига ўрин йўқ. Уни хафа қилиши ҳам жоиз эмасди. Кетишида ҳам куппа-кундузи, иш вақтида кетди, отланаётганимни кўрмасин ҳам, куймасин ҳам деб шундай қилди. Ҳар ишни яхшилик билан қилган дуруст. Билетни ҳам олдинроқ олиб қўйди. Уни этигининг ичида бир сутка олиб юрди. Аёлининг истараси иссиқ, ўзи ёқимтой эди-ю, аммо қаттиққўллиги ҳам йўқ эмасди.

Автобусда пристанга кетаётганида ҳам битта-яримта таниш учраб қолмасин деб чамадонини нуқул ўриндиқнинг тагига яшириб келди. Кейин дарё бўйида, бочкаларнинг орқасига яшириниб, йўлга қараганча юракўиноғи бўлиб ўтирди: тўсатдан билиб қолгудек бўлса орқамдан югурмасин, деб кўрқди. Билиб қолгудек бўлса келиб бўйнига осилиб олади, қайтаради, қайтармай қўймайди. У шунақа аёл. Сима унақа эмас. Борис Иванович чуқур хўрсиниб, чамадонини у қўлидан бу қўлига олди.

Сима милтиғини сотиб юбормаганмикин? Сотмаган бўлса керак. Овга чиқишни қанчалик яхши кўришини биларди-ку! Йўқ, сотиши мумкинмас. Сима, умуман, унинг нарсаларига қўлини тегизмасди. Татьяна эса унақамас. У ҳамма нарсага аралашади, қилган ишларини кўзидан ўтказиб туради. Ўз билганича тўғрилаб қўяди.... Сима-чи, уйига қайтганидан кейин милтиғини тозаларди, мойларди, сўнг ўша ўзига таниш бўлган жойларга олиб борарди...

Бу гал ҳам қайси бир йилгидек омади келиб қолса ажаб эмас. Ўшанда тулки шундоқ рўпарасидан чиқиб қолганди. У тулкини озмунча пойлаганмиди! Кейин билса, териси икки пулга қиммат: туллаган экан. Нима қилувди ўшанда терини? Ташлаб юборганмиди? Ҳа, ташлаб юборган бўлса керак.

Борис Иванович овга чиққан кунларини бутун тафсилоти билан кўз олдидан бир-бир ўтказа бошлади. Эсласани сари кўнгли ёришиб, енгил тортарди. Аммо кўнглининг бир чеккасида хиралик ҳам йўқ эмас. Ҳар қалай бекатгача бориб, дадиллик учун жиндай ичиб олса бўларди. Балки тезюрар поезд йўловчилари учун буфет очикдир!.. Жуда бўлмаганда унинг қайтиши шарофатига темир йўлчилардан ул-бул топилиб қолар. Ахир у ерда танишлари, қадрдонлари талайгина-ку! Ҳаммаёғи қорамой ошналари билан чекишиб, у ёқ-бу ёқдан бирпас гаплашиб ўтирса, янгилкларни билиб олган бўларди, ахир икки йилнинг ичида талайгина гаплар йиғилиб қолгандир. Кейин Қамада қандай ҳақ тўланишини, айниқса ёғоч оқизувчиларнинг иш ҳақлари қанақалигини гапириб мақтанар, сўнг лабининг чеккаси билан жилмайиб: «Хотинларми, хотинлар ҳам ҳамма ерда бир хил!» деб қўйган бўларди. Унинг бу гапидан кейин оғайнилари қаерда пулни осон то-

пиш мумкин, қаерда маошга қўшимча қўшиб берилади, мана шу хусусда ўзаро тортишиб кетишади. Шунда у «ўхў-хў» деб ўрнидан туради-да: «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу, ўзимнинг кампиримга кетдим», деб йўлга равона бўлади.

Муюлишда лоп этиб таниш манзара намоён бўлди: кўм-кўк туман қоплаган тепалик ва сербутоқ дарахт остидаги қадрдон уй. Бу унинг уйи! Остонасигача аниқ кўриниб турган иккинчи пост... Бу манзарани кўриб, Борис Иванович энгил нафас олди: «Биродар, шунча ўйнадинг, сандироқладинг, энди етар!» деди ўзига ўзи.

Узоқдан гўё ҳеч нарса ўзгармагандай эди. Аммо, бир оз юргач, бирдан ажабланиб тўхтаб қолди. Қадимги молхонанинг ўрнига қурилган янги бино кўзга шундоққина ташланиб турарди. Бирдан миясида: «Эркак!.. Уйимда бегона эркак пайдо бўлибди!» деган фикр чарх ура бошлади.

Буни у хаёлига ҳам келтирмаганди. Юраги орқасига тортиб кетди. Энди нима қилиш керак?.. Аммо ўша заҳоти ўзига ўзи тасалли бера бошлади: «молхонани янгилагандир-да...» Бироқ кўнглига келган аввалги фикр устунлик қила бошлади. «Ҳали бегона эркакнинг қучоғига кириб ётибман денг? Биз бирёқларда саргардон бўлиб, қийналиб юрсак-да, у киши шунақа ишларни ихтиёр қилсалар?.. Яхши, ҳозир бунинг тагига етмай қўймаймиз...» У шиддат билан юрар, ўйлаб борарди: «Доим букчайиб юрарди, бошидан рўмоли тушмасди, оғзидан бўлар-бўлмагча гап чиқмасди-ю, бари бир гўр эканда!» Ҳозир у хиёнаткор хотинини кўргани кўзи йўқ эди. «Бу атрофда азалдан ортиқча эркакнинг ўзи йўқ-у, шунга қарамай, топибди-да. Ҳа, тулки! Мундай қарасанг, каламушдан фарқи йўқ...»

Борис Иванович ошиқиб, ҳаллослаб борар, оёғи остидан тош сачрарди. Бир сафар қоқилиб кетиб, совға-салом солган чамадонини қўлидан тушириб юборай деди хотинининг ўзга бир одамнинг тўшагида ётишини тасаввур этаркан, жон-жонидан алам ўтиб кетди.

Борис Иванович темир йўлдан пастга тушди, тепаликка чиқиб эски кудукдан ҳам ўтди. Шундан кейингина пастаккина ёғоч панжара орасидан бояги «қурилиш»га кўзи тушди: бу ўша-ўша — эски, қинғир-қийшиқ молхона, фақат бўёқдан янгигина чиқарилган эди, холос. Тавба, хаёлига келган нарсани қаранг! У хотиржам тортиб тўхтади, анчагача у ёқ-бу ёқни кўздан кечириб турди. Ҳамма нарса илгаригидай, жой-жойида. Гўё у бир дақиқагина ташқарига чиқиб, атрофга аланглаётгандай эди. Текис қилиб териб қўйилган гўлалар, эски сарой ёнидаги велосипед, ёмғирда яйрасин деб олиб чиқиб қўйилган сопол идишлардаги гулларни кўриб, бирдан кўнгли илиб кетди. Борис Иванович зиналарни бир-бир босиб қандай учрашишлари хусусида йўлда туғилган режаларини ҳам унутганча эшикни, ўз эшигини тақиллатди.

Аввалига ҳеч ким жавоб қилмади. Фақат туваклардаги гулларнинг шитир-шитири қулоққа чалинарди. Борис Иванович қадам товушларига қулоқ тутди: эшикни хотини очармикан ё онасими? Агар: «Қим у?», деб сўрагудек бўлишса, «Меҳмонни қабул қиласизларми?», деб ҳазиллашмоқчи бўлди. Аммо, негадир жимжит, ҳеч ким жавоб қилмасди. Ниҳоят ичкари эшик очилиб, йўлакдан кимдир дағал қадам ташлаб эшикка қараб кела бошлади. Борис Иванович ҳаяжонланганидан ҳатто ўзини бир оз орқага олди. Шу пайт очғич шиқ этиб, эшик аста очилди.

Рўпарасида, қоронғи йўлакда Сима турарди. У тонгги ғира-ширада рангсиз кўринди, сочи силлиқ қилиб таралган, устида кўйлаг; гўё бугун ўринда ётмагандай.

— Омонмисан, Серафима?— деди Борис Иванович қувноқлик билан.

Серафиманинг юзида қилт этган ўзгариш сезилмади. У ўзини четга олиб йўл берди. Борис Иванович ичкарига кирди. Серафима унинг кетидан эшикнинг илгагини илолмай анчагача қийналди... Борис Иванович қоронғи йўлакдан ишонч билан юриб бориб, хонанинг эшигини

очгани қўл узатди. Бочкаларнинг унутилаёзган иси, асбоб-ускуналарнинг, супургининг ёқимли ҳиди димоғига урилиб, кўнглига ҳузур бағишлади. Мана, қўли клеёнка қопланган эшикка тегди, пийпаслаб юмалоқ чўян тутқични топди, зил ёпиқ турган эшикни итариб, эгалик туйғуси билан хонага қадам қўйди. Бўёқ ҳиди анқиб кетди.

Борис Иванович эшик тагидаги энсизгина тахта устига чиққанича турақолди: уйнинг поли бўялган эди. Юриш учун у ер-бу ерга энсизгина тахталар ташлаб қўйилган: эшикдан столгача, печкагача, каравотгача ва дивангача. Тахталар янгигина, оппоқ. Борис Иванович чамадонини қаерга қўйишини билмай бир зум туриб қолди. Кейин уни қўлидан қўймай плашчини ечиб қоziққа илди, устига шляпасини ҳам қўндирди. Сочларини силаб текислади. Сима эса киравермади, йўлакда тарақ-туруқ қилиб, нима биландир овора эди. Бу иши дуруст бўлмади, эри келганидан кейин ичкарига кириши керак-ку! Онаси ҳам, ўғли ҳам кўринмайди. Фақат печ устида катак адёлнинг бир чекқаси осилиб турибди. Борис Иванович томоғини қириб, энсизгина тахта бўйлаб юриб, стол ёнига борди-да, алланиманинг устига ўрнатилган ёлғиз курсига ўтирди. Чамадонни тиззасига қўйди.

Уйда ҳамма нарса ўзгариб кетибди: деворлар ҳам, шифтдаги лампа ҳам... Курсиларнинг оёғи осмондан, каравот устига тахлаб қўйилган. Деразаларда на парда, на ойна бор. Уй ичи димоғни ёргудек ҳид! Эссизгина... Борис Ивановичнинг кайфияти тушиб кетди.

Йўлакда оғир қадам товуши эшитилди. Сима челақ кўтариб кириб, эшикни оёғи билан итариб ёпди. У аскарларнинг кирза этигидан кийиб олганди. Боя йўлакда буни пайқамаган экан. Аёл чироқни ёқди, дўқ-дўқ юриб, печка ёнига борди. Электр нурида пол яна ҳам кўнгироқ тусга киргандай, бўёқ ҳиди яна ҳам ўткирроқ анқигандай бўлди.

— Соғ-саломат юрибсанми, Серафима,— Борис Иванович уни зимдан кузатаркан, ҳол-аҳвол сўрашмоқчи бўлди. Ҳозир у ўрнидан туриб хотини томонга юриши лозим эди, аммо курсидан қўзғалмади, қолаверса, унинг ёнига бориш ҳам негадир ўнғайсиз эди.

— Яхшимисиз, Борис Иванович?— деди Серафима, ортиқча ҳаяжонсиз, печка ёнида алланима қила туриб.

Хотинининг ҳурмат билан муомала қилиши унга ёқди. У таъна қилишдан, кўз ёши тўкишидан хавотирда эди. Хотинининг хурсанд кайфиятда эмаслигининг сабаби ҳам маълум. Тортинади, албатта, кейин алам ҳам ўтган. Бир оз сабр қилади, кейин совға-саломларини олиб кўрсатади. Лекин хотини сал илиқроқ кутиб олса ҳам ёмон бўлмасди. Ахир ишдан кейин исингани қўшнисини киргани йўқ-ку! Уйнинг бошлиғи қайтиб келди...

— Нима, кутмаганмидинг?

— Кутганимдан нима фойда,— Сима электроплиткани ёқди, тоғорачага ёғ ташлаб, ниманидир иситгани қўйди.

Борис Иванович бир зум жим қолди, у-буни суриштиришга шовшилмади. Зимдан уни кузатиб ўтирди.

Сима сира ҳам ўзгармаган, ўша-ўша ихчамгина, кўримсизгина, устидаги қўйлаги ҳам ўзгармагандай. Қўллари ҳам илгаригидай чаққон. Фақат овози сал бўғиқ, ҳароратсиз. Қадам олиши ҳам қатъий, аскар аёлларникидай йирик. Бу Борис Ивановичга ёқмади. Серафима картошка тозалар, оёғининг тагига ташланган тунука қатир-қутур қиларди. У илгарилари жуда аста, юмшоқ қадам ташларди.

— Жуда ноқулай вақтда келиб қолдингиз-да,— деди Серафима хотиржам овозда, арчиётган картошқасидан кўз узмай.— Дераза, қути, каравотнинг устидаги парда, чойшабларни олиб ювган эдим. Ҳали дазмоллаб улгурганимча ҳам йўқ.

— Зарари йўқ,— уни юпатган бўлди Борис Иванович.

Борис Иванович чамадонини тиззасига қўйиб, худди вокзалдагидай қовушмай ўтирарди.

— Анави приёмики ишлайдими,— сўради шип-шийдам қутининг устидаги ўша, ўзига таниш «Рекорд» радиоприёмникни кўрсатиб.

— Ким билади дейсиз,— Сима картошка пўчоқларини челакага ағдарди.— Мишка кавлагани-кавлаган. Техникага жуда қизиқади. Балки бузиб қўйгандир, балки ишлар, хабарим йўқ.

Борис Иванович жим бўлиб қолди.

— Узи қаерда?— у печка устидаги ўринга кўз югуртирди. Симанинг оёғи остидаги тунука яна қитирлаб кетди. Сима плитани артаётганди.

— Чордоқда ухлапти. Бу ернинг ҳавоси оғир. Кейин, умуман, у ёзда тепада ётишни яхши кўради.— Аёлнинг овози паст, ҳиссиз эшитилди.

Борис Ивановичнинг тоқати тоқ бўлди. Хотинига буйруқ оҳангида деди:

— Чақир, даданг келди, де!

Сима кострюлнинг қопқоғини ёпиб, йўлака чикди. Эшик орқасидан ўғлини аста чақираётгани эшитилди:

— Миша, ҳў, Миша, пастга туш, даданг келди.

Борис Иванович қўлидаги чамадоннинг столнинг устига қўйди, ялтироқ илгакларини очиб, хушнудлик билан ўғлининг киришини кутди. Йўлақдан ертўланинг эшиги очилгани эшитилди, афтидан Серафима яна бирон нарсага тушиб кетган бўлса керак. Ўғлидан эса ҳали дарак йўқ. У қанақа бўлиб кетган экан? Орадан икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Мактабга ҳам боргандир, ҳа, борган...

Эшик очилиб, уйқули кўзлари электр нуридан қисилганича, майкачан ўғли кирди. Сочи қиртишлаб олдирилган, кўзларининг атрофи доғ, сепкил босган, бир бурдагина юзли ўғли шу туришида ўрмондаги қушларнинг ола-була тухумини эслатарди. У эшикнинг олдида яланг-оёқ, кўзларини ердан узмай турарди... Ҳа, ўғилчаси бутунлай ўзгариб, бўйи чўзилиб қолибди. Энди кимга ўхшашини ҳам ажратиб бўлмайди. Кўпроқ онасига ўхшайдими ё ўзига? Илгари ўзига ўхшарди.

— Яхшимисан, Михаил?— деди Борис Иванович тантанавор овозда.— Яхши юрибсанми, паҳлавон?— Ҳозир улар бир-бирлари билан эркакчасига қучоқлашиб кўришишлари лозим эди-ю, бироқ мана бу лаъти пол...

— Салом,— бола яна ерга қаради.

— Уқишларинг қалай? Баҳоларинг дурустми? Мактабга борясанми?

Бола турган ерида бир кўзгалиб қўйди.

— Йў-ўқ.

— Нега бормаяпсан?— Борис Иванович ҳайрон бўлиб қолди.

Бола аста жавоб қилди:

— Ҳозир каникулдамиз.

— Э-ҳа,— Борис Иванович энди тушунди.— Тўғри, тўғри, ҳозир каникул вақти.

Борис Иванович у ёғига нима дейишини билмай қолди. Сочини силади. Ҳозир иложи борича мулойим, илиқ суҳбатлашиши керак ўғли билан. Аммо нима қилишни билмай гаранг эди у. «Совғани берсаммикин?»— деб ўйлади. Бироқ у совғани ўғлига онасининг олдида, қандайдир тантанали суръатда беришни истарди. Хотини эса аксига олиб киравермади.

Борис Иванович нима қилишини билмай чамадоннинг илгагини шақиллатиб ўйнаб ўтирарди.

— Велосипедингда учяпсанми?

— Учяпман,— бола кўзини ердан узишга журъат қилмай, бурчакка қараб гапирди.

— Бузилиб қолганида-чи?

— Ўзим тузатаман. Велосипедим эски-ку!.

Йўлакада яна алланима тақ этиб кетди.

— Умуман, аҳволлар қалай?— яна чамадоннинг илгагини шақиллатди Борис Иванович.— Онангга қарашяпсанми?

Ўғли бошини ердан кўтарди, шунда Борис Ивановичнинг кўзи

кутилмаганда катталарникига ўхшаш, истехзоли боқиб турган кўзларга тўқнаш келди. Ота бирдан ўзини ноқулай ҳис этди. Мана шу нотанишдай кўринган кичкинагина инсон билан юзма-юз, ёлғиз қолиш ниҳоятда оғир бўлиб туюлди унга. Ҳозир ўрнидан туриб, пинагини бузмай уйнинг у бошидан бу бошига бориб келса бўларди-ю, аммо у қоққан қозиқдек ўтирган еридан қимирламади. У билан гаплашиш учун бирон гап ўйлаб топиши зарур. Серафима ҳам аллақаяёққа ғойиб бўлди.

Борис Иванович чурқ этмай ўтирар, орага чўккан сукунатдан иккалалари ҳам ниҳоятда ноқулай аҳволда эдилар. Шу пайт бирдан плитанинг устидаги овқат тошиб, жиз-биз бўлиб кетди. Борис Иванович ўғлига асабий деди:

— Бўпти, бор, ухла. Эрталаб гаплашамиз.

Ўғил индамай, шип этиб чиқиб кетди. Борис Ивановичнинг эса юраги ғаш бўлиб қолди.

Плитанинг устидаги таом жиз-биз қилар, хонани ширин қовурманинг ёқимли иси тутганди. Сима кириб, қўлидаги тоғорача тўла тузланган карам билан печнинг олдига ўтди. У ерда идиш-товоқни нарибери қилди, кейин худди официантларга ўхшаб иккала қўлида нималарнидир кўтариб столнинг ёнига, Борис Иванович ўтирган ерга келди, шунчалик яқин келдики, ҳатто кўйлаги унга тегиб кетди. Тирсаги билан чамадонни нари суриб қўйди-да, шошмасдан топган-тутганини унинг олдига жойлаштира бошлади: қовурилган иссиққина картошка билан гўшт, карам. Борис Иванович исиб, жони роҳат қилгандай бўлди.

— Афсуски, ичгани ҳеч нарса йўқ эди,— хафа бўлиб деди Сима.— Тонг отса Мишкани станцияга юбораман. Магазин соат саккизда очилади.

— Қўявер, зарари йўқ,— Борис Иванович қўлига вилкани олиб, кўнглидан ўтказди: «Ҳозир овқатни еб оламан-да, олиб келган совғаларимни бераман».

— Хўш, мен йўғимда туриш-турмушларинг қанақа бўлди, гапирчи?— Борис Ивановичнинг оғзи куйиб, тарелкасига пуф-пуфлаб, иштаҳа билан овқатини тановул қиларди. Овқат ширин, илгариги вақтлардагидай тобига келтириб пиширилганди. Симаси қурмағур азалдан қарқур, буғи гўшtidан мазали таом тайёрлашга жуда уста-да!

— Сиз оламини кезиб, яхши-ёмонни кўриб келдингиз, янгилик сизда бўлади-да, бизда янгилик нима қилсин,— деди Сима ва эрининг кенг, стол узра энгашган гавдасига кўз қирини ташлади, кейин тескари қаради, оёғининг тагидаги тунука яна тарақлаб кетди.— Қурилишларни янгилашлар, яқинда ревизия бўлади, деб бўёқ беришган эди. Озроқ ортиб қолганди, полни бўяб олдим. Ҳали ёпишяпти, эрталабгача қуриб қолса керак.

Борис Иванович иссиқ картошка билан гўштни чайнарди, карам ҳам яхши туз еб етилибди, оғзига ёқди.

— Станцияда қандай янгиликлар бор?

Сима чойнакка сув қуяётган эди.

— Қарповни авария учун ишдан олишди.

Борис Иванович оғзи очилганича қотиб қолди.

— ...Бешинчи йўлга юк поездини қўйгани учун: У ерда тўрт филдиракли мотор-арава турган экан...

— Хўш, нима бўлди?

— Унча зарар кўрилмади. Уловчи сакраб тушаётганида қўлини синдирибди.— Сима яна унинг ёнига келиб, столга майдаланган қанд қўйди.— Тўрт филдиракли мотор-аравани чиқитга чиқаришди, Қарповни эса ўз ихтиёри билан бўшатишди.— Сима столдаги ушоқларни кафтига сидирди.— Қарпов хор бўладиганлардан эмас, йўл қурилишида ишбоши бўлиб ишлаяпти. Ҳозир икки уйлик бўлиб қолган. Оиласи станцияда туради, ўзи бўлса еттинчи километрда вагончада яшайди. Қонга йўл олиб боришяпти.— Сима мийғида кулиб қўйди.— Ишига қў-

шимча ҳақ олади. Вагоннинг тагида товуқ боқади. Товуқхона қуриб олибди. Эрталаблари янги тухум ютади.

— Хў-ўш,— Борис Иванович бу ёрига овқат ейишдан тўхтаб, вилкасини ўйнай бошлади.— Хў-ўш, менинг ўрнимда ким ишляпти?

— Голиков,— Сима шундай деб нари кетди.

— Женьками?— Борис Иванович бу гапдан ҳайрон бўлиб, олдидаги тарелкани нари суриб қўйди.— У ҳали ўлардек гўр-ку?! Олдин шофер эди, кейин вагончи бўлиб у ер-бу ерини мой қилиб юрарди.

— Нима бўпти,— Сима елкасини учирди.— Сиртдан ўқиб битирди ўқишни. Яқинда уй қуриб олди ўзига.

— «Сиртдан» эмиш!— Борис Ивановичнинг зардаси қайнаб кетди.— Иштаҳаси ёмон эмас-ку! Уғринча овга чиққанимда қўлга туширмақчи бўлиб, пайимга тушиб юрганлари эсимда. Фақат тутиш қўлидан келмади-да.

— У ҳозир ҳам қатагон ерларни текшириб юради. Жамоатчи контролёр ҳисобланади.

— Хўш, демак энди уста бўлди дегин?— Борис Иванович хаёлга чўмди.

Сима печнинг устига чиқиб, у ердан ўрин-кўрпа ола бошлади.

— Болалик ҳам бўлди. Абакандан уйланган эди. Хотини анча дурустгина.

«Ҳали шунақами,— Борис Иванович ҳамма нарса у ўйлагандек бўлиб чиқмаётганини тушунди.— Карповнинг омади келмабди, демак ундан иш чиқмайди. Энди яна ким қолди станцияда? Завгарми? Завгарни бошига урадимиз? Унинг қўлидан нима иш келарди?.. Э-ҳа! Папикян бор. Дарвоқе, ревизор Папикян бор-ку! Анча сўзи ўтадиган одам. Тўғри, у Абаканда, бошқармада ишлайди. Зарур бўлгандан кейин Абаканга борса бориб келаверади-да!.. Зарари йўқ, ҳали ўша Голиковининг кавушини тўғрилаб, ўзининг ўрнига бир ўтириб олсинки...»

Сима курсиларни каравотнинг устидан олиб, приёмник турган қутининг устига тахлади. Яшиқни ғирчиллатиб ичидан тоза чойшаб олди, ўрин сола бошлади. Қалин, оппоқ ўрин... Сўнг каравот ёнидаги тахта устида туриб қалин, гулли ёстиқларни тоза, оппоқ филофларга тикди. Ёстиқларни уриб-уриб шишириб, каравотнинг бош томонига ёнма-ён қилиб қўйди.

Симанинг ўринни ихлос билан тайёрлаётганини кўриб Борис Ивановичнинг кўнгли бир оз ёришди. «Майли, ҳали ҳамма иш жойида бўлади»,— деб дилидан ўтказди у. Сима каравотнинг устига энгашиб, қулочини ёзиб, чойшабини текисларди. Унинг бу ҳаракати Борис Ивановичга шу қадар таниш, қадрдон бўлиб туюлиб кетдики, юрагидаги бор ғубор, кўнгилсизликлар нари сурилди. Ногаҳон юмшади, хотинига меҳри товланиб кетди. У қўлини чамадонига узатди: мана, ҳозир у хотини билан онасини хурсанд қилади.

— Онам-чи? Онам печдан тушмоқчи эмасми,— жўрттага овозини қаттиқроқ чиқариб сўради у.— Ухлаб қолдимиз, нима бало,— Борис Иванович тарелка, идишларни нари суриб қўйди.— Уғли келганини эшитмадимиз?

Сима ёстиқни яна бир шап этиб уриб:

— Онамиз йўқ, Боря, у ўлган,— деди-да, чойшабни силаб қўйди.— Баҳорда ерга қўйган эдик.

Борис Иванович хотинига анграйиб тикилиб қолди. Сима эса плитанинг олдига бориб, идиш-товоқларни ювишга тутинди.

— Узи мазаси йўқ эди,— деди хотиржамлик билан Сима.— Уша аҳволда қариндошларини кўргиси келиб қолди, бир ҳафтага Шушуга, Дусяникига кетди. Узинг биласан, Дусяникида уй тўла бола, иш ошиб-тошиб ётипти. Тўғри, Дусяникидан қайтганида анча дуруст эди. Қор эрий бошлаган кезлар эди. Томга чиқиб, қорини кураб тушмоқчи бўлибди. Участкамни кўздан кечириб келаётсам ўғлим югуриб бориб қолди. Қўрқиб кетибди, нуқул: «Бувим! Бувим!» дейди, холос. Югуриб

бориб қарасам, шилта-шалаббо, қор устида ўтирипти. «Онажон! Она!» деб елкасидан силкитдим. Аллақачон жони узилиб бўлган экан.— Сима плитанинг устида турган чойнакни ушлаб кўрди, озроқ сувини ёр-лоғига қайтарди.— Ҳозир қайнаб қолади... Кейин, дарров Дусяга телеграмма бердим. Дуся етиб келгўнича станциядагиларга тобут буюртирдим. Женя Голиков буваси билан бирга ясаши тобутни. Ҳаммаёқда қор эриб, машиналар юролмади қолди, лой тиззага чиқади. Карповнинг олдига тўрт филдираклик моторли-аравани сўрагани бордим. Карпов у вақтда ҳали шу ерда ишларди. Роса ялиндим, обидийда қилиб чарчадим.— Унинг овози босиқ, хотиржам эди. Чойнакдаги чой қайнаб, қопқоғи тарақлай бошлади.— Йўқ, ҳартугул раҳми келди. Женяга раҳмат. Онамизнинг тобутини тўрт филдиракли мотор-аравага солиб, шу тариқа иккинчи километрга олиб кетдик. У ёғига, тепаликка қўлда кўтариб олиб чиқдик. Узи энгилгина эди. Жасадини отамизнинг шундоққина ёнига қўйдик. У ерда жой кўп, бемалол.— У пешанасига тушиб турган бир тутам сочини орқага суриб қўйди-да, чойнакни оловдан олиб, устини латта билан артди.— Сиз бемалол ўтираверинг, мана, чой ичинг.— Шундай деб у тахта устидан эшик томон юрди.— Мен участкамни кўздан кечириб келишим керак.

Борис Иванович хўрсинди.

— Чой ҳам юракка сиғмай қолди.

— Ундай бўлса ётинг, йўлдан чарчаб келгансиз, мен чироқни ўчириб қўяман,— Сима чироқни ўчириб, чиқиб кетди.

Уйнинг ичи бирдан хира кўкимтир тусга кириб, ҳувиллаб қолди. Ҳатто совиб кетгандай эди. Оппоқ чойшаб солинган ўрин ҳам кўкимтир бўлиб кўринди кўзига. Теварак-атрофни совуқ, ваҳимали сукунат қоплаганидан Борис Ивановичнинг эти жунжикиб кетди. Ишга кетаётган Сима дераза ортига ўтгач ё фонусини, ё калитини шиқ эттириб қўйди. Борис Иванович бирпас жим ўтирди-да, кейин тахта устидан юриб, каравот ёнига борди. У бу каравотда икки йилдан буён ухламаган эди. Каравотнинг кўкиш бўёғи у ер-бу еридан кўчиб кетибди. Уни бир вақтлар онаси мовий рангга бўяган, қуригунича неча кун ҳам кўчада шамоллатган эди.

Ўрин совуқлигидан «чақаман» дейди. Борис Иванович ўринга кириб, ёстиққа бош қўйиши биланоқ худди музнинг тешигидан ўзини сувга ташлагандек бўлди. Сира исмай, анчагача қалт-қалт қалтираб, қимир этмай ётди. Талай вақтгача ухлаёлмади. Бундай қоп-қоронғи уйда кўзни юмиш ҳам кўрқинчли бўлар экан, нафасинг қисилиб қолай дейди. Балки бу бўёқнинг ҳидидандир? Борис Иванович кўзини юмди. Нақадар сокин ҳаммаёқ. Чордоқнинг қаеридадир ўғли ухлаб ётибди. Мишка... Ўғли уни ёмон, ҳа, ёмон кутиб олди. Борис Иванович ўридан туриб ўтирди, чекмоқчи бўлди, бироқ сигаретаси пачкаси билан столнинг устида қолган экан, бориб олишга эринди, яна жойига ётиб олди. Бу ерга намуноча шошди ўзи?.. Бирдан ўз-ўзига раҳми келиб кетди. Бу ўринда ўзини ёлғиз сизди. Ҳақиқатан ҳам станцияда ичиб олмай хато қилибди. Ичиб олганида буларнинг ҳаммасини ҳам қилиш осонроқ бўларди.

Борис Иванович ғалати бир шовқиндан уйғониб кетди ва бу шовқинни дарров таниди: қаердандир поезд келяпти. Борис Иванович бу тезюрар поезд Кургановники эканини ҳам пайқайди. Шовқин борган сари авжга чиқар, деразалар зирилларди. У уйғониб кетганига ачинди, илгарилари шу шовқинсиз ухлаёлмас, поездларнинг жадвалини ёддан биларди.

Йўлакда нимадир тақиллади. Эшик очилиб, хонага эҳтиётлик билан юриб Сима кирди. Узоқларда юрганида ҳамиша эслаб, кўз олдига келтириб юрадиган юмшоққина Сима: жакетини елкасига ташлаб олган, рангсиз, беозоргина аёл. Сима кириб, қоронғиликка бирпас диққат билан қулоқ солиб турди, кейин ялангоёқ, нозик-ниҳолгина бўлиб диван томонга ўтди. Ечиниб, аста диванга чўзилди, жакетини оёғига ташлади. Диваннинг пружинаси гичирлади. Бундан Симанинг вужуди

қулоққа айланиб, анчагача қимир этмади. Сўнг хотиржам тортиб енгил нафас олди ва қулайроқ ётиб олди.

Борис Иванович чидаб туролмади. Секин чақирди:

— Сима, эшитяпсанми?..

Сима чўчиб тушди. Нафасини ичига ютиб, тош қотиб қолди.

— Сима деяпман?..

Жимжитлик. Қилт этган овоз чиқмади.

Борис Иванович ҳар қанча чақиргани билан Сима ёнига келмаслигини тушунди. Чақиргани билан фойдаси йўқ.

...Тонг отиб, хонанинг ичи ёришган. Бўялган малла пол ялт-юлт қилади. Борис Иванович иссиққина ёстиқлардан бошини кўтариб, туриб ўтирди. Боши кеча кўп ичиб қўйган одамнинг бошидек оғир эди. Оёқларини каравотдан тушириб, бармоқларининг учи билан қуриган-қуримаганини билмоқчи бўлиб, полни босиб кўрди. Истар-истамас кийиниб, кетидан чанг из қолдириб тахтанинг устидан юриб кетди.

Ним қоронғи йўлак салқин. Деворда, курсиларнинг устида тугун-терсақлар. Стол устидаги ойнали рамканинг ичида Серафима иккала-си бошларини бир-бирига энгаштирганларича ёшликлариде тушган суратлари турибди. Эшик ёнида сув тўлатилган челақлар, сут солиб қўйилган шиша банка. Борис Иванович челақдан катта чўмичда сув олиб ташқарига чиқди. Чарақлаб турган қуёш нури, ям-яшил табиат, қушлар чуғури дафъатан қучоғига олди уни. Тонг ниҳоятда мусаффо, завқли эди. Ип-арқонда янгигина ювилган турли рангдаги кирлар ҳилпираб осилиб турибди.

Борис Иванович топ-тоза ҳовлини, эшиги ланг очиқ турган молхонани, ҳовлининг этагига экилган кунгабоқарларни бир-бир кўздан ўтказди. Буларнинг ҳаммаси уни қувонтирди, бироқ боши ҳамон оғир, карахт эди. У энгашганча гарданидан ўзига ўзи сув қуя бошлади. Муздек сув юз-кўзини зириллатиб, майкасининг ичига ҳам оқиб тушди. Борис Иванович уҳ-уҳлаб, бошини силкитиб, дағал кафти билан гарданини ишқалади.

Молхонадан куракка суянганича Сима унга тикилиб турарди. Эрининг уҳ-уҳлаб, бақувват бўйинини ишқаб, пишқириб ювинишини завқ билан томоша қилиб турди-да, куракни ерга санчиб қўйиб, йўлкадан унинг олдига қараб юрди.

— Шошмайтур, ҳозир сочиқ олиб чиқиб бераман,— у йўлакдаги рўмолга туғиб қўйилган кирнинг орасидан битта узун сочиқни суғуриб келтирди.

— Ҳали дазмолланмаган. Полни бўяйман деб айланишиб қолдим... Бунақа бўлишини ким билибди...

— Қўявер, ҳечқиси йўқ,— Борис Ивановичнинг кўнгли бир оз юмшади. У сочиқни олиб юзига босди, ундан таниш, одмигина совун ҳиди урилди димоғига.

— Мишкани станцияга жўнатдим.— Сима яна йўлак томонга юрди.— Магазинга. Агар одам кўп бўлмаса велосипедида тез етиб келади.

— Ҳали ҳам ўша, менинг велосипедимми,— сўради Борис Иванович мийиғида кулиб.

— Яқинда янги занжир топиб келди. Савилни тузатгани-тузатган... Қўлидаги идиш бир-бирига урилиб шақир-шуқир қилди.— Нонуштани ҳозирлаб турай.— У шундай деб уйга кириб кетди.

Борис Иванович қўлида сочиқ олиб бирпас ҳовлида турди. Тепалик ортидан қуёшнинг кўтарилиб боришини кузатди. Кейин шошмадан ҳовлини кезиб, хўжалик бошлиғи назари билан ҳаммаёқни кўздан ўтказга бошлади. Ёнгиналаридаги темир йўлни, уларининг томини, челақка ўтқазилган фикус атрофида уймалашиб юрган жўжаларни кўрди. Нарсаларини бирин-кетин танигани сари уларга нисбатан эгалик ҳисси уйғона бошлади, гўё ҳаммаси жой-жойига тушаётгандай бўла-

верди. Мана, бир вақтлар асбоблари турган ёғоч қути, илгарилар уни отаси ишлатарди; мана, сира ўзгармайдиган, атрофи қизил ғишт билан терилиб, «Жаҳонга тинчлик» деган сўзлар ёзилган лавҳа: мана, бу терак, у ҳам сира ўзгармабди. Ҳовлиларида шу битта терак ўсадию ҳаммаёқ дарахтзорга ўхшаб кўринади. Айтишларига қараганда, бу бақатеракни бобоси эккан экан. Панжара-чи? И-е, панжарага нима бўлган ўзи? У панжарага яқин борди. Нариги бошидаги устун чириб, панжара ариқ томонга ёнбошлаб қолибди. «Ана!— Борис Иванович қўлларини биқинига тиради, эркаксиз хўжаликнинг аҳволи шу экан-да! Эркак бўлмаса ҳамма нарса изидан чиқиб путурдан кетаркан-да!» У ўзича мағрурланиб қўйди. Узун, занглаган миҳга тегиб кетмай деб панжаранинг бошини ердан аста кўтарди ва уни йўғон дарахтнинг чўтир танасига тақади. «Эркак бўлмаса, ҳамма нарса путурдан кетади! Ҳамма нарса! Шу панжарани ҳам тўғрилаб қўйишолмайди». У жўякдан битта ғиштни олиб, сочиқни елкасига ташлади-да, панжарани дарахтга қоқа бошлади. Тўсатдан:

— Нега тирик танага қоқяпсан уни?!— деган овоз эшитилди. Қараса, ёнгинасида ранги қув ўчиб, дарғазаб бўлганча Сима турибди.— Тирик танага миҳ уриш яхши эмас!..

Борис Иванович қаддини ростлаб, ҳайратдан сал орқага чекинди.

— Нима бўларди унга?

Сима индамай дарахт ёнига борди, бутун гавдаси билан энгашиб, устунни миҳ-пихи билан кўчириб олди. Панжаранинг уч томони чайқалиб, Борис Ивановичнинг оёғи остига йиқилди. Сима унинг афтига ҳам қарамай нари кетди.

Тепалик ларзага келиб, ҳаммаёқни гулдурос товуш босди ва бу товуш тезда узоқлашиб тинди. Борис Иванович ўша заҳоти юк поезди ўтганини билди. Қўлидаги ғиштни улоқтириб, тез-тез юриб, уй томон кетди. Унинг сабр-тоқати тугаганди.

Уйда, плитанинг устида тухум қовуриляпти. Серафима гўё ўртада ҳеч гап ўтмагандай пишир-куйдир билан андармон. Деразаларни ланг очиб, ўринни йиғиб қўйибди. Борис Иванович стол устидан чамадонини олди-да, тўғри каравотнинг олдига бориб, унинг ичидаги бор нарсасини шундоққина адёлнинг устига ағдарди: аллақанақа кофталар, «Қармен» деган совун набори, онасига деб олган кулранг катак рўмол.

У хотинидан:

— Милтиғим қани,— деб сўради.

— Милтиқми?— ўйланиб қолди, ўйлаб туриб пешонасига тушган сочини текислаб қўйди.

Борис Иванович ҳайрон қолди: наҳотки, хотини милтиқни қаерга қўйганини билмаса?!

— Чордоқда бўлса керак. Мен уни ўша вақтдаёқ чордоққа олиб чиқиб қўйган эдим.— Сима каравот устига тўкилган нарсаларга бир қараб қўйиб, яна қўлига пичоғини олди.— Мишка келса топиб беради. У қаерда нима турганини яхши билади. Менинг эса қаерга қўйганим эсимда йўқ.

Борис Иванович йўлакдаги қандайдир тугунларни нарига улоқтириб, темир зина билан чордоққа кўтарилди бошлади.

Чордоқ қуёшнинг илк нурлариданоқ исиб кетибди. Борис Иванович у ёқ-бу ёққа аланглади. Тирқиш, тешиклардан тушаётган пушти ранг қуёш нурлари бурчакдаги тўплаб қўйилган бекорчи нарсалар, устунга боғлаб қўйилган супурги боғламлари, Мишканинг ғижими чиқиб ётган қизил ёстиқли ўрни, қавилган кўрпаси устида жимирлаб ўйнайди. Борис Иванович эгилганича кераксиз нарсалар тўплаб қўйилган бурчакка қараб кетди. Мана, синиб ётган ёғоч беланчак, агар янглишмаса, бу беланчакда ўзи ҳам ётган. Бу беланчакни отаси ясаган. Кейин, бир яшар бўлгунича Мишка ҳам ётган унда. Борис Иванович чангини буруқситиб, уни бир чеккага олиб ташлади. Эски стул, чарх, аллақанақа гардишларни ҳам бир чеккага олиб қўйди. Кейин чўнқайиб ўтириб,

ашқол-дашқоллар орасидан узун яшиқни тортиб чиқарди. Ичидаги қопга солиб қўйилган нарсани пайпаслаб кўрди-да, хурсанд бўлиб кетди. Хайрият, турган экан. Қим уни бунчалик эринмай ўраб ташлабди, деб чангини тўзитиб, ўралган дағал латтадан бўшата бошлади. Бўшатганидан кейин уни бирпас завқланиб томоша қилди. Қафти билан қўндоғини артди, тепкисини босиб кўрди. Милтиқни тиззасига уриб, орасини айирди-да, тумшугини ёруққа солиб кўрди. Роса чанг босиб кетибди-ку! Яшиқни тимискилаб кўрди, бироқ шамполинни топмади. Сумбасиям, бир қути патрони ҳам бор эди. Ҳамма нарсаси бор эди. У шақ этиб милтиқни ёпди, қўлида маҳкам тутганича чордоқдан тушди, унда яна ўзига қатъий ишонч пайдо бўлди.

— Патронлар қани, — сўради у уйга кира туриб.

Сима индамай қути ёнига бориб, унинг яшигини кавлаштира бошлади.

— Мишқадан яшириб қўйганман, — деб столнинг устига бир қути патрон олиб қўйди. — Негадир шу маҳалгача келмаяпти. Одам кўпми дейман-да. Овқатланасизми?

Борис Иванович индамай пиджагини кийди, чўнтагидаги пул, қорозларини текшириб кўрди, сўнг милтиғини ўқлади, хотини жавоб кутиб турганини сезса ҳам индамай уйдан чиқиб кетди.

Уша шундоққина ўрмон этагидан темир йўлни ёқалаб борадиган ўзига таниш, ёз бўйи аравалар юраверса ҳам бузилмаган йўл. Шу йўлдан Борис Иванович станция томонга қараб юрди. Кетиб бораркан, ўйларди: «Карпов йўқ, анави Голиков уста бўлиб олибди, ҳамма нарса янгича йўлга қўйилган... Карповсиз у ерга боришининг ҳожати йўқ. Нимани ҳам кўрарди. «Дорстрой»га бориб қанақа тармоқ қурилаётганини, ишчиларга дуруст ҳақ тўланаптими, йўқми, билиб келса бўларди-ю, иссиқ вагончаларда ётадиган аҳмоқлардан эмас. Балки, ҳар қалай, бошқармага, Папикяннинг ҳузурига бориб келсамикан?.. Орқасида энди уйи ҳам, экин-тиқини ҳам кўринмасди. Фақат ям-яшил теракнинг учи осмонга найзадай санчилиб турарди. Бироқ Борис Иванович орқасига кўп ҳам аланглайвермади. У офтоб тифида ўз хаёллари билан тез-тез юриб борар, иссиқ, алам ва кўнгилсизликлардан чакалакзорга кириб қутулишни истарди. Чиндан ҳам-да! Бошқа аёл хурсанд бўлган бўларди. Уришарди, йиғларди дейлик, ё бўлмаса аразлаб, бир неча кун гаплашмай юрган бўларди, кейин тамом, ҳаммаси жой-жойига тушиб кетаверарди. Ахир қайтиб келди-ку! Ахир, унинг тақдири учун қайғурди, қандай қилсам яхши бўлади, деб ўйлади, совғасалом олиб келди. Шу арзимаган панжарани деб қилган қилиғини қаранг! Тентак. Йўқ, минг лаънат! Кетиш керак бу ердан, Татьянанинг олдига қайтиб кетиш керак, ёғоч оқизувга. Татьяна бўлганида хурсанд бўлиб кетарди, ана уни аёл деса бўлади, у хурсандчиликдан астойдил қувонади. Ўзи ҳам ўқимишли аёл, пули ҳам дуруст. Борис Иванович Татьянани кўз олдига келтирди: меҳрибон, ақлли, икки юзи нақш олмадай қип-қизил, таранг.

Борис Иванович қияликдаги ям-яшил ўтлоққа арқонланган сигирни кўриб қолди. Сигир ўт чимчирди. Яхшилаб тикилиб қараса, ўзларининг сигирлари — Марта экан. Отаси бақувват, уйим-жойим дейдиган одам эди. Уша, темир йўл устаси бўлиб ишлаб юрганида, қорлар эрий бошлаган март ойида қўшни разъезддан бузоқ сотиб олиб, темир йўл бўйлаб етаклаб келганди. Ушанда Серафиманингни қорнида саккиз ойлик боласи бор эди, онаси уни эҳтиётлаб, оғир иш қилдирмасди. Борис Иванович эса у вақтлар ҳали Боря аталар, темир йўлда назоратчи бўлиб ишларди... Ҳа, ўшандан бери орадан қанча йиллар ўтди. Турмуши ҳам мана бундай ўзгариб кетди.

Сигир бошини кўтариб, нотаниш одамга узоқ, киприк қоқмай қараб турди.

Бир ёз, отаси ўроқда узилиб ўлганидан кейин, сигирни Мишка боққан. Ушанда унинг бўйи анча чўзилиб қолган эди. Уша йилги қуроқчиликда ўт-ўлан кам бўлди, бола сигирнинг бўйнига узун арқон

боғлаб, уззу кун уйдан узоқ-узоқларга олиб бориб, боқиб келарди. Бир куни у уйга сигирнинг ва ўзининг бошида гулчамбар билан кириб келди. Серафима сигирни бошидаги гулчамбари билан кулиб-кулиб соғди, афтидан ўглининг бу қилиғи унга ёққан бўлса керак. Борис Ивановичнинг эса буни кўриб жаҳли чиқиб кетди ва ўглини койиб берди: «Бу қанақа аҳмоқлик? Нима, қиз боламисанки, гулчамбар ясайсан? Уялмайсанми? Энди кап-катта йигит бўлиб қолдинг!..» Мишка индамади. У мўминтойгина бола эди, қайтиб бу ишни такрорламади ҳам.

Орқадан, муюлишдан поезд чиқиб қолди. Тақира-туқур қилиб кўзи олдидан бирин-кетин машиналар, ўтин ортилган оғир вагонлар ўтарди. Поезд рельслари, шпалларни зирқиратиб кўздан ғойиб бўлди. Атрофни яна сукунат қоплади. У ўрмонга қараб бурилди, йўлни қисқа қилиб, сойликка етиб олишга қарор берди. Сўнг, ўрмон орқали, тепаликнинг жануб томони билан юриб кетди. Ўрмондаги сербутоқ дарахтлар сийраклашиб, тўқайзор орқада қола бошлади. Йўл баландликка ўрлаб, тобора кенгайиб борарди. Забардаст қарағай ва кедр дарахтларининг учи осмон билан ўпишган. Ҳаммаёқ топ-тоза, ёруғ, худди ораста меҳмонхонага ўхшайди, офтобнинг илиқ нурлари дарахтларнинг таналарида ўйнайди. Борис Иванович ҳар қадамда елкасидаги милтиғи билан чўнтагидаги патронли қутини ҳис этиб борарди. Бу унга жуда хуш ёқар, дадиллик бахш этарди. Умуман у ўзини ер юзиде хўжайиндек ҳис қилиб ўрганиб қолган. Айниқса бу ерда ҳар бир бута таниш унга. Ҳов анави ерда, тепаликнинг ўнроғида, темир йўлга яқинроқ жойда дарахтлари кесиб олинган ер бор. Ремстрой ўша жойдан шпаль учун дарахт кесган. Борис Иванович биринчи марта Симани ўша ерда учратган. У ремонтчилар бригадасида оддий ишчи эди. Қўлида шибба билан шағал ётқизарди. Қизларнинг ҳаммаси майкачан, чанг-чунг, қорайиб кетган юзларини дока билан ўраб олишган, фақат кўзларигина очиқ, холос. Ҳаммалари Абаканнинг шўх-шўх, тили бурро қизлари. Бунақа дадил, ўктам қизларни армияга кетишидан олдин ҳам, кейин ҳам кўравериб, кўнглига уриб кетган эди.

У бошида кепка, эгнида ранги ўнгиб кетган гимнастёркада бригадир билан поезднинг иссиқ изи устида ўтирган эди. Мана, ҳозиргидек — милтиғи елкасида, ўрмонга кириб анча ушланиб ҳам қолганди. Кейин чекиб ўтириб, қизларга разм солди, қорайган болдирлари, таранг елкаларига қаради. Шиббалар гуп-гуп қилар, димоққа креозотнинг ҳиди уриларди. Иссиқ шамол шағалнинг чангини ўйнатади. Қизлар йигитларга қараб, ўзаро кулишиб қўйишади. Кейин ичларидан биттаси: «Ҳой, чиройли йигит, кечқурун уйингга сут ичгани меҳмон бўлиб кирайми, а?» деб қичқирди. Ҳаммалари гурр этиб кулиб юборишди. Фақат қизлардан биттаси, гўё унга бу гапларнинг қизиғи йўқдай аралашмас, кулмасди. Унинг кўзлари офтобда худди барра ўтдай кўм-кўк кўринарди. Кейин пешинда ҳаммалари уларни кига тушликка келишди. Қўлларида курак, нон-тузлари тугилган тугун, шовқин-суронларини айтмайсизми?! Онаси хурсанд бўлиб кетди, «Ичинглар, болаларим, ичинглар, ҳозирги сутдан гулнинг иси келади» дей-дей, ҳаммаларига сут қуйиб берди. Қизлари тушмагурлар гангур-гунгур гаплашиб сутни ичишаркан, топ-тоза ҳовли, молхонани томоша қилишиб, ҳингир-ҳингир кулишар, тегажаклик қилишарди: «Холажон, жуда яхши жойлашиб олган экансизлар. Тахтиравонларингиз министриларни кидан қолишмайди. Ўғлингизни уйлантиришингиз керак экан. Вақтида уйланмай қариб қолмасин тагин!..» Бояги кўккўз қиз эса бу ерда ҳам уларнинг шўхликларига қўшилмади, юзидаги докани ечиб, силкитганича нари кетди. Унча гўзал бўлмаса ҳам келишгангина қиз экан.

Қизлар тамадди қилиб олганларидан кейин юзларига дурраларини ёпиб, дарахтнинг тагида бирпас ухлаб ҳам олишди. Поезд составлари елиб ўтар, уларнинг гулдуросидан ўт-ўланларгача зирилларди. Фақат ўша қизгина ухламади. Борис уни зимдан кузатиб ўтирди. Қиз ўт поясини тишлаганича бошини орқага ташлаб, дарахт шохлари орасидан осмонни томоша қилиб тўймасди. Шунда Борис станцияга, қиз-

ларнинг ётоғига бориб, шу қиз билан бир учрашиб келишни кўнглига туғиб қўйди...

Борис Ивановичнинг оёғи остида йўсин, ўт-ўланлар чирсиллайди. Энди зах ерлар бошланганди. Қайин, арча, бута дарактлар, ёш ниҳоллар учрай бошлади. Октябр ўя жойлардан шамол билан гул, маймунжонларнинг ҳиди кела бошлади. Бундан уч йилча муқаддам, куз палласи, отаси оламдан ўтган кезлар станциядан келган хўжайинларни шу ерларда айлантирган эди. Ҳовлиқиб, ҳаяжонланиб кетганди ўшанда. Қарповни, завгарни, бошқармадан келган ревизор Папикяни олиб юрган эди. Бу одамларнинг барчаси фойдали, керакли кишилар эди. Ўшанда эрталабдан муздек ёмғир ёғиб берди, ҳаммалари ивиб кетишди, бироқ саёҳатлари мароқли ўтди. Борис Иванович омадли одамлардан эди. Кечга бориб тепаликнинг юқорисидан, ўйноқи жилғанинг яқинидан битта буғуни отиб олди, қайтаётганларида эса, оёғининг тағидан қуён чиқиб қолди. Кейин ҳаммалари қоронғи тушгунча Бориснинг уйида кийимларини қуритишди, ичишди. Меҳмонлар уни ҳурмат қилишиб, «Иванич» деб аташди. Борис Иванович ўша меҳмондорчиликни эслашни яхши кўради.

— Иванич, жуда чаптастик билан битта отишда ер тишлатдинг-а? — илжайиб дўриллади мамнун бўлган Қарпов.

У майкачан, столга энгашиганича гўшт чайнаб ўтирарди. Унинг шилтаси чиқиб кетган эски, аммо ҳали анча пишиқ камзули овчиларнинг одмигина кийимлари билан бирга печ устида қуримоқда эди. Милтиқ, бошқа анжомлар, дала сумкаси, камар эшикнинг тутқичига осибди. Улардан ўткир чарм ҳиди келарди.

— Жонивор энди бошини кўтариб, қочишга оёқ жуфтлаганида сен уни кўз очиб-юмгунча қулатиб бўлдинг. Қойил! Мерганлигингга тараф йўқ. — У пўлат тишлари билан гўшт чайнар, мақтов сўзларини такрорларди. — Жуда чаққонлик қилдинг, жуда! Сен билан юрган одам, биродар, сира хор бўлмайди.

— Иванич, сен бизга ўт, — қувноқлик билан уни қувватлади Папикян. — Шаҳарга! Бошқармага ўт! А, лаббай? — У бир қўлида суяк, бир қўлида филтрли сигарета тутган, кайфи анча ошиб қолганди. Умрида биринчи бор бундай гаштли овга чиқши. Қолаверса, институтни тамомлаган заҳоти ревизор бўлиб ишга тушгани унга беҳад шавқ-завқ бағишлаганди. — Бизга ўт, Иванич, ўзимиз ишга жойлаб қўямиз. — Ҳозир унинг сахий бўлгиси келар, «Иванич» деб аташлари ёқимли туюларди. — Сенга окладлик битта ўрин топиб берамиз. «Бошқарма қошидаги овчи» бўласан, қалай? Ҳа-ҳа-ҳа!.. Обрули одам бўласан, нима дейсан бунга?

— Тўппа-тўғри, — Қарпов ҳам бошини силкитиб маъқуллади. — Иззат-икромда бўласан.

«Иванич» эса ширакайф, мамнун ўтирарди. Дастурхонга қўйилган овқатларга иштаҳасиз қараб, уларнинг гапларига қулоқ солиб, ўзича мағзини чақарди. Қорақош ревизор унга тенгқур, ўқимишли, ақллигина кўринади. Бунақаларнинг гапларига қулоқ тутиш керак. Балки, чиндан ҳам шаҳарга борсамикан? Юз сўм маош, мана шу бодринг учун шу ерларда лойга қоришиб юрибди. Йўқ, ҳавога чиқиш керак. Ақлли одамлар маслаҳат беришяпти-ку, ахир!

Ҳа, ўшанда, дастурхон атрофида шунчалик қалин бўлиб қолишганди. Нега уларни олдинроқ танимаган экан-а?!

— Нега сизлар билан олдинроқ учрашмаган эканман-а? — Борис Иванович шишага қўлини чўзганди. — Мен сизларга бундан ҳам зўрларини кўрсатган бўлардим. Қушлар гуж-гуж бўлиб учадиган жойга олиб борган бўлардим.

— Халқимизда бир нақл бор-ку, — пўлат тишларини ярқиратиб кулди Қарпов, — эзуликнинг кечи йўқ, деган... — у қўзиқоринга қўл чўзди. — Жуда тоғли-да, қурмағур.

Гапга завгар аралашди:

— Овчи... Сўзнинг сермаънолигини қаранг! Овчи!.. — У кўпроқ ин-

дамай ўтирарди, овқатни ҳам чурқ этмай ер, умуман у мўминтой одам эди. Уруш даврида Смоленскда оиласидан айрилган, контузиядан сўнг дудуқланидиган бўлиб қолганди.—Ов-в-чи!.. Нимани овлашга ишқи-бозсан?

— У нима деганинг?.. Қани, чет эл матоҳидан битта чўз-чи?!— Карпов ревизор тутган пачкадан битта сигарета олди.— Овчи бўлганидан кейин ҳар хил ёввойи парранда, даррандаларни отишга ишқибоз бўлади-да!

Завгар индамади. Карпов стулнинг суянчиғига ўзини ташлаб, унинг қоронғи бурчагида қути, каравот, печ ёнида ўтирган аёлларнинг гавдаларини назардан ўтказди ва баланд овоз билан деди:

— Ҳа, сен бир яйловга чиқишинг керак, Иванич. Шаҳарга боришинг лозим. Ўзинг биласан, ҳар турли жамиятлар бор,— унинг дўриллаши бутун хонани босиб кетди.— Квартира беришади, ҳамма ёғинг озода. Мен сенга айтсам, киши онгини турмуш даражаси белгилайди.

Борис Иванович уларнинг гапларини мағрурланиб эшитиб ўтирарди. Майли, бу гапларни аёллар ҳам эшитишсин, рўзғорбоши қанақалигини билиб қўйишсин.

Ўша оқшомги ўтириш жуда яхши бўлди, еб-ичиб, хурсандчилик қилишди. Фақат завгар, яна бир марта битта қадаҳни бўшатишгандан кейин, тўсатдан дудуқланиб:

— Мундай қараб турсам, Борис, маъносиз, кетингга қарамай яшар экансан,— дея кафти билан терчираган башарасини артиб қўйди.

Завгар қанақадир бўлмаган гапни гапирди, аслида унчалик маст ҳам эмасди. Аммо Борис ундан хафа бўлмади, чунки Карпов унга ўша заҳоти жавоб қайтарди:

— Кетига қараб нима қилади? Қимга ҳам қарарди энди? Дўп-пингни яримта қилиб, ялла деб юравер! Гапим тўғрими, ревизор?

Сархушлиги ошаётган Папикян хўрсиниб:

— Ҳамма нарсага фалсафий нуқтаи назардан қараш керак,— деди.

Шундан кейин Борис яна ҳаммаларининг қадаҳларини тўлдира бошлади. Рўзғорбоши сифатида меҳмон қилиш ҳозир хуш ёқмоқда эди унга. Завгарнинг қадаҳини ҳам чин кўнгилдан тўлатиб қўйди. Қадаҳи тўлиб кетганидан ичкилик дастурхонга ҳам оқди. Завгардан хафа бўлиб нима қилади? Уни уруш бенаво қилиб қўйган, кейин ҳарнима бўлганда ҳам хўжайин.

Ёмғир шитирлаб деразага урилади. Онаси ҳам сира тиним билмайди, қўлида фонус билан дам-бадам ҳовлига, тузламалардан олиб чиққани ертўлага юради. Ёмғир ёғиб тургани учун тарелкаларнинг устини фартуғи билан беркитади. Орада невараси уйқусираб йиғласа, буларнинг ширин суҳбатларига ҳалақит бермасин деб, уни овуtgани печнинг устига шошилади.

Серафиманинг ҳам ўтиришга вақти йўқ, тинмай уни-бунни жиз-биз қилиб бериб турибди. Ўзи бир тишлам нарсани оғзига солгани йўқ, дастурхонга келиб ўтирмади, уялди.

— Хотининг осиеликларга ўхшаб намунча тортинчоқ бўлмаса,— дўриллаб сўради Карпов.

— Нима, ҳурмат қилмайсанми?— пўписи қилди эри.

Унинг қадди-бастига назар соларкан, Папикян ҳам ўтиришга таклиф қилди:

— Онахон, биз билан ичмайсизми?

Ҳартугул ортиқ қисташмади.

— Менинг кампирим, қари бўлишига қарамай, ҳаммиша ёнимизга келиб ўтиради, бирга ичади,— деди Карпов.— Ана, Папикян, яқинда Польшага бориб келди. У ерда аёллар, биласанми, қанақа бўлар экан? Цивилизация! Гапим тўғрими?

Ревизор қўзиқорин чайнаб ўтириб, кўзларини юмиб тасдиқлади унинг гапини.

— Мен у ерда уруш вақтида бўлганман,— яна бемаврид гап қис-

тирди завгар.— Уларнинг аёллари ҳам худди ўзимизнинг аёлларимиздан. Ҳатто бизнинг аёлларимиз улардан ҳам яхши... Урушда бормаган ерим қолмаган.

Завгарнинг бу гапидан кейин тортишув бошланиб кетди: илгарилари қандай эдию ҳозир қандай... Аслида тортишаётганлари йўқ эди, фақат Карпов билан Папикян бир-бирларига гап бермасди. Борис Иванович эса уларнинг гапларини тушунолмаётган ўтирарди. Завгар эса эътиборсиз, хомушгина индамай ўтирар, кўзи вақти-вақти билан дастурхон устини нари-бери қилаётган буғдойранг қўлларга тушиб қоларди. Бу қўллар бўшаган тарелкаларни тўласига чаққон алмаштирар, нимадир солиб қўяр, дастурхонни тўлдирарди. Завгар, ҳар сафар бу қўлларга кўзи тушганида, кафти билан юзини артиб қўярди.

Анча кеч бўлиб қолганида уларни олиб кетгани завгарнинг «газиги» келдию эшикда қора чарм камзул кийган шофери Женька Голиков пайдо бўлди. У, қўлида милтиқ бўлса отиб ташлагудай, Борисга ўқрайиб қаради. «Иванич»га эса шу топда ҳеч нарса таъсир қилмасди. Еб-ичиб, кулиб ўтирипти. У ҳозир хўжайинлари билан майшат қиляпти ахир! Таққиқланган жойда буғуни отган бўлса ўзи учун эмас, шулар учун отган. Ана, битта оёғини еб ҳам бўлишди. Жамоат контролери кўрса кўрсин, алам қилса бурнини тишласин. Ҳозир жавобгар қилиб бўпти. Алам қилсин!

— Қулоғингда бўлсин, Борис,— деди Голиков қоронғи йўлакка чиққанларида.— Сўнгги марта кечирим, сени! Билиб қўй...

Ҳаммалари буғунинг қолган-қутган гўштарини олиб, жўнаб кетишди.

Улар кетишлари билан уй ҳувиллаб, зерикарли бўлиб қолди. Идиш-товоқлар уюлиб кетган, печ олдида аёллар ивир-шивир қилиб ўтиришарди. Борис Иванович ўзини қаерга қўйишни билмай қолди. Эрталаб турганида кўзи ревизорнинг филтёрли сигаретасига тушди (уларнинг қишлоқ дўконларида бунақаси бўлмасди), деярли бир пачка экан-у, фақат карамнинг сувига ивиб қолибди. Борис сигаретани печнинг устида қуритиб олди-да, уни ойнанинг орқасига яшириб қўйди. Кейин онда-сонда битта-биттадан чекиб юрди. Анчагача овни, хўжайинлари билан қурган суҳбатини, уни ҳурматлаб «Иванич» деб аташганини эсидан чиқаролмади. Қиш келганда унинг разрядини ошириб, уста қилиб қўйишди, Афтидан Карпов буғуни эсидан чиқармаган бўлса керак.

...У пастликка туша бошлади. Ҳадемай темир йўлни кесиб ўтиши керак эди. Сояда бутасимон ўсимликлар, офтобрўя жойларда меваси қип-қизил итузумлар. Борис Иванович тўхтаб, қулоқ тутди: ўт орасида чигирткалар чириллайди, тепада — ҳавода қушлар хониш қилади. Бу ерда ов қилиб бўлмайди, темир йўл яқин. У итузумдан бир сиқим тери олиб оғзига солди, чайнаб, афтини бужмайтирди. Татьяна итузумларни: «Нордон мева эмас, смородина», деб кулар, қиём қилиш учун бозордан бир стаканини ярим тангага сотиб оларди. Унинг бу ишидан Борис Ивановичнинг жаҳли чиқар, тутоқиб дерди: «Биз томонларда бундан тўлиб ётибди, ҳеч ким олмайди. Бу ерда эса уни шунча пулга сотиб олишаркан!..» Татьяна шунақа вақтларда кулиб: «Бўпти, Сибирингга бора қолайлик, Боречка, итузумдан териб келамиз», дерди. Борардиям. Борис юр деса, у бошлаган томонга кетаверарди. Шунақа довьюрак аёл эди. Қолаверса, Борис Ивановични ётоқдан уйига ташаббус кўрсатиб кўчириб келтирган ҳам ўзи эди-да! Квартираси шаҳар типидида қурилган кўпқаватли иморатнинг учинчи қаватида эди. Ҳамманинг кўзи олдида Борис Ивановичнинг юкларини кўтаришиб кетди, гап-сўз қилишларидан қўрқиб ўтирмади. Унга нима, аёлнинг ўзи рози бўлиб турганидан кейин қаршилик кўрсатиб ўтирармиди! Халқ ичида гап бор-ку: онгни шарт-шароит белгилайди, деган. Ишдан автобусда қайтиб келганидан кейин этигини ечиб, туфли киясан, кийимингни тозасига алмаштирасан, ҳамма нарсанг ювилган, тоза. Истасанг клубга бор, истасанг битта-яримта билан у ёқ-бу ёқдан

гаплашиб ўтир. На сигир ташвиши, на экин-тикин ташвиши бор. Байрамга яна янги кўйлак, яна бошқа бирон совға оласан. Татьяна унга совға олишни яхши кўрарди. Унинг раймагда сотувчи бўлиб ишлайдиган дугонаси бор эди. Устидаги Чехословакия фабрикасида тикилган нейлон кўйлакни ҳам Татьяна май байрамида совға қилган. Ҳар қалай яшаса бўларди. Аммо унинг ғалати одатлари ҳам бор эди. Масалан, домино ўйнашни ёмон кўрарди. Домино ўйнаман деса, нуқул ё кўшниларникига, ё ҳовлига қувлаб чиқарарди. «Уйга шерик бошлаб кирма,— дерди у.— Тақир-туқурни ёқтирмайман!» Бунинг устига сиёсий ахборот эшит, онгинг ўсади деб, тўғаракка ёздириб қўйгани-чи! «Сен, Боря, ҳеч нарсага интилмайсан,— дерди у.— Ўтган кунингни қулсан».

Борис Иванович дарахтзор ичидан, қуёш нурида илиб ётган ўтланларни босиб, йўлга яқинлашиб борарди. У шу кетишида: сира кўнглимдаги аёл учрамади-да, деб ўйлаб ҳам қўярди. Татьяна кундузлари қаттиққўллик қилса ҳам кечалари ширинсўз, меҳрибон бўлиб қолар, оғзи тинмай гапирар, ухлагани қўймасди. Идорасидаги, совхоздаги ишлардан гапириб, у билан маслаҳатлашарди. У бўлса уйқули кўзи билан индамай қулоқ солиб ётаверарди. Аммо, эртасига тонг отдими, ўзларининг ёғоч оқизадиган жойларида гердайиб юрарди. Қимни койиш, кимга индамай қўя қолишни биларди. Бригадасидагиларга назарида ақл билан бошчилик қиларди. Мийиғида кулиб, кибр-ҳаво билан буйруқлар берарди. У бунақага уста эди.

Баъзан кечалари Татьяна руҳсиз кайфиятда: «Қизчамни онамдан олиб келгим келяпти. Оила оиладай бўлишини хоҳлайман,— деб қоларди.— Боря, бундай қарасам, бетайин одамга ўхшамайсан. Мустақилгина эркаксан, аммо ниятингни тушуниб бўлмайди. Бамисоли тутунга ўхшайсан қўлга илинмайсан...» Татьяна шундай деб ух тортиб қўярди. Борис Иванович қоронғида ўзидан мамнун бўлиб, ишшайганча шундай жавоб қиларди: «Гапинг рост, қўлга илинтиролмайдан!»

Борис Иванович юмшоқ йўсинда из қолдириб борарди. Йўқ, қайтиш керак, Татьянаникига жўнаш керак! Бу ерда нима қилади? Яна йўлни назорат қиладими? Ҳа, буниси билан ажрашиб, иззат-икромини жойига қўйсин-да, Татьянага уйлансин. Қизи ҳалақит бермайди. Ростовда, бувисининг қўлида ўсаверади. Татьяна унга посилка жўнатиб турар. Нима, қизига посилка жўнатса, қизганиб ўтирармиди? Ана, ўзининг ўғли ҳам катта бўлиб қолибди. Мактабга қатнапти.

Борис Иванович ўғлини эслаши билан тунги учрашувни кўз олдига келтирди. Унинг кўзларини, сепкил босган юзларини эслади. Бирдан гурур ва ҳаяжон билан: «Буни қаранг, механик бўлиб қолибди, велосипед тузатиб, приёмникни бурайдиган бўлибди...» деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

Оёғи остидан қур парр этиб учиб, дарахтлар орасидан осмонга кўтарилиб кетди. Борис Иванович милтигининг тутқичидан беихтиёр ушлади, қушнинг қўрқмаганига ҳайрон қолди. Демак, йўлнинг нариги томонида ов қилса бўлади...

Татьяна билан жанжаллашмаганди. У конторадан кечаси қайтди. Уша кунни ёмғир роса қуяётган эди. Татьянани кутиб, у ёнидан бу ёнига ағдарилиб ётди. Татьяна олти чақирим йўлни ёмғир остида пиёда босиб келган эди. Совуқдан кўм-кўк кўкариб кетган бўлса ҳам кулиб, хурсанд кириб келди. «Бухгалтер билан бирга квартал планини тамомладик. Бошқармадан телефон қилишди, эртага топширишимиз керак экан» деди. Борис Ивановичнинг дили оғриб, ўрнидан туриб ўтирди. «Бухгалтер билан дедингми? Планини тамомладиларингми? Кечаси-я?! Нима, у неча соат ишланиши тўғрисидаги қонунни билмас эканми?!» Сапчиб ўрнидан турди. Татьянанинг юзига бир шапалоқ туширмоқчи бўлди-ю, ўзини тутиб қолди. Нима қилади жанжал чиқариб, хотинимиди у, кейин боши ташвишдан чиқмай қолади. Тўғри, роса бақариб қойиди. Татьяна бўлса индамай ечиниб, диванга бориб ётди. «Биз сен билан турли одамлармиз, Боря», деди фақат. «Албатта, бошқа-бошқа

одамлармиз-да!»— дер, ўзини босолмасди Борис Иванович. Қоронғи. Орадан бир оз вақт ўтиб, Татьяна яна: «Ғалатисан. Мундай қараса ёшсан-у, ҳеч нарсани тушунишни истамайсан. Енингдаги ёниб кетса ҳам қайрилиб қарамайсан», деб қўйди. Ўзи-чи? Ўзининг қилиб юрган иши яхшими?

Борис Иванович эски куйинди жойни қоплаб ётган малиназордан зарда билан юриб бораркан, пешонасидан тер чиқиб кетди. Ўзидан кўрсин, жонига тегди. Сира тинчлик бермади. Йўқ, аслида уни жуда қаттиққўл деб ҳам бўлмайди. Ҳамиша беҳаловат, ҳамма нарсани ўз измига солишни истайди. Кейин ичидагини шундоққина кўриб тургандай эди... Хотин кишининг устун келамадан дейиши яхшими? Нима, ўзининг ақли ҳеч нарсага етмайдими? Ушанда, пристанда пароходни кутиб ўтирганида ҳам нуқул ҳар томонга аланглаб, ҳозир кетимдан қувиб, етиб келади-ю, «Борюшка, Боря» деб бўйнимга осилиб олади ва... шу билан умрбод қолиб кетаман, деб қўрққан эди.

Борис Иванович тўхтаб, папирос тутатиб олди-да, унинг ўша куни конторадан қайтиб, ишдан келишини кутганини, кейин ёғоч оқизишадиган жойларга бориб, ходаларнинг устидан сирғана-сирғана юришини, ишдан бўшаб кетганини билганидан кейин эса роса юзи шувит бўлганини, бюллетень олиб, куни-кечагина бирга бош қўйиб ётишган ёстиқнинг устига ўзини ташлаб йиғлашини кўз олдига келтирди. Шу манзарани кўз олдига келтириши билан бирдан юраги ғаш бўлиб кетди. Энди у билан ҳеч қачон бирга бўлолмаслигини, Татьяна уни сира кечирмаслигини, ҳатто қайрилиб ҳам қарамаслигини хаёлдан ўтказди. Ҳа, бу аёл унинг юрагига қаттиқ жо бўлиб қолган экан. Ўзи ҳам жуда мустақил, жўшқин аёл эди-да! Симка эса бутунлай бошқача, кечиради... Борис Ивановичнинг фикри шу ерга келганида эрталаб-ки воқеани эслади. Нега ҳам эслади-я, ўша воқеани? Бирдан уни бир фикр қамраб олди: кимга керак ўзи у? Ҳозир Борис Ивановични ким кутяпти?

Қаёққа қарамасин, яшил сароб, жимир-жимир яланглик кўзни қамаштиради. У ағдарилган дарахт устига ўтирди, кўзларини юмган эди. Ўзини бўтана сувга тушгандек ҳис қилди. Йўқ, у нимададир янглишди, натижада ҳаёт унга терс, тушуниб бўлмайдиган томони билан ўгирилиб олди. Утган ишга саловат, энди уни тўғрилаб бўлмайди. Бу ёғига нима қилишни ҳам билмасди... Бирдан уни нотаниш қўрқув туйғуси қамраб олди. Умрида биринчи мартаба энди қандай яшашини, нима қилишини, қаёққа боришини билмай қолди.

У хўрсиниб ўрнидан турди, қаёққа қараб юрсам экан деб, атрофга аланглай бошлади. Шу пайт кўзи яшил буталар орасида турган малла ранг жониворга тушди... Марал!

Бу кутилмаган омад эди. Икки ёшлар чамасидаги марал қуёш нурида, чарақлаб ётган ялангликда, Борис Ивановичдан тахминан йигирма қадамча нарида узун оёқларининг дам унисига, дам бунисига оғирлигини солиб, тинчгина ўт чимдирди.

Шу дақиқада Борис Ивановичнинг ёдидан ёруғ дунё кўтарилди. Утмиши ҳам, ҳозирги куни ҳам батамом унут бўлди. Хотира, фикрлаш қобилияти йўқ бўлди. Унда битта, фақат овчиларгагина хос ашаддий туйғу ҳукмрон: нима қилиб бўлса ҳам овни қўлдан чиқармаслик, чўчитиб юбормаслик, отиб олиш... У кўзини ҳайвондан узмай, нафас олмаган ҳолда, секин елкасидан қуролини туширди. Аммо марал юрагининг эллақаери биландир хатарни сизди, чиройли бошини кўтариб бир оз қотиб турди-да, тўсатдан ўзини яшил буталар орасига уриб, кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлди. Қарс этиб, ҳаммаёқни ларзага келтириб, ўқ овози янгради. Ақл-ҳушидан айрилаётган Борис Иванович унинг кетидан ўзини бутазорга урди. У бутазорни кесиб тўғри олдинга қараб югурар, қулоғига фақат этигининг дукури-ю, шохларнинг шитир-шитиригина кирарди, холос. «Тегизолмадим-ку! А? Тегизолмадим!»— деган аламли фикр туғён урарди унинг миясида. Югуриб кетатуриб,

жаҳл билан яна бир ўқ узди. Ўқ овози тепаликларда акс садо бериб, тинди.

Борис Иванович оғир-оғир нафас олганича жимжит ўрмон ичида аянчли аҳволда туриб қолди. Йўқ, унинг омади юришмаяпти. Ҳаётда сртиқ омади юришмай қолган. Ахир илгарилари қандай мерган эди. У ўрмон ичида бошини ҳам, милтиқли қўлини ҳам солинтирганича руҳсиз турарди. Назарида бутун борлиқ аста-секин уйғониб келмоқда эди. Хотираси ҳам жонлана бошлади, ўтмиши ҳам, ҳозирги ҳам жойига қайтди. У орқасига бурилиб, баланд ўсган ўтларни оралаб темир йўл томонга қараб юриб кетди. Боя уни ташвишга солаётган, ўзи ҳал қилишга ожизлик қилган айқаш-уйқаш хотиралар яна бирдан бостириб кела бошлади. Яна Татьяна, онасини, Мишкани, Симани, ҳатто Голиковни ўйлади. «Голиков?» — уни эслаш билан Борис Иванович қўрқиб кетди. Голиков ҳозир шу яқин-атрофда бўлиши, ўқ овозини эшитиши мумкин-ку! Борис Ивановичнинг кўнгли ғаш тортди. Узини Усть-Илимга қараб урсамикан? Поездда биттаси, у томонлар жуда чиройли, ҳақни ҳам яхши тўлашади, деганди... Теварак-атроф эса шу топда сокин, қуёш чарақлаб турибди, дарахт шохларига қўнган қушлар бири олиб, бири қўйиб хониш қилади.

...Борис Иванович қиялик — ёруғ йўлга тушиб келаётганди. Йўл дарахтлар орасидан кўриниб ҳам қолди. Мана, дарахтзор ҳам тугади-ю, у йўлнинг чеккасига чиқиб тўхтади. Теварак-атрофга аланглади. Юраги шув этиб кетди: станциядан шу томонга қараб аллаким велосипедда шитоб билан елиб келарди. Борис Иванович дарҳол ўзини буталар орасига олди: наҳотки ўқ овозини эшитишган бўлса? Диққат билан келаётган одамни кузата бошлади. Тўсатдан таниб қолди: ахир бу Мишка, ўғилгинаси-ку?!

Ўғли яланг оёғини катта, эски велосипеднинг роми орасидан ўтказиб олганча ҳайдаб келмоқда эди. Консервалар, яримталик, сигареталар солинган тўрхалта рулда оғир чайқалади. У етти чақиримча келадиган йўлда дам олмай келар, бутун вужуди билан уйга, отасининг қошига етиб боришга ошиқарди. Велосипеднинг филдираклари тупроқда қийинчилик билан айланар, бола уни педалдан педалга оғиб-оғиб, машаққат билан ҳайдамоқда эди. Зўриққанидан сепкилли юзи қизариб, буғриқиб кетибди. Мишка отаси яшириниб турган бутазорнинг шундоққина ёнидан ўтиб кетди, Борис Иванович унинг ҳансираб нафас олишигача эшитди.

Велосипед аллақачон узоқлаб, кўздан ғойиб бўлди. Борис Иванович эса бу учрашувдан ҳушини йўқотганича, сершовқин ўрмон ичида ҳамон қаққайиб турарди. Ниҳоят, у буталар орасидан чиқди, милтиғини елкасига осиб папирос тутатди, сўнг тупроғи ўйнаб ётган илиқ йўл билан ўғлининг кетидан юриб кетди.

Русчадан Лола Тожиева таржимаси.

КПСС май Пленуми қарорлари жасоратга чорлайди

Тўхтамиш Боймиров,
ЎзКП Жиззах область
комитетининг биринчи секретари

ДАШТ – ТЎКИН ДАСТУРХОН

Дастурхонимизнинг ноз-неъматини ҳақида гап кетганда ўтган йили шарқ мамлакатларидан бирига қилган сафарим беихтиёр ёдимга тушади. Маълумки, Шарқ кинофильмларида кўпинча бокира табиат, қувноқ ва соҳибжамол қизлар, бадавлат оилалар тасвирланади, мафтункор оҳанглар янграйди. Лекин, негадир, саёҳатимиз пайтида бундай романтик ҳолатлар эмас, балки қорни нонга тўймай, қоқ суяк бўлиб қолган афтодаҳол одамлар кўпроқ учради. Бу ҳол мени ўйга толдирди. Бир лаҳза тўхтасангиз, улар атрофингизни ўраб олишади, кўзларингизга илтижо билан термилиб нон сўрашади. Улар миллион-миллион: садақа билан тўйдириб бўлмайди. Бундай лаҳзаларда инсон қадр-қиймати ҳақида беихтиёр хаёлга толаркан, Улуғ Октябрь Инқилоби планетамизда жуда улкан воқеа бўлганлигига, буюк Ленин даҳоси мислсиз қудратга эга эканлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қиларкан киши.

Бизнинг фаровон мамлакатимизда яшаш жуда катта бахт. Наинки дастурхонимиз тўкин, зориқиш нималигини билмаймиз. Тирикчилик ўтказиш ваҳимасидан ҳолимиз.

Шу даражада фаровон яшаётганимизга қарамай, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 1990 йилгача мўлжалланган Озиқ-овқат программаси қабул қилди. Бу табаррук ҳужжат мазмуни, энг аввало, дастурхонимизнинг янада тўкин бўлиши, тагин ҳам фаровонроқ яшашимизни ифодалайди. Леонид Ильич Брежнев бу ҳақда май Пленумида қуйидаги гапларни айтган эди:

«Биз эришилган натижа билан қаноатлана олмаймиз, Озиқ-овқат проблемаси ҳали ҳам кун тартибидан мутлақо олиб ташланмаганлигини кўриб турибмиз... Гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талаб қондирилмаяпти, сабзавот ва мевалар етишмаяпти».

Шуниси характерлики, Озиқ-овқат программасида Жиззах даштини ўзлаштириш, уни мўл-кўлчилик манбаига айлантириш вазифаси алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу, ўз навбатида, областимиз коммунистлари, азамат чўлқуварларимиз олдига улугвор ва масъулиятли вазифалар қўяди.

Агар эътибор берган бўлсангиз, «Жиззах дашти» деган ибора областимиз ташкил топгандан кейин (1973 йил) тез-тез тилга олинади-

ган бўлди. Тўғри, бу гап илгари ҳам бор эди, ammo Мирзачўл дейилганда сарҳадсиз даштларнинг бари назарда тутиларди.

Жиззах дашти. Бугун бу ердаги яратувчилик меҳнатининг қамрови, қудрати беқиёс. Эндиликда 20,5 минг квадрат километрга эга бўлган Жиззах областининг асосий майдонини ана шу чўл ташкил этади.

Яқин-яқинларгача йўловчига сароб бўлиб кўринадиган шаҳарлар, хиёбонлар, сув ҳавзалари бугун ҳақиқат. Чўлда, кўз ўнгимизда бунёд бўлган «Ульянов», «Пахтакор», «Гагарин» сингари шаҳарлар, шаҳар типидаги ўнлаб посёлкалар жамиятимиз, партиямиз раҳнамолиги ва азамат халқимиз меҳнатининг меваларидир.

Одатда оддийгина қилиб: «Чўлда шаҳар бунёд бўлди», дейилади. Бунинг замирида эса жуда катта маъно бор. Бу ҳақда гап кетганда янги-янги шаҳарлар, посёлкалар, ўша жойлардаги мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, завод-фабрикалар, хиёбонлар, сув ҳавзалари, энг муҳими — шижоат кўрсатиб меҳнат қилаётган минглаб азамат гражданлар ажойиб коллективлар бутун борлиги билан кўз ўнгимизда гавдаланиши зарур.

Узоғи билан бундан етти-ўн йил муқаддам ана шу шаҳар ёки посёлкалар ўрнида саксовуллар ўсиб ётарди. Бу ерга биринчилардан бўлиб «Джизакстепстрой» бульдозерчилари, грейдерчилари келишди. Сўнг ҳали бир-бирларини танимайдиган турли миллат, турли ёшдаги кишилар келиб, совхозлар қуришди. Улар дастлаб ертўлаларда, вагонеткаларда яшашарди. Тажрибали ва ишбоши коммунистлар — совхоз раҳбарлари, мутахассислари ҳам улар билан бирга яшаб, раҳнамолик қилганлар. Ойлаб, ҳатто йиллаб давом этадиган қийинчиликлар бу одамларни бирлаштирди ва ажойиб коллективларни юзага келтирди. Улар ўз посёлкалари, шаҳарлари, партия ташкилотларини бунёд этишди. Шундай ажойиб коллективлардан бири Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли навқирон совхоздир. Ҳозир совхозда йигирма миллат вакили меҳнат қилмоқда. Турғун Аҳмедов, Илёс Шокиров, Николай Қим, Анатолий Қирсанов... Бу каби яхши одамлар жуда кўп, улар бизнинг фахримиз!

Сўнгги ўн йил давомида областимизда аҳоли сони қарийб икки юз минг кишига кўпайди. Улар асосан навқирон авлод — фарзандларимиз, набираларимиз. Улар вояга етиб, ҳеч нарсага зориқмай яшашлари ва бизнинг анъаналарни давом эттиришлари учун тинмай ишлашимиз, курашишимиз керак. Бу — бизнинг муқаддас бурчимиз. Май Пленумининг тарихий ҳужжатлари эса бу борада биз учун яхши дастуриламал вазифасини ўтайди.

Тўғри, пахта техника экини ҳисобланади. Лекин озиқ-овқат ҳақида сўз кетганда, гапни пахтадан бошламасак бўлмайди. «Пахта — номимиз, ризқ-рўзимиз», деган гап бежиз айтилмаган. «Оқ олтин» мўл бўлса, даромад кўпаяди, экономиканинг ўсиши таъминланади, пировард натижада ҳар бир хонадон дастурхонининг тўкинлиги янаям ортади. Бугина эмас, пахтанинг бевосита озиқ-овқатга алоқаси ҳам бор. У мой, тўйимли мол озуқаси манбаи. Олимларимиз ундан маргарин, лимон кислотаси олишаётгани нур устига нур бўляпти. Шунинг учун ҳам «Джизакстепстрой» деб ном олган қудратли трест азаматлари даштда янгидан-янги пахтачилик совхозлари бунёд этиб, жуда тўғри иш қиляптилар. Бу совхозлар биргина пахтачилик билан шуғулланишяпти, деб бўлмайди албатта. Чорва маҳсулотлари, сабзавот, мева етиштириш каби масалалар ҳам улар учун асосий вазифаларга айланмоқда. Яқин-яқингача шипшийдан ётган чўлда бугун қирққа яқин ана шундай сертармоқ, бақувват хўжаликлар қарор топди.

Мазкур совхозлар, бошқа тармоқлар сингари, ўзига хос пахтачилик мактабига айланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Октябрь районидаги Собир Раҳимов номли, Дўстлик районидаги Ленин номли, Қосим Раҳимов номли, Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон», Пахтакор районидаги «Пахтакор» совхозлари ана шундай тажрибали коллективлардандир. Область партия комитети бундай хўжалик-

лар тажрибасини кенг оммалаштириб, яқин йилларда ялпи ҳосилни 500 минг тоннага етказишни мўлжаллаб турибди.

Маълумки, областимиз географик тузилиши жиҳатидан анча бой. Унинг бағрида бепоен чўл билан бирга, тоғли зоналар, адирлар, воҳалар ҳам мавжуд. Бундай шароитда кўпроқ изланишга, меҳнат қилишга тўғри келади. Чунки ҳар бир географик минтақанинг ўз бойликлари, резервлари бўлади. Партия ташкилотлари раҳбарлигида масаланинг шу жиҳатларини эътиборга олиб иш кўриляпти. Бугун деҳқончилик ва чорвачиликнинг ўнлаб тармоқларини комплекс ривожлантиришга эришяпмиз.

Озиқ-овқат деганда кўз ўнгимизга, энг аввало, табаррук нон келади, албатта. Дастурхонга дастлаб тандирдан янги узилган иссиқ нон тортиш — халқимизнинг азалдан келаётган ибратли удуми. Биз, шунинг учун ҳам, ғаллакор меҳнатининг қадрига етамиз, бу касб эгаларини шарафлаймиз. Хусусан, республикада ягона ғаллачилик илмий-текшириш институти ҳам бизнинг областда (Ғаллаоролда) жойлашган. Бу эса, табиий равишда, ғалла егиштириш борасидаги масъулиятимизни оширади. Шароитга, имкониятларга қараб хушёрлик билан иш кўришда ҳам намуна бўлишимиз лозим. Масалан, бу йил об-ҳаво қурғоқ келганлиги учун маккажўхори донидан мўл ҳосил олишга жиддий эътибор бердик ва яхши натижаларга эришдик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масалага бағишланган Пленумида республикамиз коммунистларининг сардори, ҳурматли Шароф Рашидович Рашидов мева, узум, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш вазифасини ўртага қўйди ва бу борада кўп-лаб резервлар борлигини айтди. Ҳақиқатан ҳам бизнинг диёримизда ҳали кўзи очилмаган хазиналар мўл.

Бу ўринда областимиз боғбон ва соҳибкорлари амалга ошираётган айрим тажрибалар ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Улар бир неча йилдан буён тоғ ва тоғолди зоналаридаги шартли суғориладиган ёнбағирларда янгидан-янги боғлар, токзорлар барпо қилинган. Туркистон тизма тоғлари пойида жойлашган «Гулбулоқ», Мичуриномонидаги совхозлар тажрибалари тобора кенг қанот ёймоқда. Утган йили эса ана шу зонада боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланадиган яна икки хўжалик — «Нушкент» ва «Ойқор» совхозлари барпо этилди. Бундай зоналарда етиштирилган мева ва узумлар таркибида инсон саломатлиги учун зарур моддалар кўплиги, мазалилиги билан алоҳида ажралиб туради. Май Пленуми сифатли озиқ-овқат тайёрлаш масаласини асосий вазифалардан бири қилиб қўяётган бир пайтда тажрибаларнинг етакчилик роли, аҳамияти каттадир.

Ана шу ўринда бир мулоҳазага бориб қолсан киши. Республика-мизда жуда катта территорияларни тоғолди ва тоғлиқ зоналар ташкил этади. Уларнинг кўп қисми деярли бефойда, қандай бўлса шундайлигича ётипти. Кам самара бераётган шундай «яланғоч» майдонларнинг бағрида боғлар, узумзорлар барпо қилинса, дастурхонимиз тағин ҳам сероб, табиатимиз янада гўзал бўлиши турган гап.

Шахсан Шароф Рашидович Рашидовнинг ташаббуси билан картошқачилик ва маккажўхорикорлик бўйича ихтисослаштирилган улкан совхозлар иш бошладилар. Улар ана шу соҳанинг республикадаги мактаблари бўлиб қолиши лозим.

Сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка ва бошқа неъматлар етиштириб бериш масаласида бундан буён ҳам кўп иш қилишимиз керак. Шунинг назарда тутилган деҳқонларимиз йил сайин ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш бориш учун бетиним курашмоқдалар. Айни пайтга келиб бунёдкорлар ҳар гектар ердан 300 центнердан сабзавот, 150 центнердан картошка, 200 центнердан полиз маҳсулотлари етиштиришга эришяптилар. Аммо маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзи билан иш битмайди. Уни сақлаш, реализация қилишда ҳам гап кўп. Мутахассисларимиз бу борадаги муаммоларни ўрганмоқдалар ва келажакда уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмоқдалар.

Гўшт, сут етиштириш соҳасидаги ишларимиз унча мақтовга лойиқ эмас. Ваҳоланки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу борада олдимизга катта вазифалар қўйди. Ҳозир ҳар бир районда камидан ўн минг тонна гўшт етказиш одатдаги нормага айланмоқда. Шу масалада бир қатор районлар, жумладан, Бахмал, Фориш районларининг ибратли ташаббуслари маъқулланди. Тўғри, областимизда мол туёғи ва маҳсулот ишлаб чиқариш бир неча баробар ўсди. Лекин биз бугун резервлар ҳақида баҳс юритар эканмиз, бу кўрсаткичлардан қониқа олмаймиз. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, областимизда ҳар юз гектар суғориладиган ер йигирма олти бош қорамол, шу жумладан саккиз бош сигирни боқаётган экан. Бу — республикамиз кўрсаткичидан анча паст. Ана шу соҳа кўрсаткичини келажакда икки ҳиссага ошириш имкониятларига эгамиз. Асосан соғин сигирлар сонини кескин кўпайтириш тadbирларини ишлаб чиқяпмиз. Бу масалада айниқса Арнасой, Зарбдор, Октябрь, Пахтакор районларининг чорвадорлари жуда кўп иш қилишлари керак.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров ва публицист-ёзувчи Шароф Убайдуллаев «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг ўтган йил 27 август сонидан эълон қилган суҳбатида бизнинг областимиздаги ютуқлар ва мавжуд имкониятлар ҳақида ҳаққоний фикрларни билдирган эдилар. Чўчқачиликни тараққий эттириш тўғрисида муаллифлар томонидан айтиб ўтилган тақлиф, мулоҳазалар айниқса ўринли бўлганди. Эндиликда бизнинг областимизда 41 минг бош чўчқа боқиладиган комплекс мавжуд. Гўштга топшириладиган ҳар бир чўчқанинг тирик вазнини 110 килограммга етказиш учун кураш шиори кун тартибига қўйилди. Бу билан қаноатланганимиз йўқ, келажакда ушбу соҳани янада тараққий эттириш учун янги-янги чўчқахоналар, ихтисослаштирилган совхозлар барпо этиляпти. Паррандачилик, балиқчиликни ҳам келажакда талабдан зиёд даражада раванқ топтириш учун конкрет ишлар қилинмоқда.

Жиззах ўрмон хўжалиги ходимлари амалга ошираётган ютуқлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Улар тоғ ёнбағирларида, яйловларда катта ҳажмдаги ишларни юзага чиқармоқдалар. Утган йил сентябрь ойида ўрмончиларнинг Бутуниттифоқ кенгаши ҳам бизнинг областимизда ўтказилганлиги бежиз эмас. Шундан сўнг тегишли қўлланмага эга бўлган ўрмончиларимиз Озиқ-овқат программасини амалга оширишни шарафли бурчлари деб билган ҳолда эл дастурхонига етказиб бераётган ноз-неъматларини ҳам миқдор, ҳам сифат томондан ўстириш учун курашяптилар. Уларнинг ёнғоқзорлар, бодомзорларни кенгайтириш, тоғ асали тайёрлаш каби муҳим ишлари диққатга сазовор. Табиат шайдолари табиат бойликларини муҳофаза қилиш, кўпайтириш учун кураш баробарида нодир ноз-неъматлар ишлаб чиқаришни ҳам йил сайин ошира бориш ва ўрмончилик тармоқларини янада кенгайтириш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар.

Область партия комитети коммунистлар ташаббускорлигини кучайтириш мақсадида, бошланғич партия ташкилотлари мавқеини оширишга алоҳида эътибор билан қараяпти. Мен Зарбдор районидаги «Прогресс» совхозида бўлганимда, коммунист М. Фозилова раҳбарлик қилаётган бригада ишлари ҳақида гапириб қолишди. Ҳақиқатан ҳам бригада аҳли бир оила аъзоларидек аҳил, меҳрибон экан. Улар томонидан амалга оширилаётган янгича анъаналарни ҳаётга жорий этиш, илғор тажрибаларни амалда қўллаш каби муҳим тadbирлар менга маъқул бўлди. Шунинг учун ўтган йил сентябрь ойида область партия комитетининг пленумида ўша бригада бошлиғига сўз бердик. У ўз коллективи, жонкуяр коммунистлар юзага чиқараётган кенг қўламдаги ибратли ишлар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилди.

Одатда, даврнинг муҳим муаммоларини, бу муаммоларни ҳал этиш йўлларини ҳамisha янгиликка интилувчи одамлар топадилар ва айтадилар. Менинг номимга турли тонфа, турли касб ва миллатга мансуб кишилардан мактублар келиб туради. Хатларнинг мазмуни ҳам ранг-ба-

ранг бўлади. Кимдир социалистик мажбуриятни бажарганлигини қувонч билан хабар қилса, бошқа биров уй-жой ололмай сарсон бўлаётганини ёзади. Яна кимдир янги бир ташаббус билан чиқади, айримлар эса қандайдир лоқайд терговчидан норози ва ҳоказо. Булар орасида имзосиз хатлар ҳам учраб туради. Лекин гап бу ҳақда эмас. Мактублар ўзига хос барометрлик вазифасини ўтайди. Сўнгги пайтларда меҳнаткашлар шахсий ва ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, унинг муаммолари тўғрисида кўпроқ ёзадиган бўлдилар. Чунки бу борада катта ўзгаришлар юзага келиб, қатор муаммолар ҳам пайдо бўлмоқда. Худди шу масалада Жиззах шаҳар партия комитети амалга ошираётган ибратли ишлар ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Шаҳардаги умумий овқатланиш трести, автобус-таксомотор парки, пахта тозалаш заводи, районлараро «Госкомсельхозтехника» бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар айна чокда тўрт минг бош қўй, бир ярим минг бош чўчқа, икки юз бош сигир, кўплаб парранда ва асалари уяларига эгадирлар. Бу йил улар камида 100 тонна гўшт етиштиришни мўлжаллаб турибдилар.

Сурхондарёликлар ташаббусига қўшилган етти юз ўнта далачилик бригадаси эса мол ва парранда боқишни бошлаб юборди. Ҳозир уларнинг қўлларида бир ярим минг бош сигир, кўплаб парранда бор.

Область партия комитети шахсий хўжаликлар фаолиятини ҳам тўғри ташкил этиш бўйича кенг кўламда оммавий-ташкилий ишларни олиб борапти. Аммо бу соҳада яна кўп тадбирларни амалга ошириш, резервларни ишга тушириш зарур.

Областимизда 100 минг гектар ерни ўзлаштириш кўзда тутилган. Шу билан бирга ўттиз минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, Зомин, Қоровултепа, Норвон, Илончи сув омборлари қурилишини яқунлашни мўлжаллаб турибмиз. Бўлажак янги ерлар ва сув запаслари чўл саҳоватини янада оширади, ноз-неъматларни бундан буён ҳам кўпайтириш учун муҳим омил бўлади.

Республикамизнинг азамат пахтакорлари ўтган йил ҳам олти миллион тоннали «оқ олтин» хирмонини яратдилар. Ҳосил мисли кўрилмаган оғир об-ҳаво шароитларида йиғиштириб олинди. КПСС Марказий Комитетининг ана шу муносабат билан Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Ўзбекистон ССРнинг барча меҳнаткашларига йўллаган табриги деҳқонларимиз меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов партиямизнинг Ноябрь пленумида, совет кишилари олдида янгидан-янги вазифалар қўйди. Бу кўрсатмаларни оғишмай амалга ошириш — ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиздир. Областимиз меҳнат аҳли 1982 йилга белгиланган пахта ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш планларини шараф билан бажарди. Ноябрь пленумининг қарорлари бундан кейинги ишларимизда ҳам муҳим дастуриламал бўлиб қолиши турган гап.

Давр шиддат билан олға бормоқда. Биз — коммунистлар бу суръатга ҳамоҳанг, ҳатто ундан ўзиб олға боришимиз лозим. Ҳеч қайсимизнинг бир лаҳза бўлса ҳам лоқайдлик қилишга, ана шу катта оқимдан ортда қолишга ҳаққимиз йўқ. Ҳозирги энг долзарб вазифа КПСС Марказий Комитети Май ва Ноябрь пленумлари қарорларини кенг тарғиб қилиш ва уни оғишмай амалга оширишдан иборатдир. Ушбу муқаддас бурч ҳаммамизни ҳамиша олға ундайди, хушёр ҳамда ҳозиржавоб бўлишга чорлайверади.



Фуломқодир Рашидов,

тарих фанлари доктори, профессор

СОЦИАЛИЗМНИНГ ШАРҚДАГИ МАШЪАЛИ

Бепоен диёримизда шундай шаҳарлар борки, улар ўзларининг тарихда тутган ўрни ва аҳамияти жиҳатидан алоҳида аҳамият касб этиб, доврўғи эллардан-элларга, тиллардан-тилларга ўтган. Қадимий ва навқирон Тошкент ана шундай табаррук шаҳарлар қаторидан муносиб жой олган.

Улуғ Октябрнинг Урта Осиёдаги бешиги бўлган Тошкент уч революция шаҳридир. Шарқда ilk бор пролетар инқилобининг ғалаба байроғи худди шу ерда хил-пиради. Тошкент — Урта Осиёдаги коммунистик ва инқилобий ҳаракатнинг маркази бўлди. Совет ҳокимиятининг ғалабаси шарофати билан Тошкент ўз қиёфасини тубдан ўзгартириб, Шарқда социализм машъалига айланди.

XIX аср охирида Тошкентда яшаган К. Маркснинг дўсти, «Капитал»ни рус тилига биринчи бўлиб ағдарган Герман Лопатин К. Маркс ва Г. Плеханов асарларини тарғиб қилди. Орадан кўп ўтмай, рус социал-демократлари ташаббуси билан тўғарақлар ва группалар ташкил қилиниб, кейинчалик улар ягона Тошкент социал-демократик ташкилотига бирлашди. Бу энг йирик ва ташаббускор ташкилот бўлиб, марксистик адабиётларни, «Искра», «Вперёд», «Пролетарий» газеталарини ҳамда РСДРПнинг II съездида қабул қилинган партия Программасини маҳаллий ишчилар ўртасида тарқатар эди.

XX асрнинг бошларида ҳам Россияни, ҳам Урта Осиёни қамраб олган революцион ҳаракат янги тўлқин касб этди. Урта Осиёда бу ҳаракатга Тошкент ишчилари бошчилик қилди. 1905 йилнинг май ойидан сентябрь ойигача ишчи ва солдатларнинг 10 дан ортиқ ялпи чиқишлари ташкил этилди. 1905 йил октябрь, ноябрь ойларида Тошкентда рўй берган иш ташлашлар эса Урта Осиёдаги ўша давр инқилобий ҳаракатининг чўққиси бўлди. Тошкент ишчилари кейинги йиллардаги революцион ҳаракатларда ҳам етакчилик қилдилар, ўлкадаги бошқа шаҳар ва қишлоқларга инқилобий таъсир кўрсатдилар.

1917 йилги февраль революцияси туфайли чор самодержавиясининг ағдарилиши мамлакатдаги аҳволни ўзгартириб юборди, ҳамма жойда сиёсий фаоллик кучайиб кетди. Инқилоб ҳақидаги хабарларни босиб чиқарган газеталарни тошкентликлар ташлашиб олишар, кўча ва хиёбонларда оммавий митинг ва намойишлар ўтказишарди. Март ойининг бошларида Тошкентда шаҳар ишчиларининг катта митинги ва намойиши бўлиб ўтди. Эрталаб вокзал майдонига ишчилар тўпланишди. Кейин улар саф-саф бўлиб, қўлларида қизил байроқ билан «Марсельеза», «Дадиллик билан баравар одим ташлайлик, ўртоқлар», «Варшавянка» каби революцион кўшиқларни айтиб Духовская (ҳозирги Пролетар) кўчасидан Собор майдони (ҳозирги В. И. Ленин номли майдон) томон юришди. Алвонларда: «Яшасин ишчи депутатлари Советлари!», «Яшасин озодлик ва 8 соатлик иш кунин!» деган шiorлар кўзга ташланарди.

Тошкент темир йўл ишчилари Урта Осиёда ишчи депутатлари советларини ташкил этишда ташаббускор бўлдилар. Бу Совет 1917 йил 3 мартда сайланди. Эртасига эса солдат депутатлари Совети сайланди, орадан кўп ўтмай, бу Советлар бирлашиб, Тошкент янги шаҳар Советини ташкил қилди. Аини вақтда РСДРПнинг Тошкент ташкилотига большевиктик группа пайдо бўлди. 1917 йил июнда эса Тошкентнинг эски шаҳар қисмида мусулмон ишчи депутатлари Совети сайланди.

Тошкентдан намуна олган бошқа шаҳар ишчилари ҳам Советлар тузишга киришдилар.

В. И. Лениннинг буржуа-демократик революциясидан социалистик революцияга ўтиш ҳақидаги кўрсатмаларини Урта Осиёда амалга оширишда Тошкент инқилобчилари асосий роль ўйнади. 1917 йил июль ойининг охирида большевиклар партиясининг VI съезди чақирилди. Съезд пролетариат ва партиянинг диққатини қуроли кўзғолонга, социалистик революцияга жалб этди. Урта Осиёда шу съезд қарорларини амалга ошириш учун курашнинг олдинги сафида Тошкент меҳнаткашлари бўлишди.

1917 йил 25 октябрда Тошкент Советининг бошқа демократик ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган ёпиқ мажлисида қуроли кўзғолон плани ишлаб чиқилди. Большевикларнинг таклифи билан бир қанча вакиллар Тошкент ишчиларининг кўзғолонини қўллаб-қувватловчи кучларни тайёрлаш мақсадида ўлканинг бошқа шаҳарларига юборилди. Шу куни Петроградда қуроли кўзғолон ғалаба қозонди. Бу ғалаба ҳақидаги хушхабар Тошкентга 27 октябрда етиб келди. Тошкент ишчилари 1917 йил 28 октябрда Урта Осиёда биринчи бўлиб вақтли ҳукумат маъмуриятига қарши қуроли кўзғолон бошладилар. Шу куни тонготар вақтида Урта Осиё темир йўлининг Тошкентдаги Бош устaxonаси гудоги бонг урди: шаҳар ишчи ва солдатларининг Советлар ҳокимияти учун жанговар ҳаракати бошланганлиги тўғрисида хабар берди. «Ишчилар қалъаси» деб аталган темир йўл Бош устaxonасига шаҳарнинг ҳамма томонидан ишчилар кетма-кет кела бошлади. Улар устaxonага келтирилган қурол-яроғ билан қуролланишди, ўқ-дориларни ғамлашди. Заводлар бўйича группаларга бўлиниб, ҳар бир группага командир тайинланди. Кўзғолонга раҳбарлик қилиш учун революцион комитет ва штаб тузилди. Эски шаҳар ишчилари ва ҳунармандлари кўзғолончиларга катта ёрдам беришди. Уларнинг катта бир группаси Урда билан Шайхонтоҳур даҳалари ўртасида баррикада қуриб, оқгвардиячиларга қарши шай бўлиб турди.

Революцион шароит ўта кескинлашган бир вақтда илғор ўзбек ишчилари ва революционерлари ташаббуси билан тузилган ўзбек қуроли дружинаси «Ишчилар қалъасига келиб, Совет ҳокимияти учун бўлаётган жангларда фаол қатнашди. Тўрт кун давом этган қаттиқ жанглардан сўнг 1 ноябрда қуроли кўзғолон ғалаба қилди, бутун ҳокимият большевиклар раҳбарлик қилаётган Тошкент Совети қўлига ўтди. Бу қувончли воқеа телеграф орқали темир йўл бўйидаги маҳаллий Советларга маълум қилинди. Тошкент Совети барча Советларга қарата ғалаба қақирғини тарқатди: «Бутун ҳокимиятни Советлар эгаллади, ҳокимиятни ўз қўлларингизга олинглар!»

Шаҳар меҳнаткашлари ғалабани қувонч билан тантана қилдилар. Тошкент кўзғолонининг ғалабаси бошқа шаҳарлар ва қишлоқларда ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтишида катта аҳамиятга эга бўлди. Урта Осиё революциясининг тақдири айнан шу ерда ҳал бўлди. Ўлкадаги бошқа шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари тошкентликлардан ўрнак олиб, революцион ҳаракатни кучайтирдилар ва бирин-кетин ҳокимиятни қўлга ола бошладилар.

Ҳалдаги асосий вазифа Улуғ Октябрь ғалабасини мустаҳкамлаш эди. Бу вазифани Урта Осиёда ҳал этишда ҳам Тошкент большевиклари шаҳар Совети ва пролетариати намуна кўрсатди. Бу вақтга келиб Тошкент большевиклар ташкилоти янада жипслашди, тобланди ва тажриба орттирди. Урта Осиёда энг йирик ва илғор ҳисобланган Тошкент Совети ўз сафларида истеъдодли партия ходимларини бириктирди, бошқа Советларга муттасил ёрдам берди. Унинг фаолияти умум Урта Осиё аҳамиятига эга эди. Тошкент большевиклари ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш ва Туркистон Совет автоном республикасини ташкил этиш учун кураш байроқдори бўлдилар.

Туркистон Советларининг V съезди меҳнаткашларнинг халқаро байрами бўлган 1 май (1918 йил) кунда Туркистон Совет Автономиясини тантанали равишда эълон қилди. Бу — Шарқда меҳнаткаш халқнинг биринчи миллий давлати эди. Тошкент — РСФСР таркибига кирган Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг пойтахти бўлди.

1 май куни эрталаб Тошкент кўчалари ишчи ва ҳунармандларга тўлиб кетди. Тантанали намойиш ва митинг бўлиб ўтди. Нотиқларнинг сўзларида ўлкадаги барча халқларнинг озодлиги ва тенглиги амалга оширилганлиги учун Коммунистик партия ва Совет ҳукумати шарафига ташаккур садолари янгради.

1918—1920 йиллар сермашаққат келди. Ички ва ташқи душманларимиз бирлашган ҳолда Ёш Совет ҳокимиятини йўқ қилиш мақсадида гражданлар уруши ва ҳарбий интервенция бошлади. Мамлакатимиз, шу жумладан Урта Осиё оловли фронтлар ҳалқаси ичида қолди. Ана шундай оғир йилларда Тошкент Туркистон республикасида Совет ҳокимиятининг таянчига айланди. Душманга қарши курашга шу ердан раҳбарлик қилиб турилди. Фронтларни раҳбар ҳарбий кадрлар, қўшин резервлари, қурол-аслаҳа ва кийим-кечак билан таъминлашда Тошкент етакчи роль ўйнади. Шаҳар ишчилари интервентлар, оқгвардиячилар ва босмачиларга қарши жангларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Улар партиянинг социалистик Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги қақирғига биринчилар қаторида лаббай деб жавоб бердилар. Фронтдаги тошкентликларнинг қаҳрамонлиги ва бардошлилиги бошқа жангчиларга руҳ бағишлар ва жангда катта бурилишлар ясарди. Тошкентликларнинг жасорати Урта Осиёдан ташқарига ҳам кенг тарқалди.

1919 йил январда Тошкентда рўй берган аксилинкюбий исённи бартараф этишда ҳам шаҳар пролетариати катта қаҳрамонлик кўрсатди. Шундай серташвиш йилларда партия Марказий Комитети ва шахсан доҳиймиз В. И. Ленин Урта Осиёда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун жуда катта ёрдам берди. В. И. Ленин қаттиқ банд бўлишига қарамай, ўлкадаги воқеаларни зийраклик билан кузатар ва тегишли тадбирлар кўрар эди. Аксилинкюбий исён вақтида Москва билан алоқа узилиб қолганлиги. Шу кезларда Тошкентдан Москвага борган Туркистон республикаси комиссияси аъзолари В. И. Ленин ҳузурда эди. Сўхбат вақтида В. И. Ленин Тошкент билан алоқа боғлай олмаётганлигини айтди: «Уртоқлар, Тошкентда аҳвол яхши эмасга ўхшайди, учинчи кундирки, алоқа йўқ... У ерда нимадир бўлган, радиостанцияларга навбатчилар қўйиш керак ва Тошкент билан алоқа боғлаб, аҳволни аниқлаб олишга уриниб кўриш керак». Ниҳоят, Тошкент билан алоқа боғлашга муяссар бўлинди. В. И. Ленин

нинг ташаббуси билан Марказдан ҳар томонлама катта ёрдам берилди, бу ёрдам Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда ички ва ташқи душманларни яқсон қилишда муҳим аҳамият касб этди.

Тошкентдан юборилган жангчиларнинг қатъийлиги ва қаҳрамонлиги Актюбинск, Закаспий, Фарғона ва Еттисув фронтларига, Хива ҳамда Бухорони хонлик истибодидан халос этиш учун курашларда яққол намоён бўлди.

Совет Ўзбекистонининг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев Тошкент ишчилари синфи ҳақида шундай деган эди: «Тошкент пролетариати Улуғ Октябрнинг ташаббускори бўлди. Қачонки кўп қийинчиликлар рўй берса, у ҳар доим биринчи бўлиб душманларга қарши курашди».

Партия ва совет ҳукумати Тошкент пролетариатининг жасорати ва фидокорлигига юксак баҳо берди. Бутун Россия Марказий Ижроия Комитетининг қарорида шундай мўътабар сўзларни ўқиймиз: «Империалистлар ҳужумига қарши курашда мудофаа марказларидан бири бўлган Тошкент шахри ишчиларининг хизматларини эътиборга олиб, 1924 йил 14 апрелдаги мажлисда Тошкент шахри пролетариатини Қизил Байроқ ордени билан мукофотлашга қарор қилинди». Бундай мукофотни олишга бир неча шаҳар пролетариати, жумладан Петроград (Ленинград) ва Царицин (Волгоград) ишчилар синфи муяссар бўлган эди. Уруш тугагандан сўнг Совет мамлакати тинч яратувчилик меҳнат даврига ўтди. Асосий вазифа социализм қуришнинг ленинча планини амалга ошириш эди. Шу планни ҳаётга татбиқ этишда Тошкент аввалгидек етакчилик қилди. 1924 йили Урта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилиши туфайли Ўзбекистон ССР ташкил топди. 1930 йилдан Тошкент республикамизнинг пойтахти, маъмурий ва сиёсий маркази бўлиб қолди.

Муаззам пойтахтимиз меҳнаткашлари партиямиз кўрсатмасини амалга ошириш учун бутун куч ва ғайратларини сафарбар қилдилар. Тошкент ишчилари меҳнат фронтда узил-кесил ғалабага эришиш учун мардонавор курашиш ҳақида В. И. Ленинга берган ваъдани шараф билан бажардилар. Ўзбек шеърятининг саркардаси Ғафур Ғулом тошкентликларнинг ғалабаларини шундай мадҳ этганди:

**Бебаҳо Тошкентимиз, наҳоринг кундуздан шан,
Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон, дўст, эмакдод.
Қиши ёз, кузи баҳор, туни кунидан равшан,
Лондон, Париж, Румога алишмайман, кўҳна Шош.
Муқаддас Совет элин кўркисану бахтлисан,
Шарқда ёруғ дарича ўзбек пойтахтисан.**

Партиямизнинг доно тадбирлари натижасида социалистик қурилишнинг барча тармоқларида улкан зафарларга эришилди. Тарихан қисқа муддат ичида Тошкент қиёфасида жуда катта ўзгаришлар рўй берди, у йил сайин кудратли, кўркам шаҳарга айлана борди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидов айтганидек «бу муваффақиятлар доно ленинча миллий сиёсатнинг, Совет Ватани халқлари дўстлиги баҳодирона кучининг яққол самараларидир».

Тошкент — мамлакатимизнинг энг йирик саноат марказларидан биридир. Совет ҳокимияти йилларида бу ерда кўплаб саноат корхоналари қурилиб, улар замонавий техника, технология билан таъминланди. Натижада республикамиз пойтахтида йилдан-йилга янги-янги йирик комбинат, завод ва фабрикалар, кудратли ГЭСлар қад кўтарди. Тошкентда социалистик саноатнинг гигантлари бўлмиш «Ташсельмаш», тўқимачилик комбинати, «Ўзбексельмаш», «Таштекстильмаш», «Тошкенткабель», экскаватор, тракторсозлик ва бошқа заводлар вужудга келди. Уларнинг ҳаммаси замонавий техника ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Саноат одимларини қуйидаги жозибадор ва салмоқдор рақамлар яққол акс эттиради. Ҳозирги вақтда она шахримиз Тошкентда 400 дан ортқ саноат Ҷирлашмаси ва корхоналари бўлиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг тўртдан бир қисми уларнинг улушига тўғри келади. 1913 йилга нисбатан шаҳар саноатининг ялпи маҳсулоти 372 марта ўсди. Бу ерда Иттифоқимиздагина эмас, балки хорижий элларга ҳам манзур бўлган, юқори унумли пахта териш машиналари, трактор ва культиваторлар, чопиқ асбоблари ва сеялкалар, кўсак йиғадиган ва чувийдиган машиналар, экскаватор ва кўтарма кранлар, мебель, чинни буюмлар ва бошқа маҳсулотлар кўплаб ишлаб чиқарилмоқда.

Тошкент ишчилари Урта Осиёда ўтказилган кўплаб шанбаликларнинг ташаббускори бўлишди. Мамлакатимизда стахановчилик ҳаракати бошланганда улар Ўзбекистонда биринчи бўлиб бу ҳаракатга қўшилишган. Социалистик мусобақанин ҳозирги тараққиёт босқичида унинг олий шакли — коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳаракатини республикамизда дастлаб бошлаб берган ҳам меҳнатсевар Тошкент ишчиларидир.

Тошкент йирик фан ва маданият маркази сифатида ҳам машҳурдир. Ҳозир шаҳарда 19 та олий ўқув юрти (Ўзбекистондаги олий ўқув юртининг 40 процентдан кўпроғи) бўлиб, уларда 150 миңдан зиёд студент билим олади. В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети барпо этилгандан буён ўтган йиллар мобайнида унинг турли факультет ва кафедралари негизида Урта Осиё ва Қозоғистонда 50 дан зиёд олий ўқув юрти барпо бўлди.

Улуғ Ватан уруши айна қизиган 1943 йил ноябрида Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилди. Академия таъсис этилган кундан республикада фан-штаби бўлиб, турли соҳа олимларининг илмий фаолиятини бирлаштирди ва унга раҳбарлик қилди. Фанлар академияси институтларининг лаборатория ва бўлимларида Иттифоқ аҳамиятига эга бўлган хилма-хил тадқиқотлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Масалан, ғўзаниннг ҳосилдорлигини ошириш, пахтаниннг очилишини тезлаштириш,

минерал ўғитларнинг янада самарали турларини яратиш, алкалоидлар химияси, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш ва бошқа кўпгина масалалар шулар жумласидан.

Республика пойтахтида фаннинг бир қанча муҳим соҳалари бўйича машҳур олимлар раҳбарлигида илмий мактаблар яратилган. Масалан, математиклар мактаби, геологлар мактаби, физиклар мактаби, алкалоидли ўсимликлар химияси мактаби ва ҳоказо. Тугалланган илмий тадқиқот натижаларининг халқ ҳўжалигига жорий этилишидан олинмаётган иқтисодий самара йилдан йилга ошиб бормоқда. Фақат ўнинчи беш йилликда Фанлар академияси олимларининг қўлга киритган ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида олинган иқтисодий самара 1 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этди.

Тошкентда халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш ишлари ҳам йил сайин ривожланмоқда. Кўплаб умумий таълим мактаблари, касалхона, поликлиника, амбулатория ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасалари тошкентликлар хизматида. Бу соҳаларда эришилган муваффақиятларнинг салмоғи қиёслашда яққол намоён бўлади. Тошкентда Октябрь инқилоби арафасида 40 нафар врач ишлаган бўлса, ҳозирги кунда 13000 дан ортиқ врач тошкентликлар саломатлиги посбонларидир.

Икки минг йиллик тарихга эга бўлган Тошкентимиз ўзининг театр ва музыка санъати билан ҳам шуҳрат қозонди. Навоий номидаги Катта академик опера ва балет театри, Ҳамза номидаги академик драма театри, Горький номидаги рус драма театри ва бошқа йирик театрлар санъатимиз фахридир. Ҳозир Тошкентда 8 та йирик театр ва бир неча халқ театри; филармония ва эстрада ансамбллари ишлаб турибди, ваҳолонки, 1917 йили шаҳарда атиги битта театр мавжуд эди.

Тошкент театрларининг коллективлари Чайковский ва Ашрафий, Бизе ва Толиб-жон Содиқов, Глиер ва Дони Зокиров, Козловский ва Абдулла Қаҳҳор, Шекспир ва Софокл, Шиллер ва Николай Островский, Гоголь ва Комил Яшин, Константин Симонов ва Уйғун, Ҳамза ва Вишневский, Иззат Султон ва Эркин Воҳидов каби кўплаб санъат соҳибларининг асарларини муваффақиятли саҳналаштирди. Шаҳар театрларида 10 дан зиёд СССР Давлат мукофоти лауреатлари, 30 дан ортиқ Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатлари ўз истеъдодлари билан санъат ошиқларини мамнун этишмоқда.

Тошкент киночилари ҳам ўз муҳлисларига кўплаб қизиқарли фильмларни тухфа қилишмоқда. Ўзбекистон киностудиясида ишлаб чиқарилаётган бадий ва ҳужжатли фильмларнинг аксарияти томошабинлар томонидан юқори баҳоланяпти.

Республикамиз пойтахтида театр ва кино санъатининг кўпгина атоқли намоёндалари етишиб қамди. Тошкент — А. Хидоятлов, Ҳ. Носирова, С. Эшонғўраева, М. Турғунбоева, О. Хўжаев, Г. Измайлова, Ш. Бурҳонов, Д. Абдурахмонова, Н. Раҳимов, Л. Саримсоқова, В. Загурская, К. Ерматов, Б. Қориева, М. Қаюмов, С. Қобулова ва Ш. Аббосов каби СССР халқ артистларини бутун мамлакатга, қолаверса, хорижий элларга танитган шаҳардир. Телевиденининг ватани бўлган Тошкентда 1956 йили телевизион марказнинг ишга туширилиши фақат республика пойтахти учунгина эмас, балки Ўзбекистон ҳаётида ҳам муҳим аҳамиятга молик маданий воқеа бўлди. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда Тошкент телевидениеси ва радиоси катта хизмат қилляпти.

Республика адабий ҳаётининг маркази бўлган Тошкентда ўзбек совет адабиётининг юлдузлари — истеъдодли ёзувчи ва шoirлар ижод қилишяпти. Уйғун, Шароф Рашидов, Сарвар Азимов, Комил Яшин, Назир Сафаров, Зулфия, Рамз Бобоҷон, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукрулло, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва адабиётимизнинг бошқа атоқли арбоблари қаламига мансуб асарларда замондошларимиз образи, республика ҳаётининг ўзига хос хусусиятлари ёрқин акс этмоқда.

Тошкент дўстлик ва тинчлик шаҳри сифатида дунёга танилган. 1966 йилги зилзила оқибатларини тугатиш ва янги Тошкент қурилиши совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг яққол тимсоли бўлди.

Меҳмондўст ва тинчликсевар Тошкент республикамизнинг чет мамлакатлар билан йил сайин кенгайиб бораётган алоқаларида алоҳида роль ўйнайди. Унинг халқаро нуфузи муттасил ортиб бораёпти, Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатлари билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Шаҳар саноат корхоналари ўз маҳсулотларини дунёнинг 70 дан зиёд мамлакатига юборади. Масалан, Тошкент экскаваторлари, дизель, ва кўтарма кранлари, насос ва йигирув машиналари, компрессор станциялари ва бошқа асбоб-анжомларини Африка ва Осиёнинг кўпгина мамлакатлари сотиб олмақда. Шаҳар корхоналарида Европадаги бир қанча социалистик мамлакатларнинг тўқимачилик, йигирув фабрикалари, пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар тайёрланаяпти. Тошкент Совет Иттифоқида чигит сеял-калари, культиватор, пахтани қоп-қанорсиз ташиш учун автоприцеплар, пахта тозалаш машиналари етказиб беришда ягонадир.

Тошкент корхоналарининг экспорти йил сайин кўпая бораёпти. Қишлоқ ҳўжалик машинасозлиги заводлари Куба, Жазоир, Мали, Кампучия пахтакорлари учун, у ерлардаги агротехника шароитларини ҳисобга олган ҳолда, машиналар тайёрлаб бераёпти. Бундан ташқари, тошкентлик машинасозлар Куба ва Африка мамлакатларига қатор оралари бир метр бўлган плантацияларда ишлаш учун культиваторлар, пахта териш машиналари юбориб турибди. Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи Чехословакия, Польша, Болгария, Жазоир, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар учун турли машина ва ускуналар тайёрлаб жўнатаяпти. Тошкент ишчилари етиштираётган анвойи маҳсулотлар Сурия, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Лаос, Тунис, Ангола каби тараққий этаётган

мамлакатларда юқори баҳоланмоқда. Бу мамлакатларга юборилган техника Осиё ва Африка халқларига ўз ҳўжалиklarини ривожлантиришига ёрдам бермоқда. Шаҳримиз завод ва фабрикаларида тайёрланиб четга чиқариладиган маҳсулотига ривожланган капиталистик мамлакатларда, шу жумладан АҚШ, Италия, Франция, Японияда ҳам талаб ошяпти. Бу мамлакатларга Таштекстильмаш заводи чиқараётган кўплаб машина, турли асбоблар ва механизмлар экспорт қилинади.

Тошкент корхоналари ўз маҳсулотлари билан халқаро кўргазма ва ярмаркаларда мунтазам қатнашиб келади. Масалан, завод-фабрикаларимизнинг маҳсулотлари Лейпциг ва Будапешт, Варшава ва Милан, Лион ва Деҳли, Хартум ва Триполи, Пловдив ва Анқара, Токио ва Брно, Техрон ва бошқа шаҳарлардаги халқаро кўргазма ҳамда ярмаркаларда қатнашди. Намойиш этилган маҳсулотларнинг баъзи турлари олтин ёки кумуш медаллар билан тақдирланди. Тошкентлик мутахассислар Осиё ва Африка мамлакатларидаги йирик курилишларда ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Тошкент республикаимизнинг ташқи давлатлар билан маданий ва илмий алоқаларини ривожлантириш борасидаги фаолиятига жуда катта таъсир кўрсатяпти. Олий ўқув юртларида, жумладан Тошкент Давлат университети, политехника, халқ ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги, медицина институтларида Осиё, Африка, Европа ва Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатлари учун кадрлар тайёрланяпти. Билим масканларида таҳсил кўраётган чет эллик йигит-қизлар сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бу ёшларга турли касбларни эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган. Уларга юқори маалакали профессор-ўқитувчилар таълим беришмоқда. Тошкентдаги айрим олий ўқув юртларида хорижий талабалар учун махсус тайёрлов факультетлари ташкил қилинган. Шундай факультетлардан бири 1961 йили Тошкент давлат университети қошида очилган бўлиб, ҳозиргача унда турли қитъаларнинг 45 мамлакатидан келган 2300 дан ортиқ чет эллик йигит-қиз билим олди.

Тошкент Политехника институту 1956 йилдан то 1980 йилгача чет элликлардан 350 га яқин юқори маалакали мутахассис тайёрлади. Ажнабий ёшлар ўзлари олий таълим олган мўътабар шаҳардан беҳад мамнун.

«Тошкент билан Кобул,— дейди талаба Абдил Ғаффор Ванд,— қадимдан қондош ва жондош. Шу сабабли ўзимни бегона юртда ўқияпман, деёлмайман. Тошкент менинг иккинчи она шаҳримдир».

Тошкент олимларининг хорижий олимлар билан илмий ҳамкорлиги ҳам кенг миқёсга эга. Улар Европа ва Осиёдаги кўплаб мамлакатларнинг илмий муассасалари билан яқиндан алоқа ўрнатишган. Олимларимиз бу мамлакатларда ўтказилган халқаро анжуманларда долзарб илмий масалалар бўйича докладлар ҳамда илмий ахборотлар билан сўзга чиқишганки, улар тингловчиларда зўр таассурот қолдирган. Ўз навбатида хорижий олимлар ҳам социалистик Тошкентга тез-тез ташриф буюришади. Ҳа, Тошкент халқаро анжуман ва конференциялар ўтказиладиган марказлардан бирига айланганлиги бежиз эмас.

Тошкент — кинофестиваль шаҳри. Халқаро анъанавий кинофестивалларнинг еттитаси республикаимиз пойтахтида ўтди. Тинчлик ва маданий ҳамкорлик шаҳри бўлган гўзал, чарогон Тошкентда ўтказилган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивалининг обрў-эътибори, кўлами ва қатнашувчи мамлакатлар сони тобора кенгайиб боряпти. Агар 1968 йилда ўтказилган I кинофестивалда 49 мамлакатнинг киносанъаткорлари иштирок этган бўлса, 1982 йилда ўтказилган VII Халқаро кинофестивалига ташриф буюрган мамлакатларнинг, халқаро ҳамда миллий, ташкилотларнинг сони 92 га етди. I кинофестивалда 40 та бадий, 35 та ҳужжатли кинолента кўрсатилган эди, VII кинофестивалда 103 та бадий, 104 та ҳужжатли кино асари намойиш этилди.

Бундай анжуманларда машҳур киносанъаткорлар ўзaro фикрлашиб тажриба алмашади. Бунинг оқибатида жаҳондаги тараққийпарвар кино санъати янада ривож топади, халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун кураши тобора кенгайиб, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тошкент — тутинган шаҳарлар жаҳон федерациясининг аъзосидир. У 7 та чет эл шаҳри билан, яъни: Карочи (Покистон), Патиала (Ҳиндистон), Тунис (Тунис), Триполи (Ливия), Марокаш (Марокаш), Бомако (Мали) ва Сизтл (АҚШ) билан тутинган. Бу шаҳарларнинг маданият ва санъат арбоблари муттасил кинофильмлар, фотоқўргазмалар айирбошлашади, шаҳар ҳўжалигини юритиш тажрибалари билан ўртоқлашишади.

Қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳримизнинг улкан ютуқлари Коммунистик партияимиз доно раҳбарлиги рамзидир. Тошкентликларнинг барча зафарларида Л. И. Брежневнинг катта ҳиссаси бор. Л. И. Брежнев Тошкентга тўрт марта ташриф буюрди ва ҳар гал ўзининг доно маслаҳатлари билан тошкентликларни янги-янги зафарлар сари илҳомлантирди. Шаҳримиз аҳлининг кейинги даврлардаги муваффақиятлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, шахсан унинг Биринчи секретари Шароф Рашидовнинг доимий ғамхўрлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўз аҳдига вафодор тошкентликлар республика пойтахтини коммунистик меҳнат шахрига айлантириш туйғуси билан ҳормай-толмай меҳнат қилишмоқда.

Ҳақиқий бахтини Улуғ Октябрь инқилоби ғалабасидан сўнг топган Тошкент ажойиб зафарларга эришар экан, у социалистик тузум нималарга қодирлигини яққол намойиш этмоқда. Л. И. Брежнев айтганидек: «Вайроналардан қайта тикланган, юксак даражада ривожланган индустрия ва катта фан шаҳри, улкан маданият марказларидан бири, ёзувчилар ва кинематографчиларнинг энг катта жаҳон анжуманлари ўтказиладиган жой бўлмиш Тошкент — СССР халқлари қардошлиги ва дўстлигининг инсон қўли билан бунёд этилган рамзи бўлиб, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари туркумида Шарқ юлдузи каби порлаб турибди».



ИЖОДНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

[Ғафур Ғулом билан суҳбат]

Ғафур Ғулом билан ўз ижоди тажрибалари ҳақида суҳбатлашиш хусусида келишиб олган эдик. «Ҳа-я! — истеҳзоли бир виқор билан сўз бошларди у. — Мен сенга ҳали кўп нарсаларни айтиб бераман! — Шундай дея у пешонасига шапатиларди. — Биласанми, бунда бутун бир хазина яширини!» Лекин учрашув учун ҳар сафар бирор сабаб монелик қилиб қолар (ўша пайда шоирнинг сўнги лирика китобини таржима қилаётганим учун биз тез-тез кўришиб турардик), белгиланган суҳбатимиз яна пайсалга солинарди. Бир кўни эрталаб у менга кўнгироқ қилиб қолди: «Тез кел, суҳбатлашамиз...» Қандай суҳбат хусусида сўз кетаётганини мен дарҳол англолмадим, унинг овози бўғиқ ва ҳаяжонли эди. Лекин дарров тушундим: аввалги ишларини хотирлашга бирор сабаб туртки бўлгану кўнгидагини тўкиб солиш истаги туғилган, натижада менинг илтимосим ёдига тушган. Фақуллодда шавқи тезоб, шиддаткор бу инсон тафаккурини бирор нарса банд этиши биланоқ, у характер белгисига айланиб қолган ҳозиржавоблик истеъдодини намоён этар, ноёб фазилатини ошкор қиларди. Мияда туғилган мисраларни шоша-пиша қоғозга тушираётганини икки бор кўрганман: қўлдаги қалам фикрлар оқимини ёзиб битиришга деярли улгурмасди.

Бу сафар у ўз боғидаги курсида ўтирарди: мартнинг охири эки апрель бошлари эди. Енгил ва ҳузурбахш баҳор ҳавоси киши вужудини элитар, яланғоч новдаларга тизилган ўрик гуллари табиатнинг сеҳрли кашфиёти бўлиб кўзни қамаштирарди. Олтмиш олтинчи йилнинг нафосатга тўла баҳори яқин-орада рўй беражак айрилик онларига буткул бегона эди. Ғафур Ғулом ўзи ҳам, ким билади дейсиз, фожеий чегаранинг яқинлигини туймаган бўлса керак. Нима бўлса ҳам, ўша кўни эрталаб унинг сиймосида қандайдир ғайритабиий ҳолат — ўз ишларини сарҳисоб қилишдек журъат ифодаси зуҳур топганди. Унинг сўнги китобидан жой олган айрим шеърларида ана шундай кайфият акс этган, лекин бундай ҳолатни шоирнинг ўзида сезмаган эдим. Ҳақиқий шоир қандайдир даражада башоратгўй бўлади шекилли, у сўзлар, унинг ўзигагина шор эхтирослар тизгини тутқич бермас, мен эсам, оқ саҳифалар ишқилиб тугаб қолмасин-да, деган ҳавотирлик билан қўлимдаги дафтарга боқиб кўярдим...

— Оломонни ташкил этган кишилар гўё кўкдаги юлдузлардай гап; бир қарасанг, улар ёнма-ён, ҳақиқатан эса, қанча-қанча масофалар уларни бир-биридан ажратиб туради. Ўзгаларни англамоқ учун четдан туриб назар ташлаш кифоя. Аслида ўзингни таниш учун ҳам шундай қилиш керак... Олисларда қолган йилларга ўзга нигоҳ билан бир назар ташлаб кўргин-а, ўтган вақт мобайнида бир тери ичида неча бор семириб, неча бор озганлигини ҳис этасан! Тегирмон тоши айланишини кузатганингда рўй берадиган каби бир титроқ вужудингни қамраб олади. Шуниси ҳам борки, сен ўзинг ҳақингда ҳамма нарсани, деярли ипидан-игнасигача яхши биласан... бунда гувоҳларга ҳам, гувоҳликка ҳам ҳожат йўқ...

Ёшликда олган сабоқ тошга ўйилиб, кексаликдагиси эса музга ёзилгандай гап экан. Ҳар бир кишида бўлгани каби мени ҳам ёшлик хотиралари шакллантирди. Лекин мен қувваи ҳофизам билан ажралиб турсам керак: образлар, ранглар, кечмиш-кечирмишларим ўз ёрқинлиги ва қуввати билан хотирамда бутун умрга муҳрланиб қолган... Шу сабабдан болалигим — мендан йироқ кетган ўша ваҳимали ва қувноқ, нурсиз ва сержило манзаралар менинг учун асосий таассурот, меъёр бўлиб қолди. Кўз ўнгимда туғилиб қарор топган янги дунё ҳақида қанчалар илҳом билан сўз юритмайин, ўтмиш ўзининг фожеий ёки қулгили манзаралари билан кўз ўнгимда гавдаланиб тураверади.

Уйлашимча, сиз ҳам менинг қўйидаги фикримга қўшиласиз: шеърнинг дунёга келиши турлича кечса-да, лириканинг қон томирини белгиловчи омил, бу — бевосита жонли таассурот, «шоир қалбида» бир пайтнинг ўзида ва фақуллодда рўй берувчи таъсир кучидир. Шеър тилига кўчирилган бу ҳолат китобхонга ҳудди шундай таъсир

1 Суҳбатни 1966 йилда таржимон Александр Наумов ёзиб олган.

қилмоғи керак... Бирваракайига таъсир шу маънодаки, бутун заряд ташқарига бир пайтнинг ўзида чиқарилади, баён эса китобхон учун таассуротлар вазифасини ўтайди. Ҳолбуки, ҳар қандай ҳикоя унинг муаллифидан, кўп ёки озлигидан қатъи назар, аввалдан атайин тўплаб келинган таассуротлар йиғиндисини талаб қилади; наср эса — хотиралар йиғиндисидир. Ҳа, ҳа, тасаввур ҳам муҳим аҳамиятга эга, хотира тўплаган материалларни тасаввур кўп ҳолларда ўрни-ўрнига жойлаштиради.

Шеърят-ҳаётимнинг бош масаласи бўлиб қолган экан, бу — ўз фазилатларим билан лирикага «сафарбарлигим ва унга бурчли эканимдандир». Шеър устида ишлаш туфайлигина қандайдир бошланғич тайёргарликдан сўнг қудайлик ва соддалик оламига ёриб кираман ва шунда — энг зарур бир пайтда! — керакли сўз ўз-ўзидан пайдо бўлади ҳамда сўзлар сафидан муносиб ўрин олиш учун буйруғимга мунтазир туради. Наср эса, қанчалар ўзига ром этмасин, мен учун ҳамиша қийин соҳа бўлиб қолаверди. Ҳикоя ёзиш учун оқ саҳифамга термилишим биланоқ хотиралардан иборат суратлар бутун ёрқин жилваси, тафсилотлар эса ўзининг бор рангдорлиги билан тўғон бошида қалашиб қолган оғочлардай бирин-кетин қалқиб чиқаверади. Улар ғоғоз саҳифаларини тўлдирмоқ учун ўрин талашар, гирдобга тушар, кейин эса ўндан бир сатрга ҳам жо бўлолмасдан тубсизликка сингиб, надомат чинқириғи ила вақт жаҳаннамида ғойиб бўлишарди... Менда чидам-сабот етишмасди, шекилли, — ҳа, проза талаб қиладиган изчил мунтазамлик, катта адабиёт учун зарур бўлган ички интизом йўқ эди чамаси.

Шунга қарамасдан, мен уни — прозани, шахсий характеримга аччиқма-аччиқ ёзишда давом этавердим ва бутун умр ёздим. Ҳамма қатори мен ҳам ўз ижодимни шеър ёзишдан бошлаган бўлишимга қарамай, наср ва назм менинг адабий биографиямда доим бир-бири билан ўрин таллашиб келди.

Матбуотда эълон қилинган илк шеърим «Гўзаллик нимада?» деб аталарди. Кўпдан бери уни қайта ўқиб кўрмадим. Сарлавҳага чиқарилган ва пешонага битилган саволга мухтасар жавоб бериш кўлдан келармиди, дейсиз. Лекин у эълон қилинганда, икки-уч кун мобайнида мен ўзимни ҳақиқат оғуши-ю, шухрат кўкларига ҳис этиб юрдим. Мазкур шеър эълон қилинганга қадар ҳам ижод билан шуғулланардим; ниҳоят, эълон қилинган мисралар менинг учун ҳам тантана, ҳам эътироф этилишим бўлди.

Илк шеърим мисраларни, чамаси, ўн уч ёшимда ижод қилгандим, у пайтда отам ҳаёт эди. У шеърятга сидқидилдан ҳавасманд, ўзи ҳам ҳозиржавоблик билан шеър битишни машқ қилиб турар, машқларини дутор нағмаси остида кўйлар, айрим машхур шоирлар билан таниш-билиш эди. Муқимий ҳам, Фурқат ҳам, Асирий ва бошқалар ҳам бизнинг хонадонимизда бўлиб туришарди. Шеърят денгизи бағрида машқ қилмай туриш мушкул эди; бу «касалик» менга ҳам юкди. Лирик интилишларим маҳсулидан отам хабардор, лекин уларни бировга кўрсатишга журъат қилолмасди. Тез орада отам вафот этди. Мен ўқидим, кейин ишладим, сўнгра эса илк совет мактабларидан бирида ўзим ҳам ўқитувчилик қилдим — ёзишни ҳам давом эттирдим...

Билмадим, эътибор берганмисиз-йўқми, қўлёзма машинкадан чиққач, қандайдир ўзгача кўринишга эга бўлади. Нашриётда қуйма ҳарфлар билан босилиб, китоб, газета, журнал саҳифаларига айлангандан кейин эса, бутунлай бошқа бир қиёфа касб этади. Шу дамдан бошлаб, энди у барчанинг мулкига айланади, энди ундан завқланишлари мумкин, мазақ қилиб кулишлари ҳам мумкин, ўзинг эса инжиқлик ва гумонсираш билан ва ёки тантанавор қалб дуқури билан уни қайта-қайта ўқиб чиқасан... Иқрор бўлиш ноқулай, лекин мен ҳозир ҳам почтальон келиши ёки киоска очилишини бетоқат кутамен, агар ўзимнинг бирор нарсам эълон қилинган бўлса, газета саҳифаларини юрак ҳовучлаб очаман. Ҳ-ҳў, бундай газеталарнинг қанчадан-қанчаси қўлимдан ўтмади дейсиз — агар ўйлаб кўрилса, ҳаётимнинг шу пайтгача бўлган кунлар ҳисобидан ҳам кўпроқ. Лекин ўша — илк шеърим ҳаётимни ағдар-тўнтар қилиб юборгани рост гап.

Мен кўп кезардим. Тошкентда туғилиб ўсган бўлсам-да, ўша пайтнинг ўзида Бутун республика билан таниш эдим: Езёвон мироблари ва Қарши пахтакорлари, Фарғона узумчилари ва Томди чўпонлари менинг ён дафтаримдан ўрин олишган. Мени асир қилган шиддатли вазналар умумий ҳужумкорлик руҳининг ифодаси эди. Биз қақраб ётган чўлларга ва эски турмушга қарши, саводсизлик ва қурғоқчиликка қарши юриш бошлагандик. Фидойилик кескин қаршиликка ҳам дуч келарди: ажабтовур муваффақиятлар қонли тўқнашувлар билан ёнма-ён эди. Ҳамзаанинг ўлими энг оғир йўқотиш бўлди, лекин йўқотишларимиз фақат шугина эмасди. Кураш давом этар ва бутун борлик, менинг назаримда, улкан штаб харитаси бўлиб туюлар, ҳалққага олинган ҳар бир жой жонли қиёфалар ва картиналар тусини олиб кўз ўнгимда гавдаланарди.

Мен кузатар, ёдда сақлаб қолар ва ўқир эдим; шавқу завқ билан, иштиёқ билан муттасил ва кўп ўқирдим. Ҳа пайтларда, йигирманчи йиллар охирида рус тилини етарлича тушунардим ва бу тилда битилган китобларни деярли «симирардим». Русча роман ва ҳикоялар, очерк ва шеърлар орасида қўлимга Маяковский тушиб қолдики, у адабий тафаккуримнинг ривожланишига ниҳоятда зўр таъсир ўтказди, шеърятда мен учун сабоқ бўлиб хизмат этди.

Мен заррача муболага қилаётганим йўқ. Биласизми, болагимда ғаройиб қобилятга эга эдим: танглай ва тил воситасида турли хил музыка садосини ифода қила олардим... Димоғимда миршаблар ҳуштаги чуриллаганида қандай ҳангомалар рўй берганини билсангиз... Кунлардан бирида кимнингдир даричасидан қуйилаётган фортепьяно садолари қулғимга чалинди. Унинг садоларига тақлид қилишдек телбанамо бир истак пайдо бўлди менда — бу ниятни қандай қилиб бўлмасин амалга ошириш истаги тинчлик бермай қўйди. Фортепьянонинг ўзини эса умримда кўрмаганман, шундай қилиб десангиз, ният зўридан бир туш кўрибман: кўнадан борармишман-у,

оғзимдан фортепьяно куйлари таралармиш... Тушимда қолган ўша илиқ хотирот менга ҳамон завқ бағишлаб келади. Маяковскийнинг бир неча шеърини илк бор ўқиган пайтимда ҳам худди шундай туйғу оғушида қолганман.

Кундалик турмушда муомалада бўлган ва адабий жиҳатдан андозага кирмаган оддий гап қурилиши билан алвон шиорлардаги нотиклик ҳарорати; газета тилидай лўндалик билан ихчам мажозий оҳанг касб этган ёниқ сўзлар жиҳоси; архаик сўзлар жадалангдорлиги билан янги сўзлардаги ҳаётбахш шиддат... Буларнинг барчаси давр талабига монанд ва уйғун, яхлит қотишмани юзага келтирди. Тўғри, янги гап қурилиши бирмунча мураккаб, бироқ унинг қурилмаси бир марта тушуниб олинса, шеър равои ўқилар, моҳияти ичига осонлиқча кириб бориларди. Қисқаси, мен беҳуда вақт сарфлаб зўр-базўр пайпаслаб қидирган йўл бунда муҳайё эди.

Мазкур шеъриятдаги юксак мардонаворлик менга илҳом бағишлади, яъни ўзбек тилига таржима қилишга журъат этдим. Ниҳоятда мушкул, бироқ нақадар олижаноб иш эди бу. Ўз она тилимда янги элементларга мос сўзларни қидириб топиш ва уларни қайтадан бирлаштириб, қотишма ҳолига келтириш зарур эди. Изчиллик билан тер тўкиш натижасида энг буюк сабоқни Маяковскийдан олдим. Маяковский шеъриятда кеча ва бугунни уйғунлаштирди. Ҳа, ҳа, у адабиёт ва халқнинг шеъриятдаги асрий тажрибаларини буюк интуиция кучи билан ўзлаштиргани ҳолда мардона эксперимент ўтказмоқда эди. У бизнинг ҳаммамиз, жумладан, ўзим ҳам ниҳоятда эҳтиёжманд бўлган муҳим ишни амалга оширди: эски шаклни янги мазмун учун бўйсундирди. Унинг новаторона шеъриятини тасаввур қилишга уриниб (тўғриси айтганда, бу интилиш бошқа тил системасида кам самара берарди) ва, айниқса, неологизмларини ўзбекчада «қайтаришга» тиришиб, бир нарсани янши англадимки, новаторлик сари бу интилишлар самарали бўлмоғи учун ўз она тилинг ва унда яратилаётган шеъриятнинг «туб» моҳиятини чинакамига ҳис қилмоқ шарт экан... Рус адабиёти фониди Маяковский шеърияти хусусида кўпгина мусоҳабалар бўлган ва мен булар ҳақида гапирмоқчи эмасман, лекин бу мунозараларнинг умри қисқа бўлганлигини таъкидлаб ўтаман. Келажак шеърияти Маяковский поэзиясидан ҳали кўп нарсалар урганани.

Нима бўлса ҳам, мен ўша кезларда айнан шундай сабоққа зор эдим. Маяковский ўлиמידан сўнг, тез орада, унинг «Ҳайқириқ» поэмасини таржима қилдим. Уйлайманки, таржима муваффақиятли чиқди ва бунинг сабабини уринишларимнинг якунигина деб изоҳлаб бўлмайди. Мен ушбу асар таржимасига шоир ўлиמידан вужудимда пайдо бўлган бутун изтироб ва пафосни сафарбар этдим; Маяковскийнинг ўлими, менинг шахсий қайғу-изтиробимга айланди. Маяковскийдан қилган таржима шеъриятда мен учун янги бурилиш тайин этди — бу ўринда «Турксиб» шеъримни назарда тутмоқдаман.

Мен Турксиб қурилишида икки марта бўлдим, ушбу сафарлар ҳақида иккита очерк ёздим ва менга бу мавзу «ҳал қилингандай» туюлди. Лекин орадан маълум бир муддат ўтгач, қурилиш ҳақидаги хотиралар яна тинчлик бермай кўйди. Ёдимда, бу воқеа кеңкурун содир бўлганди, бир ўртоқни йўлга кузатардим — у ўз навбатида, ижодий сафарга жўнамоқда эди; хайрлашув онлари ва Турксиб ҳақидаги ўз хотираларим таъсири остида мен ниҳоятда илиқ ҳаяжон оғушида қолдим. Қурилишга биринчи марта сафарга отланган ўртоқ мени диққат билан тинглар, ўзим ҳам кўтаринки руҳда ҳикоя қилардим — тўсатдан аввалги таассуротларим ниҳоятда ихчам ва ёрқин манзаралар тусига кириб бораётганини ҳис этдим.

Вокзалнинг қоронғи тош йўлларидан юриб келар эканман, шиддатли ва қудратли сўзлар тўлқини борлиғимни қамраб ола бошлади. Бу тўлқин, ким билади дейсиз, қаердадир олис-олисларда, беҳисоб кузатишлар ва чақмоқсифат фикрлар уммониди пайдо бўлиб, эндиликда эса, суронлар жарангоси аниқ эшитиларди. Мен бу тўлқиннинг асл моҳиятини англашга ҳали-ҳозир қодир эмас ва унинг яқинлашувини жон ҳовучлаган ҳолда бир оз сергак тортиб кутиб турардим — лекин бу тўлқин қайси ҳойда мени ўз оғушига олганини аниқ эслайман: тор кўнанинг ўртасида ёғду сочиб турган биргина дераза бўлиб, дарахт шохи уни пана қилган, хона ичкарасида эса, биллур қандил остида, бўш стол кўзга ташланарди...

Мен ўз очеркларимда қурилишдаги кишилар — фавкулотда яхлитлик касб этган таассуротлар йиғиндиси бўлмиш турли-туман қиёфалар ва лаҳжалар ҳақида; ишнинг сарҳад билмас кўлами тўғрисида, бепоён кенгликларда бир силтаб-қоқиб ташлаишини кутгандай ястаниб ётган кулранг-сарғиш чойшабдай, гоҳ ўз овига човут солаётган газабкор ваҳший мушукдай, гоҳ вужуд-вужудни жунжитувчи оппоқ қор денгизидай дашт биёбон ҳақида ёзгандим. «Асрий орзуларнинг ушалиши» — биринчи поездларнинг қатнови ёки қатнаётгани ҳақида қалам тебратгандим...

Эндиликда эса ана шу сарҳадсиз даштлик Замоннинг ўзи бўлиб кўз олдимда гавдаланди. Дақиқаларнинг чақмоқдай тез ўрин алмашишини асосида — гўё кўша кўринишдай — қурилишнинг ёддан ўчмас манзаралари-ю, қуюнлар гирдобиди ҳалокатга маҳкум карвоннинг ҳорғин йўл босиши; отлик галаларнинг аюҳанноси; кўчманчи қабилаларнинг чумоли тўдаларидай саргардонлиги ва ёки умуман йўқликнинг ўзидай бўм-бўш биёбон назарим қаршисидан бир-бир ўта бошлади... Сўзлар тўлқини зарбига дош беролмай қолдим. Тўлқинлар бир-бирини суриб, бир-бирига урилиб, ажаб бир оҳанг билан устимга ёпирилганди. Дафъатан сезиб қолдим: ахир бу шеърим мисраларнинг ўзгинаси-ку! Лекин шундай мисраларки, мен бунақасини ҳали ёзмаганман. Аммо бу оҳанг хотирада қолган таниш ҳижолаарнинг, бегона мисраларнинг қайтариғи эмас, балки шамолнинг шиддати, тўдаларнинг оёқ товуши, матоҳларнинг шитирлаши, тўёқларнинг гоҳ бир меъёрдаги, гоҳ нотекис дупури, дўмбиранинг жарангдор овози

эди... Ҳеч иккиланмасдан ўзимни ана шу оҳанг ихтиёрига отдим; оҳангни сўз билан тез ва осонликча тўлдириб бордим — образлар жонли қиёфага кира бошлади. Шу нарсани ҳис этдимки, парчалардан иборат манзараларни ушлаб қолмоқ керак экан (улар миямни тобора банд этар ва хаёлимда пайдарпай такрорланарди), ҳа, уларни ушлаб қолмоқ керак, акс ҳолда тўлқинлар ўрнида фақат ҳас-хашак қолади, холос. Аксинга олгандай, ёнимда қоғоз ҳам йўқ, чўнтагимда фақат газета бор ва мен қалам учини тишим билан очиб, газетанинг энсиз оқ хошиясига, кейин эса тўғридан-тўғри босма текстлар устига ёза бошладим, калламда уймалашиб ётган мисраларни қоғозга тушириб, ўзга мисраларга жой бўшатишим шарт эди...

Эрталаб ўрнимдан туриб, ер юзиде яшаш суруридаи саодатли ҳиссиёт моҳиятини бир дақиқа фикрлашга тутиндим — унинг моҳияти — шеърят экан!... Наридан-бири қоғозга туширилган мисралар стол устида ётарди, шахд билан ўрнимдан туриб, уларни ўқий бошладим. Тун мени алдамапти: ҳаммаси ўзим кутгандай амалга ошипти. Шиддатли пўртана аячли сунъий тўсиқларни иргитиб, қоя тошни эса яланғочлаб кетипти...

Газетада ишлаб юриб англадимки, илҳомни қўл қовуштириб қўтиб ўтириш ярамайди. Журналистика кузатиш (яъни оддийгина кўриб қўя қолишни эмас, балки кўрганларингни саралаб, зудлик билан қайд этиш)га ўргатар, бундан ташқари яна англаш жараёнини зўрлик билан тезлатиш — эндигина тўпланган материални қоғозга тушириш учун мия ва қўлга зўр беришни талаб қиларди. Вақтли матбуот, албатта, бусиз яшай олмайди, ёзувчи учун эса бундай машғулот ниҳоятда зарурдир. Борди-ю, бундай машғулот унинг ижодий қиёфаси бўлиб қолса, у ҳолда бундай кишини бутун умрга думбул меваларни узишда устаси фаранг деяверинг — яна айтаман, бундай киши, беихтиёр, бир пайтлари ўрнили топиб айтишганидай, мўхбирлик реализми (шундайки, бир мартагина кўриб ва эшитиб ифодаланган ҳақиқатдай)нинг қайд этувчисига айланади... Бу ўринда бошқа бир дахшатли хавф мавжуд: ихтиёрсиз равишда тайёр шакллар — сўз қолиплари ёки шакл андозаларидан фойдаланасан. Гап, янги сўзлар ва жанрларни кашф этиш учун вақт етишмайди, деган маънода эмас — йўқ, балки мундарижа каби шаклни ҳам шундоққина кашф этиш мумкин эмас. Улар сокин сув ости оқимида учрашиб, ўзинг англамаган ҳолда хотираларнинг минглаб нусхалари билан тўқнаш келади...

Поэтик иш кўз олдимда янги кўрinishда яна қайта намоён бўлди: ахир унинг мен кутмаган янгича маҳсули ўзимнинг кузатиш майдонимда рўёбга чиқди-да. Англадимки, бу майдон тупроғи зўрликни кўтармайди, балки чидам билан тер тўкишни тақозо қилади. Унга ўз пайтида ишлов бермоқ керак; шундагина вақти келиб, у саховатли бағрини кенг очади...

Ўз-ўзидан шундай ҳол юз бердики, журналистлик ишидан бирмунча четлашдим. Фарзанд туғилишини кутишганидай, мен шеър кутардим. Шеърлар дунёга кела бошлади: «Турксиб»дан сўнг тез орада «Яловбардорликка» ва яна бир неча шеърлар ёздим. Мазкур лирик шеърларимда эпикликка ҳос алланарсалар мавжуд, лекин уларни ҳақиқий маънода дoston деб атаб бўлмасди. Улар хотиралар қўйқумидан иборат эди, ҳар бир сатр остида маълум бир эпизод яширин, эпос борасидаги тажрибаларим эса, улардан қандайдир масофада ўзини вазини ва сипо тугар ҳамда имконият юзига келишини кутарди: ўша, ўттиз биринчи йилнинг ўзидаёқ, «Кўкан»нинг биринчи нусхасини ёздим.

Лекин, айтиш керакки, маззу мени ўзига ортиқча махлиё этиб қўйди. «Кўкан»нинг биринчи вариантда конфликт ҳақиқатан худди эртақдагидай тезоблик билан ҳал қилинади. Китобча нашрдан чиқиши биланоқ уни эълон қилишга шошилганимни сезиб қолдим. Хатони тузатишнинг биргина йўли бор эди, холос: мен дostonни қайта ишлашга тутиндим. «Кўкан»нинг янги вариантини ёзиб бўлганимда, аввалги китобча ҳамон соғувда эди, шекилли. Моҳият-эътибори билан булар икки дostonдан иборат эди — бири батрак. Кўкан, иккинчиси эса колхозчи Кўкан ҳақида. Аввалги материал асосида мен, юқорида айтиб ўтганимдай, психологик ўзгариш ва ички конфликтни очиб беришга, бугунги образлар ҳаққонийлигини эса оғзаки ижод либосига ўрамоққа интилдим...

«Кўкан»дан сўнг шеър ёзишни давом эттирдим. Аслида, шеър ёзмай қолган пайтим умуман бўлган эмас, инсон ҳақида ҳикоя бўлмиш поэма муваффақияти мени яна прозага қайтишга ундади. Халқ оғзаки ижодига иштиёқ болалик хотираларимни беихтиёр қўзғаб юборди: бадийятдаги халқ даҳоси ўзимнинг шахсий хотираларим билан мос эди. Ўттизинчи йилларда мен бир қатор ҳикоялар — уларнинг баъзиларини ҳозир ҳам ёқтираман — бир неча повестлар, жумладан болалигим «романи» бўлган «Шум бола» асарини ёздим.

Ўттизинчи йилларнинг боши ўзбек прозаси тарихида «ўз мавқеини ўзи белгилаб олиш» даври ҳам эди. Ортада эса Қодирийнинг романлари мавжуд; бу асарлар ёрқин имкониятларни намоён этиди... Шиддатли ҳаёт акс эттирилишига ташна ёзувчилар эса, воқеалардан нусха кўчириш ва ҳаваскорлик уйдирмалари ўртасида сарсон эдилар. Қизиқ бир мисол: ўйлаб топилган ёки эшитилган воқеани ёзишнинг ўзинёқ муваффақият учун етарли гаров бўлиб туюларди.

Ўзимнинг гуноҳим ўзгаларникидан кам эмасди; агар фелъетонбop ҳодиса кенг-роқ баён этиб берилса, ҳикоя учун тайёр асос бўлиб хизмат этади, деб ўйлардим. «Ёдгор» повести латифанамо вазият билан бошланади ва агар ҳақиқатни эътироф этиш лозим бўлса, асарнинг туғилиши ана шунинг учунгинадир. Ҳолбуки латифанамо вазият тасвири повесть учун тасодифий ибтидо бўлиб қолди, холос. Айрим пайтлари энди диятди бир ҳолатни бошдан кечирардим: инсон таржимаи ҳолини оддийгина баён қилиб бериш ҳар қандай ҳикоя учун етарлидай туюларди менга. Ҳаётини воқеани қайта ҳикоя қилиб бериш худди яхши латифани кенгайтириб баён этиш каби прозага алоқаси йўқлигини англаб етишим шарт эди. Бундай баёнчилик ихтиёрсиз амалга оши-

рилган фирибгарликдан бошқа нарса эмас: булар қадим пайтлардаги автоматик шахматларни эсга солади, ўлик катакларга жонли одамлар жойлаштирилгани билан ҳеч қандай машина юзага келмаган.

Уттизинчи йиллар бошида ёзилган «Нетай» повести ҳақиқий реал воқеага асосланган бўлиб, аччиқ фожеа туфайли исловатхонага тушиб қолган бахти қаро бир ўзбек қизининг тарихдан ҳикоя қилади. Айтишим керакки, қаҳрамоннинг ўзи сўзлаб берган бу тарих шундай: «бу дўзах азобидан тез орада қутулади, бир амаллаб ўз ҳаётини изга солади, кейин турмушга чиқади. Бу менга катта бир роман учун материал бўлиб туюлди (мен ҳам ёзишни пайсалга солиб ўтирмадим), ёзиш жараёнида эса, воқеалар ихчам тортиб кетди, биринчи қисмини тугатмасимданоқ асар учун нуқта қўйиш хавфи туғилди. Амалда шундай бўлди ҳам. Бундан ўзимга яраша хулоса чиқариб олдим. Кейин, орадан бирмунча вақт ўтгач, аёл тақдирини ҳақида унинг бутун умр йўлини қамраб олган «Чўтир аёлнинг бахти» ҳикоясини ёздим, асар воқеаларини бир неча саҳифага жойладим. Уйлашимча айрим пайтлари инсон тақдирига хос воқеалар ихчамлашса фақат ютади: улар қандайдир даражада пружинага айланади-ю, тарангликни китобхон қалбидагина бўшатади.

Ҳар қандай проза асарини ёзиш мен учун қийин бўлса-да, «Шум бола» повести ўстида ишлаш жараёнида қувноқ бир кайфият ҳамишалик ҳамроҳимга айланди. Тўғриси айтганда, асардан дастлабки кутган мақсадим нима эди — болалигим ҳақида автобиографик қисса яратишни ва ёки болалар учун қувноқ саргузаштларга тўлиб-тошган китобча ёзишми? Ҳозир бу ҳақда аниқ бир нарса айтишим мушкул. Ҳар бир адиб ўзининг етуклик палласида сезиб қолгани каби, мен ҳам бировлар ҳаётига тааллуқли тарих урвоқларини йиғиб юрганим, аслида эса ўзимгагина тегишли бўлган энг азиз ва бой шахсий материаллар гўбор тегмай ётганлигини ҳис этдим... Мен фикран болалик хотираларимни (бу хотиралар шу даражада кўпки, ҳар қандай асар ҳам уни ўзи-жа жо қилолмайди) тиклар, пахсадевор уйлар, чанг-тўзонли кўчалар хўжайини бўлмиш оёқяланг болакайнинг қувонч ва кулфатларга тўла қисмати ҳақида илк бобларни қоғозга туширар эканман, мен ўзим ҳақимда ёзаётганимга сидқидилдан ишонардим. Аслида ҳам шундай эди: лекин бир пайт, Шум болага беихтиёр четдан назар ташладим ва англадимки, Шум бола тақдирини айнан менинг тақдирим қайтариги эмас экан. Унинг тақдирига менинг ҳеч қандай алоқам ҳам йўқдир. Ўзим англамаган ҳолда, юзлаб йиллар давомида халқим болалари бошдан кечирган кўпгина саргузаштларни қаҳрамоним қиёфасига сингдира бошлаган эканман. Буни сезиб қолиб ҳайратга тушдим. Ахир, мен ўз болалигимни бўяб-бежовчи эмасдим-ку. Аксинча! Эндиликда воқеалар тарихга айланиб қолган бир пайтда улар ичига чуқур кириб, бор ҳақиқатни айтмоқчи — хотираларга ҳатто сеҳрли кўзойнак ва кўп қиррали шиша синиқлари орасидан боқанда ҳам болалигим даҳшатлари даҳшатлигича қолаверади, демоқчи эдим-ку. Ҳа, менинг Шум болам кейинчалик ундан ёзувчи чиққан Ғафур исмли бола эмасди. Йўқ, у оддий ўзбек боласи эди, ўз даврида ҳам, ундан аввалги асрларда ҳам бундайлар мингларча топиларди; улар бошдан кечирган саргузаштлар менинг қаҳрамонимга ҳам хос, лекин Шум бола саргузаштлари улар учун ҳам умумий бўлиб қолиши мумкин эди.

Айтганларим фақат чиройли сўзлар эмас. Қиссанинг биринчи бобида шундай эпизод бор: Шум бола «Палов халфанаси» учун уйдан тухум ва бир бўлак ёғ ўғирлайди. Липпасига қистирилган ёғ иштонини почасидан эриб туша бошлайди, ғазабланган она қосов билан унинг бошига солади, дуппи остига яширган тухум ёрилиб, икки чаккасидан оқиб кетади, буни кўрган она боламнинг бошини ёриб қўйдим, деб ваҳимада... Бу воқеани ўзим, яъни сиз билан сўзлашиб турган калмина бошдан кечирганман. Унда мен тўққиз ёшда эдим: фақат бошимга қосов билан солган онам эмас, бувим эди... Энди эса, худди шундай воқеа тасвирини ипидан-игнасиғича туркман халқ эртаклари тўпламида учратиб қолиб, қанчалар ҳайратга тушганимни тасаввур қилинг...

Ҳа, Шум бола мен эдим, айти пайтда мен эмасдим ҳам. Бир қанча саҳифаларни қоралаб бўлгач, қаҳрамоним исмини ҳеч қаерда қайд этмаганимни сезиб қолдим. Қисса биринчи шахс номидан ҳикоя қилинганди. Унинг исми оддийгина Шум бола... Қаҳрамонимнинг исми йўқлигини англаганимдан кейин унчалик ташвишланмай қўйдим. Бизда: «Эгаси йўқ, нарса афандиники» деган гап бор. Бу ерда ҳам шундай бўлди. Мен тасвирлаган айрим воқеалар ҳаётда ҳам, эртакларда ҳам учраб турар, бунга эса Шум боланинг ҳаққи бор эди; лекин бу ҳақ-хуқуқ Шум бола халқнинг вужуд-вужудидан бино бўлгани оқибатидангина эмас; йўқ унинг ўзи том маънода халқ қаҳрамони эди... Мушоҳада юритиб кўринг: ана шу норасида, фақир-етим тақдирини беҳад фожеа; лекин унинг ўзи шунчалар битмас-туганмас кучга эгадирки, ҳар қандай омадсизликка қудратли неқбинлик туйғусини ва беозор муғомбирликни, ҳар қандай тушқунликка юмор туйғусини қарши қўя олади, ҳар бир маккор душманнинг мазохга мойил жиҳати, ожиз томонини кўра билади. Ана шу омади юришмаган, бошпанасиз йигитча оғир вазиятлар устидан ҳам, давлагманд бойлар-у, айёр савдогарлар устидан ҳам ғолиб чиқади... Мен ўз қаҳрамоним билан видолашув чоғимда кўзда ёш билан эмас, балки ҳайрат ва миннатдорлик туйғусида қоламан, деб ўйлардим: тушқунликка берилмай, домийи курашчан бўлишга у мени ҳам ўргатиб қўйди. Аслида, Шум бола ўсмир Насриддиннинг ўзи, лекин бевосита болалик фазилатлари билан Насриддинга қараганда имкониятларга бойроқ эди. Ахир навқирон Насриддин зарур бўлганда соддалар гўл қиёфага кириши лозим бўлса, Шум бола буни табиий суратда соҳирлик билан амалга ошира олади. Бошқа томондан, боланинг қилиқлари ҳақиқатан ҳам шубҳа туғдирмайди. Аслида, у барча қилмиш-қидирмишлари билан гўдакларча соф ва шунинг учун ёлғон-яшиқ қаердаю ҳақиқат қаерда, саҳоват қаердаю ёвузлик қаердалигини айрим ўринларда катталардан кўра яхшироқ фаҳмлайди.

Ўз персонажимга нисбатан бу қадар мадҳу сано, балки, сизда кулги уйғотар,

лекин менинг унга муносабатим ўзим яратган қахрамонга эмас, балки унинг ортидаги ўз болагим, мени дунёга келтирган халқим хислатларига меҳр-оқибат туфайлидир. Менинг ўзим ҳам, очигини айтганда, бу асарни қалб амрига қулоқ солиб яратдим.

Қисса ўттиз иккинчи йили бошланиб, шу йили ниҳоясига етказилган. Қўлёзма аллақачон босмаҳонада экан, мен эсам, бу ишни давом эттиришдан воз кечолмас, қандайдир манзаралар бир-бири билан ўрин алмашиб, аввалгидай кўз олдимда жонланарди. Зудлик билан асарни давом эттиришга киришдим. Мақтанаш бўлмасин-у, асар китобхонларга манзур бўлди ва орадан бир йил ўтмасдан унинг навбатдаги қисмини ёза бошладим — учта боб ёздим... Уни «Муштум» журнали чоп этди. Шум бола маҳалла ва бозорларда яна пайдо бўлар, шумлик қилар ва хоҳолар, дўппосланар ва ўзини панага урарди... Боблар ҳам боб дегулик: кўринишдан, аввалгиларидан устун бўлса борки, камлик жойи йўқ. Бирдан ёзганларимни журнал саҳифаларида ўқиб кўриб, улар менга, нима десам экан, яроқсиздай туюлди. Еир латифани маълум кишига яна қайта сўзлаб бергандай, ноқулай аҳволга тушдим. Номус кучли деганларидай мен ўша пайтда ёзганларимга ортиқ назар ташламадим ҳам, ноқулайлик туйғуси мени ҳамон эзиб келарди: ўшандан бери бу ҳақда бировга оғиз очишга ҳам журъат қилолмайман...

Шундай бўлса-да, асарни давом эттириш ниятидан воз кечганим йўқ. Ёдимда, шундай вариантни ҳам ўйлаб қўйгандим: Шум болз товўқхонада ўтириб, хом хаёлга берилади — Ҳиндистонга саёҳат қилиш мақсадида ўзи ишлаб топган пулнинг бир қисми ва ул-бул нарсалар жамғаришга жазм этади. Ниҳоят сафарга отланади ҳам; лекин бир ҳафта давомида саргардон кезиб, жамғарган пуллари ва молларини исроф қилиб, Ҳиндистонга бориш тугул, Тошкентдан ташқарига ҳам чиқолмайди... Яна бир қанча кулгили воқеалар тизмаси пайдо бўлди, ҳаёт чархпалаги аввалгидай Шум боланинг бебошлик ва фожеага тўла саргузаштларини ҳаракатга келтирди. Лекин яна нимадир ёзишдан мени тўхтатиб қолди.

Орадан, чамаси, йигирма йиллар ўтгач, «Шум бола» қиссасини ҳар ҳолда кенгайтирдим (аввалги воқеалар асосида қайта ишладим), ана шу иш жараёнида, ниҳоят, гап нимада эканлигини тушундим.

Қисса фабуласини янги-янги эпизодлар эвазига яна узоқ давом эттириш мумкин эди; ўз навбатида, бу ниҳоятда қизиқарли машғулот эди. Лекин сюжетнинг ўз қонуниятлари бор: ёзилган боблар даврнинг маълум бўлагини, қахрамон маънавий тарихининг қандайдир бир қисмини қамраб олган эди. Булар китобда яшаш ҳуқуқини олган, энди яна қайта бор такрорланиши мумкин эмасди. Бундан ташқари, бола ҳаётидан олинган кичик тарих ортида катта тарихнинг ўзи бўй кўрсатиб турарди; шунинг ўзи Шум бола қилмиш-қидирмишларининг — унинг белгилари асарда у ёки бу тарзда фон сифатида назарга ташланса-да — ҳақиқий моҳиятини ифодалаб турарди. Агар чуқурроқ разм солинса, урушнинг ҳам реал, ҳам киноявий-мажозий акс-содоси, яшаш учун энг зарурий имкониятлардан маҳрум этилган омманинг ўн олтинчи йил кўзғолонига келиб қўшилажак оқ тўла ноласи, ҳадсиз жабр-зулмдан сабр косаси тўлган кишиларнинг қалб уриши, эски турмушнинг муқаррар суратда ҳалокатга маҳкум эканлиги асарнинг латифанамо оҳангидан яққол сезилиб туради. Бу менинг онгли суратда амалга оширган хизматим эмас: бу хотиранинг холисона гувоҳлигидир. Ҳали оқ-қорани танимаган, қувғинди, бошпанасиз болакай ноинсоний зулмкор жамиятни таг-томири билан қўпориб ташлашга ҳозирланаётган буюк қудратли кучнинг кичик бири зарраси, холос. Мазохбоп-хотиржамлик салтанатидаги бангихона тинчини батамом портлатиб ташлаш ва шу йўл билан унга барҳам бериш зарур эди. Қиссада бангихона портлаши боланинг кирдикорларидан бири каби тасаввур қолдирса-да, аслида бу ҳол чуқур рамзий маънога эга... Асар воқеаси кечаётган тарихий давр революция арафасидир: қисса қахрамони учун эса ўсмирлик, етуклик, мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасидир. Қандайдир нуқтада ана шу икки линия муқаррар бир-бири билан бирлашади ва айни шу ерда Шум бола ҳаёти тарихининг давоми, сюжет ва мундарижанинг давоми, моҳияти яширинган.

Асарни шу тартибда давом эттириш, албатта, мушкулроқ. Бу ҳолда автобиографиявийлик ўзгача моҳият касб этади... Давом эттириш лозим бўлса, Шум боланинг онаси вафотидан ёза бошлаган маъқул... Ҳа, ҳа, етим сингилларига бош бўлиб, фақат бола қолади. Узим ҳам шундай воқеани бошдан кечирганман; онам аллақачонлар вафот этиб кетган; ўн беш ёшимда эса, отамиздан ажралганмиз. Шундай ёшда оилага бош бўлиш қисмати масъулият юкини жуда эрта елкамга ортди. Шу сабабдан ҳам мен революцияни катталардай онгли суратда, айни пайтда, болалардай қувонч билан қарши олдим... Йўқ, бунақа Шум бола ҳақида ёзиш осон эмас, лекин бари бир ёзишга уннаб кўраман.

Айрим пайтларда амалга оширилган ишнинг хусусида ўйга чўмаркансан, умумий кузатишларга кўндаланг келиб қоласан. Бундан уч йилча муқаддам, «Шум бола»ни қайта ўқиб, ана шу жанрнинг классик асарлари мажмуидлигини, мен эсам ўшанда ўзим учун ниҳоятда шахсий бўлган бу асарни ёзаётганимда, мазкур жанр ҳақида тасаввурга эга бўлмаган ҳолда, унинг барча қонуниятларига тўла амал қилганимни сезиб қолдим. Энди эса, кексайган чоғимда, кўп нарсаларни ўқиб-ўрганган бир пайтда, асарим саҳифаларидан классик Ласарилони ёки унинг адабий амакиваччаларидан бири — эски феодал Испаниясидан инқилоб арафасидаги феодал Туркистонига кўчиб ўтган қахрамонни кўриб турибман...

Аламли, фожеий, улуғ жанг йиллари мен бутун борлигимни шеърят майдонига ташладим. Висолга ташна, қайғу-ҳасратларга тўла онлар вужудимни тўла-тўқис қамраб олди. Бу вужуд эса, ток ургандай доимий сергакликда: қалб парчасига айланган кишилар ҳар қадамда ҳалок бўлаётир, ташлаб чиқилган шахарлар рўйхатида дилга

ра, тасодифий иликликдан алданган баҳорги новдадай, бағр ёзишга улгурмай қолди. Ундан кейин бир неча кун давомида турли хил мисралар туғилар, бир муддат яшар ва ғойиб бўларди: улар жуда кўп ва ҳаммаси ҳар хил мавзуларда эди. Мисралар музёраар кема ортидаги муз парчаларидай бир-бири устига қалашар ва шитоб билан атрофга тарқаларди. Ёзиш зарурати менда тобора кучайиб бораверди, лекин Вақт образи денгиз сатҳидай бепоён: бу қирғоқда турган ҳолда унинг рўпарадаги қирғоғини тасаввур этолмасдим...

Бир кун эрталаб, бедор тундан сўнг шаҳар айлангани чиқдим, кўчаларни кездим ва ўзимни китоб наشريёти эшиги олдида кўрдим. Адабиёт редакциясида икки киши: дўстларимдан бири — муҳаррир ва яна корректор қиз ўтирарди. Ихтиёрим ўзимда бўлмаган кўйи улар билан саломлашдим, саволларига худди шундай жавоб қайтардим: қиз менга нисбатан қия ўтирарди, унинг йирик парқув киприкларига диққатим тортилди. Киприклар худди тунги капалак қанотларидай енгил кўтарилиб тушарди... Яна эътибор билан назар ташладим: капалак қанотлари яна ёзилди, кўтарилди... ва мен ана шу фурсатни зўр-базўр илғай олдим. Абадийликнинг иккинчи қирғоғи, ибтидоининг ибтидоси — шу фурсатнинг ўзгинаси эмасми бу! Дақиқанинг жонли тимсоли... киприк очилгунча ўтган муддат... шунинг ўзи эмасми, ахир!... Мени кўпдан бери қийноққа солган, уни қўлга киритиш қуруқ ҳавонинг ўзидан бор нарса бунёд этишдек сеҳрли туюлган энг асосий мисраларнинг ўзи тўсатдан ҳузуримда пайдо бўлди-ю, рангдор мушаклардай тасаввурим кўкини нурларга кўмди. Мен қоғоз сўрадим ва ҳеч нарсага парво қилмай ёзишга тутиндим...

«Шарқдан келаётирман» китобимда «Хотин» деган шеърим бор; хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлилиги мавзуи биз учун тема эмас, ҳолбуки бу мавзуда қанчадан-қанча мисра ва саҳифалар яратилган. Баъзи қуруқ асарларни ўқир эканман, беихтиёр аёл гўзаллиги шамсу қамарга қиёсланган қадимий ғазаллар ёдимга тушади. Ҳолбуки, шу хил ғазаллар битилган пайтда хотин-қизлар ичкарининг зах ғурбатхонасида нурга ташна эди. Шеърий баландпарвозлик билан қадимий «Одоб китоби»дан ёдимда қолган кўйидаги насиҳатни қиёслаб кўринг: «Хотин билан муомалада марҳаматли бўлиш керак, чунки унинг асирдан фарқи йўқ, асирларга эса шафқатда бўлиш лозим...» дейилади унда. Йўқ, аёл шаънига мадҳу сано ўқиб, унинг фазилат ва хизматларини қайд этиш, шу билан маззунинг долзарблигини оқлаш керак эмас; тема бунга муҳтож ҳам эмас! Аксинча, уни баландпарвозлик қобилигидан халос этиб, қонун йўли билан мустақамланган тенг ҳуқуқлилигининг табиийлигини таъкидлаб кўрсатиш лозим...

Бошқа бир асарим — ўша пайтларда яратган «Мен яҳудий» шеърим «ижодий тарихга», менимча, янада ёрқинроқ мисол бўла олади.

Яқинда тошкентлик бир ўқитувчидан мактуб олдим, у: «Нима учун мазкур шеърни тўпламларингизда қайта нашр эттирмайсиз ёки ундан воз кечдингизми?» деб сўрапти. Мен унга дарҳол жавоб ёздим. Ҳузурига ўзим бормоқчи эдим тобим келишмай қолди. Дарҳақиқат, нега бу шеърни қайта нашр эттирмаяпман? Хаёлдан кўтарилиб қолаётганими? Ёки бошқа бир сабабданми? Қизиқ, бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман. Ҳолбуки, бу шеърга бошқа асарларимга қараганда ихлосим баланд, давр қанчалар оғир бўлмасин, мазкур асар ёзилган пайтларни мен ҳасад туйғуси билан эсламан; куч-гайратга тўла йигитлик чоғларимни, ўша пайтларда мен ҳамсуҳбат бўлганим ва мазкур шеър темасини «айтиб берган» кишини ҳамisha соғинч билан ёдга оламан. Бу инсон — Йўлдош Охунбобоев эди.

Уруш бошланган дастлабки кунларнинг бирида Йўлдош Охунбобоев мени ҳузурига чақирди (бундай ҳол тез-тез бўлиб турарди) ва яҳудий чоллар делегацияси унинг олдига ташриф буюрганини айтди. «Улар менга бир илтимос билан мурожаат қилишди;— деди у,— ўйламанки, илтимосларни ўринли. Хабаринг бор, фашистлар ўз ирқий назариялари ҳақида бутун дунёга аюҳаннос солиб, уни зўр бериб амалга оширишяпти... Албатта,— ўз сўзини ўзи бўлиб, чеҳраси тундлашиб, давом этди у,— албатта, биз ҳам жим ўтирганимиз йўқ, ҳам сўз, ҳам амалий иш билан зарба беряпмиз! Зарба беряпмиз... Лекин, биласанми, бу ўринда шоирона сўз керак. Ҳа, бўҳтон ва ваҳшийликни фош этувчи қудратли сўз керак. Чоллар мана шу ҳақда илтимос қилишди. Бу иш-ни сен уддалай оласан, деб ўйладим... Хўш, нима дейсан?»

Мен унинг ҳузуридан жуда кеч чиқдим. Сухбат учун ўртамизда ҳамisha мавзу топилар, бундан ташқари, иккимиз ҳам яхши билган ва севган ширадор халқ сўзлашув тилидан ҳузур қилардик. Қоронғи кўчалардан борар эканман «ижтимоий буюртма» ҳақида ўй сурардим.

Болалик йилларимданоқ Бухоро яҳудийлари ҳақида яхши тасаввурга эга эдим. Лекин бу ҳозирги замон чегараларидан нарёқдаги хотиралар эди ва мен уларни ҳозиргига асло қиёс қилолмайман. Ер юзига сариқ вабо кўланка ташламагунча, фашистларнинг ёвуз қилмишлари ва таъқиблари ҳақида газеталар, китоблар, журналлар олам узра жар солмагунча мен бу муаммо ҳақида асло ўйлаб кўрмагандим. Аслида ҳеч қандай муаммо йўқ эди ҳам. Фашизм ўзининг инсонга нафрат мантиқи билан аён бўлса-да, бошқа бир нарсани англаш қийин эди. Ана шу ёвузликда айрим кишининг иштироки қандай? Қандай қилиб бу хил қабиҳлик унинг миясига ўрнаша олган? Ахир, у ерда ҳамма ҳам ваҳший эмас-ку...

Ҳар қандай ўқимшли одам қаби, мен ҳам яҳудийлар тарихидан озми-кўпми хабардор эдим, лекин антисемитизмнинг ўтмиш илдиэлари мени қизиқтирмас, аслида гап бу ҳақда эмасди. Илдиз илдиз билан-у, лекин ҳеч ким антисемит ёки ирқчи бўлиб туғилмайди, балки шундай бўлиб шаклланади. Бироқ, қандай йўл билан? Бирдан тушуниб қолдим: аблаҳ одам қандай шаклланса, худди шу йўл билан, яъни, номардик, пасткашлик туфайли шаклланади. Бундан ўзгача йўл билан эмас. Ҳар қандай ан-

тисемиг ва ирқчи психологияси замирида кўринишдан жуда содда ва қиёсан гўё беозор бўлган: «яхшиям яҳудий бўлиб туғилмаганман...» ёки «яхшиям негр эмасман» деган тушунча ётади.

Кўча ўртасида тўхтадим, гўё мен сари пешвоз чиққан фикр кўксимга урилгандай жойимда қотдим ва:

— Мен яҳудийман!.. — дедим ҳайқириб.

Кўча кимсасиз эди, лекин ҳар ҳолда қандайдир йўловчи ҳайратланиб тўхтаб қолганини сездим. Бу ҳол менинг учун бефарқ эди, чунки менинг ҳайқиригимни олам тинглаши керак. Бу ҳайқириқ кейинчалик минбарларда, гулдурос қарсақлар остида жуда кўп марта жаранглади!.. Шеър шу тариқа бошланди. Қолганини тонгга қадар тугалладим, серлавҳаси остига «Гитлерга жавоб» деб қўйдим...

Умрим давомида мени беҳисоб фахрли унвонлар билан тақдирладилар. Бу унвонлар қилган хизматларимдан кўра кўпроқ, лекин, яширишнинг ҳожати йўқ, мен улар билан ғурурланаман: нима бўлса ҳам бу фахрли унвонлар умрим бефойда ўтмаганига гувоҳлик беради. Аммо забардаст шоирлар қўлидан келадиған ишни танҳо ўзи адо этган, шунга қарамай, бир асрлик умри хору зорликда кечган юз ёшли Фирдавдо сийни ёки сўнгги нафасига қадар бирорта унвон билан тақдирланмаган донишманд шайх Саъдийни эсласам, ҳижолатдан бир оз ноқулай ҳолатга тушаман. Тириқлик пайтимиздаёқ бизни ортиқча эркалатиб юборишмаяптимики? Албатта, тириқ классик бўлиб юриш хуш ёқад-и, лекин, эй сиз менинг азиз ҳамкасбларим, биз муқаррар суратда қақриллажак авлодлар хаками қаршисида юзимиз ёруғ бўлсин-да, унда юз-хотир бўлмайди...

Худо урсин агар, бу ҳақда ўйлаб кўриш зарар қилмайди. Ҳа, биз бугунги кун билан яшаб, унинг учун меҳнат қиляпмиз, лекин вақтнинг аёвсиз синовларига дош бериб, кейин ундан нима қолишини ҳис эта билиш ва одамларга боримизни кўрсата олиш ҳам бизнинг бурчимиз.

Ўзимни адиб сифатида таниганимдан бери мен ҳамиша газета учун ишлаб келдим. Баъзи бирларга бундай меҳнат катта адабиёт олдида гўё «мардикорлик», «майда иш» бўлиб туюлса-да, мен бундан ҳеч қачон ўзимни четга тортган эмасман. Лекин, газетага берад экансан, ундан ола билиш ҳам керак — мен қалам ҳақини назарда тутаётганим йўқ, албатта. Кечаги сонидан чиқиб, бир марта ўқиш ва нарса ўрашдан бошқага ярамай қолган газета ичидан бугун ҳам яшаш ҳуқуқига эга материалларни инобатга ола билиш лозим. Уйлашимча, совет адабиёти учун, моҳият-эътибори билан ҳар қандай ҳақиқий адабиёт учун характерли бўлган фазилат — шеърят билан сиёсатни бирлаштириш, «давр ва ўзликини» уйғунлаштириш уқувидир. Аммо-лекин афсуслар бўлсинки, айрим сув ўқмас «хунармандлар» адабиётнинг ана шу фазилатига доғ тушириб, қаламқаш ниқоби остида ёзувчилик шаънига иснод келтирмоқдалар!

Яқинда менга «классик билан бўлган» ибратомуз бир воқеа ҳақида ҳикоя қилиб беришди.

Жанубдаги республикаларимиздан бирида мўтабар шоир яшар, турли хил президиумлар йиғилишида муттасил иштирок қилар ва кўплаб редколлегияларнинг состида ўрни бор экан. Биласизми, шоирлар ичида шундай номлар борки, газеталар байрам кунларида уларсиз чиқишни ўзлари учун эп кўрмайдилар. Хуллас, у шу қадар ном қозонган экан... Шу одам олтмишга кирипти. Яъни шу ёшга тўқнаш келиб қолипти. Одат тусига кириб қолганидай, олтмиш йиллик умр ва қирқ йиллик ижодий фаолиятни нишонлаш лозим. Шу муносабат билан унинг «Танланган шеърлар» юбилей китобини зудлик билан нашр этишга қарор қилишипти. Китобни тартибга сола бошлашипти ҳам... Хўш, кейин-чи? Унинг ижод бисотидан қирқта Биринчи майга бағишланган, қирқта — Ёттинчи ноябрга, қирқта — Янги йилга, қирқта — Саккизинчи март, қирқта — Совет Армияси кунига аталган шеър топишипти. Юбилей асарини тузувчилар шоир ҳузурига келиб: аҳвол шунақа, домла, кеириасиз, китобингизни бир шаклга келтириш мушкул бўляпти, дейишипти... Ҳеч қиси йўқ, депти шоир, юбилей китобига ўтказса ҳам бўлгачеради... Хўш, нима дейсиз? Юбилей тантана билан ўтипти. Тантана билан! Юбилейни албатта табриклашипти ва унга янада ижодий омадлар тилашипти...

Латифа деб ўйларсиз буни? Балки, латифадир. Нима десангиз ҳам бу менинг тўқимам эмас. Бундан ташқари, ҳар бир ҳазил тагида зил ҳақиқат ётади, мен айтиб берган воқеа ҳам шуниси билан ибратли.

Ўзим ҳам қўсурлардан ҳоли бўлмаган ҳолда баъзи пайтлари мазахталаб бўлиб, ҳамкасбларим жиғига тегишни яхши кўраман, ўзимга мансуб айрим мисраларни ҳам, уларга пародия ёзиш мумкин бўлмасмикин, деб назардан ўтказаман... Афсуски, йиллар оша бу шеърлар қандай жаранглашини тасаввур этиш мушкул. Бундан икки йилча бурун удабурро маъмурий ходимлардан бири шоирлардан бир нечасини тўплаб, биргаликда Тошкент ҳақида поэма ёзиш ва уни конвертга жойлаб, сўргичлаб, дўстлик рамзи сифатида сақлаш ҳамда икки мингинчи йилда очиб ўқиб кўриш учун мосқалликларга тақдим этиш фикрини ўртага ташлади. Шоирлар кулидан ўзларини аранг тийиб, бунинг учун қанча муҳлат берилишини сўрашди ундан. У бир лаҳза ўйлаб турди-да, «Бир ҳафта етар!..» деди. Балки ҳақиқатан ҳам, унинг иши бошидан ошиб-тошиб ётадигандир ва мулоҳаза юриштишга вақти етишмас. Акс ҳолда, ўттиз беш йилдан сўнг жидгандай ўқилиши лозим асар қандай бўлишини тасаввур этишга урғиниб кўради. Юқорида ҳикоя қилганим «мўтабар шоир» ҳам келажак ҳақида асло ўй сўриб ўтирмаган кўринади.

Ҳарҳолда, умри боқий шеърлар қандай бўлиши керак?..

Бунинг биргина, олисдан туриб бўлса-да, тасаввур этиб кўриш усули бор: асрлар қаъридан бизгача етиб келган асарларни қайта-қайта ўқиш усули.


Албатта, тайёр нарсалардан андоза кўчириш эмас, балки асарнинг яшовчанлигини таъминлаган маҳорат жидоси ва маънавий юксаклик сирларини холисона кузатиб ўрганиш лозим. Ниҳоят, ўзгалар услубини рад этиш ҳам мумкин. Аслида услуб деганларнинг ўзи нима? Бу — сўзлар ифодасининг фикрларинг ифодасига энг кўп яқинлашуви демак... Ўрганиш ана шу йўсинда бўлиши лозим ва мен бундай сабоқларга тез-тез эҳтиёж сезаман. Сўзлар бегоналаша бошлаган ва ҳар қандай куч билан уни қоғозга тушириш мушкул бўлиб қолган кун, ой ёки соатда мен ҳамиша қариялар ҳузурига ошиқаман. Саъдий, Ҳофиз, Хайём... дан таржима қиламан. Димиққан хонам даричаси очилиб, ичкарига тоза ҳаво киргандай бўлади.

Мен ўқиб-ўрганишдан ҳеч қачон толиқмайман. Фақат бир нарсадан кўнглим тўлмаган — ўзининг маҳорат сирларини китоблари орқали эмас, балки ўз оғзи, ўз қўли билан менга ишониб топширган жонли устод ёнимда бўлмаганидан афсус чекаман. Адабий жараён ҳақида сўзлар эканмиз, биз кўпинча эстафетани ёдга оламиз, лекин эстафета, бу — моҳият-эътибори билан қўлдан-қўлга ўтажак ҳодисанинг айнан ўзи эканлигини унутиб қўямиз. Қандайдир ссниялар ичра ана шу занжир узилиб қолар экан, йўқотилган ижодий зарядларни тиклаш, беамар исроф этилган таассуротларни қайта бор қилиш учун, велосипедни янгидан ихтиро қилишдек, қанчадан-қанча сир-асрор ичига кириб бормоқ, машаққатли ва ортиқча куч-ғайрат сарфламоқ керак бўлади.

Тирик Ҳамзадан сабоқ олган Яшинга қанчалар ҳавас қилганим ёдимда! Мен эсам Ҳамзани бир неча бор кўрганман, холос.

Авлодларнинг жонли алоқаси, бу — ниҳоятда ажойиб ва муҳим муносабат...

Ва мен, кекса ёзувчилар сафидан ўрин олган пайтимда ҳам, ана шу муносабат хусусида қайғураман. Ишонаманки, эртимда шогирдларим бор, ҳеч қачон шахсий майлларим ва усулларимни тикиштирмаган ҳолда уларга иложи борича саховатпарвар бўлдим. Биламан, улар мендан ўзиб кетишмоқда, ҳолбуки даврга пешвоз чиқишда мен биринчилардан эдим. Нима ҳам дердим, йўлингиз бехатар бўлсин! Ахир ижоднинг моҳияти асли шунда-да.



Ҳ. Раҳматуллаев. Гафур Ғулломнинг «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган «Вақт» китобида ишланган суратлар.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

(Ўзбекистон халқ ёзувчиси Йўлдош Шамшаров 75 ёшда)

Ўзбек совет адабиётининг тамал тошини қўйган биринчи бўғинга мансуб ёзувчилар социалистик маданиятимизнинг қалдирғочлари сифатида биринчи студент, биринчи муаллим, биринчи журналист, биринчи шоир ва носир, биринчи танқидчи эдилар. Улар ўзларининг серқирра фаолиятларида Ҳамза Ҳакимзода Ниязийдан ибрат олардилар, унга эргашардилар. Ана шу биринчилар зумрасига, адабиётимиз ривожига ўз улушини қўшган очеркнавис, таржимон, романнавис, қатор ҳужжатли қиссалар муаллифи Йўлдош Шамшаров ҳам кириди.

Йўлдош Шамшаров 1907 йили 30 декабрда Наманган музофотида қарашли Олмос қишлоғида, батрак Шамшар Қосим ўғли оиласида дунёга келди. У уч ёшга кирганда оғир меҳнат билан қўл учиде рўзгор тебратаётган Шамшар ака вафот этади. Оилани боқиб ташвиши онаси Маҳкамбийи зиммасига тушади. Ҳар ишга қобилиятли бу аёл қишлоқда чевар сифатида танилган эди. У кечалари уйқу билмай, гоҳ одамларнинг кийимини тикар, гоҳ нон ёпиб сотар, қандай қилиб бўлмасин фарзандларини ҳеч нарсага муҳтож қилмасликка интиларди.

Дастлаб эски усулдаги мактабга қатнаб кўрган Йўлдош, у ерда кутган билимини ололмай, уни ташлаб кетади. 1924 йили Собит муаллим очган мактабда ўқийди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Қўқондаги интернатга, сўнг Тошкентга келиб ўрдада жойлашган мактабда машғулотни давом эттиради. Мактаб-интернат Тошкентдан аввал

Қовунчида, кейин Вревскийга кўчирилади. У ерда «етти йиллик маълумот эгаси», деган гувоҳномани олгач, яна Тошкентга — Округ комсомол комитети ихтиёрига юборилади. Округ комсомол комитети йўлланмаси билан Қўйи Чирчиққа бориб комсомол комитетида ишлайди, комсомол ва партия ячейкалари тузади. Ижтимоий ишларни йўлга қўйиб, уни давом эттиришни маҳаллий ёшларга топширади.

1928 йили Чиноз яқинидаги Гулқишлоқда мактаб ташкил қилиб, ҳам раҳбар, ҳам муаллим бўлиб ишлагач, бир оз муддатдан кейин Поп районида юборилади. У ерда маориф мудирини, райисполком ходими вазифаларида хизмат қиладди.

Йўлдош Шамшаров қаерда ва қандай ишни бошқармасин, ҳали билими етарли эмаслигини сезади. Дурустроқ маълумот олиш истаги уни 1930 йили Фарғона давлат педагогика институтига бошлаб келади. Уша даврда институтда таниқли озарбайжон олими Бакир Чўпонзода дарс берарди. Бир қанча ғарб ва шарқ тилларини билган Чўпонзода ёшларнинг ўсишига кўмаклашар, қобилиятли студентларни ижодга, илмга жалб этишни яхши кўрарди.

— Бир куни «Муму»ни ҳижжалаб ўқиб ўтирганимда, — деб эслайди Йўлдош ака, — домла Чўпонзода кўриб қолиб, тепамга келди. Қўлимдаги Тургенев китобига ишора қилиб, «Ҳа, яхши ёзар эканми, тушуняпсанми?» деб сўраб қолди ва ёзувчи ҳақида қисқача гапириб берди. Шу-шу Тур-

геновни севиб қолдим. Орадан йиллар ўтди. Тургеневдан биринчи қилган таржимам «Муму» бўлди...

Йўлдош аканинг адабиётга, ёзишга қизиқиши интернатда экан йилларидеёқ бошланган эди. Унинг илк хабарлари «Ёш ленинчи» газетасида 1925-1926 йилдан бошлаб эълон қилинган. Бу келажакдаги журналистик фаолиятининг аввали эди. У ўттизинчи йилларнинг бошида «Ёш ленинчи»нинг масъул котиби, кейин «Ленин учқуни» редактори бўлиб ишлайди.

Матбуот ишларида яхши тажриба орттирган Йўлдош ака Ўзкомпартия Марказий Комитетининг матбуот бўлимида ходим (1941-1944) Ўзбекистон Давлат нашриёти директори (1944-1947), кейин Педагогика фанлари институтида илмий ходим, ниҳоят, эллингинчи йиллар ўртасида «Қизил Ўзбекистон»нинг адабиёт бўлими ходими ва масъул котиби сингари лавозимларда ишлайди.

Рус классиклари ижодини яхши биладиган адабиётимиз Тургенев ҳақида гапирганда, жуда руҳланиб кетади, уни ўзининг маънавий устози деб санайди. В. Г. Белинскийнинг Тургенев хусусидаги мақолалари ва хатлари орқали устоз ёзувчи адабий фаолиятини чуқурроқ ўрганиб, «Муму»дан бошланган тажриба туфайли, 1949 йили «Арафа»ни ўзбек тилига ўгирди. Кейин адабнинг яна бир қатор повестлари ва романларини таржима қилди. Булардан ташқари, Д. Дефонинг «Робинзон Крузо», Л. Космодемьянскаянинг «Зоя ва Шура», Г. Николаеванинг

«Урим», С. Лоскутовнинг «Жанговар эпизодлар» асарларини ҳам маҳорат билан таржима этди.

Йўлдош аканинг очеркнавис ва ҳужжатли повестлар, воқеий қиссалар муаллифи сифатида адабиётдаги ўрнини топиб олишига ҳам Тургенев сабаб бўлган экан. «Бежин ўтлоғи», «Овчининг хатлари» уни ҳаяжонга солган ва кўпроқ очерк ёзиш иштиёқини пайдо қилган. У ўзи излаб юрган фаолият майдонини бир умрга аниқлаб олган. Энди биз Йўлдош акани ҳозирги замон ўзбек очеркнинг йирик намоёндаларидан бири сифатида таниймиз.

Сўхбат асносида Йўлдош ака: «Публицистика, очерк киши назарга илмайдиган жанрми? Нима учун баъзилар уни адабиёт қаторига қўшгилари келмайди, журналистика тарзида қарашади?»— деган савол қўйди. Гуё саволга ўзи жавоб бергандай: «Мен публицистман, публицистика ҳам фоят муҳим соҳа эканига шубҳа қилмайман», деди.

Дарҳақиқат, ҳаётда ва адабиётда очеркнинг мавқеи катта. Очерк ижтимоий фикр ярата оладиган, адабиётнинг ҳамда ёзувчининг граждонлик нафоси жуда равшан акс этадиган жанр. У даврнинг, конкрет шахсларнинг тарихи, биографиясидир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун адиб очеркларини эслаш kifоя. Уларнинг асосий мавзуи — ерсув, қаҳрамонлари — қадрини ростлаганда «тепа чукадиган», босган изидан чўл қочиб, сув келадиган марди майдонлар.

Мисол учун «Ғурумсаройликлар» туркумига кирган очеркларини бир кўздан кечирайлик. Уларнинг характерли томони шундаки; муаллиф ўзи тасвирлаётган райондаги аҳволни, унда рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини чуқур билади. Кузатувчи сифатида эмас, ўша содир бўлаётган ўзгаришларнинг ичида юриб, ўша муҳит нуқтаи назаридан ўз фикрларини билдиради. Қишлоқ турмушини, колхозчи-деҳқонларнинг мақсадини яқиндан ҳис қилгани учун ҳам ўз қаҳрамонлари билан тезда умумий тил топади. Ғурумсарой чўлқуварлари, йилдан-йилга пахта майдонини

кенгайтираётган раис Аҳмаджон Одиловнинг, бригадирлардан Парпи, Маннон, Мелиқўзининг дарди — Йўлдош аканинг қувончи — Йўлдош аканинг қувончи. Очеркнавис келажакка алп қадамлар билан бораётган республикамиз деҳқонларининг афсонавий қаҳрамонлигини Ғурумсарой тимсолида кўрсатади. Ташаббускор, ижодкор ва фикрловчи шахслар ҳозирги қишлоқ қиёфасини ақлли шоширадиган даражада ўзгартириб юбораётганларини завқ билан ҳикоя қилади. Шунинг ҳам айтиш лозимки, бу ташаббускор, узоқни кўрадиган кишилар бирданга пайдо бўлгани йўқ. Уларни колхозни узоқ йиллар бошқарган, ёшларни ерни севишга ўргатган Акбар акалар тарбиялаган.

«Ер нафаси» номли воқеий қиссанинг асосий қаҳрамони — Аҳмаджон Одилов. Муаллиф тасвирлаган ҳаёт манзараси коммунизмнинг қишлоқдаги аён нишонларидир.

Йўлдош ака 1970 йили «Чироқ» романини яратди. Романнинг бош мавзуи ерсув ислоҳоти бўлса-да, халқни диний асоратдан қутқариш ҳамда саводсизликни битириб, маърифат тарқатиш масалалари бош мавзуга чамбарчас боғланган. Асардаги воқеалар эсини танигандан бери бутун ҳаётини элни маърифатли қилишга бағишлаган Шароф домла фаолияти билан уланиб кетади.

Шароф домла атроф қишлоқлардаги муаллимларга раҳбарлик қилиш, ўқитиш билан ўз вазифасини адо этган ҳисобламайди. У ҳар соҳада маслаҳатгўй, ташаббускор. Қишлоқ советининг раиси Карим полвон ҳам, Қўшбулоқдаги ерсув ислоҳоти комиссияси аъзолари ҳам домланинг маслаҳатидан баҳраманд. Лекин унинг катта ғоявий душмани бор: шайх Шохбиддин. Шароф домла мактабнинг юқори синф ўқувчиларини эрлар ва хотинқизлар учун очилган саводсизликни битириш курсларига жалб қилиб, билим чироғи билан одамлар дилни ёритади. Шайх эса, турли ҳийла-найранглар билан авомларни алдаб, жаҳолатда сақлашга интила-

ди. Икки ўртадаги кураш маърифат ғалабаси билан тугайди. Аммо шайх қармоғига илинган қотиллар домлани тунда ўлдириб кетадилар. Бу билан билим чироғи ўчмайди. Уша чироқдан таралган нурлар — Файзулла, Мурод, Мўътабар каби неча ўнлаб ёшлар устозлари изидан бориб, маърифат тарқатишда давом этишади. Қўшбулоққа республикамиз оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев келиб, ислоҳотга бош бўлади. Умр бўйи мулкдорлар қўлида йиртиқ тўни бутун бўлмаган қашшоқлар ерга эга бўлиб, елкаларига офтоб тегади.

Муаллифнинг ҳужжатли қиссалари қаторида Лоғон канали қурилишига бағишланган «Жасорат» ва Улуғ Ватан уруши йилларида Италия партизанлари сафида фашистларга қарши курашда иштирок этган ўзбек халқининг ботир фарзанди Аҳмаджон Мамажонов қисматидан ҳикоя қилувчи «Керрара тоғларида» ва бошқа асарларини тилга олмай ўтиб бўлмайди. Лоғон канали ва Катта Фарғона канали тарихини бадиий қайта тикловчи қиссаларда буюк халқ қурилишларига бош бўлган, элимизнинг содиқ фарзандлари Йўлдош Охунбобоев ва Усмон Юсупов образлари самимият билан чизиб берилган.

Йўлдош ака сўнгги йилларда ўз ҳамқалам дўстлари, улар билан мулоқотлари мавзуида ва ахлоқий-таълимий аҳамиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларга оид «Қатралар» яратди. «Шоир ва секретарь», «Тонг куйчиси», «Улкан шоир», «Тоғда», «Чинорлар», «Умид» ва бошқа жажжи асарлар шулар жумласидандир.

Ҳа, юбилейимиз прозанинг кўпгина жанрларида ижод қилади. Шунга қарамай, очеркнавислик унинг меҳрини эгаллаб олган. Очерк доимо сафарга, қайноқ ишлар содир бўлаётган жойларга чорлайди. Йўлдош аканинг ярим умри йўлда, сафарда ўтишининг боиси ана шунда. Азиз бошингиз омон бўлиб, сафарингиз бехатар бўлсин, ҳурматли Йўлдош ака!


Маҳмудали ЮНУСОВ,
филология фанлари доктори.

ХОСИЯТЛИ ҚАЛАМ ЭГАСИ

[Таржимашунос Файбулла Саломов 50 ёшда]

Адабиёт илмига ҳавас сўзга меҳр қўйишдан бошланади. Инсон зотининг ҳаётдаги энг буюк қуроли, мўъжизалар мўъжизаси бўлмиш сўз гўзаллиги, унинг қудрати ва сеҳрини ҳис этиш, она тилининг бепоён имкониятларини завқшавқ билан ўрганиш иштиёқи Файбулла Саломовда ўрта мактабда ўқиб юрган йиллари бошланган эди. Бу интилиш кейинчалик Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат дорилфунуни таҳсилхоналарида янада кучайди. У соатлаб луғатлар устида ишлар, етук тилшунос ва адабиётшунос олимлардан сабоқ олиб, билимини оширар, она тили баробарида форстожик, араб ва немис тилларини ҳам кунт билан ўрганарди. Ёш тадқиқотчининг дастлабки мақолалари тил ва услуб масалаларига бағишлангани ҳам шундан далолат беради.

А. П. Чеховнинг ихчам, лўнда тасвирлар билан жилланган мўъжаз ҳикояларини у Абдулла Қаҳҳор таржимасида ўқиб, янги, сеҳрли оламга кириб қолгандай бўлди: ўзининг диплом ишини А. П. Чехов асарлари таржимаси таҳлилга бағишлади. Таржимашуносликка қаттиқ ихлос қўйди. У дорилфунун таҳсилдан сўнг Ўзбекистон ФА «Фан» нашриётида ишлаган кезлари ҳам, «Фан ва турмуш» журналида бўлим мудир сифатида таҳрир ва ноширлик ишлари билан банд бўлган пайтлари ҳам бадий таржима масалалари устидаги машғулотини давом эттирди. Шу йиллари қатор илмий мақолалар билан матбуотда қатнашишдан ташқари, «Рус тилидан ўзбек тилига бадий таржиманинг баъзи назарий масалалари» (рус тилида) ва «Рус тилидан ўзбек тилига мақол, матал ва идиомалар таржимаси» номли ўзининг дастлабки илмий рисоаларини нашр қилдирди. 1964 йилда эса «Бадий таржиманинг лексик-фразеологик масалалари» мавзуйда кандидат-



лик диссертациясини ҳимоя қилди.

Муаллиф бу ишида фразеология таржимаси таҳлили орқали йирик ўзбек адибларининг маҳорати ва тажрибасини назарий умумлаштирган. Таржима назарияси олимнинг «Тил ва таржима» номли монографиясида ҳам изчил, теран тадқиқ қилинган.

Таржимашуносликнинг муҳим масалалари олимнинг «Таржима асослари» (1976), «Таржима назариясига кириш» (1978) китобларида ҳам алоҳида-алоҳида жанрлар, ҳар хил материаллар бўйича таҳлил этилади. Ҳамкорликда ёзилган «Дўстлик кўприклари» (1979) монографиясида шеърӣ таржима муаммолари Шарқу Ғарб адабиётлари мисолида қараб чиқилади. Шеърӣ таржимада ижодийлик, эркинлик ва аниқлик меъёри, услуб, ритм, вазн, қофия ва оҳангнинг янгидан ҳосил қилиш йўллари ўзбек таржимачилиги қўлга киритган бой тажриба заминидан чуқур текширилади. Олимнинг «Таржима назариясига кириш» — олий ўқув юрти студентлари учун ёзилган дарслиги ёш таржимонлар ва таржимашуносларга ҳам назарӣ, ҳам амалӣ жиҳатдан қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

«Адабий аънава ва бадий таржима» монографиясида эса муаллиф таржимани театр, томошабин савияси билан боғлаб, давр талабидан келиб чиқиб ўрганади, бир асарнинг бир

нечта таржимаси бўлиш қонуниятини исботлайди: таржимачилик аънаvasини адабий аънава ва таъсирга боғлаб татқиқ этади. «Ғамлет», «Шоҳнома» ва «Декамерон», «Рамаёна» ҳамда «Фарҳод ва Ширин» таржимаси типологик-таржима нуқтаи назаридан текширилади. Шунингдек, олим ҳинд, форс, араб, итальян, инглиз, қирғиз, қозоқ, рус ва ўзбек адабиёти маҳсулларини, шу адабиётлар мансуб тилларни қиёслайди ва таржима илми учун зарур хулосалар чиқаради.

Файбулла Саломов фақат назариячигина эмас, у таржима танқидининг ҳам фаол кишиларидандир. Унинг ташаббуси ва таҳрири остида «Таржима санъати» тўпламининг тўртта китоби босмадан чиқди.

Олим таржима назариясининг долзарб масалаларига бағишланган қизиқарли мақолалари билан марказий матбуот саҳифаларида ҳам тез-тез кўриниб туради. Француз, чех, словак ва немис олимлари ўз тадқиқотларида у ҳақда илиқ гаплар айтиб, китобларини юқори баҳоламоқдалар.

Файбулла Саломов ёшларнинг меҳрибон мураббийси, моҳир педагог. Ун икки йилдирки, у В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунида студентларга таржима назариясидан дарс беради.

Эллигинчи баҳорини қаршилайётган заҳматкаш, сермаҳсул таржимашунос олимнинг хосиятли қалами айни етуқлик палласидадир. У хайрли ишларга, порлоқ келажакка ишонч, умид билан яшайди; илмга, маърифат кучига эътиқоди баланд. Биз ундан яна кўп тадқиқот ишларини кутамиз, олимга узоқ умр, бардамлик, саломатлик тилаймиз.

Умарали НОРМАТОВ,
филология фанлари доктори,
Нажмиддин КОМИЛОВ,
филология фанлари кандидати.

ХАССОС ОЛИМ


[Адабиётшунос Наим Каримов 50 ёшда]

Олим яратган асарларнинг моҳияти у ёзган китобларнинг сони-саноғи билан эмас, балки мазмуни, илмий-назарий теранлиги, бадиий-эстетик таъсир кучи билан белгиланади. Таниқли адабиётшунос олим Наим Каримовнинг илмий-ижодий фаолиятига назар солсак, «Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати», «Ҳамид Олимжон» («Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида), «Урушдан кейинги давр ўзбек совет адабиёти», «Ўзалликнинг олмос қирралари» (Ҳамид Олимжон лирикаси), «Ҳамид Олимжон — бахт ва шодлик куйчиси», «Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари» каби ўнга яқин монографиялари, рисолалари, мақолалари орқали уни адабиёт илми тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган етуқ олим сифатида кўрамыз.

Наим Каримовнинг шахсияти ва илмий фаолиятидаги кўп фазилатлар орасидан иккитасини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Биринчиси — ҳавас қилса арзийдиган даражадаги меҳнатсеварлик, заҳматкашлик бўлса, (бу борада Ойбекнинг 20 жылдлик мукамал асарларини тайёрлаш ва нашр этишдаги тузувчилик, изоҳлар билан нашрга тайёрлаш, масъул муҳаррирлик каби қизгин фаолиятини эслаш кифоя), иккинчиси — у яратган тадқиқотларга алоҳида фойз киритиб турган илмий-бадиий фикрлаш маданиятидаги шоирона эмоционаллик жозибасидир.

Шеърят — бу сирли, сеҳрли ҳодиса. Поэтик жараёни илғаб, моҳиятини англаб, унинг эстетик таъсир кучини тушунтириб бериш, хассос шеърини туйғу, шеър завқи, шоирона тил билан илмий йўсида айтиб бериш ғоят мушкул вазифа. Адабиётшунос Наим Каримов эса ана шундай нозик ва тансиқ шоирона дидли одам. Унинг ўзбек совет адабиёти тарихи масалаларига оид барча тадқиқотларида ушбу етакчи хусусиятлар раванн балқиб туради.

Ўзбек адабиёти тарихини



муайян илмий-назарий проблемалар асосида даврлаштириб ўрганиш адабиётшунослигимиздаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Наим Каримовнинг ўзбек совет адабиёти тарихига бағишланган ишларидаги алоҳида бир йўналишни адабий даврлар тадқиқи ташкил этади. 1967 йили Москвада нашр қилинган «Ўзбек совет адабиёти тарихи» («История Узбекской советской литературы») китобининг «Ўзбек совет адабиёти ҳозирги босқичда» қисми, 1967—1972 йилларда чоп этилган тўрт жилдлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи»нинг «Урушдан кейинги давр ўзбек совет адабиёти», «КПСС XX съезидан кейинги ўзбек совет поэзияси» қисмлари Наим Каримов қаламига мансубдир. Шунингдек, у Москвада нашр этилган «Кўп миллатли совет адабиёти тарихи» тадқиқотининг 5—6-томларидан жой олган (1972, 1974) урушдан кейинги ўзбек адабиёти ва XX съездан кейинги ўзбек шеърятига бағишланган қисмларнинг муаллифи саналади. Шунингдек, рус тилида нашрга тайёрланаётган уч томлик «Ўзбек совет адабиёти тарихи» тадқиқотидан ҳам Наим Каримовнинг урушдан кейинги ўзбек совет адабиётининг тараққиёт проблемаларини ёритувчи йирик илмий ишлари муносиват билан ўрин олган. Наим Каримов мазкур адабий даврнинг ўрганишга бағишланган ишларини давом эттириб ва янада чуқурлаштириб,

«Урушдан кейинги давр ўзбек совет адабиёти» (1982) монографиясини эълон қилди.

«Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари» рисоласида эса олимнинг асосий диққат-эътибори Ойбек романларининг ижодий тарихига қаратилган.

Ҳозирги адабий жараёнга бағишланган тадқиқотлар Наим Каримов илмий фаолиятидаги учинчи мустақил йўналишни ўз ичига олади. Унинг матбуот саҳифаларида эълон қилинган 200 дан зиёд мақола ва тақризларида адабиётимизнинг долзарб масалалари ғоявийлик ва партиявийлик, новаторлик ва маҳорат муаммолари ўртага ташланади.

Яқинда А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтида Урта Осиё халқлари маданияти тарихида биринчи марта муайян ёзувчи ижодига бағишланган қомус тузиш ишига киришилди. Шу муносабат билан «Ҳамза қомуси»ни яратиш принциплари ва қомус лўғатини тузишдек улкан иш катта ишонч билан Наим Каримовга топширилдики, бу иш ҳам ҳозирги кунда муваффақият билан амалга оширилди.

Шунингдек, Наим Каримов таржимачиликда ҳам куч сынаб келаяпти. У Якуб Коласининг «Галаш бо-бо» («Тросина») романини, С. Алешининг «Муҳаббат жиловлари» пьесасини, С. Маршак, А. Исаакян, А. Кулешовнинг баъзи шеърларини муваффақият билан таржима қилди. Буларнинг ҳаммаси унинг илмий-ижодий изланишлари, қизиқиш доираси нечоғлик кўламли эканлигидан далолатдир.

Айни камолот ёшига кирган Наим Каримовни қутлуғ 50 ёши билан муборакбод этар эканми, унга адабиётимиз илмини бойитувчи, илмий-бадиий тафаккуримиз тараққиётига хизмат қилувчи ажойиб асарлар яратишда мустақкам саломатлик ва муваффақиятлар тилаймиз.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари кандидати.

КЕЛАЖАККА МАКТУБЛАР

[Стендаль туғилган кунга 200 йил тўлди]

Жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирган ёзувчилардан бири — Стендаль француз адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди. Унинг чуқур фалсафий негизга қурилган асарларига ўз вақтида Бальзак, Гёте, Пушкин каби буюк адиблар юксак баҳо берган эдилар.

Стендалнинг «Гайдн, Моцарт, Метастазео» (1814), «Италияда тасвирий санъат тарихи» (1817), «Расин ва Шекспир» (1823), «Арманс» (1826), «Қизил ва қора» (1831), «Анри Брюлар ҳаёти» (1835), «Ванина Ванини» (1839), «Италия хроникалари» (1837—39) каби кўпгина асарлари жаҳон адабиёти ва санъатининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.

Мари Анри Бейль, тахаллуси Стендаль (1783—1842), Франциянинг жанубида, Гренобль шаҳрида туғилади. Отаси Шеробен Бейль парламентда адвокат, буvasи Анри Гоньон врач бўлиб, ўз даврининг илғор кишиларидан эди.

Онасидан ёш ажралган Стендалнинг тарбияси руҳоний қўлига топширилади. Политехника мактабига кира олмаган Стендаль, 1799 йилда генерал Бонапарт ҳокимиятини қўлга олган, Италияга ҳарбий хизматга жўнайд.

Стендаль «Рим, Неаполь ва Флоренция» (1817) деб номланган асарида Италиянинг сиёсий ҳаёти, маданияти ҳақида фикр юртади. Китобнинг биринчи бетида «Барон де Стендаль, кавалерия офицери» деб тахал-



лус қўйилган эди. «Муҳаббат ҳақида» (1822), «Арманс» (1826) каби романлари адибнинг илк асарларидан саналади. Уларда фақат ўз манфаатини ўйлайдиган аристократия синфининг кирдикорлари очиб ташланади. «Арманс» романида Стендаль икки ёшнинг муҳаббатини кўрсатади. Асар қаҳрамони эски аристократия оиласининг вакили Октав де Моливер камбағал қиз — Армансга кўнгил қўяди ва унга уйланади. Олий табақа кишиларига бу иш ёқмайди, албатта. Улар тухмат билан Октавин Армансдан жудо қилдилар. Октав Грецияга кетиб, ўзини ўлдиради. Асарда ёзувчи жамиятга муносабатини шу образлар орқали очиқ баён қилади. Нозик психологик таҳлил романнинг кўп қисмини эгаллайди. Наполеон аскарлари қаторида Италияга кириб келган Стендаль бу ўлка табиатига мафтун бўлиб қолади ва умрининг кўп қисмини шу ерда ўтказди ҳамда Италия мавзусида кўплаб асарлар яратади. Унинг бундай асарларидан

бири «Ванина Ванини» новелласидир. Асарда Стендаль карбонарий¹ Миссирлининг Италияни халос этиш йўлидаги курашини тасвирлайди.

1830 йилнинг ноябрида Стендаль машҳур «Қизил ва қора» романини эълон қилади. Июль революциясидан сўнг оддий халқ жуда оғир аҳволда қолган. Уларнинг норозилиги кўзғолонларда намоён бўларди. Меҳнат аҳлининг ночор қисмига ачинган Стендаль уларнинг моддий аҳволини яхшилашга қандай қилиб эришиш мумкинлиги ҳақида кўп ўйлайди. Бу ўйлар, мулоҳазалар эса унинг романларига чуқур сингиб кетганини кузатамиз. Мазкур романдаги қаҳрамонлардан бири — Фабрицио дель Донго ўз табиатига кўра исёнчи образидир. Унинг характеридаги жўшқинлик, ҳаққонийлик, фикрлашнинг теранлиги давлат раҳнамоларига зарарли бўлиб кўринад. Лекин у ёлғиз эди. Бу даврда адабиётшунос Я. Фрид таъкидлаганидек, «...ҳаттоки нафас олиш ҳам жандарм ижозати билан рухсат этиладиган» разил жамият ҳукмрон эди.

Давлат томонидан қаттиқ ҳимоя қилинаётган чиркин буржуа жамиятини кўрган Стендаль ва бошқа илғор ёзувчилар ўз асарлари орқали норозилик кайфиятларини изҳор этар эдилар. Бироқ улар «...давлат тузумини ўзгартирмай туриб, жамиятни ҳам ўзгартириб бўлмастлигини» (Плеханов) тушунмайдилар. Стендаль қаҳрамонлари курашчан руҳи, ҳақиқатга ташналиги билан ажралиб туради. Адиб «Қизил ва қора» романига

¹ Карбонарий — XIX асрнинг 30-йилларида Италияда ташкил этилган яширин революцион жамият.

«Ҳақиқат. Аччиқ ҳақиқат» деб эпиграф қўйганлиги ҳам бежиз эмас.

Стендаль ўз қаҳрамони тасвири орқали яққа шахсининг ички дунёсини, унинг лирик кечинмаларини кўрсатади ва шу йўл билан ёш авлод ҳамда жамият орасидаги драматик конфликтларни очиб ташлашни назарда тутди. Шунинг учун ҳам унинг қаҳрамонлари доимо қайноқ, жушқин, романтик характерли кишилар сифатида намоён бўлади. Жамият эса янги-янги революциялар, ҳаракат, кураш оғушида тасвирланади.

Адибнинг «Люсьен Левен» (1834) романида ҳам шахсининг жамиятдаги ўрни проблемаси қўйилади. Асар қаҳрамони Люсьен ҳаётда ўз ўрнини топишда кўп қийинчиликларга дуч келади. Министрликда хизмат қила туриб, у ўз атрофидаги жирканч ишларнинг шоҳиди бўлади. Айниқса, ишчиларнинг оғир аҳволи ва Люсьенга нафрат билан қарашлари уни қаттиқ азоблайди. Лекин у буларнинг ҳаммасига чидашга мажбур, чунки жамият ана шундай адолатсизлик асосига қурилган.

Ўзбек китобхонлари ҳам улуг адиб яратган асарларнинг баъзиларини ўқишга муяссар бўлдилар. 1962 йил Н. Тоиров таржимасида «Ванина Ванини» новелласи, 1979 йил Ҳ. Тўрабеков таржимасида «Қизил ва қора» романи нашр этилди. Роман китобхонларда катта қизиқиш уйғотди, у ҳақда бир неча тақриз ёзилди.

«Қизил ва қора» романида ёзувчи Франциядаги реставрация даврини кўрсатса, «Парм ибодатхонаси» (1839) романида XIX аср бошида Италияда рўй берган воқеаларни тасвирлайди. Стендаль романлари негизда доимо реал фактлар ётади.

Ўз ватани учун жонини тиккан ватанпарварларга ҳурмат билан қараган Стендаль карбонарийлар амалга ошироқчи бўлган революциянинг имкониятларига ишонмайди. Уларнинг халқдан йироқлигини, программасида эса социал ўзгаришлар назарда тутилмаганини танқид қилади. У «...замонавий француз жамияти эса иккиюзламачилиқдан иборат, бунга асосан давлат сабаб» деб ўз фик-

рини очикдан-очик эълон қилади.

Стендаль асарларида ҳаёт манзаралари, айниқса уруш полотнолари жуда таъсирли тарзда чизилади. Улуг рус ёзувчиси Лев Толстой урушни тасвирлашни Стендальдан ўрганганлигини айтиб ўтади: «...урушни шунчалик таъсирли қилиб кўрсатиш учун бунинг ҳаммасини бошдан кечириш керак»,— деб қайд этади у. (Стендаль 1812 йил Франция-Пруссия урушида Наполеон аскарлари сафида қатнашиб, то Москва остоналаригача келади, Москва ёнғинини, рус аскарларининг матонатини кўради).

Стендаль ўз романлари ёрдамида халқ олдида обрў-этиборини йўқотган жамиятга қарши дадил курашди. У илгари сурган ғоялар ҳозирга қадар ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Шунинг учун ҳам Горький ўринли равишда унинг асарларини «келажакка мактублар» деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам унинг романлари ўз даврининг ойнаси бўлиб қолди.

Розия МАМАЖОНОВА,
ТошДУ аспиранти.

ЎЗБЕК ДИЁРИДА ИККИ ЙИЛ

[Алексей Толстой туғилган кунга 100 йил тўлди]

Улуг Ватан урушининг энг оғир кунларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган ёзувчилар қаторида Алексей Толстойнинг бўлиши ўзбек ёзувчилари учун катта воқеага айланди. Эвакуация қилинганларга вақтинча А. Толстой раҳбар эди.

Унинг Ўзбекистондаги дастлабки фаолияти Тошкентда бўлиб ўтган шаҳар зиёлиларининг фашизмга қарши митингида чиқишдан бошланганди. Митингда Ўзбекистон партия ва ҳукумати раҳбарлари қатори шоир Ҳамид Олимжон, СССР халқ артисти Сергей Михозьес, Сора Эшонтўраева ва Алексей Толстойлар нутқ сўзлаган.

1941 йилнинг декабрида бундай митингнинг ўтказилиши катта ва муҳим сиёсий воқеа эди. Бу митинг айна пайтда Гитлер тузуми-



дан норози бўлиб, СССРда бошпана топган ва ўз ватанларининг келажаги учун фашизмга қарши курашаётган немис, румин, поляк, венгер, словак ва бошқа антифашистларни қўллаб-қувватлашга ҳам қаратил-

ганди. Бу антифашистлар орасида давлат ва жамоат арбоблари, коммунистлар, олимлар ва ёзувчиларни учратиш мумкин эди.

Ўзбек диёрининг яратувчилик қудрати Москвадан Тошкентга келган А. Толстой бошлиқ рус совет ёзувчиларини катта ишларга олантиради.

Атоқли адиб Ўзбекистонда яшаган чоғида йирик бадий асарлар билан бир қаторда ўнлаб бақувват публицистик мақолалар, очерклар яратади ҳамда жамоатчилик ишларида фаол қатнашади. Унинг бевоқиф ташаббуси ва иштироки билан бир қанча тўпламлар нашрдан чиқади.

Биз «Алексей Толстой Тошкентда» номли мақола-мизда («Шарқ юлдузи» журнали, 1974 йил, 2-сон) бу хусусда батафсил тўхталганимиз учун қуйида янги

топилган айрим материалларни диққатингизга ҳавола қиламиз.

Рус ёзувчилари урушнинг оғир йилларида, «Антология узбекской поэзии» китобини нашр қилишга киришдилар. Таржима ишлари ҳам тезда юришиб кетди. Самарқандлик рус ёзувчилари ҳам антологияга ёрдамлашиш истагини билдиришиб, А. Толстойга мурожаат қиладилар. 1942 йилнинг 20 майда С. Городецкий А. Толстой номига куйидаги мактубни йўлайди: «Қимматли Алексей Николаевич! Кеча самарқандлик ёзувчиларнинг ўртоқ Акрамов бошчилигида мажлиси бўлиб ўтди. Менинг «Ўзбек поэзиясининг антологияси» тўғрисидаги докладим эшитилгандан кейин, куйидаги ўртоқлар антологияда қатнашишлари мумкинлиги аниқланди. 1. Павлович, 2. Шепотов, 3. Сандомирский, 4. Хашчевацкий, 5. Малахов, 6. Феоктистов, 7. Станевич (кўпгина авторларнинг исми ва фамилияси тўлиқ кўрсатилмаган, биз рўйхатда қандай бўлса, шундай олдик — Н. Н.)— Прозаик асарларни Ярхо, М. Криницкий, Немчинаева ва Муҳаммедовалар таржима қилишлари мумкин. Сатра-сатр таржимани куйидаги ўртоқлар қила оладилар: 1. Ерзин, 2. Муҳаммедова, 3. Абражеев, 4. Сулаймонов. Самарқандда куйидаги ўзбек шоирлари ижод қилишмоқда: 1. Айний, 2. Абдуллаев, 3. Фозил Йўлдош, 4. Саид Назар, 5. Раъно Узоқова, 6. Урам Шоёқуб. 7. Зиё Ғафурий, 8. Диёрый, 9. Муҳаммадиев, 10. Драматург Акрамов.

Мазкур мажлис қатнашчилари ўзбек поэзияси антологияси плани билан танишиб чиқиш ва агар имкони бўлса, ана шу планга баъзи бир ўзгартишлар киритиш кераклиги ҳақида илтимос қилишган. Шунингдек, улар «Самарқанд шоирлари» тўпламини рус ва ўзбек тилларида босиб чиқаришни ҳам сўрашган. «Бу мажлис ҳақида сенга хабар қилиб шунини айтишим мумкинки,— деб ёзган эди С. Городецкий Толстойга, — самарқандлик шоирларнинг ишонч-умидлари сендан. Сен бу ташкилий ишларга ҳар томонлама ёрдам бе-

риб, шу ишларни ҳаётга татбиқ қилишга ёрдам берсанг, деган умиддаман».

Толстойнинг Самарқандга бориши шаҳар ижод аҳли ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. Самарқанд ёзувчилари билан ўтказилган суҳбат ва учрашувлар ҳақида Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг мажлисида ҳисобот берар экан: «У ердаги рус ўртоқларимиз биздан ўзиб кетишяпти, тил ўрганишяпти» деган эди С. Городецкий.

А. Н. Толстой билан самарқандлик ёзувчиларнинг 1942 йил 18 майда ўтказилган ўртоқлик учрашуви область ижроия комитетига бўлиб ўтди. «Сизлар билан зарур суҳбатни бошлашдан олдин,— деб сўз бошлади А. Толстой учрашувда, — куйидагиларни билдирмоқчиман. Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ломакин бошчилигида ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганиш бўйича республика комиссияси тузилган. Сизларга нималар кераклиги ҳақида бир мактуб тайёрлаб берсангиз, мен ана шу мактуб асосида зарур нарсаларни топишга ёрдам берсам».

Бу суҳбатда Садриддин Айний, Исмоил Акрамов, М. Криницкий, Н. Лурье ва бошқалар қатнашиб, нутқ сўзладилар.

Ижодий дўстлик учрашуви А. Н. Толстойнинг якуловчи нутқи билан тугади: «Сизлар билан ўтказилган суҳбатдан совет ёзувчиларининг Самарқанддаги бўлими жуда катта ва қизиқарли ижодий фаолият билан бандлиги ва бу фаолият фашистларга қарши курашга қўшилган катта ҳисса бўлажagini ҳис этдим... Гап шундаки, бизнинг халқимиз олиб бораётган уруш босқинчилик уруши эмас, балки Ватан ҳимояси учун, озодлик учун, бахт ва тинчлик учун олиб борилаётган адолатли урушдир. Бир нарса бизнинг жангчиларимизни ғалабамизнинг замирида нималар ётгани ва душман мағлубиятининг сабабини қидиришга, маънавий проблемалар устида ўйлашга мажбур қилади.

Бу масалада жавоб топиш учун халқимизнинг тарихи ҳақида, кўп миллатли Совет Иттифоқи халқлари-

нинг дўстлиги тарихи ҳақида ёзиш керак. Токи ҳар бир жангчи бу ҳақда аниқ тасаввурга эга бўлсин. Масалан, ўзбек халқи тарихини ёритганда, ўтмишга мурожаат қилиб, Европани IX асрдаёқ математика билан таништирган, XV асрда ҳозир ҳам жаҳонни ҳайратга солувчи ажойиб архитектура ёдгорликлари яратган халқнинг қандай куч-қудратга эга эканлигини кўрсатиш керак.

Бизнинг асл дўстлигимиз фашизмнинг қора кучларига қарши шундай кучли тўсиқ бўлдики, фашизм дош беролмади. Ана шулар ҳақида ёзиш керак».

Алексей Толстой Самарқандда бир ҳафта бўлиб, шаҳарнинг тарихий ёдгорликларини томоша қилди. Совет тарихий романчилигида Пётр Биринчи ва Иван Грозний образларини яратган Толстойни Урта Осиё, яқин Шарқ мамлакатларини бир вақтлар забт этган Темур образи жуда қизиқтириб қўйган эди. Садриддин Айний меҳмонга Темур ҳақида ўқиган китоблари ва эшитганларини сўзлаб беради. Самарқандликлар А. Толстойга энг қимматли совга тарзида Темур саройида испан қиролининг элчиси бўлиб турган Рюй Гонсалес-де-Клавихонинг ёдномаси: «Путешествие ко двору Темура в 1403—1404 гг.» китобини тақдим этадилар ва бу асарни рус тилида босиб чиқаришда ёрдам сўрайдилар. А. Толстойга совга қилинган бу китоб энг нодир — сўнгги нусха бўлиб чиқади.

Фикримизни ҳозиргача номатълум бўлиб келган бир мактуб билан тасдиқлашга уриниб кўрамиз. «Ҳурматли Алексей Николаевич,— деб ёзган эди Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети қошидаги қадимий ёдгорликларни сақлаш комитетининг раиси Жаҳонгиров 1942 йилнинг 27 октябридаги хатида.—Ўз(б)П Самарқанд область партия комитети агитация ва пропаганда бўлими бошлигининг хабарига қараганда, сизга Рюй Гонсалес-де Клавихонинг «Путешествие ко двору Темура в 1403—1404 гг.» китобини қайта нашр қилиш учун берилган эди. Ўзбекистон қадимий ёдгорликларни сақ-

лаш комитети бу китобни ҳозирги ҳолида чиқарилишини манзур кўрмайди.

Биз бу масалани аввало кўриб чиқишимиз ва бу китобга изоҳлар бериш билан босиб чиқаришни планлаштиришимиз керак деган умиддамиз» (ИМЛИ, архив А. Н. Толстого, инвентарь № 175). Кейинчалик бу иш СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси профессор А. Ю. Якубовскийга топширилди.

Улуғ Ватан уруши давом этаётган бир пайтда совет ёзувчилари чет эл босқинчиларига қарши қақшатқич зарба берган тарихий шахслар ва саркардалар, халқ қаҳрамонлари образини жонлантиришга катта эътибор бердилар.

А. Толстойнинг «Иван Грозний», С. Бородиннинг «Дмитрий Донской», М. Аевзонинг «Абай», М. Хусейннинг «Низомий», Ойбекнинг «Навой», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» асарлари шулар жумласидандир. Бу асарларда ўтмишда халқимизнинг турли босқинчиларга қарши курашдаги жасорати, эришган ғалабаси тасвирланади. Шу орқали немис босқинчиларига қарши курашда совет халқининг ғалабаси муқаррарлигига ишонч билдирилади.

А. Толстой Ойбекнинг «Навой» романи таржимасини 1944 йилнинг бошида қўлёзма ҳолида ўқиб чиққан. Шу йилнинг 9 мартида А. Толстой бошчилигида адабиёт ва санъат соҳасида Давлат мукофотларини бериш комитетининг мажлиси бўлиб ўтди. Қатор тарихий романлар ҳақида фикр юритган А. Толстой Ойбекнинг «Навой» романига катта баҳо беради. Ойбек Тошмуҳамедовнинг романи гениал ўзбек шоири, ўзбек адабиётининг асосчиси ҳаётига бағишланган. Роман Навой даврини ҳамда ўша пайтдаги ҳаётини ва миллий курашни кенг кўламада кўрсата олган. Романнинг ўзбек халқи учун буюклиги шундаки, ушбу асар ўзбек тилида ёзилган биринчи (А. Толстой тарихий романчилиқни назарда тутиб гапирган — Н. Н.) катта асардир. Романда кўпгина ҳаётини ёзилган бетлар, персонажларнинг қизиқ харақтеристикасини кўрсата

олган ажойиб, шунингдек ёш адабиётга хос бўлган, жимжимадорлик билан ёзилган саҳифалар бор».

Ойбекнинг бу машҳур романи ҳали рус тилида босилиб чиқмагани ҳолда буюк совет адибининг қимматли фикрларига сазовор бўлишининг ўзи миллий ўзбек романчилигининг янги уфқлар сари тўғри ва дадил борганлигидан далолат беради.

А. Толстойнинг ўзбек адиблари Ҳамид Олимжон, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, Ойдин, Иззат Султонлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари унинг республика миллий адабиётини яхши билганлигидан далолат беради.

М. Горький номидаги жаҳон адабиёти институти ҳам Улуғ Ватан урушининг энг оғир пайтларида Тошкентга эвакуация қилинган эди. Бу институт асосан қардош республикалар адабиётларини ўрганиш ва миллий адабиётлар бўйича дарсликлар тайёрлаш ишига катта эътибор берди. 1942 йил февралда институтнинг илмий-текшириш ишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга СССР Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзоси академик А. Н. Толстой раислик қилади. «История литератур народов Средней Азии» дарслигини чиқариш учун Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон олимларини жалб қилишга қарор қабул қилинади (қаранг: «Правда Востока» газетаси, 1942 йил 7 июль № 159). Дарсликни ёзишга Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зарипов, Ҳамид Олимжон, А. Дейч, В. Жирмунский каби ўзбек ва рус олимлари таклиф қилинди. Дарсликнинг муҳаррирлиги К. Зелинский ва Ҳамид Олимжонга топширилди. Шунинг қайд қилиш керакки, Ҳамид Олимжоннинг 1943 йилнинг декабрида ўзбек адабиёти ва санъати кунларида, Москвада ўзбек адабиёти тўғрисида қилган доклады ана шу дарслик учун ёзилган бир боб эди.

«История литератур народов Средней Азии» китоби олий ўқув юртлири учун мўлжалланган бўлиб, унинг ташаббускори ва бош редактори А. Н. Толстой эди. Бу дарсликни ёзиш ва

тайёрлаш ишлари урушдан олдин бошланганди. А. Н. Толстой бу масъулиятли ишни Е. Э. Бертельс, А. К. Боровков, Н. Ф. Лебедев, П. А. Корихалов сингари олимларга топширишни сўраб СССР Фанлар Академиясига хат ҳам ёзган эди. (Уруш туфайли бу иш тўхтаб қолади). Яхшии бу ҳақдаги фактга мушожаат қилайлик: «Хурматли Алексей Николаевич! — деб ёзган эди СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор Евгений Бертельс 1943 йилнинг 9 декабрида А. Толстой номига юрган мактубида. — Хатингизга жавоб беришга шошил-япман. «История литератур народов Средней Азии» менга яхши таниш. Бу китоб Упедгиз (Ўқув нашриёти — Н. Н.) учун Ленинградда ёзилган бўлиб, қуйидаги қисмлардан иборат: 1. XV асргача бўлган адабиёт (Урта Осиё адабиёти — Н. Н.) қисмини мен ёзганман. Ҳатто бу ишнинг бир қисми «Новый мир» (1940, 6, 7, 9-сонлари) журналида босилиб ҳам чиққан. 2. Ўзбек адабиётининг XV асрдан то ҳозирги давригача бўлган қисмини проф. А. К. Боровков; 3. XVIII—XIX асрлардаги туркман адабиётини Н. К. Лебедев; 4. Туркман совет адабиётини П. Г. Скокирев; 5. Тожиқ адабиётини Г. В. Птицинлар тайёрлаган эдилар. (ИМЛИ, архив А. Н. Толстого, инв. № 2134).

А. Н. Толстой айниқса ўзбек адабиёти ва фольклори ҳақида кенгроқ маълумот берилишини истарди. Ўзбек адабиёти ва маданиятининг юксалиши йўлида катта ишлар қилган А. Н. Толстой ҳатто касал ҳолида ҳам республикада қилинаётган ишлар билан танишиб турди ва қўлидан келган ёрдамни беришга ҳаракат қилди.

А. Н. Толстойнинг секретари Н. А. Озерска адабиётшунос П. А. Корихаловга ёзган мактубларидан бирида А. Толстойнинг хаста эканлигини билдириб, «История литератур Средней Азии» китобининг тақдири адибни қизқтираётганини айтади. «Сиз (П. А. Корихалов — Н. Н.) қўлёзма «бойитилди» (Садриддин Айний, Ҳамид Олимжонлар бу китобни кўриб қиқиб, баъ-

зи бир ўзгартишлар кирити-лишини А. Толстойга мас-лаҳат берган эдилар) деб ёзибсиз. Нима билан бойи-тилди ва қандай? Қўлазма-га «Ўзбек фольклори» ва «Қирғиз адабиёти» қисм-лари киритилганми? Шундай тузатишлар киритилиши ке-рак эди... Шуларни билмай туриб, китобни чиқариш мумкин эмас деб ҳисоблай-ди Алексей Николаевич...»

Ўзбек халқи маданияти ва адабиётини бутуниттифоқ ўқувчисига етказиш бора-сида бебаҳо ишлар қилган А. Толстой айниқса халқ қаҳрамонлигига қойил қол-ган, унинг меҳнат фронти-даги муваффақиятларига таҳсин ўқиган эди.

1942 йилда немис-фа-шист босқинчилари револю-ция бешиги Ленинградни ҳар томондан ўраб олиб, уни очлик ва яланғочлик

билан маҳв қилмоқчи бўл-ди. Бутун қийинчиликларга бардош берган қаҳрамон ленинградликлар қамални ёриб ўтиб, мамлакат билан ўзининг алоқасини яна қай-га тиклади. Ленинградлик-лар айниқса қуёшли ўлка-дан — ўзбеклар юборган совға-салом ҳамда қайноқ табрикларни олиб, жуда хурсанд бўлганлар. Ўзбек халқининг ленинградликлар-га юборган қутлов мактуби Ўзбекистон Марказий Коми-тетининг биринчи секретари Усмон Юсуповнинг илтимо-сига биноан А. Толстой то-монидан ёзилган эди.

А. Н. Толстой Улуғ Ва-тан уруши даврида рус ва ўзбек адабий алоқаларини ривожлантириш ишига кат-та ҳисса қўшди. А. Н. Тол-стой бошлиқ рус совет ёзув-чиларининг ёрдами туфайли ўзбек адабиёти, рус, ук-

раин, белорус адабиётлари билан алоқасини янада куч-айтирди. Ўзбек адабиёти рус совет адабиёти орқали Ғарбий Европанинг антифа-шист ёзувчилари билан алоқа ўрнатди. Шунингдек, қардош ва антифашист адиблар ижодида ўзбек халқига бағишланган янги-янги асарлар пайдо бўлди. Бу эса урушдан кейинги ўзбек адабиётининг қардош халқлар ва чет эл мада-ниятлари билан мустаҳкам алоқа боғлашига замин тай-ёрлади.

А. Н. Толстойнинг ўзбек адабиёти билан ўрнатган ижодий ва шахсий алоқаси ҳозирги замон ўзбек ва рус совет ёзувчилари томо-нидан давом эттирилмоқда.

Насим НАМОЗОВ,
филология фанлари
кандидати.



Танқид ва адабиётшинослик

Салоҳиддин Мамажонов

ОҲАНГДОШЛИК

[Тожики совет ёзувчиси Жалол Икромий ижоди мисолида]

Ўзбек-тожик адабий алоқаларининг илдизи узоқ-узоқ асрларга бориб тақалади. Икки халқ қалбини бирлаштирувчи Жомий ва Навоийлар томонидан қурилган маънавий кўприк ҳавас қиладиган даражада гўзал, мустаҳкам ва боқийдир. Совет ҳокимияти йилларида бу дўстлик кўприги Садриддин Айний ва Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ғафур Фулом, Ойбек, Шароф Рашидов, Зулфия, Яшин, Назир Сафаров ва Мирзо Турсунзода, Сотим Улуғзода, Мирсаид Миршакар, Жалол Икромий, Фотиҳ Ниёзий, Боқи Раҳимзодалар томонидан янада мустаҳкамланди. Икки адабиётнинг навқирон вакиллари ҳам ўз устозларининг анъаналарини давом эттириб, ўзбек ва тожик адабиёти, санъатининг яқинлашиши ҳамда янада гуллаб-яшнаши йўлида кенг фаолият кўрсатмоқдалар.

Икки халқ адабиётининг бир-бири билан яқин ва ўзаро боғлиқ нуқталари жуда кўп. Бундай боғлиқлик ҳар иккала халқ адабиёти ва санъатининг мавзуси, мазмуни, ғояси, идеаллари, руҳи ҳамда шакл-шамойилида бир қатор муштарак жиҳатларни вуҷудга келтирган. «Қўллар», «Дохунда», «Судхўрнинг ўлими», «Эсдаликлар», «Ҳасан аравакаш», «Восеъ» ёки «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён», «Қутлуғ қон», «Кўкан», «Навоий», «Бўрондан кучли» сингари асарларда икки халқнинг тақдири ва руҳига ҳамоҳанг жойлар яққол кўзга ташланади. Садриддин Айний Ўзбекистондаги адабий жараёнда фаол қатнашганлиги ва қатор асарларини ўзбек тилида ёзганлиги учун ҳам ўзбек совет адабиётининг пойдеворини қурганлардан бири деб ҳисоблаймиз. Айни чоқда бу буюк ёзувчи асарларида халқимиз тарихининг жуда кўп ёрқин саҳифалари ҳаққоний акс этди. Худди ана шу хусусият — ўзбек халқи ҳаёти, тақдири ва унинг адабиёти, маданияти билан туташ жиҳат — унинг шогирди Жалол Икромийнинг таржимаи ҳолида, асарларининг материали, мавзун, мазмуни, қаҳрамонларининг руҳида ҳам ёрқин ифодаланган.

Мирзо Турсунзода «Дружба народов» журналида босилган бир мақоласида (1972 йил 9-сон) «Афсуски биз насримиз ютуғи тўғрисида гапирганда анчагина тор номларгагина суянамиз: Садриддин Айний ва Жалол Икромий, Раҳим Жалил ва Сотим Улуғзода, Фотиҳ Ниёзий ва Фазлиддин Муҳаммадиев, Ҳасан Нурфон — мана шуларнинг ўзи холос», деб ёзганди. (Мақолада наср соҳасига қатор ёшлар кириб келаётганини ҳам эслатганди, бу ёшлар ҳозир тожик насрининг навқирон силсиласини ташкил этади). Шунингдек, бир қатор мунаққидлар, жумладан, М. Пархоменко, В. Оскоцкий, Ю. Суровцевнинг тожик адабиётига доир мақоаларида ҳам Жалол Икромий Садриддин Айнидан кейинги прозаикларнинг етакчиси сифатида тилга олинади. Мирзо Турсунзода Тожикистон ёзувчиларининг VI съездидаги нутқида Жалол Икромий тўғрисида бундай деганди: «Ҳеч кимга сир эмаски, бизнинг машҳур прозаигимиз Жалол Икромий ғурур билан ўзини Айнийнинг шогирди, деб ҳисоблайди. Менинг назаримда, бу Жалол Икромий ўз устозини такрорлайди деган сўз эмас. Мутлақо ундай эмас. Биз, ўқувчилар Айний услубини Икромий услубидан фарқлаймиз. Гап шундаки, Икромий ўз мураббийсининг энг яхши фазилатларидан баҳраманд бўлди — ундан халқ ишига чексиз садоқатни, даврнинг илғор ғояларидан илҳомланишни, катта меҳнатсеварлик, сўзга талабчанлик билан ёндашишни, севган иши учун ўзининг бутун жони-дилини, бор талантини сарф қилишни ўрганди. Агар сиз шу нуқтага назардан келиб чиқиб, Жалол Икромийнинг «Олов қизи» ва «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» романларини Садриддин Айнийнинг «Эсдаликлар»и билан муқояса қилсангиз, уларнинг сўз устаси сифатида ўз овози, ўзига хос ёзиш йўли, ўз мавзояси билан бир-бирдан фарқ қилиб туришини осонгина сезиб оласиз» («Памир» журнали, 1971 йил, 3-сон, 5-бет).

Жалол Икромий Садриддин Айнийга бағишланган «Устозим, мактабим ва мен ўзим» номли асарига: «Мен унинг хотираси олдида бош эгаман ва чексиз иззат-хурмат билан унинг номини тилга оламан: устод Садриддин Айний»,— деб хитоб қилади.

Устод адибнинг ёрқин образини ёшларга содда ва қизиқарли қилиб чизиб берувчи мазкур асар айни чоқда Жалол Икромийнинг босиб ўтган йўл ва асарларининг яралиш тарихини билишга ҳам ёрдам беради. Адиб устоди тўғрисидаги асарлари билангина эмас, балки унинг ўлмас аъёнларини давом эттириши ва ривожлантириши орқали ҳам унга бўлган чексиз муҳаббатини намойиш этиб келмоқда.

Жалол Икромий ўзининг сеvimли устодларидан яна бири сифатида Лев Толстойни жуда кўп тилга олади. «Адабий жанр сифатида роман этишни биз ҳаммамиз Лев Толстойдан ўргандик», дейди у. «Шоди» романининг колхоз тузилишига бағишланган биринчи қисмини ёзишда Михаил Шолоховнинг «Тинч Дон», «Очилган кўриқ» асарларидан мадад олди. Эҳтимол, Жалол Икромий услубига хос бўлган кенг кўламлик, монументалликка мойилликнинг, асар марказига халқ тақдирини қўйишнинг, унинг тарихидаги мураккаб, зиддиятли нуқталарни бадий таҳлил этишнинг, сюжетни динамик ва қизиқарли яратишга интилишнинг, драматик тақдир қаҳрамонларни яратишга ва уларнинг психологик ҳолатини чуқур таҳлил этишга диққат қилишнинг илдизи ана шу устодларидан олган ажойиб сабоқларига бориб уланар.

Ёзувчининг услуби тўғрисида сўз кетганда, унинг «Звезда Востока» журналида босилган (1968 йил, 6-сон) ва бутуниттифоқ танқидчилигининг эътиборини тортган «Тасвирийлик ва психологизм» деган принципал мақоласини эсламасдан бўлмайди (Ю. Суровцевнинг «Дружба Народов» журналининг 1972 йил 9-сонига «Реалистик нарснинг оҳангдошлиги» деган мақоласи назарда тутилмоқда).

Жалол Икромий мазкур мақолада шундай ёзади:

«Абдулла Қодирий асарларини 30-йилларда ўқиган бўлсам ҳам, унинг қаҳрамонларини эсимдан чиқармайман. Абдулла Қодирийнинг, очигина айтсам, сўзга хасислиги, жумлаларини лиризм билан чуқур суғориши мени мафтун этганди. Асар устида ишлар экан, ҳар бир ортиқча сўзни шафқатсизлик билан ўчириб ташлар эди. Унинг асарларидаги ҳар бир деталь зиммасига катта мазмун юкланган. У моҳир заргар томонидан ясалган буюмдек ярқирайди.

Мен Абдулла Қодирийни Айний билан ёнма-ён қўйганимда, бу санъаткорларнинг ҳар хил йўл билан ягона мақсадга, бир чўққи томон борганини аниқ кураман. Айний кенг тасвирий воқеаларни деталлари билан ёритади, санъаткорона қалами остида ҳаётий ҳақиқатга айланган тарихий экскурсиялари билан бизни ўзига жалб этади ва қойил қолдиради.

Ўқувчилар М. Шолохов ва А. Толстой, А. Фадеев ва И. Эренбург, Д. Олдриж ва Г. Бёлл, Шароф Рашидов ва Берди Кербобоев услубларини бир-бири билан алмаштирмаганларидек, бу икки ўзига хос ёзувчининг услубини ҳам ҳеч қачон адаштириб юбормайдилар.

Мана, нима учун «традицион тасвирийлик» «психологик таҳлил»га ёки «жанрий саҳналар»га қарама-қарши қўйилганда, мен бу нарсани тушунмай елкамни қисиб қўяман. Бу худди ошпазга фақат гуручининг ёки гўштининг ўзидан палов қил деб маслаҳат беришга ўхшайди» (175-бет).

Бу парчадаги Жалол Икромийнинг Абдулла Қодирий услубидаги лиризм ва сўзга ниҳоятда масъулият билан ёндашиш (у Абдулла Қодирий асарларидан мадад олганини бир неча марта таъкидлаган) ёки Садриддин Айний услубидаги кенг тасвирийлик, деталларга мойиллик ва тарихга саёҳат этиш жиҳатлари (Жалол Икромийнинг «Бухоронинг ўн икки дарвозаси»да буларга интилиш яққол сезилади) хусусидаги фикрини қўя туриб, эътиборини «традицион тасвирийлик» ва «психологик таҳлил» масаласидаги мулоҳазасига қаратмоқчимиз.

Жалол Икромий романчиликдаги асрий традицияларни, яъни Пушкин, Бальзак, Л. Толстой мактабини, шунингдек, Максим Горький, Михаил Шолохов, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий каби устозларнинг сабоқларини қадрлайдиган, шу йўлдан борадиган ёзувчи, айни чоқда жаҳон романчилигидаги янги изланишларнинг ҳам қадрига етадиган ижодкор. У баъзи ёшларнинг Хемингуэй, Ремарк, Олдриж каби сўз санъаткорларининг услубий изланишларининг тани олиб, қолган жаҳон классикаларига менсимасдан қараш тенденциясини қоралайди. Романнинг вазифаси қандайдир «кичик одамнинг чалқаш, боши-кети йўқ «онг оқимини» бериш эмас, балки «замонанинг актуал масалаларини бадий ҳал этиш»дир. Хемингуэй, Ремарк ёки Олдрижларнинг самарали сабоқларига келганда, ижодий ўрганмай, фақат уларга тақлид қилиш кутилган натижага олиб келмайди. Шакл шакл учун эмас, балки «мазмунни ифодалашга хизмат этувчи шаклни танлаш керак, деб таъкидлайди.

«Агар ҳозирги романлар ва, умуман, бутун прозага хос бўлган хатти-ҳаракатнинг тезкорлик билан ривожланиши, воқеанинг драматиклиги, қаҳрамон психологиясига жиддий эътибор бериш каби «новаторлик» тенденциялари тўғрисида гапирадиган бўлсак, қўлни кўкракка қўйиб айтишим мумкинки, Пушкин ва Бальзак прозасидан шиддатлироқ ва драматикроқ прозани, Л. Толстойнинг «Анна Каренина» романи ва бошқа романларидек психологик романларни мен билмайман,— дейди Жалол Икромий ва давом этиб ёзади:— Совет ҳукуматининг дастлабки 40 йилида пайдо бўлган ва бугун классик деган кўпгина асарларимизга «традицион тасвирийлик» элементлари хос эканлиги ҳеч кимга сир эмас. М. Шолоховнинг «Тинч Дон» ёки А. Толстойнинг «Сарсонлик-саргардонликда», Л. Леоновнинг «Океанга йўл», А. Фадеевнинг «Тор-мор» асарларини шу «тасвирийлик»сиз тасаввур этиб кўринг-чи. Бу асарларда психологик таҳлил йўқ дейишга ким журъат қила олади» Шолоховнинг

Григорий Мелехови, Фадеевнинг Левинсони ёзувчининг қаҳрамон психологияси қаҳрамонга кириб боришининг намунаси эмасми!» (175-бет).

Жалол Икромий ўзининг мана шу услубий йўналишига мансублигини таъкидлайди. У ўзининг «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» трилогиясида, ундан аввал ёзган биринчи романи «Шоди»да, «Сафар махсумнинг саргузашти» (биринчи китоби Ҳабибулло Назаров билан ҳамкорликда ёзилган, иккинчи китобини ўзи ёзган) ва «Жони қаттиқ зоғ» романларида, қатор повестларида ҳаётни кенг эпик шаклда тасвирлаш, турмуш деталлари ва этнографик белгиларга диққат қилиш, воқеанавислик билан психологик таҳлилни ўзвийликда бериш йўлидан борди. «Шуларга суяниб, эҳтимол, мени биров «эскича» ёзувчи деяр, рост гапни айтганда, шу «эскичалик» мен учун ҳар қандай шубҳали «новатор» шухратидан ҳурматлироқ бўлади. Мен жаҳон адабиёти ва биринчи назбатда, кўп миллатли совет прозаси томонидан тўпланган тажрибаларни инкор этувчи новаторларга ишонмайман, — деб ёзади Жалол Икромий.

Ҳозирги романчиликдаги сюжетнинг шиддатлилиги, драматизмнинг кучлилиги ва психологик таҳлилнинг ўтқирлиги сингари жиҳатлар унинг кўпгина етук асарларида ёрқин акс этган. Шарқ прозаси — классик насрчилигимизда воқеавийлик, сюжетни қизиқарли қилиб тузиш, кўтаринкилик ва шеърнинг фаол иштироки каби яхши фазилатлар совет Шарқи романчилиги жисмига сингиб кетган. Бундай хусусиятларнинг муҳри Жалол Икромий романларида ҳам сезилади. «Ўзимни айбдор деб биламан» романи ва «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» трилогиясида келтирилган шеърли парчалар асар лиризминини чуқурлаштирибгина қолмасдан, айни ҳоқда, қаҳрамонлар психологиясини очишда катта қўмак берган. У қатор пьесалар ҳам ёзди («Душман», «Муҳаббат уруғи», «Она қалби», «Улнинг тикани», «Куйган қалбар», «Гарнизон таслим бўлмапти»). Драматургияда эришган ютуқлари ижодкорнинг романларида воқеани кескинлик билан тасвирлашга, айниқса, драматик характерлар яратишга, асар конфликтини таранглиқда ифода этишга ёрдам берди.

Жалол Икромий фаол ва катта мақсадлар билан яшовчи қаҳрамонларни тасвирлашни севади. «Бош ва иккинчи даражали мавзулар» деган мақоласида («Дружба народов», 1972 йил, 9-сон) янги тожик прозаси учун «курашувчи, ғалаба қилувчи, аниқ мақсад сари интилувчи, фаол, жонли ва реал қаҳрамонлар керак», деб ёзганди. У драмаларида ҳам, повесть, ҳатто романларида ҳам ҳаётни ўз идеалига қараб ўзгартиришга ва қайта қуришга бел боғлаган қаҳрамонларни тасвирлашга интилди. Бироқ ёзувчи бу ниятига осонликча эришмади. «Шоди» романида ортиқча тасвирийлик, ҳаётдаги зиддиятларни силлиқлаштириб тасвирлаш ва қаҳрамонларни схематик тарзда кўрсатиш иллати мавжуд эди. Бундай қусур унинг дурустгина ёзилган «Ситора» повестида ҳам сезилади («Ситора»да Жалол Икромийнинг кейинги ижодининг бош мавзуи бўлган хотин-қизлар масаласи биринчи бор жиддий кўтарилган эди.). Ёзувчининг ўзи тожик прозасидаги етишмовчиликлар тўғрисида фикр юритганда, бундай етишмовчиликларнинг сабабларидан бири роман жанрининг тожик адабиёти учун янги жанр эканлиги ва шу тўғрисида тажрибанинг озлигини кўрсатса, иккинчидан, конфликтсизлик назариясининг зарари катта бўлганлигини таъкидлайди. «Дружба народов» журналидаги ўша мақолада давом этиб шундай деганди: «кейин прозаикларнинг қўли ва оёғини боғлаб қўйган конфликтсизлик ғояси кенг тарқалди. Китобхонни қониқтирадиган конфликтсиз асар ёзиш жуда қийин, мумкин ҳам эмас. Қатор нурсиз асарлар пайдо бўлди, ўзимнинг «Шоди» романимнинг иккинчи қисмини ҳам шулар қаторига киритаман».

«Ўзимни айбдор деб биламан» (1957) романида адиб бундай иллатлардан қўтулганини ва ижодда дадил олга қадам ташлаганини кўрсатди. Бу асар тожик романчилигидаги энг яхши асарлар қаторидан ўрин олди. Ҳажми кичик (8 босма табоқ, шунинг учун танқидчилар уни повест ҳам дейишади), бироқ мазмунини чуқур. Ундаги Анвар, Мухтор, Зайнаб каби саноқли қаҳрамонларнинг ижтимоий-маънавий қиёфаси чуқур ва равшан очилади. Ҳозирги романчилигимизда кўп қўлланаётган йўл — бирор воқеага — ҳодисага қаҳрамонлар муносабатини кўрсатиш орқали уларнинг маънавий дунёсини очиш усули мазкур романда муваффақиятли қўлланилган. Мактаб директори Анвар ўқитувчиларнинг ойлгини йўқотиб қўяди, Мухтор ва Зайнаб уни топиб олишади, Мухтор пулни эгасига қайтармоқчи ҳам эмас, аксинча, шу баҳонада Анварнинг таъзирини беришни кўнглига тугади. Мухторни қаттиқ севган Зайнабнинг қалбида севгилисининг нопок йўлидан юриш керакми ёки ҳақиқатни — Анварни ҳимоя қилиш керакми деган тортишув бошланади. Ёзувчи асарни композиция жиҳатидан шундай маҳорат билан қурадики (асар терговчи билан Анварнинг суҳбатидан, яъни воқеанинг охиридан бошланади), китобхон ҳам жиноят қандай содир бўлганини билишга ошиқади, ҳам воқеага тортилган қаҳрамонларнинг ўтмишию бугунини яққол кузатиб боради. Ёзувчининг асосий диққати қаҳрамонларнинг руҳий оламини таҳлил этишга қаратилган. Қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракати, шу тўғрисида туғилган кечинмалар ва психологик ҳолатларнинг яна янги воқеа ҳамда ҳаракатни келтириб чиқариши асарнинг бадиий қимматини белгилаган.

«Мен ўйлайманки, — дейди Жалол Икромий, — қаҳрамоннинг бирон факт, жумладан, бошқа персонажлар ҳатти-ҳаракатига нисбатан билдирган реакциясини тасвирламай туриб, унинг ички дунёсини кўрсатиб бўлмайди... Қаҳрамоннинг ўзини ўраб турган шу муҳитни, атрофда содир бўлаётган воқеаларни идрок этишини кўрсатмасдан туриб, унинг маънавий оламини очиш қийин. Бунинг қандай ижро этилиши эса бошқа масала: ҳар бир материал ўз ифода шаклини талаб қилади. «Ўзимни айбдор деб биламан» романимнинг асосида ётган материал чуқур психологик таҳлилни талаб қилди ва мен ҳамма воқеага қаҳрамон кўзи билан қарашга интилдим, тарихий романим «Олов қизи» «тасвирийлик» деган йўлни талаб қилди ва

шунинг учун мен унда этнографик манзараларни, турмуш деталларини четлаб ўтолмадим» («Звезда Востока» журнали, 1968 йил, 6-сон).

Бу сўзлар Жалол Икромийнинг психологик таҳлилидаги ўзига хос йўлини, принципларини аниқлашда кўмак беради. Чунки адабий танқидчиликда ёзувчининг баъзи асарларида, айниқса, «Олов қизи»нинг давоми бўлган «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» ва «Афдарилган тахт» романларида психологик таҳлилниг заифлиги хусусида айтиб ўтилган эди. Жалол Икромий ўз мақолаларида масалага асар материалидан ва жанр талабидан, худди шунингдек, ёзувчининг ўзига хос услубидан келиб чиқиб баҳо бериш кераклигини таъкидлайди. Бунда, албатта, маълум ҳақиқат бор.

Жумладан, тожик адабиётшуноси О. Сайфуллаевнинг «Дружба народов» журна-лида босилган (1972 йил, 9-сон) «Уч авлод» мақоласида, айниқса, Ю. Суровцевнинг мазкур журналнинг шу сонидagi мақоласида «Олов қизи» билан трилогиянинг кейинги икки китоби ўртасидаги бадий фарқ танқид қилинади. Ю. Суровцев бундай ёзади: «...иккинчи қисмда худди шу психологик тўлиқлик етишмайди. Воқеавий сюжет — мураккаб ва драматикми? Ҳа! Турмуш тасвири, нафислик, деталлаштириш-чи? Ҳа, ҳикоянинг бу «қатлами»да Айний прозаси давомчилигининг мустаҳкам қўлини ҳис қилишинг мумкин. «Бухоронинг ўн икки дарвозаси»даги психологик таҳлилга келганда у иккинчи планга (агар учинчи-тўртинчи демасак) тушиб қолади, муаллиф томонидан тасвирга олинган характерларнинг эса қанчалик объектив мураккаб эканлиги кўп қиррали таҳлилни ва сўзнинг тўғри маъносидagi назокатни талаб қилганди. Бунда кўпгина қаҳрамонлар психологияси умумий сўзлар билан таърифланган ва бу ерда тажрибали таржимонларнинг айби йўқ, деб ўйлайман».

Жалол Икромийнинг трилогиясида ҳам ўзбек адабиётидаги шу жанр билан боғлиқ юз берган бир камчилик кўзга ташланади. Бизда бир қанча романлар аввал бир китобга мўлжаллаб ёзилди, кейинча икки ва уч китобга айлантирилди. Йиғилган барча ҳаётий материал, «тайёрланган» бадий воситалар ва, айниқса, ёзувчининг руҳий тайёрлиги биринчи китобга сарф этиб юборилганда, қолганларига худди шу ҳал қилувчи асослар етишмай қолади. Жалол Икромий 1962 йилда «Олов қизи» романини ёзади ва адабий жамоатчилик асарга юксак баҳо беради, Рудакий номидagi республика Давлат мукофоти билан тақдирланади. 1970 йилда иккинчи китоб «Бухоронинг ўн икки дарвозаси», 1974 йилда учинчи китоб «Афдарилган тахт» нашр этилади. «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» учала асарни бирлаштирувчи номга айланади.

Сўзсиз, энди ёзувчининг гоёвий-бадийий нияти ва вазифаси ўзгарди, кўпайди. Материалнинг қамрови ва умумлаштириш кўлами кенгайди; бош масала халқнинг социалистик революцияга, янги ҳаётга келишини кўрсатиш бўлди ва демак «Олов қизи»да қўйилган аёл тақдир масаласи энди халқ тақдирини кўрсатиш масаласига ўсиб чиқди. Турли табақадаги одамлар дунёқарашининг шаклланиши ва ривожини, қарашлар, нуқтаи назарлар ўртасидаги ўткир синфий, гоёвий тўқнашувларга эътибор берилди. Демак, давр зиддиятига чуқур кирилди. Шу асосда тарих ҳаракати билан шахс тақдирини ўзаро узвийликда, ўзаро тақозода кўрсатилди. Бу нарса ўз-ўзидан қаҳрамонларнинг ижтимоий ҳаёти ва тўқнашувига эътибор беришга олиб келди. Булар, айни чоқда, асар руҳида қаҳрамонлик йўналишининг кучайишига сабаб бўлди. Асарга ўнлаб янги персонажлар кирди («Олов қизи»да 157 персонаж борлигини тожик танқидчилари қайд этишган), сюжети сертармоқ бўлди, оммавий сахналар кўпайди, тарихий факт ва тарихий шахслар иштироки кескин ошди — ҳужжатлилик вази ортди (Файзулла Хўжаев ва ҳатто Ҳамзагача бор). Шаҳар ҳаёти тафсилоти, турмуш деталлари, халқнинг урф-одати билан боғлиқ ҳолатлар фаол иштирок этди. «Эпопея предмети фаолият (тақдир) эмас, кенгрок воқеадир, яъни у турмушни бутун кўлами билан қамраб олади» деб ёзган Г. Гачев мутлақо ҳақдир («Вопросы литературы», 1965 йил 10-сон).

Тўғри, трилогиянинг кейинги икки китобида классик тасвирийлик ўрнини баёнчилик, эзмалик, ахборот бериш эгаллаган жойлар учрайди; воқеанависликка берилиш ва персонажларни психологик таҳлили воситаларининг бир хиллиги, айрим характерларнинг нурсизлиги (Файзулла Хўжаев) сезилади. Айниқса, орқага қайтиш — ўтмишга мурожаат этишга керагидан ортиқча ўрин ажратилади; жуда кўп персонажлар ўз ўтмишини ҳикоя қилиб беради. «Минг бир кеча» ёки «Чор дарвиш»даги каби, персонажларнинг ўз саргузаштини сўзлаб беришга киришиб кетиши воқеа ритмигагина таъсир этиб қолмасдан, биринчи навбатда, характер очишда схематизмни келтириб чиқаради.

Лекин бундай етишмовчиликлар Жалол Икромийнинг энг йирик ва тожик адабиётининг ютуғи деб ҳисобланган мазкур трилогиясининг қимматини тушира олмайди. В. Оскоцкий «Инсон тақдирдан халқ тақдирига» мақоласида («Памир» журна-ли, 1978 йил 11-сон) мазкур трилогиянинг мазмунан ва шаклан Г. Марковнинг «Сибирь», С. Залигиннинг «Комиссия», А. Нурпеисовнинг «Қон ва тер», Г. Ходжернинг «Кенг Амур» асарлари сирасига мансублигини таъкидлайди. «Дружба народов» журна-лининг 1974 йил 11-сонида китобхонларнинг Жалол Икромийга юборган мактубларидан бир қанчаси эълон қилинди. Бу миннатдорчилик хатларида ҳам асарнинг кенг ўқувчилар оммасига манзур бўлганлигини аниқлаш мумкин. Урни келганда шу нарсани таъкидлаш керакки, Жалол Икромий ҳар бир асари учун материални ниҳоятда пухта ўрганади, бир эмас, ўнлаб одамларни порототип қилиб олади. «Дружба народов» журналининг худди шу сонида адибнинг ўз ўқувчилари саволларига берган жавобида, шунингдек, «Бош ва иккинчи даражали мавзулар» айниқса, «Тарих ҳақиқати — характер ҳақиқати» (бу «Литературная газета»да босилган) мақоаларида «Бухоронинг ўн икки дарвозаси» асарининг яратилиши тарихи ҳақида ва тарихий жанр, бадий тўқима тўғрисида жуда эътиборли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлайди (мазкур три-

логия хусусида кўп ёзилгани ва асар машҳур бўлгани учун қисқароқ сўзладик). Ёзувчининг тожик романчилиги, умуман Урта Осиё халқлари романчилиги тўғрисидаги фикрлари илмий-амалий жиҳатидан, айниқса, қимматли. У Шарқ классик насрчилиги (айниқса, «халқ романлари») ва дostonчилиги заминида ҳамда рус, жаҳон романчилиги таъсирида вужудга келган ва ўз миллий қиёфасига эга бўлган тожик, ўзбек ва бошқа қардош халқларнинг романларини умумиттифоқ адабиётшунослиги ва танқидчилиги томонидан чуқур ўрганиш вақти аллақачон етганлигини жуда тўғри таъкидлайди.

Жалол Икромий романлари ҳам бунинг учун қизиқарли материал беради. «Шоди» романида колхоз ҳаётига доир турли масалалар тасвирланади. «Узимни айбдор деб билман» романида психологик романчиликнинг яхши намунасини яратди. Ҳабибулло Назаров билан бирга «Сафар махсумнинг саргузаштлари» номли асарини ёзиб юмористик роман жанрида тажриба қилиб кўрди. Маълумки, совет адабиётида юмористик, сатирик романчилик соҳасида саноклигина асарлар бор. Ўзбек ва тожик прозасида юмор, сатира элементлари кучли. Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Ғуломнинг сатирик, юмористик асарлари, ҳозирги кунда Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов каби ёзувчиларимизнинг бу соҳадаги ютуқлари ва, айниқса, умумиттифоқ китобхонарига манзур бўлган тожик ёзувчиси Фазлиддин Муҳаммадиевнинг «У дунёга саёҳат» сатирик қиссаси ҳар иккала халқнинг сатирик жанрда анчагина ютуқ, ибратли анъанаси борлигидан далолат беради.

«Сафар махсумнинг саргузаштлари» романи ўткир сатира ва самимий юмор билан суғорилган асар. Ёзувчилар ўз қаҳрамонининг саргузаштлари орқали революция арафасидаги меҳнаткаш халқнинг кулфатли ҳаётини, уларнинг зулмга қарши бош кўтаришини, золимлар ва руҳонийларнинг кирдикорларини ақс эттиради.


«Бизнинг романимиз, — деб таъкидлашади муаллифлар, — халқ орасида юрган афандилар ва қизиқ воқеалар тўплами эмас, йўқ-йўқ. Такрор айтамиз: нима ҳақида сўз кетган бўлса, ҳаммаси бўлиб ўтган, биз сира ҳам оширмай ва сира ҳам камай-тирмай, фақат ҳалоллик билан ҳикоя қиялпмиз. Биз сизни қандай бўлса-да кулдирмакчи эмасмиз. Бизнинг қаҳрамонимиз Мушфиқий ҳам эмас ва мулла Насриддин ҳам эмас» («Приключения Сафара махсума», Москва, 1966/год).

Шундай бўлса-да, Сафар махсум йўл-йўлакай қизиқ-қизиқ ишлар қилади (ҳатто латифалар айтади): шу жараёнда бошқа одамларни фoш этади ва, айни чоқда, ўзи ҳам маънавий, ғоявий жиҳатдан ўсиб боради.

Жалол Икромийнинг ўткир сатирик қалами «Жони қаттиқ зоғ» романида янада равшан кўринган. У ҳаётдаги ва одамлар онгидаги иллатларга нисбатан аёвсиз фикр юритади. Мазкур ўткир драматик ва чуқур психологик романида халқ мулки, ризқини талон-тороғ қилган «зоғ»ларнинг кирдикорини фoш қилади. Унда ёзувчи «жони қаттиқ зоғ»ларга қарши кураш масаласини жиддий кўяди. Райком секретари Аминжон Рахимов, колхоз раисаси Нодира опа каби принципиал коммунистлар кўй терисини ёпинган бўри — Мулло Ҳокироҳ, район милиция бўлимининг бошлиғи, айёр Абдусаттор, амалпараст, юлғич прокурор Бўрихон каби ярамасларга қарши кескин курашадилар. Ҳар қандай иллатни кўргани кўзи йўқ Дадажон эса акаси Мулло Ҳокироҳнинг найрағларини билмайди ва анча вақт улар тузоғига илиниб юради. Шу туфайли севглисини Наргиснинг ўлимига сабаб бўлади (ёзувчи шу масалада мелодраматизмни беришда бир оз меъёрни бузади). Адиб «зоғ»ларнинг айёрлиги, усталлигини маҳорат билан кўрсатар экан, бундан бош нияти ўқувчини сезгирлик ва фаол курашга қаҳиришидир. Романи «Бироқ, афсуски бу зоғ ўз-ўзидан йўқ бўлмайди, унинг жони қаттиқ, у усталик билан мослашади. Шунинг учун у билан узоқ ва қаттиқ курашишга тўғри келади, бу курашда бирор дақиқа жим туриш керак эмас», деб тугатиши ҳам бежиз эмас.

Жалол Икромийнинг ёзувчилик жасорати унинг очеркларида ҳам кўринади. У ўнлаб очерклар ва саёҳатномалар ёзган. Лекин буларда «уни кўрдим-буни кўрдим», деган чайналган, схематик йўлдан бормайди. Ҳар бир очеркида муҳим ижтимоий-ахлоқий масалани кўтаришга уринади. Бу жиҳатдан унинг А. Одинов билан ҳамкорликда эълон қилган «Йўлдаги саргузаштлар» китоби (Москва, 1966) фикримизни тасдиқлайди. Асарнинг «Белги ва план» деган бобида давлатнинг плани тўғрисида ва халқнинг тақдири ҳақида ўйламай, фақат қуруқ шoн-шухрат учун «қилинди», «бажарилди», «бўлиб ўтди» деб белги қўювчилар кескин танқид қилинади. «Азизовнинг кўтарилиши ва ҳалокати» деб номланган бобда эса шахсни маънавий ҳалокатга олиб келган сабабларнинг илдизи очилади. Бундай жасорат ёзувчининг барча жанрларга мансуб асарларининг ҳаётийлиги, реалистик қудратини таъмин этган бош омиллардан биридир.






«Ёшлик» Журналига

Ёшлик ўтар, дейдилар,
Ўтмайдиган ёшликман.
Йўқ, ўйламанг...
Киоскада
Ётмайдиган «Ёшлик»ман.



МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙга

Кўп тиллардан ағдардик роса,
Яқин бўлсин дея орамиз.
Шу мақсадда ишлаш керак бўлса,
Тоғни ҳам ағдарамиз.



ПИРИМҚУЛ ҚОДИРОВга

Бобир келса соғиниб гулшанига
Тўй-тўйласак — бор гулдастамиз.
Энди қадим Шошнинг шаънига
Яна (кумуш) камарбастамиз.



ЎТКИР ҲОШИМОВга

Ўткирсан деб гоҳо мақтайдилар,
Гоҳ танқид чалинар кулоққа.
Нур бор жойда соя бўлар экан,
Дунёнинг ишлари шунақа...

Асқад МУХТОРға

Бир қаноти назму бир қаноти наср
Илҳомингиз оти бор бўлсин!
Лаҳзага эгизак туғилса-да сатр,
Мангуликка даҳлдор бўлсин.



НУРАЛИ ҚОБУЛға

Азиз билинг, қанотим денг
Она юрт илҳомини.
Европага етказдим мен
Ойқор тоғнинг номини.



Усмон АЗИМОВға

Ўзига ярашар куйиб-пишгани,
Жўш урмагай ижод хилватда.
Маяковский-ла буй ўлчашганинг
Бўйи ҳам тез ўсар, албатта.



Маданият ҳаёти

Маълумки, Тошкент область Ёзувчилар союзи бўлимнинг ташкил этилгани область адабий ҳаётида катта воқеа бўлди. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, атоқли шоир Абдулла Орипов раҳбарлик қилаётган бўлим ходимлари қисқа вақт ичида областнинг шаҳар ва қишлоқларида яшаб, ижод этаётган ёзувчилар, шоирлар, драматурглар билан яқиндан алоқа ўрнатди. Бўлим ташаббуси билан саноат корхоналарида, маориф ва маданият муассасаларида, колхоз далаларида, чорвадорлар хузурида мунтазам равишда адабий учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, ёш ижодкорларни уюштирадиган, уларга катта адабиёт сари парвоз қилиш учун қанот берадиган адабий уюшмалар, тўғараклар ҳам ташкил этилаётир. Яқинда ана шундай адабиёт «чашма»ларидан яна бирининг кўзи очилди: Оҳангарон район марказида «Илҳом» адабиёт уюшмаси тузилди. Шу муносабат билан Оҳангарон педагогика институтида, Ворошилов номли колхозда ўтказилган йиғинларда Абдулла Орипов, Назармат, оҳангаронлик кекса шоир Усмон Умарзодалар сўзга чиқиб, бугунги адабий жараён, областдаги адабий ҳаёт хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, янги шеърларидан ўқиб бердилар.

* * *

Украина ЛКСМ МК «Молодь» нашриёти ўн йил давомида 15 жилддан иборат «Совет Иттифоқи ёш шоирлари шеърляти»ни нашр этди. Нашриёт энди 15 жилдлик «Совет Иттифоқи ёш ёзувчилари прозаси» сериясини чиқара бошлади. Арман, белорус, грузин, қозоқ, ўзбек ёш адиблари асарлари жамланган китоблар украин китобхонлари қўлига теғди. Яқинда нашриёт, СССР ташкил этилганининг 60 йиллигига бағишлаб, РСФСР ёш носирларининг ана шу сериядаги икки жилдлик ҳикояларини босмадан чиқарди.

* * *

Октябрь ойида бир гуруҳ ёзувчилар — Сайёр, Зоҳир, Аълам, Сафар Барноев, Тўлқин, Тошпўлат Ҳамид, Тошпўлат Аҳмад, Музаффар Турсуновлар Бухоро область меҳнаткашлари билан қатор учрашувлар ўтказдилар. Шоир ва ёзувчилар областнинг Олот районидаги Энгельс номли колхоз деҳқонлари, «Амударё» совхози боғдорлари, Ромитон районидаги «Октябрь эллик йиллиги» колхози, шунингдек, Қоракўл, Свердлов районлари пахтакорлари хузурида бўлиб, меҳнаткашлар ҳаёти, зафарли ишлари билан яқиндан танишдилар, ўз асарларидан намуналар ўқиб бердилар.

* * *

Шу йилнинг февралда атоқли рус классик шоири В. А. Жуковский таваллу-

дига 200 йил тўлади. Ана шу муносабат билан СССР Ёзувчилар союзида шоирнинг юбилейини ўтказиш бўйича комиссия тузилди. Комиссиянинг дастлабки йиғилишида шоир юбилейини нишонлаш режалари, амалга оширилажак тадбирлар муҳокама қилинди. В. А. Жуковский асарларининг махсус нашри чоп этилади, Москва ва Ленинграддаги марказий кутубхоналарда, Марказий Адабиётчилар уйида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазмалар ташкил этилади. Юбилей тантаналари Москва, Ленинград, Тула, Томск шаҳарларида, шунингдек, шоирнинг туғилган қишлоғи Мишенскда кенг нишонланади.

* * *

Ўтган йилнинг октябрида Софияда жаҳон ёзувчиларининг халқаро IV анжумани бўлди. «Тинчлик — ер куррасининг наҳот ва умиди» шiori остида ўтган бу йиғинда дунёнинг 70 мамлакатидан келган адиблар қатнашиб, инсоният тараққиёти ва Ердаги ҳаётнинг даҳлсизлиги учун, ядро урушининг олдини олиш, империалистларнинг тажовузкорона сиёсатига қарши қандай курашмоқ кераклиги хусусида ўз сўзларини айтдилар. Ёзувчиларнинг бу халқаро анжуманига Халқаро Ленин мукофоти лауреати, атоқли инглиз адиби Жеймс Олдриж раислик қилди.

Ёзувчиларнинг София шаҳрида ўтган Халқаро IV анжумани Ердаги тинч ҳаёт ва тараққиёт йўлида қўйилган яна бир дадил, умидбахш қадам бўлди.

* * *

Таниқли итальян ёзувчиси ва адабиётшуноси Пьетро Читати кўп йиллардан бери Лев Толстой ҳаёти ва ижодига бағишланган китоб ёзиш орзусида эди, яқинда у ана шу «Толстой» деган асарини ёзиб битирди. Китоб бешта катта-катта қисмдан иборат: биринчи қисмда Лев Толстойнинг ёшлиги, шунингдек, ёзувчи ҳаётидаги муҳим босқичлар — Кавказ ва Кримдаги ҳарбий хизмат йиллари, Франция, Италия, Швейцария сафари тасвирланади; кейинги қисмларда «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» романларининг яратилиш тарихи ва бу улкан асарларнинг таҳлили, улғу адиб ҳаёти ва ижодининг сўнгги йиллари ҳақида фикр юритилади.

П. Читатининг бу китоби итальян халқини буюк рус ёзувчиси Лев Толстой ҳаёти ва адабий мероси билан таништиришда улкан хизмат қилиши шубҳасиз, албатта.

* * *

Македония республикасининг Струге шаҳрида, мана, 21 йилдирки, жаҳон шоирларининг аънаванай Струге шеърляти кунлари ўтказиб келинмоқда. Маълумки, Македония республикаси Югославия Социалистик Федератив Республикаси таркибига

кирувчи кичик бир давлат, аммо македон халқининг қадимий тарихи, санъат ва маданияти оламга машҳур. Ҳар йили ўтказиладиган анъанавий Струге шеърляти кунларининг асосий мақсади — жаҳон шоирларини ўз шаҳарларига таклиф қилиб, македон халқининг тарихий обидалари, бугунги ҳаёти, қадимий шеърляти билан таништириш, шунинг баробарида халқлар ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашдан иборат. Яқинда бўлиб ўтган жаҳон шоирларининг анъанавий Струге шеърляти кунларида совет шоирлари — Евгений Долматовский (РСФСР), Роман Лобковский, Петро Скунт (Украина) ва ўзбек шоири Абдулла Орипов иштирок этди.

* * *

Финляндия пойтахти Хельсинки шаҳрида фин ва совет таржимонларининг анъанавий учинчи семинари бўлиб ўтди. Семинарни магистр Улла-Лийса Хейго кириш сўзи билан очди. Кейин фин таржимонлари — Маркку Маннила, Инкери Вехмас-Лехто, Хельге Сеппяли, Ристо Куокканен, шунингдек, Томас Альварес (Чили) ва Совет делегацияси аъзолари — Сергей Баруздин, Владимир Богачев, Вилли Бергман, Салли Лааксо ўртоқлар доклад қилдилар.

* * *

Улуғ Белорус шоири Янка Купала таваллудининг юз йиллиги мамлакатимизда ва бир қанча чет элларда кенг нишонланди. Белорусиядаги юбилей тантаналарига Иттифоқимизнинг барча республикаларидан, Болгария, Польша ва Англиядан адиб-

лар, шоирлар ҳамда Янка Купала ижодининг билимдонлари ташриф буюришди. БССР ФАда шоир ижодига бағишланган илмий сессия, Ленин орденли академик опера ва балет театрида эса Янка Купалага бағишланган тантанали мажлис бўлди; республиканинг шаҳар ва қишлоқларида шоир юбилейига бағишланган адабий ўқишлар, учрашувлар ўтказилди. Шоир таваллудининг юз йиллиги тантаналари Москвада, Совет Иттифоқи Большой театридаги адабий кеча билан якунланди.

* * *

Яқинда Мўғулистонда мўғул ва совет ёш адибларининг «Ёш ёзувчининг адабиётдаги ўрни» мавзудидаги анжуман ва учрашувлари бўлиб ўтди. Москвалик шоир ва таржимон Людмила Букина, бошқирдистонлик шоир Сефуан Алибоев, иркутский шоир Михаил Трофимов, ўзбекистонлик Омон Матчон (делегация раҳбари) каби ёш совет адиблари ўн кун мобайнида Мўғулистоннинг пойтахти Улан-Баторда, Баянқўнғир аймаги (область)да Гоби саҳросидаги бир қатор сомон (овул)ларда адабиёт ихлосмандлари, ишчи ва хизматчилар, студентлар, чўпонлар билан учрашдилар, мамлакат ҳаёти билан яқиндан танишдилар.

Мўғул дўстларимиз Алишер Навоий ғазаллари ва Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романининг мўғул тилидаги нашрини совет делегацияси раҳбари Омон Матчонга тўхфа этдилар.

АДАБИЙ ЖУРНАЛЛАР ЯНВАРЬ ОИИДА

Журнал ёзувчи Михаил Шаломаявнинг «Мухим буюртма» қиссаси билан очилади. Шеърлят бўлимида Гулчеҳра Жўраева, Сайёр, Жўлдас Сейтназаров, Раим Фарҳодий шеърлари берилган. Адабиётшунос Лариса Лединанинг «Совет адабиёти намояндаси» мақоласи Алексей Толстой ижодига бағишланган. Шунингдек, журналда публицистик мақолалар, очерклар, янги китобларга тақризлар, жаҳон адабиётдан таржималар эълон қилинган.

**Звезда
Востока**

Наср ихлосмандлари журналнинг бу сониди ёзувчи Асқад Мухторнинг «Жар ёқасида чакмоқ» қиссасини, ёш носирларнинг бир қатор ҳикояларини ўқийдилар. Назм муҳлислари эса Муҳаммад Али, Чўлпон Эргаш, Ёқубжон Аҳмаджонов, Фарид Усмоннинг янги шеърлари билан танишадилар.

Жуманиёз Жабборов ва Юсуф Шомансурнинг атоқли адиб Мақсуд Шайхзода ҳақидаги хотиралари «Устозларимиз» рубрикаси остида босилган. Шунингдек, Озод Шарафиддиновнинг «Бир йил позицияси» ҳамда Нажмиддин Комилов, Маҳкам Маҳмудов, Шароф Убайдуллаев, Саъдулла Сиёевларнинг мароқли мақолалари ҳам шу сондан ўрин олган.

Ёшлар

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, Н. ВЛАДИМИРОВА, Ж. ЖАББОРОВ, ЗУЛФИЯ, Т. МАЛИК (масъул секретарь), МИРМУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЕЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ, А. ОРИПОВ, И. РАҲИМ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАРБЕКОВ, У. УСМОНОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Ҳ. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, И. ЮСУПОВ, Н. ҚОБУЛ, Ҳ. ҒУЛОМ.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

Орган Союза писателей Узбекской ССР

№ 1

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1983.

Рассом О. Арутюнов

Техн. редактор М. Аҳмедов.

Корректор А. Билолов.

Редакцияга келган бир босма табоқча бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга, «Шарқ юлдуз»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 29.10.82 й. Босишга рухсат этилди 13.12.82 й. Р — 03365.
Қоғоз формати 70×108^{1/16}. Қабариқ босма. Физ. листи 13. Шартли босма листи 18,55. Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 186134. Заказ № 4530.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент — 700029, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© «Шарқ юлдузи» 1983.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:
700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КУЧАСИ, № 1.
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР:

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 332181.
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479.